



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

9

1988

57 -йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Саид АҲМАД

Мурод МУҲАММАД ДУСТ
(бош редактор ўринбосари)

Омон МУХТОРОВ

(проза бўлими мудири)

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Тўроб ТУЛА

УЙҒУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

(масъул секретарь)

Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ

Азиз ҚАЮМОВ


Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА



Наср



Ашурали ЖУРАЕВ

ЮРАК БҮРОНЛАРИ

Ҳужжатли қисса

«Редакция топшириғига биноан, машҳур хонанда Ботир Зокиров билан суҳбат уюштиришим керак эди. Лекин Ботир аканинг бетоблиғи туфайли бу ҳол узоққа чўзилди. Ва ниҳоят, 1983 йил 12 сентябрь куни яна у кишига телефон қилдим.

— Келаверинг, иложи бўлса ҳозир етиб келинг, — деди Ботир ака.

Уша ярим кунлик унутилмас суҳбат кейинчалик бу улуг санъаткор ҳақидаги мана шу ҳужжатли қиссани ёзишимга туртки бўлди...»




Шеърлият

Усмон АЗИМОВ

**ВАТАНДАН БОШҚА БИР СЎЗ
ҚАЛБИМА МОС ТУШМАДИ**

Жоним сенда дейман — айланмас тилим,
Жоним сенсан дейман — юрагим тўлар...
Менинг жоним,
Умрим,
Менинг севгилим!
Энди сени қандай асрасам бўлар?..



*Саргузашт,
Ҳантастика*



Фазилат ҲОЖИҚУЛОВА

КУБОРО ВА ЯРИМ ОДАМ

Қисса

Куборо қисқа муддат ичида, эзгу нияти, олижаноб хатти-ҳаракатлари биланми, сирлилиги, аллақандай саргардонлиги биланми ўзига қадрли, азиз бўлиб қолган Кадеронга тикилиб, хўнграб йиғлаб юборди.

Кейин...

Кейин, ҳамма нарса бир зумда содир бўлди...



Мутал Холмухамедов,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
секретари

ШИЖОАТЛИ ВА ҲАЛОЛ АДИБ

**СССР ВА ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ЛАУРЕАТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ
ШУ ЙИЛ 7 ИЮНДА МОСКВАДАГИ А. ФАДЕЕВ НОМЛИ МАРКАЗИЙ АДАБИЁТЧИЛАР УИИДА
ЎҚИЛГАН ДОКЛАД**

Абдулла Қаҳҳор адабиётга 20-йилларда кириб келди. У Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан кейин, сафдошлари Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон билан биргалликда Ленин Улуғ Октябрь байроғи остида ўзининг ёрқин таланти билан янги ҳаёт қуришда фаол қатнашди, ўтмиш сарқитларига қарши аёвсиз курашди.

Адибнинг ижодий дебюти — 1924 йилда «Муштум» сатирик журналида эълон қилинган «Ойнинг тутилиши» деб номланган ҳажвий шеъри билан бошланди. Ун етти ёшлик Абдулла Қаҳҳор мутаассиблик устидан заҳархандалик билан кулади:

**Уч минг кетмон эгилиб синди,
Минглаб қозон тешилди, вой-вой.**

Ҳаётда кулгили нарсаларни кўра билиш, бошқалар ҳадиксирайдиган бу нарсалар устидан кула олиш Абдулла Қаҳҳор истеъдодининг ўзига хос хусусиятларидан бири эди. Кейинчалик у ўзбек адабиётини шу асосда кўплаб сатирик новеллалар ва комедиялар билан бойитди. Уларда ёзувчи инсонни таҳқирловчи, унинг шахсини бадном этиб, охир-оқибатда одамни ёвузга айлантирувчи, бу ёвузлик натижасида нафақат ўша одамнинг ўзига, балки атроф-муҳитга ҳам жиддий зиён етказувчи барча иллатларга нисбатан муросасиз турди. Абдулла Қаҳҳор ижодининг инсонпарварлик пафоси ҳам айнан шунда намоён бўлди. Бироқ ўша пайтда — 30-йилларнинг иккинчи ярмида — ижод қилиш осон эмасди. Шахсга сиғинишнинг маҳв қилувчи машинаси бетўхтов ва аёвсиз ишларди. Адабиётда фақат ҳаёт нақадар гўзал, деб бор овози билан бақирувчилар, сўзамол хушомадгўйлар иззатда бўлиб, ҳақиқат, тўғри сўз эса қувғинда эди. Мавжуд тартиблар тўғрисида танқидий йўналишдаги жиндай ишорага ҳам йўл қўйилмасди. Шунга қарамай, виждонли, ҳалол ижодкорлар ўша оғир йилларда ҳам ўзлигини сақлаб қола олдилар. Абдулла Қаҳҳор ҳам айнан ўша вақтда «Бек», «Иккиюзламачи» каби ҳикоялар яратдики, буларда шахсга сиғиниш даври тартиблари туйғайли ҳаётимизда янада чуқурроқ илдиз отган мансабпарастлик, саводсизлик, мақтанчоқлик, маҳмаданалик, иккиюзламачилик каби нуқсонлари аёвсиз фош этди. Бу ёзувчидаги чинакам гражданикни ҳам намоён қилди. Афсуски, ўша даврдаги маънавий емирилишлар, аниқроғи, ахлоқсизлик принципларининг тазйиқидан ёзувчи ҳам четда қолмади. А. Қаҳҳор ҳам ҳар хил догматик ва ижтимоий-сийқа танқидларга нишон бўлди. Айниқса, унинг 1935 йилда «Шўро адабиёти» журналида эълон қилинган ва республика конкурсида мукофотланган «Сароб» романи догматик танқидларнинг асосий объектига айланди.

Яна шуни айтиш керакки, А. Қаҳҳорга мукофот тарзида фақат пулгина эмас, марказий Россия бўйлаб саёҳат қилиш учун йўлланма берилди.

У бу саёҳатдан Тошкентга Чеховнинг йигирма икки томдан иборат Тўла асарлар тўпламини олиб қайтди. А. Қаҳҳор учун улуғ адиб асарлари энг сеvimли, энг зарур китобларига айланади. У бу асарларни бутун умри давомида ўрганди, ундан ҳамиша янгиликлар топа олди ва шу тариқа ижодий оламини бойитиб борди. Улуғ Чеховдан олган сабоқларини А. Қаҳҳор ғоят образли ва лўнда ифодалаганди. Муҳтарам устод унга гўё муборак кўзойнақларини бердилар, ёш адиб уни тақиб Чеховнинг кўплаб қаҳрамонлари ўз ҳаётимизда ҳам борлигини, улар ўзбек китобхонларига жуда яхши таниш эканлигини кўрди. Адибнинг ўзи ҳам инқилобдан олдинги йилларда, ёшлик пайтида қишлоқларда бундай одамларни кўрган, кейинчалик шаҳарларда ҳам улар билан кўп учрашганди. Чехов ёш ёзувчига гўё инсон тақдири ва характери, гарчи улар ўзиникига қандайдир даражада ўхшаш бўлса-да, қўрқмасдан қаламга олишга, матонат билан акс эттиришга ундагандай эди. Шундай қилиб 30-йилларда бирин-кетин «Уғри», «Анор», «Бемор», «Томошабоғ» каби ҳикоялар пайдо бўлди. Улар қаторига «Даҳшат» ҳикоясини ва ёзувчи ижодининг сўнгги даврида яратилган, новеллалардан иборат «Утмишдан эртаклар» қиссасини ҳам қўшиш мумкин. А. Қаҳҳор бу ҳикоялари билан ўзининг кичик жанрнинг профессионал устаси эканлигини, энг оддий ҳаётий материал асосида ҳам драматизмга бой, ҳатто фожиавий йўналишдаги чинакам инсоний характерлар ярата олишини кўрсатди.

Абдулла Қаҳҳорнинг дастлабки романи «Сароб» ўзбек прозасининг энг яхши намуналаридан

биридир. Автор бу асар устидаги ишни 1930 йил, яъни 23 ёшида бошлади. Шунга қарамай ёш адиб ўз қаҳрамонларининг ички дунёсига чуқур кириб бора олди, уларнинг мураккаб ҳиссий оламини ғоят ишонарли таҳлил қилди. Романининг тили ҳам ғоят диққатга сазовор — халқчил, ихчам, жозибали. Танқидчилар роман структурасида гўё Жек Лондон романларига, айниқса «Мартин Иден»-га яқинлик бор, деб таъкидлашади. Эҳтимол, шундайдир. Бироқ бу ерда бошқа бир муҳим жиҳатни — «Сароб» ўз руҳи, проблемаси, ғоявий мундарижаси билан М. Горькийнинг «Клим Самгиннинг ҳаёти» эпосеясига ҳамоҳанг туришни ҳам айтиш керак.

А. Қаҳҳорни ҳам, Горький каби, аввало, тарихий жараённинг мураккаблигини англаб етмаган, ўз истеъдодини халққа хизмат қилиш йўлида сарфлашни истамаган маълум бир гуруҳ зиёлиларнинг тақдири қизиқтиради. А. Қаҳҳор диққат марказига худбинликнинг таъсири остида шахсда юз берадиган ўзгаришларни асос қилиб олади.

Роман қаҳрамони ижодий қобилиятга эга бўлган ва келажагига умидли кўз тикаётган университет студенти — ёш йигитдир. Бироқ унинг ҳаёти фожиаги якунланади — ёзувчи бўлиб етишолмаган, ҳаётда ўрнини топа олмаган, бачканалашган, руҳий тушкунликка тушган Саидий ўз-ўзини ўлдиришга мажбур бўлади. Нима учун шундай бўлади? Нега Саидийнинг ҳаёти яхши кечмади? Романда ана шу саволларга ишонарли жавоб берилади. Саидий — истеъдодли одам, бироқ, у юксак мақсадли ғоявий маслақдан маҳрум. У истеъдодини шахсий бойлик ортириш ҳамда шон-шухратга эришиш учун восита, деб билади. Хуллас, худбинлик, шухратпарастлик, жиззакилик, атрофдаги одамларга ҳурматсизлик Саидийни ҳалокатга олиб келади. Абдулла Қаҳҳор социалистик жамиятда шахсиятпарастлик иллатига асло ўрин йўқлигини ишонарли акс эттиради. Танқидчилик эса 30-йиллар охирида романининг бу реал ғоявий мазмунига эътибор бермади. Улар учун бошқа нарса — Абдулла Қаҳҳорнинг Совет ҳокимиятига қарши очикдан-очик кураш йўлига ўтган миллатчи ёзувчини романининг қаҳрамони қилиб олгани «муҳим» эди. Айни пайтда, улар фикрича, автор романда бу миллатчига нисбатан китобхонларда хайрихоҳлик уйғотмоқчи бўлади. Демак, роман бизники эмас, жамиятимизга ёт, ёзувчи ҳам бизники эмас, жамиятимизга бегона. Уша йиллари бундай сиёсий айбловларнинг оқибати даҳшатли якунланарди. Тўғри, Абдулла Қаҳҳор бундай даҳшатдан қандайдир мўъжиза туфайли омон қолди, лекин бу ёвуз ёрликнинг қора сояси уни узоқ таъқиб қилди. Роман 20 йил давомида адабиётнинг бебаҳо хазинасидан олиб ташланди, урушдан кейин то 1952 йилгача Абдулла Қаҳҳор қачонлардир романида буржуа миллатчисини қаҳрамон қилиб олгани сабабли уч марта партия сафига аъзоликка қабул қилинмади.

Бу барча асосиз танқидларга, сиёсий ёрликлар осиларга, ижодини совет адабиётидан ажратишга уринишларга ҳақиқий талант, мустаҳкам ирода ва чуқур сиёсий маслақ эгаси бўлган Абдулла Қаҳҳор қизгин ижодий меҳнат, янги асарлар яратиш билан жавоб берди.

Мухтасарлик, асарни драматик равишда қура билиш маҳорати, қаҳрамонларнинг характерларини баландпарвоз сўзларига қараб эмас, балки уларнинг хатти-ҳаракатлари орқали очиб бериш иқтидори ва ниҳоят, даврнинг социал буюртмаси А. Қаҳҳорни драматургияга, театрга олиб келди. Унинг Мирзачўл чўлқуварлари ҳаётига бағишланган биринчи «Шоҳи сўзана» («Янги ер») комедиясининг ўзиёқ томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Бу комедия Давлат Мукофотига сазовор бўлди ва мамлакатимизнинг 73 театри саҳнасида намойиш қилинди. У бир қатор чет эллардаги театрларда ҳам саҳналаштирилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, «Шоҳи сўзана» москвалик ва ленинградлик томошабинларнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлган ҳозирча ягона ўзбек комедиясидир.

Шунингдек, адиб «Олтин юлдуз», «Дардақдан чиққан қаҳрамон» каби қиссаларида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Аҳмаджон Шукуров ва Кўчқор Турдиевнинг жангдаги жасоратларини бадиий акс эттирди.

Абдулла Қаҳҳор урушдан кейин ҳам ўзининг буюк устозлари Толстой, Чехов, Горький ижодларидан олган бош сабоғига — адабиёт, аввало, инсоншунослик эканлиги тўғрисидаги сабоққа ҳамisha амал қилган ҳолда ижод этди. Бу оддий ҳақиқатни яна таъкидлаш шартми дерсиз? Албатта! Бунинг ўзига яраша сабаби бор. Тўғри, адабиёт инсоншунослик эканлигини ҳеч ким, ҳеч қачон очикдан очик инкор қилган эмас. Лекин шахсга сиғиниш ва турғунлик даврида адабиёт фақат эришган муваффақиятларимизнинг тасвири бўлиши керак, у қўлга киритган ғалабаларимизга ҳамду санолагина ўқиши керак, деган талаблар қўйила бошлаганди. Шубҳасизки, бадиий ижод соҳасидаги бундай принципсизликка қарши турган ёзувчилар қаторида Абдулла Қаҳҳор ҳам бор эди. У ҳақиқий воқеалигимизни турли нуқталардан тадқиқ этишни давом эттирди. Сиддиқжон бош қаҳрамони бўлган «Қўшнор чироқлари» романи ана шундай пайдо бўлди.

Сиддиқжон бахтли ҳаёт излаб қулоқнинг қизига уйланади ва ўз яқинларидан узоқлашади. Қишлоқларда колхозлар тузилади, унинг собиқ дўстлари янги ҳаёт қўйнида жавлон уради, бироқ Сиддиқжон эса фақат уйқусидан уйғонолмайди. Ана шунда бир воқеа унинг кўзини очади — у қулоқ оиласидан узоқлашади, ўз дўстлари даврасига қайтади ва гўё қайтадан туғилади.

Шундай қилиб, А. Қаҳҳорнинг бу романида Сиддиқжоннинг уйғониши — сўнгги хизматкорнинг асрий ғафлатдан бош кўтариши ифодасини топган. Ёзувчи Сиддиқжоннинг шахс сифатида уйғониши, шаклланишини босқичма-босқич таҳлил этади. Эҳтимол, роман бадиий жиҳатдан айрим камчиликлардан холи эмасдир. Бироқ тарих саҳнасида 1946 йил эди. Роман алоҳида китоб ҳолида чиқиб улгурмасданок унга танқид ўти ёғилди. Асар ҳақида нималар дейилмади, унга қандай айблар қўйилмади! Лекин романга қўйилган энг асосий айб сиёсий тусда бўлиб, автор коллективлаштириш давридаги синфий курашни кўрсатмаган, бинобарин, бу асар ғоявий жиҳатдан зарарли деган гаплардан иборат эди. Бундай айбловлар шундай кучайдикки, улар ҳатто таниқли ёзувчи Юрий Либединскийнинг СССР Ёзувчилар союзининг махсус комиссияси таркибида келиб, асарни ва у ҳақдаги фикрларни чуқур ўрганиб, «Литературная газета» саҳифаларида «Сиддиқжоннинг уйғониши» деб номланган, романга ҳаққоний баҳо берилган мақоласидан кейин ҳам тўхтамади. Шундан кейин орадан кўп ўтмай ўша пайтда таъсир доираси катта бўлган «Культура и жизнь» газетасида Ш. Рашидов билан И. Султоновнинг «Воқеликни бузиб кўрсатувчи роман» деган сарлавҳа остида дағдағали мақоласи пайдо бўлди.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Абдулла Қаҳҳор ҳаётининг энг қийин пайтларида ҳам ру-

ҳан тушкунликка тушмай, қизгин ишлади ва янги-янги ижодий муваффақиятларга эришди. Аини пайтда, у ҳўжақўрсинга эмас, ҳақиқий партиявий принцип асосида ижод қилди.

Шунинг учун ҳам у «рашидовчилик» деб ном олган салбий иллатга қарши ҳар хил йўсинда принципал кураш олиб борди. Унинг «Тобутдан товуш» деган сатирик комедияси шундан далолат беради. Абдулла Қаҳҳор бу комедияда порахўрлик ва мансабпарастлик жиноятларини 1963 йилдаёқ фош этган ҳамда маънавий айниш диний хурофотлар, сарқитларнинг авж олишига кўмак беришини яққол кўрсатганди. Ушанда адабнинг бу сатираси турғунлик даври раҳбарларининг иззат-нафисга текканди ва комедия 1964 йилда сахнадан олиб ташланганди. Орадан йигирма йилдан ортиқ вақт ўтган, ҳақиқат қарор топди. Бугунги кунда «Тобутдан товуш» янги ташкил этилган ва эндиликда Абдулла Қаҳҳор номи билан аталган республика Сатира театрининг сахнасида ҳозиржавоб замонавий спектакль сифатида зўр муваффақият билан намоиш этилмоқда.

1959 йилда ёзилган «Синчалак» қиссаси А. Қаҳҳорнинг энг яхши асарларида бири бўлди. Бу қисса жуда катта шуҳрат қозонди — у мамлакатимизнинг деярли барча қардош республикаларида ва айрим чет мамлакатларда ҳам нашр қилинди. Қисса сўз санъаткорининг етуқлигини, унинг ёрқин, ўзига хос инсоний характерлар ярата олишини намоён қилди. Бундан ташқари, қисса адабнинг нигоҳи ниҳоятда ўткир бўлганлигини, биз эндиликда англаб етаётган ва фош қилаётган иллатларни у ўша пайтдаёқ кўра олганини кўрсатади. Асар ёш, ғайратли, қалбад ҳар хил янги ғоялар ва фикрлар жўш урган партия ташкилотининг секретари Саида билан тажрибали, ўзига ишонган, бир оғиз танбеҳни кўтара олмайдиган, юқоридаги «қудратли куч»ларни орқа қилиб ўрганиб қолган раис Қаландаров ўртасидаги кескин ҳамда динамик равишда ривожланиб борувчи конфликт асосига қурилган.

Автор ўша пайтдаёқ ҳўжалик ишларига раҳбарликдаги ношудликнинг, экономикани бошқаришдаги маъмурий команда методининг бутун зарарини ва бу эса пировард натижада инсонни менсимасликка олиб келишини кўрсатиб бера олганди.

Қисса чинакам заковат билан йўрилган. Бу асар ҳақида Абдулла Қаҳҳор ижодининг билимдони Вера Смирнова шундай деб ёзганди: «Синчалак» — ҳақиқий маънода қувноқ китоб, унинг бутун борлигидан ўткир ақл-заковат уфуриб туради, унда нимтабассумдан қудратли қаҳқаҳагача мўжассам».

«Синчалак» қиссаси муносабати билан Константин Симонов ҳамда Абдулла Қаҳҳор — икки атоқли адабнинг дўстлиги ҳақида алоҳида гапириб ўтиш керак. Маълумки, Симонов «Синчалак»ни катта маҳорат билан таржима қилиб, унинг бутун бадиий қудратини, жозибасини рус китобхонларига етказган. К. Симонов икки йил Тошкентда яшаб, А. Қаҳҳор қиёфасида ҳақиқий дўстини топди.

Константин Симонов А. Қаҳҳорнинг Москвада нашр этилган икки томлигига ёзган сўзбошисида ёзувчини жасоратли мард инсон, деб таъкидлайди: «Тошкентда Қаҳҳорнинг ёнида ўтказган дамларимни миннатдорлик билан хотирлаётганим сабаби, унинг асарларини рус тилига таржима қилганимдагина эмас ёки бўлмаса, бу иш менга ёзувчи сифатида муҳим бўлганида ёхуд менга кўп нарса берганидагина эмас ўтган ойлар менга яна юрагимда бу инсон билан — зукко, чўртқар ва аини чоқда қалби одамларга мардона муҳаббат билан тўлган инсон билан шахсий муносабатлар ва улар туфайли туғилган хотиралар боис ҳам қадрлидир».

Адабиётимизнинг атоқли вакилларида бирининг Абдулла Қаҳҳорга берган бу юксак баҳоси унинг китобхонлари, мухлислари қалбини кескиз ғурурга тўлдиради, албатта.

Абдулла Қаҳҳор ёзувчи сифатида халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилди. У ўз халқининг маънавий равнақи Совет тузумининг интернационализи билан, қардош республикалар маданиятларининг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни билан, аввало рус классик адабиёти ва совет адабиётини ўзлаштириш билан чамбарчас боғланганлигига ишонарди. У Гоголь, Толстой, Чехов, Горький асарларини таржима қилган ва тарғиб этган эди.



Биз қачон ўз халқининг виждони бўлган ёзувчилар ҳақида гапирадиган бўлсак, кўз ўнгимизда Абдулла Қаҳҳорнинг образи гавдланади. У бадиий сўзнинг қудратли кучига ишонарди ва шунинг учун ён дафтарчасига шундай қайдлар қилганди: «Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас», «Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим».

Адабнинг ўзи умрининг охиригача бу маслакка содиқ қолди.

А. Қаҳҳор — ҳамиша замонавийдир. Чунки ундаги жасорат, ҳалоллик, самимийлик, виждонлилик, масъуллиқ, ўз маслагига содиқлик каби гўзал хислатлар вақт чегарасини билмайди. Аини пайтда, ёзувчининг истеъдоди билан уйғунлашиб кетган бу хислатлар жамиятимизнинг сифат жиҳатдан янгиланишида, маънавий камолотга эришишимизда босиб ўтишимиз лозим бўлган узоқ ва қийин йўлни ҳамиша нурлантириб туради. Ёзувчининг бизга қолдирган бой ижодий мероси бу йўлда оғиримизни енгиш қилади. Шунинг учун А. Қаҳҳор бизга бугунги кунда ҳам ғоят ардоқли.

Ўзбекистонда ёзувчининг 80 йиллик юбилеи кенг кўламда нишонланди. А. Қаҳҳорнинг ўзбек тилида беш томлик асарлар тўплами ва рус тилида ҳам асарлари нашр этилди. «Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида» деган китоб босмадан чиқарилди, театр, кўчалар, мактаблар унинг номига қўйилди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг Абдулла Қаҳҳоримиз чинакам халқ меҳрига сазовор бўлганлигидан, ижоди катта аҳамиятга эга эканлигидан, асарлари инсонийлик ва донолик тимсоли бўлиб қолганлигидан далолат беради.

Абдулла Қаҳҳор хотирамизда ҳамиша ўлмас сўз санъаткори бўлиб қолаверади.



Усмон Азимов

ВАТАНДАН БОШҚА БИР СЎЗ ҚАЛБИМА МОС ТУШМАДИ

* * *

...Ва фақат ўзингга, ўзингга, ўзингга ишон!
Сесар ВАЛЬЕХО

Роса қирқ ёшингда тўхтадинг, юрак,
Одоб-ла ётибман
Кўксимда қўлим.
Менинг қирчиллама жоним
Не керак,
Мени нима учун ўлдирдинг, ўлим?

Тепамда вариллаб учди учоқлар,
Бошимдан шовуллаб тўкилди оғу,
Бадбўй ҳаволарга тўлди димоғлар -
Аммо мен ҳеч нарса қилганим йўқ-ку?!

Аммо, мен ҳеч нарса қилганим йўқ-ку —
Меҳнат қилавердим бошимни эгиб.
Фақат нону чойми?
Хўш, нима бўпти?
Тартибли бу жоним барчага тегиш.

Хамма шиорларга ишондим чиндан,
Ҳамма буйруқларнинг йўлига тушдим.
Саволлар бермадим —
Ахир, мен кимман?
Ариқдан сув ичдим —
Жигарим шишди.

Болам хазон бўлди кузги япроқдай,
Хотиним кўксидан сут оқди —
Заққум!
Елкамда зилзила турди — титроқдан,
Неча бор кўзёшдан тўлди шўр халқум.

Аммо мен бирор сўз айтдимми ошкор?
Ютдим, ютиб қўйдим ичга тилимни.

Яна ташаббусми? —
Майли!
Мен — тайёр!
Унсиз бош силкидим — бердим дилимни.

Ҳеч кимга ёмонлик қилганим йўқ-ку?!
Мени нима учун ўлдирдинг,
Ўлим?
Нега жасадимга соялар тўкиб,
Учмоқда умримнинг
Исёнсиз йўли?

«Худога шукур» — бу отамнинг сўзи.
Меники-чи, «шукур...» —
Қисқа ва ихчам.
Газетга ёзгани ўқиди кўзим,
Шўрлик тўғри кўзим
Содда бечорам.

Кўрмадим —
Тахтларни қилишди савдо.
Кўрмадим —
Кўшқлару зиндон қуришди.
Кўрмадим —
Тескри айланди дунё —
Покдомон халқни ҳам йўлдан уришди.

Наҳот, заҳарланган онамиз — тупроқ!
Наҳот қуриётган умримиз — Орол!..
Бир алам кўксимда кўзғалди,
Бироқ...
Мулойим табассум қилдим:
— Бемалол...

Бе-ма-лол!..
Танглайим қотди йиғидан.
Ўзимга етмади
Ўзимнинг йиғим...
Чексиз пахтазорнинг илк ҳосилидан —
Нетай — қулоғимга тикилган тикин.

Бошимда «уф» тортар —
Ёнмоқда ичи...
Бу — Ватан!
Уларда таниб ол, кўзим!
У худди ўттиз йил пахтазор кечиб
Пушти куйиб кетган
Опамнинг ўзи.

Илинж-ла тутар у совуқ қўлимдан.
Бошин тебратади:
— Алам! О, алам!..
Қандай олиб қолай сени ўлимдан,
Нимага ҳеч нарса қилмадинг,
Болам?

Эртақ

Ишқнинг осмонида ойга кўшилиб,
Айланган бошинга булутлар қайтар.
Менинг кучоғимда куйдай эшилиб,
Аста шивирлайсан:
— Жонингиз қайда?

Ўғирлайсан жаъми калитларимни,
Сандиқлар очилар — сенга сир айтар.
Излайсан Қўнғирот, Ёвмудларимни,
Ҳориб шивирлайсан:
— Жонингиз қайда?

— Шуми? — Қиличимни қўлга ташлайсан,
— Балки бу? — Қўлингни чўзасан ёйга.
Сўнгра йиғлаб-йиғлаб сўроқ бошлайсан:
— Бир марта айтинг-чи?
Жонингиз қайда?

Ўзингнинг қадрингни сувга отасан,
Менинг иззатимни қорасан лойга.
Боланг ўлган каби фиғон тортасан:
— Ҳамон тирикмисиз?
Жонингиз қайда?

Оғулар қўшасан ҳамма ошимга,
Ҳар қандай қасослар туйилар майда.
Ялиниб турасан яна қошимда:
— Нега ўлмаяпсиз?
Жонингиз қайда?

Жоним сенда дейман — айланмас тилим,
Жоним сенсан дейман — юрагим тўнар...
Менинг жоним,
Умрим,
Менинг севгилим!
Энди сени қандай асрасам бўлар?..

* * *

Бу тош ғариб эди тоғлар пойида
Қоялар қошида жуда хор эди.
Тенг эди пастларнинг чангу лойига,
Ҳиммату мададга балки зор эди.

Мен келдим. Тош бўлиб йиғлар эди тош —
Соғиниб юксакнинг ҳаволарини.
— Тошжон! — дедим, — Тошжон! Қўй, ўзингни бос!
Англадим дардингнинг даволарини.

Мен тошни кўтариб тоққа жўнадим,
Урларга ўрладим қаддимни букиб.
Сирқираб майишди ҳар бир сўнгагим,
Пешона теримни жаладай тўкиб.

Фалакка сапчиди борган сари йўл,
Қутуриб қўзғалди ўрнидан жарлар.
Менинг оёғимда энди титроқ мўл,
Менинг товонимда беҳисоб қорлар.

Тош бўлса, тош бўлиб ётар елкамда...
Тобора танимни тарк этмоқда куч.
— Тошжон! — дедим, — Тошжон! Мен бир елканман.
Мендан мадад ол-да,
Энди ўзинг уч.

Залворидан бошқа бир саси йўқдир —
Тош бўлса, тош бўлиб ётар елкамда,
Суягим ғижирлаб йиқилдим охир —
Мен — қотган тўлқинлар енгган елканман!

— Тошжон! — дедим, — Тошжон! Мен адо бўлдим,
Сен бундай ётмагин!
Ўрнингдан тур! Бас!
Мендан мадад кутма — жобажо бўлдим,
Ўзингдан кўмак топ — тоғларга тирмаш!

Тош бўлса, тош бўлиб йиғлади бетин,
Беун лаънатлади, беун қарғади:
— Мени юксалтирмай йиқилди нечун?
Бу одам алдади,
Мени алдади...

* * *

Мен бахтдан бебахтлиғ топдим — оқибат гап шунда,
Роҳатдан заҳматни топдим — оқибат гап шунда.
Шафқату раҳматни топдим деб ўйладим бекор,
Қарғишу лаънатни топдим — оқибат гап шунда.

Теграмда, «ё ҳақ» деб жинлар, шайтонлар кездилар.
Билмадим, қай фалакдан пок имонлар кездилар,
Бу гулистон ичинда кўп илонлар кездилар —
Дўзахий жаннатни топдим — оқибат гап шунда.

Рухимга айтдимки, энди уйғоқ — самандар бўл,
Қонимга айтдимки, энди қўзғал — қаландар бўл,
Кўксимга айтдим, кураш ўтида мунаввар бўл,
Ўзимдан ҳимматни топдим — оқибат гап шунда.

Кўп сўзни ёздим, аммо қоғозга рост тушмади,
Ақлимдан тош тушмади, кўзимдан ёш тушмади,
Ватандан бошқа бир сўз қалбима мос тушмади —
Шу сўздан журъатни топдим — оқибат гап шунда.

Умримни ҳады этарга, хайрият эл бордир,
Жон берарга Сир, Аму ўртасида ер бордир,
Ўлсам арзир, қолсам арзир — қалбимда эрк бордир,
Бенажот шиддатни топдим — оқибат гап шунда.

* * *

Энди бизга ишқ йўллари хатарлидир,
Маъюслидир, оғриқлидир, қадарлидир,
Ибтидомиз, интиҳодан хабарлидир,
Қувончи оз, ғами ўлим қадарлидир.

Ўртамизда бегоналар нафаси кўп,
Покликнинг ҳам, гуноҳнинг ҳам шарпаси кўп,
Юракларнинг чиқиб бўлмас қафаси кўп,
Умр — дарё, ҳар мавжи бир аждарлидир.

«Оҳ» урармиз, ҳар «оҳ»имиз — сариқ япрок,
Ишқ боғ берди иккимизга, туманли боғ,
Ҳар бир барги хазонлиғда, ҳар барги доғ
Нажотсиз ишқ дами одам ютарлидир.

Қарашингда умид бордир, видо бордир,
Бахтли, бадбахт жо бўлгувчи дунё бордир,
Қўрқма, сенга менингдек бир фидо бордир,
Гарчи севги иккимизга заҳарлидир.

Ешларингни юлдуз қилма осмонларга,
Осмон эмас, инсон чидар армонларга,
Келгин, сўнг бор ишонайлик ёлғонларга —
Ки, севгининг йўли мудом саҳарлидир.

Биринчи баллада

КИЧИК ОДАМ

Менга шафқат қилгин, айлагин карам,
Хузурингга келдим, кўзимда ёшим...
Қарагин ҳолимга, эй улкан одам,
Қарагин,
Елкамда бировнинг боши.

Билмайман, бошимни ким олиб кетди —
Дунё билганича афсона айтар,
Ортиқ чидолмайман —
Дил ёниб кетди,
Улкан одам,
Менга бошимни қайтар!

Қандай қўрқинч бўлди сен қурган дунё!
Ҳамма елкаларда бировнинг боши.
Ким ўзин бошини авло билса, о,
Совуқ улкаларда қолди-ку лоши.

Энди «борса келмас» йўллари бекор,
Осмон — узоқ эмас,
Ер — қаттиқ эмас.
Ўзга бош остида қалб қолмасин хор —
Менга ўз бошимни
Қайтариб бер, бас!

О, менга қанчалар лаънат айтишди.
Сўкишди:
«Муғамбир, ўғри, муттахам!..»
Менинг танамда ҳам исён етишди —
Яшагим келмоқда.
Уз бошим билан!

УЛКАН ОДАМ
Майда одам,
Жуда чарчадим мен ҳам —
Ўзимнинг бошимдан кўпайтиб нусха...
Шу тонгда кўзимни очдим, бирдан —
Англадим:
Бу касбнинг умри кўп қисқа.

Қандай зерикарли экан бу олам!
Уйлайман, бир хил ранг чалпаб ташлабман.
Қай фикр чиқмаса менинг бошимдан
Қанотини кесиб, *ҳа, манкурт қилиб*
Топтаб ташлабман. *дан соғин*

Юрагим сиқилиб яшадим ўзи...
Ким билан учрашмай, қайга бормайин,
Тиллардан тўкилар
Ўзимнинг сўзим,
Ўзимнинг йўриғим —
Айтилар тайин.

Истиқбол уфққа саробдай ботар...
Қарсақлар шиддати
Бораркан тошиб,
Барча елкаларда бамәйлихотир
Турар менинг бошим,
Бир менинг бошим.

Аммо мен ақлимни еб қўйганим йўқ.
Асрадим ҳамманинг бошини алҳол.
Ана омборларда ётибди тўп-тўп,
Ўзининг бошингни
Бор-да, топиб ол!

КИЧИК ОДАМ
О, қанча таниш бош!
Кўп экан роса...

УЛКАН ОДАМ
Энди бу бошларнинг тақдири аниқ:
Эртага оламга қилгум овоза —
Кимга бош керак —
Қилсин эгалик.

КИЧИК ОДАМ
Мардликда, улуг зот, Ҳотамдан ошдинг,
Мен шўрлик айтган бир додга етяпсан...

УЛКАН ОДАМ
Майда одам!
Шошма!
Ўз бошинг қолиб,
Яна ўзга бошни олиб кетяпсан.

КИЧИК ОДАМ
Мудом шундай:
Дилга қувонч келган пайт,
Киши ўз бошини йўқотар бирдан...
Улкан одам,
Энди бир сирни ўргат:
Мен қандай яшайман
Ўз бошим билан?

Икинчи баллада

ҚОРАБОТИР

Фалакни ғуборга тўлғазиб кўрдим,
Дўстимни ўлдириб топдим фароғат.
Шубҳага алмашдим ишончининг ўрнин,
Онамни зўрлатдим.
Қилдим хиёнат.

Оти йўқ эгарга элимни сотдим,
Душманга «дўстим» деб айладим таъзим.
Шайтондан минг баттар қарғишга ботдим,
Қўйган ҳар қадамим гуноҳи азим.

Пойимда замонлар бўлдилар хазон,
Йиллар ўтди —
Юртнинг жигарин эзиб.
Мен — Қорапаҳлавон —
Яшадим шодон,
Ўзимнинг боламнинг тилини кесиб.

Ногоҳ атрофимда денгизлар тошди,
Безга гўрлардан кўзғалиб исён —
Комига ютгани
Устимга шошди...
Энди қайга юрай,
Эй Оқпаҳлавон?

ОҚБОТИР

Шўрлик Қоработир, саволинг бекор,
Ахир, жавобсиздир — кўнглинг кечадир.
Уйлаб кўр,
Дунёнинг қанча йўли бор,
Дунёда инсоннинг йўли нечадир?

ҚОРАБОТИР

Менга қоронғидир дунёнинг йўли,
Ахир, одамларга йўл танлаш қайда?..
Қувиб келмоқдадир ортимдан ўлим,
Менга йўл кўрсатгин бир жимжит жойдан.

ОҚБОТИР

Мен айтган йўлларга кирмоғинг душвор,
Ҳақни кутиб турмоқ эҳтимол маъқул.
Сотқинга энг аввал йўлдир қасоскор,
Тавба-тазарруни қилмагай қабул.

ҚОРАБОТИР

Ахир, мен кирмаган йўл қолгани йўқ,
Не ўжар йўлларни қилмадим таслим...
Айтгин, қайси йўлга боролмайди ўқ,
Қай жойдан исёндан куламан вазмин?

ОҚБОТИР

Ажал қаршисида титранма, ботир,
Инсонга азалдан бир йўл бор — имон.
Ана, у қаршингда қийналиб ётур,
Бу қийноқ ичида юрмоғинг гумон...

ҚОРАБОТИР

Йўлни кўрсатдингми, жим тўргин, нодон,
Таъналар қилмагин менга ўртаниб.
Йўлларга кирмоғу чиқмоқлик осон,
Ўзингни сотишни олсанг ўрганиб...

Учинчи баллада

— Юксакдан учиб келдинг,
Патларингдан оқар тер.
Эй қуш, осмонда не бор,
Қанотингдан сўраб бер?

— Шовуллайсан, эй дарахт,
Илдизинг ер бағрида.
Илдизинг айтсин, не бор
Қаро ернинг тагида?



Исмоил Тўхтамишев

ИЗТИРОБ

* * *

Ғаниматдир ҳар дақиқа, дам,
Шашт-ла чопиб борар шундоқ ёнингдан.
Қадамлари собит, мустаҳкам,
Ортга қайтмас ёлворган билан.
Вақт — ҳакамдир ҳаёт бошида,
Мунаввардир ҳукмидан жаҳон.
Ҳамма бирдай унинг қошида,
Қўл етмаган юлдуздир — армон.

Бир беморнинг кўзида илинж,
Умидвордир яшашга фақат.
Тасаллидан нурланар севинч,
Орзулари дилида қат-қат.
Кун санайди нафасин ютмай,
Оғриқлардан талвасада жон.
Умри тугар манзилга етмай,
Қора тунда кундуздир — армон.

Кимдир яшар тўкин ва сочин,
Чўзса етар юлдузга қўли.
Бахти кулди унинг доим чин,
Равон бўлди ҳамиша йўли.

Гул мавж урди мудом боғида,
Мушкуллари ечилар осон.
Лекин ўтди фарзанд доғида,
Учиб кетган бир издир — армон.

Йўқ, эмасман ношукур банда,
Тиқинди ҳам олмам бировдан.
Ута олгум онажон — Ватан
Қаршимда дуч келган синовдан.
Агар, қилса бирлик тантана,
Олам аро бахт кулар — омон.
Ўтса ҳамки асрлар, мана,
Барқ урмаган илдиздир — армон.

Кўрсам дейман дунёни тугал,
Ушалсин бор: орзу, мақсадлар.
Қон бўлмасин бағри ҳеч маҳал,
Дўсту иноқ бўлсин сарҳадлар.
Интиланга бахт, толе ёрдир,
Уфқларни қучгай ҳар замон.
Гина-қудрат энди бекордир,
Диллардаги ҳаргиздир — армон.

* * *

Ҳар лаҳза умрни юлгай бешафқат,
Бергимиз келмайди гоҳо бунга тан.
Дунёвий гаплардан гаплашдик фақат,
Ниманидир дилдан йўқотдик чиндан.

Бировнинг зорига қилмадик парво
Дарди — ҳасратига бўлмадик шерик,

Лоқайдлик вужудни қамрагай, аммо,
Кунлар ўтиб борар сувдай югурик.

Узилгани каби тор авжга етиб,
Хира тортиб борар эзгу, ўй, ният.
Қайрилмай изига қалбни тарк этиб,
Қочиб бораётир самимият...

* * *

Хуш ёқмас одамга гоҳ бўлдик йўлдош,
Йўл босдик у билан узоқдан-узоқ.
Бизга ҳамроҳ бўлди сукут ва бардош,
Вақт ўтиб кўникдик барига бироқ.

Қадамда алдади гоҳида биров,
Дўстимиз бўлмади сўзига эга.
Дилларни тарк этди ишонч, чўғ — олов,
Бепарволик кўчди одат тусига.

Муносиб ёр танлаш — умр савдоси,
Адашдик... умидвор кўзларда ҳадик.
Четга чиқмасин деб турмуш ғавғоси,
Ичларга дард ютиб, бирдай, чидадик.

Бир марта берилган бизларга ҳаёт,
Интилиб ўрайлик умрни зарга.
Бепарво бўлмоқлик етарли, ҳайҳот,
Ўт кўйгим келади кўникмаларга.

* * *

Дунёда кўп эрур азиздан-азиз,
Қанчалик севсак-да арзийди ёрни.
Лекин дилим ўртар доим битта ҳис,
Қадрин туширмайлик номусни, орни.

Ишнинг битмоғи-чун бўлишиб тараф,
Тўрлар тўқиймиз ўргимчак сингари.

Одамлар кўз олддан ўтади қатор,
Фидо қилган жонни номус, ор учун.
Бевафо ёр номин тутмаган тақрор,
Ҳар лаҳза ғанимдан ололган ўчин.

Қайга кетди бу кун қадимдан мерос:
Мағрурлик ва шайлик жангу жадалга.
Ўзга билдирилган ишонч ҳам ихлос,
Сўзини оширмоқ доим амалга.

Эҳ, лекин, бизлар-чи сохта шон-шараф,
Майда ҳиссиётнинг майда куллари.

Ёрнинг таънасидан ўйларга ботдик,
Бепарво унутдик, бурчу тенгликни.
Йўлларда, билмадим, қайда йўқотдик,
Ўтли шижоатни, бағри кенгликни?..

* * *

Ўғли бўл ўзини ўзлаган юртнинг,
От миниб олисни кўзлаган юртнинг.
Халқлари ожиздир, фарзанди басир,
Шоирлари ёлғон сўзлаган юртнинг.

* * *


Учган билан кўнарман, иложим қанча?
Ёна-ёна сўнарман, иложим қанча?
Ошноман деб нечалар кўнглим тарк этди,
Сен ҳам кетсанг кўнарман, иложим қанча?

* * *


Ўзингни катта олма дарё, сойимиз битта,
Юлдуз тўла чароғон осмон, ойимиз битта.
Бу ҳаётда ҳар кимнинг ўз ўрни бор ва лекин,
Ҳаммамизнинг вақт етса борар жойимиз битта.

* * *

Муҳаббатдан юз бурдим, тилагимга дарз кетди,
Қўлим ишга бормагай, билагимга дарз кетди.
Ҳар қадамда дуч келдим, бепурдларга мен нетай,
Дардни ичимга ютдим юрагимга дарз кетди.



Пиримқул Қодиров



КОБУЛ. БҲИРА

Куйган кўзлар

Бу ҳодисалар хабари Кобулга жавзо ойида етиб борди. Кунлар исиб, Кобул атрофидаги тоғларнинг қори эриган сари фақат дарёлардагина эмас, булоқларда ҳам сув кўпайиб кетди. Шоҳи Кобул тоғининг этакларидан чиқадиган чашмалар суви Гулкина мавзеидан нарига ўтиб, баланд тепалик устига жойлашган аркнинг ён-беридаги майсазорларга ҳам жилдираб етиб келди.

Қишда Қандаҳордан олиб келинган Акбар энагалари билан шу аркда қаттиқ назорат остида сақланар эди. Дарё бўйидаги Боғи Наврўзийда турадиган Хонзода бегим Акбарни ўз даргоҳига олиб кетмоқчи бўлди, аммо Комрон мирзо рухсат бермади.

— Аркда соқчилар кўп, бу ер бола учун бехатарроқ, — деб важ кўрсатди.

Лекин аркда Афзалбек ва Қорачахонга ўхшаган Хумоюннинг ғанимлари бор, улар болага зимдан ёмонлик қилишлари мумкин. Хонзода бегим икки ярим яшар Акбарни қучоғига босиб, қулоғига шивирлади:

— Ану амакиларнинг илқидан ҳеч нарса олмагин, энг ширин нарсани берса ҳам емагин, хўпми, жоним?

Акбарнинг онасиникига ўхшаш йирик-йирик кўзлари катта амманинг юзига ҳайрат билан тикилади. Катталар орасидаги мураккаб муносабатларга ҳали унинг ақли етмайди. Лекин аркка келиб-кетгучи кўзлари совуқ беку аёнлардан боланинг ўзи ҳам бегонасирайди. Баъзилари ясама такаллуфлар қилиб, уни гапга солмоқчи бўлса, бола қовоғини уйиб индамай тураверади. Гоҳо аммаси Гулбадан бегим икки ёшли ўғилчаси Саодатёрни етаклаб келади. Акбар улар билан бийрон тилда гаплашади, Саодатёр билан ўйнаб кулади. Айниқса Хонзода бегим келганда:

— Момо келди, моможон! — деб, чопқиллаб қарши чиқади.

Мохим энага унга гап ўргатди:

— Ҳазрат бегимни момо деманг, ҳазрат амма денг!

— Йўқ, амма — мана! — деб Акбар Гулбаданни кўрсатди.

Ёши олтмиш еттига кирган Хонзода бегим сўнгги йилларда янада кичрайиб, энгилгина бўлиб қолган. Худди вазни йўқ, фариштадай. Узи ҳам кўпинча энгил оқ ипак кийим кияди. Лекин бошидаги оқ қасаба рўмолидан ҳам сочи оқроқ кўринади. У Акбарни бағрига босиб:

— Момо деган тилингдан ўзим ўргилай! — деб эркалатди. — Майли, мен сенга момо бўлақолай. Раҳматли бобонг Бобур Мирзонинг икки-уч яшарлиги эсимга тушмоқ-

Давоми. Боши ўтган сонда.

да. Мен, беш ёш катта эгачиси, унинг бешигини тебратганмен. Эсимда бор, кичиклигида қўлчалари, оёқчалари ҳам Акбарникидек тўла-тўла, миқти эди.

Хонзода бегим Акбарда Ҳумоюндан ҳам, Ҳамида бонудан ҳам ўтган жозоба борлигини кўрди-ю, уларни эслаб юраги эзилди. Ёш гўдак онасини уч-тўрт ой кўрмаса, кейин уни таний олмай қолади. Шуни биладиган Хонзода бегим:

— Акбаржон, ота-онанг эсингда борми? — деб сўради. — Ҳозир кириб келсалар таний оласенми?

Бешикда қолган ўн бир ойлик бола бир ярим йилдан бери кўрмаган ота-онасини кўз олдига келтирмоққа уринди, лекин келтира олмади. Маъюс бош чайқаб:

— Йўқ, — деди.

Шундай шўх бола ота-онаси тўғрисида гап чиқса, тирик етимдек маъюс бўлиб қолишни кўрган Моҳим энага кўзига ёш олиб, шивирлаб ҳасрат қилди:

— Ҳазрат бегим, баҳор ўтди, болаларимизни боғ-роғларга сайрга олиб чиқолмадик. Бизни кўриқлаш баҳонасида ҳибсда сақламоқдалар. Арка сув мешда ташиб келинади, кўкаламзори йўқ. Девордан шундай пастга қарасангиз, майсазорда булоқ сувлари оқиб турибдир. Биз ҳаммасидан маҳруммиз.

Хонзода бегим боя келаётганда Комрон мирзонинг тўрт яшар ўғли Иброҳим тарбиячиларини кўриқчилари билан аркнинг этагидаги кўкаламзорда ноғора чалиб, тўп тегиб ўйнаб юрганини кўрган эди. Комроннинг ўғли шундай яйраб эркин юрганда Акбарни ҳибсдагидай туттишлари Хонзода бегимга чидаб бўлмас бир адолатсизликдай туюлди.

— Юринглар, биз ҳам майсазорларга чиқайлик! — деб, Акбарни кўлидан олди. Моҳим энага ва Жажжи энага ўз ўғилчаларини етакладилар. Арк дарвозахонасида турган қуроли кўриқчилар:

— Рухсати олий бўлмаса, Акбар мирзони чиқаришга ҳаққимиз йўқ, — дедилар.

Хонзода бегим Комроннинг ҳозир аркда йўқлигини билар эди.

— Ҳазратим менга рухсат берганлар, — деди кўриқчига. — Бутун масъулиятини мен ўз зиммамга олурмен. Очинг дарвозани!

Жуссаси кичкина бу нуруний кампир мамлакатнинг энг мўтабар кайвониси эканини кўриқчилар ҳам билар эдилар. Улар бегимнинг маликаларга хос қатъият билан берган буйруғини бажаришга мажбур бўлдилар.

Тиниқ булоқ суви йилтираб оқаётган ариқ бўйида, анвои дала гуллари очилиб ётган кенг майсазорда Акбар ва унинг икки кўкалдоши яйраб қувлашиб, роса ўйнадилар. Хонзода бегим билан энагалар сув бўйида, катта бир ёнғоқ дарахтининг соясида гаплашиб ўтиришди. Шу пайт болалар чаладиган кичкина ноғоранинг товуши эшитилди.

Комрон мирзо наврўз байрамида ўғлига совға қилган иккита ноқсимон ноғоранинг юзига тортилган чарми қизил рангда. Ёнларига нуқраддан чиройли безаклар қилинган. Ноғорачўпларга олтин суви югуртирилган. Ноғорани бир хизматкор йигитча икки қўли билан тутиб, орқаси билан юриб келмоқда. Тўрт яшар Иброҳим мирзо ноғорачўпларни чалакам-чатти уриб, бирон куйга ўхшамайдиган хунук товушлар чиқармоқда.

Акбар амакиваччаси Иброҳимни аркда ҳам кўп кўрган. Бегонасирамай унинг олдига чопиб борди. Чиройли ноғорачаларга ҳаваси келиб:

— Менга чўпини беринг, мен ҳам бир чалай! — деди.

Лекин подшонинг ўғли ҳисобланадиган ва атрофидагилардан кўп хушомадлар кўриб димоғ пайдо қилган эркатой Иброҳим:

— Нарӣ тур, сен чалолмайсен! — деди.

Уч яшар Адҳам кўка гапга аралашди:

— Акбар сиздан яхши чалгай. Беринг, кўрсатсин!

— Йўқ, буни менга ҳазрат отам совға қилган!

— Қайтариб олурсиз! — деди Акбар. — Бир чалиб кўрай!

Иброҳим мирзо унамагач, Акбар ноғорачўпга чанг солиб, уни тортиб олмоқчи бўлди. Иброҳим бермади. Шу тортишувнинг устига Комрон мирзо беш-олтита отлик одамлари билан келиб қолди.

— Бу не можаро? — деб ўшқирди. — Буларни ким аркдан чиқарди?

Хонзода бегим дарахт соясидан туриб отлиқлар томонга юрди:

— Ҳазратим, мен буларни олиб чиқдим. Баҳор ўтиб кўкаламзорга чиқмаган экан.

Комрон сал шахтидан тушди-да, аммасига салом берди. Ҳар қалай, у ҳам бу кекса кайвонидан ҳайқиб ўрганган эди. Лекин отдан тушиб кўришишга бўйни ёр бермади. Шерхон ўлгани, Ҳумоюннинг ишлари юриши, Қандаҳорни эгаллагани Комронни жуда безовта қилиб қўйган. Унинг олтин юганли оқ оти ҳам ўзи каби сабрсизланиб, гижинглаб турибди. Комрон юганини тортиб орқада от ўйнатиб турган вазири аъзам Бопусхон ва Кобул шаҳрининг ҳокими Қорачахонга юзланди. Ноғора ҳам байроқ каби энг мартабали ҳокимларга берилишини назарда тутиб:

— Бу Арка бола ҳахлитдан нақора талашмоқда-ку! — деди.

Бопусхон хахолаб кулди-ю:

— Ҳазратим лутф қилдилар! — деди.

Ёввош отда сокин турган Кобулнинг ҳозирги шайхулисломи Саид Халил ҳам Комроннинг сўзини ёқтириб:

— Ҳа, ҳазрати олийлари туяга миниб узоқни кўрдилар! — деди.

Кичкина Акбар бу гапларни унча тушунмаса ҳам, отличлардан бегонасираб, қўлчаларини ноғорачўпдан тортди. Комрон унга қараб:

— Сенга нақора керакми? — деди. — Шуни чалмоқчимисен? Айт, бола!

Акбар тасдиқ маъносида бош ирғади. Комрон бу болани аркдан берухсат олиб чиққан кекса аммасига қаттиқ гап айтолмаган бўлса ҳам, аммо Акбарнинг адабини бериб қўйгиси келди. Уғли Иброҳим мирзо унга Акбардан хийла бақувват кўринди. Иброҳим Акбардан бир ярим ёш катта. Йиқитиши аниқ.

— Қани, бўлмаса, икковинг кураш тушинглар! — деди Комрон Акбар билан Иброҳимга. — Ким йиқитса нақора ўшаники!

Иброҳим нақорачўпни хизматкорига бериб, Акбарга томон хезланиб келди. Акбар кичик бўлса ҳам, кўкалдошлари билан олишиб ўрганган эди. Икки боланинг ҳам белларида белбоғчалари бор. Олишув бошланди. Митти полвонларнинг курашига отличлар кулиб қараб туришибди. Комрон мирзо жиддий, Хонзода бегим билан Моҳим энага хавотирда. Иброҳимнинг ёши катталиги қўл келди. Акбар қаттиқ гандираклади, оёғи ўтлоқда тойилиб чўк тушди. Иброҳим аркда ҳам алоҳида эъзозда юрар, кўп тантиқликлар қилиб, Акбарни етим боладай турткилар эди. Наҳотки Акбар ундан йиқилиб, шундай чиройли ноғорадан маҳрум бўлса? Йўқ! Бола Хонзода бегим билан Моҳим энаганинг мўлтираб турган кўзларидан мадад олгандай тез қаддини тиклади. Иброҳимни даст кўтариб, ўтлоқ ерга ағдариб урди ва устидан босиб тушди. Акбарнинг тагида ётган Иброҳим:

— Бас, қўйвор! — деб йиғлаб юборди.

Комронга бу ёмон бир истиқболнинг аломатидек туюлди. Унинг ғазабидан кўрққан Моҳим энага чопиб бориб, болаларни ажратди-да, Иброҳимни турғизиб, устини қоқа бошлади.

Комрон ўз ўғлини жеркиб:

— Э, атала полвон, нечун йиғлайсен? — деди. — Бас! Нақорани энди Акбарга бер!

Аммо Бопусхон орага тушди:

— Ҳазратим, сиз кўрмадингизми, Акбар тўғаноқ солди-ку? Бўлмаса Иброҳим мирзо уни йиқитар эди!

Атрофидагиларнинг бундай хушомадларига ўрганиб қолган Комрон мирзо дарров ёлғон гапга ишонгиси келиб:

— Мен кўрмабмен, — деди-да, Саид Халилга савол назари билан қаради.

Доим Комроннинг заифликларини зўрлик аломати деб кўрсатадиган ва унинг мақтовга ўчлигидан фойдаланиб мартабаси ошадиган Саид Халил ҳам худди тўғаноқни ўзи кўргандек гапирди:

— Астаъфурулло! Шундай кичик бола фирромликка ўрганганини қаранг!

Унинг гапини Қорачахон маъқуллади:

— Қандаҳорни фирромлик билан олган отасига тортибдир-да!

Атрофдан кетма-кет ёғилган бу гаплар Комроннинг Хуמוондан яхшироқ эканини, шу сабабли Иброҳим ҳам Акбардан баландроқ туришини яна бир марта исбот этгандай бўлди. Шу билан хижолати босилган Комрон мирзо аммасининг кўзи олдида бир тантиқлик қилгиси келди:

— Майли, нақорани ану болачага бер! — деб Акбарни кўрсатди. Сўнг ўғлига тасалли берди: — Садақа ҳам керак. Сенга бундан яхшироғини олиб бергаймен. Юр, отга мингаш!

Хизматкор йигит ноғорани Акбарга зуғум билан тутқизди-да, Иброҳим мирзони эркалатиб қўлига олди ва отасининг орқасига мингаштирди.

Икки ярим яшар Акбар тўғаноқ нима, фирромлик қанақа бўлишини билмаса ҳам, отличларнинг кўзларидаги нафратни, гапларидаги дашном ва кинояларни сезиб, ҳайрат билан қотиб турибди. Қўлидаги ноғора ҳам энди унинг кўзига кўринмайди. Нега уни жеркишди? Ахир у йиқитди-ку!

Боланинг шу оғир изтиробини сезган Хонзода бегим тез бориб Акбарни бағрига босди:

— Бўйгинангдан момонг айлансин, митти полвоним! Кичик бўлсанг ҳам ютдинг! Бу нақора садақа эмас, соврин! Ҳалолинг бўлсин! Чал!

Бу гаплардан Комрон мирзонинг ранги бўзариб кетди. Қорачахон ҳомийсига ён босиб, Акбарга нафрат билан тикилди-да:

— Ҳозирча чалиб туринг, фирромликнинг жазосини ҳазратим кейин берурлар! — деди.

Хонзода бегим Комронга икки қўлини чўзиб, деди:

— Адолат қилинг! Ахир сиз ҳақгўй шоирнинг ўғлисиз! Узингиз ҳам ҳақиқатни улуғлаб латиф шеърлар битгансиз. Ёнингиздаги жаноблар сал инсоф қилишсин! Бу масъум бола фирромликни қаёқдан билгай. Оқни қора қилиб кўрсатиш шу даражада бўлурми?!

Энди Қорачахон ва Саид Халиллар Комрондан ҳимоя кутиб, унга кўз тикдилар. — Бегим, от устидан кўп нарса аниқроқ кўрингай, — деди Комрон. — Сизнинг

кўзингиз тўғаноққа тушмаган бўлиши мумкин. Аммо ёнимдаги жаноблар менинг суяган тоғларимдир. Булар кўзгу бўлиб, менга ҳақиқатни кўрсатурлар. Мен бу кўзгуга қарасам кўнглим кўтарилур. Сиз менинг кўзгумга тош отманг, бегим!

Агар Ҳумоюн Кобулга қайтиб келса, Комрон тахтдан тушади-ю, Бопушхон ва Қорачахонлар барча мартаба-ю, имтиёзларидан маҳрум бўладилар. Ҳумоюннинг Байрамхонга ўхшаган ўз яқинлари бор, улар Саид Халил ҳам кун бермаслиги аниқ. Комрон-ку Бобурнинг ўғли сифатида яна бирон мартабага эришар, аммо ҳозир унинг атрофида турганлар Ҳумоюн қайтса, ҳозирги давру давронларидан бутунлай маҳрум бўлишлари аниқ. Шунинг учун Комроннинг ўзидан ҳам кўра унинг атрофидаги аёнлар ана-ука орасидаги ихтилофни иложи борича авж олдиришдан манфаатдор эдилар. Хонзода бегим қалбига қуюлиб келган бу аламли ўйларни Комронга қандай айтишни билмай бўғилиб гапирди:

— Ҳазратим, сиз ўз оғангиз билан бунчалик адоватга боришингиздан фақат ёвуз одамлар суюнурлар. Аммо менинг дилимда оға-ини адовати эт билан тирноқни ажратгандаги каби оғриқ кўзғайдир.

Оқ от устида турган Комрон бир лаҳза жим қолди. Шу топда Комрон Хонзода бегимнинг кўзига отасидек савлатли ва хушбичим кўринди. Ўзи ҳам кучга тўлган ўттиз беш ёшли йигит, ҳамон чап қўлида кўтариб турган каттагина ўғлининг оғирлигини гўё сезмайди.

— Сиз оғриқни айтасиз, бегим, аммо ҳозир Мирзо Аскарининг ҳаёти хавф остида, уни ким қутқаргай? — деди Комрон.

— Агар биз қўйиб берсак, мирзо Ҳумоюн қизилбошларни Кобулга ҳам бошлаб келгай, — деб қўшимча қилди Қорачахон.

Саид Халил ёқасини ушлаб:

— Ё алҳазар! — деди. — Кобулни ҳам шиа мазҳабига ўтказмоқчи бўлиб қирғин бошласалар... адоватни ана ўшанда кўринг!

Хонзода бегим яна Комронга мурожаат қилди.

— Ҳазратим, бу ваҳималарга ишонманг! Ҳумоюн бунчаликка бормагай!

— Ҳазрат бегим, сиз бизга ишонмасангиз, балки Қандаҳорга бориб воқеани ўз кўзингиз билан кўриб келурсиз? — деди тўсатдан Комрон.

Хонзода бегим «ҳозир жуда пишиб қолганмен, узоқ сафарга ярамагаймен» деб, ўзини бир пас қайтарди. Аммо Комронни ўзининг ҳақлигига ҳеч ишонтира олмаганидан сўнг тўсатдан:

— Майли, мен Қандаҳорга борай! — деди. — Агар Мирзо Аскарининг ҳаёти хавф остида бўлса, мен унга шафеъ бўлай. Агар Аскарини қутқарсак, сиз Ҳумоюн билан ярашгаймисиз, ҳазратим?

Бопушхон ҳам, Саид Халил ва Қорачахон ҳам Комронга «ярашиш хатарли!» дегандай безовта бўлиб қарашди.

— Мирзо Ҳумоюн шиалар хизматига ўтиб жуда катта гуноҳ қилдилар, — деди Саид Халил. — Шу гуноҳларини ювмагунча ҳазратимнинг ярашмоқлари чорёри босафолар руҳига муносиб иш бўлмагай.

Комронга бу вазм қўл келди. У салмоқлаб, вазмин гапирди:

— Оғамизнинг яна бир катта гуноҳи — ҳазрат отамиздан мерос қолган Ҳинддаги улкан давлатни бой берганлигидир. Шерхон оламдан ўтибдир. Энди Мирзо Ҳумоюн Ҳиндистонга қайтиб, ўша давлатни тикласин, шиалар билан орани узиб, поклансин. Ана ундан сўнг биз у билан ярашсак арзигай!

Гап шу билан тугади-ю, отлиқлар аркка қараб кетишди. Бадқовоқ амакилар узоқлашгандан сўнг Акбар билан икки кўкалдош уларнинг ғалвасини унутишди-ю, чиройли ноғорани навбатма-навбат чалиб ўйнай бошлашди. Аммо Хонзода бегим Комронни ўраб олган доғули одамларни хаёлидан узоқлаштиролмай қийналарди. Нимасидир Бобурга ўхшайдиган кўҳлик йигит, ҳароратли шеърлар битадиган соҳибистеъдод одамнинг шундай қаллоб муҳитга тушиб қолгани бегим учун катта бахтсизликдай туюларди. Кўпни кўрган Хонзода бегим дунёдаги энг ёмон адашиш — оқни қора қилиб кўрсата оладиган риёкорлар муҳитига асир тушиш эканини биларди. Комрон ташқи кўринишда гўё ҳукм-фармо, атрофидагиларга сўзини ўтказадиган. Аммо атрофидаги риёкорлар зоҳиран унга бўйсунсалар ҳам, ботинан уни ўзларининг мақтовларига асир, хушомадларига мутъе қилиб олганларини Комрон сезмайди. Шуни ўйлаганда Хонзода бегимнинг унга ҳатто раҳми келди. Фақат Аскарини эмас, ҳали Комроннинг ўзини ҳам бу асоратдан кимдир қутқармаса, бутун умри ва отамерос истеъдоди ҳайф кетади. Комронни ҳақиқат йўлига қайтариш Хонзода бегимнинг қўлидан келмаслиги бугун яна бир бор билинди. Бу иш, эҳтимол, Ҳумоюннинг қўлидан келар. Хонзода бегим шунинг учун ҳам Қандаҳорга бориши ва оға-инини бир амаллаб яраштириши керак...

* * *

Баланд тоғлар орасидаги салқин Кобулдан Қандаҳорнинг жазирама иссиқларига кириб борган Хонзода бегим биринчи кун кўп беҳаловат бўлди. Хайриятки, Ҳумоюннинг

қароргоҳи шаҳардан ташқаридаги серсув боғот жойда экан. Ҳумоюн аммасини бошига кўтаргудай эъозлаб, айвони салқин шаршарага қараган энг хушҳаво уйни унга бўшатдириб берди. Ҳамида бону ҳам ўғли Акбарнинг хабарини олиб келган кайвонининг атрофида гирдикапалак бўлиб меҳмондорчиликлар қилди.

Уларнинг кўришмаганларига беш йил бўлган эди. Бу орада Хонзода бегимнинг охириги тишлари ҳам тушиб кетган, ҳозир милки билан овқат чайнайдиган бўлиб қолган. Ҳамида бону ҳам илгаригидай эмас — юзида қандайдир беморлик ва маҳзунлик аломати бор, шу беш йилда ўн-ўн беш ёш улғайгандай кўринади.

— Ҳар қалай, сизларни бирга кўрганим учун танграмга шукроналар айтурмен, — деди Хонзода бегим. — Ҳамида бону, ҳў, Жамна бўйида сиз чавгон ўйнаб юрган кезларда қилган орзуларимиз ёдингиздами? Шу орзуйимга ҳам худо етказди, ўғилчаларинг Акбаржонни бағримга босиб эркалатиш менга насиб бўлди.

Ҳамида кураш тушадиган, ноғора чаладиган бўлиб қолган ўғилчаси ҳақидаги ҳикоядан ҳам қувониб, ҳам юраги эзилиб кўзига ёш олди. Ҳумоюн эса ўглининг қандай голиб чиққанини эшитиб хандон уриб кулди:

— Яхшилик аломати бу. Демак, Комрон ҳам енгилгай!

— Ҳумоюнжон, — деди Хонзода бегим илтимоскорона товуш билан. — Маъсум болаларнинг кураши безарар. Аммо тожу тахтли оға-иниларнинг адовати қанчалик бахтсизликлар келтиришини ўзингиз кўриб турибсиз. Энди Комрон билан олишишни эмас, ярашишни ўйланг, жоним болам!

Комрон қилган ёмонликлар Ҳумоюннинг эсига тушди-ю, бутун дарду аламлари бирдан янгиланди:

— Аммажон, оға-ини адовати ҳақида машҳур «Юсуф-Зулайҳо» афсонаси бор. Лекин ўша афсонадаги Юсуфга ўғай оғалари қилган ёмонликлар ҳам менинг ўз иниларимдан кўраётган жабру жафоларим олдида бир ҳалво, холос! Инимиз Кобулга қаноат қилмай, Лахўрни мендан тортиб олгани, Шерхон билан олишганимда нуқул пойимга болта ургани, Қандаҳорда бешикдаги боламизни чирқиратиб, бизни бегона юртга қувгани... Қайси бирини айтайки, юз ўлимлардан қолиб, Қандаҳорга қайтиб келсак, Акбар яна йўқ! Энг разил қароқчилардай болани ўгринча олиб кетибдир! Энди уни гаровда тутиб туриб, бизга таҳдидлар қилиши қайси дарвозага сиғай?! Агар ўғай инилар бошимизга шундай оғир кунларни солмаса эди, ҳозир иккинчи ўғилчамиз ҳам олти ойлик бўлар эди! Қизилбошлар билан ҳамкорлик қилиш, Қандаҳорни қайтиб олиш қурбонсиз бўлган эмас, аммажон!

Ҳамида бону ҳарбий юриш пайтида совуқ изғиринларда Сейистон йўлида бевақт туғилган ва икки кунгина яшаб қазо қилган кейинги ўғилчасини эслаб пиқ-пиқ йиғлай бошлади. Унга ҳатто от қўйишга ҳам улгурмадилар... Шундан бери Ҳамиданинг ўзи ҳам касалманд бўлиб қолди, бир вақтлар чавгон ўйнаб юргандаги соғлиги энди йўқ.

Ҳумоюн ҳам қирқ ёшга кирмасдан соқол-мўйловига оқ тушган, юзлари уйқусизликдан қотган, кўзлари ичига чўккан.

— Ўн икки минг қизилбош қўшини бир йилдан бери ёнимда худди учқун тушса портлайдиган борут омборига ўхшаб юрибдир, — деб у сўзида давом этди. — Мен ҳам Шерхонга ўхшаб портлаб кетмайин деб кечаю кундуз минг эҳтиёт билан иш олиб бормоқдамен.

— Не бўлса ҳам, қизилбошларни Кобулга бошлаб бора кўрманг, Ҳумоюнжон. Отангиз буларни Самарқандга бошлаб борганидан умр бўйи армон қилиб юрганини нутманг.

— Жаннатмакон отам менга ўз умрларини бахш этган эдилар. Энди билсам, умрларига қўшиб, ўз қисматларини ҳам берган эканлар! Ўша мағлубиятлар, ўша қувғинлар, ўша саргардонликлар менинг бошимга ҳам тушди! Кошки ўғлимиз Акбарга бу жабру жафолар даҳл қилмаса! Йўқ, менинг оғир қисматимга бугун мурғак ўғлимиз ҳам шерик! Менинг бошимга тушган балолар Акбарнинг жонига ҳам таҳдид солмоқда!

— Бунчалик куюнманг, Ҳумоюнжон! Ҳазрат отангизнинг улуғ қисматлари бор. Иним Бобур улкан зафарларга ҳам муяссар бўлган эдилар! Ҳали сиз ҳам, ўғлингиз Акбаржон ҳам ҳазрат отангиз каби катта юксакликларга кўтарилурсиз.

— Оға-ини адовати ўзимнинг ҳам жонимга теккан, — деди Ҳумоюн. — Наҳотки тўрт оғайни бир дастурхон атрофига йиғилиб ўлтиролмасак? Мен қачонлардан бери ҳазрат отамнинг қабрига зиёратга борганим йўқ. Бир марта учала инимни мақбараларига бошлаб борсам, «мана, отажон, тўрт кўз тугал», деб, отамнинг улуғ руҳини шод этсам деб, шунча орзу қилурмен, Комрон ҳеч бўй бермайдир. Ахир у ҳам шу отанинг фарзанди-ку! Бир марта менга ишониб, Кобул дарвозасини жангсиз очсин. Ҳиндол билан Аскарый ҳозир ёнимда, бирга олиб борай. Комрон ҳам ёнимга кириб, кўмак берсин. Ҳиндга қайтиб, отамнинг улуғ давлатини тиклайлик. Ана ундан кейин Кобул ҳам, Қандаҳор ҳам — ҳаммаси яна Комроннинг ихтиёрига ўтгай.

Юрак қаъридан чиққан бу сўзлар Хонзода бегимга шундай таъсир қилдики, кўзига ёш олиб:

— Мурудингизга етинг, Ҳумоюнжон, мурувватли қалбингиз бор! — деди. — Мен бориб ҳамма гапларингизни Комронга айтгаймен! Яккама-якка ўлтириб сўзлашурмен!

Хонзода бегим тезроқ Кобулга қайтиб, бу янгиликларни Комронга етказмоқчи ва уни инсофга чақирмоқчи эди. Бироқ руҳини кўтариб, вужудини ҳаяжонга солаётган бу мураккаб вазифалар унинг юрагига катта юк бўлиб тушмоқда эди, гоҳи-гоҳида нафас олиши оғирлашиб, ўпкаси ғижиллаб қолар эди. Ҳумоюн аммасини ўзининг хос ҳакимига кўрсатган эди:

— Ҳазрат бегим, сизга ором керак, ҳозир узоқ сафарга чиқмаганингиз маъқул, — деди.

Ҳумоюн ҳам аммасини олиб қолмоқчи бўлди. Лекин Хонзода бегим кўнмади.

— Салқин Кобулга етсам яхши бўлиб кетгаймен, оға-инини мен яраштирмасам, хонадонимизда буни қиладиган бошқа кайвони йўқ, — деб туриб олди. — Акбаржонга ҳам Кобулда мен керакмен. Йўлга чиқай!

Ҳамида бону фил суягидан ва хушбўй сандал дарахтидан ясалган ўйинчоқлар, жажжи этикчалару тўнлар ва кўйлақчаларни Акбарга атаб бериб юборди.

Хонзода бегим Кобулдан ўзининг канизи ва тўртта одами билан келган эди. Ҳумоюн уларнинг ёнига йигирмата йигит қўшди, аммасини маҳофага ўтказди. Йигитларига:

— Тахтиравон ҳам олинглар, — деб буюрди. — Маҳофа уринтириб қўйса, тахтиравон беозорроқ, кўтариб кетгайсизлар.

Хонзода бегимнинг руҳи қанчалик тетик бўлмасин, танаси йўл азобини кўтаролмайдиган бўлиб қолган эди. Буни ўзи ҳам сезар, лекин Кобулга бир амаллаб етиб олишига умид боғлаб борарди.

Уч кун ўтиб, тўртинчи кун маҳофада беҳаловат бўла бошлади. Юраги тўхтаб-тўхтаб урарди. Канизи буни йигитларга айтди. Шундан сўнг саккиз йигит уни тахтиравонга солиб қўлларига кўтариб бора бошладилар. Бошдан-оёқ оқ кийинган, озиб енгилгина бўлиб қолган Хонзода бегим тахтиравон ичида худди ўзи йўқдай, фақат руҳи бордай сокин борарди. Кўз олдидан бутун ҳаёти, Фарғона водийсидан бошланган ёшлиги, иниси Бобур билан Самарқанд қамалида тортган азоблари, Шайбонийхон ҳарамиди ўн йил яшаб топган ўғилчаси Хуррам бир-бир ўта бошлади. Хонзода бегим туш кўрдими ёки алаҳсирадими, ўн бир ёшли Хуррамшоҳ туман ичидан кулимсираб чиқиб келди-ю, онасини қўлидан олди. Зум ўтмай туман осмондаги булутга айланди. Она-бола осмонда муаллақ туриб қолгандай бўлди. Хонзода бегим ер узоқларда қолиб кетганини кўриб, юраги «шув» этди, ўзи бола билан пастга учиб кетгандай бўлди. Шу кетишда ҳушини йўқотди-ю, нафас олишдан тўхтади.

Унинг қандай жон берганини ҳеч ким сезмай қолди. Тахтиравон Кобулҳақ деган жойга етганда йигитлар уни ерга қўйиб, очиб қарасалар, Хонзода бегимнинг кўзлари абадий юмилган... Уша йигитлар эртаси кунни унинг тобутини кўтардилар.

* * *

Ҳумоюн Қандаҳорни тинчитиб Кобулга борганда, Комрон қалъа дарвозаларини очмади. Қамал бошланди. Ҳумоюн аркдан баландроқ бўлган Уқабайн тоғига замбарак ва тўфанглари ўрнатиб, оға-инининг орасини бузаётган Бопусхон ва Қорачахонни ўққа тутдирди. Бу ўқлардан бири тасодифан Комроннинг тепасидан учиб ўтган эди. Акасига ўчакишган Комрон уч яшар Акбарни ичкаридан олиб чиқдирди-ю, ўқ келаётган томонга тўғрилаб, тикка турғизиб қўйди. Қандай даҳшатли хатарга рўбарў бўлганини билмайдиган мурғак бола Комроннинг буйруғига биноан арк ҳовлиси ўртасида анча вақт турди. Тўфанг ўқлари ёни-веридан визиллаб ўтганда, уларга қизқиқиб қаради. Тўп ўқларидан бири боши устидан ошиб, арк деворига урилди-ю, чанг кўтариб, тошларни синдириб тушди.

Акбар отасининг ўқиға нишон қилиб қўйилганидан хабар топган Моҳим энага ичкаридан дод солиб чиқиб, болани ўзининг гавдаси билан тўсди. Ўқ келаётган томонга қараб қўлларини кўтарди, бор овози билан бақирди:

— Отманглар-о-о!! Отманглар! Акбар бу! Акба-ар! Болага отмангла-ар!!

Ниҳоят, тоғдан ўқ отаётганлар бола билан турган аёлни кўрдилар. Моҳим энага жон ҳолатда қичқириб «Ак-к-ба-ар бу-р!» дегани Ҳумоюннинг қулоғига етганда, қўрқувдан сочлари тикка бўлиб кетди. Қалъа томонга замбаракдан ҳам, тўфангдан ҳам ўқ отишни қатъиян тақиқлади.

Акбар ўлим таҳлиқасини энагаси орқали сездди. Боя деворни чангитиб, тошни синдирган тўп ўқи энагага тегиши мумкинлиги болада қўрқувдан ҳам кучли бир кин ва жаҳл уйғотди. Моҳим уни ичкарига кўтариб кирганда боланинг ранги оқариб кетган эди. Моҳим уни ерга қўйиб, пиёлада сув олди. «Бола кўрққан» деб, сув ичирмоқчи бўлди. Лекин Акбарнинг ҳуши жойида эмас, пиёлани уриб ерга тушуриб юборди. Бирдан дод солиб йиғлади, аммо кўзлари намланмади. Дилидаги тошдай қаттиқ бир жаҳл туйғуси борлиғини исканжага олиб қийнар, бояги ўқларнинг визиллаши қулоғидан нари кетмас эди.

— Акбаржон, бас! Бас! Уқлардан қутулдик! Йиғи бас!.. Бўлди, болажоним! Бўлди!

Тўп ўқининг ваҳшати билан бирга боланинг қалбига ўрнашиб қолган ўксиниш ва жаҳл ҳеч тарқамас, Акбар ўзини уёқдан-бўёққа отиб йиғлар, қўлига тушган нарсани

улоқтирарди. Боланинг йиғисини нариги уйдан эшитган Гулбадан бегим чопиб кириб келди. Моҳим билан икковлашиб Акбарни кеч бўлганда зўрға юпатдилар. Бола уйқусида ҳам оғир хўрсиниб ётарди. Буни кўриб Гулбадан бегим кўзига ёш олди. Эшик-деразани беркитиб, шам ёруғида Ҳумоюнга мактуб ёза бошлади:

«Ҳазрат оғажон, шукрким, Акбаржонни худо бир асради. Лекин уч ойдан бери қамал азоби ҳаммани жонидан тўйдирди. Бопусхон билан Қорачахонларнинг зулмидан безор бўлганлар кечаси девордан ўзини ташлаб, обмўридан чиқиб, сиз томонга қочиб ўтмоқда экан. Шу ўтганлардан бири менинг мактубимни сизга еткизар деб умид қила-мен. Мен эшитдимким, Бопусхон билан Қорачахон боғ талашиб уришиб қолибдилар. Худо раҳматли аммам Хонзода бегимнинг яхши боғи, ҳовли-жойи меросхўрсиз қолган эди, шуни Қорачахон олмоқчи экан, вазир Бопусхон ундан олдин Комрон мирзодан ижозат олиб, ўғлига хатлаб берибдир. Шу туфайли бу икки ит суяк талашиб уришиб қолдилар. Бопусхон вазирлигидан фойдаланиб, Қорачахонни доруғалик амалидан маҳрум қилди. Ҳозир Қорачахон мингтача аскарга саркарда. Чармгарон дарвозасини кўриқлаб турибдир. Куёвингизнинг иниси, менинг қайним Маҳдихўжа ҳам унинг аскарлари сафида. Бир кун мастликда Қорачахон Маҳдихўжага сизни мақтаган эмиш, Комронга хизматга ўтганидан энди афсус қилармиш, «ҳазрат Ҳумоюн гуноҳимни кечирма-ғай-да, бўлмаса ҳузурларига бош эгиб борар эдим», деган эмиш. Подшоларнинг биридан бошқасига қочиб ўтишга ўрганган бундай сотқинларни ўзларининг қуроллари билан енгиш мумкин эмасмикин? Ортиқча қон тўкилмайдиган бирон йўлини ўйлаб топармикинсиз, ҳазрат оғажон! Кўзларимиз йўлингизга тўрт бўлиб нажот кутмоқдамиз. Сизни соғиниб, йиғлаб мактуб ёзган синглингиз Гулбадан».

Ҳумоюн бу мактубни олган, ўз аскарлари сафида хизматда бўлган куёви Хизрхўжажонни чодирга чақирди. Хизрхўжажон ботир йигит, одоб-ахлоқи Гулбаданга маъқул келган, ўзи эшонлар авлодидан эди-ю, лекин ёшлигида яхши таҳсил кўрмаган, саводи йўқ, уммий эди. Ҳумоюн берган хатни кўлида айлантириб кўрди, кўзига соғинч билан сурди.

— Тинчликмикин, ҳазратим? Ёшликда қунт билан савод ўрганмаганимдан энди доғдамен!

Ҳумоюн мактубни унинг кўлидан олиб, ўқиб берди. Хизрхўжажон чақмоқ мўйловини маннун силаб, баҳодирона кенг кўкрагини тўлдириб нафас олиб:

— Синглингиз бизга нажот йўлини топиб берибдир, ҳазратим! — деди. — Агар буюрсангиз, мен Қорачахон билан алоқа ўрнатмоғим мумкин.

Ҳумоюн Қорачахон билан алоқа боғлашдан қанчалик жирканмасин, бошқа йўл йўқлигини сезди.

— Ичингиз Маҳдихўжа Қорачахон билан Чармгарон дарвозасини кўриқлар экан, — деди Ҳумоюн.

— Ҳа, мен аввал инимни топгайман.

— Менинг Қорачахонга... мактуб ёзгим йўқ... Мабодо иликласалар, ўзига ҳам ёмон бўлғай... Сиз менинг номимдан инонтириб айтингки, кечаси эл ухлаганда дарвозани очиб берса, нобакорнинг барча гуноҳларидан кечгайман, кўнгли тилаган иноятларни ҳам заҳримаргига олсин.

Тезроқ Гулбаданга етиш иштиёқида ёнган Хизрхўжажон қавс¹ ойнанинг муздай сувига кечаси обмўри орқали тушиб, сув тагидан нафас олмай ўтиб борди...

Келишилган вақтда Қорачахон Чармгарон дарвозасини секин очиб берди. Ҳумоюннинг қўшини қалъага бостириб кирди. У Комронни нима қилиб бўлса ҳам тирик қўлга туширишни буюрган эди. Лекин чоққонлик ва довюракликда акасидан қолишмайдиган Комрон қўлда қилич билан ўзига йўл очиб, қалъанинг бошқа дарвозасидан қочиб чиқиб кетди. Шу кетганича Хайбар довонидан ошиб, Синд дарёсидан ўтиб, қайнотаси Ҳусайн арғун даргоҳидан паноҳ топди.

* * *

Икки ярим йилдан бери ёлғиз ўғлининг дийдорига ташна бўлиб юрган Ҳумоюн тонг отганда Акбар ётган аркка от чопдириб келди. Лекин уйқудан барвақт уйғотилган бола отасини танимади — ўн ойлигида бўлган воқеалар гўдак хотирасидан аллақачон ўчиб кетган эди. Бунинг устига қилич таққан Ҳумоюннинг нимасидир шафқатсиз Комронни ва тепасидан ўтган тўп ўқини боланинг эсига туширди. Акбар бегонасираб орқага тисарилди. Ҳумоюн унга қўл чўзиб ялинди:

— Акбаржон! Уғлим! Сени хавф-хатарлар гирдобида қолдирганим учун кечир! Билмасдан отдирган ўқларим учун кечир мени!

Отасининг овози Комронниқидан бутунлай бошқача экани Акбарда илиқ туйғу уйғотди. Шундай катта одамнинг кўзиде ҳалқаланган ёш, овозида товланган илтижо боланинг кўнглини юмшатди. Ҳумоюн уни авайлаб қучоғига олганда, Акбарга бу ёқимли туюлди.

¹ Қавс — 22 октябрдан 22 ноябргача

Кўп ўтмай Қандаҳордан Ҳамида бегим ҳам етиб келди. У келгунча Гулбадан ва Моҳим энага Акбарга онасининг кўп белгиларини айтиб бердилар. Шунинг учун Акбарнинг онасини таниши унча қийин бўлмади.

Ҳамида бегим Акбарни кечаю кундуз ёнидан қўймай парвариш қилар экан, унинг миқти ва шўх бола бўлганини кўриб қувонарди. Фақат баъзи кечалари тўп ўқига нишон бўлган ўша машъум дамлар боланинг тушига кирса, босинқираб уйғонар, ранги оқариб, ўзини билмай қолар, йиғлаб тўполон қилар, уни юпатгунча она эзилиб, қийналиб кетар эди. Боланинг бошидан кечган даҳшатлар унинг дилида умрбод унут бўлмайдиган асоратлар қолдиргани Ҳамидани таҳликага соларди. У бу асоратни ўғлининг хотирасидан кетказишга ҳаракат қилиб юрган кезларда яна янги фалокатлар юз берди.

Шимолий чегараларда шайбонийзодалар қутқусига учган Бадахшон ҳоқими Ҳумоюнга қарши исён кўтарди. Ҳумоюн Бадахшонга кўшин тортди ва ўша ёқларда олти ой қолиб кетди.

Бунинг хабари Синд вилоятида пайт пойлаб юрган Комрон мирзога етиб борди. У бир неча юз одамни оддий деҳқонлар, бозорчилар кийимида Кобул дарвозалари томон юборди. Шаҳар тинчиб қолган, атроф қишлоқлардан бозорга дон, мева, ўтин олиб келадиган кишилар учун дарвозалар ҳар куни азон пайти очилади. Соябон араваларда дон ва мева ўрнига қуролли наварларни беркитиб олиб кирган Бопуsxон энг аввал дарвозаларни эгаллади. Асосий кучлар билан пистирмада турган мирзо Комрон Бопуsxон очган дарвозалардан от қўйиб кирди-ю, бутун қалъани забт этди, қаршилик қилганларни аёвсиз ўлдирди, ўтган галги мағлубият учун кўп одамлардан қасд олди. Бу хабар Ҳумоюнга етиб боргач, у Бадахшондан Кобулга қайтди. Аммо дарвозалар яна бекик, Комрон уни киритмоқчи эмас. Яна қамал бошланди.

Ўтган галги қамалда Ҳумоюннинг Қорачахон билан алоқа боғлашига аёллар ёрдам берганини эшитган Комрон мирзо Ҳамида бону билан Гулбадани илгари мирзо Аскарининг ҳарамини бўлган бир уйга қаматди. Қамал уч ой давом этди, Бопуsxон бегимлар қамалган жойни ойнар мобайнида соқчилар кучи билан сақлашга эринди-ю, уйнинг эшик ва даричаларига фишт қалатиб бекитдирди. Сув ва овқат том устидаги мўридан арқон билан тушириб бериладиган қилинди. Ҳамида бону, унинг ўғилчаси Акбар ва қизалоғи Жаҳон бегим ўз энагалари билан мана шу зиндондай эшиксыз ва даричасиз уйда беш ой қамал азобини тортдилар. Қамоқ даврида икки ёшдан ошган Жаҳон Султон бегим зиндон азобиغا бардош бера олмай оғир касал бўлди-ю, онасининг қўлида жон берди...

Бу фожиалар учун Ҳумоюн энди Комронни умрбод кечирмаслиги керак эди. Комрон ҳам шундай деб ўйлаб охирги кучлари қолгунича у билан олишди, лекин енгилиши муқаррарлигини сезди-да, Кобул қалъасидан кечаси яшириқча чиқиб, ўттизтача одами билан шимолга қараб қочди.

Шу кетишда бу гал у Бадахшоннинг Толиқонига борди. Бадахшоннинг маркази — Зафар қалъаси эди, Ҳумоюн бу қалъанинг ихтиёрини амакиваччасининг ёш беваси Ҳарам бегимга ва унинг норасида ўғиллари Мирзо Сулаймон билан Мирзо Иброҳимга топшириб келган эди. Ҳарам бегим ўттиз ёшли келишган жувон, жангларда эркакча кийиниб, қилич чопадиган довьорак, мард аёл эди, ўн беш минг Бадахшон йигити унга сўзсиз итоат этар эди.

Қамалда енгилиб хазинасидан ва қўшинидан айрилган Комрон давлатманд жувон билан тил топиш фикрига тушди. Тархон бека номли бир доғули аёл «амакисининг бевасига ўйланиш бизнинг улусда бир одат, Ҳарам бегим сиздек баҳодир йигитга зор бўлиб юрибдир, мен сизга унинг ризолигини олиб бергаймек» деб Комронни ишонтирди.

Комрон ўзининг ошиқлик мактубига Бадахшон лаъли, ҳинд марваридлари ва чиройли кашмири рўмолни кўшиб совға қилди-ю, Тархон бека орқали Ҳарам бегимга юборди. Ҳарам бегим Комроннинг ошиқлик мактубини ўқиди, совғаларини кўрди, Тархон бека сўйлоқи тишларини кўрсатиб хихилаб кулди:

— Ўттиз ёшда эрсиз юриш азоб, айланай, бошимиздан ўтган, — деб, беҳаё ҳикоялар айтиб, Ҳарам бегимнинг ҳирсини уйғотишга ҳаракат қилди.

Ҳарам бегим қайноға ўрнида кўриб ўрганган Комрон мирзонинг мактуби ҳам, орага қўйилган кампирнинг беҳаё гаплари ҳам Зафар қалъасининг маликасига қаттиқ ҳақоратдай туюлди. Унинг ғазаби келиб, жаллодни чақирди-ю, доғули Тархон бекани пора-пора қилдирди, бошини кесдириб, ўзи келтирган кашмири рўмолга тугдирди-да, лаълу марваридлари билан бирга Комронга қайтариб юборди. Инисининг мактубини эса Ҳумоюнга жўнатди.

Бу воқеадан хабар топган Ҳумоюн Комроннинг мағлубиятдан довдираб, эс-ҳушини йўқотаётганини, ёмон одамлар шундан фойдаланиб, уни янада шармандали аҳволга солишлари мумкинлигини, оталарининг улуғ номига иснод келтирадиган бундай ишларнинг олдини олиш тағин ҳам катта аканинг бурчи эканини ўйлади. У энди нима қилиб бўлса ҳам Комрон билан бир учрашиши, юзма-юз туриб очиқ гаплашиши керак эди. Фақат шундагина орани бузаяётган одамларнинг таъсирини қирқиш ва Комронни уларнинг асоратидан қутқариш мумкин эди. Қанча мушкул муаммоларни ечган Ҳумоюн наҳотки шу ишининг уддасидан чиқолмаса? Наҳотки ўз инисининг берган озорларини унутиши, қилган ёмонликларини ичига ютиб, у билан ярашиши шу қадар қийин бўлса?

Ҳамида бегим Комроннинг номини тилга олгиси келмас, қамал ойларида дили яраланган Акбар ҳам жажжи синглисининг қотили билан отасининг ярашишини истамас эди. «Комрондан энди умид йўқ, яширин одамлар юбориб, ясоққа етказиш керак!» дерди Турдибек. Лекин Ҳумоюн биродаркуш бўлишни истамас: «Раҳматли отам, зинҳор иниларингнинг қонини тўкма, деб васият қилганлар», дерди.

Ҳозир Аскарый билан Ҳиндол Ҳумоюннинг ёнида, энди фақат Комрон тентираб юрибди. Ҳумоюн унинг, олдига Ҳиндолни юборди. «Бас энди, келсин, гуноҳларидан кечай», деди. Аммо Комроннинг ёнидаги Бопусхон, «борманг, яшириқча қатл этдиргай», деб уни кўрқитди. Комрон яна ярашишдан бош тортди. Шундан кейин Ҳумоюн Ҳарам бегимга мактуб ёзиб, Комронни қуршовга олишда ёрдам беришини сўради. Ҳарам бегим ўн икки минг отлик қўшин йиғди, ўзи бу лашкарга бош бўлиб, Помир тоғининг жанубий этакларидан Ҳиндикуш тоғининг шимолидаги Кўталгача олиб келди. Бу қўшинни Ҳумоюннинг кўмагига топширди-да, ўзи яна Бадахшоннинг Зафар қалъасига қайтди.

Келинларининг мардона иши Комронни ваҳимага солиб қўйди. Агар у Ҳумоюн билан энди ҳам ярашмаса, тирик қутулиб кетолмаслиги аниқ эди. Шундан кейин Комрон Ҳумоюн қароргоҳига одам юборди ва:

— Ҳиндол келсин, бирга боргаймиз, — деди.

* * *

Илк баҳор кунларида Ҳумоюн Ҳиндикуш тоғининг жанубий этакларига юздан ортиқ чодир тиктирди. Уларнинг ўртасига, кўкракдор бир жойга улкан саропарда ўрнатилди. Боргоҳ ва хиргоҳдан ташқари яна уч хил рангдаги учта кимхоб чодирни шу саропарда ичига ўрнатишди.

Отлиқлар кўп ўтиб йўл қилган жойдан то саропарда эшигига қадар доларанг ипақ пойандоз тўшалган эди. Ҳиндол ва Аскарый икки ёнда, Комрон мирзо ўртада, учаласи шу пойандоз олдига келиб отдан тушдилар. Нақоралар чалиниб, қўш сурнай майин навони кўйлаб турибди. Яхши кийинган салобатли Комрон мирзо доларанг пойандозга секин қадам қўйиб, иниларини эргаштириб кела бошлаган пайтда саропардадан Ҳумоюн унга пешвоз чиқди. Сурнай ва нақоралар товушида жўшқин, қувноқ, ҳаяжонли оҳанглар пайдо бўлди.

Бу хаёлот эмас, туш ҳам эмас, Ҳумоюн кўпдан орзу қилган ва етти йил курашиб юриб, ниҳоят, бугун муяссар бўлаётган ҳақиқат эди.

Бунчалик эъзоз била пешвоз олинишини кутмаган Комрон акасининг муруввати олдида тиз чўкиб, уч марта юкунди. Ҳозир унинг белида на қиличи, на ханжари бор, фақат камарнинг ўзи боғланган. Комрон титроқ қўллари билан олтин камарини ечди-да, уни ўзининг бўйнига осди. Бу унинг таслим бўлганини билдирар эди. Шу билан Комрон ўзининг гуноҳкор эканини ҳамманинг кўзи олдида тан олди. Бундан таъсирланган Ҳумоюн унга кучоқ очди, одат бўйича уч марта кўкракни кўкракка босиб кўришдилар. Шундан сўнг, Ҳумоюн Комроннинг олтин камарини бўйнидан олиб, белига боғлаб қўйди. Саропарда ичидаги энг катта чодир оға-инилар учун гулдай ясаиб қўйилган эди.

Ҳумоюн тўрға ўтди-да, ўнг ёнига Комронни ўтқазди. Аскарый билан Ҳиндол икки томондан жой олишди. Олтин косаларда энг аввал хушбўй гулоб келтирилди. Бир коса гулобни аввал Ҳумоюн, сўнг Комрон ичди. Иккинчи косадаги гулобнинг бир қисмини Аскарый ичиб, қолганини Ҳиндолга берди.

Зиёфат бошланди. Гоҳ кийик кабобини, гоҳ кобули шўрвани, гоҳ фарғонача паловни олиб келиб дастурхонга қўяётган баковуллар тўрт оға-инини энди бир дастурхон атрофида кўраётганларидан хурсанд. Энг тўнғичи Ҳумоюн — қирқ ёшда, энг кичиги Ҳиндол — йигирма саккизда. Бугун дастурхон атрофида тўртовларидан бошқа ҳеч ким йўқ. Тўртовлари ҳам бир-биридан дуркун бўлган учун катта чодирни тўлдириб ўлтиришибди. Хизматкорлар назарида чодирда етти-саккизта одам ўлтиргандай.

Паловдан кейин Ҳумоюн битта чинни тарвуз сўйдирди. Тарвузни тенг икки паллага бўлиб, бир палласини Комрон билан Ҳумоюннинг олдига, иккинчи палласини кичик инилар ўртасига қўйишди. Баҳоргача асралган бу тарвуз жуда ширин эди, тўртовлари ҳам уни мақтаб-мақтаб едилар. Барибир тарвуз улардан ортиб қолди.

— Ана, — деди Ҳумоюн. — Тўртталамизга битта тарвуз етиб ортар экан. Талашиб тортишишнинг не ҳожати бор? Мамлакат улкан — Қандаҳордан Бадахшонгача. Наҳотки шу бизга етмаса?

Комрон хижолатдан қизариб, маҳзун бир қиёфа билан:

— Начора, хом сут эмган банда эканмиз, — деди.

— Майли, ўтган ишга саловат, — деди Ҳумоюн. — Қани, Мирзо Комрон, янги шеърлардан борми?

Гап ёқимли мавзуга кўчганидан енгил тортган Комрон:

— Ҳазрат отамизнинг машҳур бир рубоийлари бор. «Кўнгли тилаган муродиға етса киши, ё барча муродларни тарк этса киши» деб бошланур. Фақир шу йўлда бир рубоий битмишмен:

Ё бўлса муяссар кишига илм ила ҳол!¹
Ё топса киши салтанат авжида камол.
Ё ошифтае бўлса кўруб ҳусну жамол,
Ё бўлса тамом ўзлигининг фориғбол?²

Ҳумоюн ҳозир оға-ини адоватидан қутулиб, фориғбол бўлиб ўлтиргани учун сўнги сатр унга жуда ёқди:

— Кўнглимдаги сўзларни битибсиз, амирзодам! Дунёдаги энг ёмон тутқунлик — одамнинг ўзлигидан фориғбол бўла олмаслигидир. Бундан олдин бир маснавий ҳам битган экансиз. Менинг хотирамда бир неча сатри қолмишдир. Унда ҳам ҳақ сўзлар бор.

— Қайси маснавий экан, ҳазратим? Бирор сатрини эслатинг.

— «Якталабу, яқдилу якхўй бўл,

Борча халойиқ била якрўй бўл».

— Бу ҳам ҳазрат отамнинг маснавийларига ўхшаб кетадир, — деди Ҳиндол.

— Ҳа, — давом этди Ҳумоюн. — Қуйидаги тўрт сатрини Комрон мен кабиларга бағишлаб ёзган деб ўйладим:

Эй, ўзини жоҳ ила маст айлаган,
Ҳимматин ул пояда паст айлаган.
Ҳиммат эмас улки, жаҳон олғасен
Ҳиммат эрур буки, борин солғасен?³

Комрон акаси билан хафалашиб юрганда бу сатрларни унга қарши қаратгани рост эди. Лекин ҳозир у шеърдаги кинояни ўзига олди:

— Бу сатрларда мен ўзимга мурожаат этмишмен, ҳазратим! Ёдингизда бўлса, жаннатмакон отам бир қанча маснавийларни ўзларига қарата битган эдилар. Секрида май ичишдан тавба қилганда ўзларига мурожаат этиб айтган маснавийларини эсланг:

Неча нафсингга бўлурсен тобей!
Неча умрунгни қилурсен зойей!

— Ўзингизга мурожаат этганингиз — бизга ҳам мурожаат қилганингиз эмасму, амирзодам? — деди Ҳумоюн кулумсираб. — Ахир биз ҳаммамиз бир хонаводадан-миз.

— Бу рост, аммо мен аввалги даъволаримдан воз кечиб, ўзлигимдан фориғбол бўлдим. Ҳиммат — барини олишда эмас, баридан воз кечишда эканини энди астойдил ҳис этдим!

— Ундоқ бўлса, тўрталамиз бу кеча мана шу саропарда ичида бирга ухлагаймиз. Дамни олиб, эртага Кобулга, ҳазрат отамнинг қабрини зиёрат қилгани боргаймиз.

Ҳумоюн атайлаб беку аъёнларни орага қўшмасликка ҳаракат қилар, чунки уларнинг Комронга боғлиқ гина-кудуратлари кўп — Бопусхон қамал пайтида бирининг акасини ўлдиртирган, бирининг синглисини беномус қилган, лекин одамлар буни Комрондан кўрар эди.

Тўрт оғайни қўриқчи йигитлари билан Кобул кўчаларини тўлдириб ўтдилар, минглаб одамларнинг эътибори остида баланд тепалик устидаги Бобур мақбарасига кўтарилдилар.

Оталари ҳаётлигида тоғдаги чашмалардан бу ергача ариқ қаздириб, сув олиб келган ва тўртта чинор эктирган эди. Йигирма йил ичида улар юқорига буй чўзиб, катта дархтларга айланган.

Бу хушҳаво жойга шимолдан — Амударё ва Сирдарё томондан эсган шамоллар Бобур туғилиб ўсган жойларнинг эзгу исини олиб келарди. Жанубдан эсган шамоллар эса Бобур Кобул дарёси бўйида ва Жамна қирғоқларида барпо этган боғларнинг муаттар ҳидини келтириб тургандай бўларди.

Оталарининг васиятига биноан, унинг хоки Аградан ҳинд тупроғи билан бирга келтирилиб қабр ичига солинган эди. Қабр устидаги олтинранг мармар эса Самарқанднинг Ғозгонидан туяларга ортиб келинган ва Кобулда тарашланиб, сайқал олган эди. Тўрт ўғил мақбара ичига чуқур сукут билан кириб, қабр тошининг икки ёнига ва оёқ томонига чўк тушиб ўлтирдилар ва тиловат қилдилар. Ҳумоюн отасининг ўлмас руҳини тирик ҳис қилиб, унга ҳаётлигидагидек мурожаат этди:

— Ҳазрат отажон, шукр, мана, барча ўғилларингиз соғ, омон. Ҳузурингизга бирга келиш орзусида эдик. Бугун шу орзуга етдик. — У иниларига юзланди: — Падари бузрукворнинг руҳлари олдида аҳд қилайлик, Комрон, Аскарый, Ҳиндол — барчамиз минбаъд аҳилликни бузмайлик! Ҳеч бир кимса орамизга нифоқ сола олмасин. Омин!

— Омин!

Ҳиндол акасининг сўзларидан қаттиқ таъсирланиб, кўзига ёш олди.

¹ Ҳол — бу ерда қарор топиш, мақсадга етиш.

² Фориғ — озод бўлиш, ташвишдан қутулиш; бол — дил, жон, фориғбол — дилу жоннинг озод бўлиши.

³ Солғасен — «баридан воз кечгайсен» маъносидда.

Комрон эса босиқлик билан:

— Омин! — деди-ю, ичида Ҳиндолни «ҳали ҳам бола» деб қўйди. Аскарый ҳам Комрондек босиқ. У Ҳумоюндан кўра Комронни тезроқ тушунади. Ҳумоюннинг одам эришиб бўлмайдиган нарсаларга ишониши ва интилиши, ҳозиргидай оталарининг қабри олдида тирик одамга сўзлагандек гапиришлари Комрон билан Аскарыйга китобий бир хаёлпарастликдек туюлади. Аграда Ҳумоюннинг олий табақани «аҳли давлат», «аҳли саодат», «аҳли мурод» каби қисмларга бўлганлари, бутун жамиятга эса табиатдаги чор унсур асосида тартиб бермоқчи бўлганларини, эшқакчи Низомни подшо қилиб кўтарганлари ҳозир Комроннинг эсига тушиб, кулгисини келтирди.

Бобур мақбарасидан нарироқда Хонзода бегимнинг қабри устига қўйилган одам бўйидан баландроқ оқ мрамарга Ҳумоюн шикаста ҳарфлар билан дил сўзларини ўйдириб ёздирган эди. Ҳозир у укаларини аммасининг қабри олдига бошлаб келди-да:

— Бу улўғ аёл умр бўйи отамизга-ю, бизга ўзини фидо қилиб яшади, — деди. — Ҳаётининг охириги дақиқаларигача тўртовимизни бирга кўриш орзусида бўлди. — Ҳумоюн аммасининг руҳига ҳам худди тирик пайтидагидек мурожаат этди: — Ҳазрат аммажон, арвоҳингиз шод бўлсин, сиз орзу қилган кунларга етишдик. Улуғ руҳингиз бизга ҳамиша мадад берсин! Омин!

Комрон бу гал юзига истар-истамас фотиҳа тортди, Акасининг бу гаплари, унинг назарида, улкан подшога ярашмайдиган бачканаликдай туюларди.

Ҳумоюн эрталаб бу ёққа келаётиб, мақбара эстагига кўчат олиб чиқишни ва чуқурчалар қазиб қўйишни буюрган эди. Пастдаги ариқ бўйида Турдибек у айтган ишларни тахт қилиб, тўрт оғайнини кутиб турган эди. Ҳумоюн хилхонадан чиқиб буни кўрди-ю, иниларига:

— Ҳозир илк баҳор, айни ниҳол ўтқазадиган пайт, — деди. — Юринглар, отамиз қаздирган ариқ бўйига биз ҳам кўчат экайлик, ҳозирги масъуд дамлардан хотира бўлиб қолсин.

Ҳумоюн чинор кўчатини чуқурчага солиб, ўзи тупроқ тортмоқчи бўлган эди, навқари кетмонни бермади:

— Ҳазратим, сиз тутиб турсангиз бас!

Аммо Ҳумоюн бунга кўнмай кетмонни тортиб олди-да, кўчат тагига ўзи тупроқ ташлай бошлади. Умрида қилмаган бу ишга унинг қўли келишмаётганини кўрган Комрон акасининг кулгу бўлишидан озорланиб:

— Бас, ҳазратим! — деди. Комроннинг ҳокимона ишораси билан навқар тез кетмонни Ҳумоюннинг қўлидан олди.

Комрон ўзи эса кўчатни тутиб турди, аммо кетмонсоғга қўл текизмади. Аслзодаларга хос назокат билан тарбия кўриб ўсган Комрон «авомга ўзингни тенг тутсанг, дарҳол тепангга чиққай» деган эътиқодда эди. Ҳумоюн эса беғубор оддий одамларга яқин бўлишни яхши кўрар, ўғли Акбарнинг тўйида у ҳатто Имомқули деган навқари билан кураш тушган эди.

Тўрт оғайни фақат ўзлари қолганда унча билинмайдиган бундай фарқлар улар жамият орасига кирган сари кўзга яққол ташланади ва бирини биридан узоқлаштира бошлайди. Кўпчилик Ҳумоюндан мамнун. Оға-инининг олишувларидан безор бўлганлар «хайрият, энди тинчидик», деб қувонади. «Ҳумоюн инилари қилган ёмонликларни юзларига солмай, ҳурматларини жойига қўйиб, ёнида эъзозлаб олиб юрибдир, бағри кенглик бундан ортиқ бўлғайми?» деган мақтовлар Комроннинг қўлоғига ҳам чалинади. Ҳозир бу ярашиш нуқул Ҳумоюннинг обрўсини ошираётгандай, Комрон эса Кобулдаги аввалги нуфузини йўқотиб, пастлаб кетаётгандай туюлади-ю, кун сайин қаттиқ ботади. Айниқса, қамал пайтида ундан жабр кўрган одамларнинг кўзларидаги кудурат Комронга тикандай санчилади. Қариндош аёллар билан кўришганда Ҳамида бону унга кўзлари тўла мусибат билан шундай тикилдиди, Комроннинг-кўнгли аллақанақа бўлиб кетди. У Ҳумоюннинг қамал пайтида зиндонда жон берган қизи — икки ёшли Жаҳон Султон бегимнинг ўлими учун жавобгар эканини мунгли онанинг нигоҳидан сезганда, бу кўзларнинг ўткир дарди гўё найза бўлиб отилдию Комроннинг дилига қадалди. Эшик даричаларига ёширт қаланиб, қамоқхонага айлантирилган қоронғи уйда сингиллари Гулбадан ҳам бир неча ой зиндон азобини тортган, энди у ҳам Комрондан кўрган азобларини унута олмас эди... Ҳумоюнга садоқатли беклардан бир қанчаси Бопуaxon томонидан аёвсиз ўлдирилган, баъзиларининг хотинлари бозорда, халойиқнинг олдида шарманда қилинган, уларнинг тирик қолган оға-инилари буни ҳам Комрондан кўришарди. «Сен фармон бергансен, қасдини сендан олмоғимиз керак!» дегилари келиб, Комронга интиқом тўла кўзлар билан тикилишарди, Ҳумоюн қасоскорларнинг ҳовурини босиш учун Бопуaxonни ҳибс қилдирди. Афзалбек Синдга борганда Шерхоннинг ўғли Исломшоҳ томонга ўтиб кетган, Қорачахон кечаси дарвозани яшириқча очиб бергандан бери Ҳумоюн хизматида юрар эди. Лекин беку аъёнлар орасида Қорачахоннинг эътибори йўқ, солиқ йиғувчи маҳкамада учинчи даражали бир лавозимда ишлар, ҳеч ким уни писанд қилмас эди. Бундан аламзада бўлиб юрган Қорачахон пайтини топиб Комроннинг қароргоҳига келди, тиз чўкиб, ундан узр сўради.

— Мен ҳали ҳам сизни валеънеъматим деб тан олурмен! — деб шивирлади. —

Оҳ, қани ўша давру давронларимиз? Агар мен сизга керак бўлсам, чорланг, ернинг остидан бўлса ҳам ҳузурингизга етиб келурмен!

— Фитна-ю, шўриш энди бас! — деб Комрон унга ён бермади. Чунки ҳозир Комрон қароргоҳ қилган Боғи Наврўзийда Ҳумоюнга гап етказадиган хуфиялар бўлиши мумкин эди. — Яхшилик йўлидан юрсангиз, бир кун яна учрашгаймиз. Унутмаганингиз учун ташаккур!

Бу ташаккур — унинг Қорачахонни кечиргани эди. Ҳар қалай, Комронни Ҳумоюндан баланд қўйиб эъзозлайдиган одам ҳам борлиги Комроннинг дилига таскин берди. У Қорачахондан Саид Халилни сўради.

— Бечора қилтомоқ бўлиб қолди, — деди Қорачахон. — Икки ойдан берли томонидан овқат ўтмай қоқсуяк бўлиб ётибдир. Билмадим, неча кунлиги бор...

Комрон Саид Халилни кўргани борди. Бир вақтлар ерни босайми-босмайми деб кеккайиб юрадиган Саид Халил ҳозир одам кўрса сесканадиган кўкиш-сарик мурдага ўхшарди. Лаблари қимирлаганда худди ўлик ётган одам гапириб юборгандай Комроннинг эти жимирлади.

— Сиз... — деб пичирлади Саид Халил Комронга... — Сиз тахтни олинг! Оғонгиз... номуносиб!..

Бир томонда — Ҳумоюнни Комрондан юз чандон баланд қўйиб мақтаётган беку аъёнлар, иккинчи томонда ўзчилик бўлса ҳам, ҳар қалай, Комронни отасининг тахтига энг муносиб деб биладиган эски қадрдонлар... Комронга бу икки муҳит — қайчининг икки тифидек туюлар, Кобулда юрганда руҳи шу тифлар орасида қолиб қиймаланаётгандай азоб тортар эди.

Бу, эҳтимол, она сути билан кирган ғайришуурий бир туйғудир. Чунки Комроннинг онаси Гулруҳ бегим кундоши Моҳим қувонганда эзилар, аксинча, Моҳимнинг бошига фарзанд доғими ёки бошқа бирон кулфат тушса, ўзини ундан бахтиёрроқ сезиб, дили таскин топарди.

Комрон ҳам Ҳумоюннинг обрўси ортганидан қувона олмас, балки руҳи тушар эди. Акасининг маънавий ғалабаси унга ўзининг маънавий мағлубиятидек туюларди. Унинг кўзини куйдириб, рақобат ҳиссини хуружга келтираётган нарсалар кўпайган сари кечалари ухлай олмай чиқди-ю, синиққан юз билан Ҳумоюнга мурожаат қилди:

— Мен бу жамиятдан узоқроққа кетай, ҳазратим. Улуғ муруватларингизни то абад унутмагаймэн. Энди... тинч бир гўша бўлса, ижод қилсам...

Уша кезларда Ҳумоюннинг қаламравидаги энг узоқ ўлка — шайбонийзодалар давлати билан чегарадош бўлган Кўлоб эди. Комрон Кўлобга, Аскарый эса унга қўшни Толиқонга тайинланди ва тез кунда улар ўз вилоятларига жўнаб кетишди.

Кобулда Ҳиндол билан қолган Ҳумоюн энди ота-боболар юрти Фарғона ва Самарқандга қандай қилиб қайтиш режаларини ўйлар эди. Унда Ҳиндистонга қайтиш истаги ҳам кучли. Аммо у ерда Шерхоннинг ўғли Исломшоҳ юз минг кишилик қўшин билан йўлни тўсиб турибди. Ҳумоюнда ҳали Исломшоҳга бас келадиган куч йўқ. Тўғри, Шерхон авлодларининг низолари тўхтаган эмас. Гоҳ Аграда, гоҳ Бихорда ва Банголада Одилхон ва Аҳмадхон сур деганлар Исломшоҳга қарши уруш қилмоқдалар. Улардан безор бўлган агралик ва бихарлик эски қадрдонлари Кобулга одам юбориб, Ҳумоюнни тезроқ Ҳиндистонга қайтишга ва ўз тарафдорларини бу балолардан қутқаришга ундайдилар. Аммо ёши қирқдан ошиб, мулоҳазакор бўлиб қолган Ҳумоюн ҳали ҳиндга қайтиши учун фурсат етилмаганини, тарих қозони яна узоқ қайнаши кераклигини сезади. Исломшоҳ минг уринса ҳам тўхтатолмайдиган ички бир нураш худди тоғ ёнбағрининг аста-секин кўчишига ўхшаб, Шерхон тузган давлатни ичидан емириб бормоқда. Буни Ҳумоюн Ҳиндистонга махфий тарзда бориб келаётган ўз мушрифларининг ахборотидан билиб турибди. Бу ички кураш ўз ишини қилиб бўлгунча Ҳумоюн шошмасдан куч тўплайди ва қулай вазиятни сабр-бардош билан кутади.

Мовароуннахрда эса шайбонийзодалар ҳокимияти парчаланиб, ички низолардан вайрон бўлмоқда. Шу кунларда Ҳумоюнга келаётган маълумотларга қараганда, Самарқанд — Бухоро хонига итоат этмайди. Тошкент ҳам Бухоро хонлигидан ажралиб чиққан. Ҳаммаси бир-бири билан қирпичоқ бўлиб уришмоқда. Илму санъат орқага кетган, Эрону Хуросон билан алоқа узилган, шиа-сунний адовати авжида.

Ҳумоюн уч ёшида Самарқандга бир мартагина борган, Тошкент ва Фарғонани умрида кўрмаган. Лекин ота-боболарининг ватани уни доим ўзига тортади. Қандаҳорни олишда унга ёрдам берган ўзбек саркардалари Алиқулихон ва Баҳодирхонлар ҳам уни боболар юртига қайтишга ундайди. Ўттиз беш ёшлардаги, қисқик кўзли барваста Алиқулихон ўзига ўхшаб кетадиган ўттиз яшар укаси Баҳодирхонни Ҳумоюн хизматига бошлаб келди. Ака-ука иккови ҳам Навоий ва Бобур шеърларидан юзлаб сатр ёд билар эканлар. Алиқулихон Султон тахаллуси билан, Баҳодирхон эса Ҳазалий номи билан туркий шеър ёзар эканлар.

— Ҳазратим, мен шайбон улусидан бўлсам ҳам, руҳан Шайбонийхонга эмас, сизнинг шоир отангизга кўпроқ яқинлик сезурмен, — деди Алиқулихон. — Мирзо Бобур учун ватандан айрилиш қандай оғир кўргилик бўлса, Мовароуннахрдан Бобурнинг кетиб қолиши биз учун ҳам улкан йўқотишдир. У кишининг ортларидан қанча фозиллар, қанча

истеъдодли кишилар ватандан кетдилар. Отангиз-ку, қайтиб келолмадилар. Балки энди сиз ўша фозиллару соҳиб, истеъдодларни Мовароуннаҳрга яна қайтариб олиб борурсиз? Шу билан ватанимизнинг Улуғбеклару Навоийлар давридаги маънавий юксалишлари янгидан бошланса... Орзуйимиз ана шу!

— Мен учун ҳам бу улуғ бир орзудир! — деди Ҳумоюн. Алиқулихон ва Баҳодирхонларга яна Искандархон номли тошкентлик бек ҳам қўшилди. Бу учовнинг уч мингдан ортиқ навқари бор эди, ҳаммаси Мовароуннаҳрга қайтиш иштиёқи билан ёнар эди. Уларнинг далдаси билан Ҳумоюн ҳам Балх орқали Самарқандга юриш қилиш тайёрлигини кўра бошлади.

* * *

Баҳор сувларидан лойқаланиб оқаётган Кобул дарёсининг шовуллаши Ўрта боғдан баралла эшитилиб туради. Чорчаманлари ва мармар кўшқлари Бобур томонидан режалаштирилган бу марказий боғнинг номини ҳам унинг ўзи қўйиб кетган¹. Бу боғнинг қизғиш қум тўшалган ораста йўлкаларида кўкалдошлари билан чопиб ўйнаб юрган олти яшар Акбар:

— Адҳам, Азиз, келинлар «Байрамхон» ўйнаймиз, — деб қолди.

Бу ўйинни уч ўртоқдан бошқа ҳеч ким билмайди. Отасининг беклари орасида Акбарга энг ёқадигани Байрамхон. Отасидан ҳам бу одам тўғрисида кўп ғаройиб ҳикоялар эшитган. Байрамхон ҳозир Қандаҳорда, Кобулга кам келади. Лекин ҳар келганда Акбарга фил суягидан ва сандал дарахтидан ясалган ғалати ўйинчоқлар совға қилади. Бир марта мана шу боғда у Акбарга ва кўкалдошларига қиличбозликдан сабоқ ҳам берди. Ушанда Акбар ўз отасининг икки қўллаб қилич чопишини, Эльбрус тоғида ов пайтида Ёқуб Шерафкан билан бўлган хатарли жангда чап қўл билан қилич уриб қандай ғолиб чиққанини айтиб берди.

Байрамхоннинг бу ҳикояси Акбарга шундай таъсир қилдики, у ҳам ўнг қўлини белбоқчаси билан ёнбошига боғлатиб қўйиб, бўйига яраша ёғоч қиличини чап қўли билан ишлатишга ўрганди. Ҳали қўли қотмаган ёш бола учун чап қўлини ҳам ўнг қўлидай яхши ишлатишга ўргатиш унча қийин эмас эди. Шундан кейин тенгдош-кўкалдошлари орасида Акбар ёғоч қилични ҳаммадан яхши чопадиган бўлди. Байрамхонга ихлоси ортиб, уни:

— Хонбобо! — деб улуғлади.

Соқоли Ҳумоюнникидан оқишроқ ва бўлиқроқ, ёши ҳам каттароқ бўлган Байрамхон боланинг топагонлигидан завқ қилиб кулди:

— Шаҳзодага бобо бўлиш ҳам катта шараф! Майли мени хонбобо дейверинг.

Шундан кейин Адҳам билан Азиз ҳам Байрамхонни «хонбобо» деб атайдиган бўлдилар ва ундан ўз саргузаштларини айтиб беришини илтимос қилдилар. Шоирликда сўз таъсирини ошириб ўрганган Байрамхон оғзаки ҳикояни ҳам жуда мароқли қилиб айтар эди. Айниқса, унинг Шерхонга қандай асир тушгани, сўнг Абулқосим жалойир уни қандай қутқаргани болалар дилига гўё нақшланиб қолди. Байрамхон Қандаҳорга қайтиб кетгандан сўнг уч ўртоқ унинг шу ҳикояси асосида бир ўйин ўйлаб чиқардилар. Адҳам Шерхон бўлиб ёғоч қилич тақди. Акбар — Байрамхон бўлди. Азиз — Абулқосим. Шерхон — Адҳам уларнинг икковини тутиб олди-да:

— Ким Байрамхон? — деб ўшқирди. — Чиқ олдинга, ҳозир бошингни кесгаймен!

Шунда Акбар:

— Мен Байрамхон, — деб олдинга чиқди. Аммо Азиз Абулқосим бўлиб, ундан олдинроққа ўтди-да:

— Бу Байрамхон эмас, — деди. — Мен Байрамхон! Бу менинг навқарим!

— Йўқ, мен Байрамхонмен! — деб Акбар яна олдинга чиқди.

Шу пайт қоидага биноан Азиз Акбарнинг юзига бир шапати уриши: «Жим тур, сен навқарсен, Байрамхон — мен!» дейиши керак эди. Аммо Акбарнинг шаҳзодалигини доим эсда тутиш, ҳатто ўйинда ҳам унга қаттиқ тегмаслик кераклиги Азизнинг қулоғига ота-онаси томонидан қайта-қайта қуйилган эди. Акбар уч ёшида тўп ўқиға нишон қилиб қўйилган кундан бери қаттиқ жаҳли чиқса ўзини билмай қолар, ранги оқариб тўполон кўтарса, босиш қийин бўларди. Шунинг учун Азиз унга шапати уришга ботинолмади.

— Йўқ, мен Абулқосим бўлмоқчимасмен! — деди Азиз. — Адҳам, сен бўл. Қилични менга бер! Мен — Шерхон.

Икки кўкалдош ўрин алмаштиришгандан сўнг ўйин бошидан бошланди. Шапати уриладиган жойига етганда Адҳам Абулқосим бўлиб:

— Мен — Байрамхон, сен жим тур! — деди-ю, Акбарнинг юзига тарсаки туширди. Умрида бундай тарсаки емаган боланинг кўзларида оғриқдан ёш ҳалқаланди. Адҳам ўйин қоидасини бузиб бўлса ҳам, унинг қулоғига шивирлади:

— Бас, энди ёр-ёр ўйнаймиз!

— Келин йўқ-ку.

¹ Туркий тилда марказ маъносида ишлатиладиган «ўрда» сўзи ҳам аслида «ўрта» демакдир. (Муал.)

Чорчаманлар орасида беш ёшлик Салима Султон бегим кўринди. Унинг отаси мирзо Нуриддин жангда ҳалок бўлган, онаси Гулранг бегим бултур хасба¹дан вафот этган, шундан сўнг уни Ҳамида бону ўз тарбиясига олган эди. Салиманинг мураббияси ичкарида иш билан банд. Акбар икки кўкалдоши билан қизчанинг олдига келди.

— Биз билан ўйнайсенми? — сўради Акбар.

Ўғил болалар илгари уни кўпда ўйинларига қўшишмас эди. Бугун бирга ўйнашга таклиф қилганларидан қувонган Салима олд тишлари тушиб кемшик бўлиб қолган оғзини қия очиб кулумсиради:

— Майли. Не ўйин?

— Оқ рўмолинг борми? — сўради Акбар.

— Бор.

— Бошингга ёпиб чиқ.

Салима ўзидан ярим ёш катта Акбарнинг қаршисида алланечук ёввош, итоаткор бўлиб қоларди. Унинг айтганини қилиб, ичкаридан оқ рўмол ёпиниб чиқди. Шунда Акбар:

— Келин-куёв ўйнаймиз, — деди. — Салима, сен келин. Куёв ким бўлсин? Адҳамми?

Салима бош чайқади. Акбар Азизни кўрсатган эди. Қизча яна бош чайқади. Шунда Азиз:

— Акбарми? — деб сўради.

Салима оҳуникидай чиройли кўзларини ерга қаратиб сукут сақлади. Бу унинг рози бўлгани эди.

Азиз беҳи гулининг кичик бир шохчасини синдириб, Акбарнинг бежирим саллачасига жиға қилиб қадади. Келин-куёв ёнма-ён ерга қараб боғ йўлкасидан кела бошлашди. Икки кўкалдош уларнинг икки ёнида туриб ёр-ёр айтишди:

**Келин келди, ёр-ёр-ей, келин келди!
Куёв келди, ёр-ёр-ей, куёв келди!**

Болалар бошқа ёр-ёрни билмаганлари учун нуқул шу икки гапни такрорлашарди.

Кўшкнинг юқориги қаватида висол завқидан бошқа ҳамма нарсани унутган Ҳумоюн ва Ҳамида бону болаларнинг бу ўйинидан беҳабар. Лекин улар бугун яна янгидан келин-куёв бўлаётгандай шод-хуррам. Дастурхонга кетма-кет овқат ташиётган товоқчи² ташқарида болаларнинг ёр-ёрига қулоқ солиб турган шарбатчини кўрди-ю, унга маънодор кўз қисиб қўйди. Масъум овоз билан ўйин қилиб айтилаётган «ёр-ёр» Акбар ва Салимадан ҳам кўра, иккинчи қаватдаги ҳақиқий келин-куёвларга мос тушаётганини болаларнинг ўзлари пайқамасди, ammo товоқчи ва шарбатчилар буни сезганлари сари завқ қилиб кулишарди.

* * *

Кулгилар кетидан келган мусибатли йиғилар Қорачахоннинг Комрон мирзога олиб борган шум хабари билан бошланди.

— Ҳумоюн мирзо Балх яқинида шайбонийзодалар билан жанг қилиб юриб ҳалок бўлдилар!..

Қорачахон Ҳумоюннинг қонга бўялган шоҳона жуббасини инисига кўрсатди.

Ҳумоюнни Балх юришига Алиқулихон ва Баҳодирхонлар кўндирган эдилар. Қандаҳорни олишда Ҳумоюнга катта ёрдам берган бу ўзбек султонлари энди унинг ёрдамида Бухоро ва Самарқандга қайтмоқчи эдилар. Балх олинса, Мовароуннахрга йўл очилган бўларди.

— Хайрият, бу муҳорабага биз қатнашмаган эканмиз, — деди Комрон.

— Энди пуштипаноҳимиз ўзингизсиз, — деди Қорачахон. — Кобулни тезроқ эгалламоғингиз керак!

Мирзо Комрон шошилич равишда Кўлобдан Кобулга жўнади, йўлакай Толиқондаги иниси Аскарини ёнига қўшиб олди. Ҳумоюн Кобул қалъасига Қосим барлос деган ишончли одамани ҳоким қилиб кетган эди. Қосим барлос қонли жуббани кўрган:

— Балки ҳазратим фақат ярадор бўлгандирлар, ҳали соғайиб келиб қоларлар! — деди. — Ўғиллари мирзо Акбарни валиаҳд таъйин этганлар. Кобул ихтиёрини бошқа ҳеч кимга бермагаймиз!

Комрон мирзонинг қаҳри келди. Қорачахон ҳам Қосим барлосни кўрарга кўзи йўқ эди. Кобулга катта қўшн билан кирган Комрон мирзо Қосим барлосни тутдириб, ўлимга ҳукм қилди. Қосимбекнинг хотини адолат талаб қилиб аркка келган эди, Қорачахон уни бозорга олиб боришни ва халойиқнинг кўзи олдида шарманда қилишни буюрди. Беномусликдан ўлимни афзал кўрган гўзал жувон йўлда Кобул дарёсининг

¹ Хасба — ичтерлама.

² Товоқчи — подшо саройидаги кичик бир лавозим.

баланд кўпригидан ўзини сувга отиб ҳалок бўлди. Қорачахон Қосим барлоснинг ўзини халойиқнинг кўзи олдида пора-пора қилиб қатл этдирди.

Бунинг ҳаммасини саккиз ёшлик Акбар ҳам кўрган, кўзларида даҳшат қотиб қолгандай, арқда бир нуқтага тикилиб жим ўтирар эди. Комрон мирзо унга ҳам отасининг қонли жуббасини кўрсатди.

— Ҳазратимни худо раҳмат қилсин, маросимларини кейинроқ ўтказгаймиз, — деди. — Сиз валиаҳдсиз, давлат ишини мен сизнинг номингиздан бошқаргаймэн.

Ҳамида бону турган Уртабоғнинг атрофига юздан ортиқ кўриқчи қўйилган, киришчиқиш қатъий назорат остида эди. Арқдаги Акбар ҳам ҳеч ёққа чиқарилмай хонаки ҳибсда сақланар эди.

Яна қайтадан шаҳар ҳокими бўлиб олган Қорачахон кўнгли тилаганича айш қилиб, бу гал узоқроқ даврон сурмоқчи эди.

Лекин орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Қундуз томондан учиб чиқиб, Уртабоққа етиб қўнган алоқачи кабутар Ҳумоюннинг мактубини олиб келди. Фақат Ҳумоюн билан Ҳамида бонуга ўрганган бу кабутар бегона одамга тутқич бермас эди. Ҳамида бону айвонга келиб қўнган усти қизғиш, кўкраги оқ бу жониворни қўлига олдию унинг қаноти остига найча қилиб беркитилган кичкина мактубни топди.

Ҳумоюн соғинчли саломлар айтгандан сўнг, Балх этагида шайбонийзодалар билан бўлган жангда бошидан ярадор бўлганини, ҳозир анча соғайиб қолганини ва тезда етиб келаганини айтган эди. «Комрон мирзо бизга кўмакка келмоқчи эди, бунинг ўрнига Кобулга борганимиш, аҳвол нечук? Ушбу кабутар била тезда жавоб қайтаринг» деганди.

Ҳамида бону «ўлдига» чиққан Ҳумоюннинг тирик эканидан суюниб йиғлади, мактубни ўпди. Кабутарнинг қанотларини кўзига суриб, дону сувига қаради. Кечаси ўтириб Ҳумоюнга жавоб мактуби ёзди-да, аҳвол нечоғлиқ оғирлигини баён қилди. «Сиздан ўтинамен, бир иложини топингки, биз яна қамалда қолмайлик, — деди. — Шаҳар дарвозалари кундузлари очилсин. Назаримда, Комрон мирзо сизнинг ҳалок бўлганингизга ишонган. Шунинг учун билдирмай келсангиз дарвозани бекитишга улгурмагай».

Кабутар бу мактубни Қундузга олиб кетди. Орадан ўн беш кунлар ўтгач Ҳумоюн яшириқча юборган одамлар бозорга келган деҳқонлар кийимида қалъа ичига кириб олиб, энг аввал дарвозани эгалладилар. Қорачахон билан Комрон мирзога хабар етиб боргунча Ҳумоюннинг пистирмада турган тўрт минг аскарлари шаҳарга бостириб кирди. Саросимада қолган Комрон ва Аскаррий ўз одамлари билан бошқа дарвозадан чиқиб қочдилар. Ҳумоюн иниларининг кетидан одам юбориб: «Агар менинг ўлимим ҳақидаги ёлғон овозага ишониб Кобулга келган бўлсаларинг қайтинглар, ярашайлик» деган таклифни айтди. Аммо Қосим барлос ва унинг хотини учун жавоб бериш осон эмас эди. Кобулда Комрон ва Қорачахоннинг хундор душманлари ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўп. Шунинг учун Комрон мирзо қайтмади.

— Бир марта тавба-тазарру қилиб кўрдик, энди бас! — деди.

Қорачахон Ҳумоюн элчисига янада қатъийроқ жавоб қилди:

— Қайтиб бориб ер ўпгунча бошимиз дарвозахонага осилгани афзал!

Ҳумоюн юборган элчи Кобулга қайтиб бу гапларни айтиб берганда Ҳиндол ҳам акасининг ёнида турган эди. Бирдан ғазаби жўшиб:

— Ҳазратим, Қорачахонни бу ниятига етказмоқ керак! — деди. — Менга ижозат беринг, ўзим шу аблаҳ билан бир олишиб кўрай!

— Қорачахон ёлғиз эмас, биз ҳам кўпчилик бўлиб бормоғимиз лозим! — деди Ҳумоюн.

Оға-инилар Танғиҳо деган жойда тўқнашдилар. Ҳиндол мирзо зерҳли кийим кийиб, қилич яланғочлаб жангга кирди, Қорачахон билан юзма-юз туриб, унинг бўйнини мўлжаллаб қилич сермаётганда ортдан Комроннинг бир навқари пусиб келди. Дубулганинг орқа зеҳидан гарданга қаратиб урилган тиг Ҳиндолни беҳуш қилди. Унинг қиличи қўлидан тушди, ўзи отдан йиқилаётганда амир Шамсиддин Муҳаммад етиб келиб, ўнгариб олди-да, жанг майдонидан олиб чиқди.

Бўйиннинг ўқ томири кесилгани учун Ҳиндол ҳушига келмай жон берди. Буни эшитган Ҳумоюн тўпчи ва тўфангчиларнинг саркардаси Самбхалхонни чақириб буйруқ берди:

— Ҳиндолнинг қотилларига шафқат йўқ, аямай отинг! Отинг!!

Комроннинг одамлари ўқ ёлғизи остида қолдилар. Бу ўқлардан бири Қорачахонни отдан йиқитди. Комрон қолган-қутган одамлари билан жанг майдонидан чиқиб қочди. Турдибекнинг одамлари Қорачахоннинг бошини кесиб Ҳумоюнга кўрсатдилар.

— Аблаҳнинг бошини ўзи айтганидай қилиб Кобулнинг дарвозахонасига осинглар! — деб буюрди Ҳумоюн.

Залим бекнинг боши беш кунча дарвозахонада ўтган-кетганга томоша бўлиб осилиб турди. Лекин ўз инисининг ўлимига сабаб бўлган Комрон ҳамон қочиб юрарди.

Шоирлар Ҳиндол мирзонинг ўлимини бир вақтлар Ҳиротда бобосининг фармони билан ҳалок этилган Мўмин мирзонинг ўлимига қиёс қилиб марсиялар ёздилар. Кекса Дилдор бегим ўттиз икки ёшли ёлғиз ўғли Ҳиндол мирзонинг жасадини қучоқлаб фарёд

чекканда Кобул атрофидаги қорли тоғлар ҳам титраб кетгандек бўлди. Гулбадан-бегим онасининг ёнида туриб нола қилди:

— Оғажон, сиз ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди?! Ўғлим Саодатёрни сизга қурбон қилсам тирик қолармидингиз, оғажоним?! Сиз ўлгунча кўрнамак Комроннинг ўзи ўлса бўлмасмиди?!

Беклар ҳам Комроннинг боши кесилишини талаб қила бошладилар. Лекин Комрон Синд дарёсидан ўтиб, Ҳиндистонга, Шерхоннинг ўғли Исломшоҳнинг ҳузурига қочиб кетган, фақат Аскарый Тангиҳода қўлга тушган эди. Ҳумоюн Аскарый билан юз кўришгиси келмади:

— Қандаҳорда бир марта кечирган эдим, энди даф бўлсин, Аскарыйни ҳажга жўнатинглар! — деб буюрди.

Комрон ҳақида эса Ҳиндистондан маломатли хабарлар кела бошлади. У Исломшоҳга бағишлаб рубоий ёзган экан. Исломшоҳ унга минг рупийни садақага ўхшатиб берибди. Сўнг «Ўз туғишганларига яхшилик қилмаган, менга яхшилик қилгайми?» деб Комронни ўлдириш ҳақида махфий буйруқ берибди.

Буни пайқаб қолган Комрон Исломшоҳ саройидан ҳам қочди-ю, шимолий-шарқдаги Бҳирага, бир вақтлар отаси билан ҳамкорлик қилган Султон Адҳамнинг вилоятига борди.

Султон Адҳам эса Ҳумоюнга ён босиб, махсус одамани Кобулга юборди. «Инингиз ҳозир менинг асирим, истаган пайтингизда тутиб бергаймен, агар келсангиз, Бҳира сизга пешкаш, биз Исломшоҳни эмас, Сизни ҳақиқий подшоҳ деб тан олурмиз», деб мактуб ёзди.

Катта бир вилоят ҳокимининг бу мактуби Ҳиндистонга қайтиш орзусида юрган Ҳумоюнга яхшилик аломати бўлиб туюлди. Комрон шу тентирашида оилаларининг шаънига иснод келтирадиган яна кўп ишлар қилиши мумкин, бунинг олдини олиш ҳам катта ақанинг бурчи эди. Беклар Комроннинг боши кесилишини Ҳумоюндан талаб қилиб чиқарган махсус ҳукмга Турдибек, Мунимахон, Шамсиддин Муҳаммад ва бошқа яна ўн иккита энг нуфузли амирлар имзо чекиб, ўз муҳрларини босишган эди. Ҳумоюн бир оғиз «хўп» деса, Бҳирага бориб, Комроннинг бошини кесиб келишга тайёр турган қасоскорлар кўп эди. Лекин у Комроннинг шеърларини унутолмас, шоир инисининг қонига зомин бўлса, бир умр виждон азобида қолишини ўйлар эди. Ҳумоюн яна қатъиятсизлик қилаётганини кўрган Турдибек амирлар номидан унга кескин гап айтди:

— Ҳазратим, Комрон мирзони бир эмас, беш-ўн марта кечирдингиз. Бундан фақат сиз эмас, беку навкарлар ҳам беҳисоб зарар кўрдилар, давлат манфаатлари қурбон бўлди! Агар тирик қўйиб берсангиз, Комрон мирзо бирон кун ўғринча келиб, яна Кобулни олғай, яна кўпимизнинг бошимизга раҳматлик Қосим барлоснинг кунини солғай. Шунинг учун ё бизни дейсизу Комроннинг бахридан ўтгайсиз. Ё биродарликни дейсиз-у, бизга жавоб бергайсиз! Бошқа йўл қолмади!

Байрамхон Қандаҳорда қолгандан бери Турдибек яна Ҳумоюннинг энг соҳиби ихтиёр амирал умаросига айланган, унинг сўзини рад этиш осон эмас эди.

* * *

Ҳумоюн беш минг қўшин билан Хайбар довонидан ошиб, Ҳинд дарёсидан ўтди-да, Бҳира вилоятида бир вақтлари Бобур барпо этган Боғи сафога келиб тушди. Унга пешвоз чиққан Султон Адҳам вилоят ҳокимига подшолар томонидан инъом этиладиган махсус байроқ ва ноғора совға олди. Шу билан Ҳиндистоннинг шимолий-шарқдаги Бҳира вилояти яна Ҳумоюн қаламравига ўтди.

Бу вилоятда саккизта йигити билан яшириниб юрган Комрон гўё олов ҳалқаси ичида қолди. Ҳумоюн билан келган беш минг қўшиннинг ичида унинг хундор душманлари жуда кўп. Султон Адҳам Комронни уларга тутиб бериши ҳеч гап эмас. Ҳумоюн инисига одам юбориб:

— Ўзи яхшиликча келмаса, қасоскор беку навкарлар минг азоблар билан ўлдиргайлар, — деди. — Агар ҳазрат отамнинг руҳидан ҳимоя истаб келса, балки тирик қолғай.

Комрон учун ҳам ҳозир отасининг руҳи-ю, акасининг даргоҳидан бошқа мадад берадиган жой қолмаган эди. У кечки пайт Боғи сафога саккизта қуролли йигити билан кириб келди.

Ҳумоюннинг хиргоҳига кирган заҳоти хос навкарлар Комроннинг белидаги қиличи ва ханжарини ечиб олдилар. Нариги чодирга бошлаб кетилган йигитлари ҳам дарҳол қуролсизлантирилганини Комрон шундан сизди. Ҳумоюннинг чодирда Қосим барлоснинг жияни Ханжарбек турган экан. Унинг қасоскор кўзлари Комронга тўғдай қадалди. Ўлим хавфидан сесканган Комрон:

— Ҳазратим, бу не ҳол?! — деб Ҳумоюндан сўради. — Ваъдангиз бошқа эди-ку, мени не қилмоқчисиз?!

— Сиз қачон ваъдангизда турган эдингиз, иним Комрон?! Йигирма йилдан бери менга неча марта хиёнат қилганингизни бир эсланг! «Давлат ишида қаттиқ турилмаса, мурод ҳосил бўлмағай!» деб ҳазрат отам тўғри айтар эканлар! Мен мудом юмшоқлик

қилдим, ўзимдан ўтди! Шерхон билан олишганимда ёрдам ўрнига нуқул тўғаноқ бўлдингиз, буни кечирдим! Кобулда Акбарни тўп ўқига нишон қилиб қўйдингиз, буни кечирдим! Икки яшар қизалоғимиз Жаҳон Султон бегимнинг ўлимига сабаб бўлдингиз, буни кечирдим! Мана охири Ҳиндолни ўлдириб, биродаркушга айландингиз! Уртада қанча аскарлар, беғуноҳлар қони тўкилди.

— Мени беклар йўлдан урди, рост, гуноҳим бор! Ҳиндолни Қорачахон ўлдирган мен эмас!

Хумоюннинг ғазаби келиб, Комронни сенсираб гапирди:

— Елғон! Бопушхон билан Қорачахонлар ўлиб кетди, аммо сени уларга дўст қилган ўғайлигинг, бахиллигинг, ҳасадчилигинг ҳамон ичингда тирик турибдир! Бу иллатлар сенга отамиздан ўтган эмас! Отамиз танти одам эдилар. Сенга она сути билан кирган ўғайлик атрофидани ўраган иблисларга қўл келди. Сен мудом мени кўролмай яшадинг, мен яхши кун кўрсам бундан сенинг кўзларинг кўйди! Кўзларингга чиққан бу куйдиргани олов билан ёндирмоқдан ўзга чора қолмади!.. Ханжарбек!

— Лаббай, ҳазратим!

— Бунинг кўзига мил тортинлар!

— Йўк, йўк, ундан кўра ўлдириб мени! — деб Комрон қочмоқчи бўлди.

Ханжарбек бошлиқ тўрт йигит уни икки қўлидан тутиб, нариги чодирга куч билан олиб кириб кетдилар.

Хумоюн эрталаб азонда кўч йиғиштиришни буюрди. Бир кунда подшо ва унинг барча одамлари чодирларини йиғиб, Кобулга қайтиб кетди.

Фақат Комрон, Ханжарбек ва унинг одамлари, яна ўн тача соқчи йигитлар турадиган чодирларгина қолди.

Тушга яқин олов ёқилди, соат милига ўхшаш узунчоқ пўлат миллар чўғдай қизаргунча қиздирилди. Тақдирга тан берган Комрон кўрпача устига ўзи чалқанча ётди. Ханжарбек бошлиқ олти кишининг иккитаси унинг қўлларини ва бошини қимирлатмай ушлаб турди, яна иккитаси оёқлари ва белидан босди. Ғулум Али фаррошбоши Комроннинг кўзларини йириб қорачиғини очиб турди. Унинг йирилган кўзига кўринган охириги нарсалар — Ханжарбекнинг қасоскор юзи ва қизариб ёниб турган милни қорачиққа томон олиб келаётган олти бармоқлик қўли бўлди. Ханжарбекнинг бош бармоғи иккита. Бу қўшалоқ бармоқлар даҳшатли бир махлуқнинг қисқичларига ўхшар ва ҳозир Комроннинг кўзларини ўйиб оладигандай таҳдид солиб келар эди. Оловли мил қорачиққа жазиллаб сурилганда кўзни ўйиб олгандагидан ҳам аччиғроқ бир оғриқ унинг вужудини пармалаб ўтгандай бўлди, бошининг орқа томонидан яшил, қора, сарик, қизил доиралар портлаб чиқиб, бутун борлиқни гўё остин-устун қилиб юборди. Ханжарбек оловли милни унинг кўзларига такрор-такрор, ўн-ўн беш марталаб босди, бир мил совуса, чўғлатилган иккинчи милни ишга солди. Бу интиҳосиз азобдан алаҳсираш даражасига етган Комрон бўкириб юборди:

— О-о-о! Бас, ноинсоф! Бас!

— Узинг ноинсоф бўлмасанг ининг Ҳиндолни ўлдиртирармидинг? — деди Ханжарбек. — Сен-ку тирик қолурсен! Кошки тоғам Қосим барлос бир пасга тирилиб келса, қасос қайтганини кўрса!

Чўғлатилган мил қорачиғларга яна беш-олти мартадан босилгач, Комрон тубсиз бир зулумат ичига қулаб тушиб кетаётгандай бўлди. Ханжарбек мил тортиш қондасига астойдил риоа қилиб, куйдирилган қорачиғларга туз босди, лиму сувидан томизди. Бунинг ачиштириши аввалги оғриқлардан ҳам ошиб тушди. Ҳамон зулумат жарининг тубига етолмай қулаб тушиб бораётган Комрон туз ва лиму сувининг ачиштиришидан яна хушига келиб чинқирди...

* * *

Оталари барпо этган Боғи сафо Комрон ихтиёрида қолдирилган эди. Хумоюндан байроқ ва ногора инъом олган Султон Адҳам Бҳира ҳокими қилиб тайинланди ва Комроннинг аҳволдан хабар олиб турди. Шифобахш тоғ ҳавосида, кўл бўйида Комроннинг кўзидаги жароҳат уч ойга бориб тузалди, аммо ёруғ дунёнинг турфа рангларидан маҳрум бўлиб, кечаю кундуз қоп-қоронғи зулумот ичиде яшаш унинг руҳини тушириб юборди. Илгари у юртдан бу юртга қўшин тортиб, от чолиб юрган қирқ ёшли йигит энди юз қадам жойдаги ҳожатга етакчисиз боролмайдиган бўлиб қолди. Овқат еганда ҳатто қошиғини қўлига тутқазиб қўйишмасе ўзи топиб ололмайди. Қалам тутиш, ёзиш, ўқиш, табиат манзараларини томоша қилиш, суюкли хотини Чучук бегимнинг ҳусну жамолидан завқланиш — ҳаммасидан бира тўла жудо бўлгани қалбини чексиз алам, ўч, адоват туйғуларига тўлдирди.

Нури дийда, кўз — инсонга берилган қанчалик улуғ неъмат эканини, шу неъматни куйдириб, соғ одамни кўр қилиш қандай ваҳшият эканини у энди билди, «менга шафқатсиз жазо берганларни умрбод кечирмагаймен» деб аҳд ҳам қилди.

Лекин ойлар ўтиши билан хотира уйғонди, бўлиб ўтган воқеалар такрор-такрор хаёлидан ўта бошлади.

Маккаи Мадинага кетган Мирзо Аскарининг ҳаж йўлида вафот этгани ҳақида

мусибатли хабар келди. Комрон унга куюнди. Иниси Ҳиндол мирзони эслаб юраги баттар эзилди. Тўрт оғайни бундан уч йилгина олдин Кобул кўчаларини тўлдириб бирга ўтганлари, оталарининг қабри тепасида ёнма-ён туриб, энди иноқ бўлишга аҳд қилганлари хаёлида гавадаланди. Шу аҳдни биринчи бўлиб ўзи бузгани ва қанчалик ёмон шафқатсизликлар қилгани гўё хотирасига қайтиб келди. Илгари оддий кўз билан ғалат кўринган кўп нарсаларни энди қалб кўзи унга ҳаққоний қилиб кўрсата бошлагандай бўлди.

Чучук бегим эрининг дил яраларини тузатишда унинг шоирлиги ёрдам бермасмикин, деб ўйлади. Бегим Комроннинг турли дафтарларда сочилиб ётган шеърларини тўплади ва билимли бир мунши ёрдамида девон тартиб беришга киришди.

Кунларни қандай ўтказишни билмай ториқиб юрган Комроннинг ўзи ҳам девон тузиш фикри билан овуниб, барча шеърларини муншига бир-бир ўқитиб кўрди. Баъзиларига қандай таҳрирлар киритишни айтди. Девоннинг одатий қисмлари учун ҳали анча шеърлар етишмаслиги аниқланди. Комрон ўша шеърларни бир сатр, икки сатрдан хаёлида ярата бошлади. Муншини чақириб, хаёлда тўқилган сатрларни айтиб ёздирди-ю, ўқитиб кўрди:

**Навбахор ўлса, баҳоримни менинг ёд айланг.
Сарвқад лолаву зоримни менинг ёд айланг.**

— Бўлатурганга ўхшайдир, — деб енгил сўлиш олди. Кўзига мил тортганларида борлиқ дунё хаёлида қонли кафан тусини олгани ёдидан ҳеч чиқмас эди. Шунини ҳам ғазал сатрларига жойлигиси келди-да, яна бир кун хаёлида шеър битгач, муншини чақирди: — Ёзинг!

**Лоланинг жисмида қонлиғ кафанин кўрганда,
Кафану жисми фигуримни менинг ёд айланг.**

Шеър яхши чиқаётганидан унинг кўнгли кўтарилди. Чучук бегимга атаб битилган ғазалга янгидан икки сатр қўшди:

**Улмайин ваҳки ўлудан бадтар аҳволим бор,
Тўтиб илкимни васл сори роҳбар бўл.**

Бу сатрларни эрининг оғзидан эшитган Чучук бегим:

— Бажонидил илкингиздан тутай, — деди. — Қани, қаёнга бормоқчисиз, мирзам?

— Гуноҳларим кўп, Чучук. Қанчалик ёмон хатолар қилганимни энди фаҳмламоқдамен. Маккайи Мадинага бориб, бу гуноҳлардан покланмагунча кўнглим тинчимагай.

— Каъба жуда узоқ. Кобулга бориб, ҳазрат отангизнинг қабрларини зиёрат қил-сак-чи?

Комрон ўйланиб турди-ю:

— Майли, аввал Кобулга борайлик, — деди.

У эгарда юрганда отини хизматкори етаклаб борарди. Комрон Чучук бегим билан Кобулга келиб, Боғи Наврўзийга тушди. Эртаси кунни катта ўғли Иброҳим мирзо билан отланиб, оталарининг қабри турган тепаликка чиқиб борди. Буни эшитган Ҳумоюн Акбар билан тепаликнинг иккинчи томонидан кўтарилиб келди.

Комрон отдан тушгач, ўғлининг елкасига ўнг қўлини қўйиб, туртини бора бошлади.

Ҳумоюн бир вақтлар мағрур ва салобатли йигит бўлган инисининг етакчига эргашиб, оёғи билан ерни пайпаслаб, ифодасиз юз билан бораётганини кўрганда бирдан кўнгли бузилди. Бўғзига тиқилиб келган тугунни ичига ютиб, секин унинг кетидан мақ-барага кирди.

Комрон отасининг қабр тошидаги ёзувларни қўли билан пайпаслаб топди.

— Ҳазрат отажон, руҳингиздан мадад истаб келдим — деб пичирлади, — Ҳиндол билан Аскарый мен туфайли жувонмарг бўлди, бундай оғир гуноҳни не тавр кўтарай? Энди руҳимни поклаш учун ҳажга кетишдан бошқа иложим йўқ. Қайтиб келолмасам, алвидо, отажоним!

Ҳумоюн кўзёшини тўхтатолмади, Акбар отасининг йиғлаганини энди кўрди. Иброҳим мақбара четида қимирламай турибди. Усмир ёшига етган бу икки йигитча болаликда ногора талашиб олишганлари оталарининг аёвсиз курашлари олдида бир ўйинчоқ эканини энди англашар, дамларини ичларига олиб жим туришар эди.

Ҳумоюн кўз ёшини ичига ютиб, томоқ қирди. Мақбарада ўғлидан бошқа яна кимдир борлигини Комрон энди пайқади.

— Ким бор?

Ҳумоюн кўз ёшини кафти била тез артди-да, бўғиқ товуш билан:

— Мен... сизни шу кўйга солган бераҳм оғангиз, — деди.

Комрон уни «оға» дегиси келмади.

— Сиз мен учун энди фақат шоҳсиз.

— Ҳа, шоҳлик ўзи шафқатсизликдир. Аҳли жаҳон шундай бераҳм бўлса биз не қилайлик?

— Мен энди бу жаҳонни тарк этмоқчимен.

— Хали ҳам мен сизни иним дейман, Комрон. Аскарый ҳаж йўлида вафот этгани етар. Энди сиз Кобулда қолинг. Мана шу мақбара ҳам сизу бизнинг саждагоҳимиздир. Ҳазрат отамнинг руҳини шод этадиган ашъорлар яратишга қодирсиз.

Комрон бош чайқади:

— Мен кетмоғим керак. Рози бўлинг!..

— Начора? Мен сиздан розимен. Энди... мендан ҳам рози бўлинг, иним.

— Мен розимен. Хайр!

Орадан уч кун ўтгач, Комрон Чучук бегим билан узоқ Арабистонга жўнади.

СЕКРИ, БИАНА

Қўзғолон

Ўн беш-йигирма йилда бир бўладиган қурғоқчилик Дехли ва Агра атрофларидаги ёзги экинларни қовжиратиб қўйган. Саратон кирган бўлса ҳам, ҳар йили шу пайтда ёғадиган момоқалдиरोқли ёмғирлардан ҳамон дарак йўқ. Тар саҳросидан эсган оловли гармсёллар ҳамма ёқни жизғинак қилиб куйдиради. Ерлар сувсизликдан ва иссиқдан тарс-тарс ёрилиб кетган. Бозорларда пулга нон топиб бўлмайти. Очарчилик ва қаҳатчилик бошланган.

Низомнинг ўрмон четидаги кулбаси Секри кўлига яқин. Лекин бу йил кўлда ҳам сув оз. Кўл сатҳи пасайиб, сув Низомлар турган жойдан узоқлашиб кетди. Унинг биттагина сигири, икки бигҳ¹ ери бор. Усмир ўғиллари сигирга ўрмондан ўт ўриб келишади. Лекин ерга пол қилиб экилган шולי сувсизликдан бошоқ тортмай қуриб қолди. Фақат ўнтача хурмо ва банан дарахтларини Низом хотини ва болалари билан кўлдан челақлаб сув ташиб суғориб, шуларнинг меваси билан жон сақлашмоқда. Кўпдан бери нон юзини кўришган эмас. Уйда бир халтагина гуруч қолган, онда-сонда суюқ ош пишириб ичишади. У ҳам тугаса, очарчилик балоси уларни ҳам ўз исканжасига олиши аниқ.

Қани энди Низом орзу қилган халқпарвар давлат бўлса-ю, шундай оғир табиий офатлар пайтида эл-юртнинг мушкулини осон қилса! Шерхоннинг ўлганига ўн йилдан ошди, унинг авлодлари ҳамон мамлакатни парчалаб, ўзаро урушларда халқни абгор қилмоқда. Шерхондан кейин подшо бўлган унинг ўғли Исломшоҳ интиҳосиз талон-торождари билан ўзининг афғон юртдошларини ҳам жонидан тўйдирди. Афғонларнинг ниёзи қабиласидан чиққан забардаст йигит Абдулла Ниёзий Агранинг яқинидаги Биана шаҳрида халқ қўзғолонига бош бўлди. Қўзғолончилар Исломшоҳнинг порахўр амалдорларини шаҳардан қувиб юбордилар. Абдулла Ниёзийнинг олти юздан ортиқ қуролланган йигитлари орасида афғонлар, ҳиндлар, бошқа халқ вакиллари ҳам бор. Ҳиндию муслим деб дину миллат айириш йўқ. Исёнчиларнинг бири косиб, бири деҳқон, бири ўтинчи, лекин ҳаммалари адолатга ташна. Қадимги ривоятлар бўйича, улар халқ орасидан туғма бир адолатпарвар Маҳдий² чиқишига ишонадилар. Еши энди қирқларга борган, истараси иссиқ, ўзи довжорак, нутқи таъсирли Абдулла Ниёзий уларга ана шу Маҳдийнинг элчиси бўлиб кўринадди.

Абдулла Ниёзий Низомнинг кўп йиллик қадрони. Шерхон даврида Низом ўзининг исмини яшириб, Салим деган иккинчи ном билан танилган, бошига тушган кўргиликлар туфайли соч-соқоли эрта оқарган. Касалликдан тузалган бўлса ҳам, узун оқ соқоли борлиги ва ҳассага суяниб юргани учун ёшлар уни «Салим ота» деб аташади. Абдулла Ниёзий ундан Кабир шеърларини ва бҳақти таълимотини ўрганган. Шунинг учун Ниёзий Салим отани Бианага олиб бориб, исёнчиларга «менинг устозим» деб танитди.

Исломшоҳдай шафқатсиз тождордан тап тортмай Биана ҳокимини қувиб юборган бу жасур одамлар Салим отага афсоналарда улуғланадиган қахрамонлардай кўринди. Ҳалол меҳнати билан кун кечирадиган халқ қачондир бир вақт золим ҳукмдорларни йўқотишига орзуманд бўлган Салим ота Бианада шу орзуси ушалаётганидан руҳи кўтарилиб юрди.

Қўзғолончилар сафи кенгайиб, уч минг кишига етганда улар Биана шаҳри четидан алоҳида бир жойни қароргоҳ қилиб, каттакон жамоа бўлиб яшай бошладилар. Кўпчилик одатдаги меҳнатини қилиб, топганининг бир қисмини оиласига беради, қолганини жамоанинг умумий дастурхонига қўяди. Қуролли йигитлар Бианада иложи борича яхши муомала билан тартиб ўрнатишга интилади, фақат муомалага кўнмайдиган ашаддий бузуқларни ҳибсага солади ёки шаҳардан бадарға қилади. Улар ҳатто бозордаги нарх-навони ҳам тергаб, нафси катта савдогарларни инсоф билан нарх қўйишга мажбур қилдилар.

Бианада янгича тартиб ўрнатаётган Абдулла Ниёзий бошлиқ халқ ҳаракатининг овозаси ғарбдаги Гужаратгача, шарқдаги Бихаргача бориб етди. «Бианада маҳдийлар

¹ Икки бигҳ — ярим гектардан кўпроқ.

² Маҳдий — аслида «туғма» деган маънони билдиради. Руҳонийлар бу сўзга илоҳий тус бериб, «ғойибдан келадиган одил пешво — Маҳдий» ривоятини тўқиганлар.

халқни Исломшоҳ зулмидан қутқармоқчи эмиш, дунёда адолат ўрнатар эмиш!» деган гаплар эл-юрт орасида тобора кенг тарқала бошлади.

Шерхон авлодларининг ўзаро урушлари ва шафқатсизликлари баъзи бир шайхларнинг ҳам жонига теккан эди. Абдулла Ниёзий ва Салим ота кабилар Бианада золим амалдорларни йўқотиб, адолатли иш олиб бораётганлари Аълоий деган кекса шайхнинг исёнчилар томонига ўтишига сабаб бўлди. Шайх Аълоий ўз ихтиёридаги вақф ерларнинг даромадини маҳдийларга инъом қилди. Унинг хонақоси энди исёнчилар адолат ҳақида тарғибот юргизадиган жойга айланди.

Шайх Аълоийнинг муридлари орасида Исломшоҳ қувғин қилган амирлар ва бошқа бадавлат одамлар ҳам бор эди. Энди агар Исломшоҳга қарши турган шу кучлар ҳаммаси халқ ҳаракатига қўшилса, подшо ҳокимияти хавф остида қолиши аниқ. Кобулдаги Ҳумоюннинг ишлари ўнгланиб, қўшини йил сайин кўпайиб бораётгани Исломшоҳнинг хавотирин ошириб юрган эди. Шунинг устига ичкаридан ҳам ўт чиқса, тамом! Исломшоҳ бу хатарнинг олдини олиш учун Бианага ўз вазирини юбориб, шайх Аълоийни саройга таклиф қилди.

— Тақсиримиз келиб, янги эътиқодларини бизга баён қилсинлар, маъқул бўлса, биз ҳам маҳдийларга қўшилайлик!— деди.

Подшонинг бу гаплари тагида киноя борлигини сезган Салим ота Аълоийга шивирлади:

— Борманг, саройни мен билурмен, вазирнинг гапидан риёнинг ҳиди келиб турибдир!

Шайх Аълоий Исломшоҳ юборган вазирга қараб:

— Агар онҳазрат бизнинг эътиқодимизга қизиқсалар, балки ўзлари Бианага ташриф буюрурлар?— деб сўради.

Вазирнинг юзи бирдан тундлашди, қовоғи уюлиб:

— Тақсир, онҳазрат ёлғиз ташриф буюрмагайлар,— деди.— Подшо бу ерга келсалар, юз минг қўшинлари билан келгайлар. Сиз уларга бас келгаймисиз?!

Бу таҳдидли сўзлар шайхнинг кайфини учириб юборди. У қон тўкилишини ва юз минг қўшин Бианани оёқости қилишини кўз олдига келтириб.

— Балодан ҳазар!— деди.— Майли, мен ўзим саройга бора қолай.

Олтмиш беш ёшли нуроний мўйсафид маҳдийлар одати бўйича пиёда йўлга тушди. Кийимлари оддий бўздан, оёғида деҳқонлар киядиган арзон шиппак. Лекин ўзи мағрур. Подшо ва аъёнлар қаршисида ғоз туриб:

— Ассалому алайкум!— деди.— Олампаноҳ, мендан таъзиму тавозеъ кутманг. Биз, маҳдийлар, барча одамларни, шоху дарвешлигидан қатъий назар, баробар деб билурмиз. Биз инсонни бойлиги-ю, мартабасига қараб эмас, ҳалол меҳнати-ю, чин одамийлигига қараб қадрлагаймиз. Эшителишимга қараганда, сизнинг мингдан ортиқ филингиз, ўттиз минг отингиз, юз минг қўйингиз бор экан. Ростми?

— Рост бўлса-чи?— истехзо билан сўради Исломшоҳ.

— Агар рост бўлса, сиз ўзингиз каби минглаб одамларнинг ҳаққига жабр қилган бўлурсиз!

Тахтнинг ўнг томонида ўтирган шайхулислом Абдулла Ансорий:

— Бу не густоҳлик?!— деб Аълоийга ўшқирди.— Подшолар эл-улусдан солиқ олишлари, давлат манфаатлари учун мол йиғишлари шаръийдир!

Абдулла Ансорий эллик ёшлардаги юзлари таранг, қорасоқол, тўла одам эди. Аълоий унга юзланди:

— Тақсир, шу давлатнинг фуқаролари бўлган минг-минг деҳқонлар, косиблар табиий офат туфайли очдан ўлмоқда! Бундай пайтда ўттиз минг ҳарбий от ейдиган арпаларни эл-юртга улашилса, савоб бўлмасмиди? Юз минг қўйдан бир қисмини очларга эҳсон қилиш шаръий эмасми?

Исломшоҳнинг хасислигини биладиган беку аъёнларнинг баъзиси: «Подшомиз ўлса ҳам бундай қилмагай!» деб бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олдилар. Абдулла Ансорий эса:

— Астаъфурулло!— деб шайх Аълоийнинг сўзини кесди.— Аъло ҳазрат мачитларга катта ионалар қилмоқдалар, минг-минг бигҳ ерларни вақфга бермоқдалар! Саховат бундан ортиқ бўлгайми?

— Аммо бу саховат фақат сиз каби пешволарнинг бойлигини орттирмоқда, холос!— деб Аълоий энди шайхулисломнинг ўзини фош қила бошлади.— Тақсир, муқаддас китобларда барча хайру эҳсонлар муҳтожларга берилсин дейилган, вақфлардан тушадиган даромад ҳам мискин бечораларнинг ҳаққидир. Лекин ҳозир барча хайру эҳсонлар, барча ионалар мачиту вақфлар орқали сизнинг ихтиёрингизга ўтмоқда. Ахир бу учига чиққан адолатсизлик эмасми?

— Бас!— деб Исломшоҳ Аълоийнинг сўзини кесди ва уни олиб чиқиб кетишни буюрди.

Уша кун оқшом Абдулла Ансорий бошлиқ уламолар тўпланиб, куфр йўлига ўтган шайх Аълоийни тошбўрон қилиб ўлдириш ҳақида фатво чиқардилар.

Аммо Исломшоҳ Аълоийни ўлдиртирса кўзғолон янада авж олиб кетиши мумкин-

лигини, бу шайхнинг ваъзалари ҳатто саройдаги айрим беку аъёнларга ҳам таъсир қилганини биларди. Шунинг учун:

— Бу маҳмадона чолни менинг қаламравимдан чиқариб юборинглар, жанубдаги Деканга кетсин!— деб буйруқ берди.

Махсус одамлар Аълойини соябон аравага солиб, жанубга олиб кетаётганларида Нарбада деган жойда яна унинг тарафдорлари топилди. Нарбадалик амир Бихархоннинг акасини Исломшоҳ ноҳақ ўлдиртирган. Шундан бери улар хундор душманга айланган. Энди Аълойи Исломшоҳга қарши айтган ўткир ваъзлар таъсирида Бихархон ҳам мингга яқин беку амири билан маҳдийлар таълимотига хайрихоҳлик билдирди ва Аълойига қўл бериб, мурид бўлди.

Бу хабар Исломшоҳга етиб боргандан кейин «Шайх Аълойини кечирдик, Деканга сургун қилиш ҳақидаги фармон бекор бўлди, пойтахтга қайтсин!» деб одам юборди.

Уша йили очарчилик туфайли ўлат тарқаган эди. Узоқ йўлларда шайх Аълойига ўлат юққан эди. Бирдан иситмаси кўтарилиб, бўйнида данакдай шиш пайдо бўлди. Агар бу шиш баданида кўпайса, ўлиши муқаррар эди. Нарбадалик моҳир ҳинд жарроҳи Аълойининг бўйнидаги шишни кесиб олиб ташлади. Ихлосмандлари унга яхши дори-дармонлар топиб бердилар. Шайх Аълойи бир ҳафтада тузалишга юз тутди. Ҳали унча дармонга кирмасидан Исломшоҳ юборган одамлар уни яна соябон аравага солиб, ўша пайтда пойтахт бўлган Лахўрга олиб келдилар.

Аълойининг гаплари одамларга жуда кучли таъсир қилишини амалда кўрган Исломшоҳ:

— Мен сизни ўзимга диний пешво қилиб олмоқчимен!— деди.— Маҳдийлардан энди воз кечинг! Қулоғимга бир оғиз: «Кечдим!» десангиз, бас.

— Йўқ, аълоҳазрат, мен қариганимда унимимдан воз кечолмаймен! Ундан кўра сиз халққа жабр-зулм қилишдан воз кечинг!

Исломшоҳнинг бирдан ғазаби келиб, кўзлари косасидан ўйноқлаб чиқди:

— Мирғазаб! Дарра келтиринг! Уринг бу сассиқ чолни!

Мирғазаб Аълойининг бўз тўнини ечиб, елкасини яланғочлади. Яқиндагина ўлатдан зўрға тузалган кекса одамнинг танаси озғин, қовурғалари бўртиб турар эди. Оғир дарра подшонинг кўзи олдида зарб билан тўрт марта урилгач, Аълойи ҳушидан кетиб йиқилди ва жон берди. Унинг ўлимини халқдан сир тутишди, «Аълойи номаълум томонга қочиб кетибди!» деган овоза тарқатишди.

Исломшоҳ фурсатдан фойдаланиб, Абдулла Ниёзийни ҳам бир ёқлиғ қилмоқчи бўлди-ю, Бианага катта қўшин юборди. Уч минг исёнчи шаҳар четидаги кўкаламзор бир жойда истиқомат қилар, атрофда девор ёки истехом ҳам йўқ. Подшонинг ўттиз минг қўшини қароргоҳни тўрт тарафдан ўраб олди. Абдулла Ниёзий подшо саройига яхшилиқча бормаса, бу қўшин қароргоҳга бостириб кириши ва Ниёзийни зўрлаб олиб кетиши керак эди. Агар исёнчилар қурол ишлатса, қўшин уларни қириб ташлаши мумкин эди. Абдулла Ниёзий бегуноҳ одамларнинг қонига зомин бўлмаслик учун подшо қўшини билан саройга борадиган бўлди. Салим ота ва бошқа яқинлари у билан қучоқлашиб хайрлашдилар.

— Кўришолмасак рози бўлинглар!— деганда Абдулла Ниёзийнинг кўзларига ёш қалқиб чиқди.

Подшо аскарларига йўлда пистирмадан туриб ҳужум қилишни ва Ниёзийни қўтқариб олиб кетишни истаган ботир йигитлар бор эди. Лекин охир-оқибатда улар ҳам Исломшоҳнинг беадад қўшини дастидан ҳалок бўлиши муқаррар эди. Беҳуда қурбонлар беришни ёмон кўрадиган Салим ота таваккалчи йигитларни бу қалтис ниятларидан зўрға қайтарди.

Абдулла Ниёзийни Исломшоҳнинг тахти олдида олиб келдилар. Тахт устида зарбоф кийимларга ўраниб савлат тўкиб ўлтирган Исломшоҳ-қирқ ёшдан энди ошган бўлса ҳам, юзи сарғайиб ширинқираган, кўзининг оқи ҳам сарғиш кўринадиган касалманд одам эди. У Абдулла Ниёзийнинг бақувват гавдаси ва соғлом юзига ғаши келиб тикилди-да:

— Суянган тоғинг шайх Аълойи эди, қулади!— деди.— Сен биз билан ватандош афгон экансен, саройга олай, маҳдийларинг билан алоқани уз!

— Ҳазрат подшо! Сиз Аълойининг фақат танасини маҳв қилдингиз. Аммо унинг руҳи тирик! Бу руҳ халқдан куч олиб, золимларнинг жазосини бергусидир!

— Жазо?! Сен менга жазо бермоқчимисен?!

— Мен эмас, ҳаёт жазо бергай!— деб Абдулла Ниёзий Исломшоҳнинг ички касалликлардан салқиган юзига ва шишган қовоқларига маъноли кўз ташлади.— Отангиз Шерхонга қасос қандай қайтганини унутманг! Бегуноҳ ўлдирилган мўйсафиднинг уволи сизни ҳам урмай қўймагай!

— Э, уволи ҳозир сени ургай! Мирғазаб, дарра уринг бу катта даҳан аҳмоққа! Улгунича калтакланг!..

Абдулла Ниёзийни ҳушидан кетгунча калтаклашиб, кечаси ўрмон четидаги йўл бўйига келтириб ташлашди. Саройдагилар уни «ўлди» деб ўйлашган эди. Лекин қирқ ёшлиқ бақувват Ниёзий ҳали тирик, гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд бўлиб ётган эди. Исёнчилар уни

шу аҳволда топиб олиб, Салим отанинг олдига кўтариб келдилар. Бундай оғир жароҳатни қандай тузатишни ўз аччиқ тажрибаси орқали яхши биладиган Салим ота ҳинд табиблари ёрдамида Абдулла Ниёзийни ўлим чангалидан қутқариб олди. Аммо калтак зарбидан бадани ҳилвираб, ички аъзолари ҳам лат еган Абдулла Ниёзий узоқ вақт тўшакдан туролмай ётди.

Бианадаги халқ ҳаракати жасур бошлиқларидан айрилгач, исёнчилар жамоаси тарқаб кетди. Лекин икки йил давомида бу жамоа қилган адолатли ишлар ва одамларнинг дилида уйғотган исёнкор туйғулар гўё бир тутантириқ бўлди-ю, бутун мамлакатда Исломшоҳга қарши қаратилган нафрат оловини ёндирди. Бу нафрат кутулмаган жойлардан Исломшоҳ даргоҳига ҳам йўл топиб кирар, саройдаги истеъдодли шоирлар ва фозил кишилар кўзидан подшога аталган қарғиш ёғилиб тургандай бўларди. Бу ҳаммаси ташқи алғов-далғовлар азобига қўшилиб, Исломшоҳ узоқ умр кўра олмади. У қирқ беш ёшга бормай вафот этди.

Шундан кейин Шерхон авлодларининг хонадони тўрт томонидан ўт кетган уйнинг аҳволига тушди. Исломшоҳдан сўнг тахтга чиққан унинг ўн икки яшар ўғли Ферузни ўзининг туғишган амакиси Муборизхон заҳарлаб ўлдиради. Бу қотил амаки ўзига Одилшоҳ деб ном қўйиб Аграда тахтга ўтиргандан сўнг бошқа қариндошлар бирваракай исён кўтардилар. Шерхоннинг қиз неварасига уйланган Аҳмадхон сур Лахўрда ўзини мустақил подшо эълон қилиб, Искандаршоҳ номи билан тахтга чиқди. Чунор қалъасидаги иккинчи куёв — Иброҳим сур Аграда ҳужум қилиб, уни Одилшоҳдан тортиб олди. Бироқ Искандаршоҳ ҳам Аграда даъвогар эди. У Лахўрдан Аграда қўшин тортиб келди. Икки куёв Аграни таллашиб қонли жанглар қилаётган пайтда Ҳумоюн ўттиз минг аскар билан Кобулдан чиқиб Ҳинд дарёсидан ўтди-ю, бир ҳафта ичида Лахўрни жангсиз эгаллади.

Салим ота кўпдан бери Ҳумоюннинг йўлига кўз тутиб юрар эди. Шунини биладиган Абдулла Ниёзий Панжобдан яқинда қайтган Шайх Муборак деган кишини Салим отанинг кулбасига бошлаб келди.

Аждодлари араб бўлган шайх Муборак ҳам Бианадаги халқ ҳаракатига иштирок этган, кейин қувғинга учраб, Бҳира томонларга кетиб қолган эди. У Салим отадан суюнчи сўрагиси келиб:

— Таксир, Ҳумоюн Ҳиндистонда очарчилик бошланганидан хабардор экан,— деди.— Қандаҳору, Пешовар томонлардан кемаларда, карвонларда дон ташитиб келиб, бозорларни жонлантириб юборди. Шимолда дон арзон экан. Тужжорларнинг ўзлари фойда кетидан қувиб, шимолдан Панжобга тинмай дон ташиб келмоқда!

— Кошки Аграларда ҳам шундай қилинса!— деб, «қилт» этиб ютунди Абдулла Ниёзий. У беморликдан тузалгандан кейин Секрига кўчиб келган, тоғ этагига, кичкина бир кулда ночоргина ҳаёт кечирар эди. Шайх Муборак келтирган хушхабар Салим отани қувонтириб юборди. У маслакдош дўстлари олдига дастурхон ёзиб, банан ва хурмо қўйдирди.

— Не қилайки, нон йўқ,— деди ва хотинига ширгуруч пиширишни буюрди:— Бугун борини еб турайлик. Эртага яна насиб қилгани бўлгай. Шоядки, буғдой ортган карвонларни Ҳумоюн биз томонларга ҳам бошлаб келса!

Тождорларни хуш кўрмайдиган Абдулла Ниёзий:

— Карвонлар ташиб келган буғдой фалон пул турса керак,— деди.— Сизу бизда олтин-кумуш йўқ. Ҳумоюнга умид боғлаб яна алданиб қолманг, Салим ота.

— Рост, Миён¹ Абдулла,— деб Салим ота Ҳумоюнга яқин юриб, бошдан кечирган фалокатларини эслаб кетди.— Шоҳлар билан бизнинг орамизда чуқур жарлар бор. Мен бу жарга бир марта қулаб кетиб, ўлишимга сал қолди. Энди бу жарнинг лабига қайтиб боргим келмагай.

Шайх Муборак бош чайқаб:

— Ҳар қалай, Ҳумоюн Исломшоҳдай золим эмас,— деди ва қўйнидан қатланган бир ёзув чиқарди.— Мана, Ҳумоюннинг авфи умумий эълон қилиб чиқарган фармони. Фармон оддий одамлар ҳам тушунадиган қилиб ёзилган эди. Салим ота уни шайх Муборакнинг қўлидан олиб овоз чиқариб ўқиди:

«Халойиқ! Кимки киши Шерхон ва унинг авлодлари таъсирида бизга қарши иш қилган бўлса-ю, энди бу хато йўлдан қайтиб, биз билан ҳамкорликка юз тутса, ҳаммасига авфи умумий бергаймиз, барча гуноҳларидан кечгаймиз, ҳар бирига муносиб иноятлар қилгаймиз. Барча беку навкарларга тайин этиладиким, биз ўз қадрдон элимиз бўлмиш Ҳиндистонга қайтдик, босқинчилик ва талончиликка мутлақо йўл қўйилмасин. Бу фармони олийга рия қилмай, ҳинд деҳқонининг сигирини ўғирлаб сўймоқчи бўлган Аҳмадхон исмли навкар ўн минг кишилик қўшин олдида қутурган филнинг оёғи тагига ташлаб ўлдирилди. Иншооло, бу жазо бошқалар учун ибрат бўлғусидир, фуқаронинг молу жонини омон сақлашга ёрдам берғусидир. Бизнинг эзгу ниятимиз — ўзаро урушларда, жабру зулм ичида абгор бўлган бу муаззам мамлакатни яна қайтадан яқдилу яктан, ободу қудратли қилмоқдир. Илоҳим, шу улуғ мақсадларга етайлик!»

¹ Миён — «домла», «мавлоно» деганга ўхшаш сўз. Фозил кишига нисбатан айтилади.

Бу гаплар таъсирида Салим отанинг дилида яна илиқ туйғулар уйғонди. Ҳумоюн мавлоно Хондамир билан ҳамкор бўлиб янги қонунлар чиқаргани, табиатдаги уйғунлик ва мувозанатни жамиятга ҳам татбиқ этишга интилгани хаёлидан бир-бир ўтди.

— Ҳумоюн сизга қадрдон бўлган экан!— деди шайх Муборак унга.— Энди у Дехлига қайтаётган пайтда, сиз унга пешвоз чиқсангиз... Ҳумоюн қувғинда юрганда биз унинг душманлари бўлган Шерхон авлодлари билан қандай олишганларимизни сўзлаб берсангиз... Ахир Абдулла Ниёзий бош бўлган халқ ҳаракати Исломошох ҳукмронлигини ичдан емирмаганда, Ҳумоюн Панжобни жангсиз ололмас эди!

— Ҳа, унинг Ҳиндистонга қайтишига биз қандай кўмак берганимизни Ҳумоюн билмоғи керак,— деди Салим ота.— Лекин... унинг даргоҳида кўрган даҳшатларим хотиримдан нари кетган эмас... «Саройга иккинчи қадам босмагаймен!»деб аҳд қилганмен.

Исломошох саройида еган калтаклари Абдулла Ниёзийнинг ҳам эсига тушди-ю: — Бормаганингиз маъқул,— деди.

Аммо шайх Муборак бошқа нарсадан хавотир бўлмоқда эди. Ҳумоюн авфи умумий эълон қилганидан фойдаланган баъзи маккор одамлар энди алдамчилик йўли билан Исломошох давридаги юксак мартабаларини сақлаб қолишга интилмоқда эдилар.

— Исломошох саройида шайхулислом бўлган Абдулла Ансорий ёдингизда борми?— деб сўради шайх Муборак Ниёзийдан.

— Аълойини ўлдиришга фатво берган илонми?

— Ҳа, ўша Ансорий ҳам гўё Исломошохдан айниган эмиш. Шайхулисломлик лавозимидан фойдаланиб, Исломошохнинг ички сирларини билар экану, хуфялар орқали Кобулга, Ҳумоюнга етказиб турар экан. Исломошох ўлиб, ички низо авжига чиққанда шайх Ансорий Ҳумоюнга: «Энди келсангиз, Ҳиндистон сизники бўлмай» деб, бир жуфт этик юборибдир. Бу этикнинг рамзий маъноси ҳам подшога хушомаддан иборат экан: яъни, «ота юртингиз Турон — бош бўлса, сиз ҳозир турган Кобул — бел, биз эса сизга оёқ бўлиб, шу этикдек хизмат қилишга шаймиз!» дегани экан.

— Об-бо, хушомаднинг болохонадорлигини қаранг!— деди Ниёзий нафрат билан.

— Подшолар хушомадни яхши кўришини билурсиз,— деб сўзида давом этди шайх Муборак.— Панжоб жангсиз олинганда Абдулла Ансорий Лахўрдан бир кун йўл юриб, Ҳумоюнга пешвоз чиқибдир. Подшо у билан отдан тушиб кўришибдир. «Тақсир этик юбориб қилган кароматингиз рост келди!» деб ташаккур айтибдир. Орадан уч кун ўтмай Лахўр уламолари Абдулла Ансорийни Ҳумоюн саройига шайхулислом таъйин этиб, фатво эълон қилдилар. Подшолар ўзгарсалар ҳам, шайхулислом — яна ўша Ансорий!

— Икки подшо орасида айғоқчилик қилиб юрган одамга шундай мартаба берилса-я!— гаши келиб деди Салим ота.

— Подшоларга айғоқчилар, албатта, керак, бусиз кунлари ўтмагай,— сўзида давом этди шайх Муборак.— Аммо бу Ансорий зулм тигини Исломошохга қандай қайраб бериб турганини Ҳумоюн билармикин? Энди маккор Ансорий биз каби адолат тарафдорларини ҳам Ҳумоюнга ёмон кўрсатиши, орага нифоқ солиши мумкин. Ахир адолат излаб юрган маҳдийлар ҳаракати халқ орасида ҳали тўхтаган эмас! Салим ота, Ҳумоюнга ҳеч бўлмаса бир мактуб ёзиб, Бианадаги халқ кўзғолони қандай бўлганини, Ансорий ўшанда нелар қилганини ҳаққоний сўзлар билан баён қилишингиз керак эмасми?

— Агар мен бу мактубни ёзсам, уни ким Ҳумоюнга етказиб боргай? Шохнинг қабулига кириш осон эмас.

— Ёзинг, мен элиб беришга уриниб кўрай,— деди шайх Муборак.

Меҳмонлар ширгуруччи еб тарқаганларидан сўнг Салим ота ёлғиз қолиб, кўлига қалам олди. Шунда Ҳамида бону ва ундан олган мактубини эслади. Ҳумоюннинг Акбар деган ўғли каттагина ўсмир бўлиб қолганини эшитган эди, шу ёдига тушиб, мактубни муборакбоддан бошлади. Кейин Ҳумоюн қувғинда юрган йилларда юз берган воқеаларни қисқача баён қилди. Шайх Ансорий ҳақидаги гапларни ҳам барча далиллари билан қоғозга туширгач, мактубни шундай тугатди:

«Ҳазратим, кўришмаганимизга ўн олти йил бўлди. Бу орада сиз кўп довлонлардан ошиб, аввалгидан тажрибалироқ ва донороқ бўлиб қайтмоқдасиз, деган ишонч билан йўлингизга кўз тикмоқдамиз. Халқ адолатли раҳбарга бениҳоя ташна. Маҳдийлар ҳаракати ҳам ана шу ташналикдан келиб чиққан эди. Агар шу ташналикни қондирсангиз, эл-улус сизни барча балолардан асрайдиган балогардон бўлғусидир!»

Эртаси куни йўл тайёргарлигини кўриб келган шайх Муборак бу мактубни тўнининг астарига тикиб, Панжобга йўл олди. Аммо у Лахўрга етиб бормасидан, Ҳумоюн Дехлига томон қўшин тортиб келаётгани маълум бўлди. Шерхон авлодларидан Искандаршоҳ Агра яқинида ўз рақиби Иброҳим сурни енгган, унинг бир қисм аскарларини ўзига қўшиб олиб, лашкарини эллик мингга етказган эди. Энди Искандаршоҳ бу катта қўшин билан Сирхинд яқинида Ҳумоюннинг йўлини тўсиб чиқди.

Шайх Муборак бир-бирига қараб юмалаётган тоғдай зўр тошларнинг орасида қолиб янчилик кетмаслик учун ўзини четга олиб, Калонурга кетди ва жанглар тугашини кутди. Орадан бир ойча вақт ўтгач, Искандаршоҳ Панжобнинг Махчивара деган жойида

Ҳумоюннинг лашкарбошиси Байрамхондан енгилиб, Ҳимолай тоғлари томонга қочгани маълум бўлди. Бундан беҳад суюнган шайх Муборак Ҳумоюннинг ҳузурига йўл олди.

Аммо Жамна бўйлаб Деҳли томонга кетиб бораётган Ҳумоюннинг ҳозир муқум жойи йўқ, қароргоҳларининг ўрни ўзгариб туради. Қаландар кийимида юрган шайх Муборак, ниҳоят, унинг ўрмон четида ов қилиш учун икки-уч кун тўхтаганидан фойдаланди-да, мавкаб жойлашган қароргоҳга яқинлашди. Қўриқчилар бошлиғига:

— Ҳазрат олийларига халқнинг номидан ёзилган бир мактуб топширмоқчимен, — деб арз қилди.

Давлат бошлиғига арзу дод қилиб келувчилар жуда кўп бўлганлиги учун, уларни аввал синчиклаб текширишар ва ўнтадан биттасини подшонинг ҳузурига киргизишар эди. Шайх Муборакни ҳам қўрчибеги саволга тутиб, тафтиш қилаётган пайтида катта оқ саллали Абдулла Ансорий иккита уламо билан уларнинг ёнидан ўта бошлади. Шайх Муборак салласи катталарга юзини кўрсатмасликка тиришиб, орқа ўгириб турди. Лекин қўрчибеги уламолардан бирини чақириб:

— Тақсир, бери келинг, бу одам ҳам шайхлардан экан, — деди. — Қандайдир маҳдийлар номидан подшога мактуб олиб келганмиш. Кўриб беринг-чи, ҳазратимнинг эътиборларига арзйдиган гапмикин?

Ансорийнинг ишораси билан ёшроқ бир имом қўрчибегининг олдига келди. Хайриятки, Абдулла Ансорий орқа ўгириб турган шайх Муборакни танимади. Ёш имом яқин келиб шайх Муборакнинг юзига тикилди-ю:

— Қани, ҳазратимнинг номларига ёзилган мактубни бир кўрайликчи! — деди.

Шайх Муборакнинг ичи қўрқувдан музлаб кетди. Мактубда Ансорийга қарши ёзилган сўзларни мана бу имом ўқиса, шайх Муборакни тинч қўймайди. Дин пешволарининг ўз қуроли одамлари — муҳтасиблари бор. Ансорий «дахрий» деб фатво берса, бас, муҳтасиблар шайх Муборакни ҳибсга олишга ҳам, ўлдиршига ҳам қодир. Шайх Муборак мактубни олиб бермоқчи бўлиб, қўйнига қўл солди. Лекин қўли бўш чиқди... Қўлидаги қаландар халтасини титкилади, ҳатто уни қўрчибегига очиб кўрсатди. Белидаги фўтасини ечиб, эски тўнининг барларини силкитди. Мактуб йўқ! У астар остига тикилган жойида «қилт» этмай тургани шайх Муборакнинг жонига ора кирди:

— Мактубни кеча ётган жойида унутиб қолдирибмен! Мени маъзур тутинг! Ижозат бўлса, ҳозир бориб олиб келай!

Қўрчибегининг жаҳли чиқди:

— Э, бор, жўна! Сенсиз ҳам подшонинг қабулига кирмоқчи бўлганлар беҳисоб!

Шайх Муборак бир балодан қутулганига шукр қилиб, Ҳумоюннинг қароргоҳига иккинчи марта қадам босмади. Салим отанинг мактубини эса ўзига қайтариб олиб келиб берди. Бўлган воқеани ҳикоя қилгач:

— Подшолар билан бизнинг орамизда ўтиш мушкул бўлган баланд ғовлар борлиги рост экан! — деди. — Энди сизга омад берсину, ўзингиз Ҳумоюнни бирор жойда холи учратиб, ҳақиқатни унга айтинг.

Бундай омад қачон келишини Салим ота ҳам билмас эди.

ДЕҲЛИ

Зафардан кейинги жудолик

Ақбар Деҳлини ўн уч ёшида, ғалаба шодиёнаси кунда биринчи марта кўрди. Шерхон авлодлари Панжобда мағлуб бўлганларидан кейин Деҳлини ҳам ташлаб қочишди. Шаҳарда қолган аёнлар Ҳумоюнга пешвоз чиқиб, қалъа дарвозаларининг калитини топширдилар. Шундан сўнг туя минган жарчилар Ҳумоюннинг ғалаба муносабати билан авфи умумий эълон қилганлиги ҳақидаги фармони кўча-кўйда айтиб ўтдилар.

Ҳумоюннинг ўзи ҳам шаҳарнинг машҳур Пуран¹ қалъасига борадиган марказий кўчадан минггача одами билан нақоралар ва карнай-сурнайлар чалдириб, тантана билан ўтди. Кўчанинг икки четида халойиқ ғуж-ғуж бўлиб турибди. Уларнинг орасида енгилган Искандаршоҳнинг аламзада одамлари ҳам бўлиши ва пистирмадан ўқ отиши мумкин. Шунинг учун улкан қора фил устида ўлтирган Ҳумоюн бошига дубулға, эгнига зерҳли кийим кийган.

Хартумидан думигача чўғдай безатилган, бўйнига улкан гулшодалар осилган подшо филини юзлаб отлиқлар ўраб, қўриқлаб бормоқда.

Ақбар ана шу отлиқларнинг олдинги сафида, отасининг ўнг ёнида Ҳайрон номли гўзал саман отини миниб келмоқда. Ундан орқароқда — Байрамхон, Турдибек, Алиқулихон ўзбек, Қиличхон Андижоний каби аҳли давлат... Абдулла Ансорий бошлиқ дин пешволари подшо филининг орқароғидан бормоқда. Ҳумоюн саройида Абдулла Ансорийнинг худди Исломшоҳ саройидаги каби диний пешво бўлиб олганлиги рост эди. Лекин Ҳумоюн уни биринчи кунларданоқ қаттиқ итоатда тутишга интилар, мавкабда

¹ Пуран — Кўҳна деган маънони билдиради. Саккиз аср бурун қурилган бу қалъа ҳозир ҳам бор.

аҳли давлатдан кейинги иккинчи ўринда бориши кераклигини мири тузукка ўзи тайинлаган эди.

Деҳли кўчаларидаги халойиқ подшонинг филини ким миниб бораётганига ҳам эътибор бериб қарар эдилар. Лаъл Чанд Қандаҳор ва Кобулга етолмай, Ҳиндистонда қолган, лекин Ҳумоюн Лахўрга қайтганини эшитган заҳоти яна унинг ҳузурига борган ва Сирҳинддаги жангда қўлидан келган кўмакларни берган эди... Ҳумоюн эски қадрдонининг кўп йиллик яхшиликларини қайтариш учун бугун Деҳли марказидан миниб ўтаётган филни бошқаришни Лаъл Чандга топширди. Йўл четидаги одамларнинг баъзиси Деҳлида кўп йил яшаган Лаъл Чандни таниб, бир-бирларига ифтихор билан кўрсатишар эди.

Бир вақтлар Ҳумоюн Аграда шу ишни қилмоқчи бўлганда йўл бермаган Саид Халил энди йўқ, ҳозирги шайхулислом Абдулла Ансорий эса Исломшоҳга кўп йил хизмат қилгани учун тили қисик, «ғайридин подшонинг филини минмасин» деб эътироз қила олмайди. Дин пешволари «ғайридин» деб хушламайдиган Лаъл Чанд каби ҳиндлар Қаланжарда Шерхон билан қаҳрамонларча жанг қилиб, уни қандай ҳалокатга учратганлиги Ҳумоюннинг ёдидан чиқмайди. У дини бошқа, дили инсоний фазилатларга тўла бўлган мана шу улуғ элга ўз эҳтиромини билдириш учун бугун Деҳлидан ҳиндлар жуда эъзозлайдиган жонивор — филда ўтишни ва бу филнинг измини Лаъл Чандга топширишни лозим кўрган эди.

Карнай-сурнайлар ва нақора товушлари баланд жойдаги қизил тош деворли Пуран қалъа дарвозасига етганда тинди. Бу ерга олдинроқ келган махсус қўриқчилар ва хизматкорлар қалъадаги ҳамма жойни ораста қилиб жиҳозлаб, йўлқаларга пойандозлар тўшатиб қўйган эдилар. Қалъа ҳовлиси жуда кенг, у бошидан бу бошигача минг қадамдан ортиқ.

Кеч кирган бўлса ҳам саратон иссиғи жуда баланд. Ҳумоюн кунни бўйи зерҳли кийимда юриб, иссиқда жуда лоҳас бўлгани учун хонайи хосда энг аввал енгил ипак кийимларини кийди, совутилган лиму шарбатидан ичди. Барибир бино ичи иссиқ ва дим туюлиб, нафаси қайтгандай бўлаверди. Шундан кейин Акбарни ёнига олиб ҳовлига чиқди ва шабада тегадиган очикроқ жой излади.

Офтоб ботган, лекин осмоннинг ғарб томони ҳамон ловиллаб ёниб турибди. Йўлқаларга тўшалган қизғиш тошлардан ҳам кундузги иссиқнинг тафти уряпти. Қалъанинг энг баланд жойи кун ботиш томонда — Шерхоннинг мачити ва Шермандал деб аталадиган тепаси очик тош бино турган жойда эди. Ҳумоюн Шерхон қурдирган мачитнинг ўрни яхши танланганига, бино пештоқи салобатли, тош безаклари ўзига ярашиб тушганига тан берди-ю:

— Дуруст, Шерхон ўзидан яхши хотира ҳам қолдирибдир, — деб қўйди.

Мачитдан ўнгда — баланд ва хушманзара бир жойда саккиз бурчакли, икки ошиёнли мўъжаз бино турибди. Бунинг тарҳини бир вақтлар Ҳумоюн чиздирган ва китобхона учун мўлжаллаган эди. Лекин тўполонлар бошлангандан сўнг қурилишлар тўхтаб, бу бино ҳам чала қолиб кетди. Кейин уни Шерхон ўз дидига мослаб, учинчи қаватини шабада тегадиган очик саҳн қилиб қурдирибди. Салқин шамол эсиб турадиган бу шинам жой хурсандчилик қилинадиган манзил — мандал номини олибди.

Ҳумоюннинг одамлари бугун шермандални ҳам ювиб, тозалаб, тепадаги шийпонга гилам ва кўрпачалар тўшаб қўйишган эди.

Зинапоя олдида турган соқчи йигит ота-болага йўл бериб, ўзини дарҳол четга олди. Ҳумоюн яхлит ва дағал, кулранг тошлардан тарашланган зинапояга оёқ қўйиб юқорига қаради. Зинапоя тик ва тор, унга фақат битта одам сиғади, ичи ним қоронғи. Бешолти қадам нарида яна худди шунга ўхшаш иккинчи зинапоя бор — буниси чиқиш учун бўлса, наригиси пастга тушиш учунми? Тошқудуққа ўхшайдиган ва юқорига пармадай буралиб чиқадиган ҳар икки зинапоя ҳам Ҳумоюнга ёқмади.

— Иккаласини бирга қўшиб тарашланса, қудуқдай тор бўлмас эди, — деди Акбарга ўгирилиб. Зинапояда қўл билан тутадиган қанот ҳам йўқ. Ҳумоюн Акбарни эргаштириб иккинчи қаватга чиқди. Бу ердаги хоналар шинам, китоб жавонлари ўрнатса бўладиган жойлари ҳам бор. Айниқса, учинчи қаватдаги ораста шийпон ва саккизта оқ мрамар устунчаларга соябон каби ўрнатилган нақшин гумбаз жуда кўркем эди. Шийпонда ғир-ғир шабада эсиб турибди.

Тик зинапоядан чиққунча энтиқиб, терлаб кетган Ҳумоюн кўрпача устига ўтириб, ўзини шабадага солди. У то нафасини ростлагунча бир неча дақиқа ўтди. Бу орада Акбар шийпондан кафтда тургандай аниқ кўринаётган улуғвор шаҳар — Деҳлини томоша қилди. Қалъа деворининг тагидан буралиб ўтадиган Жамнанинг ғарбдаги қип-қизил шафақ рангига бўялиб, ёниб оқаётганидан ҳайратга тушди.

— Сен иссиқни сезмайсан-а? — унга ҳаваси келиб сўради Ҳумоюн. — Тар саҳросида туғулгансен, бу иссиқлар қонингга бор. Лекин мени бугунги ҳарорат ғоят бетоқат қилди. Сендайлигимда мен ҳам ҳинд иссиғига парво қилмас эдим. Ёш ўтган сари бардош сусаяр эканми?

Ҳумоюн мўйлаби энди сабза урган, бўйи ўсиб, отасига тенглашай деб қолган Акбарга синчиклаб қаради-ю, бирдан Ҳамида бону ёдига тушди. Акбарнинг новдадай эги-

лувчан қомати ва юз-кўзининг жозибаси Ҳамиданинг чавгон ўйнаб юргандаги ёшлигини эслатарди. Ҳумоюннинг юрагини соғинч туйғуси орзиқтириб ўтди. Қобулда қолган Ҳамидани кўрмаганига олти ой бўлди. Яна кўришиш насиб этармикин? Аммо, шукр, отасининг суратини ҳам, сийратини ҳам ўзида жам этган ўғли ёнида юрибди-ку. Авлодлар тақдири бир-бирига нақадар киришиб кетишини Ҳумоюн энди астойдил ҳис қилмоқда. Акбарнинг тақдири туғилмасидан анча олдин — Ҳамида билан Ҳумоюн бир-бирларини илк бор учратган наврўз кунларидан бошланган эмасми? Агар Ҳумоюн Ганга ва Карамнаса дарёларига чўкиб кетганда Акбар ҳам дунёга келмас эди-ку. Ушанда Низом сувчи Ҳумоюн билан бирга унинг бўлажак ўғлини — мана шу Акбарни ҳам қутқарган экан-да. Низом ўзи қаерда бўлсайкин? Уни Лаъл Чанд орқали қидиртириб топиши керак...

Лекин Акбар ўн ойлик бола пайтида Қандаҳорда асоратда қолгани, уч ёшида Қобулда тўп ўқига нишон қилиб қўйилгани, кичикликда бошдан кечирган бошқа таҳлика-ю, ташвишлари уни тез улғайтиргани рост.

Ўғлининг фаҳми катталарникидан қолишмайди. Шунинг учун Ҳумоюн унга дардини айтиб жиддий сўзлади:

— Отангинг кексагани бугун билинди, ўғлим. Бу йил қирқ еттига кирдим. Отам шу ёшда қолган умрларини менга бахш этиб шунқор бўлган эдилар. Дейдиларки, отасининг ёшига етган одамни Азройил бир силкитиб кўрармиш, бўш келса олиб кетармиш.

Азройил — ўлим тимсоли эканини биладиган Акбар отасига хавотирли кўзлар билан қаради:

— Нечун бундай дедингиз? Мен сизга муносиб ўғил бўлиш орзусида юрибмен. Тангрига илтижо қилурмен! Барча орзуларимнинг ушалганини сиз билан бирга кўрайлик!

Акбарнинг овози эрта йўғонлаша бошлаган. Ҳозир айтган сўзлари ҳам ўн етти-ўн саккиз ёшли йигитникига ўхшар эди. Ҳумоюн ўзининг ўн уч ёшда ҳали қийинчилик кўрмаган арзанда ўсмир бўлганини эслади. Ўғлидан мамнун эканини айткиси келиб:

— Жамна бўйидаги кийик ови ёдингдами? — деб кулумсираб сўради.

Акбар бу овга оталиғи Байрамхон билан чиққан эди. Иши ўнгидан келиб, семиз бир қизил кийикка дуч келди, учқур оти Ҳайрон устида уни қувиб бориб, ёй ўқи билан биқинига уриб йиқитди.

— Овингиз муборак, амирзодам! — деб Байрамхон Акбарни табриклади. — Энди бу кийикдан қандай таом пиширтирмоқчисиз?

— Буни ҳазрат отамдан сўрайлик.

Акбар кийикни навкарларидан иккитасига кўтартириб, отасининг ҳузурига олиб келди-да, унинг оёғи олдига қўйди:

— Ҳазрат отажон, ўғлингизнинг биринчи ови сизга пешкаш!

Ҳумоюн Акбарни бағрига босди. Кунлар иссиқ, Акбар овда терга ботиб кетганини сезган Ҳумоюн ўғлини Жамнанинг салқин қирғоғида лангар ташлаб турган кемага бошлаб чиқди. Бовурчилар кийик гўшtidан оғизда эрийдиган қилиб кабоб тайёрладилар. Кеманинг толорида ота-бола ва Байрамхон учовлари кабобни еб бўлишгач, Ҳумоюн офтобачи келтирган дастшў устида қўл ювди-да, қоғоз-қалам сўради. У ҳозир шу ерда хаёлига қуюлиб келган сатрларни маснавий шаклида тез-тез ёзди:

Худое, ту ин гавҳари шаҳвор
Зи осибе бадгўхарон дур дор.
Зи дарёи дониш ба ў об деҳ,
Зи ҳуршиди биниш ба ў тоб деҳ¹.

Ҳумоюн ўғлига бу сатрларни ўқиб бериб:

— Менинг сенга тилагим шу! — деди. — Ол!

Форсий тилни ҳам яхши биладиган Акбар ўрnidан туриб, отасининг шеърини таъзим билан олди-да, кўзларига сурди:

— Мен буни жон ўрнида асрагаймен!

Ўша куни кечкурун Акбар ўзининг дасторпечига буюриб отаси инъом этган тўрт сатрни шоҳи туморчага тикдирди-да, кийимлари ичидан бўйнига билинтирмай тақиб олди.

Мана, ҳозир у отасининг ёнида, Деҳлининг энг баланд жойига қурилган шийпон устида турганда ўша туморчанинг шоҳиси иссиқда терлаган баданига алланечук салқин тегаётганини сизди-да, ўзича бир суюниб қўйди.

— Шукрки, кўзим тириклигида сени Деҳлига олиб келдим, — деди Ҳумоюн. —

¹ Таржимаси:

Худое ўзинг бу шоҳ гавҳаримни
Емон кўзлардан асра, таги ёмонлардан узоқ тут.
Уни билим дарёсининг сувига қондир,
Ақлу меҳр офтоби билан сайқал бериб чиниқтир.

Бу шаҳри азимни мен кўпдан бери пойтахт қилиш орзусида эдим. Лекин мени бу орзуга етказадиган йўл ер тагидан ўтганини билмас эканмен.

— Қандоқ... ер тагидан? — ҳайрон бўлди Акбар.

Ҳумоюн унга Қазвинда Эльбрус тоғи ҳақида эшитган ривоятини айтиб берди.

— Ер тагига тушиб кетган ўша тоғ менинг елкамда тургандек бўлди. Ун беш йил давомида шу тоғни Синду, Қандаҳору, Қазвину, Кобул орқали кўтариб ўтишга мажбур бўлдим унинг оғирлигидан эзилиб азоб тортдим. Ниҳоят, бугун шу тоғ — отам тузиб кетган ўша улкан давлат — яна ер юзасига қайтиб чиқди. Мен қуришга улгурмаган обидаларни энди сенинг қурмоғинг учун имкон бор. Отамнинг умри меңда давом этган бўлса, менинг умрим сенда давом этгай. Биз худди юз йиллаб яшайдиган чинорнинг алоҳида шохлари-ю, илдизларидай яхлит бир оиламиз.

Ҳумоюн ўғлига бугун биринчи марта дилини ёриб, кўнглининг тубини очиб кўрсатар, Акбарнинг камоли жиддият билан тинглаётганидан ҳамма гапни кўнглига туғаётгани билини турарди.

— Чинорнинг дастлабки эллик-олтмиш йилдаги ўсиши бир авлод умрига қиёс этгуликдир, — деб давом этди Ҳумоюн. — Кейинги эллик-олтмиш йиллик ўсиши иккинчи авлод ҳисобига бўлгай. Бу орада чинор аввалгидан икки баробар баланд кўтарилгай. Учинчи авлоднинг умри бу чинорни энг баланд юқсақликка кўтариб, улуғ дарахтга айлантиргай. Лекин унинг шу улуғлигида ниҳол пайтида отган илдизлари-ю, ўрта яшарлигида ёйган шохларининг ҳиссаси бўлгайми, йўқми?

— Бўлгай! — деди Акбар.

— Сен келажакда, энг баланд пояларга кўтарилганингда, менинг шу сўзларимни бир эслаб қўйгин.

— Барча сўзларингиз менинг қалбимга тошга битилган ҳарфлардай нақшланмоқда. Фақат сиз... шундай улкан ғалабадан сўнг... нечун кўнглингиз ўксиган каби сўзламоқдасиз?

— Армоним кўп, ўғлим. Ешликда тузган улкан режаларим амалга ошмади. Энди ҳаммасини қайтадан бошлашга умрим етмаслигини сезиб турибмен. Одамзод жамияти ҳали бениҳоят ноқомил. Алоҳида қомил сиймолар бор, аммо бутун жамият — атрофимизни ўраб турган табиатга нисбатан ғоят хом, бетартиб. Еру кўкдаги тартибу мувозанат мени доим ҳайратга солур. Офтоб вақтида чиқгай. Ой аниқ соату дақиқасида тўлгай. Юлдузлар зўр бир тартиб билан айлангай. Хаёлпараст эканменми, еру кўкдаги мана шу тартибу мувозанатни жамиятга тадбиқ этмоқчи бўлибмен. Аммо мен табиатда йўқ жаҳолату хурофот, риёкорлигу амалпарастлик, ғаламислигу хонлиқ жамиятда бижғиб ётганини нуутган эканмен. Тўғри, табиатда йўқ илму санъат, маърифату заковат фозил одамларда бор. Лекин бизнинг жамиятимизда улар ҳали жуда оз. Шунинг учун менинг бу йўлдаги ҳаракатларим шамолни тутиб тартибга солмоқчи бўлган хаёлпарастнинг ишидек бекор кетди. Энди ўйласам, жамиятни такомиллаштириш учун уни табиатдан узоқлаштириб юборган сунъийликларни йўқотмоқ керак экан.

— Қайси сунъийликлар? — қайтариб сўради Акбар.

— Ахир диний адоват ҳам, миллий низолар ҳам ғаразли мақсадлар учун ўйлаб чиқарилган сунъий бидъатлар-ку. Мен шунча мамлакатларни кўрдим. Муслиму ҳинди, шиа-ю, сунни, насора-ю, оташпараст — ҳаммалари бир Одам Ато билан Момо Ҳаводан тарқаган бани башардирлар. Лекин «бизнинг динимиз сеникидан афзал, бизнинг ирқимиз сеникидан баланд» деган ўринсиз талаш-тортишлар туфайли мудом қонли урушлар келиб чиқгай, мудом лак-лак бегуноҳ одамлар қирилгай. Айниқса, Ҳиндистонда турфа динлик мамлакатда инсонни унинг табиий асосларидан узоқлаштириб юборган диний адовату сунъий варналар¹ кўп фожиаларга сабаб бўлмоқда. Онанг билан мен сени гўдаклигингдаёқ шу сунъийликлардан узоқ тутмоқ учун турли улус оналари орасидан энагалар топдик. Сенга оқ сут берган етти энаганинг бир қисми туркий улусдан бўлса, бири ғайридин ҳинд аёли, бири афгон, бири тожик. Турфа динлик турли миллат вакиллари бўлган бу оналарнинг оқ сути сенинг қонингда бирлашган, табиатингда бутун башариятга фарзанд бўлгудек фазилатлар ҳосил бўлган. Келгусида сен жамиятдаги сунъийликларни бартараф қилмоқ учун ўз табиатингдаги мана шу афзалиятга суянмоғинг керак.

Ота-бола суҳбатга берилиб, қоронғи туша бошлаганини сезмай қолган эдилар. Сарой чароғбони зинапоядан олтин шамдонда липиллаб ёниб турган қўшалоқ шамни кўтариб чиқди.

Ҳумоюнга шийпон ёқиб қолгани учун бир ой ичида уни қайта жиҳозлатди ва кутубхонасини шу ерга кўчиртириб келди. Кузнинг юлдузлар чарақлаган тунларида учинчи қаватга устурлоб ўрнатдириб, юлдузлар ҳаракатини кузатадиган бўлди.

Бу орада Агра ҳам жангсиз олинди, Ҳумоюн унга Искандархон ўзбекни ҳоким қилиб тайин этди. Турдибек Туркистоний Дехли ҳокими бўлди. Сажбхал, Меват ва Ажмир вилоятлари ҳам Ҳумоюннинг қаламровига ўтди. Ҳамон Шерхон авлодлари хуруж қилиб ётган жойлар — Ганга буйидаги Қалпи ва Панжобдаги Калонур атрофлари эди.

¹ Варналар — касталар.

Хумоюн Акбарни оталиғи Байрамхон билан бирга Калонурга ҳоким тайин этди. Ота-бола хайрлашишдан бир кун олдин кутубхонанинг тепасидаги ўша мармар шийпонга чиқдилар. Хумоюн отасининг «Вақоийъ» китобини энг яхши хаттотларга бериб, Акбар учун махсус нусха кўчиртирган эди. Хумоюн кутубхонасининг китобдори Хўжа Абдусаммад касбдоши Мирсаид Али билан бирга «Бобурнома» воқеалари бўйича илк расмлар ҳам чизишган эди. Еши улуғ Хўжа Абдусаммад олдинда, ўттиз ёшли хушбичим Мирсаид Али орқада, зинапоядан чиқиб келдилар. Хўжа Абдусаммад «Бобурнома»нинг Акбар учун кўчиртирилган янги нусхасини икки кўлида авайлаб тутганича таъзим қилиб кирди. Хумоюн Акбарга юзланиб деди:

— Отам «бу китобни авлодларинг ҳам ўқисин» деган эдилар. Мен шу васиятни бажо келтирадиган кунларга етишганимдан шодмен. Афсуски, сени Фарғона-ю, Самарқандларга олиб боролмадим. Энди отамнинг бу китоби сени ўз қанотида Маворауннаҳрга олиб борсин! Акбар, сен ҳам мен каби ҳамиша шу китобдан руҳий мадад олиб яшагин!

Акбар кўлини кўксига қўйди:

— Умрим охиригача ўгитингизга содиқ қолгумдир!

— Отамдан менга ўтган бир эътиқодни сенга айтмоқчимен. «Хаёлпараст» дейишларидан қўрқмай, энг улуғ мақсадларни кўзлашга ўрган. Аммо ҳеч бир улуғ мақсад улуғ истеъдодларсиз, даврнинг энг комил сиймоларисиз амалга ошмагай. Шунинг учун атрофинга энг яхши одамларни, энг зўр истеъдодларни иложи борича кўпроқ тўплагин. Дунёнинг ҳеч бир бойлиги, ҳеч қайси гавҳар жавоҳири сенга ўзинг тўплаб парвариш қилган улуғ истеъдодларчалик қовунчу шуҳрат келтира олмагай. Истеъдодли одамларда инсоний нуқсонлар, нозу фироқлар бўлса, буни кечирмоқ керак. Сен уларни авайлаб камолга етказсанг, ўзингнинг энг олий камолотинг ана шу бўлғай!

Хумоюн шу сўзлар билан ўғлига отасининг китобини тақдим этди. Акбар китобдан бениҳоя мамнун бўлса ҳам, бироқ отаси худди бошқа кўришолмасликларини олдиндан сезганга ўхшаб гапиргани анчагача уни ҳайратга солиб юрди.

Хумоюннинг ўзи ҳам Акбарни жўнатгандан сўнг: «Мен нечун ўсмир ўғлимга бундай гапларни айтдим?» деб, ич-ичидан таажжубланиб қўйди. Ахир унинг ишлари энди ўнгланди. Қиш ўтиб, доvonлар очилса, Ҳамида бегим Кобулдан келади, икковлари ҳали Акбарни уйлантиришлари, неварга кўришлари керак!

Бўш вақти бўлса, у одатдагидай кутубхонага келарди. Тик ва тор зинапоядан кўтарилиб туриш унга хийла ноқулай туюлар, лекин вақт ўтиши билан бунга ҳам одатланиб борар эди. Зинапояларнинг нега қудуққа ўхшатиб тор ва тик қилиб қурилганидан ўзича бир маъно ҳам топгандай бўлди. Зинапояга фақат битта одам сигиши қўриқчилар учун қулай эди. Бу ерда битта соқчи турса, бас, юзта одам ҳужум қилиб келса ҳам зинапоядан ёпирилиб ўтолмайди. Битта-битта ўтиб кўтарилганини эса юқорида турган одам даф қилиши осон. Бинога кирадиган бошқа ҳеч қандай йўл йўқ. Кирди-чиқди камлиги Хумоюннинг кутубхонада тинчгина мутолаа қилиши учун ҳам қулай эди.

Мана шу тарзда у Шерхон қўрдириб кетган зинапоянинг торлиги, тиклиги ва бошқа ноқулайликларига кўникди. Деҳлининг қуруқ ва салқин қиш кечаларида осмонни тўлдириб чарақлаб чиқадиган юлдузларни тепадаги шийпондан кузатадиган ҳам бўлди.

Кобулда қирчиллама қиш бўладиган далв¹ ойида ҳам Деҳлида ҳаво баҳор пайтидагидай майин, атроф кўм-кўк эди. Мунажжим Хумоюнга саҳар пайтида Суҳайл юлдузини кўрсатмоқчи эканини айтди.

— Суҳайл юлдузини бир кўрган одам бу дунёю у дунёда барча муродларига етгай! — деди.

Бу сўзларнинг одатдаги муболаға эканини Хумоюн биларди, лекин у Суҳайл юлдузини кўришга кўпдан иштиёқманд эди. Отаси бу юлдузини умрида бир марта Ҳиндикуш тоғининг баланд бир жойида туриб тонг саҳарда кўрганини «Бобурнома»да ёзиб кетган эди. «Толеъим отамникичалик кечса, умримдан зинҳор шикоят қилмагаймен» деган эътиқодни кўнглига туккан Хумоюн Суҳайл юлдузини албатта бир кўрмоқчи бўлди.

У ҳам Бобурга ўхшаб уйқусизликдан қийналар, баъзан афюн қўшилган маъжун еб ухлаб эди. Бугун кечаси ҳам маъжун еб тўрт соатча қаттиқ ухлади. Асли у камуйқу одамлардан эди, тўрт соат ухласа, бир кунга кифоя қиларди. Шунинг учун доим эрта саҳарда, ҳали осмон юлдузларга тўлиб турган пайтда ўрнидан турарди. Бугун ҳам шундай пайтда туриб бет-кўлини ювди. Таҳорат қилди.

Мунажжим кутубхона олдида кутиб турган экан. Хумоюн уни эргаштириб, ўша тор ва тик зинапоя олдида келди. Соқчилар уларга йўл бердилар. Зинапоя қоронғи бўлгани учун чароғбон олдинга ўтди.

Бугун осмон ниҳоятда тиниқ, юлдузлар одатдагидан ҳам кўп. Осмоннинг шарқи энди оқараётган пайтда унинг жануб томонида, уфққа яқин бир жойда сариқ аралаш ақиқдай пуштиранг юлдуз кўринди.

— Суҳайл² ана шу! — деди мунажжим ҳаяжон билан.

¹ Далв — январь.

² Суҳайл — ҳозирги илмий тилда Канопус юлдузи.

Хумоюн уни устурлоб орқали кузатар экан, умри давомида кўрган юлдузларининг энг гўзали шу эканини сезди.

— Шукрки, мен ҳам Сухайлни кўришга муяссар бўлдим! — деди.

Шу пайт пастдаги мачитнинг имоми мезанага кўтарила бошлади. Мунажжим:

— Ҳазратим, бомдод намозига бормоқ керак, — деб қолди.

Тонг ёришганда, Сухайл унинг нурига сингиб кетаётгандек кўринмай қолди.

Хумоюн намозга бориш учун зинапоя томон йўналди. Шу пайт тонг қоронғиси ичида қудуқсимон зинапояннинг оғзи Хумоюннинг кўзига худди ўн олти жуфт ҳўкиз судраб юрадиган энг катта замбаракнинг оғзидай қорайиб кўринди. Бу замбаракнинг ичидан ҳозир ўқ этилиб чиқадигандек туюлди. Шерхонни ҳалок қилган замбарак ўқи Хумоюннинг хаёлида гавдаланиб, уни шундай сескантирдики, боши музлаб кетди. «Беъмани рўё! — деб ичида ўзини койиди. — Менга не бўлди? Кечаси еган маъжуним-да афюн кўпроқ эканми?»

У чароғбонга қараб:

— Олдинга ўтинг, — деди.

Зинапояга чироғ нури тушган, одатдаги тош пиллапоаялар кўринди-ю, рўё йўқолди. Уч-тўрт қадам олдинда чароғбон, ўртада Хумоюн, ундан уч-тўрт қадам нарида мунажжимлар зиналарни бир-бир босиб пастга туша бошладилар. Бояги сесканиш ўтиб кетган бўлса ҳам, Хумоюннинг тиззаларида озгина титроғи қолган, оёқлари аввалгидан мадорсизроқ туюлар эди. Шу пайт мачит томондан азон товуши эшитилди. Хумоюн намозга кеч қолмаслик учун қадамини тезлатди.

Зинапоя пармага ўхшаб ўнгга бурулган жойда уч-тўртта зинанинг ўнг томони жуда тор, оёқ сизмас эди. Хумоюн авваллари ўтганда зинанинг чап томонидаги кенгроқ қисмига оёқ қўйиб ўтарди. Ҳозир шошилишда шу эсидан чиқди-ю, зинанинг энг тор ва сирғанчиқ ўнг томонига устма-уст икки марта қадам қўйди. Ҳар икки оёғи ҳам зинадан сирпаниб кетиб, мувозанатини йўқотди, атрофига қўлларини ёйди, аммо ушлаб қоладиган ҳеч нарса йўқ. Олдиндаги чароғбон ҳам, орқадаги мунажжим ҳам ёрдамга етиб улгуролмади. Мункиб кетган Хумоюн пешонаси билан зинапояннинг тош деворига қарсиллаб урилди. Кўзларидан яшил, қизил учқунлар сачради, Кобулда қолган Ҳамида бону, Панжобда юрган Акбар, ҳатто узоқ Сирдарё бўйида, Ахси жаридан йиқилиб ҳалок бўлган бобоси Умаршайх Мирзо хаёлидан чақмоқдай тез, камалакдай рангин бўлиб ўтди-ю, бирдан йўқолди. Хумоюн ҳушидан кетиб, гавдасининг бутун оғири билан зинапояга ағанаб тушди. Шунда боши тош зиналарга яна уч-тўрт марта қаттиқ урилиб, жароҳати баттар оғирлашди. Уч кун ҳушига келолмай ётиб жон берди.

ПАНИПАТ, ДЕҲЛИ

Тўфонда қолган ёшлик

Деҳлидан уч юз мил узоқда — Панжобнинг шимол-шарқидagi Калонурда юрган Акбар отасининг ўлими ҳақидаги хабарни орадан бир ҳафта ўтгандан сўнг эшитди. Му-сibatли воқеанинг тафсилотларини чопар Назирқули сўзлаб берганда ўша зинапояннинг кулранг тошлари унинг бошига ҳам урилгандай вужуди карахт бўлиб қолди, бир қанча вақт ҳатто кўзига ёш келмади.

Унинг аҳволини тушуниб турган Байрамхон Акбар билан яккама-якка гаплашди:

— Амирзодам, мардона турадиган энг таҳликали кунлар бошланмоқда. Илгари ҳазратимдан ҳайиқиб Деҳлига яқин келолмай юрган Одилшоҳ билан Ҳему ҳозир эллик минг қўшдан байиқ Деҳли устига бостириб бормоқда эмиш.

— Деҳли ҳокими... Турдибек бундан хабардормикин?

— Мен ҳозир чопар Назирқулига буюрдим. Йўл ҳозирлигини кўрсин-у, сахар палла Деҳлига жўнасин. Мана, сизнинг номингиздан Турдибекка юбориладиган фармойиш. Пуран Қалъада захира етарлик, дарвозаларни бекитсин, Деҳлини зинҳор Одилшоҳ билан Ҳемуга топширсин.

— Биз бу ердан ёрдамга етиб боргумиздир! — деди Акбар. — Ахир ҳазрат отамнинг Деҳлидаги қабрлари ёғийлар оёғи остида қолмаслиги керак!

— Яхши сўз айтдингиз. Бу сўзларни фармойишга ҳам ёздиргаймиз. Мана бу жойига муҳр босинг.

Акбарнинг муҳри босилган фармойишни сахар палла йўлга чиққан чопар Деҳлига олиб жўнади. Унинг кетидан Байрамхон ҳам Калонурда бор қўшинни йиғиб, жанубга юриш бошлади.

Чопар бир ҳафтада ўтадиган йўлни катта қўшин ўн беш кунда босиб ўтиши мумкин.

Панипатга етганларида қаршиларидан бир неча минг кишилик қўшин чиқиб келди. Байрамхон чигдовулларни юбориб, — бу Деҳлидан келаётган Турдибекнинг лашкари эканини аниқлади. Ҳанг-манг бўлиб, ёнидаги Акбарга қаради:

¹ Чигдовул — разведкачи

— Нахотки пойтахтни ёғийга топшириб келган бўлса?! — деди.

Улар отларини елдириб Турдибекка пешвоз чиқдилар.

Ранги-қути ўчган Турдибек Акбарга яқин келиб отдан тушди, жиловни рикобдорига бериб, ёш подшонинг қаршисида юкунди, сўнг унинг узангисини ўпиб, йиғлаб юборди:

— Амирзодам, худо сизга қувват берсин! Ҳазратимдан айрилиб қолдик! — Турдибек фақат бу мусибатдангина эмас, Деҳлини душманга топшириб келаётганидан ҳам куюниб, елқалари силкиниб ҳўнграб юборди. — Суянган тоғимиз энди йўқ! Деҳли ҳам иликдан кетди!

Отасини эслаб кўзи ёшланган Акбар сўнгги гапдан озорланиб сўради:

— Фармойиш етиб бормадимми?

— Сизнинг олий фармойишингиз етиб борганда биз шаҳарни ташлаб чиқмоқда эдик. Беку аёнлар машварат қилиб шундай қарорга келдикки, Одилшоҳ билан Ҳему-нинг эллик минг кўшинига биз ёлғиз бас келолмағаймиз. Ундан кўра тезроқ сизнинг ҳу-зурингизга келиб, асосий кучлар билан бирлашмоққа қарор қилдик.

— Нотўғри қарор қилибсиз, жаноб Турдибек! — деди Байрамхон бирдан қизи-шиб. — Сиз амирзодам юборган фармойиш бўйича Деҳли қалъасини ичдан бекитмо-ғингиз керак эди! Биз боргунча пойтахт иликдан чиқмаслиги лозим эди! Деҳлини қайта олгунча ҳазратим қанча сарсону-саргардонликларни бошдан кечирган эдилар! Сиз ёш подшонинг буйруғини бажармаганингиз учун...

«Ҳазо олмоғингиз керак!» деган сўзларга йўл бермаслик учун Турдибек Байрам-хоннинг гапини шарт кесди:

— Амирзодам, адолат қилинг! — деб, Турдибек яна Акбарга юзланди. — Мен ёғийни ўз кўзим билан кўриб келмоқдамен. Байрамхон жаноблари ҳали унинг қандай бир даҳшат эканини кўрмай туриб мени айбламоқдалар! Ахир бу Ҳему деган балойи азимга Иброҳим сур қирқ минг кўшин билан бас келолмай енгилди-ку! Амирзодам, биз сизни ҳам бу улкан хатардан эҳтиёт қилмоғимиз керак. Яхшироқ тайёргарлик кўр-масдан туриб Ҳемунинг енгиб бўлмағай! Иложи бўлса, Панжобу Кобулдан, Қандаҳору Ғазнидан янги аскарини кучлар йиғиб келмоқ лозим!

— Кўрққанга кўша кўрингай! — деб Байрамхон унинг сўзини кесди. — Сиз бу ваҳима гаплар билан кўшиннинг кайфиятини ҳам бузмоқчимисиз, жаноб Турдибек? Сизнинг гапингизга кирсак, яна Ҳиндистонни бой бериб, Қандаҳору Кобулга қайтиб кет-гаймизми?

— Йўқ! — деди Акбар. Ва икки бекнинг тортишувини ўзи ҳал қилолмаслигини се-зиб, Байрамхондан илтимос қилди: — Хонбобо, дурустроқ бир жойдан қароргоҳга ўрин танлайлик. Тўхтаб, кечкурун бекларни машваратга чорлайлик.

Турдибек отига миниб, Акбарнинг орқароғида бора бошлади. Оталик ҳуқуқи бўйи-ча Байрамхон ёш подшоҳнинг ўнг томонида юрарди. Турдибек Ҳумоюннинг яқин мас-лаҳатчиси бўлгани учун қароргоҳга ўрин танлашда Акбарга ҳам маслаҳат беришга ин-тилиб, Жамна бўйидаги кўкалам адирларни кўрсатди:

— Сув яқин, атрофи очиқ, бағри кенг жой, — деди.

Акбар Байрамхонга савол назари билан қаради. Диди ҳам, феъли ҳам Турдибекни-кидан бошқача бўлган Байрамхон:

— Панипат яқинида Бобур ҳазратлари бундан ўттиз йил олдин қароргоҳ қилган жой бор, — деди. — Ҳозир биз учун ҳам энг қулай макон ўша жой бўлғай...

Икки бек яна баҳсласмаслиги учун Акбар дарҳол Байрамхоннинг гапига кўшилди.

— Ҳазрат бобом танлаган жой биз учун ҳам табарруқдир.

Бир томони дарё, иккинчи томони кўшин ўтолмайдиған ўрмон бўлган бу пасту баланд кўкаламзор адирлар қароргоҳ учун чиндан ҳам қулай эди.

Ўрмон ичидан қушларнинг сайраши ва маймунларнинг қий-чув қилганлари эшити-либ турарди. Чап томондаги Жамнада қайиқлар ва кемалар осойишта сузиб кетяпти. Олам шундай осуда кўринар, табиат улуғвор бир вазминлик билан атрофни ўраб турар, аммо Байрамхон билан Акбарнинг диллари безовта. Ҳумоюннинг ўлими билан бошлан-ган хавф-хатарлар тобора кўпайиб боряпти. Ҳимолай тоғларининг этакларида пайт пой-лаб куч йиғиб ётган эски ёвлари Искандаршоҳ яна Панжобни қайтиб олиш ҳаракатига тушмоқда.

Жанубдан Одилшоҳ ва Ҳемудай зўр ёв бостириб келса, булар икки қудратли душ-ман орасидан қандай чиқиб кетишаркин?

— Шунинг устига Турдибек бугунгидек бебошлик қилаверса, ҳар нарсада менга қарши сўзлаб, биринчилик талашса, кўшинда ички парокандалик бошлангай, амирзо-дам! — деди Байрамхон Акбар билан ўрмон четида яккама-якка турганда. — Мен бу одамнинг бадфеъллигини азалдан билурмен. Мудом ўтмишдаги хизматларини пеш қилур. Хизмати, садоқати йўқ эмас. Аммо феъли ёмон, мумсик одам. Умарқутда отанг-из Турдибекдан икки лак олтин қарз сўраган эканлар. Шунда Турдибек судхўрга ўхшаб юзга юз йигирма रुपий қайтариш шарти билан қарз берган. Отангиз унинг шу икки лак олтинини тўрт йилдан сўнг Қандаҳорда уч лак қилиб қайтарганларини кўрганмен. Отанг-из раҳматлик ҳалол бўлгилари келиб, юмшоқлик қилар эдилар. Турдибек унга сайин ўзини катта олиб, калондимоғликка ўрганган эди. Аммо ҳозир вазият таҳликали, юм-

шоқлик қилсак, ички парокандалик авжлангай, ташқи душманлар олдида заифлашиб, ҳалок бўлмаймиз. Шунинг учун сиздан ҳам қатъият лозим.

— Хонбобо, отам ўрнида энди сиз қолдингиз. Ҳозир менинг сиздан бошқа раҳнамом йўқ... Турдибек билан бирон... мураса йўлини топайлик.

— Мураса?! — ранжиб сўради Байрамхон. — Амирзодам, унга жазо бермоқ лозим!

Соқоли оппоқ Турдибекка жазо бериш Акбарга беҳад мушкул туюлди. Турдибекнинг жияни Моҳим Акбарни эмизган энагалардан бири. Турдибекнинг бошқа нуфузли қариндошлари кўп.

— Хонбобо, унга жазо берилса, ҳаммаси аразлаб кетиши мумкин.

— Аммо улар «Кобулга қайтмоғимиз керак, ҳазратимнинг ўлими туфайли Ҳиндистонни бой бердик» деяётган эмишлар. Лекин, амирзодам, сизнинг киндик қонингиз Ҳинд тупроғига тўкилган. Энди бу тупроққа отангиз қўйилди. Шу икки сабабдан Ҳиндистон сиз учун муқаддас ватандир. Бу ватанни ташлаб кетмоқчи бўлганларга қатъий зарба берилмоғи лозим. Бу ишни мен қилай. Сиз дарё бўйларини сайр қилинг. Балки овда кўнглингиз таскин топар?

Акбарнинг ўзи ҳам ёши улуғ бекларнинг бугунгидақа баҳсу жанжалларига аралашиб истамас эди. Шунинг учун кўкалдошлари ва қўриқчи йигитлари билан отланиб ўрмонга сайр қилгани кетди.

Кечки пайт сайрдан қароргоҳга қайтса, Турдибек қариндошлари билан турадиган чодирлар орасидан йиғи-сиғи товушлари эшитиляпти.

Акбар ўша чодирларга шитоб яқинлашганда, Моҳим энага ёшли кўзлар билан унинг қаршисига чопиб чиқди.

— Амирзодам, мен сизга оқ сут берган эдим! Наҳотки тағойимни сиз ўлимга буюрган бўлсангиз?!

Акбар «ўлим» сўзидан чўчиб тушди:

— Турдибекни? Мен буюрган эмасмен! Не бўлди?

— Золим Байрамхон... чодирда... Турдибек тағойимни ўлдириб қўйди!

Акбарнинг ишонгиси келмай:

— Йўғ-е! — деди. — Ҳибс қилгандир?

У отининг бошини қўйиб, ўз хиргоҳи томон шшилди. Акбар тезроқ Хонбобога учраб, фалокатнинг олдини олгиси келар эди. У хиргоҳ олдида ранглари оқарган Байрамхонни кўрди-ю:

— Хонбобо, Турдибек тирикми? — деб сўради.

Юз берган бахтсизликдан ўзи ҳам изтироб чекаётган Байрамхон паст товуш билан:

— Амирзодам, ичкарига кирайлик, — деди ва Акбарга йўл бериб, унинг кетидан хиргоҳга кирди. — Ишонинг, мен уни сиздан бемаслаҳат ўлимга ҳукм этган эмасмен. Деҳлини ёғийга ташлаб келгани учун Ҳибс қилдирмоқчи бўлдим. Чодирга қақириб, «Қуролни топширинг» десам, «Ҳали сен рофизий кексайганимда мени хор қилмоқчимисен?!» деб сўқинди-ю, белидаги ханжарини суғуриб, менга ташланди. Жамол деган йигитим ёнимда турган эди. Турдибекни кўлидан тутиб қолмоқчи бўлди, лекин Турдибек уни итариб ташлади. Менинг биқинимга тиғ санчмоқчи бўлганда, қўриқчи йигитим унинг кўкрагига ханжар урди...

— Ўлдими?.. Наҳотки!.. Ахир... Хонбобо!.. Отамнинг ўлими бизга озмиди?

— Ўзи ҳужум қилмаса, ҳеч ким уни ўлдирмас эди!..

— Энагамнинг тоғаси... уруғ-аймоғи кўп! Ҳаммаси энди ёвлашгай. Ташқарида ёғий, ичкарида бу!..

Ўспирин Акбарнинг шунча нарсаларга ақли етаётганидан хиёл таажужланган Байрамхон:

— Рост, — деди, — бўш келсак, ички уруш бошланмоғи мумкин. Ё сиз мен томонда мардона туриб, бор кучларни бир иродага бўйсундиргайсиз. Ё энага-ю, бошқаларнинг кўнглига қараб, ҳаммани ўз ҳолига қўйиб бергайсиз, истаган одам оталинганга яна «рофизий» деб сўқкай, ички интизом йўқолгай, кейин ташқи душман ҳам бизни осонгина енгай. Шу икки йўлдан бирини танламоғингиз керак!

Байрамхоннинг қатъият билан ёнган кўзлари Акбарнинг ёдида бултур Сирҳиндаги шиддатли жанг пайтларини эслатди.

Искандаршоҳнинг ўнг қанотидаги отлиқларини ён томондан уриб орқага қайтариш ва чекинаётган филларига топтатиш зарур бўлди. Бош саркарда Байрамхон бу мушкул ишни хосса тобинда¹ турган амир Музаффар Лоханига ва унинг қўл остидаги икки минг афғон йигитига топширди. Амир Музаффар ёвнинг ўнг қанотидаги кучлари икки баробар кўп эканини кўрди. Уларни орқага қайтаришига кўзи етмади. Ортдан чекиниб келаётган филлар топтаб ташлашдан қўрқди ва Байрамхоннинг буйруғини бажаришдан бош тортди. Баҳслашиб ўтирадиган пайт эмас эди. Агар ёвнинг ўнг қанотига вақтида зарба берилмаса, Искандаршоҳ ёлиб келиши мумкин эди. Бундай пайтда бош саркарданинг буйруғини бажаришдан бош тортти хиёнат ҳисобланарди. Байрамхон амир Музаффар-

¹ Хосса тобин — махсус резерв.

га шуни айтиб, буйруқни яна бир такрорлади, аммо ўжар афғон амири Музаффархон буйруқни бажариб бўлмаслигини айтди. Байрамхон ёнидаги туркман йигитларига буюриб, Музаффарнинг қўлини боғлатдирди. Сўнг саф-саф турган йигитларининг кўзи олдида буйруқни бажаришдан бош тортгани, шу билан душманга ёрдам бергани учун бошини шарт кесдирди.

Афғон амирлари орасида Музаффарни ёмон кўрадиган, у билан доим мунозара қиладиган бошқа бир доворак бек бор эди. Байрамхон дарҳол ўшани икки минг отлик-қа саркарда этиб таъйинлади-ю, топшириқни зудлик билан бажаришга фармон берди.

Байрамхон билан ҳазиллашиб бўлмаслигини, унинг буйруғидан бўйин товлаш нима билан тугашини ўз кўзлари билан кўрган афғон йигитлари ёвнинг ўнг қанотига жонжаҳдлари билан ҳамла қилдилар. Бу ҳамла Байрамхон кутгандай яхши натижа берди, ёвнинг пиёдалари ўз отликлари ва филлари орасига тушиб қолиб, оёқости бўлди. Искандаршоҳнинг ҳарбий филлари чекиниш пайтида ўз пиёдаларининг анчасини топтаб ташлади. Охирида бу филлардан тўрт юзтаси ўлжа олинди. Жанг тугагандан кейин Музаффар Лоханининг ўғиллари ва қариндошлари Байрамхоннинг устидан Ҳумоюнга шикоят қилдилар. Ҳумоюн Байрамхоннинг қизиққонлигидан хафа бўлди, «ҳибс қилиш мумкин эди-ку!» деб койинди. Лекин бўлар иш бўлган, Байрамхон катта зафар келтирган эди. Ҳумоюн уни кечирди. Музаффар Лоханининг яқинлари эса аразлашиб, Гужарат томонга кетиб қолишди. Улар ўзларини Байрамхоннинг хундор душманлари деб эълон қилганларини Акбар эшитган эди. Энди бунинг устига Турдибекнинг яқинлари Байрамхон билан ёвлашса...

— Хонбобо, сиз мени қанотингиз остида олиб юрибсиз. Мен буни унутмаймен. Маслаҳат беринг: не қилай?

Байрамхон хиргоҳ тўрида мўътабар жойда турган «Бобурнома»ни кўрсатди:

— Улуғ бобонгизнинг китобидан мадад сўранг. Оталари ўлганда бобонгиз сиздан ҳам ёш — ҳали ўн иккига тўлмаган эканлар. Устозлари андижонлик Хўжа Абдулланинг оқилона ўғитлари билан ёғийлар ҳалқасидан омон чиққан эканлар.

Акбар кечаси алламахалгача «Бобурномани» варақлади...

Узоқ Сирдарё бўйида, Акбар ҳали кўрмаган Андижону Ахсида ёш Бобурнинг Самарқанду Тошкент томондан бостириб келган душман қўшинлари орасида қолгани қайси бир жиҳатлари билан Акбарнинг ҳозирги аҳволини эслата бошлади. Бобоси ҳам ёшлигида мураккаб зиддиятларга дуч келган, лекин ҳаммасининг орасидан йўл топиб ўтиб, мана шу Панапатда ўз қўшинидан саккиз баробар кўп ёвларни енгиб чиққан экан.

Акбар Байрамхонни бобосининг устози Хўжа Абдулла ўрнида кўрди...

Эртаси куни Турдибек ўрмон ичидаги баланд бир ялангликка дафн этилганда Акбар марҳумнинг қариндошлари ёнида туриб, унинг тобутини кўтаришди, кейин Моҳим энагасининг чодирига кириб, ундан кўнгил сўраб чиқди. Турдибек оладиган каттагина улуфа энди унинг оиласига нафақа тарзида умрбод бериб турилиши кўпчилик олдида эълон қилинди.

Акбарнинг бу ишлари Турдибекнинг баъзи қариндошларини сал юмшатган бўлса, баъзилари, аксинча, баттар ҳаво бойлаб, Байрамхонни қотилликда айблай бошлашди. Пирмуҳаммад деган бек машваратда яна Байрамхонни айбламоқчи бўлганда, Акбар унинг сўзини кесди:

— Жаноби Пирмуҳаммад, биз Турдибекнинг аввалги хизматларини тан олурмиз! Аммо Турдибек Деҳлини бой бергани устига яна оталиғимизни ҳақорат қилибдир, тиф яланғочлабдир. Оқибатда ўзи ҳалок бўлмишдир. Мусибат чекдик, дафн этдик. Энди бас! Хонбобо биз учун ҳазрат отамиздек азизу мўътабардирлар.

Акбар ўз ёшига ярашмайдиган бу жиддий сўзларни кечаси билан хаёлида ўйлаб пишитиб келган эди. Ҳаёт уни ёшига номуносиб мураккаб ишқалликларга дуч келтиргани сари Байрамхондан бошқа суянадиган тоғи қолмаганини сезарди.

— Жаноб беклар, кимки оталиғимизнинг шаънига ёмон сўз айтса, бизга қарши чиққан каби жазоланур. Ёғий яқин. Шу вазиятда кимки Хонбобонинг буйруғини бажармаса, бизнинг буйруғимиздан бош тортган ҳисобланур. Саркашлик — ёғийга ёрдам бўлур, бизга хиёнат бўлур. Хоин эса аёвсиз ёсоққа етказилур.

Акбарнинг бу гаплари асосида махсус қадағ¹ чиқарилди ва қароргоҳдаги ўн беш минг беку навкарларнинг ҳаммасига ўқиб эшиттирилди.

Шундан кейин Байрамхондан норози юрганлар ҳам аламларини ичларига ютиб, унинг иродасига бўйсунушга мажбур бўлдилар. Бир ёқадан бош чиқариб, Одилшоҳнинг эллик минг қўшини билан Панипатда дадил жанг қилишди. Бу жангда Алиқулихон бошлиқ мерганлар тўлғама усулини ишлатиб, ёв қўшинининг орқасига ўтди-ю, фил устида ўтирган бош саркарда Ҳемуни отиб йиқитдилар. Буни кўрган Одилшоҳ жон ҳолатда қоча бошлади...

Байрамхон Акбарни қучоқлаб:

— Амирзодам, ғалаба муборак! — деди.

¹ Қадағ — мурожаатнома.

Уша куни Алиқулихонга мўтабар хони замон унвони берилди. Байрамхон эса барча вазиру умаролардан баландроқ турадиган вакили салтанат мартабасига кўтарилди.

* * *

Ҳинд водийларидан йил бўйи баҳор яшиллиги кетмагани каби йил бўйи дарахтлар тагидан заъфарон япроқлар ҳам аримайди. Барглар табиат қонуни бўйича янгилиниб боради, эскилари эса ой сайин сарғайиб аста-секин тўкилиб туради.

Қора кийган азадор Ҳамида бегим Акбарнинг қўлига суяниб Ҳумоюннинг қабри томон мажолсиз юриб боради. Ҳамал кириб, гулмоҳур дарахтлари яна барча япроқларини бирваракай тўккан, баргсиз шохлари ғуж-ғуж қизил гуллар билан безанган. Аммо боши эгик Ҳамида бегимнинг кўзлари юқоридаги гулларга эмас, дарахт тагини босган хазонларга тушади. Дунёдаги энг суюкли кишидан айрилгани, ўттиз икки ёшида бева қолгани унинг бутун вужудини сарғайган хазонга айлантдириб қўйгандай туюлади. Қабр атрофидаги кўкаламзор майдон ҳам унинг кўзига қайғудан хазон бўлиб қавжираб тургандай кўринади. Бу қабрга тош қўйишга улгурганлари йўқ. Фақат Ҳумоюн ўзи ёқтирадиган Хусрав Дехлавий ва Низомиддин авлиё мазори яқинидаги бағри кенг бир текисликнинг атрофини ўраб, ариқ қаздиришган, кўчатлар экдиришган ва бўлажак мақбара учун жой ҳозирлашган, холос.

Бу жудалик онасига нечоғлик оғир тушишини Акбар биларди. У Кобулдан келаётган онасини кутиб олиш учун отда ўн кун йўл юриб, Ҳинд дарёсининг бўйига борди. Кобул дарёси Ҳиндга келиб қуйиладиган Тҳатта атрофларида Ҳамида бегимнинг дарёдан ўтишига ёрдамлашди. Пойтахт яна Аграга кўчган бўлса ҳам, Ҳамида бегим Акбар билан Дехлининг Пуран қалъасига келиб тушдилар.

Байрамхон Аградаги саройда, Ҳумоюннинг девони оми ва хонайи хосида иш олиб бормоқда. Аградаги Зарафшон ва Ҳашт Биҳишт боғларига ўхшаш оромгоҳлар Дехлида ҳали йўқ. Бунинг устига, Ҳамида бегим Дехлининг Пуран қалъасида турганда кўзи нуқул кутубхона биносига ва унинг ичидаги тош зиналарга тушар, бу унинг дил яралирини тирнаб янгилар эди. Шунинг учун Акбар онасини Аграга олиб кетмоқчи бўлди:

— Энди сиз бу беҳосият Пуран қалъада турманг, онажон! — деди.

Акбар тахтга чиққандан бери Ҳамида бегим уни «сиз»лаб гапирарди:

— Йўқ, ўғлим, отангизнинг қони тўкилган тош зиналар ҳам мен учун муқаддас, мен бу ердан ҳеч қаёққа кетмагаймен. Тирикликларидан бирга яшагани қўймадилар. Нуқул бизни айирдилар. Энди мен отангизнинг қабрларидан айрилмагаймен.

Бу гаплардан Акбарнинг ҳам кўнгли бузилиб, кўзларига ёш келди. Онасининг мусибатини енгиллатадиган бирон чора топмаса, ундан ҳам айрилиб қолиши мумкинлигини сезди.

Интиҳосиз хотиралар ичидан Ҳамида бону Акбарга отасининг маънавий оламини кўрсатадиган энг ёрқинларини саралаб ҳикоя қилиб берарди. Тар сахроси, Қандаҳор, Қазвин...

— Худо раҳмати Дехлида етти ошиёнлик бино қурдирмоқчи эдилар... Насиб қилмаган экан...

— Онажон, ўша бинони биз қурдирсак-чи? Отамнинг хотираларига муносиб улкан мақбара... етти ошиёнлик бинодай баланд бўлса!

Бу фикр Ҳамида бонунинг мусибат тўла қалбига таскин беришини Акбар сезди. Унинг китоблари сақланадиган сандиғи ичида Самарқанддаги Гўри Амир, Ҳиротдаги Гавҳаршод бегим, Ғазнидаги Маҳмуд Ғазнавий, Машҳаддаги Имом Ризо ва бошқа энг машҳур мақбаралар тасвири тўпланган мураққас¹ бор эди. Акбар китобдорга буюриб, шу мураққасни топдирди, онаси билан бирга уни варақлаб кўрди. Қўлига қоғоз-қалам олди. Мусаввирлик ва меъморликдан хабари бор. Хўжа Абдусмаддан олган сабоқлари ёдида. У Дехлидаги Мирзо Ҳумоюн мақбарасини қандай тасаввур этишини онасига чизиб кўрсатди. Булутлар билан бўйлашадиган муҳташам гумбаз. Етти қават уй баландлигидаги улуғвор пештоқлар... Акбар чизган расм ҳали жуда хом бўлса ҳам, Ҳамида бону унинг жўшқин ниятини чизиқлар ёрдамида кўз олдига келтира бошлади:

— Бино бунча улкан бўлса, атрофидаги боғи ҳам ўзига яраша катта бўлгани дуруст, — деди. — Ички-ташқи ҳовлилари, сув жилдираб оқадиган ариқлари, қатор турган дарахтлари...

— Ҳаммаси бўлғай, онажон! Эртагаёқ Дехлининг энг машҳур меъмори Мирзо Миракни ҳузурингизга таклиф этгаймиз!

Акбар онасини ғам-ғуссадан алаҳситадиган шундай катта иш топилганидан мамнун эди. Эртаси куни она-бола ўлтирган қабулхонага Мирзо Мирак таъзим қилиб кирди. Алғов-далғов замонларда қурилишлар таққа тўхтагани учун кўлёмалар кўчириб, хатотлик қилиб кун кўрадиган Мирзо Мирак кўп ўтириб ишлашдан елкалари букчайиб қолган қирқ беш ёшлардаги киши эди.

¹. Мураққас — альбом.

— Ҳазрат бегим, амирзодам, тангрим мени шундай кунга етказгани учун шукроналар айтурмен! Бу яхши ниятларингиз мени толе муждасидек шод қилди!

Меъмор Акбар чизган хомаки суратга кўз ташлар экан:

— Тасанно, амирзодам! — деди. — Фақат харажати беҳад улкан бўлғай! — Бутун давлат ишлари, шу жумладан, хазинанинг ихтиёри ҳам Байрамхонда эканини меъмор яхши биларди. — Оталиқ жанобларининг бу режадан хабарлари борми?

Акбар ялт этиб онасига қаради. Байрамхон ҳамма ишда ўта талабчан бўлгани каби, сарфу харажатларни ҳам қаттиқ тергаб турар, ҳатто Акбар ва Ҳамида бонунинг кундалик сарфлари учун кетадиган маблағ ҳам Хонбобонинг имзоси бўлмаса, берилмас эди. Акбар Панипатда ҳаммасини, ҳатто ўзини ҳам, оталиғининг иродасига бўйсундиргандан бери ҳануз ўша якка ҳокимлик давом этмоқда эди. Жомеъ масжидларида ҳар жума кунни Акбарнинг номи хутбага қўшиб ўқилса ҳам, аслида, олий ҳукмрон Байрамхон эди.

— Жаноб меъмор, сиз аввал мақбаранинг тарҳини чизинг, — деди Акбар. — Уни қуриш учун тахминан қанча маблағ, қанча коргару ҳунарпеша кераклигини бизга ёзиб беринг.

— Бош устига, амирзодам! Аммо ҳисоб-китоб ишлари учун махсус одам ёлламасам, ўзим уддалай олмасмен. Хомаки тарҳини чизиш учун ҳам кўп вақт кетгай.

Акбар меъморнинг озғин юзи ва эскирган кийимларига қараб, унинг ўзи ҳам ёрдамга муҳтож эканини сезди. Ичкари хонага кириб, ўзининг шахсий харажатлари учун хазинадан олган бир ҳамён олтинни олиб чиқди-да, меъморга чошна¹ тарзида берди.

* * *

Орадан анча вақт ўтиб, бўлажак мақбаранинг сарфу харажатига оид ҳисоб-китоб тайёр бўлганда, Байрамхон ўзи Аградан Деҳлига келиб қолди.

Унинг соқол-мўйлови силлиқ тарашланган, ёши эллик еттида бўлса ҳам йигитлардай башанг кийинган, кайфияти яхши эди. Байрамхон бурноғи йили Меват ҳокими Жамолхон деган амирнинг ўн етти ёшли қизига уйланган, яқинда бу ёш хотиндан ўғил кўрган, унга Абдурахим деб исм қўйган эди.

Акбар билан Ҳамида бону хонбобони Пуран қалъанинг меҳмонхонасида кутиб олиб, олдига дастурхон ёздилар.

Ҳумоюннинг йил ошини берганларидан сўнг Ҳамида бегим қора кийимларини ташлаган, ҳозир ҳаворанг қабо кийиб, бошига кўк ҳошиялик оқ қасаба рўмол ўраган эди.

— Ўғил кўрибсиз, жаноби оталиқ, — деди Ҳамида бегим. — Муборак бўлсин!

— Қуллуқ, ҳазрат бегим. Бизга не хизматлар бор? Билгали келдим.

— Биз амирзодам иккаламиз ҳазратимнинг мақбараси учун тарҳ чиздирган эдик. Меъмор Мирзо Мирак ҳозир қабулхонада. Сиз ҳам бир кўрсангиз.

— Бажонидил.

Мирзо Мирак Байрамхонга алоҳида, Акбар билан Ҳамида бегимга алоҳида таъзим бажо келтиргач, жилдга солинган лойиҳани миз устига қўйиб очди.

Рангли қилиб ишланган мақбара тарҳи бир қарашда Байрамхонга ҳам ёқди.

— Ҳазратимнинг улуғ хотираларига муносиб! — деди у. Бироқ меъмордан сарфу харажати қанақа бўлишини сўраб билган сари қоши чимирилиб, авзойи ўзгара бошлади. — Жаноб меъмор, бу бинога давлатимизнинг бир йиллик даромади ҳам етмагай-ку! Хазинада бор маблағни қурилишга сарф қилсак, ўттиз минг кўшинга маошни қаёқдан тўлагаймиз! Қурол-яроғни қайси пулга олгаймиз?

— Оталиқ жаноблари, — деди Ҳамида бегим, — бу қурилиш бир йилда битмагай... Балки менинг қолган умрим шунга сарф бўлғай. Ҳар йилги давлат даромадларидан бир қисмини ажратсангиз, бас...

Байрамхон бегимнинг мусибатли юзига назар ташлади-ю, сал юмшади:

— Хўп... Ҳозирча лойиҳа ишлари учун маблағ топиб бергаймен. Қурилишнинг ўзи учун келгуси йилги даромадлардан бир қисмини ажратгаймиз.

* * *

Ҳамида бегим ҳаётининг энг катта муаммоси бўлиб турган мақбара қурилишига Байрамхоннинг розилигини олганидан мамнун ва мулоийм бўлиб қолди. Байрамхон ма-на шу пайтдан фойдаланиб, дилидаги нозик гапларни унга айтишга чоғланди. Аммо ёш йигит Акбарнинг олдида сири очилишидан иймангандай тараддудга тушди.

— Ҳазрат бегим, — деб у ўнғайсизланиб гап бошлади, — кунгил одамни не куйларга солишини бошқалар билмаса ҳам сиз яхши билурсиз. Ёшликдаги бир дард менга умр бўйи азоб бериб юрганидан Ҳумоюн ҳазратлари хабардор эдилар. Дилимдаги армонни билганларидан сўнг: «Эски хатони, албатта, тузатгаймиз, агар Ҳиндни худо қайта насиб этса, бизга қариндош бўлгайсиз», деган эдилар...

¹ Чошна — аванс.

Акбар Хонбобосини ҳеч қачон ҳозиргидай ўнғайсиз ва уятчан қиёфада кўрмаган эди. Унинг соқол-мўйловига ва ўсиқ қошларига тушган оқ толалар илгари ўз ёшига ярашган каби салобатли кўринарди. Бугун Акбар унинг соқол-мўйлови йигитларникидай қопқора эканини кўриб таажжубга тушди. Унинг Ҳамида бегимга айтаётган гаплари ҳам ғалати эди.

Лекин кўп нозик сирлардан хабардор Ҳамида бегим Байрамхоннинг нима демоқчилигини дарҳол фаҳмлади-ю, дили алғов-далғов бўла бошлади. Байрамхон подшоҳ оиласига қандай қилиб қариндош бўлмоқчилиги унга маълум...

Ҳумоюннинг жияни Салима султон бегим бўй етиб қолган, ота-онаси ўлиб кетгандан бери Ҳамида бегим уни она ўрнида тарбиялаб ўстирган. Бугун Байрамхон Деҳлининг Пуран Қалъасига келганда ўн беш ёшлик Салима бегимни узоқдан кўриб, юраги «жиғ» этиб кетди. Чунки Салима улғайган сари онаси Гулранг бегимга икки томчи сувдай ўхшайдиган гўзал қиз бўлиб бормоқда эди. Байрамхон йигит пайтида Гулранг бегимни қаттиқ севганлиги, қиз ҳам унга мойил бўлганлиги, лекин тақдирлари қўшилмай иккови ҳам доғда қолганлари Ҳамида бегимга ҳам маълум. Қандаҳорда Хонзода бегим Байрамхоннинг Ҳумоюнга қилган яхшиликларидан беҳад мамнун бўлган пайтларида: «Яна битта қизим бўлса Байрамхонни ўзим куёв қилар эдим!» деган сўзлари ҳам бегимнинг ёдидан қолган.

Байрамхон Салимага уйланиш ва подшоҳ оиласига куёв бўлиш ниятини кўнглига маҳкам туккан. Ҳумоюн шу ҳақда унга берган ваъдасини бажаришга улгурмай оламдан ўтди. Ҳозир Салиманинг ҳам отаси, ҳам онаси ўрнида Ҳамида бегим қолди.

— Энди ҳазрат бегим... худо бизни осуда кунларга етказди. Катта қурилишлар, орзу-ҳавасли тўйлар қиладиган пайтлар келди...

Хонбобо бугун Салима бегимга ёш кўрингиси келиб, соқол-мўйловини бўятдирганини Ҳамида бегим энди пайқади. Лекин уч кам олтмиш йиллик умр машаққатлари унинг юзига, пешонасига, ҳатто бўйинларига чуқур ажинлар солиб кетган эди. Бўялган соқол-мўйлов билан бу ажинлар бир-бирини фош қилишини Байрамхон ўзи ҳам сезаётгандай қимтиниб, ўнғайсизланарди. Хонбобони ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаган Акбар гап нимадалигига тушунмай, гоҳ унга, гоҳ онасига ҳайрон бўлиб қарарди. Ҳамида бегим изтироб ичда қолганини сезган Байрамхон унинг бирон совуқ гап айтиб қўйишидан чўчиб:

— Қолган гапни бугун оқшом Шайх Гадоёи келиб айтгай, бегим. Мен Шерхон асирлигидан қочиб юрганимда бу шайх мени уйига яшириб, нақд ўлимдан олиб қолган. Шунинг учун уни муносиб кўрдим... дея сўзини қисқа қилди.

— Жаноби вакили салтанат! — деди Ҳамида бегим. — Ҳали дилимиздан қайғу аригани йўқ. Шайх Гадоёи шошмасинлар. Кейинроқ...

— Қачон? — сабрсизланиб сўради Байрамхон.

— Яна уч-тўрт ой ўтсин.

Бир вақтлар Қазвинда элчилик қилиб юрган кезларида жуда бардошли ва мулоҳазакор одам бўлган Байрамхон кейинги йилларда ўзгариб қолган. Акбарни ҳам ўз измига бўйсундириб, тожсиз подшога айлангандан бери аввалги сабр-бардоши ва мулоҳазакорлиги уни гўё тарк этган. Ҳозир ҳам «уч-тўрт ой» деган сўзлардан озорланиб:

— Ҳазрат бегим, пайсалга солинса, гап кўпайгай! — деди. — Майли, бир ҳафта ўтсин. Шайх Гадоёини келгуси чоршанбада қабул қилинг!..

Акбар бу орада гап нимадалигини фаҳмлай бошлаган эди. Бунга сезган Байрамхон:

— Амирзодам, — деб Акбарнинг хаёлини бошқа ёққа бурди, — сиз мендан Манкот вилоятига бориш учун ижозат сўраган эдингиз. Мана, ёмғир фасли тугади.

— Энди жўнасақ бўлғайми? — қизиқиб сўради Акбар.

— Ҳа, Лахўрда аткангиз Шамсиддин Муҳаммад сизни кутиб олгай. У ҳозир Лахўр ҳокими Манкот ҳам бизга хайрихоҳ вилоят. Бу ердан мингта беку навкар Пирмуҳаммад атка бошчилигида сизга ҳамроҳ бўлгай. Шу ҳафта йўлга чиқмоғингиз мумкин. Барча тайёрликлар кўрилгай.

Байрамхон Салима бегимнинг Акбарга меҳри борлигини ишончли одамларидан эшитган эди. Энди совчи келадиган нозик пайтда Акбарни узоқроққа юбориб, қиз туйғайли икки орага тушиши мумкин бўлган низонинг олдини олмоқчи эди. Байрамхон ўз ниятига тезроқ етиш учун ҳамма нарсани олдиндан ўйлаб, астойдил тайёрланиб келганини сезган Ҳамида бегим оғир ва чигал туйғулар гирдобига қолди.

Ахир бегим Салимани ўзига келин қилмоқчи эди. Қиз ҳам шуни жуда истайди, Акбарга дуч келиб қолса, бўлажақ келинчақдай уялиб қимтинади. Акбар ҳали муҳаббат тўғрисида ўйламайди. Лекин вақт ўтиши билан у ҳам ўзининг Салимага кўнгли борлигини фаҳмлаб қолиши мумкин. Аммавачча ёки амакваччаларнинг келин-куёв бўлишлари қадимдан бор одат.

Ҳамида бегим ҳозир шуни Байрамхонга айтадиган бўлса, қизиққонли оталиқ оловланиб кетиши аниқ. Икки орада низо чиқса, Акбар аёвсиз кураш гирдобига тортилади-ю, ҳаёти хавф остида қолади.

Йўқ, Ҳамида бегим ёлғиз ўғлини бундай хавфу хатардан узоқроқ тутмоғи керак. Акбарнинг ўзи ҳам қачондан бери Манкот томонларга сафар қилиш орзусида юрарди. Ўғли ҳозир шуни жуда истаб турганини кўрган Ҳамида бегим:

— Майли, Акбаржон, сизни соғиниб қийналсам ҳам, бардош берурмен! — деди. Акбар сафар иштиёқи ва тайёргарлигига берилиб, Байрамхон билан онаси орасида бўлиб ўтган ғалати ва сирли гапларнинг сабабини унча суриштирмади. Лекин у жўнай-диган куни эрталаб онасининг хонайи хосига хайрлашиш учун кирганида, ранги сўлгин, кўзлари йиғидан қизарган Салима бегимни кўриб қолди.

Акбар ярим ёш катта эди ва қизга «сен» деб гапирарди:

— Ҳа, Салима, сенга не бўлди?

Ҳамида бегим қизга «айтма» дегандай лабини тишлаб қаради. Лекин Салима ички тугёнини Акбардан яширолмади:

— Мен ҳам сиздек... Хонбобо деб... бобом ўрнида кўрсам... неваралик одам менга ошиқ бўлганмиш!.. Уйланмоқчи эмиш.

Акбар Байрамхоннинг ўтган куни одатдан ташқари ийманиб айтган сўзларининг маъносини ва шайх Гадоий келишининг сабабини энди тушунди.

— Наҳотки? Йўғ-е! Салима, балки Хонбобо ҳазил қилгандир?..

— Ҳазил эмиш!.. Мана, Хонбобо ўзи менга арзи ҳол қилиб ёзган шеъри...

Икки ёшга изтироб билан тикилиб нима дейишини билмай турган Ҳамида бегим уларнинг бир-бирига қанчалик муносиблигини кўриб, юрагини алам тимдалади. Мўйлаби кўзга ташланиб қолган, дуркун гавдали, жозибали йигит Акбар. Балоғатга етиб, бўлиқ кўкраклари пуштиранг бахмал нимчаси тагидан бўртиб турган хипчабел, нафосатга тўла қиз. Наҳотки уларнинг тақдирлари қўшилмаган бўлса?

Акбар олтин суви югуртирилган ипак қоғоздаги сатрларга кўз югуртирди:

Ҳажрингни хаёл қилмоқ мушкул,
Сендин талаби висол қилмоқ мушкул.
Ҳолимни сенга арз қилсам дейдурмен,
Аммо сенга арзи ҳол қилмоқ мушкул.

Акбар Байрамхоннинг дастхатини танирди. Шеърдаги ростгўйлик, ҳароратли бир қалбнинг дарди ва шоир қаламининг таъсир кучи бир лаҳза уни ўзига ром қилди. Байрамхон ёшлигида Гулранг бегимга ошиқ бўлиб, етишолмаганини Акбар ҳам биларди. Салима онасига жуда ўхшашини у ҳам эшитган эди. Уша эски дард янгиланиб оталигини не чоғлик мушкул аҳволга солиб қўйганини унинг ўзи шеърий сатрларда ростгўйлик билан айтгани Акбарни лол қолдирди.

— Энди не қилурмиз? — деб Акбар онасига қаради.

Шу қийин аснода Ҳамида бегим Ҳумоюннинг руҳига суянди:

— Ҳазрат отангиз ваъда берган эканлар... Ўзингиз эшитдингиз, болам.

Салима бегим йиғлаб гапирди:

— Ҳазрат тоғам тирик бўлганларида, менга раҳм қилмасмидилар? Ахир мен ҳам ҳазрати Бобурнинг невараси эмасменми? Бобомиз ўз қизларини уч хотинлик кекса бекларга бериб хор қилган эмас эдилар-ку! Менга ҳам ўзимга муносиб йигит топилмағайми? Шеър машқ қилиб юриб дилидагини раво айтишга ўрганган Салиманинг бу гаплари Акбарни ларзага солди. Унда ҳам бирдан бобурийларга хос ғурур, иззат-нафс уйғонди.

— Биз ҳали шунчалик ҳимоясиз, нотавон оила бўлиб қолдикми, онажон? Менинг подшолигим қаёқда қолди? Хонбобо тепамизга чиқиб кетмоқда-ку! Унинг катта ўғли Мирзохон ҳозир йигирма беш ёшда! Ун тўққиз ёшлик ёш хотини Нозия бор! Яна Салимага... Соқолини бўяб... Ахир бу...

Акбар билан оталигининг ораси бирдан дарз кетгандай бўлди. Ҳамида бегим бунинг оқибатидан кўрқди:

— Байрамхон сиз учун ота ўрнида-я, Акбаржон! Зинҳор унга қарши гапиришга ўрганманг! Ифвогарлар кўп, дарров етказгай!

— Етказса, етказсин! — деди Акбар. — Кўрқиб хор бўлиб яшагандан, мардона олишиб ўлган яхши!

Ҳамида бегим талпиниб Акбарнинг олдига борди, унинг елкасидан қучди:

— Болажоним, ботирлар авлодидансиз, сизнинг шердил йигит бўлишингизга имоним комил! Фақат ҳали энди ўн олтига кирдингиз. Шошилманг, бир-икки йил куч йиғинг. Ҳеч бўлмаса ўн саккизга киринг, давлатни ўзингиз бошқарадиган бўлинг. Биз буни сабрбардош билан кутгаймиз!

Акбар Салимага савол назари билан қаради. Қиз ҳам кута олармикан? Лекин Салима ихтиёри ўзида эмаслигини биларди. Акбардан ҳимоя сўраш эса хатарли эканини, ёш ўспирин ҳозир Байрамхон билан олишса, ҳалок бўлиб кетиши муқаррарлигини Салима сезиб турарди. У ўзини йиғидан зўрға тутиб:

— Амирзодам, онамиз ҳақлар, — деди. — Мен бахти қора қиз эканмен, етим ўсдим. Энди мени деб бундай бало-қазони бўйнингизга олманг. Мен ҳам тақдиримда борини кўргаймен. Лекин то ўлгунча сизга... Сизни қалбим тўрида сақлағаймен! Хайр! Салима йиғлаганича хонадан чопиб чиқиб кетди.

АГРА

Ҳокимият талотумлари

Акбар Манкотда юрганда Байрамхон уч кун тўй бериб Салима бегимга уйланган эди. Шундан бери икки орада пайдо бўлган дилсиёҳлик тобора кучайиб кетяпти. Турдибек ўлдирилгандан буён Байрамхонни ёмон кўрадиган Моҳим энага хони хононни Акбарга нуқул ёмонлайди:

— Ҳокимият оталиғингизни ҳовлиқтириб қўйди! Хони хонон илгари бундақа эмас эди. Ҳозир унвонига ҳам қаноат қилмай, ўзи подшо бўлмоқчи эмиш! Салима бегимдан ўғил кўрса, «бу ҳам Бобур авлодидан» деб, ўзиникини тахтга чиқармоқчи-да! Сизни четлатмоқчи оталиғингиз, амирзодам, эҳтиёт бўлинг!

Акбар Байрамхоннинг бунчаликка боришига ишонмаса ҳам, аммо энди ундан жуда эҳтиёт бўлиб юрар, дилида оталиғига қарши норозиликлар тобора кўпайиб борар, бу туйғулар ҳаммаси бир кун эмас, бир кун оловланиб, портлаб кетиши мумкинлигини сезар эди.

Байрамхон Салима бегимга уйланганига, мана, икки йил бўлди, аммо ҳалигача ундан фарзанд кўргани йўқ. Саройда бўлаётган миш-мишларни Акбар кўкалдоши Адҳамдан эшитди:

— Салима бегим Байрамхондан фарзанд кўришни истамас эмиш. «Мени ўз ҳолимга қўйинг, Нозия биби сизга мунтазир, боринг», деб эшикни ичидан қулфлаб олармиш. Байрамхон зўравонлик қилишга журъат этмасмиш. Салима бегим ўзини бир нарса қилиб қўйишидан кўрқармиш! Кекса одам, кўрпасига қараб оёқ узатса бўлмасмиди?!

Акбар саройда Байрамхонни кўрганда унинг нимадандир эзилиб, ич-этини еб юрганини сезарди. Хуфялар ҳар хил иғволарни унинг қулоғига ҳам етказиб борсалар керак. Байрамхон бир кун Акбарни холи топиб, янги ёзган ғазалидан бир неча байтини ўқиб берди:

Ҳар сўзки ғаразгў деса, эй ёр, инонма,
Арбоби ғараз сўзига зинҳор инонма.
Ҳар дам санга юз сўз мени маҳрумдин айтиб,
Ҳар сўзда анинг юз ғарази бор, инонма.
Ҳар неча жафо кўрса, вафо тарки қилурму
Байрамки, билур ўзни вафодор, инонма.

Акбар оталиғининг бу ҳароратли байтлар билан нима демоқчи эканини тушунди. — Хонбобо, мен ҳам, жафо кўрсам-да, ҳали тарки вафо қилган эмасмен, — деди. — Лекин... Подшо деган номим бор. Одамлар менга ҳам арзу дод қилурлар.

— Сизга не хусусда арз қилмоқдалар, амирзодам?

— Шайх Гадоий садрлар судури бўлмоқчи эмиш. У одам шиа мазҳабидан. Саройдаги кўпчилик беку аъёнлар эса суннийлар. Суннийпараст руҳонийлар ҳам дод-фарёд кўтаргай.

— Амирзодам, сиз нечун бу дод-фарёдларга қулоқ солмоқдасиз? Ахир бу суннийпарастлар мудом торлик қилурлар! Ҳиндистон эса жуда кенг мамлакат. Кўпчилик халқи — ғайридин. Шерхон шуни ҳисобга олиб, ҳиндларга бағри кенглик қилди, кўп зафарларга эришди. Мен ҳам ҳозир давлат идораларига энг истеъдодли ҳиндларни ишга олмоқдамен. Тодор Мал деган бир ҳинди ҳисоб-китоб ишига беҳад уста. Узи оддий халқ орасидан чиққан камбағал йигит. Солиқ ишларини яхши йўлга қўймоқда. Суннийпарастларингизнинг бошлиғи Шайхулислом Ансорий шу ҳиндини саройда кўриб қолиб; «Бу маъжусийни ким олий даргоҳга киритди?» деб жанжал кўтарди. Шунда шайх Гадоий менинг тарафимни олди. Бу шайх Ҳиндистонда туғилиб ўсган, ерли халқнинг тилини ҳам, динини ҳам, урф-одатини ҳам яхши билур. Узи адолатли, раҳмдил одам...

Акбарнинг дилидан эса: «Бу шайх шунчалик адолатли-ю, раҳмдил одам бўлса, Салима бегимни макру ҳийла билан отасидан катта қарияга никоҳлаб берармиди?» деган фикр ўтди.

* * *

Шайх Гадоий садрлар судури қилиб тайинлангандан сўнг барча қозиларни янгилади, мачитларнинг вақфларини ҳам суннийпараст руҳонийлардан тортиб олиб, ўзига ёққан бошқа мазҳабдаги шайх ва уламоларга бера бошлади. Шайх Ансорий бошлиқ суннийпарастлар шайх Гадоийга қарши кўзғалдилар. Уларга Байрамхондан норози бўлиб юрган беку аъёнлар қўшилди.

Акбар кимнинг гапига ишонишини билмай, интиҳосиз низолардан тўйиб кетганда Деҳлига, онаси ва энагаси Моҳим бибининг ёнига борарди. Лекин Деҳлида Байрамхонга душман бўлиб қолганлар Аградагидан ҳам кўп. Моҳим энаганинг иниси Шайхобиддин Ҳамида бегимнинг тавсияси билан Деҳли шаҳрига қутвол қилиб тайинланган эди. Бу одам жияни Адҳамхон орқали Пирмуҳаммад атка билан тил бириктирган, ҳаммалари

бирлашиб, Байрамхон билан шайх Гадоини юксак лавозимларидан четлатиш фикрига тушган. Лекин Акбар уларнинг гапига кирса, ички уруш бошланиши ва қон тўкилиши мумкинлигини билади, ўз атрофидаги беклардан ҳеч бири бу улкан давлатни Байрамхончалик уддалаб бошқара олмаслигини сезади. Шунинг учун у Деҳлидаги зиддиятлардан ҳам ўзини четга олиб, яна Аграга қайтади. Бундан бир ойча бурун Акбар Аградаги Зарафшон боғининг тиллакори шийпонида ўтирганида Пирмуҳаммад атка ҳовлиқиб келди:

— Амирзодам, сиз ҳоқимиятни ўз илкингишга олмоғингиз керак! — деди. — Аградаги Қиличхон Андижоний, Калпидаги Алиқулихон ўзбеклар ҳам сизга содиқ. Шайх Ансорий фатво беришга тайёр. Кўпчилик дин аҳлининг шайх Гадоини кўрага кўзи йўқ.

Бу гапларга шийпон орқасидаги дарахтлар панасида туриб гўё гулларнинг тагини чуқалаб юмшатаётган серсоқол боғбон зимдан қулоқ солмоқда эди. Кобулда Саид Халил қилтомоқ бўлиб ўлиб кетгандан сўнг Комрон билан Бҳаккарга қочган Афзалбек шу эди. Комрон Ҳумоюн билан ярашганда Афзалбек жазодан қочиб, Панжобга келди. Исломошох хизматида ўтиш учун ўзига Муборизхон деган афғонча янги ном қўйди. Бобурийларга оид кўп сирларни Исломошохга айтиб бериб, беш-олти йил унинг хизматида юрган Афзалбек ҳоқимият яна ўзгарганда Байрамхон ҳузурига келди.

Байрамхон уни аввал Афзалбек бўлиб юрган пайтларида танимас, бирда ярим кўрган бўлса ҳам унутиб юборган эди. Муборизхон — Афзалбек — ўзи ҳам йигирма йилдан бери жуда ўзгариб кетган, узун мошғурч соқолли кекса одамга айланган, лекин хуфялик ишида маҳорати янада ошган эди. Шунинг учун Байрамхон уни Зарафшон боғига боғбон тайинлаган, айни вақтда, Акбарни йўлдан урмоқчи бўлган беку аъёнларнинг сўзларидан оталиқни огоҳ қилиб турувчи хуфя қилиб қўйган эди. Муборизхон ҳозир қулоғини динг қилиб, Акбарнинг жавобини кутди.

— Оталиғим бизга кўп яхшилиқлар қилган, — деди Акбар. — Мен унинг юзига оёқ қўялмагаймен!

— Аммо оталиғингиз сизга шунча ёмонлиқлар қилса, майлими? Салима бегим унинг даргоҳида бебахт... Нажотни ҳамон сиздан кутмоқда! Деҳлида отангизга улкан мақбара қурмоқчи эдингиз. Қурилиш ҳалигача бошлангани йўқ. Оталиғингиз каттароқ маблағ бермайдир!

— Ҳатто шахсий харажатларимга ҳам пулни кам бериб, мени жуда қисиб қўйганлиги рост! — деди Акбар алам билан.

— Қачонгача бу бедодликка чидагайсиз, амирзодам? Ахир сиз подшосиз! Хазина — сизники, барча вилоятларда сизнинг номингиз хутбага қўшиб ўқилмоқда. Аммо хазинага сизнинг муҳрингиз билан қоғоз олиб борилса, пул берилмайдир. «Фақат вакили салтанат Байрамхоннинг имзоси-ю, ижозати билан пул берилсин» деган фармон бор. Хазиначи бу фармонни бузса, жазо олгай! Ахир бу адолатсизлик эмасми? Бу фармонни қачон бекор қилурсиз? Ҳамма жойда сизнинг муҳрингиз билан иш олиб борилмоғи керак-ку! Буюринг, содиқ беку аъёнларингиз буни жорий этсинлар!

Пирмуҳаммад айтган бу ишни жорий этиш — давлат тўнтариши ясашдай мушкул ва хатарли эди. Байрамхоннинг феъли маълум. Атрофидагилар ҳеч балодан қайтмайдиган шафқатсиз одамлар. Улар Турдибекни чодирда қандай ўлдирганлари Акбарнинг кўз олдига келди. Узоқ жимликдан сўнг Акбар:

— Ҳали шошмайлик, — деди. — Мен ўйлаб кўрмоғим керак.

* * *

Уша куни кечаси Муборизхон — Афзалбек бу гапларни оқизмай-томизмай Ҳашт Биҳишт боғидаги Байрамхонга етказиб борди. Байрамхон аввал бир оловланди, кейин мулоҳаза қилиб кўриб, Акбарнинг вазминлигига тан берди. У оталиғига Салима бегим ҳақида ҳам ҳалигача бирор оғиз сўз айтгани йўқ. Салима бегим Акбарга қариндош, кўришиб, гаплашман деса, ҳеч ким таъқиқлай олмайди. Лекин икки орадаги ишқалликни баттар кўзгамаслик учун Акбар Байрамхоннинг ҳарамидаги аммавачасидан атайлаб ўзини узоқ олиб юрибди. Байрамхон гоҳо бу йигитдаги бардошга ҳайрон қолади. «Қонидан бор, шекилли-да», деб ўйлайди. Бобур ҳам шу ёшда термизлик Боқи Чағониёнийнинг аввалги яхшилигини унутолмай, унинг қанча гуноҳларини кечиргани, Ҳумоюн ўз инилари билан муносабатда қанчалик бардошли бўлгани Байрамхоннинг хаёлидан ўтади.

Аммо Акбарни Байрамхонга қарши кўзғатмоқчи бўлган Пирмуҳаммад атка жазосини олмоғи керак!

Эртаси куни Байрамхон уни девони хосга чақиртирди. Нозирул мулк Пирмуҳаммад эрталабдан Байрамхоннинг авзойи ёмонлигини одамлардан эшитган ва ўзини касалга солиб, уйига бориб ётган эди. Унинг касали ёлғонлигини фош қилиш учун Байрамхон уч-тўртта яқин мулозимлари билан отланиб тўғри Пирмуҳаммаднинг уйига йўл олди. Ҳовли дарвозаси олдида турган қоровул:

— Берухсат киргизманг деб буюрган эдилар, — деди-да, дарвозани очмади. — Мен ҳозир ичкарига кириб рухсат сўраб чиқгаймен!

Қоровул Байрамхонни танимаслиги мумкин эмас эди. Давлат бошлиғини бекик дар-воза олдида кутдириб қўйиш Байрамхон билан бирга келган шайх Гадои ва Шоҳқули маҳрам томонидан учига чиққан одобсизлик деб баҳоланди. Байрамхон қоровулнинг қайтиб чиқишини кутиб турмасдан отининг жилловини орқага бурди. Саройга қайтгач, Валибек унинг номидан Пирмуҳаммадга қисқа бир хат ёзиб юборди:

«Сен жаноби хони хононнинг ҳузурига келганингда юпун зийинган бир муллоча эдинг. Хони хононнинг тавсияси билан атка бўлдинг. Бу улуғ хот сени нозирул мулук лавозимига кўтардилар. Энди сен бунинг ҳаммасини унутдингми? Билиб қўй, бизнинг қаршимизда сенинг бир пиёла сувчалик ҳолинг бор, вакили салтанат чимчилоғи билан бир урсалар тўкилиб, сочилиб кетгайсен. Агар жонингдан умидинг бўлса, тезроқ ақлинг-ни йиғиб, тавба қилгани келгайсен!»

Пирмуҳаммад хат келтирган кишига «эртага эрталаб боргаймен» деб жавоб берди. Кечки пайт Акбарнинг номига мактуб ёзиб, воқеани баён қилди:

«Амирзодам, боғда сўзлашган гапларимизни кимдир оталиғингизга етказганга ўхшайди. Мен қочмасам, қасд олғайлар. Валибек ёзган хатни ўқиб кўринг. Муҳрларни хони хононга қайтариб юбормоқдамен. Менинг лавозимим унинг одамларидан яна бир-рортасига керак, чамаси. Аммо Сизга ҳамisha содиқмен, қачон чорласангиз, ҳузурингизга етиб келгаймен». Пирмуҳаммаднинг нозирликдан ташқари, панжҳазора¹ деган ҳарбий унвони ва беш минг навқари бор эди. Кечаси қоронғида у энг содиқ кишиларидан мингтачасини йиғди-ю, Аградан яшириқча чиқиб, Гужарат томонга қочди.

Бу орада Байрамхоннинг яқинлари уни оталиққа қарши фитнада айблаб, ҳибс қилиш ҳақидаги буйруққа қўл қўйдиран эдилар. Тун ярмидан ошганда қамаш учун келган одамлар уни тополмадилар, сўнг молу мулкани мусодара қилдилар. Ўзи топилмагани учун оила аъзоларини Биана қалъасига элтиб ҳибс қилдилар.

Байрамхоннинг ёнида катта лавозимга кўз тикиб юрганлардан бири эронлик Ҳожи Муҳаммад Сейистоний эди. Икки кун ўтмасдан Байрамхон бу одамни Пирмуҳаммаднинг ўрнига ички ишлар нозирини² қилиб тайин этди.

Акбар Пирмуҳаммаднинг оила аъзолари, жумладан, хотини Ҳакима биби ҳибсга олинганини эшитиб, Байрамхоннинг ҳузурига кирди.

— Хонбобо, Ҳакима биби ҳам менга оқ сут берган энага! Унда айб йўқ! Менга инонинг! — деди.

— Аммо сиз ўзингиз менга инонасизми, амирзодам? Пирмуҳаммад мени давлат тепасидан ағдармоқчи бўлди. Хотини бу ишда унга ҳамкор. Шунинг учун ҳибс қилинди. Бунга инонмасангиз, демак, менга инонмайсиз!

— Энагам менга онам ўрнида. Икковингизга ҳам инониб ўрганганмен!

— Аммо ҳоқимиятнинг барча тизгинларини битта одам ўз илкида тутиб турмаса, давлатни бошқариб бўлмагай, амирзодам! Сиз ҳали бу минг ғилдираклик улкан аравани бошқариш қанчалик қийинлигини тасаввур этолмайсиз. Ҳоқимият ўзи нима? Соддароқ қилиб айтганда, минглаб асов отлар қўшилган улкан арава! Минг ғилдирак ҳаммаси тинимсиз ҳаракатда, минг отнинг тизгинларини кимдир тўғри йўлга солиб турмоғи лозим. Сал беҳабар қолсангиз, отларнинг бир қисми аравани бошқа ёққа олиб қочиб кетгай, ботқоққа ботқизиб қўйгай, ҳатто жарга ағдаргай. Орага бошқа одамлар суқулса, тизгинларнинг бир қисмини бу ёққа бурса, бир қисмини бу ёққа бурса, арава сарсон бўлиб, жарга қулаб тушмагайми?

Байрамхон Акбарнинг кўзларига синовчан назар билан тикилди:

— Агар сиз шу минг ғилдиракли аравани мендан яхшироқ бошқаргаймен, десангиз, агар минглаб асов отларнинг тизгинларини илкингизда мендан яхшироқ тутиб тура олсангиз, марҳамат, мен ҳаммасини сизга топширгаймен! Давлат ишлари мени беҳад чарчатди. Бир умрга етадиган мол-мулким бор. Бошқа не керак? Дам олай, ашъор ёзай. Жангу жадалларда қонлар тўкиб гуноҳлар қилганмен. Шу гуноҳлардан покланмоқ учун ҳажга бориб келай. Олинг, барча тизгинларни, ҳоқимиятни ўзингиз бошқаринг!

Акбар оталиғи айтган баҳайбат аравани ва унга қўшилган минглаб асов отларни ўзича тасаввур этди-ю, эти жунжиқди. У аравани оталиғидан яхшироқ ҳайдашга у ҳали тайёр эмас эди. Мабодо, таваккал қилиб: «Беринг жилловни!» деса, Пирмуҳаммад аткаси каби қувғинга учраши ҳеч гап эмас. Чунки Байрамхон давлат тепасидан кетса, унга суяниб турган шайх Гадои, Ҳожи Муҳаммад Сейистоний, Валибек, Шоҳқулибек каби ўнлаб яқинлари барча лавозимлари-ю, имтиёзларидан ажралиши муқаррар. Шунинг учун Байрамхон истаса-истамаса, унинг атрофидагилар давлат тепасига бошқа одамни келтирмасликка интилади. Мабодо, Акбар келадиган бўлса, уни аравадан ағдариб ташлайди-ю, бошқа итоаткорроқ, ёшроқ бобурийзодани хўжа кўрсинга подшо қилиб кўтаради.

Байрамхоннинг кўзлари тагига яширинган киноя ҳам; «Қани, ҳоқимият талашиб кўр-чи, не аҳволга тушаркинсен!» деяётганга ўхшарди.

Яқиндагина онаси Акбарга Деҳлидан махфий хат ёзиб, уни огоҳлантирган эди: «Агар сиз оталиғингизга қарши бош кўтарсангиз, Байрамхоннинг тарафдорлари сизни

¹ Беш минг боши дегани. Генерал унвонига тўғри келади.

² Нозир — министр.

қувиб, ўрнингизга Комрон мирзонинг ўғли Абулқосимни тахтга чиқармоқчи эмиш. Ахир унинг отаси ҳам подшо бўлган-ку! Тинч юринг, Акбаржон. Агар Деҳлига келсангиз, Абулқосимни бирга олиб жўнанг. Бу мактубни ёндириг. Сизни соғинган онангиз».

Абулқосим ҳали ўн икки ёшга тўлмаган ўспирин. Байрамхон унга яна беш-ўн йил оталиқ бўлиши мумкин. Унгача Салима бегим ўғил туғиб берар...

Акбар оталиқ билан бу ҳақда бошқа баҳслашиб ўтирмади-ю, таъби тирриқ бўлиб, саройдан чиқди ва филхона томонга бурилди. Бу ердан маст филнинг наъраси эшитилмоқда эди. Филбонлар бошлиғи Лаъл Чанд олтамиш ёшларга бориб, анча қариб қолган, бугун уйга кетган, унинг ўрнида йигирма ёшли ўғли Бҳишан Чанд ишлаб турар эди.

Жангларда олдинги сафда борадиган Фавждор¹ исмли улкан фил занжирни узгудай бўлиб силкинади ва шовқин солади. Акбар унинг маст бўлганини сезди. Бҳишан Чанд Фавждорнинг емишига мастликни тарқатадиган дори гиёҳдан қўшиб берди. Аммо фил бу гиёҳнинг ҳидини ёмон кўрарди, емишга қарамади. Шундан сўнг маҳават фил чанқаганда ичадиган сувга ширинлик билан ўша дори гиёҳдан аралаштирди-ю, ёғоч челақка солиб, филнинг олдига олиб борди. Аммо филбон унга иккинчи марта ёмон кўрган гиёҳни олиб келгани учун Фавждорнинг ғазаби қўзиди. Мастлигида эгасини ҳам аямайдиган Фавждор хартому билан филбон кўтариб келган челақни шундай қаттиқ урдики, челақ бир томонга учиб кетди, Бҳишан Чанд иккинчи томонга сирғалиб йиқилди. Челақдаги ширин сув ерга тўкилиб, филбоннинг устига сачради. Бҳишан Чанд филнинг оёғи тагида қолишдан қўрқиб, четга эмаклаб қочди.

Акбар Фавждорнинг занжирдан бўшамоқчи бўлиб талпинаётганини, ўрмонда, дарё бўйида эркин юрган пайтларини қўмсаётганини сезди. Унинг ўзи ҳам ҳозир саройдаги зиддиятлар занжирдан қутулишни истарди. Бҳишанга қараб:

— Мен Фавждорни миниб сайр қилиб келсам-чи? — деди.

— Йўқ, йўқ, амирзодам! Бунга яқин борманг! Фавждор жангларда одам ўлдириб ўрганган шафқатсиз фил! Бўшатсак, сизни йиқитиб, босиб кетгай! Мен сизга сайр учун бошқа фил бергаймен.

Аммо Акбар ҳозир маст филни мингиси келар, ўткир хавф-хатар туйғуси билан қалбидаги дилсиёҳликлар ғуборини тарқатмоқни истар эди. Шунинг учун Бҳишан Чанднинг гапига қулоқ солмай, Фавждорнинг орқа томонига ўтди. Фил орқа оёғидан занжирбанд қилинган, териси қалин бўлса ҳам, ҳадеб силтанавергач, оёғи анча шилинган эди. Бунинг ачиши уни баттар хуружга келтирмоқда эди. Акбар, қўлида темир таёқча билан, филнинг номини айтиб, унга иложи борича мулоим гапириб яқинлашди. Акбар илгари Фавждорга уч-тўрт марта минган, унга хуштаъм емишлар берган эди. Ҳозир шу филнинг эсига тушди. Акбар занжирни ечгач, фил анча енгиллик сезиб, унга томон ўгирилди. Акбар яқин бориб, унинг устундай оёқларини силаб-сийпади.

— Қани, Фавждор, оёғингни бер! Билле²! Фавждор!

Фавждор наъра тортиб норозилик билдирса ҳам, ниҳоят ўнг оёғини букиб, Акбарнинг юқори чиқишига имкон берди. Акбар тиззаларини филнинг қулоқлари тегига тиқиб, унинг гардани яқинига маҳкам ўтириб олгач:

— Юр! — деб буйруқ берди.— Мел³! Юр!

Фавждор бусиз ҳам филхонадан ташқарига отилиб чиқди. Доим кўзга ташланмасликка тиришиб, Акбарни қўриқлаб юрадиган икки девқомат йигит унинг ҳаёти учун жавобгар эдилар. Акбар минган фил наъра тортиб лўкиллаганича дарё бўйидаги қалин дарахтзорга қараб чопиб кетди. Қўриқчилар отланиб унинг кетидан тушдилар. Акбар қўлидаги темир таёқча билан филнинг гарданига уриб, уни йўлга солмоқчи бўлиб кўрди. Лекин Фавждор энди унга итоат этмас эди. Йўлида учраган буталарни босиб, янчиб, дарахтларнинг шоҳларини қарсиллатиб синдириб ўтаётганда Акбар унинг боши устига эгилиб, қулоқларига қўллари билан ёпишар, шундай қилмаса, шоҳларга илиниб, ерга чалпак бўлиб йиқилишини сезар эди.

Отлиқлар дарахтзор орасидан ўтолмай қолиб кетди. Бир вақт Фавждор дарё бўйидан чиқди. Хут ойи, Жамнада сув озайиб, ўрталарида қумлоқ оролчалар пайдо бўлиб қолган. Маст фил ўзини дарёга ташлади. Унинг устида ўлтирган Акбар шу филнинг ўзидай улкан хатарни ҳис қилган сари қалбида ҳаёт-мамот туйғуси кучайиб боради. Уни қийнаган сарой зиддиятлари хаёлидан узоқлашиб кетди. Дарё суви юзига, қўлларига алланечук ёқилган тегди. У оғзининг тахир бўлиб кетганини, лаблари қуруқшаб, тили оғзида яхши айланмай қолганини энди сезди.

Фил бўйнигача сувга ботиб, Жамнанинг қорамтир сувида суза бошлади. Акбарнинг оёқлари, шоҳона этиги сув ичида кўринмай кетди. Дарё салқинлиги уни анча ўзига келтирди. Бир қўлини сувга солди-да, чайқаб, кафтида сув олиб ичди. Шу пайт орқадан Лакна деган филни миниб Бҳишан Чанд етиб келди ва Акбарнинг кетидан дарёга тушди. Фавждор яхши сузар эди, кўп ўтмай дарё ўртасидаги четлари қумлоқ, ўртаси дарахтзор

¹ Фавж — аскарый қисм, бўлинма. Филлар галаси. Фавждор — гала бошлиғи, уюри.

² Билле — оёғингни кўтар.

³ Мел — юр.

оролга етиб борди. Аммо қирғоққа чиққиси келмай, саёзроқ жойда тўхтади-да, хартумига сув олиб, сағрисига сепа бошлади.

Бу орада Лакна билан Бҳишан уларга етиб олишди. Лакна — мода фил эди, ҳозир унинг осуда, вазмин, ҳомиладорлик даври. Бултур Фавждор у билан кўп ўйнашган ва иккови қўшилишган эди. Яна икки йилдан сўнг¹ туғиладиган бўлажак филчанинг отаси Фавждор эди. Шунинг учун Бҳишан Фавждорнинг хуружини босишда Лакна ёрдам берар деган умид билан шу мода филни миниб, Акбарга ёрдамга шошилган эди. Филлар ҳўл хуртумларини бир-бирига яқинлаштириб искашди. Фавждор яна бир бўкириб қўйди, аммо товуши аввалгидай ғазабнок ва баланд эмас. Жинниларча югуриш, айниқса, салқин дарё бўйлаб сузиш унинг мастлигини бир қадар босган эди.

Бҳишан «подшога бирон шикаст етса, мен балога қолурмен» деб қўрқиб ранги оппоқ оқариб кетган эди. Акбар ҳам ўзининг қўллари титраётганини энди сезди. Бҳишаннинг ранги ўзгариб кетганини кўриб:

— Сиз мунча қўрқингиз, соҳиб? — деб кулди.

— Аҳволингиз жуда қўрқинчли эди-да, амирзодам! Кришна² сизни паноҳида асрасин!»

— Мен ҳазрати Сулаймондан³ мадад сўрадим. Хайриятки, икковимизнинг илтижомиз ҳам ижобат бўлди.

Акбарнинг бу сўзларидан Бҳишаннинг юзига қон югуриб, кўзлари мамнун чақнаб кетди. Акбар уни ўзига яқин олиб «икковимиз» дегани беҳад ёқимли эди. Жангларда одам ўлдириб ўрганган даҳшатли маст филни бугун Акбар каби миниб, ўрмону дарёларни оралаб чопишга анча-мунча маҳават журъат этмаган бўларди. Бҳишаннинг кўзи олдида Акбар Рамадай⁴ довурак йигит, айни вақтда, оддий бир филбон — маҳават бўлиб кўринди. Акбар шу ҳар икки жиҳати билан бу меҳнаткаш ҳинд йигитининг дилига беҳад яқин туюлди.

Икки йигит дарё ўртасидаги оролчада анча вақт қолиб кетдилар. Кечки пайт қоринлари очиб, дарёдан қайта сузиб ўтдилар-да, қирғоққа чиқдилар. Фавждор анча босилиб, гапга қирадиган бўлиб қолди. Акбар уни филхонага киргизиб юборди-ю, кунни бўйи безовта бўлиб уни кутиб турган жиловдори ва қўриқчи йигитларига от келтиришни буюрди.

* * *

Кийимларига лой теккан, юзи тирналган, аммо кўнглининг чигалини ёзиб, руҳи тиниқлашган Акбар саройга отлиқ қайтар экан, қалъа дарвозаси яқинида ичкаридан отлиқ чиқиб келаётган Байрамхонга дуч келиб қолди. Акбарнинг бугунги саргузашти аллақачон оталиқнинг қулоғига етиб борган, чамаси, Байрамхон отининг жиловини тортиб, Акбарга тегишди:

— Амирзодам, бугун яна маҳаватлик қилибсиз-да!

Байрамхоннинг ёнида саман отини гижинглатиб турган узун мўйловли Шоҳқулибек ҳомийсининг ҳазилини маъқуллаб кулди-да:

— Балки амирзодам яна фил уриштирмоқчидирлар? — деди.

Унинг отдан тушмай шундай такаббуруна гап отиши Акбарнинг иззат-нафсига тегди. Чунки саройда қабул қилинган одат бўйича, мулозимнинг подшога от устида туриб гапириши одобсизлик саналарди.

— Жаноб Шоҳқулибек, — деди Акбар қовоғини уйиб, — сиз мен билан фил уриштирадиган даражага етиб қолдингизми?

Байрамхоннинг олдида Акбар илгари унинг мулозимларига бундай кескин жавоб бермас эди. Лекин бугун Акбарнинг ўзига ишончи ошган пайтда оталиқнинг атрофидаги одамлар одобсизлик қилса, аламини ичига ютиб кетавергиси келмади.

— Маст фил асабингизни чарчатган бўлса керак, — деди Байрамхон уни босиқ бўлишга ундаган каби. — Лекин, амирзодам, сизда филларни ўзига ром қиладиган ажиб бир меҳригиё бор. Манкотда ўн тўрт ёшда фил урушига қатнашганингиз ҳеч ёдимдан чиқмайдир.

— Уша олишув дуранг бўлган эди-я! — деди Валибек. — Амирзодам, орадан тўрт йил ўтди. Мана, баҳодир йигит бўлдингиз. Энди фил билан майдонга тушсангиз, энгиз чиқшингиз шубҳасиз!

Бу мулозим ҳам отдан тушмай гап қотгани, Байрамхон эса уларнинг одобсизлигини сезмаётгани Акбарнинг нафсониятига янада қаттиқроқ тегди. Ҳолбуки, қаршисида турганларнинг ҳеч бири маст филга журъат қилиб яқин бора олмайди. Акбар ҳеч бўлмаса шу нуқтада ўзининг оталиғидан устун эканини кўрсатиб қўйгиси, унинг атрофидаги кеккайган мулозимларининг ҳам адабини бергиси келди. Байрамхонга юзланиб:

— Жаноби вакили салтанат рози бўлсалар, биз фил билан майдонга тушишга тайёрмиз! — деди.

¹ Филлар ўз ҳомиласини уч йил кўтариб юриб, кейин туғади.

² Кришна — ҳинд худоларидан бири. Филлар ҳомийси.

³ Ривоятларга кўра, ҳазрати Сулаймон — барча ёввойи ҳайвонлар ҳомийси бўлган.

⁴ Рама — «Рамаёна» номли машҳур дoston қахрамони.

У Байрамхоннинг «йўқ, подшолар бундай хатарли жангда ўзлари майдонга тушмасликлари керак» деб эътироз қилишини кутди. Аммо Байрамхон кулимсираб:

— Сиз энди йигит бўлдингиз, розилик бермай иложимиз йўқ,— деди.

Шоҳқули маҳрам яна гап қўшди:

— Жаноби вакил, Зўравор деган буюк филингиз куч йиғиб ётибдир, Гулмуҳаммад маҳават билан ўшани майдонга туширинг, — деб маслаҳат берди.

Байрамхон бу маслаҳатни дарҳол қабул қилгани ҳам Акбарни хиёл ҳайратга солди. Чунки Зўравор деган фил жангдаги шафқатсизлиги билан донг чиқарган эди. Панипат жангида уни ўша Гулмуҳаммад деган филбон минганда Зўравор душман отлиқларини хартумига ўраб отган, пиёдаларни оёғи билан янчган, бунинг ҳаммасини Байрамхон ҳам кўрган эди. Илгари ҳатто чавгон ўйинини шаҳзода учун ножойиз деб гапирадиган ва Акбарни бундай хатарлардан эҳтиёт қилиб юрган оталиғи наҳотки энди уни Зўравордай одамкуш фил билан уриштириб қўйиб, ўзи жим тамошо қилиб ўтирса?

— Демак, сиздан Зўравор майдонга чиқиши аниқми? — қайтариб сўради Акбар.

— Аниқ,— деди Байрамхон.— Анчадан бери фил жангини кўрганимиз йўқ. Амирзодам, сиз ҳам энг зўр филингизни майдонга олиб чиқинг... Ғалабангизни ўзим бир кўрай.

Байрамхон «ғалабангиз» деган сўзни киноя билан айтганини Акбар сезди. Демак, оталиқ фил жангида ғолиб чиқишига ишонади. Бошқалар ҳам «Аграда ҳозир Зўраворни енгадиган фил йўқ» деб ўйлашади. Аммо Акбар филни улардан яхшироқ билади. Бугун у минган Фавждор кучи ошиб-тошганидан маст бўлгани маълум. Бироқ ота-боладай иноқ бўлган Акбар билан Байрамхон энди очиқчасига рақибга айланиб фил уриштиришса, оқибати қандоқ бўларкин?

Ҳиндистонда азалдан ҳоқимият талашувчиларнинг фил уриштириши рамзий маънога эга. Рақиб ҳукмдорлар энг зўр полвонларини ўртага тушириб кураш олдириши, қайси томоннинг полвони енгса, ўша томон ғолиб саналиши ривоятларда ҳам бор. Ҳиндистонда шу полвонлар ўрнига энг зўр филларни минган филбонлар майдонга чиқиб олишади.

— Сиз шуни истайсизми, жаноби вакили салтанат? — деб қайтариб сўради Акбар.

Илгари «Хонбобо» деб мулоим гапирадиган Акбар энди довталаб бўлаётган каби шиддатли оҳанг билан «жаноби вакили салтанат» дейиши Байрамхоннинг ҳам иззатнафсини кўзғатди. Подшо йигитча ҳаво бойлаб кетаётганга ўхшайди. Байрамхон Зўраворни ишга солиб, уни кўпчиликнинг олдида бошлаб бир энгиши керак. Мабодо Акбар Зўраворнинг оёғи остида қолиб шикастланса... Байрамхон яши кўрган шогирдига ачинади, куйинади. Лекин начора? Ҳаёт, муҳит Акбарни унга рақиб қилиб қўйди. Нарёқда Моҳим энага, Ҳамида бегим, Пирмуҳаммад — ҳаммаси Байрамхонга қарши. Оталиқ буни хуфялар орқали билиб турибди. Акбарнинг дили ўшалар томонда. Бу ҳам оздай, Салима бегим ҳалигача оталиққа кўнгил бермайди. Байрамхон унинг жисмини эгаллаган пайтда ҳам, бегимнинг дили Акбарда эканини сезиб ўртанади. Салима бегим Байрамхондан фарзанд кўришни истамаётгани рост. Бу ҳаммаси қанча гап-сўзларга сабаб бўлмоқда. Байрамхон ҳаммасидан биратўла қутулишни истайди. Шунинг учун у ҳам довталаб бўлиб:

— Майли, амирзодам, майдонга чиқинг! — деди.

Акбар Шоҳқулибек, Валибек, шайх Гадоийларнинг яширин ниятини сезиб турибди. Улар Акбарнинг фил миниб майдонга тушишини ва Зўраворнинг оёғи тагида янчилишини ишташади. Оталиғи эса уларни бу ёмон ниятдан қайтармайди. Нега? Рақобат шу даражага етган бўлса, Акбар нега уларнинг истагига бўйсуниб, майдонга фил миниб кириши керак? Бугун маст фил устида жонини хатарга қўйгани озми?

— Ундай бўлса,— деб Акбар Байрамхонга тикилиб қаради,— биздан Фавждор майдонга чиқгай. Аввал уни маҳават Бҳишан Чанд минсин. Агар йиқилса, кейин мен ўзим миниб киргаймен. Кунини белгиланг!

Акбарнинг маҳавати энгилишига ишонган Байрамхон:

— Индин, чоршанбайи муродбахшда пешин намозидан сўнг! — деди. Аммо кўнглининг бир четини: «Менинг маҳаватим енгилса, қандоқ қиламен?», деган хавотирли ўй чизиб ўтди. Бу мағлубият Байрамхоннинг тақдирини бошқа ёққа буриб юбориши мумкин... Аммо энди жанг куни белгиланди... Қайтиш йўқ!

* * *

Акбар билан Байрамхон иккаласи қарама-қарши томонда туриб фил уриштиришини эшитган беку аъёнлар чоршанба куни Жамна бўйидаги махсус майдонга ёпирилиб келдилар. Филлар уришадиган майдоннинг атрофига томошабинлар учун бехатар жойлар қилинган, орага филлар ўтолмайдиغان бақувват ёғоч тўсиқлар ўрнатилган эди. Майдон пастда. Унинг саҳни яхши кўринадиган баланд жойларга нақшин шийпонлар ўрнатилган. Жануб томондаги шийпонни Байрамхон ўз одамлари билан эгаллади. Шимол томондаги толорда Акбар кўкалдошлари Адҳам, Азиз ва яқин ички беклари билан ўти-

ришибди. Майдоннинг ўнгу сўлида — ёғоч тўсиқ ортида ҳакамлар ва оташдорлар¹ туришибди. Пиёда томошабинлардан ташқари, майдон атрофларида отлиқ турган томошабинлар ҳам анчагина бор — эгар устидан майдон яқинроқ кўринади.

Филбонлар худди ўлимга кетаётган одамлардай яқинларидан рози-ризалик сўраб хайрлашдилар. Акбар жанг олдида махсус ширин ичимлик билан маст қилинган Фавждорни силаб-сийпаб қулоғига шивирлади:

— Кучингни кўрсат, жонивор! Илоҳим энггину, энгилмагин!

Фил нимадандир норозидек наъра тортди, аммо Бҳишан Чандга ўнг оёғини тутиб, елкасига чиқишига ёрдам берди.

Унинг қаршисидан чиққан Зўравор чиндан ҳам жуда баҳайбат фил эди. Икки орадаги тупроқ уюми қулатилгач, Зўравор Фавждорга ташланди. Шунда унинг бўйи икки қарич баланд, гавдаси ҳам шунча улкан эканлиги кўзга ташланди. У Фавждорни тиши билан уриб, уч-тўрт қадам нарига улоқтириб юборди. Бҳишанд Чанд қаттиқ чайқалиб, йиқилишига сал қолди. Аммо Фавждор чаққонроқ эди, рақибининг орқасига айланиб ўтди. Зўравор унга томон ўгирилаётганда биқинига тишлари билан шундай урдик, қоядай зўр Зўравор оғриқдан дармонсизланиб гандираклаб кетди. Бҳишан шу пайтдан фойдаланиб, Фавждорга:

— Че! Унгдан ўт! Че! — деб навбатдаги зарбани қандай беришни ўргатди.

Фавждор рақибининг ўзини ўнглашига имкон бермай, олд оёқларига кўтарилди-ю, уни ўнг томондан бор кучи билан тепди. Филбон Гулмуҳаммад тепиш зарби билан ўрнидан кўзғалиб, Зўраворнинг пешонаси устига оғиб тушди. Шунда Фавждор хартуми билан филбонни бир урди-ю, ерга қулатди.

Маҳаватсиз қолган Зўравор орқага чекинди. Гулмуҳаммад баланд фил устидан ерга чалқанча тушиб, ҳушидан кетди. Фавждор уни босиб, янчиб ташлаши мумкин эди. Шу пайт оташдорлар машъала ёқиб майдонга чопиб кирдилар. Филлар ҳар қанча ғазабнок бўлса ҳам, оловдан кўрқар эдилар. Оташдорлар уларни бир-бирларидан ажратиб, майдон четига чиқишга мажбур қилдилар. Гулмуҳаммаднинг бели синган, боши, қўли қимирлар, аммо ўрнидан тура олмас эди. Хизматкорлар кириб уни кўтариб чиқаётганда Акбарнинг атрофидаги кўкалдош ва беклари:

— Муборак бўлсин, амирзодам!

— Сиз энгдингиз! — дейишди.

Филбони йиқилиб тушган томон ютқизган ҳисобланарди. Байрамхон «ютқизсам оқибати ёмон бўлмай-ку» деган ўй аввалроқ хаёлига келмаганидан энди афсус қилди. Чунки унинг атрофидаги беку аъёнлар бир лаҳза ҳанг-манг бўлиб жим туриб қолдилар. Нарёқдагилар Акбарни табриклаётгани баралла эшитилди. Акбар эса филбонидан миннатдор бўлиб:

— Тасанно, Бҳишан! — дерди. — Бҳишан Чандга бош-оёқ сарупо, бир ҳамён олтин ҳада қилинсин! Ҳали бу ботир маҳаватга жогир ҳам инъом этгаймиз!

Кўпчилликнинг олдида мағлуб бўлганлари Байрамхоннинг ўзидан ҳам кўра, унинг ёнида ўлтирган Валибек, Шоҳқулибек, Шайх Гадоийларга оғир ботди.

— Гирромлик бўлди, жаноби вакил! — деди Шоҳқули маҳрам.

Байрамхон ҳеч қандай гирромлик бўлмаганини ўз кўзи билан кўрган бўлса ҳам, лекин Акбарнинг Гулмуҳаммадга ачинмагани, уни майиб қилган Бҳишан Чандга эса муқофот бергани катта бир адолатсизликдек туюлди. Бҳишанни ўлимга буюриш ҳам ортиқча бир шафқатсизлик бўлишини оталиқ ҳар қалай сизди. Аммо бу филбоннинг адабини бериб қўймаса, Акбар ва унинг тарафдорлари жуда ҳовлиқиб кетадигандек кўринди. Байрамхон ҳали ҳам тожсиз подшо эканини кўрсатиб қўйгиси келди. Филбон Бҳишан Чанд Гулмуҳаммаднинг майиб қилганлиги учун Байрамхон уни ўртачароқ бир жазога — ўн беш дарра уришга буюрди.

Акбардан муқофот олган ғолиб филбоннинг Байрамхон томонидан жазога буюрилиши — икки орадаги зиддиятнинг қанчалик кескин тус олганини ошкор қилиб қўйди. Одамлар Акбарнинг орага тушишини ва оталиғидан шафқат сўрашини кутдилар. Аммо Акбар ҳозир оғиз очса, оталиғига: «Мен подшомен, бу адолатсизлигингиз учун ўзингизни жазога буюришга ҳақлимен!» деб юбориши мумкин эди.

Байрамхоннинг атрофидаги одамлар нақадар шафқатсиз эканини кўра-била бундай гапни айтиш — ёш боланинг ишини қилиш бўлар эди. Улар Акбарни ҳам бир кечада Турдибекка ўхшатиб ўлдириб юбориши ёки Пирмуҳаммад атканинг аҳволига солишлари ҳеч гап эмас. Шунинг учун Акбар ичидагини уларга сездирмай, ўзини босди.

Ота-боболардан ўтган сабр-бардош унга яна иш берди, тишини тишига қўйиб индамади, оталиғига бирон оғиз сўз қотмади. Гўё ҳеч нарсага иши йўқдай Зарафшон боғига қайтиб кетди. Фақат кеч кирганда Бҳишан Чанд ҳам боққа келиб, дарра зарбидан моматалоқ бўлиб кетган елкасини очиб кўрсатганда Акбарнинг ғазаби келди. Интиқом тўла паст товуш билан:

— Улар сизни эмас, мени калтаклашди! — деди. — Бунинг қасоси қайтгусидир! Акбар кечаси билан ухлай олмай тўлғониб, Байрамхонни ҳокимият тепасидан қан-

¹ Оташдор — оловдор дегани. Фил жангини тўхтатиш керак бўлса, оташдор майдонга киради.

дай кетказишни ўйлаб чиқди. Оталиғи унга доим «ёғийни ғафлатда қолдириб, шердай пусиб боришга ўрганинг» — деб таълим берарди.

Акбар ана шу ўғитга амал қилди-ю, дилидаги ниятини Аградаги бирор кишига сездирмади. Унинг учун бехатарроқ жой Деҳли эди. Энг ишонган кишилари ҳам ҳозир ўша ёқда. Акбар Байрамхонни ҳокимиятдан кетказиш ҳақида фармон чиқарганда Аградагилар унинг ўрнига Комроннинг ўғлини кетшо деб эълон қилиши мумкин. Шу сабабли Акбар Абулқосимни Деҳлига олиб кетди.

* * *

Кейинги воқеалар худди дарё тошиб, атрофини сув босгандагидай таҳликали тус олди. Тошқин гоҳо шундай секин бошланадики, қирғоқдан узоқда турган бинолар, боғлоғлиқ моллар тағига аввал озгина лойқа сув ўрмалаб келади. Бироқ сув сатҳи тўхтовсиз кўтарилиб боради. Тошқин уйларга ёпирилиб киради, лойқа сув ичида қолган қантарифлиқ отлар нўхтасини узғудай безовта бўлиб кишнайди. Бир вақт қарасангиз, тошқин авжига чиқиб, деворларни қулатади, одамлар ва молларни оқизади, катта-катта пичан ғарамларини лапанглатиб ўрнидан кўзғатади ва кўтариб олиб кетади.

Наврўз кунлари Байрамхоннинг хуфялари Деҳлидан келтирган илк ахборотлар тошқин сувнинг аввал жимгина ўрмалаб келганига ўхшади. Акбар Кобулдан Мунимхон деган бекини, Бҳирадан Шамсиддин аткани чақиртирибди, Деҳли қутволи Шаҳобиддинга: «Давлатни ўзим бошқармоқчимен, оталиғим истеъфога чиқса, майли» деган маънода мактуб юборибди. Майин ипак қоғозга ёзилган бу мактуб Байрамхонга уйларни босиб йиқитадиган ва одамларни оқизиб кетадиган даҳшатли бир тошқиндай таъсир қилди. «Муҳтарам Байрамхон жанобларига» — деб бошланган биринчи сатрданоқ кучли тўфон Байрамхоннинг «оталиқ, вакили салтанат, хони хонон» деган юксак унвонларини чўктириб юборгандай бўлди.

«Сизнинг бобурийлар хонадонига қирқ йил давомида қилган буюк хизматларингиз оламга машҳурдир. Ҳазрат отам билан биз сизнинг яхшиликларингизни доим муносиб равишда тақдирлашга интилдик, даргоҳимизда энг юксак эъозда бўлдингиз, кўнглингиз тилаган кўп нарсаларга эришдингиз, биз ёш бўлганимиз учун тўрт йилдан бери вакили салтанат лавозимида давлатни бошқардингиз...»

Акбар «бунинг ҳаммаси энди ўтмишга айланди» деган оҳанг билан ёзгани Байрамхонни даҳшатга келтирди. Наҳотки буни Акбар ўзи ёзган бўлса? Моҳим энагами? Ҳамида бегимми? Йўқ, мана, сатрлардан гўё Акбарнинг ўз овози эшитила бошлади, Байрамхон бу овозни таниди:

«Сиз менга давлат ишларидан чарчаганингизни, тинч бир гўшада дам олгингиз борлигини, ҳажга бормоқчи эканлигингизни айтган эдингиз. Энди бу ниятларингизни бемалол амалга оширмоғингиз мумкин. Сиз жаҳонга танилган бадавлат одамсиз, атрофингиздаги манфаатпарастлардан тезроқ ҳалос бўлмоғингиз учун ҳажга боришингиз мақсадга мувофиқдир. Сиз мени қатъиятга ўргатгансиз. Хазина ихтиёрини ҳам қатъиян измимга олдим. Менинг муҳримсиз ҳеч кимга пул берилмагай...»

Байрамхон учун яна бир машъум янгилик — унинг яқинлари Шоҳқули маҳрам, Ҳожи Сейистоний, шайх Гадоий — ҳаммалари Акбар фармони билан ишдан бўшатилгани эди. Пирмуҳаммад эса нозирул мулк вазифасига тикланди, Аграда қўшин билан келиб, Байрамхонни тезроқ ҳажга жўнатиш ҳаракатига тушди. Бундан ғазаби келган Байрамхон Акбарга ёзган жавобида: «Мен ҳаж йўлида ҳалок бўлишни истамаймен! — деди. — Отангиз Қандаҳорда эканида инилари уни ҳажга жўнатмоқчи бўлишганини онангиз Ҳамида бегим яхши эсласалар керак. Сиз ўшанда бешикда эдингиз. Отангиз ҳажга боришнинг ўлим билан тугашини билгани учун ҳатто бешикдаги ёлғиз ўғлини ташлаб, Қазвинга кетган ва ўша ёқларда жон сақлаган эди. Уни ҳажга қувмоқчи бўлганлар оқибатда ўз қилмишларининг жазосини олганлари сизга маълум. Мен сизга меҳримни бердим, фарзандимдан зиёд кўрдим. Оқибат шу бўлдими!»

Байрамхон хатининг охирига аламли бир рубойисини илова қилди:

**Аввал мени ҳимматинга маҳрам қилдинг,
Базминг аро ҳамзабону ҳамдам қилдинг.
Охир яна илтифотни кам қилдинг,
Расвойи тамоми аҳли олам қилдинг».**

* * *

Адҳамхон кўка бу жавобни Деҳлига етказиб борганда Байрамхон Жамна ва Ганга оралиғидаги дуоба¹ йўллари билан Лахўрга қараб кетмоқда эди. Унинг одамлари: «Сиз Лахўрга киришингиз билан барча беку навкарлар Акбарга қарши бош кўтарулар!» деб ишонтирган эдилар. Бироқ Панжобни марказий давлатдан ажратиб олишга Акбар мутлақо йўл қўймоқчи эмас эди. Пирмуҳаммад билан бирга Байрамхоннинг

¹ Дуоба — икки сув оралиғи.

Панжобга борадиган йўлини тўсишга улгуришди. Бҳирандан Шамсиддин атка мингтача одами билан Акбарга келиб кўшилди. Шарқдаги Калпидан келган Алиқулихон, жанубдаги Малвадан чақирилган Баҳодирхонлар ҳам Акбар томонига ўтганлиги маълум бўлди. Байрамхон яккаланиб қолди. «Ҳамма бизга кўшилиб исён қилгай!» деган кароматлар ёлғон чиқди.

Акбарнинг тўрт саркардаси бирлашиб, Байрамхонниқидан уч баробар катта қўшин билан уни таъқиб эта бошлади. Шу орада чопарлар Байрамхонга Акбарнинг яна бир мактубини келтириб беришди.

«Бизнинг саройимиз ҳам, дилимиз ҳам сиз учун ҳамон очиқ,— деб бошланарди Акбарнинг мактуби.— Сиз замонанинг донишманд сиймоси бўлганингиз учун биз сизни Хонбобо деб улуғлар эдик. Уша эҳтиромимиз ҳали ҳам йўқолган эмас. Ота-боладай одамларнинг бир-бири билан жанг қилиб қон тўкишини худо ҳам кечирмагай, тарих ҳам. Очиқ айтай: мен сиз билан уришишни истамаймен. Биринчи бўлиб ўқ отмаслик ҳақида фармон берганмен. Сиздан илтимос, адоват йўлидан қайтинг».

Лекин ҳозир Акбарнинг қўшинига Пирмуҳаммад атка бошчилик қилмоқда. Байрамхон Акбарга ёзган жавобда: «Сиз менга қарши турган тўғонларни очиб юбордингиз, энди бу тошқинни ўзингиз ҳам идора этолмагайсиз! — деди.— Мен Пирмуҳаммад атка қабиларга таслим бўлиб, хор-зорликда ўлгандан кўра жанг майдонида мардона ҳалок бўлишни афзал кўргаймен».

Акбар бу жавобни олгандан сўнг олдинги сафга Пирмуҳаммадни эмас, Шамсиддин аткани кўйди ва «киложи борича урушманг» деб фармон берди. Пхилаур деган жойда Шоҳқули маҳрам бошлиқ қизилбошлар Шамсиддин атканинг қўшинига тўсатдан ҳужум қилди. Шамсиддин атка Акбарнинг буйруғига бўйсуниб, ўқ отмади ва чекинди. Аммо «ёғий мағлуб бўлиб чекинди» деб руҳи кўтарилган Шоҳқули маҳрам ҳужумни янада кучайтирди. Гунакур деган жойда Шамсиддин аткага Пирмуҳаммад ва Алиқулихонлар ўз қўшинлари билан ёрдамга етиб келдилар. Улар Шоҳқулибекни уч томондан қуршаб олиб, қилич билан чопиб ташладилар. Байрамхон бошқа содиқ кишиларини қутқариш учун ёв отлиқларига қарши элликта маст филни жангга солди.

Бироқ бу филларни миниб бораётган филбонлар орасида кекса Лаъл Чанднинг тарбиясини олган, унинг ўғли Бҳишанга дўст бўлган, шу туфайли Акбарга зимдан ён босадиган ҳинд маҳоватлари бор эди. Улар маст филларнинг йўл танламасдан ботқоқлик орқали ҳужумга бораётганини сезсалар ҳам, ўзларини сезмаганга солдилар. Олдинги филлар ботқоққа ботиб юролмаё қолдилар. Орқадагилари бошқа ёққа бурилиб, то ботқоқликни айланиб ўтгунларича Пирмуҳаммад атка ва Алиқулихонлар Валибекни ҳам, Байрамхоннинг бошқа юзлаб беку навкарларини ҳам қириб ташладилар. Байрамхон қолган-қутган озгина одами билан тоғ томонга чекинди ва қоятош устига қурилган Тилвар қалъасига кириб, унинг дарвозасини бекитдирди.

Қассоскор Пирмуҳаммад атка қалъани уч минг қўшин билан ўраб олди. Аграда бошланган сув тошқини гўё шу тоғларгача кўтарилиб келгандай бўлди. Қалъа ночор, захира йўқ, Байрамхоннинг элликтагина одами қолган. Пирмуҳаммад атка бошлиқ қўшин бу қалъага селдай ёпирилиб кириши ва Байрамхонни ҳалок этиши ёки асир олиб, кўлини орқасига боғлаб чиқиши муқаррар эди...

Бу даҳшатли тошқинни бошлаган Акбар уни чиндан идора этолмай қолди, узоқдан туриб, Байрамхонга яна ёрдам қўлини чўзди.

Оқ байроқ кўтарган элчи Акбарнинг қисқагина мактубини қалъага олиб кириб, Байрамхонга топширди. Хатнинг бошидаги: «Хонбобо! — сўзи Байрамхонга масъуд кунларини эслатиб, вужудига нурли бир ҳарорат бергандай бўлди.— Ишонинг, хонадонимизга қилган аввалги яхшиликларингизни мен кейинги дилсиёҳликларнинг барчасидан баланд кўйгаймен. Сизнинг қонингизга ташна қассоскорлар борлиги рост. Менга имкон беринг, сизни уларнинг тажовузидан қутқарай. Не шартингиз бўлса, айтинг, фақат энди адоватни бас қилайлик, бошқа қон тўкилмасин. Бу фармон эмас, балки илтимос!».

Байрамхон Акбар чўзаётган кўлни бу гал қайтаролмади. Акбар уни фақат вақтинча қутқариши ва ҳимоя қилиб туриши мумкин, Байрамхон буни биларди. Аммо лашкар-боши бўлиб олган Пирмуҳаммад атка Байрамхонни йўқ қилмагунча тинчимаслиги аниқ эди. Жавоб хатида Байрамхон Акбарга фақат биттагина илтимосини айтди: «Пирмуҳаммад атка мендан иложи борича узоқда юрсин. Мунимхон холисроқ одам, келиб мени ҳузурингизга олиб бурса, қайтишга розимен».

Орадан икки кун ўтгач, Тилвар қалъасини қамал қилиб ётган қўшин Акбарнинг фармони билан Аграда қайтарилди. Олтмиш ёшар нуроний мўсафид Мунимхон Байрамхонни Тилвардан олиб чиққанда сув тошқини гўё босилган, ҳаммаёқ тинчиб қолган эди.

* * *

Бир вақтлар Ҳумоюннинг Комрон билан ярашган пайтини кўрган Акбар саройга Байрамхон қайтадиган пайтда оёқ тагига чиройли пойандоз тўшатди. Байрамхон шу пойандоз олдида келиб отдан тушди-ю, Акбарнинг тахти кўйилган жойгача юз қадам

масофани қирмизи пойандоз устидан юриб борди. Акбарга яқинлашганда бир тиззасини ерга қўйиб юкунмоқчи бўлди. Шунда Акбар унга пешвоз чиқиб, қўлидан олди-да, ўрнидан турғазди, унга кучоқ очиб:

— Хонбобо! — деди.

Бу қадар илиқ муносабатни кутмаган Байрамхон Акбарни бағрига олиб, юзини унинг елкасига босди-ю, йиғлаб юборди.

— Амирзодам!.. Уша минг отлиқ арава... мени олиб қочиб кетган экан... Кейин билдим...

— Утган ишга саловат! — деди Акбар ва атрофларини ўраб турган беку аъёнларига юзланди.— Жаноблар, бугундан эътиборан оталиғимизнинг хони хонон унвонлари қайта тикланди. Ҳаммангиз хони хонон жанобларини бизнинг маънавий отамиз ўрнида кўриб, муносиб равишда эъзозлагайсизлар!

Эртаси куни шу маънода махсус фармон ёзилиб, барча вилоятларга юборилди. Сўзда Байрамхоннинг аввалги мавқеъи тикланди. Лекин Байрамхоннинг рақиблари Акбарнинг пинжига кириб олишган.

Мавқеъи балад Пирмуҳаммад атка Байрамхон билан яккама-якка дуч келиб қолса, аччиқ киноялар қилади:

— Хони хонон жаноблари бизни бир пиёла сув каби чимчилоқлари билан тўкиб-сочиб юбормоқчи эдилар... Лекин тақдир экан, акси бўлди!..

Байрамхонни ҳокимият ҳовлиқтирган пайтида чиндан катта кетиб айтган гаплари энди уни ўсал қилади-ю, атканинг бу кинояларига дафъатан жавоб тополмайди. Аммо уйга қайтганда, дардини қоғозга тўкиб шеър ёзади:

Байрамхонга баса ғариблик кор этди,
Гурбат ани хору зору бемор этди.
Ё рабки, балоларга гирифтор ўлсун,
Ҳар кимки ани ғамга гирифтор этди.

Душманлари саройда яна унинг устидан кулмоқчи бўлганларида Байрамхон шу ўткир сатрларни уларга гўё найза қилиб отди. Шеърини найза Байрамхонни хор-зор қилиб аламдан чиқаётган Пирмуҳаммад атканинг қулоғига етганда, унинг жони чиқиб кетди:

— Бу — қарғиш-ку! — деди атка ва шеърни яхшилаб кўчиртирди-да, Моҳим энагага элтиб кўрсатди.— Қаранг, биз Байрамхонни амалидан туширганимиз учун ҳаммамизни «балоларга гирифтор бўлинглар» деб қарғабдир!

— Фақат бизни эмас, подшоҳни ҳам қарғаган! — деди Моҳим — Ахир Байрамхонни ҳокимият тепасидан ағдариб ғамгин қилган энг улкан одам Акбаршоҳ эмасмилар?! Шу гаплар таъсирида Акбар билан Байрамхоннинг орасига яна совуқлик тушди.

Байрамхонни ҳажга жўнатиш ҳақидаги гап қайта кўзғалди. Акбар бу гапга на «ҳа», на «йўқ» демас, лекин унинг сукути — ризолик аломати эканини кўпчилик сезарди. Байрамхон фисқу фасодга тўлган саройдан кетмаса бўлмаслигини сезди-ю, одамларига кўч йиғиштиришни буюрди. Жўнашига бир кун қолганда Акбарнинг хонайи хосига кирди.

Акбар унинг ғамгин ва касалманд юзига қараб ўнғайсизланди:

— Наҳотки бизни бутунлай тарк этмоқчи бўлсангиз? Ахир биз... сизнинг кўмагингиздан... яхши маслаҳатингиздан умидвор эдик.

— Маслаҳатгўйларингиз етарлик, амирзодам.

— Аммо бу ҳокимият... сиз айтган минг отлиқ арава... Мени шошириб қўймоқда!.. Уни олишдан ҳам бошқариш мушкул экан...

Акбар энди ёшлиқдагидек самимий гапиргани учун Байрамхон ҳам унга илиқ жавоб берди:

— Ота-боболарингизга умр бўйи азоб берган бу арава ҳали сизнинг бошингизга ҳам кўп кулфатларни солса керак. Маслаҳат шулки, тизгинларни мендан тортиб олдингиз, энди бошқаларга берманг. Мендек одамни ҳовлиқтирган ҳокимият Моҳим энагадек аёл кишини ёки Адҳамхондек йигитчани хато йўлларга олиб кириб кетиши ҳеч гап эмас. Аравани ҳайдайдиган одам унинг устида ўлтирса ҳам, «аравакаш», яъни аравани тортиб борувчи ҳисобланадур. Кечаю кундуз шу минг ғилдиракли аравани ўзингиз тортиб бораётгандек меҳнат қилмасангиз, муродга етолмағайсиз. Ҳамма ишда танафус бўлмоғи мумкин, аммо ҳокимият араваси кечаю кундуз тиминсиз юргай, сал беҳабар қолсангиз, манфаатпарастлар уни бошқа томонга буриб кетгайлар ёки ташқи ғанимлар ғафлат пайтида келиб, тортиб олгайлар.

Акбар Байрамхоннинг сўзларида катта бир ҳақиқат борлигини дил-дилидан сезиб, оғир тин олди ва:

— Бу сўзларингизни ҳам, менга қилган барча яхшилиқларингизни ҳам унутмагаймен, Хонбобо. Мендан не талабингиз бор, буюринг, бажондил адо этай! — деди.

Байрамхон бошини солинтириб бир лаҳза жим қолди. Акбарнинг дил ёриб очик гапиргани унга ҳам энг яширин дардини айтиш имконини берди:

— Сиз ёш бўлсангиз ҳам, ҳозир менга сирдошсиз. Ёшликда берган кўнгили унутилмас бир бало бўлур экан. Кексайганимда ёшлик оловини дилимда қайтадан ёндирмоқчи бўлдим. Лекин бу мумкин эмас экан... Узимни ҳам, Салима бегимни ҳам беҳуда азобларга қўйганимни кейинроқ фаҳмладим. Нозия биби — ўғлим Абдурахимнинг онаси... Менга меҳри яхши... Уни бирга олиб кетгаймен. Салима бегим Аграда қолгай... Менинг душманларим нақадар кўплиги сизга маълум. Агар куним битса... умидим борки, Салима бегимни сиз ҳимоясиз қолдирмасиз... Абдурахимни ҳам панохингизга олгайсиз.

Бўғиқ товуш билан васиятга ўхшатиб айтилган бу сўзлардан Акбарнинг эти жимирлаб кетди:

— Хонбобо, сизни тангрим ўзи асрасин! Мен сизга керагича қўриқчилар бергаймен, сафарингиз бехатар бўлиши учун барча чораларни кўргаймиз. Аммо албатта қайтиб келинг, биз сизни кутгаймиз!

Байрамхон бош чайқади:

— Энди қайтолмасам керак. Қолган умримни шоир бўлиб ўтказмоқчимен. Мен туркман элиданмен. Шу элга қайтсам, зора элдошларим мени ўзларининг шоири деб қабул қилсалар... Шу сабабли... энди... алвидо!

Улар маъюс видолашдилар.

* * *

Бир вақтлар Зарафшон боғида боғбон бўлган Муборизхон (аввалги Афзалбек) Акбар ва Пирмуҳаммаднинг гапларини Байрамхонга етказиб юриб, унинг яқин одамига айланган эди. Бироқ Байрамхон енгилиб, Акбарга энг яқин одам — Адҳамхон ва унинг онаси Моҳим энага бўлиб қолганини кўрган Муборизхон, ҳамон Байрамхоннинг хизматида юрган бўлса ҳам, энди унинг ички сирларини Адҳамхонга етказиб турди ва унинг содиқ хуфясига айланди.

Муборизхон Байрамхоннинг энг ишончли хизматкорлари қаторида сафарга бирга чиқди. Адҳамхон унга Аҳмадбоддан наридаги Патан шаҳрининг қутволи Мусахон Пўлодий билан яширин алоқа боғлашни буюрди. Патан Гужарат подшосига қарар, бу ерда Акбарнинг ҳукми ўтмас эди. Адҳамнинг ошноси Мусахон эса Аграда Байрамхон билан чиқишолмай, порахўрликда айбланиб, тўрт йил бурун Патанга кетиб қолган, аммо Адҳамхон билан ҳалигача мактуб ёзишиб турар эди. Энди Адҳамхон билан Пирмуҳаммад атка Байрамхонни Патанда ўлдириш режасини шу Мусахон билан тил бириктириб туздилар. Муборизхон икки орада махфий воситачи вазифасини ўтади.

Режани бевосита амалга оширадиган қотиллар — бундан беш йил олдин Сирхиндаги жангда буйруқни бажармагани учун Байрамхон томонидан қатл этдирилган Музаффар лоханининг қариндошлари орасидан танланди. Байрамхон ҳажга борадиган мўсафидлар каби оқ сўф¹ ридо кийган, қурол яроғи йўқ. Унинг шуҳрати бутун Ҳиндистонга тарқаган, Ажмир ва Аҳмадбод орқали Патангача бўлган бир ойлик йўл давомида Байрамхонни яқиндан бир кўришга, унинг икки оғиз сўзини ёки бирон байт шеърини эшитишга иштиёқманд одамлар тўда-тўда бўлиб атрофини ўраб олишар эди.

Тўпланганлар орасида, албатта, унинг бошига тушган кулфатлар ва мағлубиятларни ҳам эшитган, «ҳокимиятдан қувилган катта амалдорнинг аҳволини бир кўриб кўяйлик!» деб совуқ синчковлик билан тикиладиган нохайрихоҳлар ҳам йўқ эмас. Байрамхон айниқса шуларни ёмон кўрарди. У шон-шуҳратнинг оғир юкидан ҳам безган, иложи бўлганда ёлғиз сайр қилгиси, янги шеърлар ва дostonлар ҳақида ўй сургиси келарди. Патан қутволи Мусахон Пўлодий эски хафачиликларни нутгандай бўлиб, Байрамхонни гўё илиқ қарши олди, унга шаҳар четидаги кўкаламзор ва хилват ўрмонзорларни кўрсатди.

Шимолий ўлкаларда қиш чилласи бошланган, Патанда эса ҳаво худди кўклам пайтидагидек сўлим, ғарб томонда унча узоқ бўлмаган денгиздан сарин шабада эсиб турарди.

Байрамхон мана шу гаштли ҳавода ўрмон ичида ёлғиз сайр қилишга чиқди. Жамол ва бошқа қўриқчи йигитларига жавоб бериб юборди. Байрамхоннинг ёнида фақат «садоқатли» Муборизхон қолди. У Музаффар лоханининг ўғли Муборак билан яшириқча учрашиб тил бириктириб қўйган эди.

Сербарг жамн ва амалбед¹ дарахтлари орасидан йигирма-ўттизта одам чиқиб кела бошлаганда Байрамхон: «Синчков томошабинлар шу ерда ҳам тинч қўйишмайди-я!», деб хиёл ранжиди. Аммо атрофини ўраб келаётган одамларнинг вазоҳати кўрқинчли эканини кўриб сесканиб кетди.

— Муборизхон! — деб ҳамроҳини чақирди.

Бироқ Муборизхон уни хундор душманларига тутиб бериб, ўзи аллақачон ғойиб бўлган эди. Байрамхон йигитлардан бирининг қўлида совуқ йилтираган икки учли ханжарни кўрди. «Жамудхар» деб аталадаган бу даҳшатли ханжарнинг сопи қайчиникига ўхшар, икки учи баданга санчилгач, ҳар икки дастаси бармоқлар билан қисилар ва аъзо-

¹ Сўф — оқ жун мато.

¹ Жамн — мевали дарахт. Амалбед — толнинг бир тури.

ларни қайчидай қирқиб, қиймалаб, одамни тил тортдирмай ўлдирарди. Байрамхоннинг саросимали ҳаёлида Панипатдаги чодирда ўлдирилган Турдибек гавдаланди. Унинг ҳам биқинига мана шунақа икки тиғлик ханжар санчилганда бечора кўзлари косасидан чиққудек қийналиб, инграб жон берган эди.

Аммо ҳозир икки учли жамудхар баланд бўйли мўйловдор афғон йигити Муборак лоҳанининг қўлида эди.

— Менинг отамни сен Сирҳиндда қилич билан чопдирган эдинг, қотил! — деб Муборак жамудхар тутган қўлини баланд кўтарди. — Энди қасос қайтгай!

Байрамхоннинг назарида, икки тиғ унинг икки кўзига санчиладигандек кўринди. Байрамхон қўллари билан юзини тўсди-да, кетига тисарилди. Орқадан бостириб келган йигитлар уни Муборак томонга қаттиқ итариб юбордилар. Байрамхон чирпирак бўлиб учиб, Муборакка елкаси билан урилди. Шу пайт икки тиғли ханжар унинг икки кураги остига ғарчиллаб санчилди...

* * *

Қон тўкиб қутурган қотиллар Байрамхоннинг хотини билан боласини ҳам ўлдирмоқчи ва бор-будини таламоқчи бўлдилар. Лекин Жамол бошлиқ туркман йигитлари Нозия биби билан Абдурахимни Патандан соғ-саломат олиб чиқиб кетдилар. Байрамхонни қонга беланган кийими билан салласига ўраб Патанда шаҳидлардек дафн этдилар.

Отасидан айрилиб Аграга йиғлаб қайтган Абдурахимни Акбар қўлига кўтариб, бағрига босди:

— Мендан ҳам хатолик ўтди, оталиғимни ҳажга юбормасам бўларди!.. Энди отанга узалмаган қарзларимни сенга узгаймен. Абдурахимжон!

Акбар бугунги бош вазир Мунимхонга буюрди:

— Махсус фармон ёздиринг: Абдурахимни мен фарзандликка олурмен. Подшоҳ ўғлига қандай кийиму таом, қанча хизматқору улуфа лозим бўлса, ҳаммаси таъйин этилсин.

Ҳали Акбарнинг ўзи фарзанд кўрмаган ўн тўққиз ёшли йигит бўлгани учун у Абдурахимни фарзандликка олгани баъзиларга эриш кўринди. Лекин унинг энг яқин кўкалдоши Азизхон Абдурахимга бек атка қилиб таъйин этилди. Гулафшон боғи юзтача соқчи ва хизматқорлари билан Абдурахимнинг ихтиёрига берилди. Агранинг энг фозил одамлари Абдурахимни шаҳзодалардай тарбиялаб парвариш қила бошладилар.

Байрамхонга аза тутиб қора кийган уч хотинидан бири Салима бегим эди. Акбар оталиғининг Аградаги уйига фотиҳага борганда ичкари ҳовлига кириб Салима бегимдан кўнгил сўради. Ҳамида бегим Салиманинг олдида ўтирган экан. Ёш бева юм-юм йиғлаб деди:

— У киши ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди? Кошки бизда ҳам сати² одати жойиз эса, мен ҳам ўша оловда куйиб кул бўлганим яхши эди!

Энди ўн саккиз ёшга кирган жувоннинг бунчалик куйиниши Ҳамида бегимни таажжубга солди:

— Вой, Салимажон, сизга не бўлди? Ҳали гулдай ёшлигингиз турибдир...

— Очилмай сўлган гул энди кимга керак, ҳазрат бегим?! Бахтим қора бўлмаса, шу кунлар бошимга тушармиди?!

Акбар Салиманинг нега бундай деярганини тушуниб турарди. У энди ўзини Акбарга номуносиб сезиб шунчалик куюнмоқда эди. Лекин Акбарга у ҳали ҳам аввалгидай гўзал кўринар, унинг дардини Акбар дил-дилидан сезгани сари кўнгли бузилиб, томоғига ёш тиқилиб келарди.

— Салима,— дея Акбар овози олиниб гапирди,— мен сизни ўшанда ҳимоя қила олмадим... Ўзимни ҳалигача гуноҳқор сезурмен... Вақти келгай, бу гуноҳимни албатта ювгаймен... Тупроғимиз бир жойдан олинган, толеимиз ҳам бир бўлгай!..

Бу гаплар Салима бегимга тасалли берди, аммо Ҳамида бонунни ўйлантириб қўйди. Наҳотки Акбар шу бевани олмоқчи бўлса?

Байрамхоннинг йигирмаси, қирқи ва бошқа маросимлари ўтгач, Салима азадорлик кийимларини ечди. У Ҳашт Биҳишт боғида кузги гуллар қийғоч очилган пайтларда бодом гулли қабо кийиб юрганини Акбар кўрди-ю, онасининг олдида борди. Томоқ қириб, ийманиб гап бошлади:

— Бир вақтлар Салимани келин қилиш орзусида эдингиз, онажон...

Ҳамида бегим афсус билан:

— Насиб қилмаган экан-да,— деди.

Акбар ҳозир отасидан ҳам дуркун ва кўҳли йигит бўлган. Салима бегим Байрамхонга узатилган йиллари Ҳамида бону ўғлига марҳум Ҳиндол мирзонинг қизи Руқия бегимни олиб берган эди. Лекин Акбар унга кўнгилсиз, уч йилдан бери фарзанд ҳам кўриш-

¹ Орадан ўн саккиз йил ўтгач, яқин қариндошлари Байрамхоннинг хокини Машҳадга элтиб, машҳур Имом Ризо мақбараси ёнига кўмдилар.

² Сати — ҳиндлардаги хурофий одат. Бева ўзини ўлган эри билан бирга оловга ташлаб куйдиради.

мади. Ҳамида бегимнинг неvara кўргиси келади. Акбар шоҳлик удумига биноан яна уйланиши мумкин. Ҳамида бону Салимани илгари суйган бўлса ҳам, энди «тақдири қўшилмаган экан, Акбардай йигитга бевани олиб бераманми» деб яқинлаштиргиси келмайди. Бироқ Акбар Салимага кўнгли борлигини онасига айтиб:

— Мен уни ўз... ҳимоямга олмоқчимен,— деди.— Одамлар не деса десинлар. Аммо Хонбобонинг душмани кўп, аламини Салимадан оладиганлар ҳам топилгай. Хонбобонинг ўзи буни менга айтиб кетган эди. Унинг рўйи хотири учун ҳам Салимани ҳимоя қилмоғим керак.

— Биламен, сиз олижаноб бўлмоқчисиз. Лекин кўнгил иши нозик, Акбаржон... Уч йил бировнинг никоҳида бўлган бева...

Акбар озорланиб деди:

— Буни менга эслатманг! Бошқалар шундай деса ҳам сиз билан биз ҳақиқатни билламир-ку... Салима бизни деб ўша даргоҳга кетгани наҳотки эсингиздан чиққан бўлса? «Яхшиликни қайтариш осон эмас, бу ҳам қурбон талаб қилгай» деган гапни ўзингиз менга айтган эмасмидингиз?

Ҳамида бону энди ўзининг шу гапига амал қилмай иложи қолмади ва тўй тайёрлигига киришди. Маълум сабабларга кўра тўй шовқин-суронсиз, камтаргина бўлди.

Ҳашт Биҳишт боғининг устида юлдузлар чарақлаб, етти кунлик ой уфққа оғиб ташаётган тунда икки ташна қалб, ниҳоят, бир-бирининг меҳрига қонди.

ДЕҲЛИ, ЖАЙПУР

Муҳаббат ва ғазаб

Ҳазинанинг қулфу калити Акбарнинг ихтиёрига ўтгандан бери Деҳлидаги Мирзо Ҳумоюн мақбарасининг тарҳи қоғоздан ерга тушиб, улкан бир қурилиш тусини олди. Бу ишга катта-катта маблағлар ажратилгандан сўнг меъмор Мавлоно Миракнинг қўл остида ўнлаб сангтарошлар, муҳандислар, юзлаб коргарлар ишлай бошлади. Мақбарага керакли қизил тош узоқдаги тоғлардан ташиб келтириларди. Ҳукиз ва туя қўшилган аравалар оғир тошларни вақтида етказиб улгуролмас, сангтарошлар гоҳо бекор туриб қолишарди. Уй-хаёли мудом Ҳумоюн ва унинг мақбараси билан банд Ҳамида бегим Аграда турадиган Акбарга хат ёзиб, аҳволни тушунтирди. «Шукрки, ҳозир замон тинч, филхонангизда етти юз фил боқувда турибдир, бир қисмини юк ташишга ўргатиб бўлмасмикан?» деб сўради.

Шундан кейин Акбар бекор турган ҳарбий филларидан юзта ювошроғини Биҳишан Чанд бошлиқ филбонларга бериб, Аградан Деҳлига жўнатди.

Ҳарбий филлар кўпинча бекор турар, ҳар замонда бир бўладиган уруш олдидан уларга зўр хўрақлар берилар, ширин сувга маст ва дарғазаб қилувчи гиёҳларнинг шарбати қўшилар, шуни ичгандан сўнг улар отлични ҳам, пиёдани ҳам хартуми билан уриб, оёғи билан янчиб кетаверар эди. Меҳнатга ўргатилган филлар юк ташиб чарчаганидан ёввош бўлиб қолар, уларга шакарқамиш каби енгил хўрақлар, осойишта тутувчи емишлар берилар эди. Бир-икки ой шу тарзда боқилган Фавждор ҳам ёввош тортиб қолганини ва юк ташишга ўргана бошлаганини Акбар Деҳлига келганда ўз кўзи билан кўрди.

Арабистонларга бориб келган Бека бегим Ҳамида бонуга Синой тоғи этагида эшитган бир ривоятини айтиб берди:

— Бора-бора уруш йўқолар эмиш-у, одамлар қилчидан ҳам омоч ясар эмишлар!

— Кошки ўша замонларни биз ҳам кўрсак, Ҳожи бегим! — деди Ҳамида бону.

Бир вақтлар кундош бўлган бу икки аёл ҳозир иноқ. Энди уларнинг бир-бирларидан қизғанадиган эрлари йўқ. Мана бу мақбара қурилишидаги ишлар эса икковига ҳам етиб ортади.

Ҳожи бегим боғ меъморчилигини яхши билар, мақбара атрофидаги ўттиз жориб¹-лик ички-ташқи боғнинг йўлкалари, гулзор ва дарахтзорлари унинг назорати остида қилинмоқда эди.

Мирзо Ҳумоюн мақбарасининг ички-ташқи боғ ўртасига қурилаётгани ва бу боғнинг ўзи меъморчилик асаридек махсус лойиҳа асосида бунёд этилаётгани — Деҳли ва Аграда ҳали тажрибадан ўтказилмаган янгилик эди. Мавлоно Мирак ҳам, бегимлар ҳам бундай мақбараларни Ҳирот ва Машҳадда ўз кўзлари билан кўришган, Самарқанддаги Гўри Амир шу тарзда қурилганини билишар эди. Энди улар Мовароуннаҳр ва Эрон меъморчилигининг шу анъанасини Ҳиндистон шароитига тадбиқ этмоқда эдилар. Қийинчилик шунда эдики, Самарқанд ва Ҳирот обидаларига безак тарзида ишлатиладиган рангдор кошнларни бу ерда ишлатиб бўлмасди — Ҳиндистоннинг иссиқ иқлими ва сернам ёлғир фасли кошнларни тез ишдан чиқарарди. Шунинг учун мақбарага ишлатиладиган барча зийнатлар тошдан йўнилиб, мрамарга сайқал ва зеб бериб қилинмоқ-

¹ Жориб — бир гектарга яқин ер майдони.

да эди. Мирзо Ҳумоюн мақбараси ўзининг бўйи-баста ва барча иши сангтарошликка асосланганлиги билан Ҳирот ва Самарқанд обидаларига нисбатан ҳам такрори йўқ бир янгилик бўлиши керак эди.

Жума кунлари қурилишда иш тўхтар, ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжит бўлиб қолар эди. Фақат аҳён-аҳёнда Ҳумоюн қабрини зиёрат қилишга келганларнинг тиловатлари мунгли оҳанг билан атрофга таралар эди.

Муслималик одатига биноан бегимлар Ҳумоюн қабрига эрталаб офтоб чиқмасдан келишар, бундай пайтда бошқа зиёратчилар деярлик бўлмас эди. Бу жума Ҳожи бегим иситмалаб зиёратга келолмади-ю, Ҳамида бону тонг пайти ёлғиз ўзи келди.

Муваққат мармар сағананинг атрофи ўралган ва усти яхшилаб ёпилган. Ичкари ним-қоронғи. Бегим икки шохалик шамдоннинг шамларини ёқиб, қабрнинг бош томонига қўяётганда кимдир пичирлаб тиловат қилаётганини эшитди. Орқасига ўгирилар экан, қабрнинг оёқ томонига чўкка тушган соқоли узун мўйсафидни кўрди. Бегим бошига кўтариб қўйган ҳарир пардани тез юзига тушириб, чўнқайди ва тиловат тугаганда мўйсафидга қўшилиб юзига фотиҳа тортди.

Мўйсафид ҳассасига таяниб ўрнидан турди-да, титроқ товуш билан:

— Ҳазрат бегим, кечикиб бўлса ҳам, сизга ҳамдардлик билдиргани келдим! —

деди.

Овози, кўзлари беҳад таниш, аммо бўлиқ оқ соқол бекитиб турган юзи бегона, туркий сўзларни ҳиндча талаффуз билан айтиши ҳам кимнидир эслатади. Лекин катта оқ салласи ва эгнидаги малла хирқаси шайхларникига ўхшайди.

— Миннатдормен, таксир, — деди Ҳамида бону ҳам ўрнидан кўтарилиб.

— Ҳумоюн ҳазратлари билан... оға-ини тутунган эдик, — сўзида давом этди мўйсафид. — Қабрларини зиёрат қилгани ҳар йили келурмен. Аммо сизни биринчи учратишим...

Ҳамида бону бирдан Жамна бўйида ўтган қизалоқлик пайтини, Низом эшкакчининг қайиғини, унинг ўтли кўзларини ва ширали товушини эслади-ю, вужуди ларзага келиб сўради:

— Сиз?.. Низом?.. Соҳиб Низом...

— Ҳа, бахтсизликка учраб Салим номини олган Низом — мен!

— Наҳотки? Кўзларимга ишонмаймен! — деб Ҳамида бегим. Низом томонга талпинди. Йигирма уч йилда одам шунчалик ўзгарар эканми? Ҳали элликка кирмаган Низом — ҳасса суянган оппоқ соқолли қария!

— Оғир жароҳатлар мени тез қаритди, бегим. Синмаган жойим қолмаган эди. Ҳали ҳам... Сиз билан... Ҳазрат икковларингиз... Синд вилоятида қувғинда юрган пайтларингизда менга мадад бердиларингиз... Бўлмаса аллақачон ўлиб кетардим.

— Хайриятки, яна кўришишга муяссар бўлдик. Сизга айтадиган қанча гапларим дилимда қолган. Мен учун сиз поклик тимсоли эдингиз, соҳиб Низом!.. Ҳазратим ҳам сизни авлиёдек софдил йигит деб улуғлар эдилар.

— Авлиё эмас, осий бандамен, — деди Низом. — Учаламиз бир вақтлар мактуб орқали хабарлашган эдик. Ҳозир ҳам бу ерда учаламиз... ҳазрат Ҳумоюннинг руҳлари мен учун тирик: инсоннинг поклиги — дилидаги эътиқоди бўлур. Кийим тоза бўлмаса ҳам, дил пок бўлса, бундай дилни муқаддас билиб, унга сийғинмоқ мумкин. Мен ҳам Жамнада бирга сузиб юрган пайтларимда сизнинг сиймонгизда самовий бир нур кўрганмен. Бу нур ўшанда кўзларимга кириб макон қурган эди, ҳалигача кўзларимни юмганимда қорачиғим орасида сиз кўрингандай бўлурсиз, Ҳамида бону...

Ҳумоюннинг қабри ёнида айтилаётган бу сўзлардан Ҳамида бону ўнғайсизлана бошлади. Буни пайқаган Низом:

— Кексайганда изҳори дил қилмоқда деб ўйламанг, бегим, — деди. — Сиз ҳам, Мирзо Ҳумоюн ҳам мен кўрган инсонлар орасида энг соҳибдил сиймолардирсиз. Икковларингиз ҳам менга беҳад азиз бўлганларингиз учун Секридан шу ергача пиёда юриб зиёратга келдим.

Мўйсафид одам юз милдан ортиқ масофани пиёда юриб ўтиши Ҳамида бегимни хангу манг қилиб қўйди:

— Ахир... билганимизда от юборар эдик-ку, соҳиб Низом!

— Отлиқ юриш менинг ҳозирги эътиқодимга хилоф. Менинг камбағалпарвар устозларим Кабир ҳам, Мўййиниддин Чешти ҳам доим пиёда юрганлар. Камбағалликда умр ўтказганлар. Шайх Саъдий айтганки:

**Саъдий, чун давлату фармондихи
Нести-ю, ҳақпараст хуштараст¹.**

— Давлату ҳоқимият талотумларидан мен ҳам жуда тўйганмен, — деди Ҳамида бегим. — Синду Қандаҳорда, Қазвину Кобулда, Деҳлию Аграда... бошимизга не бало-

¹ Таржимаси:

Саъдий, бою бадавлат ва мансабдор бўлгандан кўра, Йўқчиликка кўниб, ҳақпараст бўлиш афзалдир.

лар ёғилмади!.. Соҳиб Низом, сиз Карамнаса ўпқонларидан ҳазратимни қутқариб чиққанингизни ўғлимиз Акбаршоҳ ҳам эшитганлар. Нечун олти йилдан бери саройга келмадингиз?

— Бегим, мен энди подшоҳ саройига зинҳор қадам босмагаймен.

— Ё биздан кўнглингиз қолганми?

— Сиздан эмас, мутлоқ ҳокимият деган аждаҳодан юрак олдириб қўйганмен. Мирзо Ҳумоюн Панжобга қайтган пайтларида жуда кўргим келди. Шайх Муборак деган кишидан мактуб ёзиб юбордим. Аммо уни ҳазратимнинг хузурига киргизмабдилар. Бианада халқ ҳаракатига иштирок этгани учун шайхулислом Ансорий «даҳрий» деб ўлимга буюрибдир. Бечора шайх Муборак ҳамон қочиб юрибдир. Ансорий эса иззат-икромда. Шундан ҳам билдимки, сарой тўла ғараз, иғво, чақимчилик, адолатсизлик!

Низомнинг гапида жон борлигини ўз ачиқ тажрибасидан ҳам биладиган Ҳамида бону дилтанг бўлиб сўради:

— Наҳотки бу балоларнинг ҳеч бир балоғардони йўқдир?

— Балоғардони бор. Барча шаҳару қишлоқларни ким қурган? Барча кийимликлару егуликлар кимнинг меҳнати билан барпо этилмоқда? Мана бу мақбарани ким тикламоқда? Барча саройлар, тожу тахтларни ким елкасида тутиб турибдир? Халқ! Эл-улуснинг фақат кичик бир қисми подшо қўшинида навкар бўлиб, жангларда унга балоғардонлик қилур. Аммо бошқа қисмлари амалдору мансабдорларнинг оёғи остида эзилиб ётибдир. Уларни жабру зулмдан қутқарадиган одил раҳбар керак, халқ ҳам бундай раҳбарга балоғардон бўлмоғи мумкин.

— Акбарнинг энг зўр орзуси — одиллик. Лекин унинг донишманд бир раҳнамоси йўқ... Ҳаётда яхши одамни ҳам бузадиган ёмонлар кўп...

— Бироқ асил одам ёмонлар орасида ҳам ўз фазилатларини йўқотмаслиги мумкин экан. Кабирнинг бир шеърида «Хушбўй сандал дарахтига заҳарли илон ўралиб олса ҳам бу дарахт муаттар ҳидини йўқотмағай» дейилади. Бегим, ҳозир сиз билан гаплашганим сари ана шу олижаноб сандал дарахтини қайта-қайта эсламоқдамен... Мен эшитдимки, подшоҳ ўғлингиз Умарқутда туғилганда, сиз бир ҳинд аёлини ҳам энагаликка таклиф этган экансиз. Ростми?

— Рост. Рожа Вирсалнинг қариндоши Рупарани Акбаржонга оқ сут берган энагаларнинг бири.

— Бунинг қанчалик улуғ маъноси борлигини ҳали ўзингиз ҳам сезмасангиз керак. Кабирнинг ҳам бир онаси ҳинд, бир онаси муслима бўлган, унинг ҳаётида, қалбида, шеърларида ҳинди билан муслмон яктану яқдил бўлиб бирлашган. Кабир ўлганда, ҳиндлар уни ўз одатлари бўйича оловда куйдириб, кулини Гангага сочмоқни ўйлаганлар. Муслмонлар эса «йўқ, Кабир бизники» дейишиб, уни ўз одатлари бўйича ерга дафн этмоқни истаганлар. Икки томон мунозара қилиб, унинг жасади ўраб қўйилган пардани кўтарсалар, Кабир йўқ, жасад ўрнида бир даста гул ётган эмиш. Ҳиндлар билан муслмонлар бу гулларни тенг бўлиб олишибдир... Бу ривоятнинг маъносини ўзингиз тушунурсиз, бегим. Тилагим шулки, ўғлингиз Акбар ҳам икки томонни баробар кўрса, ҳам муслимлар, ҳам ҳиндлар дилига Кабир каби йўл топа олса... Ана ўшанда бутун халқнинг қудрати унга келган балоларга балоғардон бўлғай. Агар ўғлингиз халқнинг дилига чуқур маънавий илдиз отолмаса, навбатдаги довуллар уни ҳам суғуриб олиб кетмоғи мумкин. Отасининг бошига тушган қувғинлар Акбарнинг бошига тушмасин деб мен шу гапни айтмоқдамен!..

Ҳамида бегим ўзини қийнаб юрган энг мушуқл жумбоқларга шу донишманд мўйсафид ёрдамида жавоб топиши мумкинлигини, ёшликдаги меҳр энди беғараз, соф бир маънавий яқинликка айланаётганини сездим.

— Саройга келмасангиз... балки... Акбаржон ўзлари борарлар... Сизни қаердан қидириб топсин?

— Мен бир фақир одаммен, бегим. Подшо мени қидириб боришига кўзим етмайдир. Аммо сизга айтмоғим мумкин. Секридан ўн чақирим берида, ўрмон четида кулбам бор, озгина еримда деҳқончилик билан рўзгор тебратурмиз. Шерхон даврида номимни ўзгартириб, яшириниб юрганимдан хабардорсиз. Беш йил дарвеш бўлдим. Салим Чешти деган ном билан танилдим. Ҳозир кўпчилик мени шу ном билан атайди. Низом деган аввалги номим энди унутилган. Одамлар олдида шайх Салим деб аташингиз маъқулроқ.

Муслима аёл билан бегона эркакнинг соф ниятда учрашиб гаплашиши учун пир ва мурид муносабатлари қўлайроқ бўлишини Ҳамида бегим ҳам сездим.

— Ҳўп, мен сизни минбаъд ўзимнинг маънавий раҳнамом деб билурмен!

Салим ота Ҳамида бегимга яқин келди. Икковларининг орасида Ҳумоюннинг мармар қабри турибди. Раҳнамога қўл бериш одатига биноан, Ҳамида бегим Салим отага нафис панжасини чўзди. Бегим эрининг руҳи гувоҳлигида тузаётган бу маънавий иттифоқ беғараз, пок бир имон иши эканини сезган Салим ота мармар қабр оша қўлини узатиб, Ҳамида бегимнинг бармоқларини секин кафтига олди-да, кўзларига сурди.

Улар яна учрашадиган бўлиб хайрлашдилар. Салим ота ҳассасини қўлтиғига олиб, вазмин, аммо мустаҳкам одимлар билан узоқлашар экан, Ҳамида бегим унинг ҳали

элликка ҳам кирмаганини яна бир эслади. Кўринишдан нуруний мўйсафид бўлса ҳам, меҳнатда пишган танаси чайир эканини сезди ва Секригача пиёда бора олишига ишонди. Энг муҳими, бу одам бегимнинг дилига улкан бир чироғ ёқиб кетгандай бўлди.

* * *

Акбар ўн уч ёшида филбонлар орасида маҳавутликни машқ қилиб юрган пайтида ҳинд тилини ўргангани, урдуча ҳам бемалол гапира оларди. Филбонларнинг суюкли қаҳрамонлари Рама ва унинг гўзал севгилиси Сити ёш Акбарнинг дилидан доимий жой олган эди. У Рамадай қаҳрамонликлар кўрсатишни ва ўз Ситисини топиб, унга етишишни орзу қилган. Ҳозир, йигирма ёшга кирган пайтида ҳам, ажойиб ҳинд қизларини учратса, уларнинг нозу карашма билан рақс қилишларини кўрса, нафосатга тўла қўшиқларини эшитса, ёшликдаги ўша орзулари қалбини туртиб-туртиб қўйгандай бўлади.

Салима бегим унинг бу орзусига халақит бермас, кўп азоб тортган бечора жувон Акбарнинг бағрида гулдай очилиб яшар, эрига бағишлаб шеърлар ёзар, ташқаридан қараганда, иккови-бир-бирига астойдил меҳр қўйиб ҳаёт кечириётганга ўхшар эди. Аммо аслида уларни Салиманинг муҳаббати иноқ тутиб турарди. Акбарнинг унга уйланишида муҳаббатдан кўра раҳм-шафқат устун келганини Салима бегим ҳам сезади.

Акбарга Салима бегимнинг суҳбати жуда дилкаш туюларди. Кўп китоб ўқийдиган, минглаб байт шеър ёд биладиган бу жувон гоҳо теран фалсафий фикрлар ҳам айтар эди.

— Биз, аёллар ҳам фаришта эмасмиз, ҳазратим. Илкимизга ҳокимлик тизгини тегса ўзимиздан кетишимиз ҳеч гап эмас. «Одамни синамоқчи бўлсангиз, унга ҳокимият бериб кўринг» — деган нақл эшитганмен. Ҳозир сизга энг содиқ аёллардан Моҳим энаганинг бошига ана шундай бир синов тушмишдир.

Моҳим энага ҳақида марҳум Байрамхон ҳам эҳтиётга чорловчи сўзлар айтиб кетгани Акбарнинг ёдига тушди.

— Салима, сиз Моҳим энагада... бирон ўзгариш сезмоқдамисиз?

— Ҳа, ўзгариш катта.

Яқин одамлари бир-бирини ёмонлай бошласа, Акбарга бу доим ёмон таъсир қиларди. Ҳозир ҳам унинг юзи тундлаша бошлаганини кўрган Салима:

— Балки бу яхши ўзгаришдир, — деб гапни бурди.

— Менга онам қилмаган яхшиликларни шу аёл қилган, Салима. Кобул эсингиздами? Комрон амаким биз билан ўчакишиб, мени отам отдираётган замбаракнинг ўқига тўғри-лаб қўйган эди-я! Ён-веримдан вашиллаб ўтган замбарак ўқларини эсласам, ҳали ҳам сочим тикка бўлиб кетадир. Ушанда Моҳим энага чопиб келиб ўз гавдаси билан мени тўсган эди-я! Қандаҳорда, қиш совуқларида энагам мени яна қанча ўлимлардан олиб қолган!..

— Ҳа, Моҳим энага ўшанда чеккан машаққатларининг роҳатини энди кўрмоқда. Бугун мамлакатингизда ундан нуфузли аёл йўқ. Беку аъёнлар Моҳим энагани сиздан кейинги иккинчи сиймо деб ҳисоблайдилар.

— Нечун? Онам ҳазратлари-чи?

— Онангиз ҳокимиятнинг роҳатидан кўра азобини кўп кўриб, юрак олдириб қўйганлар. Ҳозир бутун эътиборлари мақбара қурилиши билан банд. Аммо Моҳим энага давлат ишларида ўзларини сувдаги балиқдек яхши сезадилар. Энага учун ҳокимият ҳали янги, тансиқ нарса, ўзлари тўйса ҳам, кўзлари тўймайдир.

Бу гапларда киноя борлигини сезган Акбар яна энагасини ҳимоя қила бошлади. Акбар болалик пайтлардан бери энагага сўзсиз ишониб ўрганган. Ҳозир ҳам унинг қирмизи бўёқ суртиб босиладиган катта олтин муҳри кўпинча Моҳим энаганинг қўлида туради. Шу муҳр босилмагунча хазина ҳеч кимга пул бермайди. Шу муҳр босилмаса, беку аъёнлар янги мартабалар ва жогирлар ололмайди. Моҳим энага ҳаммани ўз қўлига қаратиб қўйгани учун унинг номи сарой аҳлининг тилида дoston бўлди. Моҳим энагани «Донно кайвони бўлмаса, аёл боши билан Байрамхондай одамни енгиб чиқармиди!» деб муболаға қилувчилар кўп. Ҳозир Моҳим энага қаерга қўлини чўзса етади, истаган одамга катта мартабалар бера олади. Энаганинг ўғли Адҳамхон Жамна бўйидаги катта мулкнинг эгасига айланди. Адҳамхоннинг уч минг навқари бор, ҳар ой хазинадан йигирма минг рупий мояна олади. Моҳим энаганинг энг суюкли ўғли мана шу Адҳамхон. Сарой аҳли «Моҳим энага Адҳамхонни Мунимхоннинг ўрнига бош вазир қилиб кўтармагунча тинчимагай» деб пичир-пичир сўзлашганлари Салима бегимнинг қулоғига ҳам чалинган.

Ҳозир хобгоҳда Салима Акбарга шунинг ҳаммасини айтиб берди-ю;

— Энагангизни эҳтиёт қилинг, ҳазратим, — деди. — Ночоргина ҳаёт кечириб юрган муштипар аёл эди. Селдай оқиб келаётган бойлигу обрў эътибор, бечорани бошқа ёққа оқизиб кетмасин.

— Буни онамга ҳам айтинг, — деди Акбар. — Учовлашиб, энагамнинг хатти-ҳаракатини яхши томонларга буриб турайлик.

Моҳим энага табиатан яхшиликка мойил аёл эди. Акбар унинг қизлар учун мактаб-мадраса очиш нияти борлигини биларди. Энага бойликларининг бир қисмини шу хайрли ишга сарфлаши учун Акбар:

— Истасангиз, қизлар мадрасасини Деҳлида очинг, — деб маслаҳат берди.

— Сиз ижозат берсангиз, бажонидил очгаймен!

Бу мадраса учун Моҳим энага Низомиддин авлиё мақбарасига яқин жойдан икки ошиёнлик улкан бир бинони боғ-ҳовлиси билан сотиб олди. Отин ойилар дарс берадиган қизлар мадрасаси Деҳли учун жуда катта янгилик бўлди. Кўп подшою маликалар қилмаган ишни Моҳим энага қилганлиги унинг эл-улус орасидаги шуҳратини яна бир даража оширди.

Моҳим энаганинг эндиги истаги — бир ҳафта улкан тўй бериб, келин тушириш ва унга барча вилоятлардан олий меҳмонлар чақириш эди. У тўй тўғрисида энг аввал Ҳамида бегим ва Акбардан маслаҳат сўради.

— Далв ойида, салқин пайтда ўтказган маъқул — деди Ҳамида бегим. Энага унинг бу таклифини қабул қилди.

— Унгача ҳали икки ой бор, барча вилоятлардан энг нуфузли одамларни таклиф этгаймиз, — деди энага.

— Ҳаммаси келса, ҳовлингизга сифармикин? — сўради Акбар.

— Ҳовлига сиғдириб бўлмас, — деди Моҳим энага. — Қалъада ўтказсакчи, ҳазрат бегим?

Ҳамида бегим Акбарни Салимага уйлантирганда катта тўй қилолмаган эди. Энди подшо саройи жойлашган қалъада Моҳим энага шундай катта тўй бериши Акбарнинг обрўси учун яхши бўлармикин?

— Бу тўй ҳам ўзимизники, — деди Акбар. — Қалъада қилсак, фақат беку аъёнларни эмас, энг обрўли ҳинд рожаларини ҳам таклиф этгаймиз. Умарқутга ҳам таклиф юборгаймиз. Балки рожа Вирсал Прасад ҳам етиб келгай. Рупа энага тирик бўлса, уни ҳам шу тўйга топиб келтиргаймиз.

— Кошки эди! — деб Ҳамида бегим Акбарнинг ниятини энди астойдил маъқуллади. Умарқутга борадиган чопарга таклифномани бегим ўзи ёзди.

Акбарнинг мақсади — Моҳим энаганинг тўй ҳаракатларини ҳам хайрли томонга буриш ва мамлакатнинг муслиму ҳинд аҳолисини бир-бирига яқинлаштириш эди.

* * *

Тўй арафасида Умарқутдан Рупа энага ва унинг оғаси Вирсал Прасад уч филга совға юклаб келаётганлари маълум бўлди. Излаб юрган одамлари топилганидан бениҳоя суюнган Ҳамида бегим меҳмонларга пешвоз чиқишни Акбардан илтимос қилди.

Акбарнинг буйруғи билан энг салобатли филлардан ўнтаси гулшодалар ва зарбоф ёпинчиқлар билан безатилди. Уларнинг елкаларига маҳдианбар¹ деб аталадиган ва мўътабар аёллар ўтирадиган ҳашаматли шийпонсимон кажавалар ўрнатилди. Маҳдианбарларнинг бирига Ҳамида бегим, иккинчисига Моҳим энага, яна бошқаларига Жажжи энага билан Ҳакима энагалар чиқиб ўтиришди. Акбарнинг ўзи олдинги филда худди юриб бораётган тахтга ўхшаш олтин маҳмида ўтирибди. Пирмуҳаммад атка бошлиқ мулозимлар ва юзга яқин қўриқчи навкарлар филларнинг ён-верида отлиқ келмоқда.

Шаҳар четида тантана билан кутиб олинган Рупа энага ва Вирсал Прасад Акбарни Ҳамида бегим ёрдамида зўрға танидилар. Чунки уни бир ойлик чақалоқлик пайтидан бери кўрмаган эдилар. Лекин йигирма йилдан бери кўришмаган оналар ва энагалар бир-бирлари билан йиғлаб кўришдилар.

Вирсал Прасад олтишдан ошиб, узун мўйлови оппоқ оқарган мўйсафидга айланган эди.

Акбар чўғдай ясатилган филлардан бирига Рупа энагани, яна бирига Вирсал Прасадни миндирди. Узи ва онаси олдинги филларга чиқдилар. Бошқа энагалар ҳам тантанали филлар карвонида азиз меҳмонларни шаҳар бўйлаб олиб ўтдилар, Пурон қалъанинг тўридаги энг яхши бир кўшкка жойлаштирдилар.

Акбар саройида «атка хайл»² деб аталадиган жуда эътиборли бир гуруҳ борлиги кўпчиликка маълум эди. Бу гуруҳга энагалар, бир онани эмган кўкалдошлар ва уларнинг оталари — аткалар кирар эди. Энди мана шу имтиёзли «атка-хайлга» Рупа энага билан Вирсал Прасад ҳам тантанали суратда киритилгани Деҳли ва унинг атрофига дув-дув гап бўлиб тарқалди. Чунки мусулмон подшоси Акбарнинг ғайридин ҳинд энагаси ҳам борлиги кўпчилик учун фавқуллодда бир янгилик эди. Мутаассиб шайхлар Акбарнинг ҳинд энагага кўрсатган эҳтиромини қоралашиб, чекка-чеккада сасиб: «Подшомиз куфр йўлига кирди, бунинг касофати ёмон бўлгай!» деган кароматларни қилишар эди.

Аммо Салим отага ўхшаган бҳақти тарафдорлари бу хушхабарни бир-бирларига қувониб етказдилар. Шу фавқуллодда ҳодиса туфайли Моҳим энага қилаётган тўйнинг обрўси яна ҳам ошиб кетди, унга таклиф қилинган беку амирлардан ташқари, Деҳли ва унинг атрофидаги вилоятларнинг рожа ва роалари тўйга аҳли аёлларини ҳам олиб кела бошладилар.

¹ Маҳд — бешик маъносини ҳам англатади. Оналар кўзда тутилади. Анбаршийпоннинг бир тури.

² Хайл — оила, хонадон.

Ҳамида бегим тўйга келган кўҳлик қизлар орасидан Акбарга муносиб келин танламоқда эди. Тўйнинг учинчи куни Жайпурдан келган бир қиз одамнинг ҳушини оладиган даражада гўзал эканлиги оғиздан-оғизга ўтиб, Ҳамида бегим билан Акбарнинг қулоғига етиб борди. Акбар бу қизни кўпчиликнинг орасида кўрганда худди оддий маржонлар орасида турган олмос донасини учратгандай юраги «жиғ» этди. Қизни бошқалардан ажратиб турган фарқ фақат юзининг гўзаллигида эмас, балки юлдузининг иссиқлигида, кишини дарҳол ўзига тортадиган алоҳида оҳанрабоси борлигида эди.

Ўғлининг бу қизга назари тушганини сезган Ҳамида бегим Моҳим энагага шипшиди: — Жайпурлик қизни хонайи хосга бошлаб келинг.

Жайпурлик қиз тўйга қирқ ёшлардаги катта акаси — мардона қиёфали хушмўйлов, новча Бҳагван Дас билан келган эди. Тўйбоши уларни подшонинг хонайи хосига бошлаб кирди.

Хона тўридан Акбар билан Ҳамида бону уларга пешвоз чиқдилар. Ака-сингил кафтларини жуфтлаб бошлари устига қўйган ҳолда уларга таъзим қилдилар. Моҳим энага аввал Бҳагван Дасни таништирди:

— Жайпурлик рожа Бҳари Малнинг катта ўғли...

Акбар ҳиндчалаб қизнинг отини сўради. Акбарнинг тил билишидан кўзлари чақнаб кетган қиз:

— Жадҳа Бай,— деб ўз отини айтди. Шунда товуши ҳам Акбарга жуда сеҳрли туолди.

Қиз ортиқча тортинмасдан, ўзини аслзодаларга хос бир одоб ва эркинлик билан тунтар эди. Ҳамида бегим ва Моҳим энага уларни яккама-якка қолдириш учун Бҳагван Дасни тўрдаги нақшин курсига томон бошлаб кетдилар.

Акбар Жадҳа Байни хонанинг улардан узоқроқ бурчагида турган миз ёнига таклиф қилди. Миз устида тахтаси садаф билан безатилган, доналари фил суягидан ясалган чиройли шахмат турган эди. Қиз доналари жой-жойига терилиб, гўё ўйнаш учун тайёрлаб қўйилган шахматга қизиқиб қаради.

— Мумкинми? — деб оқ донали пиёдани қўлига олиб тамоша қилди-да, кейин ўйнагиси келгандай уни икки катак олдинга сурди.

— Шахмат ўйнашни билурмисиз? — ҳайратланиб сўради Акбар. Қиз тасдиқ маъносида бош ирғади.

Шундан кейин Акбар ўртадаги қора донали пиёдани бир катак олдинга сурди. Қиз кулиб, аспни ўйинга чиқарди. Акбар фарзин ёнидаги филини юрди. Икковлари мизнинг икки томониغا ўтириб, астойдил ўйнашга киришдилар.

Акбар учун ўйин баҳона, қизнинг бутун вужудидан ёғилиб турган нафосат ва гўзалликдан завқ олади, унга қарайди-ю, аммо кўзи тўймайди. Жадҳа Байдан мушкка ҳам, анбарга ҳам ўхшайдиган, аммо улардан ёқимлироқ гул ҳиди келиб турарди. Пешона устидаги қалин ва майин қора сочлари устига капалакларни эслатадиган тилла баргак тақилган. Зар қўшиб тўқилган пуштиранг сарисининг тагидан кўкраклари бўртиб турибди. Сари тагидан кийилган калта энглик нимчаси белига етиб-етмай тугайди. Хипча бели ва қорнининг икки энлик жойида силлиқ бадани очиқ турибди. Унинг бадани ҳам Акбарга нур билан йўрилган юзи каби тиниқ ва мусаффо кўринди.

Жадҳа Бай ўзининг ҳусни билан одамларни маҳлиё қилишга гўё ўрганиб қолган. Акбар ўйинни унутиб, ҳуши бошқа ёққа кетиб қолаётганидан қиз завқланиб жилмайди-да:

— Фарзинингиз... — деди.

Ҳозир қиз фили билан Акбарнинг ҳимоясиз қолган фарзинини олиб қўйиши мумкин эди. Акбар буни энди пайқаб бош чайқади:

— Рани Жадҳа Бай, сиз фақат менинг фарзинимни эмас, дилимни ҳам ютиб олмоқдасиз. Бунчалик тавоно экансиз. Устозингиз ким?

— Устозим — билим. Фирдавсийнинг сўзлари эсингиздадир?

— Қайси сўзи?

— ...«Ҳар каски доно аст, тавоно бувад»¹

Жадҳа Бай форсий тилни ҳам яхши билиши Акбарнинг унга бўлган эъзоз-эътиборини яна бир даража оширди.

— Рани Жадҳа Бай, саройда қолсангиз... шу тавонолигингиздан биз ҳам баҳраманд бўлсак... майлими?

Қиз энди жиддийлашди, алланарсадан хавотирлангандай ўрнидан турди ва акаси томонга қаради:

— Ҳазратим, эътиборингиздан беҳад миннатдормен! Аммо мен саройда қоллолмагаймен.

— Нечун?

— Менинг ихтиёрим ота-онамда. Ҳозир оғам билан Жайпурга жўнаб кетгаймен.

— Аммо менинг сиздан ажрашгим келмас!

— Унда ўзингиз Жайпурга меҳмон бўлиб боринг. Биз бажонидил кутиб олгаймиз.

¹ Таржимаси: билимлик, доно одам тавоно, яъни қудратли ҳам бўлади.

Жадҳа Бай саройдан чўчир, бу ҳашаматли даргоҳ унга бегона ва хатарли туюларди. Шунинг сезган Акбар қизни акаси олдига бошлаб келди. Хайрлашиб кетаётганда Бҳагван Дас ҳам:

— Ҳазрат бегим, муҳтарама энага, агар подшо ҳазратлари билан бирга Жайпурга ташриф буюрсаларингиз, биз беҳад сарфароз бўлурмиз! — деди.— Отамиз Бҳари Мал ҳам сизларни меҳмон қилиш орзусидалар. Ҳинд энагангиз Рупаранини юксак эъзоз билан кутиб олганларингиз онамизнинг қулоқларига ҳам бориб етган. Бутун хонадонимиз сизларга буюк ҳурмату умид билан қарайдир.

Ака-сингил жўнаб кетди-ю, Жадҳа Байнинг қиёфаси, гаплари, қилиқлари Акбарнинг дилига нақшланиб қолгандай бўлди. Бу қизни яна кўргиси келаверди, хаёллари эртаю кеч у билан банд.

Ўғлининг ҳолатини сезган Ҳамида бегим Жайпурга Қиличбек Андижоний деган бекни махсус мактуб билан юбориб, Жадҳа Байни келинликка сўради. Рожа Бҳари Малнинг жавоби ижобий, ёш подшога қариндош бўлиш шарафи унинг дилига ёқиб тушган, фақат қизлари бўлажак куёвнинг Жайпурга келишини ва тўйни Ҳинд одатига биноан шу ерда бошлашини зарурий шарт қилиб қўйган эди.

* * *

Саройда қизнинг бу шартини нокамтарлик, ҳатто подшога нисбатан одобсизлик деб баҳолаган беку аёнлар бўлди. Чунки бошқа ўлкадан подшо ҳарамига янги келин туширилса, ҳамма иш орадаги воситачи нуфузли амиру вазирлар томонидан қилинарди. Тождор куёвнинг келин томонга атаган улкан совғаларини шулар туюлару филларга ортиб боришар, у ёқдаги барча расм-русларни шулар бажо келтиришар, сўнгра келинни ҳамма сеплари-ю, яқин одамлари билан шулар саройга олиб келишарди. Никоҳ тантанали вазиятда саройда энг нуфузли садрлар ва диний пешволар томонидан ўқилар, келин ғайридин бўлса, албатта, мусулмон динига ўтказилар эди.

Бироқ жайпурилик қиз мана шу одатга бўйсунмоқчи эмас. У Ҳинд динида қолмоқчи, шунинг учун никоҳни фақат мулла эмас, бараҳман ҳам ўқишини истайди.

Ҳамида бегим яна аросатда қолди. Саройда орзу-ҳаваслик катта тўй қилай деса, мутаассиб шайхлару садрларнинг кўзи олдида қиз талаб қилгандай бараҳман қақириб, Ҳиндча никоҳ ўқитиб бўлмайди. Бегим Салим отага қўл бериб, бҳақтига эътиқод қўйгани учун қизни ўз динига содиқ қолишга ҳақли деб ҳисоблайди.

Умарқутдан келган Рупа энага ҳозир бундай нозик ишлар бўйича Ҳамида бегимнинг яқин маслаҳатчисига айланган эди. Акбар, Моҳим энага — ҳаммалари кенгашиб, келин истайдиган Ҳиндча никоҳни ими-жимиди Жайпурда қила қолишни маъқул кўрдилар. Бу ҳодисага олий табақанинг эътиборини тортмаслик ва гап-сўзни кўпайтирмаслик учун, «Подшо Жайпурга тўйга эмас, балки овга боргай» деб эълон қилдилар.

Кейинги пайтларда Акбар қўлга ўргатилган қоплонсимон жонивор — чита билан ов қилишни яхши кўрарди. Читабоқар овчилар читабонлар деб аталарди. Темир қафасда боқиладиган, бўйнига махсус тасма боғланган читаларни туя қўшилган катта араваларга ортиб, Деҳлидан юз милча жанубий ғарбдаги Жайпурга томон йўл олганларида хут ойи кириб, кунлар анча исиган, даладаги буғдойлар бошоқ тортиб қолган эди.

Беш юз аскар кўриқлаб бораётган мавкабда, ясан-тусан филлар устидаги маҳдианбарларда Ҳамида бону, Моҳим энага ва Рупа энагалар ҳам келмоқда эдилар. Олий меҳмонлар келаётганидан хабар топган рожа Бҳари Мал ўғли Бҳагван Дас ва бошқа яқинлари билан Акбарга вилоят чегарасида пешвоз чиқди.

Жадҳа Бай турадиган жойларга яқинлашганлари сари Акбарнинг дилида нафис ва гўзал ҳислар кучайиб борар, аммо ташқи ҳаёт унга бири-бирдан дағал ва хунук муаммоларни кўндаланг қилар эди.

Жайпур атрофларида аҳоли кўп, шунинг учун ов қиладиган жонивор кам. Подшоҳнинг араваларга ортиб келинган читалари ва уларни қўлга ўргатган читабонлар ўзларига иш тополмай, аҳолига тамошо бўлиб қолдилар.

Ҳиндлар читани йўлбарсдан ҳам хатарлироқ йиртқич деб ҳисоблайдилар. Бели ингичка, думи ва танаси узун, бутун териси оқ-сарғиш хол-холлардан иборат бу йирик қоплон ниҳоятда қаққон бўлади, қаттиқ сакраса, ҳатто филнинг устига чиқа олади. Энг чопқир кийикни ҳам қувиб етади. Гоҳ ўрмонда одамхўр читалар ҳам учраб туради.

Шундай хатарли йиртқични қўлга ўргатиб, қафасда олиб юрган читабонларнинг димоғлари баланд, ўзларини подшоҳнинг суйган овчилари қилиб кўрсатиб, жайпуриликларга дўқ-пўписалар ҳам қилишади.

Бир жойда яхши кийинган ўрта яшар киши темир қафасга яқин келиб читани тамошо қилар экан, читабон бу одамнинг оёғидаги чиройли этикка хуштор бўлиб қолди. Бирдан қафаснинг оғзини очди-ю, читанинг бўйнидаги чарм ҳалқасидан тутиб:

— Этикни еч! — деди ҳалиги одамга.— Ечмасанг, ҳозир читани қўйиб юборурмен, сени тилка-пора қилгай!

Читанинг сарғиш кўзлари оловланиб, ўзи ириллаб турарди. Кўрқиб кетган бечора томошабин чиройли этигини читабонга ечиб берди.

Бойвачалардай яхши кийинган одам ялангоёқ юришдан қийналиб, товонига тошлар ва тиканлар қадалиб келаётганда Акбар қаршисидан чиқиб қолди. Ялангоёқ киши ййглаб туриб:

— Ҳазратим, адолат қилинг! Арзимни тингланг! Ҳазратим! — деб мурожаат қилди. Акбарнинг ишораси билан беклар ва кўриқчилар ялангоёқ кишига йўл бердилар. Акбар бугун от минган эди. У от устида туриб яланг оёқ кишининг арзини эшитди-да:

— Қани, юринг, ўша читабонни бизга кўрсатинг! — деди.

Читабон тортиб олган этигини аллақачон оёғига кийган, эски этиги қафас олдида турар эди. Акбардан кўрқиб, ҳалиги одамнинг этигини дарров ечиб бера бошлади. Булажак қайнатаси Бҳари Малнинг олдида қаттиқ хижолат чекаётган Акбар:

— Бу читабон бизнинг хизматимиздаги барча одамлар шаънига доғ тушурмишдир! — деди ва чап томонда турган бекка мурожаат қилди: — Жаноб Чиғатойхон, ҳукмиимизни жарчилар Жайпур аҳолисига эълон қилсинлар! Махсус фармон ёзиб, барча вилоятларга юбортиринг, токи бутун мамлакат огоҳ бўлсин. Бизнинг хизматимизда юриб аҳолига зулм ўтказадиган, зўравонлик билан унинг кийим ёки буюмларини тортиб оладиган кимсалар шафқатсиз жазо олулар! Мана бу читабон майдонга олиб чиқилсин, бировнинг этигини тортиб олиб кийган оёғи кесиб ташлансин!

Уша кунни бу фармон халойиқнинг кўзи олдида амалга оширилди. Баъзилар абадий чўлоқ бўлиб қолган читабонга ачинсалар ҳам, лекин кўпчилик Акбарни адолати ва қатъияти учун мақтай бошлади.

* * *

Куёв томондан беш юз одам келган, улар ҳаммаси рожа Бҳари Малнинг қасрига сиғмайди. Акбар Жайпурдан етти мил берида Санганир деган кўкаламзор, хушманзара жойни ўзига қароргоҳ қилиб танлади. Мавкабнинг юкларини ва чодирларини бир неча юз туялар, филлар ва хахирлар кўтариб келмоқда эди. Махсус одамлар тоғ этакларидаги кўкаламзорга уч юзта ранг-баранг чодир тикдилар. Улар орасидаги энг ҳашаматлилари Акбар учун, унинг онаси, энагалари ва бошқа яқинлари учун ўрнатилди. Бўлажак келинкуёв учун меҳтарлар¹ икки қаватли кўшкни эслатадиган болохонадор чодир қуришди. Бу чодирнинг ўтов керагаларига ўхшаган ййғма ёғочлари энг қаттиқ маҳва дарахтидан ясалган. Унинг синчга ўхшаган йўғон хариларини филлар кўтариб келиб, хартумлари билан тиклаб берадилар. Икки ошёнли, зинапояли бинонинг ёғоч «қовирға»лари бири-бирига маҳкам уланиб, яхлит ва мустаҳкам «кути»га айлангандан сўнг, устига чодирнинг қалин ва гўзал пуштиранг матоси тортилди.

Ҳамида бону мана шундай бахмал мавсумда Синд вилоятининг Потхур деган жойида, чодирлар ичида Ҳумоюн билан ўтказган унутилмас дамларини эслар, Акбар — ўшандаги оловли муҳаббатнинг маҳсули эканини ўйлар, энди шу ўғли севиб қолган ҳинд қизи ҳам табиат бағрига ўрнатилган чодирда ҳақиқий бахт топишини истар эди.

Бироқ куёв-келинининг икки динга мансублиги ва никоҳни икки жойда, икки хил ўқитиш муаммоси онани ташвишга солмоқда эди. Ҳиндча никоҳ ўқийдиган пурохитлар² қиз томонда бор, аммо икки динни баробар кўрадиган садр ёки шайх топиш қийин. Бегим Салим отага мактуб ёзиб Чиғатойхон Тошкандийдан бериб юборди.

«Тақсир, ёшлик пайтимизда сизнинг отангиз ҳам Жамна бўйида тўй қилиб, тўнғич ўғлини ҳинд қизига ўйлантирмоқчи бўлганини айтиб берган эдингиз. Ушанда мусулмон мутаассиблари ҳам, жоҳил бараҳманлар ҳам бунга қарши чиқиб, тўйни бузганлари, отангизни зиндонга ташлаганлари ёдингизда бордир. Йиллар ўтиб, замонлар ўзгарди. Ўғлимиз Акбаршоҳга мен каби оқ сут берган ҳинд энага Рупа биби ҳозир менинг ёнимда. Ушанда отангиз амалга оширолмаган ҳинд-мусулмон тўйини энди биз ўтказмоқчимиз. Шунга сизнинг иштирокингиз ва кўмагингиз зарур бўлиб қолди. Биз ўрмон ичида, табиат бағрида турибмиз. Бу ер — подшоҳ саройи эмас. Шунинг учун албатта ташриф буюрасиз деб умид қилурмен.

Ихлосмандингиз Ҳамида бону бегим».

Бу мактубни олиб жўнаган Чиғатойхон уч кун бедарак кетди. Тўй охишлаб бормоқда. Эртага кечаси никоҳ ўқитилиши керак. Бегим кейин билса, Салим ота отга минишни истамабди. Чиғатойхон унинг пиёда юришига мосланиб бир кунлик йўлни уч кунда зўрға босиб ўтибди. У навкарини олдинроқ юбориб, бу воқеадан Акбарни ва бегимни хабардор қилди. Салим отанинг Деҳлидаги Ҳумоюн қабрига ҳам ҳаж қилган каби пиёда борганини Акбар онасидан эшитган эди. Мўйсафиднинг ҳурмати учун Акбар ҳам қароргоҳ четигача пиёда бориб, Салим отага пешвоз қўқди. Уни фарзандларча эҳтиром билан кутиб олди-да, олдиндан тайёрлаб пўйилган меҳробли чодирга олиб кирди. Салим отани тўрға ўтказиб, ўзи пастроққа чўкка тушди:

— Тақсир, мен сизнинг таърифингизни Сирҳинда Абдулла Ниёзийдан эшитган эдим.

¹ Меҳтарлар — чодир тикувчилар.

² Пурохит — ҳиндларнинг домла-имомни.

— Ҳа, Абдулла Ниёзий Биана халқини Исломошох зулмига қарши кўтарган жуда жасоратли одам эди.

— У киши сизнинг тўғрингизда ҳам худди шундай фикрда эканлар. Кейин ҳазрат онам менга кўп воқеаларни айтиб бердилар. Отамига унутилмас яхшиликлар қилган экансиз. Мен сизни маънавий отамдек азиз билурмен...

Дастурхон ёзилиб, тўй зиёфати ейилгач, Салим ота ташқарига чиқмоқ учун ўрнидан турди. Шунда Акбар уни отасидай эъозлаб, кавушини оёғи тагига тўғрилаб, жуфтлаб қўйди. Аммо Акбарнинг тенгдоши ва кўкалдоши Адҳамхон шайх Салимнинг ялангоёқ эшакчилар орасидан чиққан камбағал йигит бўлганини Моҳим бибидан эшитган эди, шунинг учун чолни писанд қилмай, киноя билан тиржайиб кулди.

Акбар тиржайган кўкалдошига «ҳаддингдан ошма» дегандек тикилди. Бироқ Адҳамхон тап тортмай кўзини Акбарнинг кўзига қадади: «Шу исқирт чолга кавуш тўғрилаб бериб, бизни ҳам ерга урдингиз, ахир биз сизга таъзим қилиб, юкуниб юрибмиз!» димоқчи бўлди. Акбар Адҳамхоннинг нақадар талтайиб кетаётганини шунда пайқади.

Келинни олиб келиш учун бораётганларида Адҳамхон унинг ўнг томонида энг яқин куёв жўраси бўлиб бормоқчи эди, бироқ Акбар ўнг ёнига иккинчи кўкалдоши Азизни олди. Адҳамхон орқа қаторда қолиб, қовоғи бирдан осилиб кетди.

* * *

Жайпур тоғларининг улкан бир қояси устига қурилган рожа Бҳари Малнинг қалъасида бир ҳафтадан бери маъюз қуйлар янграйди, қизлар давра қуриб, туғилган даргоҳ билан хайрлашув қийинлиги ҳақида ашула айтадилар. Азалей удум шундай: куёв томонда нақоралар «така-тум» қилади, карнайлар қувнаб «ҳа-ҳо»лайди, чунки оилага янги бир одам — гўзал келин қўшилади. Аммо қиз ўстирган ота-она жигарпорасини узатади. Қиз бу даргоҳдан йиғлаб чиқиб кетмаса, ота-онанинг кўнгли жойига тушмайди.

Бироқ Акбар карнай-сурнай чалдириб, ўз одамлари билан Бҳари Малнинг қалъасига кириб келганда, қувноқ тўс-тўполон бошланди. Ҳинд одатига биноан, Акбар қиз турадиган ҳовлига қилич тақиб, отлиқ кириб борди. Унинг ёнида куёв жўраларидан ташқари, Рупа энага ҳам бор. Ҳиндча расм-русумларни Акбар ва унинг одамларига Рупа энага ўргатиб турибди.

Ясалган келинчак бир тўп дугоналари билан гулшодалар кўтариб, уйдан Акбарга пешвоз чиқди. Қизлар ёр-ёрни эслатувчи қўшиқни айтишиб, қўлларидаги гулшодаларни Акбар минган отнинг бўйнига осдилар. Ҳайрон исмли бу от хушбўй гулшодалар ва гўзал қизлар орасида чиндан ҳам таажужбга тушгандай кўзларини катта-катта очиб турарди. Ниҳоят, келинни отнинг гулга кўмилган бўйни остидан олиб ўтдилар.

Бундай юксак эҳтиромдан сўнг куёв отдан тушди. Жадҳа Бай унга таъзим билан яқинлашди-ю, энг сара гуллардан қилинган ва «сваямвар»¹ деб аталадиган катта гулшодани Акбарнинг бўйнига осди. Шундан сўнг келин-куёв гулшодалари тизим-тизим қилиб ясалган ва махсус меҳроб ўрнатилган гулчодирга кирдилар. «Йўллари оқ бўлсин» деган ниятда гулчодирнинг четига ун ва гурунч сепиб қўйилган. Меҳроб қаршисида иккита сербезак курси турибди. Келин-куёв шу курсиларга ёнма-ён ўтирдилар. Келиннинг ёнидан унинг ота-онаси ва бошқа яқинлари жой олишди. Куёвнинг ёнига Рупа энага ва кўкалдошлари ўтиришди.

Қоидага биноан, пурохитлардан бири йигитнинг қўлидан, иккинчиси қизнинг қўлидан олди-да, икки панжани бирлаштирди. Акбар қизнинг майин қўлчаси тафтини ўз кафтида ҳис қилди. Пурохитлар Акбарнинг елкасидаги шоҳи фўтанинг учини қизнинг эғнидаги зарбоф сарининг учига секин боғлаб қўйди.

Сал нарида муқаддас олов ёниб турибди, хушбўй ҳид берувчи гиёҳлар тутатилмоқда. Қўллари чирмашган, фўта ва сарилари бир-бирига боғланган келин-куёвни пурохитлар олов атрофидан етти марта айлантириб ўтказдилар. Бу айланишлар билан меҳру оқибат, поклик, болажонлик, ота-онага эҳтиром, садоқат, одоб каби оилавий ҳаётнинг еттита энг муҳим талабига риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар.

Никоҳ маросимининг охирида қизнинг отаси фотиҳа бериши керак эди. Одатга биноан, Бҳари Мал ўзининг ва уруғининг номини айтиб сўз бошлади:

— Мен, Рожа Бҳари Мал, ўттиз олтита ражпут қабилалари қаторига кирадиган Калваҳа уруғининг бошлиғимен. Тарихдан маълумки, бизнинг энг қадимги аجدодларимиз арийлар бўлган. Улар Ҳиндистонга шимолдан, Мовароуннаҳру Хуросон томонлардан келган оташпарастрлар деб эшитганмен. Ҳазрат подшо, сизнинг аجدодларингиз ҳам шимолдан келганлар, қадим замонда улар оташпарастр бўлганлар. Тақдир тақозоси билан минг йиллар олдин бир-бирларидан ажрашиб, турли мамлакатларга уруғ каби сочилиб кетган авлодлар, эҳтимол, бугун сизларнинг тимсолингизда яна топшимоқдандирлар. Мен ўз қизимни сизга инъом қилурмен. Билурсизки, инъом қайтиб олинмайди. Қизим бу даргоҳга энди фақат меҳмон бўлиб келмоғи мумкин!

¹ Сваямвар — «ўз дилидагини танлаш» деган маънони билдиради. Ривоятга биноан, қадимда қизлар йигитларнинг қайси бирини ёқтирса, шу гулчамбарни унинг бўйнига солган.

Акбар кафтига тафти уриб турган нафис қўлчани меҳр билан қисиб қўйди. Келинни тахти равонга ўтказиб, карнай-сурнай садоси остида қароргоҳга олиб қайтганларида тўн ярмидан ошган, лекин ҳамма уйғоқ машъала ва гулханлар ёқилган эди. Уларнинг ёруғида келин-куёвни Ҳамида бегим ва бошқа яқинлари кутиб олиб, улкан саропарда ичига бошлаб кирдилар.

Хумоюн жорий қилган анъана бўйича, келин-куёв аввал «Давлат уйи» деб аталадиган биринчи хонага кирдилар. Бу ерда уларни вазиру амирлар таъзим билан қарши олиб, муборакбод қилдилар ва қимматбаҳо совғаларини топширдилар. Саропарда ичидаги иккинчи муҳташам чодир «Саодат уйи» деб аталар эди. Бу уйда куёв-келинни янги малла тўн кийган, оқ салла ўраган Салим ота кутиб олди ва икковларини қаршисига ўтқизиб, никоҳ ўқиди.

Шундан сўнг келин-куёв саропарда тўридаги икки ошиёнлик «мурод уйига» йўл олдилар. Акбар бу уйда қиз билан яккама-якка қоладиган дамларни толиқиб кутмоқда эди. Одатга биноан, бу уйнинг биринчи қаватига дастурхон ёзилган, янгалар келин-куёв учун энг нодир таомлар тайёрлашган эди.

Жадҳа Бай Акбар билан бир дастурхондан овқат ейишга журъат этмай, ўзини четга тортди. Ҳинд одобига биноан, келин куёвни ўзидан беқиёс даражада юқори кўяди, хотин эрни илоҳий бир юксакликда кўради. Шунинг учун куёв билан бир дастурхондан овқат ейиш — келинчак учун одобеизлик саналади. Жадҳа Бай ҳам Акбар овқат еб бўлгунча дастурхонга яқин келмоқчи эмас, бир четда одоб сақлаб турмоқчи эди. Акбар аввал ҳам эшитган бу одатлар эркак зотининг обрўсини афсонавий бир юксакликка кўтаришини, келин ўз куёвини худо ўрнида кўришини Жадҳа Байнинг ҳозирги одобида юракдан ҳис қилди-ю, қайлиғига меҳри товланиб шивирлади:

— Мен сизнинг хонадонингизда ҳиндча одатларга риоя қилдим-ку. Энди сиз бу ерда туркий одат бўйича мен билан бирга таом ейишингиз керак. Қани, олинг.

Акбар бедана кабоб солинган олтин лаганни қаллиғига яқин сурди. Аммо Жадҳа Бай болалиқдан онгига сингган одатни буза олмади. Акбарнинг олдида овқат чайнашдан уялди. Янгалар келин-куёвга асал қўшилган чой келтирдилар. Акбар ўзи ичган асал чойдан Жадҳа Байга ҳам озгина ичирди.

Қиз ота-онаси билан хайрлашганда қаттиқ йиғлаганди, ҳозир ҳам хомуш кўринарди. Акбар ҳазил билан унинг кўнглини ёзмоқчи бўлди:

— Рани Жадҳа Бай, саройда шахмат ўйнаганимиз ёдингиздами?

— Ҳа.

— Ўшанда сиз менинг фарзинимни... ютиб келган эдингиз-а?

Жадҳа Бай энди жилмайди:

— Бекор қилган эканмен.

— Нечун?

— Қасос қайтди. Мана, фарзинингиз ўрнига сиз мени ютиб олдингиз.

Қизнинг ширин жавоби Акбардаги бахт туйғусини янада ошириб-тоширгандай бўлди.

* * *

Ҳиндлар орасида минг йиллардан буён ахлоқ-одоб низоми ҳисобланадиган ва муқаддас саналиб ижро этиладиган Ману қонунлари Жадҳа Байнинг қон-қонига кичиклигидан сингдирилган эди. Унинг эътиқоди бўйича, аёл киши умрида фақат бир марта эр қилиши мумкин. Агар эри ўлса, беванинг бошқа эрга тегиши мумкин эмас. Бева ё эрининг жасади билан бирга оловда ёниб ҳалок бўлиши керак, ёки қолган бутун умрини эрига аза тутиб, қунига фақат бир маҳалгина овқат ейиши, то ўлгунча мотам кийимида хор, забун аҳволда яшаши керак. Ману ҳинд аёлига эрининг ҳаётини ўз ҳаётидан ҳам ортиқроқ эъозлашни ва уни ўз тангриси ўрнида кўришни буюрган. Фақат шу буйруқни сўзсиз бажарган аёлларгина ҳинд тангрилари Брахма, Шива, Вишнуларнинг марҳамати-га сазовор бўлишига Жадҳа Бай сўзсиз ишониб ўрганган.

Аёлларга нисбатан шафқатсиз Ману ҳиндларнинг олий табақасига мансуб эркакларга тўрттадан хотин олиш ҳуқуқини берган. Лекин бадавлат ҳукмдорлар юз-икки юзтагача хотин олсалар ҳам ҳинд дини бунга қарши чикмас эди. Жадҳа Байнинг отаси ўн еттита хотин олган, улар ҳаммаси эрларини тангри ўрнида эъозлашга тиришар ва ҳарамда мураса билан яшар эдилар. Буни отасининг уйда кўриб ўсган Жадҳа Бай Акбарнинг бошқа хотинлари борлигига ҳам тез кўникди. Жадҳа Байнинг гўзал жисми ва қалби каби, унинг ахлоқ-одоби ва эрни бу қадар эъозлаши ҳам Акбарни ўзига маҳлиё қилди. Келинчак ҳар куни уч маҳал ибодатдан олдин оёқдан юзгача яхшилаб ювинар ва олий тангрилари ҳузурига гўдақдай пок бўлиб борарди. Ҳиндистоннинг иссиқ иқлимида таҳорат ўрнига бутун танани уч маҳал ювиб поклаш, ғусулни албатта оёқдан бошлаш, охирида юзни ювиб, оғизни хушбўй дори гиёҳлар қўшилган сув билан чайиш одамни

¹ Афсонага кўра, Ману — инсон зотининг илк бобокалони экан. Ҳиндлар уни ўзларининг биринчи пайғамбарлари деб билган. Ману қонунлари шариат ва тариқат кучига эга бўлган.

нечоғлик тетик ва латиф қилишини Акбар Жадҳа Бай орқали яқиндан билди. Жадҳа Байдаги жозиба унинг гўзал ҳуснидангина эмас, ахлоқ ва одобидан ҳам келиб чиқишини сезган Акбар ёш хотинининг имону эътиқодини асраб-авайлашга ҳаракат қиларди. Жадҳа Бай Жайпурда ҳар кунни ибодатхонага борарди, чунки у илоҳий деб ишонган ҳинд тангриларининг ҳайкаллари фақат ибодатхонага қўйилар, уларга уйда сиғиниш мумкин эмас эди. Шунинг учун Акбар Агранинг Лаъл қалъасида Жадҳа Бай учун махсус бутхона қуришни буюрди.

Шу сабабли Жадҳа Бай билан бирга Акбар саройига бараҳман ва пурахитлар ҳам кириб келдилар. Жадҳа Бай учун ажратилган ибодатгоҳда шулар хўжайин бўлиб олиб, Шива, Дурга ва бошқа тангриларнинг ҳайкалларини ўрнатдилар. Ҳарамда Жадҳа Бай учун ажратилган хоналар ҳам Жайпурдан қизнинг сепи билан келган хонаки маъбудаларнинг ҳайкалчалари билан тўлди. Ҳинд келинчак учун очилган сўқмоқдан унинг қариндошлари ҳам саройга кириб келдилар. Синглисини биринчи марта Деҳлига, тўйга олиб келиб, Акбар билан таништирган Бҳагван Дасга амири духазори¹ деган катта мансаб берилди. У ўзининг рожпурт йигитларидан икки минг отлиқни Акбар хизматига олиб келди. Бу отлиқларнинг маошини Акбар ўз хазинасидан тўлай бошлади. Бҳагван Даснинг ўн тўққиз ёшлик девқомат ўғли Ман Синхни Акбар хос мулозимлари қаторига қўшди.

Бутпарастликдан балодан қўрққандай ҳазар қиладиган тақводор уламо ва садрлар бундан қанчалик норози бўлиши Акбарга маълум эди. «Подшомиз кофирларни эркалатиб, бошимизга чиқармоқда!» деган гаплар ҳали-ҳозир ичкариларда шивир-шивир нолиш тарзида айтилаётган бўлса ҳам, хуфялар орқали Акбарга етиб кела бошлади. Шайхулислом Абдулла Ансорий ўзига қўл берган Адҳам кўкалдош ва Баҳодирхонлар билан зиёфатларда бирга эди. Уларга охир замон яқинлашаётгани тўғрисида таҳликали кароматлар қиларди:

— Яъжуж-маъжуж деганлари саройга ёпирилиб кириб келаётган мана шу маъжусийлардир! — дерди. — Подшомиз қайнағаси Бҳагван Дасдан баттар яна бир маъжусий рожани саройга олиб келибдир. Ашула айтадиган қизиқчи рожа — Бирбал подшомизни ўзига ром қилиб олаётган эмиш. Наҳотки бизнинг ботир бекларимиз динимизнинг поклиги учун жон койитмасалар? Мусулмонободни сақлаб қоладиган мард ғозийлар қани?

«Мана, мен!» деб, юрак ютиб майдонга чиқадиган ва Акбар билан олиша оладиган беклар саройда деярлик йўқ эди. Фақат Моҳим энаганинг даврида хони аъзам унвонини олган Адҳамхон ёшликда Акбар билан «тепишиб» катта бўлгани учун ундан ҳайиқмас эди.

Ансорий билан Адҳамхон Байрамхонга қарши бирга курашган эдилар, уни Патанда яшириқча ўлдириш маслаҳатини бирга қилган эдилар. Адҳамхон ўша кезде Ансорийнинг сирдош муридига айланган эди. Иккови ёлғиз қолганларида Адҳамхон пирига мақтаиб ҳам қўярди:

— Подшомиз ҳозир жуда ҳаво бойлаб кетди. Аммо беш-олти ёшарлигимизда биз у билан «Байрамхон» ўйнар эдик. Байрамхон бўлгиси келган бола ўйин қондаси бўйича шапати ейиши керак эди. Ушанда мен Акбарнинг юзига аямай шапати урганман. Кўзлари ёшланиб кетса ҳам «финг» деялмаган!

— Ботирсиз! — деб Ансорий Адҳамхонни мақтаб кетди. — Ҳозир бутун мамлакатда сиздан дадил, сиздан нуфузли амир йўқ Рожа Бирбал саройда ҳаддидан ошиб, сиздай буюк бека ҳам тил текизгани ростми? — деб сўради.

Адҳамхон бу нохуш ҳодисани эслаганда юзи бирдан буришиб:

— Саройда эмас, дарё бўйида, — деди.

Акбар, Адҳамхон, Бирбал ва яна бир қанча мулозимлар Жамна бўйида бузоқлар ўтлаб юрган жойдан пиёда сайр қилиб ўтаётганларида, гап айланиб кўкалдошликка келди. Адҳамхон ўзининг кўкалдошлигидан ортиқ даражада керилиб юришини рожа Бирбал ҳам сезган эди. Акбар ундан:

— Соҳиб Бирбал, сизнинг ҳам кўкалдошингиз бўлганими? — деб сўради.

— Бўлган, ҳазрат подшо.

— Ким?

— Ҳазратим, айтсам одобсизлик бўлмай!..

Рожа Бирбалнинг қизиқчиликларини ёқтирадиган Акбар:

— Айтаверинг, биз учун одобсизлик саналмай! — деб уни қўймади.

Рожа Бирбал ўтлаб юрган ёввош бир бузоқни етаклаб келди:

— Онамнинг сути етмагани учун болалигимда сигир соғиб беришган. Шу сабабли менинг кўкалдошим — мана шу бузоқ!

Акбар хаҳолаб келди. Лекин Адҳамхон бу гапни ўзига олиб, «рожа мени бузоққа тенглаштирди» деб аччиғи келди. Ансорий ҳозир унинг ўша эски аламини янгилай бошлади:

— Рожа маъжусий бўлгани учун сигиру бузоқни муқаддас билур. Аммо сизу биз учун онанинг оқ сути наҳотки... шундай латифага муносиб кўрилса!

Адҳамхон белидаги ханжарнинг сопини ғазаб билан ғижимлаб:

¹ Духазори — иккимингбоши.

— Тангри ҳақи, мен бу рожадан қасд олмоғим керак! — деди.

— Жаноби хони замон, биттасини йўқ қилсангиз, бошқалари қолур. Биз... Мунимхонни кетказиб, ўрнига сизни вакили салтанат қилиб кўтармоғимиз керак.

Ўзи ҳам шу юксак лавозим орзусида юрган Адҳамхон сувга ташланган балиқдай яйраб:

— Миннатдормен, пийрим! — деди. — Аммо подшо бунга кўнмаса-чи?

— Кўплашиб ҳаракат қилсак, подшо ҳам кўнгай. Ахир сиз унинг бирга ўсган энг қадрдон тенгдошисиз. Онангизга подшонинг ишончи баланд. Пайтини топиб айтсинлар. Мен ҳам барча уламолар номидан сизни тавсия этай. Ўзингиз ҳам бўш келманг, тарафдорларингизни ишга солинг!

Шу маслаҳат бўйича Адҳамхонни Мунимхоннинг ўрнига вакили салтанат қилиб кўтариш ҳаракати бошланди. Бу ҳаракат Акбардан сир тутилди. Чунки шайх Ансорий Адҳамхонни Акбарнинг янги сиёсати ва саройда ғайридинларнинг кўпайишига қарши ғов қилиб кўтармоқчи бўлгани мутлақо сезилмаслиги керак эди.

Деҳли вилоятининг ҳоқими Шаҳобиддин ҳам жияни Адҳамхон томонга ўтди. Энг ифлос фитналарда қатнашиб мансаб эгаллаган Афзалбек — Муборизхон ўз ҳомийси Адҳамхонни вакили салтанат қилиб кўтариш учун яна ҳар қандай қотилликка тайёр эди. Чунки у Адҳамхоннинг юксалишига ёрдам берса, ўзининг мартабаси янада ошишига, келажакда бирор вилоятнинг ҳоқими бўлишига ишонарди.

Моҳим энага ҳали ҳам Акбарга меҳрибон, унинг ҳинд энагаси Рупа бибини ва ёш хотини Жадҳа Байни қўлидан келганича эъозлайди. Шу билан бирга, у яхши кўрган ўғли Адҳамхоннинг мартабаси янада ошишини ва унинг вакили салтанат бўлишини истайди. Мана шу истак энагани беихтиёр яширин кураш гирдобига тортди. Энага бунинг оқибати ёмонлигини тасаввур этмасдан ва Акбарнинг янги сиёсати қарши боришни ўйламасдан, «фақат ўғлимни Мунимхоннинг ўрнига вакили салтанат қилсам бас, орзуйим ушалгай» деган ниятда Маҳдумул Мулуқ билан тил бириктирди.

Саройда катта нуфуз қозонган Моҳим энага бош кўшгандан сўнг яширин гуруҳ катта кучга айланди. Адҳамхон гоҳо ширакайф юрар, Мунимхонга: «Жон керак бўлса ўринни бўшат!» дегандек таҳдидлар қилар эди. Юмшоқтабиат Мунимхон Байрамхондай одамни мавҳ этган бу гуруҳдан қўрқар, Моҳим энага билан Адҳамхоннинг қовоғига қараб турар эди.

Мунимхоннинг Моҳим энага ва Адҳамхон тазъийқига бардош бераолмаслигини Акбар ҳам сезди. Ҳеч кимга билдирмай, Кобулга махфий мактуб юборди, Шамсиддин аткани пойтахтга чақиртирди.

Бу орада жанубий вилоят Малвада Шерхон сур авлоди Бўз Баҳодирга қарши юриш бошланди. Акбар Адҳамхонга катта ишонч билдирган бўлди-да, ўн минг кўшинга уни саркарда қилиб, Малвага жўнатди.

— Бўзбаҳодир саройида Рупмати деган машҳур хонанда қиз бор экан, шуни Аграга тирик олиб келинг! — деб буюрди.

Адҳамхон Малвада юрганда Шамсиддин атка Кобулдан етиб келди ва Мунимхоннинг ўрнига вакили салтанат қилиб тайин этилди. Шу орада Адҳамхон ҳам Бўз Баҳодирни енгиб, катта ўлжалар билан Малвадан қайтди.

Шамсиддин атка фақат Акбарнинг измига бўйсунар, Моҳим энага билан Адҳамхонни давлат ишларига аралаштирмасликка тиришарди. Акбар ўзининг қизил муҳрини энагасидан қайтариб олиб, Шамсиддин аткасига берган эди.

Бундан кўнгли чўккан Моҳим энага кўзига ёш олиб Акбардан ўпкалади:

— Ахир Адҳамхон — болаликдан бирга ўсган содиқ кўкалдошингиз-ку, ҳазратим! Вакили салтанат бўлса, сиз учун жонини бермас эдими?

— Кўкалдошим сал камтар бўлмоғи керак, улуғ эна! Мен ўзим Адҳамхон билан сўзлашгаймен. Сиз бу ишлар тўфайли кўп койинманг. Давлат иши шафқатсиздир. Сиз эса мушфиқ онасиз. Амал талашилардан узоқроқ юргангиз маъқул. Шунча машаққатлар билан фарзанд ўстирдигиз, келинлар туширдигиз. Энди уйда ўтириб шуларнинг роҳатини кўринг. Уйда зериксангиз, ўзингиз очган қизлар мадрасасига боринг. Ўқишни истайдиган қизлар кўп эмиш, эски бино кичиклик қилса, балки ҳовли тўрида янги бино қурдиргаймиз. Менинг онам ҳам мақбара қурилиши билан овуниб, давлат ташвишларини унутди. Оналаримиз энди фақат савоб ишларни қилсинлар, безовта, нотинч давлат юқини биз Шамсиддин атка билан кўтарайлик.

Акбар майин гаплар билан энагасини давлат ишларидан четлатаётганини сезган Моҳим биби куюниб яна кўзига ёш олди:

— Майли, биз энди... кераксиз бўлиб... четга чиқайлик... Лекин Адҳамхон... шунча йиллик қадрдонингиз...

— Адҳамхонга менинг қилча ҳам кудуратим йўқ. Фақат унинг ўзи амалпарастлик кўчасидан чиқмоғи керак. Бу кўча не-не одамларни адаштириб, маҳв қилиб юборганини ўзингиз билурсиз.

— Уни бу кўчага судраган ёмон одамлар бор, ҳазратим. Адҳамни ўшаларнинг дастидан фақат сиз қутқармоғингиз мумкин!

— Хўп, сиз учун мен уни ёмонлар дастидан юлиб олишга уриниб кўрай. Аммо.

сиз ҳам Адҳамхонга айтинг, ўзи улардан қутулишга интилмаса, четдан минг одам уринганда ҳам қутқаролмагай. Мен буни раҳматли амаким Комрон мирзонинг тақдирида кўрганмен.

Моҳим энага Акбарнинг бу гапларини ўғлига ўша куниеъ етказди. Бироқ энди Адҳамхон ўзининг Муборизхон каби сирдошлари билан орани узолмайдиган даражага етган, уларни бир-бирларига маҳкам боғлаб турган аввалги жиноятлари ҳам бор эди.

* * *

Адҳамхоннинг уч минг кишилик беку навкарлари орасида Афзалбекни эслатадиган одам борлигини Акбар бир йил бурун онасидан эшитган, лекин буни тафтиш қилиб кўриш учун ҳалигача фурсат топмаган эди. Энди Адҳамхонни ёмон одамлар дастидан қутқаришни Моҳим энага ҳам илтимос қилгандан сўнг Акбар Шамсиддин аткани ўз хузурига чақиртирди-да:

— Сиз отам бор пайтда хизмат қилган сипоҳиларни яхши билурсиз, — деди. — Адҳамнинг мансабдор сипоҳиларини бир-бир тафтишдан ўтказинг. Уларнинг орасида хоин Афзалбек бошқа ном билан юрганмиш.

Шамсиддин атка Афзалбекни Кобулда, Комрон мирзо хизматида кўрган эди. Адҳамхон билан Акбар у пайтда икки-уч яшар бола бўлганлиги сабабли уни унутиб юборган эдилар. Шамсиддин атка Адҳамхоннинг мансабдор сипоҳиларини саройга битта-битта чақириб суҳбатлашганда Муборизхоннинг овози ва кўзлари унга бирдан Афзалбекни эслатди. Бундай ғаламисларга шафқат қилмайдиган Шамсиддин атка Афзалбекни минг қийноқларга солиб тергов қилди. Ҳумоюнга ва Низомга қилган хиёнатларидан тортиб, Байрамхонга айғоқчи бўлгани ва Акбарнинг устидан чақимчилик қилганларигача, ундан сўнг Адҳамхонга сотилиб, Патанда Байрамхоннинг бошига етганигача — ҳаммасини бир-бир бўйнига қўйди. Терговчи унинг жиноятларини қоғозга ёзиб, ўзига имзо чектирди. Шамсиддин атка кечки пайт Акбарнинг хонайи хосига тергов қоғозини олиб кириб, ўқиб берди.

Битта одамнинг йигирма беш йил давомида шунча ёвузликлар қилишга улгурганидан ақли танг қолган Акбар жаллодни чақирди-ю, ғазаб билан буюрди:

— Бу аблахнинг чақимчилик қилган тили, хоинлик қилган иликлари, Байрамхонни ўлимга бошлаб борган оёқлари бир-бир кесилсин, ундан сўнг бутун вужуди халойиқнинг кўзи олдида парчалаб ташлансин! Бу ҳукм бутун пойтахтга, барча вилоятларга эълон қилинсин, токи бошқа ёвузлар ҳам умрлари қандай тугашини билиб қўйсинлар!

Жаллод бу ҳукмни эртага жазо майдонида амалга ошириш учун тайёрлик кўргани кетди. Акбар ўзини сал босиб олгунча Шамсиддин атка сукут қилиб турди. Сўнг тергов қоғозининг Адҳамга оид жойини кўрсатди.

— Шундай хоинни воситачи қилиб, Байрамхонни яшириқча ўлдиртирган одамлардан бири — Адҳамхон экан. Уни не қилайлик?

Акбар яқиндагина йиғлаб келган Моҳим энагани эслади.

— Начора? Адҳамхонни шу бугун кечаси чақиртириб, Афзалбек билан юзлаштинг. Агар жинояти рост чиқса, Адҳамхонни ҳам ҳибсга олинг. Қандай жазо беришни кейин ўйлаб кўрайтмиз.

Шамсиддин атка қабулхонасига чиққанда қоронғи тушиб қолган, қандиллардаги шамлар ёқилган эди. У шу кеча жиноятчиларни юзлаштириб улгуриши керак, чунки эртага Афзалбекни жаллод парча-парча қилиб ташлайди. Шамсиддин атка Адҳамхонни подшонинг фармойиши бўйича зудлик билан саройга етказиб келиш учун уйига махсус одам юборди.

Вакиллик лавозими Шамсиддин аткага берилганидан буён Адҳамхоннинг аткани кўрарга кўзи йўқ. Шунинг устига сирдош беки Муборизхонни атка ҳибс қилди-ю, Адҳамхоннинг дилидаги адоват яна бир даража ошди. Саройнинг эркаси бўлиб ўрганган Адҳамхон энди шу атканиннг ҳаракатлари билан назардан қолаётганини сезгани сари алами ошиб, ундан қасд олишни кўнглига тугиб юрарди.

Бугун хуфтонда Шамсиддин атка уни терговга чақирганда Адҳамхон улфатлари билан маҳва гулидан қилинган арақни ичиб кайф қилиб ўтирган эди.

— Зудлик билан бориш керак бўлса, қани, Хушамхон, бирга юр, — деб каллакесар йигитини имлади.

Улар ички хонада тўнларининг тагидан ханжар тақиб олишди. Адҳамхон йигитига тушунтирди:

— Агар атка мени ҳам Муборизхонга ўхшатиб тутдирмоқчи бўлса, ўзининг жазосини бергаймиз!

Хушамхон тушунган маънода бош ирғади. Кейин иккови ҳам тўнларининг устидан одатдагидай қиличларини тақиб олишди.

Вакилнинг қабулхонасига кираверишда бу қиличларни ечиб олиб қолишди. Қабулхонада ўтирган терговчи Муборизхоннинг бўйнига олиб қўл қўйган жиноятларини ўқиб эшитдиран экан, Адҳамхон даҳшатга келди, Байрамхонни махфий қатл этдиришда унинг ҳам иштироки борлиги тилга олинганда:

— Бўхтон! — деб бақирди. — Буни ўзларинг тўқиб чиқаргансенлар!
Шу пайт тўрдаги эшик очилди-ю, Шамсиддин атка кириб келди:
— Жаноби Адҳамхон, ҳозир биз сизни Афзалбек — Муборизхон билан юзлаш-
тиргаймиз. Бўхтон бўлса, исбот эдинг.

Сири очилиши муқаррарлигини пайқаган ширакайф Адҳамхон:
— Мен у сотқиннинг юзини кўргим йўқ! — деди. Аини пайтда Шамсиддин аткага
қарши дилида тўпланган барча кеклар, адоватлар бирдан жунбишга келди. Кайфи бор-
лиги учун ўзини тиялмай бақирди:

— Сен мени ҳам ҳибс қилмоқчисен! Вакил бўлганинг озми?! Энди мен ўрнингни
олиб қўйишимдан кўрқиб бошимга етмоқчимисен?!

Уғли тенги йигитнинг «сен-сенлаб» айтган ҳақоратомуз гаплари Шамсиддин атка-
нинг ҳам аччиғини келтирди:

— Сен «кўкалдошмен» деб ҳовлиқиб кетдинг! Саройга кайф билан келибсен! Бу
кетийишда ўз бошинга ўзинг етгайсен!

— Йўқ, унғача сенинг бошинг кетгай! — Адҳам орқароқда турган Хушамхонга
ўгирилиб:

— Ур! — деди-да, ўзи тўн тагидан тақилган ханжарни сўғурди. Уларни қуролсиз
деб ўйлаб беҳавотир турган Шамсиддин атка белидаги қиличини олишга улгурмай
Хушамхон унинг бўйнига ханжар урди. Атканинг бўйнидан қон отилиб эшик томонга
қочганда Адҳамхон кетидан етиб бориб, биқинига тиғ санчди. Бу орада терговчи чақир-
ган соқчилар Хушамхонни уриб йиқитдилар. Аммо Адҳамхон юқори қаватларга қочиб
чиқиб кетди.

Соқчилар уни учинчи қаватдаги ҳарамнинг эшигигача қувиб бордилар. Адҳамхон
бичилган ҳабаш қоровулнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, Акбар ухлаб ётган хобгоҳнинг
йўлагига қочиб кирди. Ҳарамга киришга ҳаққи йўқ соқчилар ташқарида қолдилар.

Қотиллик қилиб, ақл-ҳушини йўқотган Адҳамхон ғайри шуурий бир тарзда Акбар-
дан паноҳ истаб, таъқиқланган ҳарамга кирди-ю, бир жойда тўхтаб туролмай, йўлак охи-
ридаги айвонга ўтиб кетди.

Ҳарамнинг ичма-ич хоналари тўрида Жадҳа Бай билан ухлаб ётган Акбар пастда
кўтарилган тўпалондан чўчиб уйғонган эди. Йўлакда ҳам шовқин эшитилгач, сапчиб ту-
риб, апил-тапил кийинди-да, етбордан йўлакка чиқди. Ранги-қути ўчган Рафиқ маҳрам
қандай фалокат юз берганини шоша-пиша айтиб берди. Акбар бундан бир неча соатгина
олдин тирик юрган аткасининг ўлдирилганига ишонгиси келмади. Унинг жасади пастда
ётганини эшитиб, зинапоядан пастга югурди.

Пастдаги қабулхонанинг эшиги бўсағасида Шамсиддин атка узала тушиб ётибди.
Акбар унинг бошини кўтариб:

— Атка! Аткажон! — деб чақирди. Танаси ҳали совиб улгурмаган, аммо жони йўқ.
Хумоюнни, Акбарнинг ўзини неча ўлимлардан олиб қолган бу мард, довжорак одам кўр-
қиб олдин мушт кўтарган номардлар дастидан ҳалок бўлгани Акбарга шундай таъсир
қилдики, аткасининг юзига юзини босиб йиғлаб юборди. Сўнг бирдан Адҳамни эсла-
ди-ю, қалбида интиқом туйғуси уйғонди: — Шундай одамни ўлдирган Адҳам!.. Қани
у қонхўр?

— Учинчи қаватда... Соқчилардан қочиб ҳарамга кириб кетди!

Акбар хобгоҳдаги Жадҳа Байни эслади. Ёш келинчак, қотилни кўриб кўрқса!..
Акбар энди юқорига қараб югурди. Девқомат икки соқчи ва Рафиқ маҳрам Акбарни
ҳимоя қилиш учун унинг кетидан ҳарам йўлагига чопиб кирдилар. Адҳам айвонда пусиб
турар эди. Қонли ханжари ҳали ҳам қўлида. Айвонга тушиб турган ой ёруғида кўзлари
қутурган йиртқичникидай чақнаб кўринди. Қуролсиз Акбар ҳансираб унга яқинлашар
экан:

— Не қилиб қўйдинг, аблаҳ?! — деди.

— Алам ўтказди, қасдимни олдим! — хириллаб деди Адҳам. У ўзини ҳақ қилиб
кўрсатмоқчи бўлаётгани Акбарнинг ғазабини яна бир даража оширди.

— Байрамхонни ўлдирганинг озмиди?! — деб кўкалдошининг юзига тарсаки урди.

— Бас! Сени ҳам ўлдиргаймен! — деди-ю Адҳам телбаларча бақириб, ханжарини кў-
тарди. Одам ўлдириб қутуриб кетган Адҳамга энди бари бир эди. У Акбарнинг кўкрагига
ханжар санчмоқчи бўлганда ўнг томондаги соқчи биллагидан маҳкам тутиб олди. Аини
вақтда, Акбар унинг қулоғи аралаш бўйнига шундай куч билан мушт урдики, Адҳамхон
гандирақлаб йиқила бошлади, ўзидан олдин ханжари ерга «шақ» этиб тушди.

— Боғланг бу иблисни! — буюрди Акбар соқчиларига. Мушт зарбидан бўшашиб
қолган Адҳам қўли боғланишига қаршилиқ қилолмади. Соқчилар уни ҳибсга олиб кет-
моқчи эдилар. Лекин ғазабдан ранги ўчиб, Адҳамнинг кўкалдошлигини унутган Акбар:—
Улоқтиринг буни пастга! — деб қичқирди.

Шу пайт Кобулда Акбар уч яшарлигида боши устидан учиб ўтган тўп ўқининг ваҳша-
ти борлигини қайтадан қуяндай чулғади. Улар учинчи қаватда турган эдилар, ҳовлига
тош тўшалган эди. Айвондан улоқтирилган одам тошга урилиб ўлиши аниқ. Шуни билган
қўриқчилар бир лаҳза иккиландилар. Лекин ғазаби авжига чиққанда ўзини билмай қо-
ладиган Акбар яна бақирди:

— Улоқтиринг!

Акбар қаттиқ ғазабланганда важоҳати ўзгариб, қанчалик кўрқинчли бўлиб кетишини йигитлари энди кўрдилар. Улар қўли боғлоқлик Адҳамни шоша-пиша айвондан пастга улоқтирдилар. Адҳам учинчи қаватдан қулаб тушаётганда жон аччиғи билан бақирди. Ҳовлига тўшалган ясси тошларга боши билан қарсиллаб урилганда, бақирдиқ бирдан узилди-ю, овози абадий тинди.

Шамсиддин атканинг уйдан эшитила бошлаган дод-фарёдлар туни билан босилмади. Бўғиқ ва аччиқ йиғи товуши Моҳим энаганинг уйини ҳам тўлдирди.

Шамсиддин атканинг хотини, Жажжи энага, ўғли Азиз кўка ва бошқа яқинлари Адҳамхонни қарғаб йиғлайди. Моҳим энаганинг бутун дарду алами ичида. Уйдан ташқарига чиқадиغان аҳволи йўқ, ўттиз-қирқ йиллик кадрдонларининг кўзига кўринишга юзи чидамайди. Ўғли шунча жинояти устига Акбарга ҳам ханжар ўқталгани энаганинг мусибати устига қўшилган яна бир оғир маломат бўлди. Адҳамхонни тобутга солиб уйдан олиб чиқаётганларида Моҳим энага шундай ўртаниб йиғладики, оёқда туролмай, кўнгли озиб йиқилди. Уни беҳуш аҳволда уйга кўтариб кириб, тўшакка ётқиздилар.

Ҳушига келганда кўзини очса, тепасида Акбар турибди. Ранги ўчган, лаблари пар-пирайди:

— Улуғ эна!.. Не қилай? Айтинг! Менинг ҳам илким қон! Гуноҳим катта!

— Ҳибс қилдирсангиз бўлар эди-ку...

— Ҳибс қилдиришга улгуролмадим!.. Сизнинг олдингиздаги гуноҳимни энди не тавр ювай? Айтинг!

Моҳим энаганинг кўзларида ёш филтилади.

— Э, воҳ! Бу дунё ўзи бевафо, нопок... Ҳаммага қораси тегаркан... Берган оқ сутим ҳам булғаниб қора бўлди!.. Адҳам, жигарпорам!.. Минг марта айтдим... Қулоқ солмади... Эй, худо!.. Одам нечун бундай яратилган?

— Адҳамни ўтга итариб, ўзи четда турган ғаддор одамлар бор, улуғ эна! Ёшлик қилиб пайқамай юрган эканмиз, замон, муҳит мен суянган тоғларни ўзимнинг илким билан қулатиш ҳаракатида экан. Минбаъд бу иблис муҳит билан бошқача олишгаймен! Менга сизнинг мададингиз керак, улуғ эна! Табибларни юборай, даволаниб, тезроқ оёққа туринг!..

Бироқ табибларнинг давоси қор қилмади. Моҳим энага тўшакдан қайтиб туролмай, ўғлининг қирқи арафасида жон берди.

Акбар фарзанддек унинг тобутини кўтаришди. Моҳим энагани Деҳлининг машҳур Кутб минори ёнига иззат-икром билан дафн этдилар.

СЕКРИ Балогардон

Сабзаранг тўтиқушлар дарахтдан-дарахтга чуғурлаб учиб ўтади. Қорни оқ, усти кўнғир маймунлар шохларга осилиб ўйнайди. Бўлиқ ўт-ўланларни қимирлатиб, чипор илон ўрмалаб ўтади. Қаердандир узоқдан овчилар чалган нафир¹ товуши ва филнинг наъра торгани эшитилади.

Ўрмон ичи серсоя, салқин. Кесиб кетилган дарахтлардан бирининг тўнкасида Акбар ўйга чўмиб ёлғиз ўтирибди. Ҳозир ҳеч кимни кўргиси, ҳеч ким билан гаплашгиси келмайди. Суянган одамлари бирин-кетин ҳалок бўлгандан бери минг отлиқ араванинг бутун оғирлиги унинг зиммасига тушган, саройнинг оғир муҳитида энг яхши ҳислари сўнаётгандай, дилни қандайдир қарахтлик чулғаб олаётгандай туюлади. Бугун у Секри ўрмонларига овга чиққан эди. Лекин ов қилгиси ҳам келмади, соқчиларни адаштириб, мана шу кимсасиз жойни топиб паналади.

У ҳозир ўрмондаги бирон жониворни ўлдиришдан кўра қалбидаги яхши ҳисларни тирилтиришга кўпроқ эҳтиёж сезади. Лекин соатлар ўтади, вужудидаги қарахтлик, руҳидаги сўниклик ҳеч тарқамайди. Бир пайт орқа томондаги сўқмоқдан кимдир ўтларни шитирлатиб, оҳиста юриб келаётганини эшитди. «Шу ерда ҳам тинч қўйишмайди-я» дегандай норози бўлиб орқага ўгирилди. Оқ ридо кийган нуроний мўйсафид ҳассасига суяниб, сўқмоқдан унга қараб келмоқда эди. Акбар Салим отани таниди, беихтиёр ўрнидан турди.

Жайпурдаги никоҳдан бери Акбар уни кўрмаган, лекин унинг суҳбатини олишга иштиёқманд эди. Шунинг учун Акбар унга пешвоз чиқди. Салим ота кўришаётиб:

— Биз томонларга ҳуш келибсиз! — деди.

— Уйингиз шу ердами, Салим ота?

— Ҳа, ўрмон четида кулбам бор... Ҳазрат онангиз сизни «бормоқчи» деган эдилар.

Етти йилдан бери мунтазирмен.

— Нечун етти йил?

¹ Нафир — сурнайнинг бир тури.

— Жайпурдаги тўйга етти йил бўлди-ку.

Акбар вақтнинг тез ўтганидан таажжубланди. Кечагидай ёдида турибди: Жайпурда Салим ота никоҳ ўқигани учун Акбар унга икки юз минг рупий инъом этди. Подшоларнинг никоҳи учун катта инъом бериш азалий одат эди. Ҳумоюн Ҳамида бонуга уйланди, қувғинда юрганига қарамай, Абулбақо деган одамга никоҳ ўқигани учун икки юз минг рупий берганини Акбар онасидан эшитган эди. Салим ота инъомни қабул қилмади:

— Бойлик имонни бузгай, — деди. — Менинг устози калоним Фаридиддин Чештига Элтутмиш деган подшо тўртта қишлоқни ўн уч минг бигх¹ ери билан инъом қилганда, узр сўраб, олмаган эканлар. Подшолар давлат харажатлари учун маблағ йиғиб, хазина сақлашлари, албатта, жоиз. Аммо умрини ҳақ йўлига бағишлайдиган сўфийлар бойлигу мартаба тамаъида бўлмаслиги керак.

— Эҳтимол, бу инъомни бева-бечораларга хайру эҳсон қилиб тарқатурсиз? — сўради Акбар.

— Ҳазратим, агар бева-бечоралар хурсанд бўлсин десангиз, уларни адолатсиз солиқлардан озод қилинг.

— Қайси солиқ адолатсиз экан, Салим ота?

— Жузя мусулмонлардан олинмайдир. Уни фақат ғайридинлар тўлашга мажбур. Сиз ҳинд қизига уйландингиз, унинг имону этиқодини эҳтиром этмоқдасиз. Бунинг учун сизга минг ташаккур. Аммо сизнинг қайнатарангиз Бҳари Мал, бошқа ҳинд қариндошларингиз каби жузя солиғини тўлашга мажбур. Бу адолатданми?

Акбар ўшанда бу сўзларга жавоб тополмай жим бўлиб қолди. Салим ота эса икки юз минг рупий инъомни олмасдан, дастурхондан фақат иккита нон олиб белига тугди-ю, Секрига пиёда қайтиб кетди.

Мамлакат аҳолисининг кўпчилиги ғайридинлар бўлганлиги учун хазинага тушадиган даромадларнинг энг катта қисми жузядан олинар эди. Жузяни бекор қилиш учун унинг ўрнини босадиган бошқа даромад манбаъларини қидириб топиш зарур эди. Акбар молия мутахассислари орасидан Тодар Мал деган тадбиркор ҳиндни ўзига маслаҳатчи қилиб танлади.

Кўп адолатсизликлар далалардаги экин ерларини ўлчашдан бошланар эди. «Танобчилар» деб аталадиган тоифа таноб чилвирини гоҳ сувда ҳўллаб чўзишар ва кўп ерни оз чиқаришар, гоҳ аксинча, уни офтобда қурийтиб, қисқа қилишар ва оз ерни кўпайтириб ёзишар, шу тарзда пора берган одамга солиқ оз, пора бермаганга эса кўпайтириб ёзиларди. Таноб арқонидан безор бўлган деҳқонлар уни «икки бошли илон» деб аташарди.

Тодар Мал ўзи қишлоқдан чиққан оддий деҳқон фарзанди бўлгани учун бунинг ҳаммасини Акбарга бирма-бир айтиб берди.

— Ҳазратим, тепадан пастгача ислоҳот ўтказмоқ керак! — деб таклиф этди. — Солиқ маҳкамаларини ўзгартириб, барча жойда янгича тартиб жорий қилмоқ лозим.

— Масалан, не тавр янгилек жорий қилмоқ зарур? Аниқроқ айтинг-чи.

— Фармони олий билан ерни ўлчаш асбоби янгилансан. Қадимда «жариб» деган бамбуқ ёғоч билан ер ўлчанар, ҳаммаси аниқ чиқар эди. Кейинги даврларда танобчилар уни атайлаб йўқ қилдилар.

Тодар Мал жарибнинг суратини тарих китобларидан топиб Акбарга келтириб кўрсатди. Бамбуқ ёғочининг икки учи ёйилиб кетмаслиги учун темир билан қопланган бу ўлчов асбоби танобдан кўра дурустроқ эди. Акбар бутун мамлакатда танобни ман қилиб, ерни фақат жариб билан ўлчаш ҳақида махсус фармон чиқарди. Бу фармонни амалга оширишнинг Тодар Малнинг ўзига топширди. Солиқ маҳкамаларида янгича тартиб ўрнатиш учун Тодар Малга юксак мирдевлонлик — вазирлик лавозими берилди. Унинг ҳаракатлари билан аввалги порахўр амалдорларнинг кўпи ишдан олиниб, янги солиқчилар тайинланди.

Акбар тажриба учун жузяни бир йилга бекор қилди. Шунда дин пешволари Ганга бўйида ҳокимлик қиладиган Алиқулихон ва Баҳодирхонларни Акбарга қарши қўзғатдилар. Жузядан катта даромад оладиган бу беклар Акбарни «диндан чиққан даҳрий» деб эълон қилдилар. Хутбани Акбарнинг Кобулдаги иниси Муҳаммад Ҳаким номига ўқита бошладилар.

Панжобдаги мутаассиблар ҳам Алиқулихонга қўшилиб, Акбарнинг итоатидан чиқиш хавфи туғилди. Шундан сўнг Акбар жузяни қайта тиклашга мажбур бўлди. Алиқулихон барибир унинг ҳокимиятини тан олмади, Ганга бўйида Акбарга қарши қилиш кўтариб жангга чиқди. Бу жангда унинг ўзи ҳам, иниси Баҳодирхон ҳам ҳалок бўлдилар.

Акбар бунинг ҳаммасини Салим отага айтиб берди-да:

— Солиқ бобидаги ислоҳот бизни икки ўт орасида қолдирди! — деди. — Амиру беклар исёнини бартараф қилишга улгурмасимдан деҳқонлар ғулу кўтардилар. Ҳатто шу Агра атрофларида ҳам қароқчилар куррурийлар² ни ўлдириб, пулларини талаб кетмишлар!

¹ Бигх — бир гектарнинг учдан бири. Ун икки минг бигх — тўрт минг гектар.

² Куррурийлар — солиқ йиғиш ҳуқуқини давлатдан сотиб олган пулдорлар.

— Бу ҳодисадан менинг хабарим бор, — деди Салим ота. — Куррурийлар солиқ йиғиш ҳуқуқини сиздан сотиб олгандан сўнг инсофни унутганлар. Деҳқонлардан солиқни уч ҳисса ортиқ йиғиб, бир ҳиссасини давлатга берсалар, икки ҳиссасини ўзлари олишлар, судхўрлардан баттар бойиб кетмишлар.

— Нафсини тиймаган куррурийларни биз жазога тортдик. Аммо қароқчилар уларнинг пулларини ғорат қилган экан...

— Эшитдим, сиз ўзингиз жанговар филни миниб ғулу кўтарганларга қарши кўшин тортмишсиз. Лекин куррурийлар адолатсизликдан безор бўлиб исён кўтарган деҳқонларни сизга «қароқчи» қилиб кўрсатган экан. Бу деҳқонлар куррурийларни ғорат қилган эмас, икки-уч ҳисса ортиқ ундирилган солиқ ҳаққини қайтариб олган!

— Шу ростми, Салим ота?

— Ростки, мана, тепамизда яратганнинг ўзи гувоҳ. Мен кўрган нарсамни айтмоқдаман. Ҳолбуки, амалдорлар воқеани сизга бутунлай тескари тушунтирибдир.

Акбар исён кўтарган «қароқчилар»нинг қишлоғига бостириб борган пайтини, ўзи минган зўр фил томига похол эпилган кулбаларни оёғи билан уриб йиқитганини, шунда бамбук ходалари орасидан қароқчилар эмас, аёллар ва болалар чинқириб чиққанини эслади-ю; хижолат чекиб деди:

— Хом сут эмган банда... алданган эканмиз. Куррурийлардан бутунлай воз кечдик. Солиқ маҳкамаларига бошқа инсофли одамларни кўймоқдамиз.

— Хайрли бўлсин! Бироқ нечун маъносиз кўринурсиз?

— Мени эзиб юрган ташвишлар тоғнинг тошларидай кўп. Қайси бирини айтай?

— Лекин зафарларингиз ҳам кўп-ку. Нечун улардан қувонмайсиз? Читорда катта жасорат кўрсатибсиз. Овозаси Секрига ҳам келди...

* * *

Акбар Деҳқоннинг ғарби-жанубида уч юз эллик мил узоқликда жойлашган Читор қалъасини эслади. Мевор вилоятининг маркази бўлган бу қалъа тоғ тепасига жуда мустаҳкам қилиб қурилган эди. Бир вақтлар Ҳумоюн итоатидаги бу вилоятни Акбар тинч йўл билан яна марказий давлатга қўшмоқчи бўлди ва қайниси Ман Синхни Читор саркардаси Жаймалнинг олдига юборди.

Аммо Ман Синх Читор қалъасига борганда Жаймал унинг олдига келиб гаплашишни ҳам ўзига муносиб кўрмади. Ман Синх қалъа ичидаги бир хонада уч соат бетоқат кутди, ахйри натижасиз қайтиб кетди. У кетаётиб орқасига қараса, Жаймал келиб одамларига қаттиқ-қаттиқ гапиряпти:

— Хоин Ман Синх ўтирган хона унинг нафасидан ҳаром бўлди! Энди бу хонага муқаддас Ганга сувида сепиб, уни покланглар!

Ҳиндча имону эътиқодини пок тутадиган Ман Синх учун бу гаплар мисли кўрилмаган бир ҳақорат эди.

Читор тўрт ойгача Акбарга дарвоза очмади. Қалъа ҳимоясини ўша Жаймал бошқармоқда эди. Акбар унга мактуб йўллади:

«Жаймал Ратхорини ботир йигит ва фил жангига уста деб эшитдик. Шу рост бўлса, фил миниб майдонга чиқсин. Мен у билан яккама-якка фил жанги қилмоқчимен. Икковимиздан қай биримиз ғолиб чиқсак, ўшанинг қўшини зафарга эришган ҳисоблангай. Уруш ортиқча талофатсиз тугагай».

Лекин Жаймал Акбарнинг бу таклифини қабул қилмади — у дарвозани очиб, қалъадан чиқса, алдаб қўлга тушуришлари мумкин деб ўйлади. Шундан кейин Акбар яна қалъа деворлари тагидан нақб қазишни буюрди. Бирдан етти-саккиз минг одам қазиган нақбга борут қўйиб портлатсалар, мустаҳкам девор ҳам қулаши мумкин эди. Бундан хавотирга тушган қалъа ҳимоячилари тўп-тўп бўлиб девор устига чиқдилар-да, пастда нақб қазиганларнинг устига оғир тошларни, ёниб турган ходаларни ота бошладилар. «Тўра» деб аталадиган катта қалқонлар Акбарнинг одамларини тепадан отилган ўқлар ва тош-пошлардан ҳимоя қилар, янги-янги кучлар шу қалқон тагида девор тагига етиб бориб, уни мўри-малахдай кемириб, нақб қазир эди.

Акбар бу тўполонни атайлаб кўтартирган эди. У қалъа деворига баробар турган сунъий тепалик устида шох-шаббалар ва тошлар панасида ўлтириб, Жаймалнинг қалъа девори устига чиқишини пойлай бошлади.

Пастда ҳужум кучайиб кетгач, Жаймал ҳимоячиларга бошчилик қилиш учун девор тепасида пайдо бўлди. Аммо ора хийла узоқ, Акбар Жаймалнинг фақат суратини кўрган, уни таниб олиши осон эмас. Лекин табиат Акбарга фавқулудда ўткир кўз берган. У кундуз кунни осмоннинг қуёшдан узоқроқ турган қисмларига тикилиб қараса, милт-милт қилиб турган юлдузларни кўради. Ҳозир у қалъа деворида турган Жаймалнинг овозини эшитмаса ҳам, ҳимоячиларга буйруқ берганда лаблари қандай қимирлаганига кўрди-да, «Новак» деб аталадиган ёйга ўқ жойлади.

Новакни фақат билагида кучи кўп йигитларгина ота олар, унинг ўқи оддий ёйникидан узоқроққа борар ва қаттиқроқ тегарди. Девор устидаги Жаймал ҳам новакдан пастга кетма-кет ўқ отиб, Акбарнинг йигитларидан уч-тўрттасини қулатди. У новакка яна

ўқ ўрнатаётган пайтда Акбар кўтарма устидан отган ўқ Жаймалнинг чап кўкрагига шундай куч билан санчилдики, ярмигача ботиб кетди. Жаймал девордан йиқилиб кетаётганда, уни ёнидагилар тутиб қолдилар. У ўша куни жон берди.

Бу ҳодиса жанг тақдирини ҳал қилди. Саркардасидан айрилган читорликлар ғалабадан умидини уздилар. Аёллар жавҳар одаги бўйича ёв қўлига тирик тушмаслик учун ёппасига ўзларини ёниб турган гулханга ташлаб, куйиб ҳалок бўлдилар. Тирик қолган йигитлар эса Патта деган доворак рожпут бошчилигида арғувон рангли кийим¹ кийишиб, қалъа дарвозаларини очдилар-у, Акбар томонга ҳамла қилдилар. Нақд ўлимни бўйинларига олиб жанг қилган рожпутлардан бирининг новакдан отган ўқи Акбарнинг бошидаги дубулғага тегиб ўтди.

Бирдан Акбар уч ёшдалигида Кобул аркида тўп ўқиға нишон бўлиб турган пайтидаги даҳшатли туйғулар қуюни қайтиб келди-ю, уни чирмаб айлантира бошлади. Читорда гўзал аёлларнинг жавҳар ўтида куйиб ўлганлиги ҳам унинг ғазабини авжигача чиқарди. Кобулда тепасидан учиб ўтган тўп ўқи қулоғига эшитилиб кетганда ўзини билмай қоладиган Акбар:

— Жоҳилларни асир олманглар! — деб қичқирди. Шунда гўё қулоғи тўп ўқидан битиб қолгандай, ўз овози ўзига эшитилмади. — Қатлиом қилинсин! Читорда қатли-ом!!!

— Қатлиом! — деган фармон сафлар бўйлаб тарқалди.

Читор аҳолиси орасида бегуноҳ чоллар, аёллар, болалар бор эди. Уларнинг қатлиом қилина бошлаганидан даҳшатга тушган Ман Синг жанг майдонидан Акбар турган тепаликка от чоптириб борди. Қатлиом ҳақидаги фармонни бекор этишни ўзининг рожпут жангчилари номидан қатъий илтимос қилди. Акбар бу фармон туфайли бутун ҳинд элини ўзидан бездириб қўйиши мумкинлигини энди сезди. Ҳушини йиғиштириб, қатлиомни тўхтатиш ҳақида янги фармон берди. Аммо бу фармон барча жангчиларга етиб боргунча қанча бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Уларнинг кўчаларда қалашиб ётган жасадлари ҳалигача Акбарнинг кўз олдидан кетмайди.

Уни мерганлиги ва Жаймални отиб ғалаба келтиргани учун мақтайдиганлар кўп. Лекин Акбар Читорда беҳуда тўкилган қонлар учун ўзини айбдор сезади. Бу қалъанинг мард ҳимоячилари Жаймал ва Паттага ич-ичидан тан бергани учун ҳинд ҳайкалтарошларига буюртма бериб, уларнинг мармар ҳайкалларини ясадди.

Бу орада Аграда янги Лаъл Қалъа қуриб битирилган эди. Фил устида ўтирган Жаймал ва Паттанинг ҳайкаллари Акбарнинг буйруғи билан қалъа дарвозасининг икки томониға ўрнатилди. Қалъа ичида Жадҳа Бай учун ҳиндча ибодатхона қурилганидан норози бўлиб юрган мутаассиблар энди қалъага кираверишда кўзга ташланиб турадиган ҳайкалларни кўриб, «будпарастлик бизга макруҳ» дейишар ва юзларини буриштириб ўтишарди. «Подшомиз ғурурга берилди, ўз ғалабасини кўз-кўз қилмоқ учун мажусийларга ҳайкал ўрнатди», деб, Акбарни чекка-чеккада ёмонлаб юрган беклар ҳам бор эди. Хуфялар подшога ҳамма гапни етказиб келишарди. Унинг қабулига кирган сипоҳилар ва мулозимлар ҳам бир-бирларининг устидан шунча кўп чақимчилик қилишар, бир-бирлари ҳақида шундай ёмон маълумотлар беришар эдики, гоҳо Акбарнинг одам зотидан ихлоси қайтиб кетарди. Ҳеч кимни кўргиси ва ҳеч ким билан сўзлашгиси келмай қолар эди.

Ҳозир шу ўрмонда нуруний чол Салим отага дилини ёриб:

— Одам нечун бундай яратилган? — деди Акбар. — Марҳум энагам берган бу саволга ҳамон жавоб тополмаймен... Фақат бошқалар эмас, ўзим ҳам... ғазаб устида шафқатсиз ишлар қилиб, кейин бундан эзтироб чекиб юрурмен... Читорда қанча бегуноҳ қонлар тўкилди. Виждон азобини босмоқ учун ҳалок бўлганларнинг иккитасига ҳайкал қўйдирсам... одамлар шундан ҳам айб топмоқдалар...

— Рост, инсон зоти даҳшатли зиддиятлар исканжасига тушиб қолмишдир. Ташқи оламда унга адолатсиз муҳит, шафқатсиз замона азоб берур. Ҳар биримизнинг ичимизда нафс, обрўпарастлик, бошқа ўжар истаклар борки, улар гоҳо ташқи душмандан ҳам хатарлироқ бўлур. Уларни енгиш — ўрмондаги арслонни енгишдан ҳам каттароқ матонат талаб қилгай. Агар ташқи душманни енгсангизу ичингиздаги нафс, ғазаб, шаҳват каби балоларни енголмасангиз, улар ғолиб келиб, сизга ёмон ишларни қилдирса, нариги катта ғалабангиз татимагай. Ўзингиздан-ўзингиз енгилиб, таъбингиз кир бўлиб юргангизнинг ўзи — ёмон бир мағлубият эмасми?

Салим ота Акбарнинг вужудини карахт қилиб турган совуқ музни ўзининг ҳароратли нафаси билан эритаётгандай эди. Акбар шу ҳароратга дилини янада яқинроқ тутгиси келиб:

— Рост! — деди. — Ташқи зафарларим ичидан кутилмаган дилсиёҳликлар чиқиб келмоқда, мен уларга қарши чора тополмай лолмен!

Салим ота Акбарнинг очикроқ сўзлашини кутиб, юзига тикилганича жим турди. Лекин Акбар охири хотинларига бориб тақаладиган ўта чигал дилсиёҳликлар ҳақида қандай сўз очишни билмай бир лаҳза сукут қилди. Читордаги жанг Акбарнинг бошқа рожпут кўрғонларини олишга ҳам кучи етишини кўрсатди. Беҳуда қон тўкилмасин учун Акбар гоҳ Бҳагван Дасни, гоҳ Ман Синхни душманлик руҳида юрган рожпут кўрғонла-

¹ Арғувон рангли кийимни жангда шахид бўлишни бўйнига олган рожпутлар кийган.

рига элчи қилиб юборар эди. Бунди вилоятидаги энг мустақам қўрғон — Рантхамхор қамал қилинган пайтда эса Акбарнинг ўзи навкар кийимини кийиб, элчи Ман Синхнинг ёнида оқ байроқ кўтарганча қалъага кирди. Қалъа ҳимоячиларининг бошлиғи Суржон Рао аввал Акбарни танимади. Ман Синхни жержиб:

— Сенлар рожпут ғурурини ерга букдиларинг, Жайпурни урушсиз топширдиларинг, муслимлар қанча камситсалар ҳам бўйин эгиб туришларинг уят эмасми? — деди.

— Биз қайси камситишларга бўйин эгибмиз, Махарани? — деб сўради Ман Синх.

— Жузя солиғи олиш — камситиш эмасми? Ражпут саркардаги девони омга қурол тақиб кириши мумкин эмас. Демак, подшо сенга ишонмайди. Бу — камситиш эмасми? Рожпут қизлари саройга тортиқ тарзида юборилиши керак. Подшо уни қонуний хотин қилиб никоҳига олмаса! Фақат вақтинчалик жория... Камситиш бундан ортиқ бўлурми?!

Акбар мағрур эл бўлган рожпутларнинг бу гина-кудуратларини навкар кийимида туриб ўз қулоғи билан эшитгандан сўнг:

— Махарани, — деди Суржонга, — сиз ҳақсиз, бу камситишлар бартараф этилмоғи керак. Шу шарт билан сулҳ тузишга розимисиз?

Суржон Раонинг атрофидаги мулозимлардан бири Деҳлида Акбарни кўрган экан, уни таниб қолиб:

— Махарани, бу сўзларни сизга Акбарнинг ўзи айтмоқда! — деди.

Элчи Ман Синх ҳам оқ байроқ кўтариб кирган навкарнинг Акбар эканини энди айтди. Суржон Раонинг одамларидан бири:

— Дарҳол тутмоқ керак, ғалаба бизники бўлғай! — деди.

Аммо Акбар Суржон Раога қараб:

— Мен сизнинг мард, олижаноб саркарда эканлигингизга ишонганим учун ҳузурингизга ўзим келдим, — деди. — Бизда «Элчига ўлим йўқ» деган мақол бор!

Суржон Рао Акбарнинг довураклигига тан берди:

— Рожпутлар ҳам оқ байроқ кўтариб келган кишига тажовуз қилмайдиган мард улусдир! — деди.

Шундан кейин Бунди вилоятидаги уруш ярашга айланди. Акбар Суржон Рао қўйган шартларни қабул қилди. «Рожпутлар ҳам девони омга қурол тақиб кириши, қалъа дарвозаси олдигача нақора чалдириб бориши, жузя солиғини тўламаслиги, отларига подшонинг тамғасини босмаслиги (қуйдириб босиладиган темир тамғадан отнинг сағрисида ёмон доғ қолар эди) мумкин деган янги қонун жорий этилди. Суржон Рао иккита ўғлини бир неча минг рожпут йигитлари билан Акбар хизматига юборди.

Бунда вилояти шу шартлар асосида Акбар давлатига ихтиёрий равишда қўшилгандан кейин ғарбда Жайсалмир, Биканир, Жоудхпур, шимолий-ғарбда Қаланжар каби рожпут вилоятлари ҳам марказий давлатга қўшилиш ҳақида ўйлай бошладилар. Икки орада турган воситачилар юқоридаги шартлардан ташқари рожпут рожаларига Акбарнинг номидан сўз бердиларки, агар улар подшони куёвликка муносиб кўрсалар, ҳарамга юборадиган қизлари Жадҳа Бай каби қонуний никоҳдан ўтади, ҳиндча расм-русумларга бемалол риоя қилиб, иззат-икромда яшайди.

Биканур рожаси Қаҳана Рао Акбарнинг қаламравига ихтиёрий равишда ўтди, ўзининг ўзал қизини Акбарга никоҳлаб бермоқчи эканини айтди. Махсус карвон Бҳагван Дас бошчилигида Аградан Биканирга бориб, бу қизга подшонинг совға-саломларини етказди, сўнг уни сепи ва қариндошлари билан пойтахтга олиб қайтди. Қалъада бу қиз ҳам Жадҳа Бай каби Акбарнинг никоҳига ўтди, сарой аҳли уни қонуний маликалардан бири деб тан олди. Шерхонни беш ой овора қилиб таслим бўлмаган ва уни ўлдириб тинчиган Қаланжар ҳам энди Акбар давлатига ихтиёрий равишда қўшилди ва унинг ҳарамига яна бир кўҳли қизни келин қилиб юборди.

Пароканда ўлкаларни қариндошлик йўли билан ҳам бирлаштириш мақсадида янги янги рожа ва ройларга куёв бўлган Акбар вақт ўтиши билан бу ширин ҳаётнинг тагида аччиқ оғуси борлигини сездди. Ҳарамдаги шунча хотин битта эрга кўз тикиб, кундошлик азобида қоврилиб яшаш оғир эди. Ҳомиладор Жадҳа Бай касал бўлиб қолди. Унинг чала туғулган эгизак ўғилчалари бир ой ҳам умр кўрмай вафот этди. Салима бегим қиз туққан эди, у ҳам турмади. Акбарга меҳр қўйган бу ёш оналар энди ундан оқибат кўрмаганлари учун шундай ўртаниб йиғлашади, фарзанд доғида шундай куйишадики, Акбарнинг капалақдай гулдан-гулга ўтиб олган лаззатлари энди заҳарга айланди. Шундай хотинлари бўлатуриб, ҳалигача биронта фарзанди йўқлиги уни тегирмон тошидай эзади.

Ҳозир ўрмонда танҳо ўзи ғамга ботиб ўтирганининг бир сабаби шу эканини у Салим отага айтиб берди:

— Ёшим йигирма еттида, ҳамон ўғилга зормен. Бу не бадбахтликки, бир эмас икки ўғилни тупроққа топширдим! Мудом жангу жадалларда, хавфу хатар ичида юрибмен. Куним битса, ота-боболар меросини кимга топшириб кетгаймен?

Салим ота тасалли беришга шошилмай сукут сақлади. У сўнгги марта Деҳлида Ҳамида бону билан кўришганда, бегим ҳам невараси йўқлигидан кўп армон қилган, бўйида бўлган келинлари ҳам кундошлик дўзаҳида ҳомилани асраб ололмаётганини куюниб сўзлаган эди.

— Шоҳ ўғлим, агар сизга оғир ботмаса, дилим сезган аччиқ бир ҳақиқатни айтай.
— Майли, оғир ботса ҳам айтинг!
— Ирсият ноёб бир гавҳардир. У авлоддан авлодга бутун ҳолида ўтсагина яшаб кетаолгай. Агар йирик гавҳарни майдалаб кукун қилиб сочсангиз, унинг гавҳарлиги қолмагай.

Акбар Салим отанинг нима демоқчилигини фаҳмлаб, юзи хижолатдан бир қизарди. Лекин дилига қадалиб турган заҳарли тиканларни Салим ота бехато топгани уни қойил қилди. Бу тиканларга биров тегинса дили озорланади, аммо уларни суғуриб олиб ташламагунча вужудидаги қарахтлик, руҳидаги сўниклик йўқолмайди. Қалби озор чекса ҳам, бу тиканларни фақат Салим отанинг қўли билангина олиб ташлаши мумкинлигини сезган Акбар:

— Сўзингиз ҳақ, давом этинг, ота! — деди.

— Табиат ҳамма жонзодлардан ўзига муносиб насл яратгай. Йигирма-ўттизта эчкига битта така. Ундан ҳам кўп совлиққа битта кўчқор. Лекин эчкидан улоқ туғилгай, совлиқдан — кўзи. Улардан арслон туғилмагай! Сиз эса инсонсиз. Инсонлардаги жуфтлик арслонларга ўхшашдир. Ўрмонда арслонларни кўргансиз. Ота шер она шерга қанчалик меҳрибон, қанчалик содиқ! Ана шу туфайли ирсият гавҳари бир нуқтага жам бўлиб, авлоддан авлодга бутун ўтгай, сўнг ота-оналарига муносиб шерлар туғилгай. Сизнинг ота-онангиз Синд ўлкасида, Тар саҳросида бир-бирларига шерларча меҳру оқибат кўрсатганлари учун сиз ҳам шербаччадай соғлом, кўхлик, довюрак бўлиб туғулгансиз.

Акбар ўзининг суйиб уйланган хотини Жадҳа Бай шу кунларда яна ҳомиладор бўлганини эслади.

— Салим ота, сиз айтган шерликни менинг ҳам қилгим бор. Фақат... қандай қилиб Жадҳа Байни кундошлар муҳитидан қутқаришим мумкин? Уни қаерга олиб кетай? Маслаҳат беринг!..

Салим ота ҳассасига таяниб ўрнидан турди:

— Қани, юринг, аввал мен сизга ўз кулбамни кўрсатай, — деди.

* * *

Тор сўқмоқ уларни ўрмон четидаги ялангликда турган муъжазгина деҳқонча уй олдига бошлаб чиқди. Ҳовлида қора қўтос сигир қавшаниб турибди. Унг томондаги текис бошоқ тортган буғдой даласи шабададан майин тўлқинланади. Тўғрида суви кўм-кўк каттакон қўл товланиб кўринди...

Уй ичи озода, аммо жиҳозлар камбағалона. Бўйра устига шолча ташланган. Салим ота Акбарни тўрға ўтқазиб, дастурхонга тўртта буғдой нон қўйди. Хотини сопол косада қўтоснинг қатигидан келтирди. Акбар қатикни косанинг лабидан ҳўплаб ичар экан, бу унга беҳад ширин туюлди. У токчадаги китобларга қизиқиб қаради.

Салим ота Жалолоддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»сини, Фаридиддин Атторнинг «Куллиётини», Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳамса»сини, Навоийнинг «Ҳазойинул маоний»сини унга бир-бир олиб кўрсатди.

— Мен йиққан ягона бойлик мана шу китобларимдир, — деди.

— Сиз мендан бойроқсиз, Салим ота! — деди Акбар. — Сиздаги маънавий бойликни мен ҳали ўз қалбимга зарралаб йиғолганим йўқ. Шунинг учун менга саховат кўрсатинг.

— Бажонидил, боримни сизга инъом этишга тайёрмен.

Акбар Салим отанинг уйдан ташқарига чиқди, бу ердаги ҳавонинг тозалигидан, ўрмон, қўл, буғдойзор — ҳаммасининг гўзаллигидан, энг муҳими, отанинг қиёфасидаги софликдан қалби яйраётганини сизди. Руҳидаги қарахтлик тарқаб кетган, олам кўзига болаликдагидай жозибали кўринар, дилида сўниб қолган чироқлар парпираб ёниб кетган, истиқболга ишонч, яхши ишлар қилиш иштиёқи яна уйғонган эди. Ўрмондаги табиат ҳам тирилтира олмаган ички кучларни шу табиат билан ҳамкор бўлган Салим отанинг маънавияти тирилтириб юборган эди.

— Салим ота, ҳеч кимга айтмаган сирларимни мен сизга айтдим. Энди ҳеч кимга ишониб топширолмайдиган истиқболимни ҳам сизнинг паноҳингизга олиб келмоқчимен. Жадҳа Байнинг уч ойлик ҳомиласи бор. Уни ҳам фарзанд ўрнида кўрсангиз. Бугун менинг ўлик ҳисларимни қайта тирилтирган табиату маънавият шояд ундаги ҳаётини кучларни юзага чиқарса. Биз орзу қилган зурёд зора сизнинг қанотингиз остида дунёга келса!..

Акбар хотинини Салим отанинг кулбаси ёнига кўчиртириб келмоқчи эканини сезган мўйсафид подшоҳу малика билан бирга қанча сипоҳи, қанча канизу хизматкор бу ерларга келишини, улар билан муомала қилиш қанчалик қийин бўлишини кўз олдига келтирди. Ўзи подшо бўлганда саройда яшаб кўрган ва унинг мураккаб муҳитидан юрак олдириб қўйган Салим ота Акбарнинг ниятидан астойдил ташвишга тушди.

— Жадҳа Бай ҳам худди шундай тинч гўшага зор.

— Ҳазратим, маликаларга юзлаб одамлар хизмат қилурлар. Уларга кенг жой зарур. Бундан ўн мил нарида — Секри тоғи этагида Бобур бобонгиз қурдирган кўшк бор. Каттакон Боғи Фатҳга барча хизматкору соқчилар ҳам жойланурлар.

— Агар сиз ҳам Боғи Фатҳга бориб турсангиз, майли, Жадҳа Байни ўша ерда сизнинг паноҳингизга топширгаймен.

— Лекин мени... маъзур тутинг. Шоҳлар кўшига қайтиб қадам босмасликка аҳд қилганмен. Қариганимда бу аҳдимни бузолмагаймен.

— Аммо шоҳлар ҳам одам-ку, Салим ота! Шоҳларга кўз тиккан балолар қанчалик кўплигини бошқалар билмаса ҳам сиз билурсиз.

— Балоғардон халқдир. Мен буни онангизга айтган эдим.

— Лекин шоҳ билан халқнинг орасини тўсиб турган ғовлар қанчалик кўп! Мен ҳали бу ғовлардан ошиб ўтолган эмасмен... Фақат сиз тақдир тақозоси билан ота-онам орқали дилимга яқин бўлиб қолдингиз. Узингиз ҳам подшо бўлиб кўрган экансиз. Бу қандай бир серозор, тиконларга тўлган иш эканини билурсиз. Бугун менинг дилимга қадалиб турган қанча тиконни сиз олиб ташладингиз. Салим ота, ишонинг, мен ўзим учун сиздан беғаразроқ балоғардон тополганим йўқ! Шунинг учун Жадҳа Байни ҳам қанотингиз остига олиб келмоқчимен. Рухсат беринг, шу уйчангиз ёнига икковимиз учун чодир тикирай. Балки ҳазрат онамлар ҳам бирга келурлар. Соқчилар, хизматкорлар ўрмон ичида, сизнинг кўзингизга ташланмайдиган узоқликда турурлар. Сиздаги осудалигу мусаффолик биз учун ноёб бир шифо. Бу софлигу сокинликни мен кўз қорачиғидай асрагаймен!

Ҳамида бегим ҳам ўғли ва келини билан бу ерларга келиши мумкинлиги Салим отага ёқимли туюлди. У Акбарнинг таклифига розилик берди.

* * *

Эрталаб офтоб чиққанда Салим отанинг кулбасидан тушган узун соялар кунботиш томондаги кимхоб чодирга таралди. Тонг пайти уйқудан қушдай энгил бўлиб турган Акбар ва Жадҳа Бай кўлнинг тиниқ сувида ювиниб, ўз чодирларига қайтмоқда эдилар. Акбар чодирга тушган уйча соясини Жадҳа Байга кўрсатиб:

— Биз учун бу бахт қушининг соясидир!— деди.

Акбар билан илк никоҳ кечасини ҳам Жайпурдаги чодирда кечирган Жадҳа Бай:

— Салим ота чиндан риши¹ эканлар!— деб шавирлади.

У ҳарамнинг асабий муҳотида уйқусизликдан қийналиб, ранги ўчиб юрарди. Бир ҳафтадан бери шу чодирда Акбар билан туриб, қорача юзига яна қон югурди, оловли жозибаси қайта тикланиб, кўзларида юлдузлар қақнай бошлади. Акбар ҳам унинг ёнида барча ғам-ташвишларини унутиб, ўзини табиат бағрида яйраб юрган кийикдай хотиржам ва эркин сезади. Фақат гоҳида Жадҳа Бай бу масъуд кунларини омонат сезиб, қаҳри ёмон Шивадан ва унинг фалокат юборувчи хотини Дургадан кўрқа бошлайди. Ўрмонда ибодатхона йўқ, Жадҳа Бай ҳомилани асровчи маъбудалар — Лакшми ва Шактининг² кумуш ҳайкалчаларини чодир бурчагига қўйиб, уларга эрта-кеч сиғиниб туради. Салим ота чодирга келганда ҳайкалчаларни кўради-ю, Кабир тўғрисида сўз очади:

— Ҳиндлар ибодатхонага борурлар, мусулмонлар мачитга. Кабир эса улар руҳан бирлашган жойни излайдир,— Салим ота Жадҳа Бай билан Акбарни олдига ўтқазиб, Кабирнинг ҳиндча шеърларидан ўқий бошлади. Жонли халқ тилида айтилган оловли шеърларнинг ҳар бир байти Жадҳа Байнинг қалбига завқ, қувонч, куч-қудрат олиб киргандай бўлди: — Қаранг, Кабир шундай дейди:

«Эй, одам! Муҳаббат билан шафқатни, неклик билан бахтни муллодан ёки бир-аҳмандан тилаб овора бўлма, уларни сенга четдан ҳеч ким тайёр ҳолда беролмагай. Муҳаббат ҳам, шафқат ҳам, неклик билан бахт ҳам фақат ўз қалбинг иштирокида, ўз фазилатларинг, меҳнатларинг туфайли юзага келгай!»

Жадҳа Бай Салим отани дунёнинг барча сиру асроридан хабардор киши деб ишонгани учун ҳам, унинг айтган гапларидан беҳад қаттиқ таъсирланар ва илгариги кўрқувларидан қутулиб, ўзига ишончи ортиб борарди. Айниқса, ота ёд биладиган Кабир шеърларида ҳинд-муслим яқдиллиги улуғлангани сари Жадҳа Байнинг дили яйраб, кўнгли кўтариларди.

— Сизларга Кабирнинг улуғ руҳи мадад бергай! Чунки икковларинг икки халқдан чиққан яқдил оила бўлиб, Кабирнинг орзусини ҳам амалга оширмоқдасизлар!

Кечаси чодирда Акбар Жадҳа Байни қучиб эркалатар экан:

— Чиндан ҳам, биз — бир тандаги икки жонмиз!— деди.

Жадҳа Бай эса қалби тагида ўсаётган фарзандини икки дилнинг қўшилишидан пайдо бўлган учинчи бир жондек ҳис қиларди.

* * *

Ўрмон ичида Акбарнинг қайниси Ман Синх бошчилик қилаётган кўриқчи аскарлар, мулозим ва хизматкорлар чодирдаги Акбарларнинг тинчини бузмасликка интили-

¹ Риши — ҳиндча «авлиё» демакдир.

² Лакшми — Осмон маъбуди Вишнунинг хотини. Шакти — Шиванинг хотини.

шар, иложи борича кўзга ташланмай юришарди. Хизматкорлар овқат ва бошқа зарур нарсаларни кундуз секин олиб келиб беришар, барча хизматларни осойишта ва шовкинсиз қилишарди.

Акбар ҳар куни эрталаб нонуштадан сўнг ўрмон ичидаги хиргоҳга бориб, чопарларни қабул қилар, кечиктириб бўлмайдиган давлат ишлари бўйича фармойишлар берарди. Беклар ва аъёнлар эса Секридаги Боғи Фатҳга келишар, Акбар ўн мил йўлни отлик босиб ўтиб, шу боғдаги кўшқда қабул маросимлари ва машваратлар ўтказар, гоҳо ўша ерда ётиб ҳам қолар эди. Акбар йўқ пайтда Жадҳа Байнинг чодирига Ҳамида бегим келиб турарди.

Жадҳа Байнинг ой-куни яқинлашганда Акбар ирим қилиб унинг олдига бормай қўйди. У гоҳо овга чиқиб, ўрмонда чодир тикдириб тунарди. Давлат ишлари туфайли Боғи Фатҳга келган кунлари Салима бегимнинг хобгоҳида тунаб қоларди. Бундан беҳад суюнган Салима унга гоҳ форсий, гоҳ туркий тилдаги жўшқин шеърларидан ўқиб берар ва шулар воситасида туганмас меҳрини изҳор қиларди. Бундай кечалар иккови учун ҳам эҳтиросли туйғуларга тўлиб ўтарди.

Сунбула ойи кирганда Акбар Гвалиюр томонларга овга кетди. Момақалдироқ гумбурлаб турган ёмғир кечаси Жадҳа Бай ўғил туққан эди. Бунинг хабарини оти сағриси-ча лойга ботган, лекин ўзи қувноқ кулимсираган Аҳмад Бухорий олиб келди. Акбар суюнчи учун Аҳмад Бухорийга қимматбаҳо дурлар қадалган тўнни ечиб берди. Овчилар ўрмонда сурнай ва нақора чалиб, ярим тунгача хурсандчилик қилдилар. Акбар яхши ният билан беш юз минг рупий турадиган ноёб бир гавҳар сирға олган ва уни киссасига солиб юрар эди. Эртаси куни эрталаб бу сирғани Аҳмад Бухорийга берди:

— Рани Жадҳа Байга буни мендан совға қилиб элтинг. Салим ота... инъом олмагайлар... Бориб айтинг, агар ота рози бўлсалар, ўғлимизнинг отини шу кишининг ҳурматлари учун Салим қўйгаймиз.

Аҳмад Бухорий устози Салим ота учун қувониб деди:

— Олижаноб йўл топдингиз, ҳазратим! Халқ орасидан чиққан заҳматкашнинг исмини шаҳзодага қўйиш тарихда қоладиган бир воқеадир.

Акбарнинг ўзи ота-боболар удумига биноан чақалоқнинг қирқи чиқмагунча унинг олдига бормади. Лекин у ўз ўғлига Салим отанинг номини қўйганлиги элулус орасида шундай шуҳрат қозондики, ота тез кунда мамлакатнинг энг мўътабар мўйсафидига айланди. Уни бир кўришга ва икки оғиз дуосини олишга иштиёқманд одамлар кўпайиб кетди.

Чақалоқ уч ойлик бўлгунча Акбар уни Салим отанинг уйчаси ёнидаги баҳаво жойда сақлади. Ман Синх бошлиқ қўриқчилар бегона одамни бу томонларга ўтказмай турди. Жадҳа Бай боласи билан Аграга қайтиб кетгандан сўнг соқчилар ҳам кетди-ю, Салим отанинг уйига зиёратга келувчиларнинг кети узилмай қолди.

Ривоят ва афсоналар қон-қонига сингиб кетган одамлар Салим отанинг Хўжайи Хизрлигига ишониб, унинг этагини кўзларига суришар, фарзандсизлар ундан фарзанд тилар, касалмандлар шифо, бахтсизлар бахт сўрар эди.

— Шифони ҳам, бахтни ҳам сизларга тангрим берсин!— дерди Салим ота.— Мен ҳам сизларга ўхшаган осий бандамен, Хизр эмасмен!

Лекин бу гапларни камтарлик ҳисоблаб, баъзилар унинг оёғи тагига ўзини ташлашар, баъзи бадавлат одамлар ҳамён тўла пул ёки қимматбаҳо гиламларни назр-ниёз қилишар, Салим ота:

— Олмаймен!— деганига қарамай, эшигининг оғзига қимматбаҳо нарсаларни ташлаб кетишар эди.

Осуда ва камбағалона ҳаётга ўрганган Салим ота бунинг ҳаммасидан қаттиқ ҳаяжонга тушарди. Селдай ёпирилиб келаётган зиёратчилардан ўзини қандай ҳимоя қилишини билмай юраги гурсиллаб урар, мажруҳ танаси шуҳратнинг оғир юкига бардош беролмай зирқираб оғрир, кечалари уйқуси ўчиб кетар, кундузлари иштаҳаси ўлиб, дуруст овқат ҳам емасди.

Хут кирганда Акбар уни кўргани келди, Салима бегимнинг ҳам бўйида бўлганини, агар ота розилик берсалар, унинг кулбасига кўчиб келмоқчи эканини айтди.

— Қайтага, сизнинг қўриқчиларингиз бор пайтда тинчроқ эдим,— деди Салим ота.— Ҳар хил бою савдогарлар назр-ниёз кўтариб уйимга бостириб келолмас эди. Насибим шу экан, энди мен сизнинг ҳимоянгизга муҳтожмен. Бегимни олиб келаверинг.

Бу гал Акбар Салим отанинг кулбаси ёнига учта чодир тикдирди. Улардан бирида Салима бегим доя кампири билан, бирида Акбар, бирида Ҳамида бегим канизи билан яшай бошлади.

Ота Салима бегим билан шеърхонлик қилишни яхши кўрарди. Улар гоҳ Жалолиддин Румий маснавийларидан, гоҳ Ҳофиз ва Навоий ғазалларидан навбатма-навбат ёд айтишиб, вақт қандай ўтганини сезмай қолишар эди.

Иссиқ ойлар, чанг кўтариб эсувчи шамоллар ўтиб, ёмғир фасли бошланган жавзо ойида Салима бегим ҳам ўғил туғди. Шу кунни саккиз йилдан бери зориқиб кутган жувон соғлом ва миқти чақалоғини биринчи марта бағрига олиб эмизар экан:

— Шукр, энди муродимга етдим,— деб шивирлади.— Отини Мурод қўйсинлар! Акбар бу гал ҳам ота-боболар удумига риоя қилиб, чақалоқ қирқ кунлик бўлгунча кўришга келмади. Фақат Салиманинг тилаги билан иккинчи ўғилнинг отини Мурод қўйишга рози эканини айтдириб юборди. Хушxabар олиб борган Қиличхон Андижоний суюнчисига бош-оёқ сарупо олди. Акбар ундан Салима бегимга гавҳар узук совға бериб юборди.

* * *

Акбар учун Секрининг жозибаси тобора ортиб борарди. Секри тоғининг сарин шабадаси, мовий кўлининг салқини, Боғи Фатҳдан қайнаб чиқиб турган булоқнинг зилол суви ва бир эмас икки ўғли туғилган жойлар уни ўзига оҳанрабодай тортарди. Энди Аграда кўп тургиси келмас, илож бўлди дегунча Секрига йўл оларди. Чопарлар, мулозимлар, беку аъёнлар Агра билан Секри орасида мокидай қатнашарди. Ахири бир кун Акбар энг нуфузли амирларни Секрининг Боғи Фатҳига машваратга йиғди:

— Пойтахтни Аградан Секрига кўчиргаймиз!— деди.— Бугундан бошлаб олий маҳкамалар Секрида бўлгай.

Бу кутулмаган қарордан баъзи амалдорлар саросимага тушдилар:

— Ҳазратим, бошқа маҳкамаларга бино етишмагай, аввал янги пойтахтни қуриб, ундан сўнг кўчиб келган маъқул эмасмикин?— деди Тодар Мал.

— Бино етишмаган маҳкамалар учун чодирлар тикилсин!— деди Акбар.— Бизнинг оиламиз, болаларимиз чодирда яшаганда нечун амалдорлар яшайолмагай. Девониом ҳам чодир шаклида тиклансин. Керак бўлса, икки ошиёнлик чодирлар ясайдиган усталаримиз бор. Ушаларга буюртмалар берилсин. Албатта, умрбод чодирда қолиб кетмагаймиз, дарҳол янги пойтахтнинг қурилишини бошлагаймиз. Унинг умумий режаси қоғозга тушган, меъморларга тарҳлар чизиш буюрилган. Жаноб Чифатойхон Тошкандий, сиз ўз одамларингиз билан бўлажак пойтахт атрофига тошдан девор кўтартиргайсиз.

Чифатойхон ўрнидан туриб:

— Бош устига!— дея бу фармонни қабул қилди.

— Жаноб Бҳагван Дас, сиз давлат маҳкамалари учун уч ошиёнлик бино қуришга мутасадди бўлурсиз!

Бҳагван Дас ҳам бу топшириқни таъзим билан қабул қилди. Ман Синх ўз синглиси Жадҳа Бай ва унинг ўғли Салим турадиган кўшкни қуриб бериш мажбуриятини олди. Қиличхон Андижоний подшонинг девониоми ва хонайи хослари жойлашадиган қаср қурилишига жавобгар қилиб тайинланди.

Шу тарзда Акбар янги пойтахт қурилиши учун барча амирлари ва яқин одамларини сафарбар қилди. Ўзи эса бош меъмор бўлиб, қайси бинонинг қаерга тушиши ва қандай шаклда қурилишини белгилаб бера бошлади.

Деҳлида Мирзо Ҳумоюн мақбараси қуриб битирилган, ундан бўшаган минглаб одамлару, аравалар, юк ташувчи филлар ва туялар Секридаги қурулишга олиб келинди. Агра қалъасининг қурилиши ундан олдинроқ тугаган эди. У ерда ишлаб тажриба ортдирган хунарпешалар ҳам энди Секрига келиб ишлай бошлади.

Барча биноларнинг деворлари қизил тошдан қилинмоқда эди. Бу тошни узоқдаги тоғлардан ташиб келтирадиган махсус санғурушлар бор эди. Улар ҳар бир тошнинг бўйи ва энини ўлчаб, гоҳо вазнини катта таъқилларга қўйиб тортиб сотишарди. Янги пойтахтни қуришга ўн минглаб одам жалб этилган, ҳаммасининг тошга иши тушарди. Шунинг учун Секрида каттакон тош бозори пайдо бўлди.

Тош ортилган араваларнинг шақир-шуктури Салим ота турган жойларга ҳам эшитила бошлади. Муроднинг чилласи чиққандан кейин Акбар уни кўришга келди. Салима бегимни кучиб табриклади-да, йўргакдаги болани кўлига олиб, оқиш юзига ва тилладай товланган сочларига қаради:

— Боболарига тортибдир! Умри узоқ бўлсин! Бегим, тилагингиз недир? Буюринг!— деди.

— Тилагим — Секридан кетмаслик. Бу ерлар жуда хосиятлик экан. Жаннатмакон Бобур бобомиз бу ерларни ёқтириб, Боғи Фатҳни барпо этгани бежиз эмас экан.

— Шунинг учун янги пойтахтга Фатҳобод деб ном қўймоқчимен,— деди Акбар.

— Улуғ бобомизнинг руҳини шод этадиган хайрли иш! Барча ниятларингизга етинг, ҳазратим! Фақат... янги пойтахтингизда мен билан Мурод учун алоҳида бир гўша топилгаймикин?

Салима бегим энди ҳарамда, кундошлари орасида туришни истамас эди. Буни сезган Акбар:

— Сиз билан Мурод учун икки ошиёнлик алоҳида кўшк қурдирмоқдамен!— деди.— Ҳовлисида чорчаманлари, салқин фавворалари бўлгай.

— Миннатдормен, ҳазратим! Биз бу масъуд кунларга Салим отанинг шарофати билан етишдик. Лекин ҳозир отанинг дармони кетиб, эски хасталиклари қўзғаб юрибдир...

Акбар Салим отадан хабар олиш учун унинг уйчасига кирди. Тўрда оқ пўстак устида ёнбошлаб ётган Салим ота ўрнидан мажолсиз кўтарилди. Акбар уни тургани қўймай, чўк тушиди-ю, отанинг эгнидаги оқ хирқанинг этагини кўзига суриб ўпди:

— Сизга не бўлди, Салим ота?

— Мени мунча тавоф қилманг, шоҳ ўғлим! Камина ҳам ожиз инсонмен...

Акбар унинг гапига тушунолмай юзига ҳайрон тикилди. Салим ота сўнгги пайтларда бошдан кечирган ички туйғуларини унга қандай айтишни билмай жим туриб қолди.

Мурод туғилгандан кейин Салим отанинг эл орасидаги шухрати яна бир неча даража ошган эди. Ҳатто: «Акбаршоҳ Салим отанинг ҳурмати учун пойтахтни Аградан Секрига кўчирган эмиш!» деган овозалар тарқалди. «Салим ота Хўжайи Хизир экан» деган гапга ишонадиганлар кўпайиб кетди. Минглаб ихлосмандлар Хўжайи Хизирни учратиб, энг катта орзуларини унинг ўткир нафаси билан дарҳол амалга оширишни истар эдилар. Бироқ Акбар қўйган соқчилар зиёратга келаётган издиҳомни отанинг уйи томонга ўтказмай қўйдилар. Отанинг ҳассага суяниб сўқмоқлардан пиёда юришини биладиган ихлосмандлари унинг йўлини пойлай бошлади. Салим ота ўрмон йўлидан ўтиб қолса, унинг оёғига бош уриб, эзгу тилаklarини айтишар, баъзилари қўй, эчки ёки бошқа жонлигини унга атаб сўйишар эди. Салим ота:

— Мени Хўжайи Хизир деганлар адашган, мен ҳам сизлар каби оддий одаммен!— деса ҳам қутулмас эди. Кунлар ўтиши билан Салим ота пиёда сайрга чиқолмайдиган бўлиб қолди.

— «Ут балосидан, сув балосидан асрасин» дер эдилар, шухрат балосидан ҳам қўрқулик экан. Икки кун подшо бўлганимда шон-шухратдан маст бўлиб, бир ўлимдан қолган эдим. Бу гал балки... қутулмасмен.

— Ундай деманг, Салим ота! Мен сизнинг номингизга Секрида бир мадраса қурдирмоқчимен. Ҳали сиз унинг талабаларига маънавиятдан сабоқ бермоғингиз даркор.

— Шояд шундай бўлса! Менинг Абдулла Ниёзий, шайх Муборак деган маслакдошларим бор эди. Адолатли давлат тузумини орзу қилиб, Бианадаги халқ ҳаракатига иштирок этганлари учун Абдулла Ансорий уларни ўлимга ҳукм қилган. Аммо ўша халқ ҳаракати Шерхонлар сулоласини ичдан емириб, отангиз билан Сизнинг Ҳиндистонга қайтишингизга йўл очган эди. Менинг ҳаётимдаги... энг ёруғ кунлар ҳам адолат учун кўтарилган ўша Бианадаги қўзғолонга қатнашган пайтим бўлди... Бу халқ ҳаракати ҳамон сўнган эмас. Унинг чўғлари энг яхши одамлар қалбида ҳали ҳам яллиғланиб турибдир. Абдулла Ниёзий, шайх Муборак, унинг Файзий деган тўнғич ўғли, Абдулфазл деган ўртанчаси — ҳаммалари адолатли раҳбарга ғоят ташна. Улар Сирҳинд, Гужарат томонларда Ансорийдан қочиб юрган эмишлар... Агар менинг куним битса... ўшалар сизга содиқ... балогардон бўлғай!

Акбар Салим отанинг касали жиддийлигини сезиб, сарой табибларини чақиртирди. Дору дармонлар билан отани анча вақт муолажа қилдилар. Эски яраларининг ўринлари оғриб, ота узоқ вақт уйдан чиқолмай ётди. Акбар билан Ҳамида бегим уни яна кўришга келганларида:

— Энди... рози бўлинглар!— деди.

Ҳамида бегим унинг қоқ суяк бўлиб қолган қўлини кўзига суриб йиғлаб юборди:

— Биз мингдан-минг розимиз... Биздан ўтган бўлса... кечиринг!


Акбарнинг ҳам ўпкаси тўлиб гапиролмай қолди. Бу қандай шафқатсиз тақдирки, ким унга катта яхшиликлар қилса, узоқ яшай олмай, ўлиб кетади. Отаси, Байрамхон, Моҳим энага... Мана энди Салим ота... шоҳлик ҳокимияти чиндан ҳам ота айтгандай аждаҳо экан-у, Акбарга қалқон бўлган энг яхши одамлар бирин-кетин унинг қурбонига айланмоқдами? Балки энди навбат Акбарнинг ўзига ёки онаси Ҳамида бегимга келгандир?

Бу тахмин Акбарни сескантириб юборди.

Салим ота эртаси куни узилди.

Уни Секри тоғининг устига — янги қурилаётган пойтахтнинг марказига дафн этдилар. Отанинг оқ мраммар мақбара ичидаги қабри — Фатҳободдаги биринчи соғона эди. Поклик тимсоли бўлган маънавий отасининг қабрини Акбар денгиз тубидан олинган соф садафлар билан қоплатдирди.

Охири келгуси сонда



Исмоил Тўлаков

КУЁШЛИ УФҚҚА ТИКАМАН НИГОҲ

Кеч куз. Туман

Ерга нима бўлди?
Не синоат бу?
Недан огоҳ бўлди дафъатан қуёш?
Дарахтлар жим.
Қушлар бетуйғу.
Новдаларнинг ёноғида ёш.

Кўзларга бостириб кирар оппоқ хун.
Заминга боқаркан,
қуёшнинг қип-қизил юзлари нечун
бўздек оқарган?..
Ерга нима бўлди?
Ерга!..

Сурат ҳақида икки шеър

1

Яна алдов.
Кўзин лўқ қилиб,
осонгина сотди ёлғонни.
Бармоқларин шундоқ ўқ қилиб,
чиқиб кетди
янчиб имонни.
Қолавердик
бир четда бизлар,
қалбимизда ёнмади исён.
Девордаги сурат-чи,
бўзлар:
«Бу лоқайдлик тугайди қачон?»

Андишами биздаги,
кўрқув?
Нега жиммиз?
Нега турибмиз?
Нега алдовларнинг пойида
хоки туробмиз?

Девордаги сурат бир куни
тушиб келиб
қатъий ва одил,
гежгасидан¹ ушлару уни
ташқарига отади дадил.
Кейин эса одатдагидек
ёв янчилса, кўпаяр ботир...
Ҳар гал алдов келганда устун,
юракларим титрару зир-зир,
девордаги
жилмайиб турган
сурат кўзларига қаролмайман тик...

¹ Гежгасидан — ёқасидан маъносида.

2

Ёлғиз менга аён
суратингизни,
чизишим шарт оппоқ бўзларга.
Қалбингизни чиздим.
Сийратингизни
очгандайин бўлдим сўзларда.
Нимадир камдайин.
Сўзларим бўшдек.
Ҳайқирмоққа эса қудратим етмас,
ҳисларим кўксимда муаллақ қушдек,
менга нафас керак,
ўтли бир нафас.
Мен уни олганман сўзлардан,
ранглардан сўрайман энди нафасни.
Бир мақсад йўлида,
фақат бир марта,
мусаввир бўлмоқлик мумкин эмасми?!
Орзум — лисонимга содиқ қолароқ,
ранглар дунёсига бораман.
Қоғозга тушмаган қалбим рангларин
бўзларга бераман,
бўзга берганман.
Ёлғиз менга аён
суратингизни
чиза олсам агар,
шу кеча
барча деворларга осаман гулдек.
Тўлиб кетар қалбларга кўча.
Қушлар ўзлигини таниган қулдек,
осмонга ўқ каби отилар шитоб.
Туташиб кетади
миллион қалбларга,
кўзингизда ёнган Инқилоб.

Ҳамма ўзлигини танийди сизда,
ҳамма мағрур боқар юзларингизга.
Қайтадан уйғонган вулқонлар каби,
Ҳақиқат тириллар сўзларингизда.
Ўткинчи бўронлар,
алдов шамоллар,
юртнинг осмонида қутурса ногоҳ,
кўксимга босганча суратингизни
куёшли уфққа тикаман нигоҳ.
Токи хиёнатнинг тузоқларига
илинган дўстларим
тортсинлар ҳушёр...
Ҳар ерда, ҳар қачон
мададга тайёр,
Инқилоб исмли суратингиз бор.

Алдама сен мени, алдама фақат,
Фасллар алдади — етади. Оғир.
Билмай кўксин очиб кузакка асат
Орттирган боди-ла ётар ер бағир.
Алдама сен мени, алдама фақат.

Ваъданг қуёшмиди, нурни аяма.
Фасллар ўрнини алмаштирма, қўй.
Туйғунгни вақтида жолалардек қуй.
Дарахт сочларини эрта бўяма.
Ваъданг қуёшмиди, нурни аяма...

Мослашув

Бизнинг далалардан кетган булбуллар,
Саъвалар, қумрилар, каккулар қочган.
Булбулсиз ўсмоқда бемалол гуллар,
Чайқов бозорида нархи ҳам ошган.

Уларни қочоқ деб айблаш ноўрин:
Тўғриси, заҳардан битган қирилиб.
Сўнгги охулару сўнгги бўрилар
Олис тоғ бағрида юрар бикиниб.

Кўз олдда қирилиб кетгач тустовук,
Товуслар фарёд-ла таслим этгач жон,
Чумчуқлар ҳаётга боқди-ю совук,
Мослашди заҳару олудга пинҳон.

«Мослашгин, мослашгин, кетмайсан ўлиб», —
Дея бир каломни этганча такрор,
Сўнгсиз далаларнинг ҳофизи бўлиб,
Мана, яшаяпти читтак-ла ҳамкор...

* * *

...га

Қўй, оғайни, ураверма дўқ,
Ҳақиқатнинг тоғига чекин.
Бировларга ёмонлигим йўқ,
Ўз йўлимда боряпман секин.

Шошиб турган бўлсанг ўтақол,
Мадад десанг чўзай қўлимни.
Керак бўлса жоним бемалол,
Фақат тўсма, тўсма йўлимни.

Манзара

Телба шамол занжирлари ечилар:
Унинг далли шовқинидан тутоқиб,
ҳовлидаги бир тўп ўрик ғижинар.

Қаро кеча сийнасига ўт ёқиб,
пардалари ташланмаган дераза —
қаршисида соҳибжамол ечинар.



Собит Мадалиев

РУҲИМНИ, ҚАЛБИМНИ ПОКЛАР БУ МАҚОМ

Онаизор

Ўзи оз қолдию умри азалдан,
Мушфиқ онаизор қўрқар ажалдан.
Оҳ, худди шу боис кўҳна жавонда
Ётган эскигина девор соатин
Бураб қўймоққа ҳам етмас тоқати —
Паймонаси тўлиб борар жаҳонда...

Қулоқлари битган,
Кўзлар ҳам бутмас,
Куну тун йўл пойлар, ажални кутмас,
Фарзанд дийдорини кутиб толмайди.
Ёвуз қорахат-ку куйган, афтода,
Фақат бир ғами бор: кетса, дунёда
Ўғлига интизор ҳеч ким қолмайди...

Биринчи қор

Сирли туйғу чулғар
негадир,
Шарқ ёқларга кетгум хаёлан.
Тонг маҳали
меъмор декабрь
Қарши олар
мармар қор билан.
Деразадан қарайман.
Роса
Қалб орзиқар.
Битар тоқатим.
Қор ёғади —
беғубор,
тоза,
Шарқ томонга қараб ёғади.

Кўчалар

Бу кўчалар —
Сен кўрган қайғу,
Зафарлардан кўра ҳам, э воҳ,
Минг бор зўрроқ зафарларгаю
Ғуссаларга бўлгандир гувоҳ.

Ҳордиқ надир — билмайди булар,
Асаблари ором олар заб,
Тун зулмати чўккач, автолар
Тарк айлагач елкаларини...
Бу кўчалар,
Турарлар боғлаб
Ернинг турфа ўлкаларини.

Бу кўчалар,
Кўп кўрган нечоғ:
Оёқ изи, мунг, кўз намларин,
Кезиб юрган чоғларинг ногоҳ,
Унутилар майда ғамларинг...

Теракзор шовуллар...

Теракзор
шовуллар,
шовуллаб ётар...
Терак учларида енгил бир шамол —
Гоҳ яқин,
гоҳ олис,
болакай мисол
Югуриб, тегишиб, мавжланиб ўтар.
Шаҳар зада қилган шошқин юракка,
Бепоён бу қўшиқ беради ором.
Қадрдон дўстлардай
тебраниб
оқшом

Тераклар куйлайди,
Тинглайман якка.

Теракзор шовуллар: шодликми, йиғи,
Рухимни, қалбимни поклар бу мақом.
Мени диёримга қайтарар тамом,
Шу кичик юртимнинг катта кўшиғи.

Қизиқиш тўғрисида ривоят

Бир камгап зот ўтмиш ернинг юзида,
Ўзин гапирмоқдан тиёлар эмиш.

Қимтинар эмиш у, уялар эмиш
Ўзгалардан кўра кўпроқ ўзидан.

Бу нодир одамни кўкка кўтариб,
Одам йиғилибди бир-бир йўталиб.

Бир сўз айтарми деб, ихлос зўридан
Мўралар эмишлар гоҳо мўридан.

Сирли, гунг инсонга энди бегумон
Қизиқа бошлабди бутун оломон.

Кўп оқил зот, дея таърифлабдилар,
Роса мақтабдилар, шарафлабдилар.

Кичик бир тепани катта тоғ қилиб,
Охир кўтармишлар уни шоҳ қилиб.

У сўйлай бошлабди,
Ажаб бийронмиш,
Фақат шоҳ сўйлармиш бўлса ҳам ноҳақ,
Бақириб-чақириб жаврар эмиш,
Халқ
Уни тўхтатолмай энди ҳайронмиш!..

Ёлғон билан лаънат тўғрисида ривоят



Ёлғон Нуҳ кемасин айлабди орзу,
Барор келтиргувчи ишни кўзлабди:
Товланиб турфа жон,
Жонзод аро у
Ўзига бир содиқ ҳамроҳ излабди.

Лаънат дуч келибди ногаҳон бу чоқ:
— Қалай, танноз ёлғон,
Йўл бўлсин, бебош?
— Аҳдим — Нуҳни топмоқ, кемага тушмоқ.
Ҳей дўстим, балки сен
Бўлурсан йўлдош?

— Хўп, кетдик
Ва лекин бордир битта шарт,
Нуҳ — жуда ҳалол зот,
Фикр эта билур,
Бундан сўнг сен нега эришсанг,
Фақат
Бари менга қолур меники бўлур...

...Оҳ, ҳамон айланар бу чархи даввор,
Асрлар кўксига изларин солгай.
Ҳануз ёлғон қўлга киритган не бор,
Лаънатга йўлиқгай,
Лаънатга қолгай.

Мирзо КЕНЖАБОВ таржималари.



Ашурали Жўраев

ЮРАК БУРОНДАРИ

Ҳужжатли қисса

Мажнун сурати

Ота-бола тупроқ билкиллаган йўлдан илдам юриб боришарди. Йўлга тўкилган шағал тупроққа қоришиб кетган. Отаси бундай йўллардан юравериб кўникиб қолганлиги учун ҳам бепарво. Болага эса қийин. Бунинг устига, янги туфлиси бир оёғини қаттиқ сиқади. У бот-бот оқсаб қўйса-да, буни отасига сездирмасликка тиришади. Аксинча, унга етиб юришга шошилади. Чунки отаси озғин қўлларидан маҳкам ушлаб:

— Тезроқ юр, ўғлим. Тагин репетицияга кеч қолмай, — дейди.

«Репетиция» сўзини эшитиш билан боланинг кўз олдига театр келади. Ва беихтиёр, отасининг сахнада ижро этган ролларини эслай бошлайди.

— Бугун яна Мажнунни ўйнайсизми, ада? — деб сўрайди.

— Йўқ! Ҳозир янги операни машқ қиляпмиз. Премьерага, албатта сени олиб бо-
раман.

У «преьера» сўзининг маъносига тўлиқ тушунмаса ҳамки, отасининг ваъдасини эшитиб хурсанд бўлади. Хурсанд бўлиб отасига яна савол бермоқчи бўлади-ю, товони тошга тегиб, кўзларидан ёш чиқиб кетади. Тўғриси, отаси унга янги туфли олиб келганида роса қувонган эди. Фақат бу эмас, янги туфлисини ҳатто тушида ҳам кўрди. Уни кўчага кийиб чиқиб, дўстларига кўрсатганмиш. Сўнг кўча этагидаги чимзорда қўшни маҳалланинг болалари билан роса тўп тепишибди. Рақиблар дарвозасини бир неча марта нишонга олибди-ю, туфлиси оёғини сиқаётганини ҳеч сезмабди. Ё тушда туфли оёқни сиқмас эканми?..

У гоҳ туш тафсилотлари, гоҳ оғриқ азоби билан бўлиб, ҳашаматли дарвоза қаршисига келиб қолишганини пайқамаганди.

— Йигитча, болалар санаторийси шуми? — деб сўради отаси ярим табақаси қия очиқ дарвоза ёнида турган ўсмирдан.

— Шу.

— Қабулхонаси қаерда?

Ўсмир индамай дарвоза табақасини очиб, уларни қалин дарактлар билан ўралган баланд иморат томон бошлади. Ичкарига киришгач, ўнг қўл томондаги эшик ёнида тўхтаб:

— Кираверинглар, — деди.

Ота оқиш рангли эшикни очди:

— Мумкинми?

— Марҳамат.

Улар хона тўрида ўтирган ўрта ёшлардаги аёл билан қўл бериб кўришишди.

— Клавдия Дмитривна! — деб ўзини таништирди аёл.

— Ботир Зокиров! — деди ота ўзини эмас, ёнидаги ўғлини таништириб.

Клавдия Дмитривна у чўнтагидан олиб узатган аллақандай қоғозларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди:

— Ҳаммаси жойида, — деди.

— Унда мен борай, ўғлим, — деди ота. — Сен яхшилаб, ўйнаб-кулиб дам олгин.

Зерикмагин. Агар жуда зериксанг уй яқин, йўлни биласан...

Хайрлашиб йўлакка чиқиши билан отани бир гуруҳ тарбиячилар, ўқитувчилар ўраб олишди:

— Ассалому алайкум, Карим ака!

— Хуш келибсиз, Карим ака!

— Бир пиёла чойимиз бор, меҳмон бўлинг.

— Ўғлингизни олиб келдингизми?.. Яхши-яхши. Ўзимиз кўз-қулоқ бўламиз...

* * *

Ҳаворанг майка кийган, бадани, юзи офтобда қорайган, сочи устарада қирилган, кўзлари катта-катта «янги бола» — Ботир, бир ҳафтада санаторийдагиларга қўшилиб кетди. Катта-кичик уни бирдай яхши кўриб қолди. У билан отряд бошлиғи Анвар ҳамда пионервожатий бўлмиш бир йигит айниқса қалин дўстлашишган эди.

— Биласанми, Ботир, дунёда энг яхши, энг қизиқарли фан тарих, — дерди ҳовлида сайр қилиб юришганида баъзан пионервожатий. — Барча миллат ўз тарихини ўрганиш, бойитиш, юксакларга олиб чиқиш учун курашади. Тарих ғилдираги тинимсиз айланади. Давр ўтиб, инсон интилишидан мўъжизалар бунёд бўлаверади... — Бир куни эса у: — Мана, масалан, сен Эски шаҳардаги Кўкалдош мадрасасининг қайси асрда, қачон қурилганини биласанми? — деб сураб қолди Ботирдан кутилмаганда.

Ботир қандай жавоб беришини билмай довдиради. Охири:

— Жуда чиройли, — деб ғудранди. У «мадраса», «аср» деган сўзларнинг маъносини англамаган эди. Тарих деганда Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларни тушунадди. Отишер Навоийнинг бу дostonлари қайта-қайта ўқиб беради, бу асарлар адабий тарихимизнинг ўлмас хамуналари, деб таърифларди. Ботир кўпроқ Мажнун қисматига ачинади, хаёлан унинг сиймосини кўз олдида келтиришга уринади. Отасидан эшитган бундай сатрларни ёд ҳам биларди:

Лайли, Лайли, дебон чекиб ун,

Эл деб: Мажнундур, ушбу Мажнун...

Ботирнинг жим бўлиб қолганини сезган дўсти саволга ўзи жавоб қайтарди:

— XVI асрда қурилган. Мен ҳар гал Эски Жўва бозорига тушсам Кўкалдошни мириқиб томоша қиламан. Мўъжиза ана шу...

Бир куни у болаларни санаторийдан унча узоқ бўлмаган жарлик бўйига саёхатга олиб борди. Бу ерларда ҳар хил жаҳонгир ва босқинчиларнинг қўшинлари билан бўлган қирғинбарот жанглар жадаллар ҳақида билганича гапириб берди. Болалар тубсиз жар ёқасида туриб, баҳайбат чуқурликларга қараб ҳайратга тушишди.

— Худди эртаклардагидек қўрқинчли, — деди биров.

Ботир Зокиров нафақат ўзбек эстрадаси, балки Совет эстрада санъатининг асосчиларидан ва улкан намояндаларидан биридир. У киши санъатнинг қатор жанрларида барақали ижод билан шуғулланиб; бетакор суратлар чизди, прозада илҳом билан қалам тебратди, ажойиб либретто ёзди, ўзига хос таржималар қилди, кинода томошабин қалбида қоладиган ёрқин образлар яратди.

Ўзбек халқи номини дунёга танитганлардан бири ҳам Ботир Зокиров. Шу боис, хорижий элларда ҳазрати Алишер Навоий билан машҳур хонанда Ботир Зокировни кўпроқ билишади, севишади...

Ботир Зокиров катта талант соҳиби, юксак эҳтирос фарзанди, XX асрнинг ўта маданиятли ва зиёли кишиси эди. Бу улуг санъаткор ҳамиша ҳалол, имонли, ҳақиқатгўй бўлган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ўз эътиқодига, ўз санъатига содиқ қолган. Шундай экан, унинг ҳаёт ва ижод йўли ибратли, санъати умрбоқидир.

Абдулла ОРИПОВ

— Девларнинг маконига ўхшайди, — деди бошқаси.
Болалар учун бу қанчалик жўн сайр бўлмасин, кўрганлари улар қалбида тарихнинг бир бўлаги сифатида муҳрланиб қолди.

* * *

Пешин маҳали. Ҳаво иссиқ. Дим... Улар дарвозани очиб ичкари киришди. Ботирнинг дадаси одатича пешонасига рўмол танғиб, қўлида кетмон — томорқага сув бериш билан банд эди. Салом-алиқдан сўнг, Ботир унга дўстини таништирди:

— Отрядимиз бошлиғи Анвар, отаси дўхтир.

— Қайси дўхтир? Кимнинг ўғлисан?

— Мақсудовнинг, — деди Анвар.

— Э, Азим аканинг ўғлимисан? Жуда яхши. — У Ботирга юзланди. — Ҳўш, бирор нарса керак бўлиб қолдимми, ўғлим? Қани, уйга киришлар.

— Альбом билан рангли қаламлар керак, — деди Ботир. Уйга кириб айтган нарсаларини олиб чиқди ва онаси Шоҳиста опанинг чой ичиб кетинглар, деганига ҳам қарамасдан улар яна югуришганича санаторийга қайтишди.

Анвар бора-бора Ботирнинг бир умрлик жонажон дўстига, Зокировлар хонадонининг гўё туғишган қадрдонига айланди. Санаторий улар тақдирини бир-бирига боғлаган эди. Кейинги, яъни 1948 йилда ҳам Ботир билан санаторийнинг иккинчи навбатига дам олгани бирга боришди. Ботирнинг бу гал санаторийга келиши кутилмаган байрамга айланди. Унинг олдинги уятчанлиги, тортинчоқлиги йўқолиб, анча дадиллашган эди. Бу орада Ботирнинг ҳаётида қатор ўзгаришлар рўй берганди. У республика пионерлар уйи қошида очилган «Изостудия»га қатнаб, расм чизиш сирларини ўргана бошлади. Санаторийга энди яна альбом ва ҳар хил бўёқлар олиб келиб, бўш қолди деганча ўзича расм чизиб ўтирарди. Болалар унинг атрофини ўрашиб, чизаётган манзараларини завқланиб томоша қилишарди.

Ботир расм чизиш билан бирга музикага, қўшиқ айтишга жуда-жуда қизиқарди. Уша кезларда озарбайжонлик машҳур хонанда Булбул Мамедовнинг «Кўчаларга сув сепмишам...» қўшиғини хиргойи қилиб юрарди. Болаларнинг «Ким бўлмоқчисан, Ботир?» деган саволига «Қўшиқчи бўламан» деб жавоб берарди. У жаҳонга танилган Италия «Ла скала» театрининг ўша пайтларда машҳур хонандалари Энрико Каруза, Жилли, Тето Руффо ижоди билан қизиқар, улар ҳаётидан эшитган ё ўқиган айрим воқеаларни ҳикоя қилар, уларнинг қўшиқларидан намуналар айтарди. Айтгандаям италияликларга ўхшаб айтарди. Ботирнинг эшитиш қобилияти, хотираси ниҳоятда кучли эди. Бир-икки бор эшитган қўшиғини ёдлаб, оҳанглари эслаб қолиб, музикасини оғзида «чалиб» куйлаб юрарди, қўшиқ айтаётганда бошқача бўлиб кетарди.

У биринчи қўшиғини санаторийда куйлади. Бу — ўша даврларда барчани қизиқтириб, тилга тушган «Арши мол олон» кинокомедиясида Рашид Беҳбудов ижро этган «Қайдасан, қайдасан, сени кутаман?» қўшиғи эди. Қўшиқни санаторийдагилар тинглаб, жуда яхши қабул қилдилар. Санаторий маъмурияти қўшиқни маромига келтириб айтгани учун Ботирга китоб совға қилди. Кейин болалар орасида Ботирнинг тақлидчилари пайдо бўла бошлади. Болалар ўзларича минғирлаб, хиргойи қилиб, унинг овозига ўхшашиб «қўшиқ» айтардилар. Ботир бу ҳолни кўриб худди катта санъаткорлардай кулиб қўярди, хурсанд бўларди.

Ботирнинг болалиги қайсидир жиҳатлари билан баъзи улўф санъаткорларнинг болалигига ўхшаб кетади. Унинг «таржимаи ҳоли»га болалик даврини шунчаки қайд этиб бўлмайди. У қизиқувчан, тиришқоқ, қаноатли, билимдон эди. Ақли етмаган нарсага аралашмасди. Билмаган нарсасини сўраб-суриштириб, ўқиб-ўрганиб оларди. Доим нима биландир банд бўларди: ё расм чизар, ё қўшиқ ўрганар, ё шеър ёдларди. Қўлига янги китоб тушиб қолса, ўқиб тугатмагунча қўймасди. Кечалари ухламай китоб ўқигани учун кўзлари қизариб юрарди. Унга нафақат болалар, балки катталар ҳам ҳавас қилишарди.

Ботирнинг болалигида ўзига хос донолик бор эди. У тиниб-тинчимас эди. Бўш пайт топиб пластилиндан турли ҳайвонлар, буюмлар ҳам ясарди. Унинг пластилиндан «яратган» дастлабки «асарлари» ҳам санаторийда ташкил этилган кўргазмада намойиш этилиб, мукофотга сазовор бўлган эди. Аммо у ёшлигидан мукофотга қизиқмасди. Мукофотга олган нарсаларини болаларга улашарди...

* * *

АНВАР МАҚСУДОВ ҲИКОЯСИ: — Санаторийдан кейин ҳам Ботир билан тез-тез кўришиб турардик, баъзан бир-биримизникига бориб ётиб қолардик. У Ўрдадаги 21 мактабда, мен Озод кўчасидаги 46 мактабда ўқирдик. Адабиёт ўқитувчимиз Афанасий Феоктистович Крапченко иккала мактабда ҳам дарс берарди. Баъзан менми, Ботирми дарслардан қийналиб қолсак, ўқитувчимиз бир-биримизга ёрдамлашишимизни илтимос қиларди. Бу ажойиб ўқитувчи рус адабиёти билан бирга, Шарқ, ўзбек адабиётини ҳам яхши биларди. Бу халқлар тарихи ва адабиётларининг намояндалари ижодига катта ҳурмат билан қарарди.

Ботир ҳазрати Навоий ва унинг асарлари ҳақида билганларини кўп гапирар, доим қўлида буюк шоирнинг бирор асари бўларди. Болалар унга «Алишер», деб ҳам исм қўйишганди. Бу ном билан у фахрланарди. Ҳатто бир неча йил мактаб ҳужжатларида унинг номи Алишер Зокиров деб ёзилган. У «Лайли ва Мажнун» дostonидан айрим бобларни ёд ўқирди. Мажнун образига ёшлигидан чексиз муҳаббат қўйган эди. Ун тўрт ёшида «Мажнун» деб аталган ажойиб картина чизди. Хабарим бор, картинани узоқ вақт, жуда қийналиб яратди. Лекин картина устида ишлаётган кунлари роса қувониб, ҳаяжонланиб ҳам юрди.

Картинада тасвирланган манзара бундай: зилол сувли ҳовузча, унга кўм-кўк булоқ оқиб тушяпти. Ҳовузча бўйида ғамгин хаёлларга чўмган, сочлари тўзғиган, кийим-боши бир аҳволда Мажнун ўтирибди. Ёнида кўзлари жавдираб жайрон ётибди. Ун қўли билан жайроннинг бошини силайди. Чап қўли иягида, тиззалари остида пайлари таранг тортилган камон. Қаршисида бошини оёқлари устига қўйганича узала тушган шер. У ҳам гўё Мажнуннинг аҳволини кўриб ғам-ғуссага ботгандай. Картинанинг орқа планига сариқ ранг берилган. Мажнуннинг синиқ чеҳраси, ҳасратли кўзлари киши юрагини эзиб юборади... Бу картинани Ботирнинг дастлабки «Автопортрет»и дейиш мумкин. Гарчи унинг бу картинаси бирор бир кўргазмада намойиш этилмаган бўлса-да, ҳар қандай истеъдодли rassomнинг асаридан қолишмасди.

Ботирнинг яна бир катта орузи кинода Мажнун образини яратиш эди. Уни бир сафар «Озарбайжонфильм» киностудиясида суратга олинган «Лайли ва Мажнун» бадий фильмида Мажнун ролини бажаришга таклиф қилишди. У синовдан муваффақиятли ўтиб, жуда хурсанд бўлиб қайтди.

— Анвар, тез етиб кел, зўр янгилик бор, — деди Бокудан келиши билан менга телефон қилиб.

Уша оқшом у билан узоқ гаплашдик. У бахтиёр эди. Бундай қувониб, дилдан яйраган ҳолатлар унинг ҳаётида жуда кам бўлган.

— Биласанми, Анвар, Мажнунни Навоий бобомиз қандоқ ёзган бўлсалар шундай ўйнайман. Озарбайжонлик киночилар фильмни Низомийнинг «Лайли ва Мажнун»и асосида ишлашмоқчи. Лекин мен Навоий яратган Мажнунни кўпроқ севаман. Шу боис, икки талқиннинг бир нуқтасини топишни, ижронинг бирор сўзи ё ҳаракатида сохталик бўлмаслигига эришишим керак.

**Эй ишқ ўтида хасим нечуксен,
Эй бедилу бекасим нечуксен!
Ким Лайли ишқида нотавонсен,
Ишқида ҳақонга дoston сен...**

Ҳамма гап ана шу ишқ дostonини кўрсатишда, фильмда ишқпараст Мажнун бўлиб «яшашда». — У ҳаяжонланиб, дам бўлажак картина ҳақида гапирди, дам ёниб дostonдан ёд олган парчаларини ўқиди. Сўнг чуқур ҳўрсинди: — Эплай олармикиман?! — Эплайсан. Ҳаммаси зўр бўлади, Ботир! — деб унга далда бердим...

Афсуски, Ботирнинг чексиз қувончлари, образ устидаги ўйлари, узоқ тайёргарликлари бефойда кетди. Нима сабабдандир фильм суратга олинаётганда уни таклиф қилишмади. Бу Ботирга ҳар жиҳатдан жуда ёмон таъсир қилди... У мазкур дostonни кино қилиш ҳақида ўзбек кинорежиссёрларига кўп марта қуяниб гапирди. Лекин улар турли баҳоналарни рўқач қилиб, таклифни инobatга олмадилар. Мажнун образи унинг юрагида бир умр армон бўлиб қолди...

Ботирларнинг Урдадаги «Мутахассислар уйи»да ҳам квартираси бор эди. Бу тарихий уй асосан таниқли санъаткорларга берилган бўлиб, унда Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Носирова, Назира Аҳмедова каби республиканинг машҳур санъаткорлари яшардилар. Хонадонларда тез-тез йиғилиб, қўшиқ айтиб, ўйин-кулги қилардилар. Гоҳ Ҳалима опа, гоҳ Карим ака қўшиқ бошласа, Мукаррам опа ўйинга тушиб кетарди. Уша даврларда санъаткорларнинг бир-бирига ҳўрмати, ўзаро муносабати, андишаси бўлакча эди. Бу ҳақиқий санъат муҳити Ботирга ҳар жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатди. Шундай бўлса-да, Ботирга кўпроқ ҳовли ёқарди. Карим ака ҳам бўш қолди дегунча ҳовлига шошар, қўлига кетмонни олиб томорқада уннарди. Ҳовлида мевали дарaxтларнинг ҳамма хилларидан бор, айниқса узум кўп эди. Ҳовли этагидаги ҳовуз бўйида уч-тўрт туп нок бўлиб, уларни кади нок дейишарди. Ҳосили салкам ошқовоқдек бўларди. Ҳовузга ёзда доим қовун-тарвуз ташлаб қўйиларди. Ҳовуз бўйидаги чорпойда Ботир билан ёз кечалари ухлардик; тўнда кўрпамиз устига тўп-тўп этиб нок тушарди. Ойдин кечаларда узоқ вақт сирлашиб, суҳбатлашиб ётардик... Баъзан эртақ айтишардик, баъзан у шивирлаб шеър ўқирди. Музыка, қўшиқ, rassomлик, спорт ҳақида ўз билганимизча гурунглашардик. Мен кўпроқ уни тинлардим. У ҳар бир масалага атрофлича қарар, ҳамма нарса ҳақида катталардай жиддий мулоҳаза юритарди.

1952 йили СССР халқ артисти Булбул Мамедов Тошкентга гастролга келди. Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрида унинг ижросида Узайир Ҳожибековнинг «Кўрўғли» операсидан парчалар намойиш этилди. Операни залнинг биринчи қаторида ўтириб, Ботир билан бирга томоша қилганмиз.

— Кўрдингми, Булбул Мамедов саҳнага чиқса, гўё саҳна ёниб кетаётганга ўхшайди, — деганди ўшанда ҳаяжонланиб Ботир.

Кейин у узоқ вақт операдан эсида қолган арияларни такрорлаб юрди... Ботирнинг ёнида доим ҳам дафтар, ҳам альбом бўларди. Дафтарга яхши кўрган сўзларини, шеърларини, ўзи эшитган ҳикматли ибораларни ёзиб қўярди. Бирор гўзал манзарага дуч келса шартта альбомига чизиб оларди. Шунингдек, у пластинкалар йиғарди. Уйимизда бир вақтлар Петербургда чиққан Тўйчи ҳофизнинг иккита пластикаси сақланарди. Уларни ҳам Ботирга совға қилдим.

Ботир ёшлигидан ўзига қарамас, ўзини ҳеч аямасди. У кўпинча бир стакан чойга ё қайноқ сувга бир қошиқ шакар солиб, нон билан ичиб кетаверарди. Шу унинг ҳам эрта-лабки нонуштаси, ҳам тушлиги эди. Ота-онаси берган пулларни тежаб, китоб, қалам, қоғоз ва ҳар хил бўёқлар оларди. Дарсларни яхши ўзлаштирайдиган, китоб ўқимайдиган болаларни ёмон кўрарди. Иложи бўлса саводсиз, такасалтанг болалар билан гаплашмас, ошхўрликларга бормасди. «Буларнинг ошқозони бошида», — дерди у ачинди. Болалар орасида Ботирни тушунмаганлари ҳам бор эди. Лекин уларнинг камситишларига, беписанд кулгиларига парво қилмасди у.

Ботир тўққизинчи синфни битириш арафасида Фарангис деган бир қизни яхши кўриб қолди. Қиз ҳам уни ниҳоятда яхши кўрарди. Улар бир-бирларига хат ёзиб туришарди. Баъзан Фарангисдан келган ё ўзи ёзган хатларни Ботир менга кўрсатарди. Бу хатларда улар фақат муҳаббат мавзуи билан чекланмасдан, ҳаёт, жамият ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини, дунёқарашларини баён этишарди. Ботирнинг хатлари кичик лирик ҳикояларга ўхшарди. Уларнинг муҳаббати булоқ сувидек тиниқ, осмон каби мусаффо эди. Лекин Фарангиснинг ота-онаси, акалари бундан хабар топиб, уни анча қўйишди. Уларнинг оиласи бадавлат, анча доврўқли эди. Хуллас, уларнинг муҳаббати айрим жиҳатлардан Лайли ва Мажнунни эслатарди...

1951 йили мен мактабни тугатиб Тошкент медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга кирдим. Ботир 1952 йили Тошкент Давлат консерваториясининг вокаль факультетига имтиҳон топшириб муваффақиятли ўтди. Фарангис Москва Давлат университетининг филология факультетида ўқий бошлади. Улар хат орқали тез-тез «боғланиб» туришарди. Каникул пайтларида учрашишарди.

Кутилмаганда Ботирнинг ҳаётида оғир, изтиробли кунлар бошланди. 1955 йилда қаттиқ бетоб бўлиб, ТошМининг юқумли касалликлар клиникасида ётди. Аҳволи оғир, ранг-рўйи қорайиб, чўпдай қотиб қолганди. Уни врач Вали Мажидов узоқ даволади. Даволаш жараёни оғир кечди. Лекин Ботир рухий тушкунликка тушмади. Унинг ҳаётга муҳаббати, иродаси кучли эди. Клиника Салор ариғи бўйида жойлашган, Ботир ётган палата ойнаси Салорга қарарди. Мен дарсдан чиқиб албатта уни кўргани борардим. Қачон борсам шовуллаб оқаётган зилол сувга термилиб, хаёл суриб турарди. Табиатан хаёлга ўч эди.

— Нималарни ўйлайсан, Ботир? — деб сўрадим бир куни.

— Қўшиқ айтишни. Айтганда ҳам яхши, ҳеч кимга ўхшамай, фақат юракдан куйлашни, — деди кўзлари ёниб.

Ботир адабиётни севар, кўп ўқир, ёзувчилар, шоирлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб турарди. Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров, Улмас Умарбеков унинг яқин дўстлари эди. Улар ўша давраларда бир-бирларига янги асарларини ўқиб бериб, баҳс-мунозаралар қилишарди.

Бир куни Шукур Холмирзаевнинг уйида йиғилдик. У туғилган юрти Бойсундан гўшт олиб келган экан. Қозонкабоб қилиш учун гўштни тўғраб, қозонга босиб, газни ёқиб қўйдик. Шукур янги ёзган ҳикоясини ўқиб берди. Сўнг узоқ баҳс-мунозара бўлди. Кабоб эсимиздан кўтарилибди. Бир маҳал қозонни очсак, гўшт куйиб анча қорайиб қолибди. «Бойсунча кабоб», деди Ботир ҳазиллашиб. Ҳаммамиз кулиб юбордик. Бундай қизиқ ҳангомалар кўп бўлган.

Ботир Чингиз Айтматовнинг мухлиси эди. Унинг ҳар бир янги асари эълон қилиниши биланоқ ўқиб чиқар ва бу мурола Ботир учун байрамга айланарди. У 1978 йили Фрунзега «Ялла» ансамбли билан гастролга борганида Чингиз Айтматов билан учрашганини ҳаяжонланиб гапириб берган эди. Ёзувчи уни Чўлпонотадаги дала ҳовлисида меҳмон қилган, узоқ суҳбатлашганлар. Айтматов унга соғлиғини асраш кераклигини қайта-қайта тайинлаган... Шунингдек, Ботир Расул Ҳамзатов билан яқин қадрдон эди. Москвада Нозим Ҳикмат билан кўп марта учрашган. Шоир унинг қўшиқларини эшитган, санъатига юксак баҳо бериб: «Сен нафақат ўзбекнинг, балки туркий халқларнинг ўтли ноласисан», деган эди. Ботир сўнгги қўшиқларидан бирини Нозим Ҳикматнинг «Агар сен ёнмасанг» шеъри асосида куйлади.

Биринчи фазокор Юрий Гагарин Ботирнинг ҳақиқий мухлисларидан эди. У 1963 йил 31 декабрь куни Марказий телевидениенинг «Голубой огонёк» — янги йил базмида иштирок этиб, дикторнинг: «Энг сеvimли хонандангиз ким, Юрий Алексеевич?» деган саволига: «Менинг яхши кўрган қўшиқчим Ботир Зокиров» деб жавоб берган эди. Лекин Ботир булар билан мақтанмасди. Машҳур кишиларга яқинлигини айтиб, ўзини кўтар-кўтар қилишни ёқтирмасди. У камтарларнинг камтари эди. Бирор марта мақтанганини

эшитмаганмиз. Гердайиб, манмансираб юрадиган қўшиқчиларни жини ёқтирмасди.

Ботир бир сафар қизим Гўзал билан менинг ҳаётимни сақлаб қолган. Баҳорнинг охирлари эди. Оилаларимиз билан Тошкент район, Навоий номидаги колхоз далаларига айлангани чиқдик. Уша пайтларда пишқириб оқадиган Зоғариқ бўйида ўтириб ҳордиқ чиқардик. Мен ўшанда икки ёшли қизчам Гўзални (макаронни яхши кўргани учун Ботир ҳазиллашиб уни «Макарелла» деб чақирарди) кўтариб ариқнинг саёз жойидан кетиб ўтмоқчи бўлдим. Лекин ариқ жуда чуқур экан, чўкиб кетиб оқа бошладик. Шунда Ботир оғир касаллигига қарамай, шартта ўзини ариққа ташлаб, бизни қутқариб қолган.

— Вой, Макарелла-ей, ҳали сувда пишиб қолардинг, — деди Ботир кўрқиб кетган Гўзални кўтариб. Ҳаммамиз кулиб юбордик...

1971 йили Совет делегацияси составида қирқ кун Саудия Арабистонида бўлдим. Уша ерда ҳам Ботирнинг «Араб тангоси» мамлакатнинг ҳамма бурчакларида янграганини ўз қулоқларим билан эшитганман. Севинганимдан йиғлаб юборганман. Баъзи учрашувларда у ҳақда ҳаяжонланиб гапириб берганман. Ботирнинг орзуси Шарқ мамлакатлари бўйлаб ўзбек қўшиқларини ижро этиш эди. Афсус...

1984 йил 28 августдан 10 сентябрга қадар «Ялла» Москвада концерт берди. Бу Ботир Зокировнинг Москвага сўнги гастролли, москвалик эстрада мухлислари қалбини сўнги бор юзма-юз забт этиши эди. У билан ўн кун бирга бўлдим. Уч марта концертга тушдим. Шу ўн кун умримнинг ўн йилига татийдиган, қалбимдан ўчмайдиган, ҳаётимдаги энг бахтли ва унутилмас кунлар бўлиб қолди.

У саҳнага қандай ёниб чиққан бўлса, умримнинг охиригача шундай ёниб куйлади. Ҳамиша, ҳар қандай вазиятда имонига, этиқодига, ўзлигига содиқ қолди...

«Куйламоқ — яшамок демак!»

Ботир Зокиров бундай деб ёзганди: «Мен ўз кундалигимни ажойиб ёшлигимнинг энг бахтиёр кунларидан — болалигимнинг илк орзулари рўёбга чиққан кунидан бошлагим келади...

Уша куни мен Тошкент Давлат консерваторияси вокаль факультети тайёрлов бўлимига муваффақиятли имтиҳон топширдим. Уша дақиқаларда мен саҳнада туриб, ҳассос ва талабчан тингловчилар қаршида кечирган чексиз ҳаяжонларим, изтиробларим куйлашим биланоқ тумандай тарқаб кетди.

Имтиҳонлардан сўнг ўқишга қабул қилинган «аълочилар» қаторида менинг ҳам фамилиямни айтишганида дастлабки ҳаяжонларим бамисли қувончга айланди. Уша кундан бошлаб мен мусиқа эҳроми — консерватория талабаси бўлдим, ўша кундан бошлаб сеvimли машғулотиمنىнг сарҳадсиз уммонига шўнғидим... 1952 йил, 20 август».

Лекин унинг ҳаётига аллақачон шафқатсиз тамғасини босган хасталик барча орзуларига зомин бўлди.

У консерваторияда ўқишини тугатолмади. Кейинчалик Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтининг режиссёрлик факультетида, таниқли режиссёр Александр Гинзбург қўлида таҳсил ола бошлади. Касаллик барибди уни қўшиқдан заррача ажратолмади. Талабалик йилларида «Ёшлик» эстрада ансамблида қатнашарди. Тузалгач, яна ансамблга қайтди.

Ансамбль бу даврда Москвада бўладиган Бутунжаҳон студент-ёшлари фестивалига (1957 йил) қизгин тайёргарлик кўраётган эди.

— Болам, Москвага борадиган бўлсанг, бирорта янги қўшиқ ўрганишинг керак, — деди онаси Шоҳиста опа.

— Ким ўргатади ўша қўшиқни, ойижон?

— Ўзим ўргатаман, жон болам. Луиза билан бирга айтасизлар.

Шоҳиста опа бир сўзли аёл. Болаларидаги қўшиққа бўлган катта ҳавасни кўриб илҳоми келди. Тез кунда «Ўзбекистон — менинг диёрим» деган шеър ёзиб, ўзи куй басталади. Сўнг рубобни Ботирга, доирани Луизага берди. Бир ҳафта деганда қўшиқ тайёр бўлди. Шунда Ботир янги қўшиқ қанчалик қийинчиликлар билан яратилишини биринчи бор ҳис этди...

Ака-сингил кучли ҳаяжон билан қўшиқни ширали овозда айтиб бўлишгач, фестивал қатнашчилари уларни узоқ олқишлашдилар. Бу қўшиқ фестивалнинг Бронза мукофоти билан тақдирланди.

Қутлуғ келган биринчи қадам уларга ишонч, куч-ғайрат бағишлади.

1958 йил «Ёшлик» ансамбли базасида Ўзбекистон Давлат эстрада оркестри тузилди. Оркестрни тузишда Ботир Зокиров актив қатнашди. Ака-сингил оркестрда солист бўлиб ишлай бошладилар.

Оркестр Ботир Зокиров ижодий йўлини қатъий белгилаб берди. Бу ўзбек мусиқа ва қўшиқчилиги тарихида очилмаган кўриқ — эстрада санъати эди. Барча соҳалар каби Ботир Зокиров танлаган эстрада йўли оғир, машаққатли ва изтиробларга тўла эди. Лекин бундан у асло чўчимади.

Биринчи бўлиш ҳамиша оғир! Биринчиларга ҳамиша қийин!

Оркестрда композиторлардан Ян Френкель, Альберт Малаховлар фаолият кўрсатишарди. Чолғучилар орасида Хитойдан қайтиб келган рус эмигрантлари ҳам бор эди. Уша кунларда Тошкентда бўладиган Осие ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференцияси (1958 йил, сентябрь) ҳамда Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси (1959 йил) га қизгин тайёргарлик кўрилаётган эди. Шу кезларда иш кўп. Репертуарни яхши асарлар билан бойитиш учун тинимсиз машғулотлар ўтказиларди.

— Болам, соғлигинга қарагин. Ўзингни асра, — дерди Шоҳиста опа ҳар куни Ботирни ишга кузатаркан. «Хўп, ойижон» дерди-да, оркестрга келиши билан ваъдасини унутарди...

Композитор Ян Френкель оранжировка қилишга уста эди. У қайта ишлаган Шарқ халқларининг қатор яхши қўшиқлари биринчи бор конференцияда Ботир ва Луиза ижросида янгради. Икки қитъа адиблари икки ёш талантни узоқ олқишладилар. Ҳатто ҳиндистонлик адиблар Ботир ижросини ҳинд санъаткорларига тенглаштириб баҳо бердилар. Айрим чет эллик журналистлар улардан интервьюлар олди. Шунда Луиза ижро этган индонезияча қўшиқни эшитган индонезиялик кекса адиблардан бири уларга шундай савол берди:

— Жуда хурсанд бўлдик. Раҳмат сизларга. Айтинглар-чи, қўшиқ сўзларининг мазмунига тушунасизларми?

— Йўқ.

— Унда сўзларнинг маъносига тушуниб, кейин куйлаш керак. Мана, масалан сиз, — деди адиб Луизага юзланиб, — саҳнада — қайиқда қўшиқ айта туриб ҳаракатларингиз билан гитарачи йигитга севги изҳор қиласиз. Афсуски, қўшиқ севги ҳақида эмас, бу индонезиялик оналар «Алласи»ку!

Ака-сингил хижолат тортиб, гуноҳкорлардай бир-бирига қараб олишди. Лекин бу воқеа уларга бир умрлик сабоқ бўлди...

Москвада ўтказилган декадада эса машҳур араб композитори Дориз Ал-Аттошнинг (Ян Френкель қайта ишлаган) «Араб тангоси» қўшиғи биринчи марта янгради. Янградия чақмоқ янглиғ Ботир Зокиров номини қўшиқсеварлар қалбига олиб кирди. Бу кутилмаган катта омад, шуҳрат ва келажакка ишонч эди. Кейинчалик бу қўшиқ хонанда репертуарининг муқаддимаси бўлиб қолди. Концертларда, гастролларда агар шу қўшиқ янграмаса, томошабинлар бараварига: «Араб тангоси», «Араб тангоси!» деб қатъий талаб қилишарди. Мазкур қўшиқ номи билан минглаб нусхаларда унинг пластинкалари чоп этилди. Қўшиқ унга жаҳоний шуҳрат келтирди...

Декададан қайтгач, оркестр бадий раҳбари ва дирижёри Альберт Малахов тўсатдан вафот этди. Эстрада санъати жонкуярининг бевақт ўлими Ботирни қаттиқ изтиробга солди. Оркестрга бадий раҳбарлик қилиш унинг зиммасига юкланди. Бу эса ундан тинимсиз изланишни, яна ҳам тер тўкиб меҳнат қилишни талаб этарди.

— Ботир доимо мияси, қўли ишлаб туришини яхши кўрарди, — деб хотирлайди унинг сафдошларидан бири, композитор Энмарк Солиҳов. — У меҳнат қилган сари роҳатланарди, илҳомланарди. Бирор бошлаган ишини поёнига етказмагунча тиниб-тинчимасди. У қисқа вақт ичида оркестр шуҳратини иттифоққа олиб чиқди. Москва, Ленинград шаҳарларига устма-уст гастролларга борди. Нур бор жойда соя бўлганидек, ўзимизда оркестр душманлари пайдо бўлди. Улар турли баҳоналар билан оркестр фаолиятини ерга уришга кўп бор уриндилар. Маданият министрлигининг ўша пайтдаги собиқ раҳбарлари репертуарни тасдиқламай, уни кўп қийнашарди. Турли ташкилотларга югуртиравериш овора қилишарди. Чунки, Ботир санъатни тушунмайдиган «раҳбарлар»га бўйин эгишни ёмон кўрарди. Ундайларни «санъат чиновниги» деб атарди. Ҳеч қачон уларга ялинмасди. Буларнинг ҳаммаси унинг соғлигига ёмон таъсир қилди. Оқибатда касаллик уни операция столига ётқизди...

Саҳрога илк бора чиққан йўловчига ҳамиша қийин. Ё у азоб-уқубатлар билан йўл очади, ё ҳудудсиз саҳро қўйнида ном-нишонсиз йитиб кетади. Ботир Зокиров ҳам 60-йилларда бечора йўловчининг аҳволига тушиб қолди. Бир томондан санъатдан йироқ кимсалар ғашига тегса, иккинчи томондан ўпка хасталиги ҳадеганда хуруж қилавериш, унинг тинка-мадорини қуритарди. Лекин у касалга таслим бўлишни истамади. Ажал билан олишгандек, касаллик билан олишаварди. Шу боис, гоҳ Москва касалхоналарида, гоҳ Қрим санаторийларида тез-тез ётиб даволанишга мажбур эди. Даволаниш баъзан ойналаб, йиллаб чўзиларди. Бундай пайтларда у кўпроқ картиналар чизиш билан машғул бўларди. Унинг ўша даврларда чизган «Москва манзаралари», «Қрим манзаралари» деб номланган туркум асарларини кўрсангиз, ҳаётга ташна қалбнинг бетакрор рангларини ҳис этасиз.

Ботир Зокиров қўшиқда сўз, оҳанг танлаганидек, картинада оҳори тўкилмаган рангларни танларди. Хасталик азобини тортиб юрган кезларида чизган турли картиналарида кўпроқ қора бўёқ ажралиб туради. Лекин у қора бўёқни тушкунлик аломати эмас, балки ҳаётга муҳаббат тарзида талқин этади. Масалан, бир картинасида қалин дарахтзор ора-лаб кетаётган кишини тасвирлайди. Дарахтлар қора, одам қора. Лекин олисда яшил, қизғиш ранглар қоришмаси кўзга ташланади. Уша ёруғ ранглар одамни ўзига чорляпти...

У Кремль касалхонасида ётганида ўша йилларда Москвада яшаётган таниқли ўзбек композитори Икром Акбаров билан яқиндан танишди. Бу танишув Ботир Зокиров ижодида ўзига хос ёрқин саҳифалар очди. Бу саҳифалардан икки санъаткорнинг ўзбек эстрадасига асос солган ўлмас миллий кўшиқлари абадий ўрин олди.

— Ботиржон, бирйўла тузалиб олинг. Кейин бафуржа ишлаймиз. Ҳозир жуда қийналяпсиз, — деди бир куни Икром ака иш жараёнида Ботирнинг тоби қочиб қолганини кўриб.

— Бу лаънати касал ҳеч қачон тузалмайди. Мен эса куйлашим шарт. Сиз мени ўйламасдан янги куйларни ёзаверинг. Вақтни бой бермаслигимиз керак, Икром ака, — деди у оғриқ бир оз босилгач.

— Мен врач сифатида қаттиқ талаб қиламанки, олдин соғлиқ, кейин кўшиқ! — деди унинг ранг-рўйини кўрган Икром аканинг турмуш ўртоғи Нина Сергеевна.

— Вой, онажоним-эй, соғ одам қандай қилиб кўшиқ айтади? — деди Ботир одатдагидай ҳазил қилиб. Сўнг «Бир куни Афанди...» дея гапини латифага улаб юборди. Бир зумда Икром ака ҳам, Нина Сергеевна ҳам унинг касаллигини унуттишди. Завқ-шавққа тўлиб латифагўйлик қилаётган Ботирни кўрган киши сира бемор деб ўйламасди. У шундай пайтда ҳақиқий қизиқчиларга ўхшаб кетарди.

У нафақат ўзи, балки бошқаларнинг ҳам касали ҳақида ўйлашига, гапиришига йўл қўймасди. Концертларини ҳаяжонланиб тинглайдиган минглаб кўшиқ мухлисларининг кўпчилиги касаллигини билмасди. Ботир касалликни яхши кўшиқ, самимий кулги ва кучли ирода билан енгарди.

Бир гал Томск шаҳрига гастролга борганида концертдан сўнг бир гуруҳ томошабинлар уни саволга тутиб: «Ўпкангизни ярми йўқ, дейишади, шу ростми?» — деб сўрашган эди. Бу савол унинг суякларини зирқиратиб юборганди. Эҳ, одамзод, одамзод! Кўшиқни тинглаб, йўлингда тинчгина кетавер. Саволинг нимаси? Хаста юракни яна хасталамоқдан муддаоинг не ўзи?.. Шу-шу, томошабинларга рўбарў келишдан чўчийди. Чўчийди эмас, уларнинг ноўрин саволларига юраги бардош беролмайди.

1961 йил уни биринчи марта операция столига ётқизишди. У ўша кунларни кундалигига шундай қайд этган: «Операциядан сўнгги тўртинчи кун. Яхши ва ёмон. Ёмон ва яхши. Ширин ва аччиқ. Азоб ва ёқимли... Доимо хонам тўла дўстлар. Яхши! «Албатта ҳали ҳаммаси яхши бўлади, албатта!» — дея билдириляётган самимий тилаклар. Асло тоқат қилиб бўлмайдиган оғриқлар хуруж қилганда эса, илк бор саҳнага чиққан кунни хотирлаш кўнгилга таскин-тасалли беради».

У қанчалик уринмасин, саҳнага илк бора чиқиб кўшиқ айтган кунини эслолмайди. Эсида фақат Кўкча дарвозасидаги ҳовлиси, олма, ўрик, ноклар фарқ пишган палла. У чорпоёда юлдуз тўла осмонга термилиб ётибди. Кеча ойдин. Юлдузларга термилган сари юраги қинига сиғмай ҳаприқади, вужудида ўтли туйғулар тўлқин уради. Унга тинчлик бермаётган, ярим тунда уйқусини, ҳаловатини ўғирлаб, юлдузларга ошно қилиб сеҳрлаган сирли нарса нима бўлдикин? Лекин тилига келмаётган, номини тополмаётган ўша туйғулари, юрагини тилка-пора қилмоқчи бўляётган ҳис-ҳаяжонлари ўз-ўзидан қуюлиб бўғзига оловдай тикилиб келаверади, келаверади, келаверади... Беихтиёр лаблари қимирлай бошлайди. Юлдузлар ҳам гўё унинг қалбини тушунгандек, сен куйлашинг керак, кўшиқ айтишинг керак, деяётгандек туюлади. Сўнг юлдузлар билан кўшиқ бир-бирига кўшилиб кетади.

Қани менинг юлдузим? Қани менинг кўшиғим?..

У кўп марта адашди, қийналди, изланди, йўлидаги тўсиқларни енгиб, қайта-қайта куйлади, охири излаб-излаб ўз кўшиғини топди. Лекин қанчалик куйиб ёнмасин, кўзлари тўрт бўлиб ахтармасин, ҳали-ҳануз бахт юлдузини учратгани йўқ. Баъзан у билан хаёлан учрашади, сўхбатлашади. Тўғри, бир сафар Москвада концерт бераётганида уни залда томошабинлар орасида тасодифан кўриб қолгандек бўлди. Ушанда гастролнинг охириги концерти эди. Кўриб қолди-ю, ўзини саҳнада бир зум йўқотди. Унинг кўзларига биргина юлдуздан бўлак ҳеч нарса кўринмасди. Юлдуз бўлса залнинг бешинчи ё олтинчи қаторида ўтириб, қоп-қора сочларини елкаларига ёйиб, гўё ўзини батамом унутиб, фақат хонанданинг мунгли қалб фарёдини тинглади. Хонанда эса ундан кўзларини узмай, фақат у учунгина ёниб куйларди,

Қайдасан, азизим, қаро кўзлим,
Севгили юлдузим, ширин сўзлим,
Қўлимда сенга деб, қуйилган шароб,
Кўзларим йўлингда, анор юзлим...

Концертдан сўнг юлдузини излади. Тополмади... бир неча марта унинг суратини чизишга уринди. Чизолмади. Яна қалбларини соғинчларга тўлдириб куйлашдан бошқа чора қолмади:

Қайдасан, азизим, қаро кўзлим...

* * *

1964 йили Ботир Зокировни Кремль касалхонасида иккинчи марта операция столига ётқизишди. Азоб-уқубатларга тўла ўша оғир кунларни кундалигига ёзиб борди. Бу мураккаб операция уни ҳаётга қайтарди. Ажал бу гал ҳам қўшиқни мухлислар қалбидан юлиб ололмади.

15 ЯНВАРЬ:

«Афсус! Операцияни жумага ўтказишди. Салом, яна бир кўнгилсизлик! Кечаги рентген сурати ёмон чиқибди. Қимирламай ётишимни қатъий тайинлашди. Қўшиқни ёзиш эса чиппака чиқяпти. Тинимсиз машғулотлар хайф кетди. Мана, сенга қувонч учун мукофот.

Ўпкадаги кичик тешикча катта бўлиб қолибди. Бу сўнгги машғулотлар оқибати. Барибир янги қўшиқни ёзиб ололмаяпмиз. Бунга Икром ака эмас, мен айбдорман. Чунки биз бекорга ҳаяжонландик, хавотирландик. Қўшиқ ёзилмаса майли. Ахир мен нималарни хоҳламайман? Лаънати касал менга бўйсунмайди. Лекин уни ўз ихтиёрига қўймаслигим керак.

Оқшом Икром ака келди. Менинг сиҳат-саломатлигимни кўриб хурсанд бўлди. Қўшиқ ёзишга йиғилган барча оркестр ижрочилари менга салом айтибди...»

16 ЯНВАРЬ:

«Эртагаам операция бўлмайди. Лев Константинович Богуш касал. Кейинги сешанбагача қимирламай ётиш керак.

Кечқурун Икром ака келиб, операцияга рози бўлма, деди. Чунки ўтган сешанбада ёнимда ётган беморни 6 соат операция қилишди. У қазо қилди. Икром ака отамни чақиришни, маслаҳатлашишни айтди. Икром акага мени операция қилиш зарурлигини тушунтирдим.

Ира (Эркили Маликбоева) телефон қилди. Ҳаммаси жойида, яхши дедим.

Шарқ тарихини ўқияпман. Жуда кўп нарсаларни билмаслигим аён бўлди. Ўз тарихини гурурланиб, фахрланиб ўқиб-ўрганишни бошладим. Қанча-қанча очилмаган тенгсиз хазиналар. Ҳали ўз маданиятимизни жуда юксакларга кўтаришимиз керак. Албатта кўтариш керак! Қандай қилиб? Ҳамма гап шунда.

Яна кўп нарсалар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритишга ҳали имкониятим бор.

Бир нарсани англадим. Шу пайтгача олган билимларим ҳеч нарсага арзимас экан. Ҳаммасини имкон қадар қайтадан бошлаш керак...»

10 ФЕВРАЛЬ:

«Эрталаб кўнгилсизлик бўлди. Кўчада бир одамни машина уриб, ўлдириб кетибди. Бугун касалхонага келганимга икки ой бўлса, шу муддат ичида бу иккинчи воқеа.

Аҳволим яхши эмас. Кундузи ҳикоя ёздим. Эҳтимол бу биринчи ҳикоямдир. Уни ўйлаб топмадим. Ҳикоянинг номини «Кутиш» ё «Охунбобоев ҳайкали ёнида» деб аташ мумкин. Ҳикоя кўпгина яхши, очиқ-кўнгил, камтар танишларим ҳақида...»

15 ФЕВРАЛЬ:

«Худога шукр! Рентген яхши чиқибди. Операцияга ярайман. Ниҳоят, эртага операция! Лекин улар аниғини айтишмаяпти. Чунки Богуш операциядан фақатгина бир фоиз умид бор холос, деди.

Куни бўйи Э. Межелайтеснинг «Инсон» китобини ўқидим. Китоб яхши безалган. Красаускасининг гравюралари табиий. Поэмадаги кўп фикрлар менинг дардларимга ҳам оҳанг. Ўзим очган дунёни «кўриб», ўзим уялиб кетдим. Межелайтес менга руҳ бағишлади. Нега энди ўз-ўзимдан тортинишим керак?..

Бекор хурсанд бўлдим. Ҳароратим 37,8°. Бундай иситма билан операция қилмасликлари мумкин. Ҳамма-ҳаммаси жонга теғди!»

16 ФЕВРАЛЬ:

«Тонг оқарди. Кун ўтяпти. Шафқатсиз савол эса момақалдироқдек осилиб турибди. Қанча ўй-хаёллару қанча ҳаяжонлардан сўнг! Нега ҳаяжонланяпман? Бугун бўлмаса, эртага бўлар, улгураман-ку... Эҳтимол, йўқ! Балки врачларнинг ўзлари чўчишаётгандир?!

Соат 4.30. Дам олиш вақти туғди. Ниҳоят мени чақиришди. Уколга олиб кетишиб... сўнг... хайрият, аниқ бир қарорга келишди. Елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди.

Соат бешда операция столида ётардим. Тепамда ҳамшира Наталья Иванова. У қўлларимни ушлаб олгану кўзларимга қарашга қўрқади. У ҳадеб Сергей Яковлевич Лемишевнинг томоғидаги рак туберкулёзни операция қилишгани ҳақида гапиради. У бошимни силаб ҳаяжонланяпти, нуқул «Молодес Ботир» деб қайта-қайта пичирлайди.

Атрофимда жарроҳлар иш бошлашди. Гўё мен ҳам уларга қўшилиб ишлай бошладим. Ун иккигача санадим. Кейин нима бўлганини билмайман. Бу ҳолат умрбод эсимдан чиқмайди.

Кейин врачлар айтиб беришди: «Операция ўта мураккаб, жиддий ва хавфли эди... Операциядан сўнг Богуш йиғлаб юборди...»

19 ФЕВРАЛЬ:

«Боксдан палатага ўтказишди. 10 — палата. 4 кишимиз.

26 ФЕВРАЛЬ:

«Эрталабдан хушхабарлар: рентген яхши, укол бошқа қилинмайди. Ҳар қалай ваъда беришди-ку! Сайр қилиш мумкин. Тоза ҳавода. Фақат қирқ минут. О, баъзан нимадан озиқланаётганимизни унутиб қўямиз. Ахир баҳорнинг илиқ, салқин табиий ҳавосини хонадаги кислородга алмаштириш мумкинми?»

Нафас олиш қандай бахт!..»

6 АПРЕЛЬ:

«Високий Горида 140 кун. Тамом! Соат бирдан озодликдаман!»

12 АПРЕЛЬ:

«Салом Тошкент! Салом ўғлим!

Тошкентда баҳор нафаси. Урик гуллабди. Отам ҳар сафар мени ҳар хил ҳолатда кутиб олади. Назаримда у киши анча қартайиб қолибди. Онам эса ўша-ўша: шаддод ва чаққон.

Укаларим анча улғайибди. Жамшид — студент, хурсанд. Моцартдан чалади. Фаррухга қўшилиб қўшиқ ҳам айтади. Навфал билан Фаррух гитарада ажабтовур чалишиб, яхшигина куйлашяпти. Онам Навфалга ажойиб қўшиқ ўргатибдилар...»

* * *

У туғилган тупроғига соғ-омон қайтиб келганидан, ота-онаси, укалари, умр йўлдоши, дўстлари ва жажжигина ўғли Бахтиёрни кўрганидан, улар билан яна дийдорлашганидан минг бора хурсанд эди. Ҳаммалари унга ҳайрат ва ҳаяжон билан термилишар, бири қўйиб, бири аҳвол сўрар, хуллас, унинг ҳаётга қайта келганидан олам жаҳонга сиғишмасди.

У операциядан сўнг бир оз рангини олдирган бўлса ҳам, лекин кўзлари оловдай чақнаб турарди. Бу кўзлар ҳаётга чексиз муҳаббат ва букилмас иродани ўзларида акс эттиришарди.

У ўша йили тутган кундалигини қуйидаги умид ва ишонч сўзлари билан якунлади: «Уч йиллик оғир хасталик ва сукут... Упкаларни тинимсиз машқ қилдиришим керак. Мен эстрадага қайтишим шарт! Шарт! Шарт! Мен қайтаман! Ҳаёт... унинг ҳар лаҳзаси қаҳрабодек гўзал... Жудаям қўшиқ айтгим келяпти!..»

Ботир жони-жаҳони бўлган қўшиқни соғинган эди. Қўшиққа бўлган буюк соғинч туйғуси бу гал ҳам жарроҳ қўлидан уни омон-эсон олиб чиқди. Ҳатто профессор Лев Константинович Богуш: «Мен бу дилбар ўзбек йигитининг ҳаётдан кўз юмишини асло тасаввур қилмайман. Уни операцияга тайёрланглар. У жонини худога эмас, менга — Богушга топшира қолсин!» — деган эди, бир оз умидсизликка тушиб. Гарчи профессор фамилиясини худога уйқашлигини сўз ўйини қилаётган бўлса-да, беморнинг операциядан тирик чиқишига аниқ кафолат беролмади. Операция саккиз соат давом этди. Гўё бу дақиқалар Богуш учун ҳам, врач ва ҳамширалар учун ҳам саккиз йилга чўзилди. Энг сўнгги имкониятлар, билимлар, тажрибалар ишга солинди. Унинг операция бўлаётганини эшитган касалхонанинг ўнлаб беморлари, ҳамширалари йўлақда туриб йиғлашади. Ҳеч ким унинг ҳаётдан бевақт кўз юмишини, тўғрироғи, қўшиқнинг ўлимини истамасди. Умид ва ишончсизлик исканжасида оғриқ азобидан инграётган қўшиқнинг эса юраги уриб турарди...

Ботирнинг тўлиб-тўлиб ёниб-ёниб қўшиқ айтгиси келарди. У операциядан олдин Икром Акбаров билан ҳамкорликда янги қўшиқлар яратишни кўнглига тугиб қўйганди. Энди чинакамига ишга киришиш керак!

У ҳар бир янги қўшиқ устида узоқ машқ қилар, токи қўшиқ қалбини пўртанага келтирмагунча айтмас эди. У билардики, хонанда юракдан ёниб куйламаса, тингловчининг қалбини забт этолмайди. У ҳар бир янги қўшиқни камида етти-саккиз вариантдан сўнг қиёмига етказарди.

— Ботиржон, тобингиз йўқ. Чарчаяпсиз. Сизга кўп уриниш мумкин эмас-ку! — дерди унинг тинимсиз машқ қилаётганини кўрган Икром ака.

— Кўнглимдагидек чиқмаяпти, Икром ака. Томошабинни алдашга виждоним чидамайди. Келинг, тагин бир марта такрорлайлик-чи? — деб яна машғулотга киришиб кетарди.

Машғулотларнинг чеки-чегараси, вақти-соати йўқ эди.

У қўшиқ сўзларига катта эътибор берар, баъзи шеърлардан ортиқча сўзларни олиб ташлар, агар маъкул келмаса, шеърни қайтадан ёзарди. У айниқса 60-йилларда қўшиқбоп яхши шеърларга зор эди.

— Икром ака, эътибор бераяпсизми, шоир зоти кўпайган сари чинакам яхши шеър камайиб боряпти, — дерди баъзан куюниб...

Операциядан сўнг орадан икки йил ўтгач, биринчи гастроль яна Москвага бўлди. У концертга халоскори — профессор Л. К. Богуш бошчилигида врачлар ва ҳамшираларни таклиф қилди. Бу концертга юзлаб муҳлислар билет топишолмади. Чунки, қўшиқсевар Москва Ботир Зокировни жуда-жуда соғинган эди.

...У қўшиқ куйлаётиб залга қаради. Қаради-ю, бир нуқтага термилиб куйлайвер-

ди. Бу сафар ҳам хаёлида излаган юлдузи ўша қатор, ўша ўринда ўтириб уни мазза қилиб тинглаётгандек эди. Шалодадай сочлари елкаларини тутган. Қора кўзлари қўшиқ сеҳридан ёнади. Вужуди қулоқ бўлиб саҳнага айланган. Саҳнада эса семимли хонандаси одатдагидай бўғизда дард билан хониш қилиб, уни чорляпти:

Боғимга ноз ила, ёр, кел,
Қувноқ овоз ила, ёр, кел,
Сеники, бу чаман, бу гуллар,
Сеники, куйлаган булбуллар,
Куй ила, соз ила, ёр, кел...

Юлдуз ҳам учиб бормоқчи, лекин қанотлари йўқ, югуриб боради деса мадори етишмайди, жавоб қилади деса нафаси тикилиб қолаверади. Қўшиқ уни батамом сеҳрлаб ташлаган. Хонанданинг саволларига хаёлан жавоб беришдан ўзга чора йўқ:

«Соғ-омон тузалиб қайтдингми, қўшиғим? Сени кутавериб кўзларим йўлларингда сарғайди, қайта кўрармиканман, деб шўрлик қалбим яна пора-пора бўлди. Қайдасан, қайлардасан, жони жаҳоним — қўшиғим? Ёлғиз пластинканг ҳаммиша қалбим малҳами. Уни эшитавериб-эшитавериб овзингни томирларимга пайванд этдим. Лекин сени қайта кўраман, сени тинглаб яна қирғоқларига сиғмаган дарёдай тошаман деб сира-сира ўйламагандим. Ҳозир оламда мендан бахтли, мендан бахтиёр инсон йўқ. Чунки сенинг ўтли кўзларингга термилиб, нолаю афгонларингни, дарду ҳасратларингни қайтадан томирларимга, қалбимга жо қиламан, қўшиғим. Мен бугун қайтадан дунёга келдим. Келиб яна сени кўрдим, фақат сени топдим, қўшиғим!..»

Дилимда ғазалим сен, ёр,
Мен айтай, гўзалим сен, ёр.
Сўзимиз порласин оташдай,
Ишқимиз яшнасин қуёшдай;
Сеники бу чаман, бу гуллар,
Куй ила, соз ила, ёр, кел...

Концерт тугаши билан Ботирни врачлар ўраб олишди.

Бу сафар ҳам уни кўролмади, дийдорига тўёлмади. Соғинч ҳисларини баён этмоқчи, мириқиб-мириқиб дардлашмоқчи эди. Бўлмади. Гўё юлдуз яна осмонга, ўз тўдаси қаторига учиб кетгандек эди.

— Ниманг билан қўшиқ айтдинг? Сен ҳақиқатан инсонмисан ё сеҳргармисан? Наҳотки, бу ўзинг бўлсанг, Ботир? — деди Лев Константинович Богуш кўзларига ёш олиб.

Ҳамширалар уни қучоқлаб, қўлларини юзларига босиб йиғлашарди. Қаршиларида тирик мўъжиза тургандек, унга қайта-қайта ҳайрат билан тикилишарди.

Бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳақиқий мўъжиза эди. Рўй берган мўъжизага хонанданинг ўзи ҳам ишонмасди...

Ботир ўша оқшом концертдан сўнг Тошкентга телефон қилди. Аммо гаплашгач, таъби хира бўлди, бояги қувончдан асар ҳам қолмади: Республика маданият министрилиги раҳбарларидан бири яна янги репертуарини тасдиқламабди. Ҳолбуки, яқин орада оркестр қардош Болгария, Венгрия, Чехословакия мамлакатлари бўйлаб гастролга бориши керак эди! Бир хаёли санъатни тушунмайдиган ўша калтабин раҳбарга шартта телефон қилмоқчи бўлди. Лекин кўзи ожиз одамга нуқул сен кўрсан, дейишдан нима фойда?

У узоқ вақт ухлай олмади. Асабийлашди. Врачларнинг қатъий тақиқлашига қарамай, ҳамроҳларидан яширинча секин айвонга чиқиб, сигарета тутатди. Барибир алами босилмади. Кўз олдига Маразнинг жирканч башараси келаверди.

Ҳа, бу ўша Маразнинг иши! Санъатни, санъаткор қалбини тушунмайдиган Маразнинг! Санъат остонасига қадам қўйибдики, бу Мараз унинг қадамини пойлайди, ижод йўлларига тўсиқ бўлади. Иложини топса, ундан қуёшнинг нурларини тўсади, ойни беркитади, яна иложини топса, нафас олдирмай қўяди. Нега? Нима учун?.. Йўқ, фақат угина эмас, жамики миллий маданият ва санъатнинг талантлари Маразнинг дастидан ҳаммиша озор чекади. Кимки хушомад, лаганбардорлик қилса, ўша «яxши», «истеъдодли», мукофоту унвонлар ҳам ўшаники. Эсида, қайсидир йили Ашхободга бир группа ўзбек санъаткорлари концертга боришди. Концертнинг тантанали очилиш маросимида программа бўйича биттадан қўшиқ айтиш керак эди. Таниқли ҳофиз Комилжон Отаниёзов саҳнадан чиқиб кетолмади. Яна бир қўшиқ куйлади. Шунда ҳам зўрға-зўрға саҳнани тарк этди. Тарк этди-ю, саҳна ортида қўлларини белига қўйиб, безрайиб турган Маразга дуч келди.

— Нега иккита айтасиз? Нега «қонун»ни бузасиз? — ўшқира бошлади у хонандага юзланиб.

— Авваламбор, бу қонун эмас. Иккинчидан, олсанг номерингни олсан, қўлимдаги торни ҳам олармидинг? Ҳа, сени... — деди хонанда жаҳл билан. Ва ўша куни самолётга ўтириб, жўнаб кетди.

Килғиликни қилган Мараз эса хонандани сўраган юзлаб мухлисларига: «Касал бўлиб кетди» дея ёлгон гап тарқатди. Шунақа юзсиз, имонсиз бу Мараз!

Мана, неча йилдирки, Мараз унга ҳам тинчлик бермайди. Гоҳ репертуарни, гоҳ гастроль планларини тасдиқламайди. Минг азобу уқубат билан тасдиқлатганларини икки кундан сўнг яна кўраман, эшитаман, деб йўққа чиқаради. Санъатни тушунма, тўғри маслаҳат берса яхшику-я, лекин тушунмай ҳаммани қон қилади. Шуниси ёмон...

Ботир санъатни тушунмайдиган бундай маразнусха «чиновник»лардан безор бўлган эди. Улар нафақат эстрада, балки миллий кўшиқ санъати ривожига ҳам кескин тўсқинлик қилишарди. Қизиқ! Сени ўзга шаҳарларда ўзга юртларда роса эъозлашса-ю, ўз юртингда қадр топмасанг. Ҳар қадамда изингни, сўзингни пойлашса, ҳаракатларингдан хато излашса, тўғри сўз учун таъқиб этишса... Бу аҳволда маданиятни, санъатни ривожлантириб бўладими?! Йўқ, у баъзи «санъаткор»лар каби катта-кичик раҳбарлар ҳузурига тез-тез кириб қуллуқ қилмас, бўлар-бўлмас хизматларини бажармас, тингловчилар номидан хатлар уюштирамас, унвону мукофотлар учун елиб-югурмас, умуман, уларга ялиниб-ёлвормас эди. Бундай «фазилат»лар унинг қонида йўқ эди.

Ботир Зокиров энг қийин пайтларда ҳам санъатдан йироқ раҳбарлар олдида бўйин эгмади. У инсон сифатида ҳам, санъаткор сифатида ҳам имонига, этиқодига ҳамиша содиқ қолди. Бу хислатлар унга кўпроқ отасидан ўтган эди. «Ўғлим, тўғри бўл, ҳалол бўл! Шон-шухратга, мукофотга ҳирс қўйма. Санъатингни халқ эътирофи этса бўлди» — дерди ҳамиша отаси.

Бир куни унга юқори ташкилотлардан бирида ишловчи мансабдор телефон қилди.

— Кечкурун Ҳукумат боғида меҳмонлар бўлади. Шунга битта концерт қўйиб берасизлар. Узингиз албатта бўлинг, — деб жиддий тайинлади.

У трубкани қўяр экан, мансабдорнинг сўзини чет элдан меҳмонлар келган, шуларга концерт бериш керак, деб тушунди. Бундай концертларга у ҳамиша пухта тайёрланиб, миллий санъатимизни дунёга кўз-кўз қилишга иштиёқманд эди.

Оқшом мансабдор тайинлаган жойга боришса, ҳеч қандай меҳмон йўқ. Суриштириб билишса катталардан бирининг ўғли уйланаётган экан. «Катта» тўйда шахсан Ботир Зокировнинг кўшиқ айтишини тайинлабди. Буни эшитиб, хонанданинг фифони фалакка чиқди. Бу ҳақоратдан бўлак нарса эмас! Ахир, санъатни шунчалар оёқости қилиш мумкинми?

— Йиғиштиринглар! Кетдик! — деди у чолғучиларга овози титраб.

— Қаёққа?! — дея дағдаға билан унга юзланди мансабдор.

— Кечирасиз, ҳали отарчилар даражасига кўтарилга нимизча йўқ! — деди Ботир аччиқ киноя билан.

— Қайтинг. Кейин пушаймон қиласиз.

— Отарчилик қилиб виждон қийнагандан кўра, минг марта пушаймон еган яхши, — деди у жаҳл билан машина эшигини ёпиб.

— Кўрамиз!..

Худди шундай «кўрамиз!», худди шундай кўнгилсиз воқеа бир йил муқаддам ўша пайтдаги комсомол «вожаки» ҳисобланмиш «опа» билан ҳам содир бўлган эди.

«Опа» дастлаб қақиртирганида касал эди у. Боролмайди. Тузалиб боргач эса, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, «Опа» ўшқириб берди:

— Нега қақиртирсак келмайсиз?

— Касал эдим.

— Бошқа баҳона ўйлаб топаолмадингизми?

— Баҳона эмас, тўғриси айтилган.

— Сиз — артистларни биламиз. Нуқул осмонда юрасизлар. Сал пастроқ тушинг, оқибати яхши бўлмайди.

Унинг совуқ пўписалари Ботирнинг ҳамиятига тегди.

— Илтимос, кўрқитманг. Кейин бақирманг. Шуни билиб қўйингки, санъатда буйруқ ҳам, бюрократизм ҳам кетмайди. Бу жойда ўтирган одам аввало маданиятли бўлиши керак...

— Сиз ҳали аёл кишини ҳақорат қилаяпсизми? — «Опа» шартта унинг сўзини бўлди. — Йўқ! Мен бунга йўл қўймайман. Бу гапларингиз учун жавоб берасиз!

— Мени уришиш ё насиҳат қилишга қақирган бўлсангиз, эшитишга вақтим йўқ, — деди Ботир ўрнидан туриб ва кабинетдан тез-тез юриб чиқиб кетди.

Катта-кичик идораларда, кабинетларда бирдек таҳлика билан айтилган «кўрамиз»лар бир умрга унинг соғлигига, ижодига, энг муҳими, яхши кўшиқларига зомин бўлди. Қизиқ... нимани кўрсатади? Манманлигиними, зўравонлигиними?! Нега шундай? Нима учун? Қачонгача?!

У вужудига қуондай қўйилиб келаётган бундай саволларга жавоб тополмай қийналарди. Уша куни ҳам чуқур ўйга ботди:

«Ўзимиз ўзлигимиз илдизини қирқсак, маданият ва санъатимизни оёқости қилсак, ғуруримизни бемаъниларча топтасак, истеъдод бошида бюрократларча қилич яланғочлаб турсак, қачон халқ бўламиз? Қачон қад ростлаймиз? Қачон?!»

Бетизгин, бежавоб саволлар карвони аста-секин тарқаб вужудига беихтиёр янги шеър оқиб кела бошлади. Қўлига қалам олиб, кундалигининг янги саҳифаларини очди.

Бой берилди йиллар жуда кўп!
Жуда!
Узоқ яшадим мен, тун денгизда
Олис юлдузларнинг ёнишларидек —
Елқин топурманми энди ўзимдан!

Пешонамга юз йил яшаш битгандай!
Бу эпсиз, бебошвоқ кўрликда мубҳам,
Гуллар очилишин бой бердим қандай,
Инсон табассуми, таваллудин ҳам

Ва боқиб энг сўнгги шуъла изидан,
Фасли хазон дарди ила сўйлайман:
«Мен энди ҳар кеча бепарво кезган
Шошган йўловчимасман», фақат ўйлайман;

Демак, гап бундоқ, ўз қўшиқларимда
Кўйладим мен — соя ва акс садони!
Қўшиқлар не ҳақда! Не бор дардимда!!
Одамларга айта олурман нени!»

...Халққа хизмат қилмоқ учун
Овозим ҳам, ўзим ҳам ярайман ҳали,
Кўйламоқ, бу — мен учун яшамоқ демак!
Бироқ бошқаларнинг илҳоми ила
Кўнгилхушлик қилмоқ менга керакмас!
Изламоқ ва яратмоқ истайман бу кун
Ўз санъатимни!..

Париж. «Олимпия» саҳнасида

Париж!

У бу номни кўпроқ Шарль Азнаур, Эдит Пиаф, Жак Брель сингари машҳур хонандаларнинг қўшиқлари орқали тасаввур қилар ва бу номни эшитиши билан кўз олдида суратларда кўргани Эйфель минораси намоён бўларди. Айни пайтда француз маданияти ва санъатига оид адабиётларни, тарихий китобларни ўқиб яхши билардики, бу шаҳар буюк композиторлар Ф.Лист, Ф.Шопен, жаҳонга машҳур адиблар О.Бальзак, Э.Золя, Г.Флобер, Г.Мопассан, В.Гюго, бетакрор мўйқалам усталари Т.Руссо, К.Коро, О.Роден, Г.Курбе, П. Пикассо каби улўф санъаткорлар ватани. Лекин кунлар келиб Парижга гастролга боришни, уни қўшиқлари билан забт қилишни асло хаёлига келтирмаган эди. Яна қаерда денг? Жаҳонга машҳур «Олимпия» саҳнасида...

Ботир Зокиров 1966 йили Москва «Мюзик холл»и билан Парижга қилган ижодий сафарини кундалигига шундай қайд этган.

6 АВГУСТ:

«Салом Париж!

Бурже аэропорти. Муҳташам кўчалар. «Pasavier» — меҳмонхонаси. Марказда. Учинчи қават. 87-хона. Соат иккидан ўн беш минут ўтганда «Олимпия» раҳбарлари мени тинглашди. Саҳнадан тушганимдан сўнг русчалаб: «Молодец!» деб қўлларимни сиқишди...

Париж — ўзга сайёра!»

7 АВГУСТ:

«Париждаги биринчи тонг. Соат ўн бирда «Олимпия»да яна репетиция бошланди. Шу кун Колизей кинотеатрига бордик. У Елисей майдонида жойлашган. Чиройли. Оқшом. Пигаль майдони — эртақлардаги бозорга ўхшайди...»

9 АВГУСТ:

«Премьера муваффақиятли ўтди. Ҳаммамиз хурсанд. Бараварига: «Ура!» деймиз».

10 АВГУСТ:

«Париждаги биринчи дастхатим».

11 АВГУСТ:

«Севастополь бульварига бордик. Поляк савдогари бозорига тушдик. Вой худойим-эй, қанча латта-путта!..

Учинчи концертдан сўнг дам олдик. Дастлаб «Ёр кел», «Маро бебус»ни айтдим. Тўғриси, кун сайин концертларимизга томошабинлар оқиб келишяпти...»

12 АВГУСТ:

«Луврга саёҳатга боришга кечикиб, қолиб кетдим. Ёлғиз ўзим шаҳарнинг у ер, бу ерини айландим.

Редакциялар биз ҳақимизда гуриллатиб ёза бошлашди. Мени газеталардан бири

Шарль Азнавур билан тенглаштирибди. Бу даҳшат даражада ёқимли. Мен микрофондан узоқ туриб куйлармишман — микрофон ёрилиб кетмаслиги учун».

13 АВГУСТ:

«Эрталаб ва кун билан ҳаво бу ерда димиқиб кетди. Телевизорда Энрико Масиас кўшиқларини эшитдим. Зўр!»

14 АВГУСТ:

«Бугун иккита концерт».

15 АВГУСТ:

«Раҳбарларимизнинг айби билан гастролимиз қисқарди. 28 августда охириги концерт бўлади. Шу кун меҳмонхонада палов қилдик...»

16 АВГУСТ:

«Версалага бордик. Уни албатта кўриш керак экан. Тўғриси, у ҳақда батафсил ҳикоя қилиш қийин. Фавворалар, ҳайкаллар, гулзорлар, буталган дарахтлар...

Оқшом «Казино ди Рафи» «Мюзик холл»ининг меҳмони бўлдик. Франциядаги машҳур музика коллективларидан бири».

18 АВГУСТ:

«Кун билан дам олдим. Оқшомги концертда «Маро бебус»ни ёмон айтдим, лекин томошабинлар яши қабул қилишди».

19 АВГУСТ:

«Шаҳар бўйлаб сайр. Елисей майдони, Зафар арки, Эйфель минораси, Бастилия майдони, Люксембург боғи, Нотр-Дам, Саронна... Тунда Черво бозорини кўрдик...»

20 АВГУСТ:

«Охириги пулларимни харж қилдим.

Оқшомги концерт яши ўтди. Парижликлар ўта тинч ва осойишталик билан концерт тинглашди.

Импрессионистлар тасвирий санъат музейини кўрдим. Қизиқарлиси кам. Ҳамма яхшилари «гастрол»да экан».

21 АВГУСТ:

«Кундузги концерт яши бўлди. Мени жуда зўр қабул қилишди. Концертдан сўнг Франция эстрада юлдузи Лина Рено ўз таассуротлари ва ҳаяжонларини сўзлаб берди. Менга «Гранд артист» («Катта артист»), деб баҳо берди...

Оқшомги концертда циркчилар бўлмади. Ёмон ўтди. Концертдан сўнг Марина Влади келди. Жуда оддий кийинган, камтарин, хушмуомала. Самимий фикрлар айтди».

22 АВГУСТ:

«Кун ёмон бошланмади. Импрессарио Хеллер билан учрашув бўлди. У «Олимпия» саҳнасида якка ўзимни концерт беришга таклиф қилди. Сўнг ўзим ва репертуарим ҳақида кўп сўраб-суриштирди. Мен фақат концертнинг бир бўлимига рози бўлдим.

У мени кўп мақтади. «Сизнинг парвозингиз юксак. Ҳодисасиз. Саҳнада чинакам ҳаёт яратасиз. Сизни бошқа машҳур санъаткорлар билан тенглаштириб бўлмайди. Демак, сиз саҳнага чиққанда саҳна яшайди. Раҳмат! Раҳмат! Раҳмат!» деди у ҳаяжонланиб.

О, нахотки яна Париж! Ахир шунча санъаткорлар орасидан ёлғиз менинг таклиф қилинишим бахт эмасми?!

О, мен қандай бахтлиман!»

24 АВГУСТ:

«Мепано сюиз» машинасозлик заводида, учинчи смена ишчилари билан учрашдик. Концерт бердик. Сўнг суҳбат бўлди...

Парижда фақат сайёҳ бўлиб яшаш яхши».

28 АВГУСТ:

«Парижда охириги кун! Охириги концерт. Алвидо, тунги Париж! Алвидо! Ёки хайр».

* * *

Париж сафари унинг ҳаёт ва ижод йўлидаги ёрқин саҳифалардан бири бўлиб қолди. У дилрабо кўшиқларини нозиктаб французлар қалбига муҳрлаганда, унинг халқи пахта ишқи билан шарар, туну кун пахтани ўйлар, лекин бир фарзанди халқ номини ўзга элларда машҳур қилиб юрганидан беҳабар эди. Ботир Зокиров шундай бахтга муяссар бўлган буюк санъаткор эди!

У гастролда французларни фақат ўзбек, араб, рус, эрон халқ кўшиқлари билан эмас, балки французча кўшиқлар билан ҳам лол қолдирди. Жаҳон эстрада юлдузлари Эдит Пиаф, Шарль Азнавур, Жак Брель, Мэрей Матье куйлаган «Олимпия» саҳнасига фақат — угина икки марта кўтарилди. Машҳур француз композитори ва кўшиқчиси Энрико Масиаснинг ўзи ёзиб, куй басталаган «Дўст ҳақида кўшиқ», «Ўлкам қизлари» кўшиқларини ҳақиқий французга ўхшаб куйлади. Бири шўх, бири дардли оҳанглар билан йўғрилган бу кўшиқларни тинглаган бир қария концертдан сўнг уни тўхтатиб: «Сиз ҳақингизда фильм олишганми?... Афсус! Сизни кечиктирмасдан фильмга олиш керак. Чунки сиз ҳам ўзбек, ҳам араб, ҳам француз бўлиб куйладингиз. Ҳаммани лол қолдирдингиз. Талантингиз олдида таъзим қиламан. Катта раҳмат!» — деди. Бу машҳур санъаткор Эдит Пиафнинг ўқитувчиси эди.

Орадан анча йиллар ўтгач, Жак Брелнинг «Мени ташлаб кетма» кўшиғини куйлади. Бу ҳақда у «Труд» газетасида (1976 йил, 13 июнь) босилган суҳбатда шундай дейди: «Нега мен шундай қилдим? Ахир, Жак Брелни такрорлаш мумкин эмас, бунга уриниш эса бемаънилик. Аммо мен унинг кўшиғини бир материал сифатида қабул қилдим, холос. Брель ўз маҳбубаси билан қаҳрли, ҳатто ситамли оҳангларда сўйлашади. Мен эса Шарқ куйчисиман. Бизнинг кўшиқ ва шеърларда аёлларга мурожаат қилиш анъаналари ўзгача. Йўқ, мени француз кўшиғини ўзгартирган деб тушунмаслик керак. Энг муҳими — бу кўшиқ новеллани шахсий драмадек қабул қилиб, бегонанинг кўз ёшлари ва дардлари эмас — ўз дардим каби куйладим. Гарчи бу кўшиқни франциялик машҳур хонанда ўзи ёзиб, ўзи куйлаган бўлса ҳам, барибир бу — менинг кўшиғим».

Бошқа қатор кўшиқлари каби бу кўшиқ ҳам унга шуҳрат келтирди. «Мени ташлаб кетма» унинг ижросида Москвадаги Эстрада театрида, «Россия» концерт залида, Лужники ва Сокольникида янграганда одамлар кўшиқни тинглаб йиғлашарди. Франциялик сайёҳлар кўп ҳолларда айнан шу кўшиқ учун унинг концертига киришар ва қайта-қайта шу кўшиқни куйлашини илтимос қилишарди.

Ботир Зокиров номига келган хатлардан бирида шундай дейлади: «Мени ташлаб кетма» кўшиғини Жак Брель ёзган. Лекин Ботир Зокиров куйлаган. Сиз сеҳргарсиз. Сизни тинглагач, кўз ўнгимда ҳақиқий мўъжиза рўй берди» (А.Белова. Куйбишев шаҳри, 1973 й.).

У бошқа халқлар кўшиқларини куйлашдан олдин ўша халқнинг тарихи, турмуши, маданияти ва санъатига оид ҳар хил адабиётларни ўқиб, ўрганарди. Шунинг учун ҳам кўпгина хорижий тилларда айтган кўшиқлари унга катта шуҳрат олиб келди. Уни ҳиндлар «ҳинд», руслар «рус», араблар «араб», французлар «француз» деб аташарди. Ваҳоланки, у ўзбек хонандаси эди!

Бир гал чет эл сафарига кечки концертдан олдин олий ўқув юртларидан бирининг маданият саройида бўлган учрашувда унга шундай ёзма савол беришди: «Сиз Ўзбекистондан, шундайми?.. Ўзбекистонни қолақ, маданиятдан анча орқада қолган, ҳалиям феодал республика деб эшитамиз. Бунинг сабаблари нимада?»

У саволни ўқиб, узоқ жим бўлиб қолди.

— Ҳозир саволингизга жавоб бермайман. Яхшиси концертимизга киринглар. Эҳтимол, саволларингга жавоб топарсизлар, — деди ҳеч бир муболағасиз. Концерт узоқ давом этди. Уни қайта-қайта саҳнага таклиф қилишди. У ўша оқшом асосан репертуаридаги миллий кўшиқлардан куйлади. Қарсақлар, гуллар, давомли олқишлар...

Концертдан сўнг эшик олдида уни ўрта ёшлардаги эр-хотин қарши олдилар.

— Савол учун узр. Сизни тинглаб Ўзбекистон, ўзбеклар қанчалик юксак маданиятга кўтарилганини тасаввур қилдим. Энди юртингизни албатта ўз кўзимиз билан бориб кўрамиз. Агар мумкин бўлса, дастхат қолдирсангиз, — деди ҳалиги киши бир оз хижолат бўлиб, қўлидаги блокнотининг оппоқ саҳифасини хонандага тугганича.

— Илтимос, уни албатта кечиринг, — деди хотини илтижоли майин овозда.

«Кечирдим. Бошқа халқнинг камчилигини айтишдан олдин, ўз халқининг камчиликларини билиб олиш ҳам маданият белгиси», — деб дастхатига имзо қўйди.

Шундай кезларда кўшиқчи бўлганидан, тақдирдан мингдан-минг рози эди. Халқини, юртини дунёга танитишда озгина хизмати сингаётганидан кўнгли тоғдай кўтариларди. Касаллигини мутлақо унутиб, янги кўшиқ яратишга киришарди. Касаллик эса соя каби доим изма-из эргашиб, ҳар қадамда, ҳар дақиқада унга панд бермоқчи бўларди. У эса касаллиқнинг барча ҳийла-найрангларига чап берар, куйлаётганида хасталигини батамом унутарди. У хасталик ва ажални ирода ва кўшиқ билан енгиб яшади.

У кундаликларидан бирида бундай деб ёзганди: «Лаънати хасталик! Қанчалар кеча ва кундузларим елга совурилгандек изсиз кетди. Қанчалар қилинмаган ишлар қалашиб ётибди. Улгуриш керак!..

**Истардимки, граната янглиғ ўчсинлар сўзлар,
Бомбалардек портласинлар юракларнинг тубида,
парчаларин сачратиб ҳар ён.**

**Истардимки, нақ авжида узилган Гарсиа Лорка
Кўшиғин,**

Гитара жўрлигида давом эттирсам.

Чилилик жувонмарг жигарим умрини

яшасам дейман,

**Яшасам унинг ёруғ тушларини!
Бахтли ва озод Ҳиротда — куйласам,
Афғон хонандаси билан жўрликда
Ҳазрати Навоий ғазалларини!..»**

* * *

ИКРОМ АҚБАРОВ ҲИКОЯСИ: — Мен Ботир Зокировни 1957—58 йиллардан, яъни саҳнага дастлабки чиққан пайтларидан бошлаб биламан. У 1959 йилда машҳур киноре-

жиссёр Комил Ёрматов суратга олган «Гуллар очилганда» бадий фильмида мен ёзган музыка асосида биринчи марта кўшиқ айтган. Ҳам шу фильмда қаҳрамонлардан бирининг образини яратди. Бу унинг кинодаги илк қадами эди. 1963 йилда кинорежиссёрлар Равиль Ботиров билан Альберт Ҳачатуров ёзувчи Пиримқул Қодиров сценарийси асосида «Сенинг изларинг» бадий фильмини суратга олишганда, шоир Туроб Тўла сўзи билан Ботир ижросида «Газли» кўшиғи янгради. Бу ижодий ҳамкорлигимизнинг бошланиши эди.

Мен 1960—70 йиллар орасида бир неча марта йиллаб Москвада яшадим. Бу орада Ботир йиллаб Москва касалхоналарида ётиб даволанди. Шу орада ҳам ижодий ишларимиз мустақамланиб, қатор кўшиқлар яратди.

Ботир билан ишлаш ҳам мароқли, ҳам машаққатли эди. У янги кўшиқ устида деҳқон ерга тер тўкиб ишлаганидек, катта заҳмат билан ишларди. Баъзи кўшиқларни ўнлаб вариантда кўриб чиққан пайтларимиз бўлган. Масалан, русча «Ошиқ булбул» кўшиғини 18 вариантдан сўнг куйлаган. Умуман, у ўзига ёқмаган, юрагини жизиллатмаган кўшиқни айтмасди. Агар кўшиқ ёмон чиқса, «қошим» бўлиб қолибди-ку, Икром ака,— дерди кулиб.

Иккинчи операцияга тайёргарлик кўриб юрган кезларда ҳам нуқул «ишлайлик» дерди. Баъзан шанба-якшанба кунлари врачлардан рухсат сўраб уйимизга олиб келардим. «Эй, сорбон» кўшиғи шу даврда яратилди. Узоқ ишладик. У сўз музыка оҳанглирига тушмагунча қайтараверарди.

Ботирнинг кўшиқларини асосан Бутуниттифоқ радиосининг Эстрада оркестри ёзиб оларди. Оркестр дирижёри, СССР халқ артисти Юрий Силантьев уни беҳад севарди. Истаган пайтда Ботир учун оркестрни тайёрлаб берарди. Баъзан касалхонадан чиқолмай, ё тоби қочиб оркестрга келолмай қолган кезларида сира хафа бўлмас эди. Шунингдек, Бутуниттифоқ «Мелодия» грампластинка фирмаси эшиклари доимо у учун очиқ эди. Музыка бўлими редактори Анна Качалина ёзувга уни доимо навбатсиз қўярди. «Янги кўшиқни ҳеч қачон кечиктирмасдан олиб келинлар. Ботир Каримовичнинг дилбар овозига ҳамиша муштоқмиз», — дерди у. «Эй, сорбон» кўшиғини ёзаётганимизда фирманинг овоз режиссёри Волода Бабушкин бошини чангаллаб йиғлаган ва чидамай хонадан чиқиб кетган. Ботирни Москвада ҳаддан ташқари севишар, орзиқиб кутишар, ҳурмат қилишар ва унга катта санъаткор деб қарашарди. Афсуски, ўзимизда бундай имкониятлар кам бўлган. Бўлганлари ҳам ё жанжал ё узоқ кутишлардан сўнг амалга ошган. Тўғриси, уни ўзимизда тушунадиганлар, қалбига, дардига қулоқ соладиганлар йўқ ҳисоби эди. Баъзи санъатмиз «ҳомийлари» рўйхатлардан унинг номини ўчирар, майдафеъллик қилиб турли томонлардан таъинлар ўтказишар, хуллас, уни ялиниб-ёлворишга, бўйин эгишга мажбур қилмоқчи бўлишарди...

«Эй, сорбон» кўшиғини ёзиб улгуролмадик. Операциядан кейинга қолди. У операция хонасига ҳаётини эмас, ёзилмай қолган кўшиғини ўйлаб кириб кетди. Уни йиғлаб кузатиб қолганлар эса қайтиб чиқишини ўйлашмаганди. Чунки биз врачлар билан гаплашганимизда «умид йўқ» дейишди. Уйга — ота-онасига, оиласига телефон қилишга Ботир ҳеч рози бўлмади. Вужудларимиз қон бўлиб, операциядан нажот кутганмиз.

У — бахтимизга тирик қолди! Эртасига касалхонага бориб, у ётган палата деразасидан қарадик. Катта миқдорда берилган наркоз таъсирида беҳуш ётарди. Нафас олаётганини кўриб йиғлаб юбордим... Кейинчалик бошқа палатага ўтказишиб, ёнига киришга рухсат беришди.

— Соғлик қалай?— деб сўраганимизда:

— Зўр!— деб жавоб берди, гўё ҳеч нарса бўлмагандек.

Кутилмаганда латифалар айтиб, ҳаммамизни кулдирди. Бешинчи кунни тўп камерасига нафас тўлдириб ўпкаларини машқ қилдира бошлади. Бир оз оёққа тургач, бир кунни мўлжаллаб кўшиқни ёзадиган бўлди. Оркестр-тайёр, уни ҳамма кутиб турибди. Мен машинада касалхонага бордим. Борсам, яна мазаси қочибди. Иссиғи қириқ. Қон кетган. Ранги оқариб, катта-катта кўзлари ости осилиб қолганга ўхшайди. Мени аста имлади.

— Нима бўлади?— деб хаста овозда секингина сўради.

— Ҳеч нарса бўлмайди. Мутлақо ўйламагин. Уларга тушунтираман. Кўшиқ албатта ёзиб олинади,— дедим тасалли бериб.

Врачлар кўп ўтиришимга рухсат беришмади.

Радиога бориб бўлган воқеани айтдим. Улар Ботирнинг аҳволини тушунишди. Орадан бирон ҳафта ўтгач, уни касалхонадан «ўғирлаб», охири радиога олиб бориб кўшиқни ёзиб олди...

Маълумки, Ботир кўп қиррали ижод соҳиби эди. Фақат у музыка ёзмади. Аслида ёзса таланти ётарди. Баъзи номдор композиторлардан яхши ёзарди. У музикани, кўйни муқаддас деб билгани учун ҳам бунга қўл урмади. У мусиқани, кўшиқни илоҳий даражада юксак деб билар ва бунга хиёнат қилганларни кечирмасди.

«Суваракка ўхшаш ўртамиёна, саёз композиторлар ва уларнинг «кўшиқ»ларини айтадиган чала хонандалар кўпайиб кетяпти. Улар халқнинг дидини бузадилар. Миллий мусиқа санъатимизни ҳалокатга бошлайдилар»,— дерди суҳбатларда куюниб...

Ботир Зокиров 1970 йили учинчи марта операция бўлди. Бу гал ҳам уни профессор Лев Богуш операция қилди. Операцияга бу гал ҳам уни узоқ вақт тайёрлашди. Ҳар куни ўпканинг операция қилинган ўрни — кичик «ойна» орқали тампон қўйишарди. Бу ҳақиқий азоб эди. У қўлларини деворга тираб, тишларини-тишларига босиб — ҳаммасига чидарди. Кутилмаганда ўша «ойна» кичрайиб қолди. Шундай бўлса ҳам уни йириб, очиб лаънати тампонни босишарди. Бундай азоб-уқубатни кўриб, юраги чидамаган ҳамширалардан бири ҳушидан кетганди... Уф, қўйинг буни таърифлаш у ёқда турсин, эсланинг ўзи азоб. Азоб эмас, даҳшат!

Операциялар туфайли унинг саккизта қовурғаси йўқ эди. Оммавий транспортда юролмасди. Доим таксида юрарди.

Унга янги ва энг кучли дориларни бериб, синаб кўришарди. Шунинг учун ҳам Ботир Зокировнинг мураккаб операцияси Катта медицина энциклопедиясидан ўрин олган.

Операциядан сўнг Қрим санаторияларида дам олиб қайтгач, телефон қилди.
— Спитамен ҳақида опера ёзмоқчиман. Либретто учун баъзи қораламалар тайёр. Шунга нима дейсиз, Икром ака?— деб сўради.

— Жуда яхши. Фақат муваффақият тилайман,— дедим қувониб.

Орадан ҳеч вақт ўтмай у операнинг биринчи қисмини ёзиб, олиб келди. Менга маъқул бўлди. Кейин қолган қисмларини ҳам ёзиб, 1972 йилнинг май ойида тугатди. Уни Александр Гинзбург билан бирга ўқишди. Сўнгра Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрида ўқилди. Театрдагилар «ўзбек тилида бўлсин» дейишди. Операни таниқли адиб Асқад Мухтор таржима қилди. Ботирнинг бу ёзувчига ҳар жиҳатдан ҳурмати баланд эди. Таржима жуда яхши чиқди. Кейин театрдагилар «операни икки тилда қўямиз»,— деб қолишди.

Узоқ тортишувлар, баҳс-мунозаралар, кераксиз машмашалардан сўнг, 1977 йил, 10 июль куни «Суғд элининг қоплони» операсининг премьераси бўлди. Операни Ленинград Давлат опера театри бош режиссёри, СССР халқ артисти Роман Эринархович Тихомиров сахналаштирди. Лекин постановка яхши чиқмади. Музыкага ҳар жиҳатдан қўйма бўлиб тушадиган актёрлар йўқ эди. Бунга театр маъмурияти ҳам эътибор бермади. Шошилиб сахналаштирилгани учун камчиликларга йўл қўйилди. Бир оз ўйналгач, опера репертуардан олиб ташланди. Ва, ниҳоят, 1984 йил ноябрида яна тикланди.

Биз операни яна бир бор қайта кўриб, янги картиналар қўшмоқчи эдик. Ботир Спитамен образини чуқурроқ очиш учун ўн беш саҳифадан иборат «Стан» деб номланган боб ёзмоқчийди. Насиб этмади. У яна касал бўлиб қолди.

Опера Ботир Зокиров билан сўнги ижодий ишимиз бўлди.

60-йилларнинг ярмидан кейин умуман қўшиқ ёзмадим. Чунки, Ботирга ўхшаб айтадиган, Ботирдай юракдан ёниб қўйлайдиган хонанда йўқ эди. Унинг касаллиги жуда кўп ижодий ишларимизга, режа ва орзуларимизга панд берди.

Ботир, охириги марта касалхонада ётганида, мендан бир қўшиқ ёзиб беришимни илтимос қилди. Хурсанд бўлиб, куйни икки вариантда ёзиб қўйдим. Агар Ботир тузалиб чиқиб қуй унга маъқул бўлса, бирга шеър танламоқчи эдик. Афсус...

Уни сўнги марта кўргани касалхонага 1985 йил, 20 январь куни бордим. Олтинчи операциядан кейин аҳволи оғир, ранги синиққан, кўзлари ҳорғин ётарди. Бу гал ҳам уни саккиз соат операция қилишибди. Ориқ, кичрайиб қолган қўллари боғланган. Бўртиб чиққан томирларини кўриб, этим увишим кетди. Азбаройи укол қилинаверганидан томирларининг тешилмаган жойи қолмаган эди. Қуриб қолган лабларини аста қимирлатиб гапира бошлади:

— Менга магнитофон олиб келишди. Унда Луизанинг қизи Наргизанинг қўшиқларини эшитдим. Яхши. Насиб этса, тузалсам, у билан ўзим шуғулланаман.

Бу — унинг мен эшитган сўнги сўзлари эди. Шундай иродали, қувноқ одамнинг ҳаётдан кўз юмишига асло ишонмасдим. Мен учун у ҳамиша барҳаёт...

Юрак бўронлари

(Сўнги интервью)

— Ботир ака, мана бу мактублар кўпчилиги санъат мухлисларидан. Улар санъатимизнинг, айниқса, эстрада қўшиқчилигимизнинг истиқболи ва муаммолари тўғрисида куюниб ёзилган. Бугунги кунда эстрада қўшиқларининг оммавийлашиб бораётганлигини тан олган ҳолда, баъзи ёшларимизнинг классик қўшиқларимизни назар-писанд қилмаётганликларини айтишган. Сиз бу тўғрида қандай фикрдасиз?

— Қаранг, қандай жонли хатлар. Томошабин, тингловчи талаби жиддий. Уларни алдаб бўлмайди, ёлғон айтсанг сезишади. Лекин мен бунинг биринчи сабабчиси ёшларнинг ўзи деб биламан. Уларнинг кўпчилиги маданий меросни, узоқ тарихга эга бўлган мусиқа санъатимиз илдизини яхши билишмайди. Баъзи бир тоифа ёшларимиз нуқул бақирӣқ-чақирӣқдан иборат енгил-елпи куй-қўшиқларнинг гадоси. Шовқин ва бемаъни ҳаракатларни ўзда мужассамлаштирган бундай қўшиқ ёки куйдан лаззат олиб бўлмай-

ди. Буларнинг умри ўткинчи. Шу билан бирга, ёшлар тарбиясига, маънавий дунёсининг шаклланишига, уларнинг миллий маданиятини чуқурроқ англашига салбий таъсир ўтказди.

Энди, эстраданинг оммавийлашиб кетаётганлиги масаласига келсак, бу тўғри. Лекин эстрадада ҳам эстрада бор. Бу ҳали биз учун маълум маънода янги санъат. Шунинг учун ҳам у аввало халқимизга манзур бўлиши ва сингиб кетиши керак. Гапнинг сирасини айтганда, у кўпроқ ёшларимиз орасида оммавийлашиб боряпти. Масалан, «Ялла» ансамблининг кейинги йиллардаги бир-иккита қўшиқлари халқимиз орасида шухрат топди. Бунинг сабаби ўша қўшиқларнинг музикаси ва айтилиш йўли миллий оҳангларимизга, услубларимизга яқин. Ҳар қандай асар ўз миллий тарихий замини билан мустаҳкам чатишиб кетмас экан, у чинакам санъат намунаси бўла олмайди. Шу жиҳатдан «Ялла»нинг изланишларини қўллаб-қувватласа арзийди.

Иккинчидан, эстрада нималигини билмайдиган ўртамеъна «хонанда»лар кўпайиб кетяпти. Ҳатто улар тўрт-бешта бўлиб «ансамбль» тузиб олишяпти. Бу аҳволда ҳақиқий эстрада санъати қандай ривожланади? Бундан ташқари, мазкур жанр тақдири билан жиддий шуғулланадиган бирор ижодий ташкилот йўқ. Борлари ҳам қизиқмайди. Тўғрироғи, ўша идораларда ўтирганлар эстрадани яхши тушунмайдилар. Э, айтаверсак сабаблари кўп.

Фикрим янада тушунарлироқ бўлсин учун операдан бир мисол келтирай. Маълумки, Европада бу санъат ниҳоятда оммавийлашиб кетган. Бизнинг ўзбек санъатимизга ҳам бу жанр кириб келди. Дастлаб томошабинлар уни яхши қабул қилмади. Чунки у ҳали янги санъат эди. Бундай санъатни халқ бирдан қабул қилиши қийин. Хўш, операни халқимиз орасига олиб кириш учун нима қилиш керак эди? Бу саволга Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» опраси жавоб бўлади, деб ўйлайман. Шу асар саҳнага чиқиши билан халқ театрга гурра-гурра кира бошлади. Чунки бу опера миллий оҳанглар ва топилмалар билан бойитилиб, халқимизнинг руҳига мос бўлиб тушди. Агар ҳозир ҳам шундай халқчил, миллий оҳангларга йўғрилган опера асарлари яратилса, аминманки, театр залларидан ўрин топиш амримаҳол бўлиб қолади. Ва шундай қилсагина бу санъат халқимиз орасида яна ҳам оммавийлашиб кетади. Ёки музиканинг симфония жанрини олайлик. Бу санъат тури ҳам бизга Ғарбдан кириб келган. Ҳали уни халқимиз орасида жуда оммавийлашиб кетди, деб айтолмаймиз. Бунга асосимиз йўқ. Чунки, бизнинг кўпчилик композиторларимиз ўтириб ижод қилади. Ўтириб деганим — музика мактабию консерваториядан олган таълими билан. Ахир, бу билимлар билан симфония яратиб бўлмайди. Россияда, Европа мамлакатларида симфониянинг улуғ намуналари бор. Бу жанрнинг ҳам халқимиз орасида оммавийлашадиган йўллари топишимиз лозим. Назаримда, симфонияда халқ «ҳазм» қиладиган ўзига хос оҳанглар бойлиги етишмаяпти...

Хулоса қилиб айтганда, эстрадаимизнинг халқимизга сингиб бораётганлиги яхши. Бундан кейин ҳам бу жараён чуқурлашиб, ривожланиб ва оммавийлашиб боради. Аммо ҳали эстрадада кўп изланишлар олиб борилиши керак.

— Янглишмасам, сиз бадиий раҳбар бўлган «Мюзик-холл» группаси бир пайтлар анча шухрат қозонган эди. Сўнг группа тарқаб кетди. Бунинг сабаблари нимада?

— 1957 йилда тузилган биринчи ўзбек давлат эстрада оркестри республикада бу санъат ривожланишига катта асос солди. Гарчи «Мюзик-холл» сал кейинроқ, 1972 йилда ташкил топган бўлса-да, бунга ҳам ўша эстрада оркестри туртки бўлди. Бу Ўрта Осиёдаги биринчи ва Иттифоқимиздаги учинчи «Мюзик-холл» эди. «Мюзик-холл» бу эстраданинг энг юксак чўққиси ҳисобланади. У эстрада ансамбли, яқкаҳон қўшиқчи ва раққосалар ансамбли, драматик актёр, цирк артистлари сингари бир қанча жанрларни ўзида мужассамлаштиради.

«Мюзик-холл»нинг «Синбод денгизчининг саёҳатлари» номли доимий программаси сценарийсини таниқли режиссёр Марк Захаров ва актёр Александр Ширвиндт билан ҳамкорликда ёзганмиз. Программа «Шарқ бозори. Шарқнинг эртаги» ва «Тошкент тўйи» деб номланган икки катта бўлимдан иборат эди. Томошабинлар яхши қабул қилди. Дастлабки муваффақиятларимиз ёмон бўлмади. Айниқса, Москвадаги «Россия» ва Ленинграддаги Октябрь Катта концерт залларида оилаб концертлар берганмиз. Ҳатто билетлар уч ой олдин сотилган пайтлар бўлган. Лекин республикамизда группага моддий-маънавий ёрдам кўрсатилмади. Тўғриси, «Мюзик-холл» юқоридаги айрим раҳбарларга ёқмади. Машғулот ўтказиш учун жой ҳам берилмади. Кейин, минг афсуски, яна турли сабаблар, нотўғри кўрсатмалар билан группа тарқатиб юборилди. Жуда кўп меҳнатларимиз зое кетди...

— Уни қайта тиклаш мумкинми?

— Албатта, мумкин. Эстрада оммавийлашиб, халқимиз орасидан ўз ўрнини топиб бораётган бир пайтда бизга «Мюзик-холл» жуда керак. Баъзилар эстрадани енгил санъат дейишади. У қанчалик енгил бўлса, шунчалик мураккаб!

Айни пайтда республикамизнинг турли жойларида қанча артистлар, масхарабозлар, дорбозлар, ва кулги усталари бор. Улар бир четда ўзлари билан ўзлари овора бўлиб ётибди. Агар шулар бирлаштирилиб, яхшигина бир «Мюзик-холл» тузилса ёмон

бўлмайди. Ҳақиқий миллий санъат аввало ўз юртида кўкаради, ўсади, сўнг у интернационал санъатга айланади.

— Ботир ака, сўнгги йилларда телевизорда кам кўринадиган бўлиб қолдингиз. Нега?

— Телевизорнинг кўп яхши хусусиятлари бор. Айниқса, у ёш санъаткорни элга тез танитади. Лекин нуқул телеэкран атрофида ўралашиб қолиш хавфли. Ёшлигимда менда ҳам шундай қусурлар бўлган. Томошабинга айтадиган дурустроқ нарсамиз бўлмаса ҳам телевизорга чиқишга қизиқиб айтаверганмиз. Бундай чиқишларнинг умри қисқа эканлигини ўша вақтларда тушунмаганмиз...

Ҳозир телевизорга чиқшдан олдин узоқ мулоҳаза қиламан. Чунки бугунги томошабин талаби — бошқача. Уни енгил-елпи кўшиқлар билан алдаб бўлмайди.

Телевизор санъаткор билан томошабин ўртасидаги мулоқат воситаси. Шунинг учун ҳам телетомошабинни зериктириб қўйишдан қўрқаман. У экранга шунчаки лоқайд қарашини истамайман.

Умуман, санъаткор телевизорда, сахнада, қаерда бўлмасин, юрагидаги бўронларни (агар у юракда бўлса), томошабин қалбига кўчириши керак.

— Сиз «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган қатор бадий фильмларда роллар ҳам ижро этгансиз. Кино ижодингизда қандай ўрин тутади?

— Тўғрисини айтсам, кино менинг ижодимда унча катта аҳамиятга эга эмас. Агар мен у билан жиддий шуғулланганимда бошқа гап эди. Умуман, кинодаги иштироким тасодифий ҳол.

— Ботир ака, баъзи ўзбек эстрада кўшиқчилари халқ кўшиқларини бузуқ талаффузда куйлашади. Айниқса, бу ачинарли ҳол ёш хонандалар ижросида кўпроқ сезилади. Уларнинг ҳатто сўзларни тўғри айта билмаслиги кишининг ғашига тегади. Ёки эстрадада шундай қилиш мумкинми?

— Йўқ, сира мумкин эмас. Менимча, санъаткор айтаётган кўшиғининг сўзларини тушуниб, тўғри талаффуз қилмагунча айтмаслиги керак. Бизда кўпчилик ижрочилар кўшиқ айтаётганда текстдаги фикр ё сўзга эмас, музикага кўпроқ эътиборини қаратадилар. Баъзида эса майда-чуйда жиҳатларига аҳамият бериб, сўзини эсдан чиқариб қўйишади. Оқибатда у нимани айтаётганини ўзи билмайди. Бу хонанда учун, кўшиқ учун — офат.

Бизда сўздан кўра куйга эътибор кучли бўлгани учун ҳам кўпгина эстрада кўшиқларимиз халқ қалбидан жой ола билмаяпти.

Телевизорга чиқаётган ва сахнада кўшиқ айтаётган баъзи санъаткорлар ҳақида ҳам бу фикрни айтиш мумкин. Шундоқ экранга ё сахнага чиқади-ю, кеккайиб туриб «кўшиқ» айтаверади. Юзида ё туришида ҳеч қандай ифода сезмайсиз. Томошабинни ҳаяжонга солиш мумкин бўлган сўзларни, сатрларни шунчалик ҳиссиз, лоқайд айтишадикки, томошабиннинг энсаси қотади. Оқибатда кўшиқ унга юқмайди. Классик ё мақом кўшиқлари бўлганда бошқа гап. Бу кўшиқлар санъаткордан вазминликни, босиқликни (бу ҳам меъёридан ошмаслиги керак) талаб қилади.

Назаримда ҳар бир кўшиқнинг ўзига хос такрорланмас ранги, «ҳиди» бўлади. Ана шу бўёқларни, исларни тингловчи қалбига етказиш керак. Ушандагина санъаткор ўз вазифасини бажаради.

Менимча ҳиссиз, дардсиз айтилган кўшиқдан томошабин ҳеч нарса олмайди.

— Ботир ака, ижоднинг кўп турлари билан қизиқасиз. Мухлисларингиз сизни расом сифатида ҳам танишади. Тасвирий санъат билан шуғулланиш ижрочилик фаолиятингизга таъсир қилмайдими?

— Мен ёшликдан анча-мунча картина чизишга уриндим. Рассомлик менинг ижрочилик фаолиятимга фақат ижобий таъсир кўрсатади. Кўшиқларимда ўз ифодасини топполмаган фикрларимни, туйғуларимни бўёқларда акс эттиришга уринаман. (У киши кўшни хонага чиқиб, ўз картиналаридан бир нечасини олиб келди). Булар турли йилларда ишланган «Оқшом», «Автопортрет», «Бухоро манзараси», «Саратон» сингари картиналарим. Ҳозир «Анор пишганда» деб номланган триптих устида ишляпман. Ҳар бир картинанинг чизиш тарихи бор. Масалан, «Саратон» картинасини бир куйга қаттиқ берилганда чизганман.

Тасвирий санъатга қизиқишим туфайли баъзи нарсаларни айтишни истардим. Бир неча йилдирки, Ҳамид Сулаймонов номидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти томонидан «Шарқ классиклари меросидан» деб номланган китоблар нашр этилмоқда. Бу жуда хайрли иш. Лекин китобларда эълон қилинаётган расмлар Шарқ миниатюрасига сира ўхшамайди. Китоб мазмунига тўғри келмайди. Порнография, холос. Ахир, эгнингда бировнинг бесўнақай кийими бўлса, қанчалар кулгили аҳволга тушасан киши. Масалан, Умар Хайёмнинг соқолини олиб, унга костюм кийдириб, бўйнига галстук тақиб бўлмайди-ку? Бу ўтмиш меросимизга катта ҳурматсизлик белгиси. Миниатюра — нозик туйғулар санъати. Уни тасвирий санъатнинг олий чўққиси деб атагим келади. Шундай экан, буни жиддий ўйлаб кўриш керак.

— Юморга қандай қарайсиз?

— Юморни жуда яхши кўраман. Улфатлар билан йиғилганда, дўстлар даврасида

аския айтишни ёқтираман. Менимча, самимий ҳазилни, кулгини тушунган одамнинг дили пок бўлади.

— Ботир ака, проза билан ҳам шуғулланишингиз китобхонларга маълум. Дастлабки ҳикояларингиз эълон қилингандан буён орадан анча вақт ўтди. Агар сир бўлмаса айтингчи, ҳозир ҳам ҳикоялар ёзаяпсизми?

— Тўғри, прозада унча-мунча машқлар қилдим. «Она», «Паҳлавон мўйсафид», «Етакчи», «Табассум» деб номланган ҳикояларим «Шарқ юлдузи» журналининг 1965 йил, 2-сонига эълон қилинган. Айримлари «Гулистон» журналида чоп этилди. Машқларим ўқувчиға маъқул тушдими, йўқми, бу менга қоронғи. Лекин энди прозаға бошқача ёндашиб, бошқача ёзиш керак. Мен баъзи ёш прозаик дўстларимнинг ҳикоячиликда қўллаётган экспериментларини кўриб шунга амин бўлдим. Аммо эксперимент доим ҳам оммавийлашиб кетмаслигини унутмаслигимиз лозим. Жимжимадор сўзлар билан проза яратиб бўлмайди.

Ҳозир эса ўзимни драматургияда ҳам синаб кўриш учун баъзи изланишлар олиб боряпман. Агар юракда чинакам иштиёқ бўлса, қилаётган ишингга ишонсанг, санъатнинг барча турларида (албатта истеъдод ва имкониятдан келиб чиққан ҳолда) ўз кучингни, билимингни синаб кўрсанг бўлади. Бунинг учун билимдон, ҳақиқатгўй, этиқодли, энг муҳими — имонли бўлиш керак...

— Ботир ака, яна шу ўринда эстрадаға қайтсак.

— Марҳамат.

— Маълумки, сўнги йилларда республикамизнинг бир қатор область ва шаҳарларида эстрада ансамбллари тузилмоқда. Уларнинг баъзилари халқ тилиға тушмоқда. Лекин, негадир, бу ансамблларда кескин ўсиш бўлмапти...

— Менимча, «Ялла»дан бошқа эстрада ансамбллари ҳали изланишда. Ҳатто қўшиқ мухлисларининг эътиборини анчагина қозонган «Садо» ва «Наво» ансамбллари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Лекин бу коллективларнинг изланишларида ютуқлар бор. Ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш лозим. Қайсики, янги тузилган ансамблда изланиш, ўрганиш пухта бўлмаса, ўсиш ҳам бўлмайди. Бошқа соҳалардаги сингари эстрада санъати ҳам тинимсиз меҳнатни талаб қилади.

— Кўпчилик эстрада мухлислари истеъдодли хонанда Наталья Нурмухамедова ижоди билан қизиқадилар. Бу хонанданинг ижрочилик фаолияти ҳақида фикрингизни билишни истардик.

— Ҳақиқатан ҳам у истеъдодли хонанда. Унинг ижоди менга яқин. У бир вақтлар «Мюзик-холл»да қатнашган. Ўз овози билан музика товушларини уйғунлаштириб билди. Лекин репертуарида халқ қўшиқлари кам. Репертуарни шу жиҳатдан бойитиш устида Наталья ҳам ишлаши, ҳам изланиши керак, назаримда.

Менга яна классик қўшиқларни маҳорат билан ижро этаётган Муножот Йўлчиева ҳам ёқади. Унинг ҳар бир чиқишида янгилик бор. Бўлар-бўлмас қўшиқларни айтмайди. Энг муҳими — унинг овозида тингловчи қалбини сел қиладиган дард бор. Катта санъаткор бўлади...

— Одамлар хилма-хил туйғулар ва кечинмалар оғушида яшайди. Айримлардаги ҳасад туйғусига сиз қандай қарайсиз?

— Ҳар доим ҳар бир санъаткорнинг ёмон ишидан хулоса чиқараман, яхши ишидан қувонаман. Иложи борича ҳасаддан узоқ юраман. Ҳасадчи одам юзига қоракуя суртиб олганға ўхшайди.

— Қайси рақамни яхши кўрасиз ва нима учун?

— Ун тўрт ва етти рақамларини. Ун тўртда кўп марта ишларим ўнгидан келган. Ҳаётимдаги яхши воқеалар ҳам ўн тўрт рақами билан боғлиқ. Еттини нега яхши кўришимни айтолмайман. Лекин ҳар гал саҳнаға чиқишдан олдин еттигача санайман. «Еттикетди», дейману, саҳнаға чиқиб кетаман.

— Қайси ҳикматли ибора сизға ёқади?

— Ҳикматли сўзларни, мақолларни халқ тафаккурининг юксак меваси деб биламан. Менга айниқса кўнгли очик, кўнгли сахий одамлар тўғрисидаги ҳикматли иборалар, мақоллар ёқади. Ҳаётда ҳам шундай хислатларға эға бўлган одамларни қадрлайман.

Киприкдаги ёш

Унг томонда бехосдан туйилган оғриқ гоҳ биқинига, гоҳ ошқозонига ўтиб, унинг танини кундан-кунға зирқирата бошлади. Қанча-қанча катта-кичик операциялар ва йиллаб чўзилган касаллик азобларини бошидан кечиргани учун ҳам у бундай оғриққа парво қилмади. Ҳар галгидай ўтиб кетар, деб ўйлади. Лекин курғур дард унга елимдай ёпишиб олди.

У оғриқ бир оз босилган дақиқаларда, аста ўрнидан туриб, баланд кўзгу қаршисиға ҳорғин чўқар ва кўзгудаги аксига узоқ тикилиб қоларди. Тикилиб туриб, кундан-кунға ўзгариб бораётган ўз кўринишидан навбатдаги «Автопортрет»и учун зарур деталлар, характерли белгилар изларди. Изларди-ю, совуқ кўзгуда кўриб турганларини қоғозға

туширишга юраги дов бермас, қўли қаламга бермас эди. Баъзида беихтиёр хўрсинарди. Хўрсиниқ гоҳида оғриқ билан қўшилиб аъзои-баданини музлатиб юборарди...

Йўқ! Шу дақиқаларгача у на дардга, на оғриққа ён берди. Ҳар қандай оғриқ, касаллик ҳам уни тўшакка михлай олмади. Бундан ўн чандон даҳшатлироқ оғриқларга, ажал «соя» ташлаган азобларга юзма-юз келганида метиндек мустаҳкам ирода билан енгган! Уни ҳамиша қўшиқ ва мусиқага бўлган чексиз меҳру муҳаббат, бетакрор рангларга бўлган абадий ташналик асраб қолаверган. У гўё ёруғ дунёга ўтли қўшиқ бўлиб келгану, яна қўшиқ бўлиб кетишни доим орзу қилар ва буюк бу орзу йўлида ҳар қандай тўсиқлар, дардлар, оғриқларни енгиб ўтишга иродасини собит деб биларди. Уша Москва касалхоналарида «ана кетди-мана кетди» бўлиб қийналиб ётган дақиқаларда, санъатдан йироқ кимсалар йўлига ғов бўлган кезларда ҳам ҳаётдан сира ноумид бўлмади. У ҳар гал операция столига ётаркан, фақат қўшиқни ўйлади, қўшиқни соғинди ва ҳар сафар врачларга: «Мен барибир қўшиқ айтаман!»— деб қатъий сўз бераверди. Ахир, у қўшиқсиз яшай олмасди-да!..

У беихтиёр илк бор чизган «Мажнун» суратини эслади. «Хамса»даги бу образни бениҳоя севгани учун ҳам ўзини бир оз унга қиёслаб чизган эди. Янглишмаган экан. Ёши бир кам эллика етиб билдики, умр ва ижод йўлларининг мураккаб сўқмоқлари ҳам кўп жиҳатлари билан Мажнун ҳаётига бениҳоя ўхшаб кетаркан. Мажнун қалбини англамаганларидек, уни кўп ҳолларда тушунмадилар, унинг қалб нолаларини англаб етмадилар. Лекин у ишқ саҳросида зору саргардон кезган Мажнун каби қўшиқ саҳросида доимо ёниб фарёд қилди. Қўшиқларда айтолмаган дарду қувончларини турфа рангларда «қуйлади». У аста ўрнидан туриб, кундалигини олиб яқинда ёзган Мажнун қисмати бағишлаган навбатдаги қўшиғини яна бир карра овоз чиқариб ўқиди:

Қайдандир наво —
Келтирар бу кун,
Куйлагай гўё
Оҳ уриб, Мажнун.

Қалбимни буткул
Олиб амрига
Қайғу гирдобига
Солмоқчи нечун!..

Яратилажак бу қўшиққа мос музика ёзишни Икром Акбаровга айтиб қўйган... Айни авж пардаларда куйлаб юрган кезларида ҳам «Автопортрет» чизган эди. Унда кўпроқ кўзларида букилмас иродани акс эттиришга, тўғрироғи, ёниб турган қўшиқни тасвирлашга уринган.

Кўз — инсоннинг қалби. Ундан ҳеч бир нарсани яшириб бўлмайди. Бўлажак картинадаги асосий характерни кўзлар орқали очиш керак.

Ботир Зокиров ойна қаршисида ўтириб, охири шу қарорга келди. Келди-ю, қўлига кўмир-қаламни олиб оппоқ қоғоз юзига чизиқлар торта бошлади.

Оғриқ дам-бадам безовта қилиб, зўрайган кезларида аста ўрнидан туриб диванга чўзиларди. Оғриқ босилгунча тишини-тишига қўйиб узоқ ётарди. Бир маҳал телефон жиринглади. Трубкани кўтарса, укаси Жамшид. Унинг соғлигини, ҳол-аҳволини сўраб телефон қилаётган экан. Бу очикқўнгил, хушфеъл укаси доим у учун куюниб юради. Келини Гавҳар ҳам шундай.

У трубкани қўйиб, яна мольберт қаршисига чўкди. Дардини укасига айтгиси, айтиб безовта қилгиси келмади. Ҳатто касалини онаси Шоҳиста опага ҳам сездиргани йўқ. Унинг аввалдан одати шу. Дардини бировга айтишни ёмон кўради. Баъзи бир дардини дастурхон қилиб юрадиган эркакларни жини ёқтирмайди.

Оғриқ безовта қила бошлади. Қалбини жимирлатиб турган рангларни қоғозга туширолмади. Амаллаб тўшакка етиб олди...

Эрталаб яна ўша оғриқ... Дўсти Анвар Мақсудовга телефон қилди. У тезроқ врачга учрашиш кераклигини қайта-қайта тайинлади.

Врач дори-дармон ёзиб берди.

Оғриқ тўсатдан гоҳ жигари, гоҳ ошқозони атрофида ғимирлаб қоларди. Шунда у бетоқат бўлиб, кўмир-қаламни аста қўйиб тагин диванга чўзиларди. Иши чала қолаётганидан юраги баттар сиқиларди. Нима бўлганда ҳам хаёлидаги композицияни қоғозга туширишга интилиши керак. Унинг одати шундай — бошлаган ишини ниҳоясига етказмаса, асло тинчимайди.

Оғриқ зўрайгач, охири профессор ҳузурига йўл олди.

Даволовчи врач дардни жигарда, профессор эса ошқозонда, деди. Икки хил диагноз, икки хил даволаниш йўллари, икки хил дард учун дори рецептлари... Лекин у буларнинг бирортасига парво қилмай картина устидаги ишини шижоат билан давом эттирди. Чунки, уни касаллик ҳам, врачлар ҳам, даволаш ҳам қизиқтирмай қўйганди. Энди у учун кўп нарсаларнинг қизиғи йўқ эди. Жумладан, врачлар ёзиб берган аптекаларда йўқ дориларни излашга ҳам тоқати қолмаганди...

«Автопортрет» аста-секин «жон»ланиб борарди. Чизиқлар кўпайган сайин унинг вужуди титрар, ўзини ўзи ранглар дунёсида кўришдан гўё даҳшатга тушаётгандай эди. Рассом автопортретини ёшлигида, ҳаётнинг жўшқин дақиқаларида ишласа яхши экан. Ёшнинг бир жойга борганда (бунинг устига касаллик), ҳаётнинг аччиқ-чучуқларини озми-кўпми тушуниб етганинда «Автопортрет» чизиш жуда оғир бўларкан... Кутилмаганда ранглар уни ўз гирдобига торта бошлади. У оғриқни ҳам унутиб, ранглар билан «баҳслашиш»га киришиб кетди. Эҳ-ҳе, ақлини таниганидан буён ранглар билан ҳамдард. Гоҳида ранглар унга янги кўшиқнинг оҳанглари топиб берса, гоҳида кўшиқларида айтолмаган дарду қувончларини бўёқлар қаърига синдиради.

Ранглар уни ҳеч қачон ёлғиз ташлаб қўймади. Бошига оғир кунлар тушиб, хасталаниб ётган кезларида ранглар унга ҳамдард бўлишди. Ҳар гал операция столига ётганида ранглар гўё сеҳрли бир қудрат бўлиб, уни ҳаётга қайтарди.

Қийинчилик билан бўлса ҳам картинани ниҳоясига етказишга аҳд қилди. Энди у оғриқ зўрайган кезларда ҳам қўлидан мўйқаламини қўймади. Қалбини тўлқинлантираётган туйғуларини ифодалашга киришди. Бир маҳал кўз ўнги қоронғилашди. Мўйқалам уни аллақадекларга олиб учиб кетаётгандай эди. Озод кўш сингари юксакларга парвоз қилиб боряпти-ю, қаёқларга учиб кетаётганлигини билмайди. Қаёққа?.. Олислардан юракларни эзиб бир наво таралади. Таниш овозда кўшиқ янграпти. «Ким у куйлаётган?!»

Кўзларини очса, касалхонада ётибди.

...Ботир Зокировнинг ён томондан ишланган қиёфаси: озғин юзи, чўнқайган бурун, аёвсиз ажинлар қоплаган пешона, сочлари гўё безовта тўлқинлардай тарам-тарам. Чап тирсагига ўнг қўлининг узун-узун бармоқлари чирмашган. Бармоқлар орасидаги ўчай-ўчай деб турган сигарета чўғи бир томчи қонга ўхшайди. Сигаретадан билинар-билинимас эринчоқ тутун аста-секин ўрламоқда. Гавдани гўё туман қоплаган... Ўнг кўз салгина қисилган. Унда жиндай бепарволик, бир оз қувноқлик, ҳаётнинг яхши ва ёмон кунлари устидан аччиқ кулги бор. Чап кўзнинг ости халтачага ўхшаб осилган. Бир томчи ёш кўзнинг қинидан чиқиб киприкларга кўнмоқчи. Агар ўша сўнги томчи ёш безовта киприклардан узилиб кетса борми?..

У қачонлардир Мирзо Бедил ғазалларидан ўқиган бир мисрани эслади:

«Бар сари мижгон чу ашк истодаи ҳушёр бош!» («Ҳушёр бўл! Киприкдаги ёшдай омонатсан»).

Ботир Зокировни яна операция столига ётқизишди. Бошқа илож йўқ эди...

Ўша куни Москвадан унинг рецептларига топилган дориларни олиб келишди. Аф-суски, кеч бўлган эди...

Бир томчи ёш фақат «Автопортрет»да чизилган киприкларда мангуга муҳрланиб қолди.

Кўшиқ умри барҳаёт

Яна Ботир Зокировнинг уйидаман.

У ўтирган кресло, диван бурчаги бўш. Жавонларда тартиб ва дид билан терилган китоблар, деворларга осилган турфа картиналар, бежирим мебеллар — ҳаммаси сукутда. Гўё «Саратон» картинасида тасвирлаган дарахт яна ҳам қорайиб кетгандек. Хона бурчагидаги пианино мунғайиб қолганга ўхшайди. Юнглари кўнғироқ, қулоқлари узун, кулранг хонаки ит Френк хонадан-хонага бетоқат кезади. Келган одамни ҳидлаб кўради. Сўнг унинг ўз эгаси эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, кишига жавдираб қарайди.

Бу гал ҳам суҳбатни нимадан бошлашни билмай, анчагина қийналдим. Чунки, орамизда йўқ одам тўғрисида ёзиш, у ҳақида оиласи, қариндош-уруғлари ва яқин дўстларидан сўраб-суриштириш қанчалар оғир!

Энди бу хонадонда ундан фақат ширин хотиралар, у сўзлаган қизиқ хангомалар, ичкакузди латифалар ва у ҳақда ажойиб ҳикоялар қолган. Юрагингиз бардош берса эшитиб кўринг-чи!

1. «Сизларни ташлаб кетяпман»

ШОҲИСТА САИДОВА ҲИКОЯСИ:— Биласизми, мен болаларимнинг санъатга қизиқишини, санъаткор бўлишини сира-сира истамасдим. Тақдир экан, Карим ака ҳам, мен ҳам санъатнинг нонини еб улғайдик. Бундан болалар ҳам бебахра қолмаган, албатта. Ботир билан Луизага бир пайтлар дастлабки кўшиқни ўзим ўргатиб, унинг шеърини ҳам, куйини ҳам ўзим ёзганимга биров ҳайрон бўлиши мумкин. Лекин мен «Қирқиз» эртаги асосида опера ҳам ёзганман. Фақат тугатолмадим. Бирин-кетин болалар туғилди. Уларнинг тарбияси, кийим-кечаги дегандек... Турмуш ташвишлари... Бу орада уруш бошланди. Сўнг ҳаммаси қолиб кетди.

«Нега фарзандларингизни санъаткор бўлишини хоҳламадингиз?» деб сўрадингиз. Тилимни қичитиб нима қиласиз, ўргилай, Карим ака ҳам, ўзим ҳам жуда қийналган-

миз. Санъатни тушунмайдиган одамлар билан ишлашга тўғри келган. Карим ака ниҳоятда покиза, содда эди. Ана шу характери билан кўп марта қоқилган. Э, истеъдодга барибир қийин экан. Қўйинг, ҳаммасини гапириб ўтирмай. Шу учун болаларнинг ҳам қийналишини истамаганман... Кўриб турибсиз, болалар бизнинг хоҳишимизга қулоқ солишмади... Ҳаммаси элга танилган санъаткор бўлди. Улар учун ҳам кўп идораларга кирдим, ҳали айтганимдек, санъатдан йироқ кишилар билан олишдим. Биргина собиқ «карбоб» Раъно Абдуллаева бошимизга не кунларни солмади, дейсиз? Санъатни мутлақо тушунмайдиган бу хотин билан ҳатто кабинетларига кириб ҳам жанжал қилганман. Жуда кечки ва аёвсиз ўч оладиган эди. Уф!.. Буларнинг тарихи узоқ. Келинг, яхшиси, сизга бир хангома айтиб берай. Биринчи космонавт учувчи Юрий Гагарин Тошкентга келганда мен касалхонада ётгандим. Ботирни Гагарин келишидан икки кун олдин тезда Бухорога гастролга жўнатишди. Кутилмаган гастроль. Бир маҳал Гагарин Ботирни кўрмоқчи бўлиб суриштирибди. Унинг гастролдалигини айтишган экан, унда онасини кўраман, дебди. Бир вақт денг, палатани врачлар, «казо-казо»лар босиб кетди. Бирови мени текширган, бирови кўрпа-тўшагимни алмаштирган, яна бирови хоналарни тозаллаган... Ётганимга бир ҳафтадан ошувди. Лекин ҳеч ким ҳолимдан тузукроқ хабар ҳам олмаганди. Ҳатто бўлим мудирига Ботир илтимос қилгандаям, келиб кўрмаганди. Жадлим чиқиб ҳаммасини ҳайдаб солдим. «Мени-ку, Гагарин келиб кўрадиган бўлибди. Бошқа беморларнинг ҳоли нима кечади?»— деб бўлим мудирига савол бердим. У қизарди-бўзарди, кейин менга бир ўқрайиб жўнаб қолди... Ана шунака. жуда бетгачопарман. Шу одатим кўп марта панд берган. Лекин, начора, сал қинғирликни, ноҳақликни кўрсам чидаб туролмайман... Гагаринни эса уйда кутиб олганман.

Умуман фарзадларимнинг орасида Ботир бўлакча эди. У ўзини аяган эмас. Касал бўлиб қолса ҳеч билдирмасди. Кўзларидан тоби йўқлигини билардим. Умуман, бошқаларга ҳам дардини дoston қимасди! Сал ўжарроқ ва тортинчоқ феъли бор эди. Охири марта касал бўлганида дори олишга пули қолмабди. Тортиниб ҳеч қайсимизга айтмаган. Сезиб ҳолида 80 сўм пенсиямни элтиб бердим. Ушанда жуда хижолат бўлди болагинам... Ҳаётда яхши одамлар бор экан, ёрдам беришди. Начора ўлим ҳақ бўлиб чиқди... Лекин мен фарзадларимни пулга, бойликка ўргатмаганимдан, уларнинг ўзиям бунга ўрганмаганидан ҳаммиша фахрланиб юраман...

Мен бирор марта ҳам Ботиржонимнинг концертларига кирмаганман. Унинг овозига, ноласига юрагим бардош беролмайди. Қачон овозини эшитсам, кўзларимга ёш дарёдай оқиб келаверади. Ҳамон кўзим эшикда. Худди болажоним кириб келаётгандай...

ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ, СССР ХАЛҚ АРТИСТИ СЕРГЕЙ ОБРАЗЦОВ: «Мен машҳур хонанда Ботир Зокиров кўшиқларини эшитиб юрардим-у, унинг концертига тушмаган эдим. 1966 йил, 12 июнь куни тасодифан Минск Катта концерт залида унинг концертига тушдим. (У ҳам, мен ҳам ўша кунлари Белоруссия бўйлаб гастролда эдик) Тўғриси, унинг катта кўшиқчилик санъатига тан бердим. Унинг ҳар бир кўшиғи юксак ақл билан йўғрилган. Ақл эса қалб ва хотира мулки!»

ЭРҚЛИ МАЛИКБОЕВА ҲИКОЯСИ:— Мен Ботир Зокиров билан 1958 йилдан 1974 йилга қадар турмуш қурдим. 1962 йилда катта ўғлимиз Бахтиёр, 1965 йилда Баҳодир туғилди. Ҳозир уларнинг бири киноактёр, иккинчиси ҳам тарихчи, ҳам отасига ўхшаб расм чизади. Кўпинча болаларни ҳам гастролларга олиб борардик. Концерт тугаб парда ёпилиши билан болалар чоғлу асбобларига ёпишиб олишарди.

«Ира, булар жинни бўлганми?»— дерди Ботир кулиб. У ҳеч қачон болаларни уришмас, алдамас, уларга худди катталардек муомала қиларди. Болаларга расм чизишни ўргатди. Ҳатто уларга ўқиш учун китоблар ҳам танлаб берарди. Фарзадларимиз вояга етгач, уларнинг енгил йўлдан юришларига, ота ёрдами билан бирор нарсага эришишларига мутлақо йўл қўймади. «Нимаики яхши мақсадларинг, орзуларинг бўлса фақат ўз кучларинг, билимларинг билан эришинглар. Таниш-билиш орқали кун кўрадиган одам омонат уйга ўхшайди. Сал шамолга ҳам қулаб кетиши мумкин. Мустақил, тўғри одамни дўл ҳам йиқитолмайди»,— дерди у.

Ботир Зокиров улуғ санъаткор, улуғ шахс эди. У баъзан мен ишлайдиган Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг янги спектаклларини келиб кўрарди. Яхши саҳна асаридан қувонарди. Уртамиёна ва саёз спектаклларни кўриб ранжирди. Айниқса актёрларнинг саводсизлигидан кўпроқ куюнарди.

У Москвада биринчи марта операция бўлиб ётганида радиодан Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичик шаҳзода» асари инценировкасини СССР халқ артисти Мария Бабанова ижросида эшитиб, қаттиқ ҳаяжонланган. Тузалиб Тошкентга қайтгач, бу машҳур эртаққиссани ўзбек тилига ҳам таржима, ҳам инсценировка, ҳам режиссёрлик қилиб радиоспектакль яратди. Мен Кичик шаҳзода ролини ижро этдим. Кейин у Евгений Шварцнинг «Соя» асарини таржима қилди.

Ботир Зокиров умуминсоний кўшиқларни куйлаган хонанда. Ўз концертларидан ҳеч қачон кўнгли тўлмасди. Айниқса, баъзи раҳбарлар томонидан уюштирадиган концертларга борганида (аслида бундай концертларга жуда кам борарди) қаттиқ қийналарди.

«Улар пишиллаб овқат еяётганларида кўшиқ айтиш азоб!»— дерди хуноби ошиб...

Ундан иккита картина ёдгорлик қолди. «Ёлғизлик» деб номланган картинасини касалхонада ётганида чизган. «Кўча» картинасида ўзи туғилиб ўсган Интизом кўчаси тасвирланган. Қоронғулик. Ғира-шира ёруғликда тор кўчанинг охиридаги болохоналик уй кўриниб турибди. Болохонада ягона дераза. Деразада ичкарида ёниб турган чироқнинг ўткир шуъалари алоқ этган.

Назаримда Ботирнинг чироғи ўчмаган. Унинг умри фарзандлари ва набиралари умрида, мерос қолган ўлмас кўшиқларида, картиналарида давом этапти...

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ ТАМАРАХОНИМ:— Мени Ботиржон «опа» деб чақирарди. У билан ҳамкорликда декадаларда, фестивалларда кўшиқлар ижро этганмиз. Унда нафақат кўшиқ айтиш таланти, балки саҳнага чиқиши билан зални ўзига сеҳрлаб олиш қобилияти ҳам кучли эди. У кўшиқни образга кириб куйларди. Унинг ўртамиёна, саёз кўшиқлари йўқ ҳисоб.

Ботир чинакам буюк санъаткор. Бунақаси қайтиб туғилмайди. У ўзбек халқининг катта қалбли фарзанди, юксак истеъдод ва маданият эгаси эди. Ботир кетиб гўё Тошкент ҳам, Ўзбекистон ҳам ҳувиллаб қолганга ўхшайди...

Тўғриси айтиш керак, Ботирнинг эрта ҳаётдан кўз юмишига санъатни, эстрадани билмайдиган баъзи раҳбарлар ҳам сабабчи бўлди. Унга аллақачон СССР халқ артисти унвонини бериш керак эди. Бу хатони асло кечириб бўлмайди.

Шундай раҳбарлар курсидан фойдаланиб, санъаткорни қийнайди, баъзан умрига зомин бўлади. Афсуски, халқ ҳурматини бойлик билан ҳам, буйруқ билан ҳам олиб бўлмайди. Ботир аллақачон халқимиз қалбидан чуқур жой олган улуғ артист.

Улимидан бир йил олдин, қиш пайти бизникига келди. Қор чархпалак қилиб ёғяпти. Эшикни очсам останада кулиб турибди. Ҳаммаёғи қор. Қўлида бир даста чиройли гул.

— Осмондан тушдингми?

— Космосдан тушдим,— деди ҳазиллашиб.

Гулларга оппоқ қор кўнган. Назаримда Ботир Зокиров ўлмагану, гулларга айланиб қолганга ўхшайди...

ЛУИЗА ЗОКИРОВА ҲИКОЯСИ:— 1955 йили Венгрияда бўлиб ўтган Совет Ўзбекистони санъати кунларида қатнашдик. Биринчи кунги концертда ҳиндча «Мичали» кўшиғини айтдик. Бу кўшиқ ўн кун ичида Венгрияни тутиб кетди. Гўё бутун мамлакат бизга жўр бўлгандек «Мичали»ни куйларди. Бундай қувончли ҳол кўп гастролларда юз берган.

Акам машҳур хонанда бўлиши билан бирга, сўзни юксак дид билан англайдиган шоир, муסיқани юракдан ҳис этадиган истеъдодли бастакор эди. Токи — сўз билан музика бир-бирига мос тушмагунча ўзи ҳам кўшиқ айтмасди, менга ҳам руҳсат этмасди. Сўз масаласида менга баъзан танбеҳ берарди...

Бизни кўп марта тўйларга таклиф қилишган. Лекин бормаганмиз. Айниқса юқори лавозимларда ишлайдиган баъзи раҳбарларнинг тўйига бормагани учун акамни ёмон кўришарди. Тошкентда бўладиган концертларини ҳеч бир сабабсиз олиб ташлашарди. Ҳатто бир министр: «Концертингни бир кунлик пулини икки баробар тўлайман!»— деганда, Ботир акам қаттиқ ранжиб: «Сиз бугун борсиз, эртага йўқсиз. Бойлигингиз ҳам сизга насиб этмайди. Лекин мен кўшиқларимга, санъатсевар мухлисларимга хиёнат қилмайман. Улар бебаҳо!» — деб жавоб берди. Афсуски бундай кўнгилсиз воқеалар унинг ҳаётида анча-мунча бўлган.

Республика бўйлаб гастролларга чиққанимизда, у қишлоқлардан талантларни изларди. Ёшлар билан, ота-оналари билан суҳбатлашарди. Лекин улар эстрада санъатини яхши тушуниб етмагани учун унинг таклифларига ҳадеганда рози бўлишавермасди.

Тошкент «Мюзик-холл»ини тузишда Ботир акам кўп куч сарфлади, узоқ изланди, катта-кичик идораларга елиб-югурди. Лекин унинг ҳаракатлари беиз кетмади. «Мюзик-холл» узоқ йиллар Москва, Ленинград, Киев, Тошкент ва иттифоқимизнинг бошқа йирик шаҳарларида қатор концертлар бериб, катта муваффақият қозонди. Афсус! Ботир Зокировнинг бу орзусига ҳам тўсиқ қўядиганлар топилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари Оқил Умрзоқович Салимовнинг нотўғри кўрсатмаси, тўғрироғи бир оғиз сўзи билан «Мюзик-холл» барҳам топди. Ушанда акам жуда қаттиқ касал бўлиб қолди. Кейин унга иш беришмади. Қаранг, Ботир Зокировга-я! Хуллас... Яна бир бор афсус! Бошқа иложимиз йўқ!

Вафотидан бир кун олдин касалхонага кўргани бордим. «Жуда чарчаб кетдим»,— деди у ҳорғин товушда. Бу унинг умрида биринчи марта афсус билан гапириши эди...

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ ИОСИФ КОБЗОН:— Ботир мен учун туғишгандек қадрдон эди. У эстрадада ўз мактабини яратган санъаткор. Унинг ўлмас санъати олдида ҳаммиша таъзим қиламан. Бу санъаткорнинг ҳаётдан эрта кетиши ҳаммамиз учун қайғули.

БАХТИЁР ЗОКИРОВ ҲИКОЯСИ:— Мен отам билан режиссер Элёр Эшмуҳамедовнинг «Даҳонинг ёшлиғи» бадий фильмида суратга тушдим. Мен ёш ибн Сино ролини, отам унинг отаси Абу Абдуллоҳ ролини ижро этдик. Шу фильмда Абу Абдуллоҳнинг ўлими саҳнаси бор. Яъни, отаси ўлими олдидан касал бўлиб ётганда Ибн Сино унинг юрагини массаж қилиши керак. Шу саҳна қайта-қайта суратга олинса ҳам режиссёрга ёқмади. «Ҳақиқий массаж қил»— деб қатъий тайинлади у. Отамни қаттиқ массаж қилиб

бўлмас, чунки юраги атрофида бир қовурғаси йўқ эди. Отам ҳам: «Режиссёрнинг айтганини қилгин» деди. Иложсиз эдим... Отам тишларини-тишларига қўйиб чидадилар. У киши санъатнинг чинакам фидойиси эди...

БАҲОДИР ЗОКИРОВ ҲИКОЯСИ:— Отам менинг ҳаётдаги идеалим. Охирги марта касалхонада ётганларида деярли ҳар куни ёнларида бўлдим. Жон бераётганларида қўлларини, титраётган бармоқларини ушладим. Секин пичирлаб: «Сизларни ташлаб кетяпман», дедилар. Бу отамнинг сўнги сўзлари эди. У киши жисман бизни ташлаб кетган бўлсалар ҳам, руҳан ҳар кунин, ҳар дақиқада биз билан бирга. Отамнинг ҳаёлисиз ҳаётни тасаввур қилолмайман...

ГАЛИНА ЗОКИРОВА ҲИКОЯСИ:— Ботир Каримович самимий инсон, чин дўст эди. Мен 1974 йил республика хореография билим юртини тугатиб, у киши раҳбарлик қилаётган «Мюзик-холл»га ишга келдим. Бир-биримизга кўнгилларимиз тўғри келди шекилли, турмуш қурдик. 1976 йили қизимиз Рухшона туғилди. Кейин мен саҳнага чиқмай қўйдим. Чунки Ботир Зокировнинг санъати олдида ўз «баҳойим»ни билдим. Мен унга фақат яхши аёл бўлишим мумкинлигини англадим. Қўлимдан келгунча бунга ҳаракат қилдим... Охирги марта уч ой касалхонада ёнида бўлдим. Умри қисқа экан. Тақдирга тан беришдан бошқа иложимиз йўқ. Мен шундай буюк санъаткорнинг ҳаётдан кўз юмганига ҳали-ҳануз ишонмайман.

ФАЙЗУЛЛА ХУЖАЕВ (КИНОРЕЖИССЁР) ҲИКОЯСИ:— Ботир Зокиров билан узоқ йиллардан буён яқин дўст эдик. Москвада касалхонада бир сафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, машҳур синовчи учувчи Сергей Николаевич Анохин билан бир палатада ётиб даволанган. Кейин, икки буюк инсон, икки томонга — бири учини майдонига, бири қадрдон саҳнасига парвоз қилди. Мен шу воқеадан сўнг, Ботир Зокиров ҳақида 1967 йили «Учи синовчи» номли икки қисмдан иборат ҳужжатли фильм учун сценарий ёзиб, «Ўзбекхроника»га топширдим. Лекин фильм студия раҳбарларининг айби билан суратга олинмади. Чунки, улар Ботирнинг тузалиб, қайта қўшиқ айтишига ишонишмаган эди.

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, СССР ХАЛҚ АРТИСТИ МИХАИЛ УЛЬЯНОВ:— Мен Ботир Зокиров концертини ҳузур қилиб тингладим. Эҳтимол, бу ҳаётимдаги энг унутилмас концертдир. У шунчалар буюк санъаткорки, назаримда эстрадада яна бир поғона юксакликка кўтарган. Шунинг учун ҳам унинг санъати умрбоқий.

ЖАМШИД ЗОКИРОВ ҲИКОЯСИ:— Акамнинг катта санъаткор, улғу инсон эканлигини вафотидан сўнг билдик. Афсус!.. Ҳаётлигимизда ҳамиша ҳам бир-биримизнинг қадримизга етавермас эканмиз. Начора?.. Ботир акам ҳаммамизга бирдек меҳрибон, жонкуяр эди. Биз, укалари у кишидан кўп яхши фазилатларни, айниқса, санъатга содиқликни, фидойиликни ва ўзлигини топишни ўргандик. Акам биргина «Мюзик-холл»ни тузиш учун тўққиз йил идорама-идора, кабинетма-кабинет югурган. Ҳақиқатни, тўғри сўзни кишининг юзига шартта-шартта айтарди. Ҳаёлимда у концерт бериш учун узоқ гастролга кетгану, ҳадемай қайтиб келади деганга ўхшайди.

УЧҚУН НАЗАРОВ ҲИКОЯСИ:— Ботир билан болалиқдан бирга ўсганмиз. У турмуш ўртоғим, музикашунос Дилбар Рашидова билан ҳам яқин дўст эди. Дилбар унинг пластинкаларига сўзбоши ёзган. Хуллас, биз у билан оилавий дўст эдик. 1984 йилнинг айни баҳори эди. Ботир, Фаррух билан бирга ТошГРЭС томондаги далаларга айлангани чиқиб кетдик. Илгарилариям бу жойларга келиб турардик. Ўрикзор бир чорбоғни танладик. Дарахтлар оппоқ гулга бурканган. Тикилиб тўймайдиган манзара. Айниқса, Ботир бу манзарани кўриб ҳаяжонланиб кетди.

— Бир қўшиқ айтмайсанми, Ботир. Кўп бўлди овозингни эшитмаганимизга, — дедим унинг баҳордай чарақлаб кетган кўзларига тикилиб.

Фаррух ҳам, менинг сўзларимни тасдиқлагандек, акасига умидвор тикилди. Ботир бир зум жим бўлиб қолди. Сўнг гуруч ювилган тоғорачани олиб кўм-кўк майсазорга ўтириб, тоғорачани тиззасига тўнтариб ўзича «куй» чалиб кутилмаганда «Қаро кўзум»ни бошлаб юборди:

**Қаро кўзум келу мардумлиг эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил...**

Мен ҳам, Фаррух ҳам ҳайратдан қотиб қолдик. Чунки, унинг классик қўшиқ айтишини биринчи марта эшитишимиз эди. Шунда билдимки, у фақат эстрада эмас, балки халқ ва классик қўшиқларнинг ҳам моҳир ижрочиси экан. Бундай қўшиқларни саҳнада айтмаганлигининг боиси отасига ва унинг санъатига бўлган юксак ҳурмати эди. Вужуд-вужудига сингиб кетган отаси овозини, бетакрор қўшиқларини бузиб қўйишдан қўрқар экан...

Бир маҳал қарасак, атрофимизни одамлар ўраб олишибди. Кейин Ботир қўшиқни тугатди. Одамлар илтимос қилса ҳам айтмади. Хижолат бўлиб одамлардан узр сўради. Бу Ботирнинг мен эшитган сўнги қўшиғи, сўнги овози эди...

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ ЖУРАБЕК МУРОДОВ:— Улғу санъаткор Ботир Зокиров нафақат ўзбек халқининг, балки тожик халқининг ҳам азиз фарзанди, севимли хонан-

дасидир. У Шарқимизни умрбод ёниб куйлаган бетакрор қўшиқчи. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига гастролларга борганимда у ҳақда қизиқиб сўрашади. Бу ҳамма санъаткорларга насиб этавермайдиган бахт. Ботир Зокиров бизга Шарқона куйлашни, маданиятни ва дўстликни мерос қолдирди. Унинг руҳи олдида санъатимизга ҳам, маданиятимизга ҳам гард юқтирмайлик.

2. «Сизни тинглаш — ҳамиша бахт!»

Ботир Зокиров номига келган ўнлаб, юзлаб мактублардан айримларигина сақлаиб қолган.

«Ҳурматли Ботир Зокиров!

Тақдир сизга дилбар овозингиз учун яна минг йил умр берсин. Сиз Иттифоқимиздаги энг яхши ва истеъдодли хонандалардан бирисиз.

Сиз куйлаган «Араб тангоси» мени ҳамиша ҳайрат ва ҳаяжонга солади. Бу қўшиқ минглаб тингловчиларни шундай ҳолатга солишига ишонаман.

Сиз Шарқни ёниб куйлайсиз. Катта раҳмат.

Н. КОБУЛАДЗЕ
1954 йил».

«Польшадан алангали салом!

Ушбу мактубни польшалик муаллима Галина Йосифовнадан деб билгайсиз.

Ўтган йили Ўзбекистонга саёҳатга бордим. «Дўстлик» меҳмонхонасида турдим. Кейин Самарқанд, Бухоро тарихий шаҳарларида бўлдим. Умуман, қалби очиқ, сахий ўзбек халқини яхши кўриб қолдим. Кўп одамлардан Сиз ҳақингизда сўрадим. Улар ўз хонандасини яхши билишар экан, фахрланиб, ҳаяжон билан сиз ҳақингизда сўзлаб беришди. Афсуски, қўшиқларингиз ёзилган пластинкаларни излаб дўкондан тополмадим. Ноилож «Ўзбек халқ қўшиқлари» ёзилган бошқа пластинка олдим. Уларни радиого қўйиб тез-тез эшитаман. Ва ҳар гал эшитганимда, Ўзбекистонни, Сизни кўргандай, тинглагандай бўламан. Сизни тинглаш — ҳамиша бахт!

Ҳурмат билан Галина
1975 йил, 22 январь».

«Салом азиз Инсон!

Сизни безовта қилаётганимиз учун минг бора узр. Мен 1964 йил ўзбек йигитига турмушга чиқиб, бир неча йил Каттақўрғон шаҳрида яшадим. Сизнинг сеҳрли овозингизни илк бор ўша ерда эшитдим. Бир умрга унинг шайдоси бўлиб қолдим. Турмуш ўртоғим билан қанча изламайлик пластинкаларингизни тополмадик...

Ҳозир Украинада яшаяпмиз. Сизни, Ўзбекистонни унутишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Иккита фарзандимиз бор. Бирининг исми Ботир, иккинчиси Зокир. Фарзандларимнинг сиздек ажойиб инсон бўлишларини истайман.

Агар сизга малол келмаса битта пластинкангизга дастхат ёзиб юборсангиз. Сизнинг овозингизни эшитиш биз учун байрам.

Р. Шарипова
Украина ССР, Житомир области».

Лекин у қўйидаги мактубни ҳаётлик пайтида ўқий олмади. Мактуб кечикиб, жуда кечикиб келди.

«Салом азизим, салом бебаҳо қўшиғим!

Сен менга етолмаганингдек, мен ҳам сенга етолмасам керак. Тақдир бизни шундай яратган экан. Начора? Сенинг бетоблигини эшитиб, мен ҳам касал бўлиб қолдим. Бошимни кўтаролсам, ҳузурингга қушдек еламан. Ҳар сония пластинкагни қўйиб, юракбағрим сел бўлиб эштаман. Ҳозир ҳам ёниб «Мажнун монологи»ни ҳақиқий Мажнундек куйлаёсан.

...Аё ҳақими доно

Ҳар ҳукмда ҳоқиму тавоно!..

Дерлар менга: «Ишқни унутғил,

Лайли ғамидин канора тутғил».

Оллоҳ-оллоҳ, бу не сўз ўлғай,

Ул қавмга тангри узр қилғай.

Лайли ишқин танимда жон қил,

Лайли шавқин рангимда қон қил...»

Оҳ, қанийди, қон бўлиб томирларингга оқиб юрсам, нола бўлиб бўғзингга чарх урсам, малҳам бўлиб дардингни олсам? Армоним йўқ эди!..

Бир неча марта концертларингга кирдим. Сени кўрдим, овозингни эшитдим дегунча эс-хушимдан ажралиб ўзимни батамом унутаман. Мени ҳар гал концертдан ҳушсиз, қалбсиз олиб кетишади. Агар сен билан юзма-юз кўришсам, юрагим ёрилиб кетади, деб кўрқаман...

Етар. Сени толиқтириб қўймай. Омон бўл. Соғайиб кетсанг, албатта кўришамиз. Мен бунга ишонаман. Сен билан яна дийдорлашамиз, қўшиғим. Агар...


**Сени соғинган Фарангис
Ленинград шахри».**

1985 йил 25 январь. Қиш. Совуқ. Қор ёғарди. Мактуб эса йўлда эди. На шиддатли поезд, на тезучар самолёт бу мактубни эгасига етказолмади. Уша куни ўзбек халқи суюкли фарзанди, буюк санъаткор Ботир Зокиров билан видолашиб, уни ҳеч қачон мактуб етиб бормайдиган жойга — сўнги йўлга кузатаётган эди. Мотамсаро осмон унинг тобути устига тинимсиз қор эларди. Видолашаётган қалблар фарёдининг чеки йўқ...

Тошкент кўчалари мотам зарбидан оғир сукутга чўмган, айрилиқ она-заминни зир-зир титратаётгандек эди...

У эллик йиллигининг сценарийсини ўзи ёзмақчи, репертуаридан махсус программа тузиб, ҳар бир қўшиғига шарҳ — тўрт қатор шеър битмоқчи эди. Суратларидан саралаб, сайлаб биринчи марта шахсий кўргазмасини ташкил этишни ният қилган эди. Афсуски, у қалбида айтилмаган қўшиқларини, чизилмаган картиналарининг оҳори-рангларини, кинода яратмоқчи бўлган ёрқин образларини ва яна қанчадан-қанча ушалмаган буюк орзуларини ўзи билан олиб кетди.

«Она халқим олдида катта қарздорман. Бир фарзанд ва хонанда сифатида шу қарзларни узишим шарт. Ҳали халқимга кўнглимдагидек хизмат қила олганим йўқ. Бошқача куйлаш, бошқача чизиш керак» — Ботир Зокировнинг ўз ижодидан қониқмаслик ҳислари билан тўлиб-тошган шу сўзларини эслайман. Чинакам санъаткор асли шундай бўлмоғи керак эмасми, ахир?! Бу халқ қалбида қола билиш санъати ҳамдир.



Низомжон Парда

ЮРАК ТЎФОН, ТЎЛҚИН БЎЛИБ УРАДИ

* * *

Билмам қачон кирдинг қонимга,
Ўт каби чирмашдинг жонимга.
Бўлдинг қувват, куч имонимга,
Бўлдинг кўшиқ, бўлдинг ҳаяжон.

Билмам сенсиз қандоқ яшагум,
Билмам нечун шавқим ошади,

Вужудим сел каби тошади,
Тилга олсам таърифинг қачон.

Қайси фарзанд тонар онадан,
Хоин атаб кимдир, панадан —
Шаънимга тош отса, яна-да,
Ишонмагил, Ватан — Онажон!..

* * *

Сиз мени тинч деманг, безовта денгиз
Не кўйларга ўзин урар руҳ ва тан.
Аслини айтганда мен ҳам бир денгиз,
Бош уриб чайқалган қирғоғим — Ватан.

Сиз мени тинч деманг, безовтадир қалб,
Юрак тўфон, тўлқин бўлиб уради;
Ватан эса қирғоқ, неларга чорлаб,
Ҳисларим қуюнин товлаб туради.

Курра

Сир, ҳикматлар туманида,
Кенгликларнинг уммонида,
Олов шардай чарх урган курра.

Гоҳ ўртаниб, гоҳо яшнаб,
Гоҳ зулматда, гоҳ нур ташлаб,
Тенглар аро барқ урган курра.

Сен-да, яшаш азмин яратган,
Тенглар ичра якто таратган,—
Хушбўй набототнинг селини.

Тақдирим деб сенга қарашар,
Турфа олам, жонзот, биз башар —
Гард-гард бўлиб қучганмиз сени.

* * *

«Бу дунёда бари яхши,
Ёмон йўқ»,—
Деган гаплар алмисоқдир, ақида,
Ниманидир бор деганда кўнгил тўқ.
Йўқ дегани топиш, излаш ҳақида.

Бор дегани алла, болам, ухла-ё...
Йўқ дегани йўқликдан борни ярат.

Бор дегани ясатиғли бу дунё,
Иуқ дегани ёлғон, уни топ, ясат...

Фарзанд азиз, ташвишига садқа жон,
Режа тузиб берманг, ота-оналар,
Келажакин қурмоқ учун бегумон,
Ўз йўлини ўзи топсин болалар.

Есенин

С. П. Кошечкинга

«Шаҳинам, сен менинг Шаҳинам...»
«Сен менинг!..»— сўйладинг ҳад билан —
Кўриндинг шамшоддай қад билан,
Куйладинг, киприкда гоҳи нам,
«Шаҳинам, сен менинг Шаҳинам...»

Ва лекин «дарвоза берк»-ку, берк,
«Нетай куч етарли билакда»,
Нетарсан ҳаяжон юракда —
Бир пари висолин айлар эрк
Ва лекин «дарвоза берк»-ку берк.

Ишқ шунча бешафқат бўларми?
О, фарқсиз сенга дин, урф-расм.

Эсладинг (ёт кўздан асрасин)
«Нақ оққуш қанотли қўллар»ни,
Ишқ шунча бешафқат бўларми?

Қайинлар оралаб куйладинг,
Пойингда баргларми ёғилар,
Барглармас, олтинранг ёғдулар,
Қай ёниқ ҳавони бўйладинг,
Қайинлар оралаб куйладинг.

Ёшликдай мангуга қолибсан,
Ҳей қўшиқ мулкининг соҳири.
Ёшликни улуғлаб ахири,
Қалбларга ғулғула солибсан,
Ёшликдай мангуга қолибсан.

* * *

Йўлларимдан гоҳо адашсам,
Омадсизлик кучса ё мени,
Табиийки, қайда ўша дам
Дўсту рақиб очар ромини:

— Тамом! Энди келмас ўзига...
— Мағлубият беради сабоқ...

Ромчиларнинг боқиб юзига
Мен-чи, ўйлаб қоламан бу чоғ.

Аммо ҳаёт, асовсиз ҳаёт,
Ширин жонга билмасдан хатар
Неларнидир ваъда айлаб бот —
Боз курашлар бағрига отар...

* * *

Одамни овора қилади одам,
Одамни юз қора қилади одам.
Ҳар ким ўзича ҳақ, жанг қилар тинмай,
Одамни тифпора қилади одам.


* * *

Бугун ён-верига шубҳали боқиб,
Ҳушёрликни қўлга олабилди жон.
Бир хил дўппидадир ҳам дўст, ҳам рақиб,
Сўзлар ошкораю курашар пинҳон.

Болаларга

Мактабдан уч-тўрт бола
Қайтаётган бир палла...
Талашиб-тортишарди,
Гоҳ тушиб, гоҳ жўшарди:
— Сувдай тинч оқ, дедилар,
Азиз ўртоқ, дедилар.
— Сув оқар илинг-билдинг,
Сувни томоша қилинг.
Хотиржам, теран бағри,

Серғалва лекин қаъри,
Унда ҳам талошлар кўп,
Катта-кичик тошлар кўп:
Тошларки қайроқ-қайроқ
Қайроқ тошларга бойроқ,
Бири-бири билан гал
Суришиб топар сайқал.
— Тинчмас сувнинг ҳам таги,
Суришишдир эртаги...



Олимжон Бўриев

СЕНГА ТАЛПИНАРДИ ҚАЛБИМ БЕОРОМ

Хотира

Совуқ кунлар, жизғанақ кунлар,
Эсга солар сени доимо.
Шамол ҳоқим қоронғи тунлар,
Кўзларимни юмдирмас асло.

Бекорликдан зериккан дамлар,
Юрагимни бўғади тутун.
Унутгандай мени одамлар,
Дўстларим ҳам эсламас бугун.

Китоблар ҳам ўқилмай қолар,
Сув тиқилар — ўтмас томоқдан,
Мени доим ташвишга солар:
Оғир иш йўқ — жим яшамоқдан.

Ноҳақликка дуч келсам мудом,
Кўзларимда чақнар йилдирим.
Яна шундай бўлди бу ҳангом,
Қаердасан, қўлла, севгилим?!

Хаёлимда бошланган роҳлар,
Бўлинарди икки томонга.
Ташлаб кетди мени ҳамроҳлар,
Юқларини ортиб карвонга.

Совуқ кунлар, жизғанақ кунлар,
Эсга солар сени доимо.
Шамол ҳоқим қоронғи тунлар,
Кўзларимни юмдирмас асло.

Жомийнома

«Кўрдикки йўлида туганмас ғовдир,
Бу жиловсиз бия жуда асовдир».¹

Сўл тараф ёғийдир, ўнг тараф дарё,
Ортидан қувгувчи оломон ёвдир.

Дарёга ғарқ бўлса наҳанглар ютгай,
Ёвга банди тушса қўли косовдир.

Бу ғовдан саломат қутқарсанг, биям,
Марра меникидир, меники довдир, —

Шундай деб уловин қичаб кетмоқда,
Даҳшат шамолида қалби оловдир.

Ўт кетсин саҳрою биёбонларга,
Агарчи оҳуға ҳар қашқир ёвдир.

Саҳро оташига беролмасдан тоб,
Куйиб ҳалок бўлган минглаб бедовдир.

Бировнинг қасдига тушган оломон,
Нажот йўқ, ўзлари ажалга овдир.

Эгасин манзилга етказди бия:
Бир ёнда қудуқ бор, бир ён ўтовдир.

Олим, одамлармас сени талаган,
Суюқ деб ташланган юзлаб «бобов»дир.

¹ Жомийдан.

«Қарғалар бұлибдур булбулим менинг,
Қора илон эрур сунбулим менинг».¹

Келиб бу даҳшатли ғордан олиб уч,
Қайдасан Ғиротим — дулдулим менинг?!

Гүрўғли ўлдию девлар қутулди,
Талон-тарож бўлди Чамбилим менинг.

Кўзага ёғийлар ташлаган заҳар,
Ўлдиарар шароби қулқулим менинг.

Қисмат тўшасини йўлда йўқотдим,
Емакка йўқдурур ул-булим менинг.

Севиб муродига етмаган зотман,
Очилмай сўлмасин илк гулим менинг.

Мен сенга сиғиндим қўллагин энди,
Агарда бор бўлсанг расулим менинг.

Сенга шак келтирсам мен шоҳ бўлганда,
Майлига ўлдирсин ўз қулим менинг.

Тарихни ўқиб...

Сен келдинг,
очилди сим-сим дарлари,
Синди ҳаловатнинг қулфи батамом.
Ёзила бошланди шоҳасарларим,
Умрим эртақларда этади давом...

Мозий кечинмалар,
Тахуюли сар,
Ўйларда серқабат шарқона либос,
Урён андомлардан
Фикрим алҳазар,
Олислаб кетмоқдир, бир роҳибга хос.
На асал, на оғу, на шароб истар,
Сўлим гиёҳ янглиғ хоксор вужуд.
Остимда қирққабат ғарбона бистар,
Машриқий дарвишдек этурман сужуд.
Ота-боболарнинг эътиқодини

Унутиб бўлмагай, бўлмас унутиб.
Хилъатлар ўзгариб, замонабопмиз,
Яшаймиз энг ёруғ кунларни кутиб.
Фаромуш дарж бўлмай қолган баёзлар,
Даржига тиш ўтмас арабий битик.
Бошимизда турган фикри саёзлар,
Бошимиз кесилар сизга боқсак тик.
Биз учун аждодлар хотири азиз,
Эшитинг фуқаром — гунгу карларим.
Сизга тил ва қулоқ бўлар, шубҳасиз,
Хотирда тикланса шоҳасарларим.

Мартин Иден

О, Руфни севардим,
Излардим вафо!
«Муҳаббат кўида бахтиёр йигит,
Бўса ола туриб жон беражақдир!..»
У мени севарди, баҳор гулларин,
Бўйини таратиб келарди маҳзун.
Севги кўшиқларин тинглаганида:
Не хаёллар қамраб, сеҳрли очун,
Олтин сочларига кўмиб ташларди.
Муҳаббати эди кундан-кун афзун.
Сеҳрли Америка, хилват гўшалар,
Киборлар олами нақадар зебо.
Хазонлар кўрпадай ерга тўшалар,
Қалбим денгиз каби тўлғанарди, о!
Лекин барчасига етди интиҳо.
Жангари дўстларим қолди бир томон,
Севги ҳукми билан яшадим маъруф.
Интилган мақсадга этади, аён,
Мен танҳо сен томон интилардим, Руфь.
Сен борсан, мен ғолиб, изларман чора,
Мени ўраб олган ёвуз издиҳом.
Қисматнинг ҳар икки томони қора,
Кимга насиб бўлса шоир деган ном.

Сенга талпинарди қалбим беором...
Яратдим насрнинг ажиб қасрини,
Итқитиб орқага кўҳна асримни.
Кейин шов-шувларда қозондим шухрат,
Мени тарқ этганди дунёвий лаззат.
Обрўю эътибор энди не керак?
Не зотлар кўрсатар менга илтифот?!
Мартин Иден, ахир, ўша Мартинман.
Наҳот энди йўқдир менга бир нажот?
Олис бир оролда яшамоқ бўлиб,
Денгиз сафарига отландим, э вох.
Одамлардан йироқ кетдим ажралиб,
Энди менга керак ўзга бир дунё.
Бу дунёда энди сарғайиб, сўлиб,
Кимнидир севмоқдан асрагил, худо.
Аввалу охири ўзинг эдинг, Руфь.
Оқиб ўтган дарё қайтмагай ҳаргиз,
Бош эгиб соҳилда қолди ғамгин қиз...

Елканли кемага сиғмай қолгандек,
Юрак амри билан шўнғидим сувга,
Кўмилиб кетайин энди қаъринга,
Мени ютиб юбор, қудратли денгиз.

¹ Жомийдан.

Ниҳоят, йигит Саидга яқинлашиб, хиёл энгашди, кейин тўғри Усарбек томон юрди.

— Ҳофиз ака, куёв илтимос қиялпти, «Гиря»ни айтаркансиз.

Йигит қулоғига пичирлаган бўлса-да, Усарбек негадир куёвнинг овозини эшитгандай бўлди. «Нега энди «Гиря»? Бошқалар тўйнинг қизиғида «Омонёр»ними, «Шаҳнозалар»ними талаб қилишарди... Сен кўнглимдагидай йигит экансан, Саид! Ё ҳозирги ашулани қийналиб айтганими сездингми? Ё...» Унинг эсига Саиднинг театрга қидириб борганида «ақалли шу орузмга етман», деган гаплари тушди-ю, ниманидир англагандай бўлди.

Маҳзун куй аввало ҳофизнинг ўзини сеҳрлаб олди. Юраги алланечук тўлқинланиб келар, бутун вужудидан дардли нола отилиб чиқаётгандай эди. Ҳар кимда ҳар хил ўй. Усарбекнинг назарида атрофни хира туман қоплаган, қўлларини ёзиб олган йигит билан қиз бир-бирларига интилар, лекин улар етай деганларида туман қуюқлашиб адаштирар, кўзлари жиққа ёш ошиқ-маъшуқлар яна бир-бирларини изладилар...

— Ука, нима қиласан, юракни қон қиладиган ашилла айтиб, тўйга йиғлагани эмас, ўйнаб-кулгани келганмиз...

Олис-олислардан кимнингдир пичирлаши эшитилгандай бўлди. Усарбек эса ўзлигини унутган. Ҳалиги туман тобора қуюқлашиб борар... йигит-қиз икки тарафда нола қиларди...

— Майли, бошладингми, тугатиб ол шу хиргойингни. Кейин шўхидан айт. «Шаҳнозалар»ни биласанми?

Энди овоз яқинроқдан эшитилгандай бўлди. Худди туманни қуюқлаштиришга ури-наётган қора шарпадан садо чиққандай...

Усарбек ашулани қандай тугатганини билмайди. Тўйхонани қарсак, «жуфт бўлсин», «отанга балли» деган овозлар тугтиб кетди. У энтикиб-энтикиб нафас оларди: ўзи севган, халқ ҳам севадиган ашулалардан яна бирини бошлади. Бошловди ҳамки, рўпарасида бир йигит пайдо бўлди. «Шўхидан айтсанг-чи! — Усарбек унинг бир томонга қийшайган оғзини, чақчайган кўзларини кўрди. — Ҳа, чайнаб оғзимга сол, дейдиганлардан экансан-да, пул кистирай десам, тўппи ҳам қиймабсан-а!» Жиззакиликнинг пайти эмасди. Усарбек куйлашда давом этаркан, кўзи билан бақувватмисиз дегандай унинг чўнтагига имо қилди. Буни ўзича тушунган йигит ҳофизнинг кўкрак чўнтагига ўн сўмлик тиқиб қўйди. Унинг чўнтагига, юрагига ўт тушгандай бўлди. Нима қилсин? Бутун томошабин, бу ёқда кўзларини юмиб, хаёлга чўмганча куёв эшитаётган қўшиқни тўхтатсинми? Йигит ўзининг тенг-тўшлари ўтирган сўри томон юраркан, нимадир деб валақлади. Усарбек тахминан билади: «буларнинг калити пул, ҳозир кўрасан, «Шаҳнозалар»ни айтади», деди. Сўрида қаҳ-қаҳа кўтарилди.

У ерда ўтирганлардан бири Холиданинг акасига ўхшаб кетаркан. Маҳалладаги чойхона олдидан ўтаётганида у ҳам худди мана шулар сингари мазак қилмаганмиди? «Ҳа, бўш филофни тўйдан тўлдириб келиш учун кетяптиларми? Яканинг бир четидан маҳалланинг йигитларига ош қилиб бериш эсларидан чиқмасин!..» Усарбек ўзини эшитмаганликка олиб ўтиб кетганди. Нимаям қиларди, илгари акаси Холида билан яқинлигини биларди-ю, индамасди. Унинг ота-оналарини ҳам: «Усарбек эсли-ҳушли йигит, кўз олдимизда ўсиб-ўлғайяпти», дейишганини орқаворотдан эшитган. Лекин мактабни битирганларидан сўнг тўнларини тескари кийиб олишди: «Қизимизни келиб-келиб отарчига берамизми... Танлаган ишини, бошқа касб қуриб кетгандай! Бировнинг чўнтагига қарайди. Тун-ярим кечагача муллажиринг умидида томоқ йиртади. Уйинчилар гижинглаб турганда Холида кўзига кўринармиди...»

Усарбек овози билинар-билмас титраб чиқаётганини пайқаб қолди. Нега Холидани ўйлади-я? Гўё ҳозир ўтган йили айни кўкламда концерт залидаги каби қўлида гулдаста билан чиқиб келади-ю, уни тутқазишни ҳам, тутқазмасликни ҳам билмай, кўзида ёш, ер чизиб тураверади. Ушанда тинмай қарсак чалиб турган томошабинлар хуш қомат, қоп-қора шахло кўзларидан озгин юзига ёш сизиб турган жувонни ҳофизнинг мухлисларидан бири деб билгандилар. Ёшли кўзлар... Энди у кўзларга тик қарашга ҳаққи йўқ.

Усарбек Холида гул кўтариб чиққандан кейин айтган ашуласини бошлади. Тўйхона жимиб қолди. Ҳалиги ширакайф улфатлар ҳам тинчишди. Инсон зоти, айниқса севги шаробидан тотинган, ҳижрон азобларига йўлиққан биронта киши бу маҳзун қўшиқни бепарво тинглай олмасди. Кимнинг кўзига ёш сирқиб чиққан, ким паст овоз билан қўшиққа қўшилиб кетган, ким дарду дунёси қоронғу бўлиб бошини тебратган...

— Ҳей, ҳофизча, кимсан Ғани полвоннинг сўзини ерда қолдирыпсанми, менинг номимни эшитганда бутун Теракли титрайди-я! Шу панг овозингга зор бўлдимми? Билмасанг, билмадим, де, ана хизмат кўрсатган артист «Шаҳнозалар»ни қийиб ташлайди... Майли, шуни тугат-у, ё айтганимни бошла ёки жойингга бориб ўтир...

Холиданинг акаси ҳам шу қабил гап қилганди: «Синглимнинг ортидан юрганингни кўрмай. Жонингдан умидинг бўлса, унга оғиз очмайсан. Йўқса, нақ ичак-чавағингни бошингга салла қип қўяман. Холида энди фотиҳалик, билдингми!»

Усарбекнинг боши зирқираб кетди. У қўшиқ тугаши билан торни қўлтиқлаб, иккинчи қўли билан кўксини ёндираётган ҳалиги ўн сўмликни чўнтагидан олди-да, ўртада хизмат қилиб юрган йигитга узатди. Йигитнинг ранги қув ўчган, буни кузатиб турган Полвоннинг

кўзлари шокосасидан чиқиб кетадиган даражада эди. Унинг чайқалиб кетганидан нима хаёлларга борганини англаган Усарбек ич-ичидан ҳузурланди.

— Усар ака, чарчаган бўлсангиз, дам оларкансиз. Йўлчиев акам айтдилар...

Усарбек бу гап кимдан чиққанини англамади. Овоз эгасининг минғирлаб, қўрқарипа айтганидан билдики, у ёқда Йўлчиевнинг юрагига ғулув тушган: тўйдан кейин кетишини ўйлаяпти. «Нимадан кўпроқ қўрқаётган бўлса? Дўппослашлариданми ёки тўйдан орттирган бўғчасини тортиб олишлариданми?..» Йўқ, аввал ўтирадиган бўлса ҳам энди ўтирмайди, анов Полвонга ўхшаганлар кутган шўхидан ҳам айтмайди. Тўй келин-куёвникими, демак, ўшалар истагига кўра иш тутади.

У янги ашулани бошларкан, Ғани полвоннинг санъаткорлар ўтирган сўри томон юрганини, Йўлчиевнинг ёнига ўтириб олиб алам-аччиқ билан нималарнидир уқтираётганини кўрди. «Ҳозир Йўлчиев олдимга келади. Гапни, укажон, шу ердан эсон-омон кетиб олайликдан бошлайди». Худди шундай бўлди. Полвон туриб кетиши билан Йўлчиев ўрнидан кўзғалди. Қизариб-бўзариб кетган, ҳарсиллашидан юраги ҳам бежо: у ҳозиргина ўйлагандек гап қилди. «Нима, шароитга қараб тўнимни ўзгартириб турайми? — деди Усарбек қўшиқ савти олдида жиддий. — Йўқ, ака, мен ҳеч қачон баъзиларга ўхшаб сўйри бўлмайман». Йўлчиев қалтираб кетди. У оёғини судраб сўрига қайтаркан, ўзига қараб турган Полвонга нима ҳам қилаолардим, дегандек елка қисди. Полвон шашт билан ўрнидан туриб Усарбекка юзланди:

— Ашиллачининг сирқиндиси экансан-ку! Ўзи менга ўхшаганларнинг чўнтаги ҳисобига эррайим бўпкетгансанлар. Агар айтганларимни қилмасанг, нақ сиқиб сувингни ичман. Бошқа гап йўқ!..

Усарбекнинг кўз олди қоронғилашгандек бўлди. «Қарқуноқдан булбул чиқибди-да?! — бошқа овоз қулоғига миҳдай ботди. — Балки оламни оғзинга қаратмоқчидирсан? Бе, сенларнинг мақсадинг бир — пул ишлаш! Ҳали садақа билан оила боқмоқчимисан? Тамом, Холиданинг номини оғзинга олганингни эшитмай!» Улар иккита: бири қолиб бири кўз олдини тўсар, униси ғойиб бўлганида, иккинчиси ўдағайлаб келарди. Улар иккита, лекин оғизлари битта. Тўсатдан уларни суриб ташлаб Холида рўпарасидан чиқди, «Нега акамнинг гапидан ранжидингиз-а? Нега ота-онамининг райига қарадим-а?.. Мана, қаранг, ҳаммадан яхши кийинганман-у, данғиллама уйим, амалдор эрим бору... Лекин!»

Тўсатдан микрофон ўчиб қолди. Усарбек Йўлчиевлар томонга қараганди улар, овоз кучайтиргич куйди, дея ишора қилишди. «Майли, куйса куяверсин, сенинг ичинг куймаса бўлди!..» Усарбек микрофонни четга суриб, ашуласини давом эттирди.

Кўндан бери фақат микрофон билан ашула айтиб келаётган ҳофизларнигина кўриб келаётган одамлар сеҳрлангандек жим қолдилар: жаранглаган овоз мунгли куйга қўшилиб қанот қоқар, тўйхонадан учиб чиқар, кўкка интиларди...

— Қаранг, у яна келяпти! — хавотирга тушган доирачи бола уни оҳиста тирсаклади.

— Парво қилма, бунақа лиққоқларни кўп кўрганман.

— Ҳали мени гапим ерда қоладиган бўлдим, — Ғани полвоннинг важоҳатли овози эшитилди. — Майли, номим тўйбузарга чиқса чиқсин... Кўтар рубобингни!

Бутун тўйхона қотиб қолди. Усарбек пинак ҳам бузмай ашуласини айтаверди. Полвон яқинлашиб келмоқда эди. «Ҳой, Ғани! — бирдан янграган овоздан ҳамма қалқиб тушди. Куёв ўрнидан туриб кетганди. — Меҳмонни тинч қўй!» «Мен ҳам уйингда меҳмонман! Унинг адабини беришим керак!» Полвон парво қилмай Усарбек томон бораётган эди, куёв ясатиғлик стол устидан сакраб ўтди. У Ғанининг кўтарилган кўлидан маҳкам тутди-ю, башарасига туширган эди, полвон ўрнидан тутолмай қолди. Даврадан улфатлари олиб чиқиб кетишди. Тўйхона ҳамон қотганича турарди.

— Ниятимга етдим. Раҳмат, Усарбек ака! Энди бир «Муножот»ни айтсангиз...

Куй янграши билан бир ажиб-бир ажиб рақс бошланди. Бундай рақсни Тераклида ҳеч ким кўрмаган. Куёв, кийими ўзига ярашиб тушган, бор вужуди билан берилиб, кўзларидан оққан ёшдан истиҳола қилмай бошини мағрур кўтарганча ўйнади, Усарбек томонга қарамасди ҳам. Қараганда унинг кўзларида ҳам ёш кўрарди. Тўйхона бўлса... тўйхона ҳамон қотганча қолган. Фақат кўз ёшларигина тўйхонадагиларнинг ҳайкаллар эмас, тирик одамлар эканликларидан далолат берарди.



Амирқул Каримов

ЎСАЁТГАН ВАҚТ

Аёл

Басир шамолларнинг бетин зарбидан
Зангор япроқларин тўкканда руҳим.
Ашкимга меҳрдан рўмолча сўраб
Борсам, табассуминг аяма, гулим.

Оламда мен мўъжаз умримни тиккан,
Маъволар бисёрдир, зеро безавол.
Мен бу дам англадим қадим дунёнинг
Энг боқий мазмуни аёлдир — аёл.

Лангарчўп

Пойимда гар дор бўлса ҳаёт,
Умримга тенг бўлса ҳам одим.
Интиламан, тишимда сабот
Етгунимча сенга муродим.

Ишон, қалбим чашми очикдир,
Мен бу дордан ўтаман омон.

Кўзларимни авраб сароблар,
Мудраса ҳам йўлимда туман.

Ағёр қолар тубанда мағлуб:
Алам билан, талотўп билан.
Дор «узилса» йиқилгум, қўлда
Виждон деган лангарчўп билан.

Петергоф ўрмонида

Ўрмон зангор роялга ўхшар —
Сирли куйлар таралар майин,
Вазмин булут кумуш бармоғин
Япроқларга қўйгани сайин.

Оҳангларнинг биллур қатида,
Руҳинг сокин қилади парвоз.

Бу дам оёқ остида ер йўқ,
Фақатгина осмон бор холос.

Бунда сенга аён бўлади.
Ҳали ҳеч ким билмаган сирлар.
Ўрмондаги ёмғир куйидан
Туғилади Русда шоирлар!

* * *

Эртақдаги чол каби осмон
Менга ҳар кеч сўйлар насиҳат:
«Тун — Отелло, Дездемона — ой,
Учган юлдуз — йўқотилган Бахт.»

Ўртамизга йил тушганин у
Билмас, фидо — ўғитларида.
Қийнар, билмай қолганимизни
Ўсаётган вақт четларида.

Бу вақт шундай бемехр, сахтдаст,
Сураверар менинг кўксимдан.
Чеҳрангни ҳам унутаёздим,
Ўзим туриб-туриб ўқсийман.

Осмон бунга қилмайди парво,
Сўйлайверар тинмай насиҳат:
«Тун — Отелло, Дездемона — ой,
Учган юлдуз — йўқотилган Бахт.»

Хавотир

Бошим қўйсам олис шимолнинг
Сийнасидай оппоқ болишга.
Сени излар мунгли хаёлим,
Бу кеч яна кирсайдинг тушга.

Юзи оппоқ, сочи қора қиз
(Туйғуси шу ранглардай кескин,)

Кел, висолинг шамшири билан
Ҳижронларнинг бошини кесгин.

Аммо васлинг ўрнида менга
Шубҳа раво кўрар бу тақдир:
«Куз. Кутишни билмаган қиздай
Гулга кирмиш олча дарахти...»

* * *

Бир калом битдирмиш чўнг Оқсаройга,
Мозийда, Темурхон Шаҳрисабзда:
«Боқинг биномизга — сўнгсиз чиройга,
Гар шубҳа қилсангиз қудратимизга!»

Гарчанд замон зайли, бу лавҳ битилган
Оқсарой пештоқин этса-да замин.

Ҳамон мағрур турар бошсиз гавдадай,
Тириклар қатори кўтариб қаддин.

Мен ундан ҳайратлар сўраб боргайман,
Қошида ғурурдан тиниқар ақлим
Ва лекин қудратдан кўпроқ рангларда
Мунис юрагингни кўраман, халқим!

Эртақдаги қаҳрамон қўшиғи

Игна бўлди пўлат ҳасса,
Темир чориқ қоғоз бўлди.
Қаерлардан излайина,
Умидимнинг гули сўлди?!

Тоғлар ошиб келгандим мен,
Якка орзум — висолталаб.
Наҳот сенсиз ортга қайтсам,
Армон отли тоғ орқалаб?!

Сени дилдан севардим-ку,
Қийнаб дарё қилдинг ёшим.
Севармидинг, севмасмидинг,
Қаҳри қаттиқ, бағри тошим?!

Игна бўлди пўлат ҳасса,
Темир чориқ қоғоз бўлди.
Яна қайдан излайина,
Умидимнинг гули сўлди?!

Туғилган қишлоқда

Бунда тунлар бағринга ботмас,
Бошинг узра меҳрпош осмон.
Кетар шаҳардаги йиғлоқи
Боланг — соғинч кўнглидан армон.

Сени ўйлаб умри гузарон
Онанг ҳам тинч ухлайди бу тун.
Отанга ҳам маҳзун қарайсан,
Шукр айтасан: «юрагим бутун.»

Бирга ётмоқ учун талашган
Уканг мудрар бўйнингни қучиб,
Биласан, сен шу ерда бўлсанг
У шодликдан юради учиб.

Сабоқ истаб бунда қолдирган
Болагинг турса ҳамки жим,
Жонсарақсан, гўё юлдузин
Излаб юрган қайсар мунажжим.

Яна янги қанот тутса ҳам
Парвозингга муштоқ шу уфқинг,
Қилмаса ҳам ҳеч кимса гина
Алландан қийналар руҳинг.

Кўзларингни юммайсан, чунки,
Виждонингнинг чашмига нишон
Эрур ҳали сен оқламоққа
Улгурмаган энг ёруғ ишонч!



Ҳамроқул Асқар

МЕН СЕНИ ҲАМИША СЕВИБ ЯШАДИМ

Пахта

Сени фарзандидан зиёд ардоқлаб,
Бўйингга кўз тикиб қувонар кўзи.
Сенга илинади неки хуш кўрса,
Сенга едиради емасдан ўзи.

Кўрганман,
Сенга сал озор етса,
Бобомнинг кўзлари ёшланганини.
Илк куёш нурларин майдалаб тонгда,
Унгин деб тагингга ташлаганини.

Ҳавонинг қовоғи солинса ногоҳ,
Жавдираб термилар чаноқларингга.
Қуёш порлаб турса самода хушқол,
Қизиллик югурар ёноқларига.

Ўзбекни сен боис танийди жаҳон,
Поёнсиз даламнинг ҳикмати ўзинг.
Деҳқоннинг серажин пешонасидан,
Тепчиган пок, оби раҳмати ўзинг.

Сен ўзинг эмасми Фафур Фуломнинг,
Кўксини тоғ этган ул бобо ғурур?!
Сен ўзинг эмасми жаҳон кўзини,
Оппоқ пари бўлиб айлаган асир?!

Момоларнинг юмшоқ дил сўзи янглиғ,
Не-не санг дилларнинг малҳами ўзинг.
Кимдир Америка дер, ким Парижда шод,
Халқимнинг покликка саломи ўзинг.

Қофия изласам Ўзбекистонга,
Ичимдан пахта деб келади жавоб.
Боболар сиғиниб кўзга суртган чоғ,
Мен нечун шеъримда этмайин тавоф?

Оналар ҳикматни топиб айтмишлар:
Оқлик тилайдилар бор тирик жонга.
Сенинг поклигингга имон келтириб,
Омонлик тилайман бутун жаҳонга.

* * *

Кеча келган эдим, бугун ҳам келдим,
Кетдим юрагимни ўтларда ёқиб.
Кеча кетган эдим, бугун ҳам кетдим,
Бу ғам дарёсида хас каби оқиб.

Мен биламан, бу чўлпон кўзлар,
Қайтиб мени кўрмаслар ортик.

Лабдан учган аламли сўзлар,
Севгимиздан абадий тортиқ.

Мен кетаман қолар бу боғлар,
Япроқлар ҳам ташлайди ларзон.
Тақдирдошим шу соқов тоғлар,
Сирдошимдир шу фасли хазон.

Ҳозирча

Ҳозирча, сен ютяпсан
ҳавони ютоқиб.
Ҳозирча, зардолу еяпсан
ўрик остида.
Ҳозирча, кўзичоқни единг
қўйнинг олдида.
Ҳозирча, сен бежавотир
сув ичяпсан булоқнинг кўз ўнгида.
Ҳозирча...

* * *

Кезиб Ўзбекистон шаҳарларини,
Бир ажнабий меҳмон шундай сўз дебдур:
«Қойилман бу элга, жаннат шундадир,
Бу юрда ҳаммадан гўзаллар кўпдир...»

То, имкон борича гўзалликларга
Бой эрур азалдан бу она тупроқ.
Гўзал кўп элимда, ҳушёр бўл меҳмон,
Баҳодир йигитлар ундан ҳам кўпроқ.

Воқифнинг сўнгги қўшиғи

Халқ оҳангида

...Кўкда эдим қуладим,
Бефойдадир ўғитлар.
Кўк бағрига сиғдирмас
Бошин эгса бургутлар.

Кетарман, кетганимни
Ғанимлар билмасинлар.
Дўстларим билиб қолиб,
Бағрини тилмасинлар.

Бевафо Хиромоним
Кузатмагил сўнгги бор.
Юракда тузалмагай
Ҳиёнатинг доғи бор.

Гўзал дилдор тунлари
Ой кўрсатар аксингни.
Шул гўзаллик туфайли
Йиртолмадим кўксингни.

Энди сен ўзгадирсан
Бегонасан, бегона.
Юрагимда вафодор
Ёрим яшар ягона.

Уни олиб кўксимда
Йироқларга кетгайман.
Насиб этса бир куни
Висолига етгайман.

Қўшиқ айтиб қон қусиб,
Халқим эркин куйларман.
Тўлин ойга дардларим,
Айтиб, айтиб йиғларман.

Балки бағрим қон бўлар,
Ишонмасман ўзимга.
Балким, сенга аталган —
Ханжар ботар кўксимга.

* * *

Дарахтлар баргини неча бор тўқди,
Келиб кетаётир қанча баҳорлар.
Хотирам лавҳига кеч етиб келди,
Мунис нигоҳларинг берган хабарлар.

Олис юлдузларга боқиб чарчадим,
Бу замин чексиздир, бу кўк бепоён.
Ҳеч кимса дилимдан эмас хабардор,
Ўзимдан ўтгани ўзимга аён.

Сен юрган йўлларга ҳамиша бағрим,
Кўзимда ёш билан нигоҳ ташладим.
Мен сени ҳамиша соғингандим эй гул,
Мен сени ҳамиша севиб яшадим.

Бизга кулиб боққан кибрли дунё,
Доим келтиб келди имконларимни.
Бағримдан довулдай юлиб олди-ку,
Кўнглимга энг яқин инсонларимни.

Мен бўйин эгмадим дунёга мағрур,
Сен боис ёлвордим, сени сўрадим.
Мен сени ҳамиша соғиндим эй гул,
Мен сени ҳамиша севиб яшадим.

Хатто хундорлар ҳам ярашар бир кун,
Ё, қасос лаззатин бахш этар қазо.
Бунча меҳрибонсан, бунча бераҳм,
Шафқат ҳам қилмассан, бермассан жазо.

Қани энди кел!
Ёмғирдай сочил
Қалбимнинг поёнсиз бўшлиқларига.
Мен сени доимо ошно этаман,
Кўнглимнинг энг пинҳон қўшиқларига.

Шу осмон остида кимни учратсам,
«Уни кўрдингми?» деб сени сўрадим.
Мен сени ҳамиша соғиндим эй гул,
Мен сени ҳамиша севиб яшадим.

Юнус аканинг кунлари

Болалик кунларимни:
кўкайи кесилган укаларимга,
етимликнинг аччиқ пандлари-ю,
беғам жўжаларимга
шоду хуррамлик билан улашдим.

Навқирон йигитлик чоғларимнинг қайноқ тафтини,
севгилимнинг совуқ остонасида абадий қолдирдим.
Сўнг,
узоқ тентидим:
маст-аласт, маслакисиз тенгқурлар даврасида,
тамаки тутунига тўла пўпанак босган ётоқхоналар,
зах ижара уйларда.
Ёруғ кунларимни тенг баҳам кўрган дўстларимга
қаро кунларимда аза тутиб яшадим.
Содиқ дўстим омадсизлик —
бир лаҳза ҳам хиёнат қилмади, Раҳмат!
Яхши кунларим ҳам бўлди албатта,
уларни —
уйнинг совуқ тирқишларини беркитиш учун
хотиним ва болаларимга бўлиб бердим.



БИР ТОМ ОСТИДА ЯШАГАНДА

Миллий масалада демократия ҳамма учун: украинлар, ёқутлар, татарлар, ўзбеклар, руслар, эстонлар учун норма бўлган тақдирдагина биз бир-биримизни ҳурмат қилишимиз мумкин...

Бу миллий муносабатларни ўрганиш бўйича мамлакатимиздаги етакчи мутахассислардан бири, философия фанлари доктори Масъуд Юнусовнинг бош фикридир. Қуйида махсус мухбиримиз Сергей Каленикин у билан суҳбатлашади.

— Масъуд Содиқович, Ёқутистонда, Қозоғистонда, Болтиқбўйи республикаларида, Қримда, Москвада, Тоғли Қорабоғда, Сумгаитда бўлиб ўтган маълум воқеалардан кейин халқлар дўстлиги, қардошлигига, интернационализмга кимлардир шубҳа билдириши мумкин. Ёки, эҳтимол, ҳаммаси оддий ҳодиса, ташвишланиш учун асос йўқми? Нима бўпти, қандайдир безорилар, ҳаддан ошган ёшлар чиқиб, тартиббузарлик қилишди. Аммо экстремистларга уюшқоқлик билан зарба берилди, миллий гердайишни, моғор босган шовинизмни қоралашди, ишончли тadbирлар белгиланди. Хуллас, муаммолар йўқ, десак бўладими? Сиз Ёқутистонда, Олмаотада ва бошқа шаҳарларда бўлдингиз, турли кишилар билан учрашдингиз, олим сифатида жойлардаги вазиятни ўргандингиз ва портлашларнинг чинакам сабаблари нимада, уларнинг социал қиёфаси қандай?

— Сиз айтиб ўтган воқеалар орасида мен иккитасини, Тоғли Қорабоғ ва Сумгаитда бўлган воқеаларни ажратиб кўрсатган бўлардим. Кимлардир зарда билан хулоса чиқаришни жуда истаётгандир: ана олинг — миллий жанжални! Демократияга кўнглингиз кетганди — мевасини тотинг. Ўзгаришлар жараёни — бизнинг дардимиз, жароҳатимиздир. Биз уни денгиз ортидаги малҳам билан даволамаймиз, ўз хирургиямиздан фойдаланаямиз — ошкоралик тобора кучайиб бораёпти. Аммо ташвишланарлиси шундаки, кимдир фикрлар ва мулоҳазалар уюрмасида социал йўналишини йўқотиб қўяди, кимдир ғазабга берилади... Қарабсизки, мияни ишлатиш ҳам шарт бўлмай қолади.

Социализмнинг камчиликлари, иқтисодий, социал, сиёсий нуқсонлар танқид қилинишини чала мулла кишиларнинг маълум группаси социализмнинг қадрсизланиши сифатида қабул қилмоқдалар. Бу нарсани ўйлаб-нетиб ўтирмай интернационализм, миллий муносабатлар соҳасига ҳам олиб кирмоқдалар. Нарсаларнинг моҳиятини тушунмай, камчиликларни «тузатишга» киришяптилар. Бундан жанжаллар келиб чиқади, лекин кўп миллатли муҳит бўлган жойда, жанжал ўзгача тус олади ва миллий таассуб байроғи остида пайдо бўлиши мумкин: миллий ҳис-туйғуси кучли кишилар тарқатилаётган ҳар хил миш-мишларни ишониб ва сезгирлик билан қабул қиладилар, уларда нафақат аниқ, балки мавҳум, хаёлий хавфдан нима қилиб бўлса ҳам сақланиш учун тийиб ва назорат қилиб бўлмайдиган интилиш — руҳий бузилиш рўй беради. Мана шу нарса кишиларни ҳаддан ташқари хатти-ҳаракатларга ундайди, бундан ашаддий миллатчилар ва шовинистлар дарҳол фойдаланишади. Улар кишиларнинг туйғуларини кўтармалаб, салбий қаҳр-ғазабни жўш урдиришади... Бу эса — куруқ ўрмонга ўт кетишидир.

Ҳатто бу воқеалар ҳам Совет Иттифоқида халқлар дўстлиги, қардошлик иттифоқи йўқ, деб калтабинларча хулоса чиқариш учун ҳеч бир асос бўла олмайди. Дўстлик ҳам, иттифоқ ҳам бугунги кунда Петров ёки Петросяннинг кайфияти қандайлиги билан эмас, балки ижтимоий муносабатлар характери, мулкка муносабат, маънавий қадриятлар, жамятнинг синфий структураси билан белгиланади.

— Бироқ вазият жўн баён этилмаяптими! Тоғли Қорабоғ ва Сумгаитдаги воқеалар миллий муносабатларда ҳамма нарса сип-силлик эмаслигини — қандайдир дарз, бўшлиқ, руҳий тушкунлик мавжудлигини айнан тасдиқлади.

— Тушунинг, гап жўнлаштиришда эмас: диалект, марксист бўлайлик. Бу демак, ўзимизни дам у ёққа, дам бу ёққа ташлайвермайлик. Вазифа шундан иборатки, донни бегона ўтдан ажратиб олишимиз керак, биз миллатларнинг ўзаро муносабатини жамятнинг умумий социал зиддиятларидан айрича қараб чиқаолмаймиз, — бу ерда ришта битта! Миллий муносабатлар муаммосини ошқоралик ва демократия кенгайганлиги билан бевосита боғлаш янглишиш бўлади. Саксонинчи йиллардаги кескин ўзгаришлар бизнинг шу пайтгача «ёпиқ қозон — ёпиғлик» бўлиб яшириб келинаётган умумий ва ўзига хос муаммоларимизнинг устини очиб юборди. Қаранг, 1970 йилдан 1986 йилгача мамлакатимизда миллий муносабатларнинг турли масалалари бўйича рус тилида 1300 га яқин китоб нашр этилган. Лекин, эътибор беринг, шулардан тахминан учдан бири СССР халқлари ва элатларининг юксалиши, гуллаб-яшнаши, бир-бирига яқинлашишига, саккиздан бири — интернационалистик ва ватанпарварлик тарбиясига, ўндан бири — мамлакатимиздаги миллий муносабатларни буржуазияча сохталаштирувчиларни танқид қилишга бағишланган... Аммо миллатчиликка диалектик ёндошиш масаласи ёритилмади, чунки олимларнинг бундай ишлари рағбатлантирилмасди. Ленин эса миллатчилик масаласини мавҳум ҳолда қўйиш ярамайди, деган эди. Чунки умуман миллатчилик бўлмайди, фақат унинг кўринишлари, шакллари бўлади. Қисқаси, 30-йиллардан 80-йилларга қадар бу муаммонинг у ёки бу долзарб масаласини умумхалқ муҳокамасига қўйиш, асар эълон қи-

лишни тасаввур этиб бўлмасди. Фақат олимларгина эмас, адиблар ҳам қуршовда қолишди. Фадеев ўз тўпламини тузувчига, мақолаларимни «Коммунист» журнали ёки «Правда» газетасидан эмас, балки архивимдаги асл нусхасидан олинг, деб маслаҳат берганди. Гап шундаки, Фадеев ўз мақола-ларига миллатчилик, миллий муносабатларнинг бузилиши, буюк давлатчилик шовинизми ҳақида мулоҳаза юритган, редакцияларда эса унга бемаъни ўзгартиришлар киритилган эди.

— Масыўд Содиқович, мана яқинда Сизнинг «Буржуа миллатчилиги: танқид принциплари» китобингиз нашр этилди. Кўриниб турибдики, сиз уни 80-йилларда ёзмагансиз...

— Йўқ, албатта. Унинг ёзилганига йигирма йил бўлди — йигирма йил жавонда ётди ва КПСС Марказий Комитети апрель Пленумидан кейингина дунёни кўрди. Китобда миллий муносабатлар-нинг мураккаблиги, антисемитизм, сионизм ва катта ҳамда кичик халқлардаги миллатчилик ҳақида сўз боради. Рецензиялар китоб нашр этилишини унчалик хошлашмаётганлигини менга аниқ сез-диришди. Афтидан, уларни катта ва кичик халқлардаги миллатчилик ҳижолат қилган бўлса керак. Тутуруқсизлик, хушомадгўйлик у пайтда одатдаги ҳодиса эди. Қисқаси, келишолмадик, умумий тил топа олмадик. Кўраяспизми, муаммолар қандай осонлик билан ҳал этилган.

— Катта миллат. Булар руслар, украинлар, қозоқлардан иборат, десак бўладими!..

— Шарт эмас. Бу — нисбий тушунча. Айтайлик, масалар, грузинлар русларга нисбатан кичик миллат, абҳазларга нисбатан катта миллат. Ленин «Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир» мақоласида «эзувчи миллатнинг миллатчилиги билан эзилган миллат-нинг миллатчилигини, катта миллатнинг миллатчилиги билан кичик миллатнинг миллатчилигини фарқлаш лозим. Иккинчи хил миллатчиликка нисбатан биз, катта миллат кишилари, деярли ҳамиша тажрибада шунга гуноҳкор бўлиб чиқамизки, бениҳоя кўп зўрлик ишлатамиз», деб таъкидлаганди. Лениннинг бу қондаси фанда ҳам, адабиётда ҳам қараб чиқилмаган. Бу ерда Сталин—Лисенко, уларнинг хушомадгўй тақлидчилари «давридаги» бебошликлар ўз таъсирини кўрсатди. Дарвоқе, миллий муносабатлардаги кескин муаммоларни ёритишда моғор босган, қадимий қўрқув ҳамон йўқ бўлгани йўқ. Аммо агар биз уйимизда чинакамига тартиб ўрнатишни, догматизмдан қутилишни истасак, у ҳолда, биз аънана бўлиб қолган масалаларни тушуниш учун, шу жумладан, Лениннинг миллий масалаларнинг барча мураккаб томонлари ҳақида сўз юритган кўплай асарларини яна ва яна ўқишимиз керак.

— Миллий сиёсатнинг ленинча принциплари билан биз мактабдаёқ танишамиз. Бу — миллий зулмнинг тугатилиши, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, миллатлар ва элатларнинг мутлақ тенглиги, интернационализм, барча миллатлар ишчиларининг қўшилиб кетишидир...

Эндилкида эса, биз ортқча насихатгўйлик кайфиятидан холи бўлиб, афтидан, ленинча миллий сиёсат принциплари бузилганлигини айтишимиз керак. Биз ўн йиллар мобайнида интернациона-лизмнинг ҳаётбахш нури ҳақида гапириб келдик, халқларнинг қардошлиги, ҳамкорлигини қуйладик, айни пайтда инсоннинг, халқлар ва элатларнинг энг оддий ҳуқуқлари ҳам поймол қилинди... Бизнинг миллий сиёсатимиздаги оғиш қачон бошланган ўзи!

— Унинг бузилиши йигирманчи йилларда бошланган. Мана, айтайлик, заруригини Ленин доим таъкидлаб келган, миллий масаладаги демократия ғоясини олайлик. Бу ҳақда гапирди, исбот-лади, чунки унинг позициясига таниқли партия арбобларининг ҳаммаси ҳам қўшилмасди. Лениннинг рақиблари орасида Троцкий, Радек, Пятаков, Бухарин, Сталин, Роза Люксембург, Каменев бор эди... Ленин Оржоникидзе ва Дзержинскийнинг хатоларини ҳам тўғрилаганди...

Жумладан, Троцкий социализм қурилишининг демократик руҳини, демократик асосларини тан олмади, «мурватларни маҳкамлаш» сиёсатини ёқларди, ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш йўлига қатъий эътироз билдирганди. Ленин эса, миллатнинг ўз ҳуқуқини ўзи эркин белгилаш тарафдорларини айб-лаш, оила аҳди бузилганда эркин ажралиш тарафдорларини айблагандек гапирди, деган эди, ажра-лиш эркинлиги тўғрисида қонун мавжудлиги, бу ҳамма ажралиши керак, деган сўз эмас. Бу ажра-лишга даъват эмас. Ажралиш эрки тўғрисидаги қонун-демократик ҳуқуқдир! Асосида халқларнинг эркин бирлашуви ётган демократия, ўз ҳуқуқини ўзи белгилашга Ленин интернационализмнинг пой-девор тоши деб қараганди. Бунга узоқ вақт Бухарин ҳам тушунмади. Кейинроқ, партиянинг XIII съездида, у ўз хатоларини тушуниб, буюк давлатчилик рус шовинизмига қарши гапирди, бу иши учун шу заҳотиёқ Сталиндан «тарсаки еди».

Сталин, маълумки, республикаларни автономлаштириш лойиҳаси билан чиқди, яъни унингча Украина, Белоруссия, Закавказье республикалари Россия федерацияси таркибига автоном област-лар сифатида кириши керак эди. У марказлашган давлатни ёқлади, бу халқларнинг ҳуқуқларини чекларди. Бу демократиядан бир қадам орқага кетиш эди. Ленин туфайли партия Сталинни танқид қилди, у ишлаб чиққан планга қайтмасликка ваъда берди. Аслида эса у бу планидан тўла воз кечма-ди, ўзининг хато ғояларини амалга оширди.

1924 йилда XIII партия конференциясида Сталин шундай деди: «...баъзи ўртоқлар, демокра-тия ҳамиша ва ҳар қандай шариотда мумкин, деб демократия тўғрисидаги масалани муқаддаслаш-тирадидлар, мутлақ тушунчага айлантирадилар», «кенг миқёсли, тўла демократия, шубҳасиз, бўл-майди».

Советларнинг Биринчи съездида СССР ташкил этилган кунни умумхалқ байрамига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Давлатимизнинг асосчилари шуни яхши тушунишардики, СССР ташкил этилиши — буюк воқеа, бунда «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» шiori мамла-катимизнинг давлат бирлигига мужассамлашган. Бироқ Сталиннинг таъсири билан бу кун умумхалқ байрами сифатида нишонланмади, ҳозир ҳам дуруст нишонланмаяпти...

Лекин ленинча миллий сиёсатни энг кўпол бузиш — бу халқларни хўрлаб кўчирма қилиш, улар-ни оммавий сотқинликда айблашди — пролетар интернационализмнинг инсонпарварлик ғоя-ларини ростмана унутишди. Бу фожиадир. Бу ерда гап халқларни сургун қилишга, зўравонлик қи-лиш уни ранжитишдигина эмас. Халқлар қардошлиги идеалларига соя ташланди, миллий муносабат-ларда нураш бошланди, бу бошқа халқларнинг онига таъсир этмай қолмади. Одамларда инсон ҳа-қида сўз юритганда, унинг фазилатлари ва камчиликлари ўлчанганда, баҳоланганда қандай миллат-га мансублигига қаралади, деган фикр пайдо бўлди, бундай фикр айрим кишиларда ҳозир ҳам бор. Ленин ва Николай II — рус, Тельман ва Гитлер — немисдир. Лекин улар бир-бирларидан қай

даражада узоқ, улар ўртасида қандай катта зиддият, турли дунёқараш, оламни турлича ҳис этиш бор!

Одамларни миллатига қараб боҳолаш, уларнинг ғоявий эътиқодидан, синфий қарашларидан кўз юмиш — бу ўта миллатчиликка берилишдир.

Сотқинлик — социал ҳодиса, асло миллий ҳодиса эмас. Уриш пайтида қочқинлар, сотқинлар, хоинлар бўлганга ҳеч ким шубҳа қилмайди. Лекин сотқинлик бир хил тусда эмас. Уриш пайтида Ватан хоинлари руслар орасида ҳам, украинлар орасида ҳам, белоруслар орасида ҳам, Урта Осиё халқларининг айрим вакиллари орасида ҳам, татарлар орасида ҳам бўлган. Лекин бу ерда: «мана бу миллат-сотқин», «мана буниси-қаҳрамон», деб қуруқ сафсатабозлик қилиш мумкинми? Бу бемаъниликдир. Бундай ёрлиқлар ёпиштириш — миллатчиларга хос одатдир. Ахир буни тарихий ҳақиқатга диалектик ёндошув деб бўладими?

Қрим татарлари йигирма йил ҳақиқатни — Улуғ Ватан урушидаги маълумотларни халққа маълум қилишга уринишди. Лекин уринишлари беҳуда бўлди. Ҳозир эса биз уруш пайтида қрим татарлари Қрим аҳолисининг бешдан бир қисмини ташкил этганлигини ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган қримликларнинг бешдан бир қисми — қрим татари миллатига мансуб кишилар эканлигини биламиз.

Фашизмни тор-мор этишда у ёки бу халқ асосий роль ўйнади, деб айтиш мазкур сўзнинг том маъносидан, мутлақо нотўғридир, наинки урушнинг социал маъноси халқларнинг тўқнашувидан эмас, балки фашизмнинг демократик, фашизмга қарши кучлар билан тўқнашувидадир. Бундай кучлар Германиянинг ўзидан ҳам бўлган. Тельман ва унинг сафдошларини эслайлик... Мен у ёки бу халқнинг авангарди ҳақида гапираяпман, биз тарихий ўтмишни таҳлил қилишга синфий, илмий ёндошувдан чекинаёпмиз.

Миллатларни революцион ва контрреволюцион, тараққийпарвар ва реакционга ажратиб мумкин эмас. Қайсидир бир миллатда қандайдир реакциян кучлар баланд келиб, мамлакатнинг социал-сиёсий ҳаётида маълум муҳитни юзага келтириши бошқа бир нарса. Масалан, Кейзер ва фашист Германияси икки урушнинг сабабчиси бўлди, лекин биз немислар контрреволюцион, реакциян халқ, деб айтаоламизми? Йўқ, айтолмаймиз — урушнинг социал маъносини бузамиз. Бу қондани ихтиёрий ёки беихтиёр бузсак, соғлом миллий ғурур ўрнига миллий тақабурлик намунасини кўрсатамиз, ватанпарварлик қилмоқчи бўлиб миллий устунликни олға сураамизки, бу иллат ташаббускорлик асосидаги «Память» уюшмасининг баъзи бир аъзоларига хосдир.

— **Афтидан, сўхбатимизда «Память» ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқдир, чунки бу уюшманинг йўлбошчилари қандай позицияни эгаллашмасин — бу миллий масаладаги позицияга ҳам, одамлар қизиқиб қарайдилар.**

— «Память». Ташаббускорлик асосида юзага келган бу ташкилот ҳақида анча кўп гап айтишди... Мен олим сифатида «Память»нинг пайдо бўлиш сабабларини ҳам, бу ташаббускорлик асосидаги жамиятнинг ўзини ҳам ўрганиш керак, деб ҳисоблайман. Тадқиқот, таҳлил керак. Экстремизмда айбланиш муаммони ҳал этмайди.

«Память» — бир хил маъноли уюшма эмас. Унинг аъзолари орасида турли сиёсий, эстетик, социал—иқтисодий қарашлар ва эътиқодларга эга бўлган кишилар бор. Лекин, минг афсус-надоматлар бўлсинки, бу уюшманинг баъзи бир аъзолари жамиятни демократлаштириш жараёнидан, ошкоралиқдан фойдаланиб, бизнинг баъзи бир социалистик кадриятларимизга ҳужум қилишяпти, шовинистик ғояларни олға суришяпти, рус ижтимоий фикрининг энг яхши инсонпарварлик ғояларини назар-писанд қилишмаяпти.

«Память»да ҳалол, аммо адашган одамлар бор. Унисининг ҳам, бунисининг ҳам кўзини очиш керак. Газета ва журналларимизда пайдо бўлаётган баъзи бир мақолаларни ўқиб, уларнинг муаллифлари «Память»нинг қандай яширин муаммолари борлигини тўлиқ билмаяптилар, бу уюшма баъзи бир аъзоларининг нутқлари интернационализмга зид йўналишда эканлигини охиригача англаб етмаяптилар, деган фикрга келасан.

Дастлаб «Память» уюшмаси чинакам ватанпарварлик ташкилоти эди. Лекин «ғайритабақа»лар, «ғайридин»лар тўғрисидаги тезислар тобора кўпроқ жорий этила бошлади... Агар биз ҳар бир миллатни кўқларга кўтариш билан шуғулланаверсак, шундай бир боши берк кўчага кириб қоламизки, кейин у ердан чиқиш осон бўлмайди...

«Память»нинг келтирилган бир талай далиллари билан бири Ноқоратупроқ ўлкадир. Тўғри, Ноқоратупроқ ўлка — рус маданияти, рус давлатининг бешиги — кейинги 20—30 йил мобайнида инқирозга юз тутди. Бу одамларни, рус бўлмаганларни ҳам изтиробга соляпти.

Гап шундаки, Ноқоратупроқ ва Қоратупроқ ўлка бор. Мехнат бирлиги самарадорлиги ҳар икки жойда ҳар хил, албатта. Бу ҳисобга олинмади. Табақалаштирилган рента ҳам ҳисобга олинмади. Шундай қилиб Ноқоратупроқ ўлка бефайз бўлиб қолди — ташландиқ қишлоқлар пайдо бўлди, одамлар қулайроқ жойларга кўчиб кета бошладилар...

Узингизга маълумки, кейинги пайтда хатони тузатишга ҳаракат қилинаёпти. Лекин, айбни яширишнинг ҳожати йўқ, иттифоқдош республикаларнинг ёрдами ҳозирча соф рамзий маънога эга бўлаёпти. Дарвоқе, бу муаммони ҳал этишнинг қизиқарли тажрибаси бор. Бу ҳақда гапириб керак. Ножай-Юртоский район партия комитети, Чечен-Ингушетия район ижроия комитети ва Калинин область Молоков райкоми ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди.

Гап шундаки, Молоков районида — беш минг гектардан ортиқ экин майдони бор, одамлар эса оз — ҳар бир ишловчига 33 гектар ер тўғри келади. Чечен-Ингушетияда эса мутлақо бошқача аҳвол. Бу ерда ҳар бир одамга бир-бир ярим гектар майдон тўғри келади. Бу ҳам муаммо. Шундай қилиб, Чечен-Ингушетиянинг бир нечта колхозси Молоков районида ўз филиалларини ташкил этишади, хўжалик ҳисоби асосида уруғ, машиналар олинади, ерга ишлов беришади ва бошқа ишларни қилишади. Давлат планидан ортиқча барча маҳсулот колхозчилар ихтиёрида қолади. Ҳар икки томон ҳам манфаатдор. Калинин областидаги одамлар ҳам, жанубликлар ҳам хурсанд. Бу борада юқоридан ҳеч бир қарор, кўрсатма бўлгани йўқ. Қизиқарли тажриба, тарғиб қилса ва ёйса бўлмайди. Урта Осиё ва Закавказье республикаларида сут маҳсулоти бирлигига меҳнат сарфи Болтиқбўйи республикаларидагидан уч-тўрт баравар кўп. Шундай экан нима учун Урта Осиё колхоз ва совхозлари хўжалик шартномаси асосида Болтиқбўйи республикаларидан сут ишлаб чиқариш усталарини бир,

икки йилга таклиф қилишлари мумкин эмас? Агар биз социал-иқтисодий муаммоларни мана шу йўл билан ҳал этсак, аминманки, бир-биримизга бизда қандай-ку, сизда қандай, бу ерда нарх қандай-ку, у ерда нарх қандай, деб камроқ дашном берган бўлур эдик...

— Албатта, республикалар, мамлакат регионларидаги иқтисодий тараққиётда уйғунликнинг йўқлиги, иттифоқ манфаатлари билан маҳаллий манфаатларнинг мувофиқ келмаслиги миллатчилик кайфиятларини кучайтиради. Масалан, Таллинда ерли аҳоли нега квартиралар кўпинча «келгинди»ларга берилади, деб ҳайрон бўлишди. Нима учун! Маълум бўлишича, «Таллинстрой»да ишлаётганлар орасида туб аҳоли ўн процентдан камроқни, республика миқёсида эса 20 процентдан кўпроқни ташкил этаркан. Квартирани эса қурувчилар тез ва барвақтроқ оладилар. Бундан ташқари «Советская Эстония» газетаси маълум қилишича, «шундай йиллар бўладики, Таллин милиция мактаби курсантлари орасида туб аҳоли вакиллари умуман бўлмайди», ёш эстонлар ҳарбий билим юртларига киришни ҳам хоҳламайдилар, консерватория, музика мактаби, бадий институтлар ва бошқа шу каби ўқув муассасаларида асосан эстон ўғит ва қизлари ўқишади. Бунинг миллий тақаб-бурлик, гердайишга йўйиб юбориш оппа-осон... Одамларни ғазаблантириш учун кўп уринишнинг ҳожати йўқ...

— Ленин эса сиёсатда ғазабланиш ёмон нарса эканлигини ёзган. Агар бирон-бир халқда миллий устунликка интилиш намоён бўлса, у ҳолда ғазабланиш бу миллатга салбий ҳодисаларни бар-тараф этишга ёрдам бермайди, аксинча, уни фақат кучайтиради. Бундан шу нарса равшан бўлаётти-ки, ҳодисага қарши кураш халққа диққат билан муносабатда бўлиш билан қўшиб олиб борилиши керак. Юксак даражадаги лутфорлик — бизга ҳозир мана шу етишмай турибди. Биз кўпинча ёмонлашга шошамиз.

Ҳодисаларнинг сабаблари. Уларни ўрганмасак — ҳеч нарсани тушунмаймиз, овора бўламиз. Қрим татарлари билан бўлган ҳодисани олайлик. Улар учун ҳам долзарб, ўзига хос миллий эҳтиёжларини қондиришлари мумкин бўлган тегишли шарт-шароит яратилиши керак. Гап тилни, мактаб ишини ривожлантириш, татар маданий бойлиқларини, аънаналарини ёйиш тўғрисида бораяпти... Бу масалаларнинг ҳаммаси яқин вақтда ҳал бўлади, деб ўйлаш лозим. Чунки, маълумки, улар СССР Олий Совети Президиуми Раиси А. А. Громико бошчилигидаги ҳукумат комиссияси томонидан ўрганилапти.

— «Яҳудийлар масаласи»ни ҳал этишга нима ҳалақит берапти!

— Бизнинг мамлакатимизда «яҳудийлар масаласи» деган социал муаммо йўқ — бу ўйлаб топилган гап. Чор Россияси даврида яҳудийлар қандай қисувга, қувғинга учраганликлари, қандай эзилганликлари адабиётдан яхши маълум. Революциядан сўнг кўп нарса ўзгарди. 20-йилларнинг охирида, яҳудийлар деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдиришганда, М. И. Калининнинг кўрсатмаси билан Хабаровск ўлкасида улар учун майдон ажратиб берилди. Дастлаб икки район ташкил этилди, кейинроқ улар Яҳудий автоном областига айлантирилди. Бироқ шундай вазият рўй бердики, бу областнинг аҳолиси орасида яҳудийлар беш процентни ташкил этади. Ҳозирги пайтда улар асосан йирик шаҳарлар: Москва, Ленинград, Киев, Одесса, Харьков, Кишинёв, Минскда яша-шади... Ўзбекистон тортадиган бошқа томони ҳам бор: адабиёт, санъат, фан, соғлиқни сақлашдаги яҳудий миллатига мансуб кишиларнинг улуши, аҳоли умумий составидаги улушидан бир неча бара-вар юқоридир. Бошқача айтганда, асосан ақлий меҳнат билан банд бўлган яҳудийларнинг ўзига хос состави шундоққина кўриниб турибди. Шундай савол туғилади: яҳудийлар қисувга олинаётгани тўғрисида қандай бир жиддий гап айтиш мумкин? Албатта, бу миллатнинг ҳам ўзига хос муаммолари бўлиши мумкин.

— Гапнинг пўсткалласини айтсак, муаммоларнинг муаммоси — чет элга кетишдир. Гап фақат шу ҳақда боради. Бу ерда ғалати ҳол рўй бераётган экан: биз имтиёзга қарши гапирамиз, аслида фақат яҳудий миллатига мансуб кишилар чет элга кетиш ҳуқуқига эга.

— Ҳозир илгариги даражада чет элга кетиш кайфияти йўқ. Имтиёз ҳам йўқ. СССРни бошқа миллатга мансуб кишилар ҳам тарк этишлари мумкин. Мана, айтайлик, шу йил бошида бизнинг мамлакатимиздан чет элга яҳудийлардан ҳам кўпроқ, немислар кетишди. Бошқа миллат вакиллари ҳам кетишяпти...

— Шунга қарамасдан, Сизнингча, яҳудий миллати буржуа оммавий ахборот воситалари, Ғарбдаги турли тоифадаги «мутахассислар», советшуносларнинг алоҳида нишонидан турганлиги фактини қандай изоҳлаш мумкин!

— Афтидан, бу ерда уларнинг аҳоли состави ўзига хос структураси таъсир этса керак. Яҳудий миллати ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларга қарийб эга эмас. Унинг ўзига хос томони ва минг афсуски, ожиз томони ҳам мана шунда. Яҳудийларнинг ғоявий муаммолари улар тарихининг ўзига хослиги туфайлигина пайдо бўлган эмас. Бу ерда уларнинг социал структураси ва муҳитини ҳам ҳисобга олиш керак.

Агар айтайлик, бошқа халқлар ва элатлар ҳам фақат зиёлилардан, ақлий меҳнат кишиларидан иборат бўлганларида, у ҳолда улар ҳам, эҳтимол, ҳозир яҳудийларга хос бўлган муаммоларга дуч келган бўлур эдилар. Миллатнинг ғоявий кайфиятини кўп жиҳатдан ишчилар синфи белгилайди. Утмишдаги мутафаккирлар ҳеч ким ўз халқининг шуҳратини майда миллатнинг зиёлисичалик истамайди, деб таъкидлашган эди.

— Миллий муносабатлардаги имтиёз ва... демократия ҳақидаги сўхбатимизни давом эттирамиз. Менга маълум бўлишича, Болтиқбўйи республикаларида икки тиллилик жорий этилишини ҳеч хуш кўрмайдилар, олимлар тиллар юридик ва сиёсий жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўлишига даъват этадилар. Бошқача айтганда, бу алоҳида мавқега эга бўлаётган рус тилини ҳамма албатта ўрганишига қарши норозилиқдир...

— Келинг, нима гаплигини аниқлайлик. Бу ерда тилларнинг тенглигини ва тилнинг ижтимоий вазифаси тенглигини фарқлаш керак. Лингвистик бирлик сифатида, 137 миллион киши сўзлашадиган рус тили билан 700 киши биладиган чукот тили мутлақо тенгдир. Лекин уларнинг ижтимоий вазифаси тенг бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта. Биз бу ерда зиддиятга — тилларнинг тенглиги ва тилнинг ижтимоий вазифаси тенг эмаслигига дуч келамиз. Мана шу зиддият орқасида бахслар, англишмовчиликлар келиб чиқади.

Рус тили — миллатлараро мулоқот тилидир ва бундан ҳеч қачон қочиб қутилолмаймиз. Ҳозир

СССРда яшайдиган кишиларнинг ҳар иккинчиси — рус, 24 миллион рус РСФСРдан ташқарида, 10 миллиони — Украинада, 6 миллиони — Қозоғистонда ва бошқа республикаларда яшайди. Аслида, мамлакатимизнинг ҳар бир региониди рус тилини ўрганиш учун муҳит бор. Беларус Қозоғистонга борса — қай тилда мулоқотда бўлади? Кўпроқ рус тилидан фойдаланади. Мен Ломоносов, Лермонтов, Пушкин, Гоголь, Толстой тилини эгаллаган киши маънавий жиҳатдан қай даражада бой бўлиши ҳақида гапирмаёқ кўй...

— Бу шундай, лекин ҳеч ким осетиндан ҳам, молдовандан ҳам рус тилини ўрганишни истайсизми, деб сўрамайди — билиши керак, тамом, вассалом. «Биз улуг ва қудратли рус тилини ҳеч бир кишининг калтак остида ўрганиши учун ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз... Узининг ҳаёт ва иш шароитлари жиҳатидан рус тилини ўрганишга эҳтиёжи бўлган кишилар бу тилни калтаксиз ҳам ўрганиб оладилар. Мажбур қилиш [калтак] эса фақат биригина нарсага сабаб бўлади: у бошқа миллий гуруппаларнинг улуг ва қудратли рус тилини ўрганишни қийинлаштиради, ҳаммадан ҳам кўра — душманликини кучайтиради, сон-саноксиз низолар туғдиради, ғазабланиш, бир-бирини тушунмаслик ва ҳоказоларни кучайтиради...» Бу Лениннинг сўзлари.

— Бу ерда қандай мунозара бўлиши мумкин? Рус тилини албатта ўрганишни ҳеч кимга мажбур қилиш мумкин эмас...

Рус тилини ўрганиш керакми ёки ўрганмаслик керакми? Ҳар бир халқ, элат ўзи муҳокама қилиб, ўзи ҳал этсин. Бу уларнинг иши ва ҳуқуқи. Масалан, қозоқлар рус тилини албатта билиш керак, деган тўхтамга келишди. Бу ерда бир диққатга сазовор томони бор. Агар райком секретари қозоқ бўлса, у районда рус тилини ўрганишнинг аҳволига, агар райком секретари рус бўлса, қозоқ тилини ўрганишнинг аҳволига шахсан жавобгар саналади. Буни ленинча тактика дейиш мумкин. Бирон бир миллатнинг вакили фақат ўз тилига зўр берса — психологик хатолик рўй бериши муқаррар. Бунга мисоллар истаганча топилади. Ахир ўша Қозоғистонда 30-йилларда қозоқ тилини билган руслар 80-йиллардагидан кўпроқ эди. Бошқа республикалардаги вазият ҳам бундан яхши эмас.

Мен Екутистонда бўлганимда, Екутистон область партия комитети секретарларидан бири, Екутистонда 30 йилдан бери яшайман, аммо маҳаллий аҳоли тилини билмайман, буни камчилигим ҳисоблайман, деб афсусланиб гапирди. Бу секретарга баъзан қийин бўлиши, мураккаб вазиятларни бошдан кечириши маълум. Афсуски, мамлакатимизда фақат уч процент рус СССР халқлари тилларини билади, бу одамларнинг яқинлашувига хизмат қилмасликдан ташқари, кичик халқларнинг миллий нафсониятга тегади.

— Тил — чегара мавзуси, келинг, мактабга тўхтайлик... Дарвоқе, инсоннинг шаклланишидаги изчиллики бузмаймиз ва миллий болалар боғчаси муаммоси ҳақида сўз юртамиз. Бу ерда тилни нима қилиш керак! Болалар боғчаларини миллатини ҳисобга олиб ташкил этиш керак, деган бозори чаққон нуқтаи назар бор. Масалан, Болтиқбўйидаги социологлар шундай фикрда, улар болалар боғчаларини қўшишга қарши чиқшапти.

— Ҳа, улар бола аввал, айтайлик, эстон тилини яхши билсин, кейин рус тилини ўргансин дейишади. Акс ҳолда болани руҳан жароҳатлаб қўйиш мумкин. Мен бу нақтани назарга қўшилмайман. Шу нарса яхши маълумки, болалар тилни мактабгача бўлган даврда яхши эгалладилар. Аввало эстон тилини ўрганайлик, кейин рус тилини ўрганайлик, дейиш ярамайди. Навбатга қўйишнинг нима кераги бор? Ортиқча муаммони юзага келтирамай.

Менимча, кўп миллатли регионларда ягона — бирлашган миллий гуруппалари бўлган болалар боғчалари керак. Болалар гўдакликларидан ўзаро фаол мулоқотда бўлсинлар, бир-бирларини ҳурматлашга одатлансинлар, қайси халқ билан яқин алоқада бўлсалар, ўша халқнинг тилини ўргансинлар. Бу болалар миллий комплексларсиз ўсадилар. Лекин боғчаларда албатта, айтайлик, қозоқ, украин, рус, эстон ва бошқа тилдаги гуруппалар бўлиши керак.

— Яхши, қай бирини биринчи ўринга қўйиш лозим, бола қайси тилни ўргансин!

— Буни ота-оналар билишади. Фақат улар ҳал этишади. Икки тиллилик — норма ва у болалар боғчалари, муассасалари тарбиячилари орасида жорий этилади.

— Энди мактаб ҳақида. Ўша Эстонияда, Грузияда, Ўзбекистонда миллий мактаблар мавжуд, яъни машғулотлар, рус, грузин ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ташкил этилган.

— Ҳа, бу ерда чалкашликлар етарли. Ҳозирча социализм шароитида миллатлар, халқлар, элатлар мавжуд. Бу билан ҳисоблашиш керак. Маълум ҳолларда, масалан, таълим рус ва эстон тилларида олиб бориладиган комплекс мактаблар ташкил этиш мумкин. Бир микрорайонда сунъий равишда рус ва эстонлар учун мактаблар ташкил этилмаслиги керак. Биз демократик принципларга риоя қилишимиз, умумий ва айрим манфаатларни ҳисобга олишимиз керак. Шу сабабли Ўзбекистон ССРда тожиклар ғуж бўлиб яшаётган жойларда, улар учун ўз мактаблари бўлиши керак.

— Владимир Ильич Ленин миллий, алоҳида мактабларга, маданий-миллий автономия деб аталган нарсага қарши чиққан эди, барча миллатларнинг болаларини мазкур жойдаги ягона мактабларга тўплашга чақирганди, «ҳар бир «миллий маданият» учун алоҳида миллий мактабларни тарғиб қилиш реакциондир», деб ёзган эди.

— Ҳаммаси тўғри. Лекин эътибор беринг, Ленин мактаб ишини таълим бериладиган тилига қараб эмас, миллатига қараб ажратилишига қарши гапирган. Бу бошқа-бошқа нарса, фарқлай билиш керак. Ленин кўрсатмаларида эса миллий, ўзига хос эҳтиёжлар, шу жумладан она тилини ҳам ҳисобга олиш кўзда тутилган. Минг афсуски, соғлом фикрлайдиган биронта мутахассис, миллий тилни ривожлантириш муаммоси бизда ҳал бўлган ва унинг тақдир учун ташвишланишнинг ҳожати йўқ, деб айтолмайди. Фақат бир мисол. Тоғли Олтойда 60-йиллардаёқ ўқитиш олтой тилида олиб бориладиган яккаю-ягона мактаб беркитилди.

Нуқсонларимиздан бири шундаки, биз мажбурий икки тиллиликка берилиб кичик халқлар тилини унутиб қўйди. Икки тиллилик икки томонлама бўлиши керак! Хўп денг, кичик халқларнинг вакиллари рус тилини ўрганишларигина эмас, балки руслар, украинлар ва бошқалар ишлаб чиқаришда, турмушда, жамоат жойларида дуч келадиган халқнинг тилини билиш муҳимдир. Бу ерда баландпарвоз шиорлар ёзиш билан шугулланмай, амалий иш қилиш керак, яъни биз бошқа халқлар тили обрўсини чинакамига кўтаришимиз лозим.

— Қандай қилиб!

— Бу ерда маҳаллий ҳукумат ижодкорлик, топқирлик қилиши керак — бу масалада зерикар-ли, қуруқ лекциялар эмас, ҳаётӣй, ёрқин тадбирлар зарур. Тил байрами ташкил этиш, уни ўрганиш-нинг қулай ва қизиқарли шаклларини топиш мумкин... Буни ўйлаб кўриш лозим.

— **Афтидан, олимлар яхши кўмак беришар.**

— Шубҳасиз. Лекин ҳамма бало шундаки, турғунлик йилларида миллий муносабатларни ўрга-надиган фан жиддий зиён кўрди. Ҳозир ғалати ҳолат юзага келаяпти: иқтисодчи айтган гапга юрист қарши чиқади, тилшунос юристга эътироз билдиради... Эшак ўйин. Боши берк кўчдан чиқишининг иложи бор. Бизнинг барча миллий муаммоларимизни — иқтисодий, социал, маданий, фалсафий, тарихий муаммоларимизни бирлаштириб, ўзаро боғлаб, тўла ҳажмда ўрганиш керак. Фақат ана шундагина миллий муносабатларни бошқаришимиз мумкин. Сўзда эмас, амалда интернациона-лизм бўлишини таъминлаймиз.

Мана биз Жанубий Африка Республикаси, Ирландия, Лотин Америкаси мамлакатларидаги миллий, социал жанжаллар, бу мамлакатларнинг халқлари муаммолари тўғрисида жуда батафсил ва мунтазам ҳикоя қиламиз. Шубҳа йўқки, бу ҳақда биз билишимиз керак. Лекин ўзимизнинг улкан мамлакатимизда нималар бўлаётганини кўриб кўрмасликка олаётганимизни мутлақо тушуниб бўлмайди. Марказий телевидение СССРнинг федератив характерда эканлигини ҳисобга олади, деб бўладими? Биринчи программадаги ички иттифоқ ахборотининг 70—80 проценти Россия Федерацияси районлари, областлари ишлари, ташвишлари, муаммоларига бағишланган, мамлакатимиз-нинг кўп миллатли составини тўла ҳисобга олиш керак. Марказий телевидение ахборотларининг ярми иттифоқдош республикалар ҳаётини акс эттириши керак. Бу ҳам бошқа халқлар маданияти билан танишиш йўлларида биридир. Биз бунга жуда зарурат сезамиз. Эслийсизми, Белинский баъзи бир граждандар чуқчалардан кўра, Париж ҳақида кўпроқ тасаввурга эга, деган эди. Сиз бу муаммо фақат ўтган асрдагина долзарб бўлган, деб ўйлайсизми?

Мисол келтирайликми? Социал тадқиқотлар институтининг бир аспиранти москвалик таниқли бир профессордан қаттиқ хафа бўлди. Аспирант Туркменистондан келди. Профессор эса, сўраб-суриштираётиб шундай деди: Сизнинг республикангизнинг пойтахти — Тошкентми? Ёки... Ашхо-бодми? Аспирант зорланарди: бу қанақаси ахир, биз туркманлар Россиянинг тарихи, унинг ёзувчи-лари, рус маданияти тарихини биламиз-ку, профессор эса, гарчи Фанлар академиясида ишласа ҳам, ҳатто менинг республикам пойтахтини билмайди!

Оммавий ахборот воситаларига қайтамыз. Бир куни журналлардаги босма маҳсулотни таҳлил қилдим. Интернационал тарбия ҳақида — йилига битта, иккита материал берилган, уларни ўқиш эса амри маҳол, ўша заҳоти мудроқ келади. Биронта ҳам марказий журнал, Педагогика фанлари ака-демиясининг биронта ҳам нашри интернационал масалалар, миллий муаммолар билан мунтазам ва малакали шуғулланадиган бўлимга эга эмас.

Одамлар интернационал ишонч-эътиқод билан туғилмайдилар — бу фазилатлар кишида шакл-ланади. Бу оммавий ахборот воситаларининг бевосита вазифаси-ку. Телевидениеда қандай имко-ниятлар бор! СССР халқларининг тарихи, маданияти ҳақида жуда қизиқарли ҳикоя қилса бўлади. Юзлаб кўрсатувлар тайёрлаш мумкин. Бизда ғоят даражада ўзига хос халқлар ва элатлар бор. Биз бир-биримиз тўғримизда жуда кам нарса биламиз.

— **Бир неча ой муқаддам немис журналисти, ёзувчиси «Смена» меҳмони бўлди ва биз у билан Литвага сафар қилдик. Бизга Вильнюс ва Каунасда литва халқининг тарихи тўғрисида ҳикоя қилиш-ганда — асосан меҳмонга гапиришди, — очиги, мен ноқулай аҳволда қолдим. Литванинг тарихи нақадар бойлиги мен учун кашфиёт бўлди, гарчи дипломимда СССР тарихи бўйича «аъло» бўлса ҳам.**

— Шунинг учун ҳатто пойтахтлар номини ҳам чалкаштираёпмиз-ку. Бунинг устига, биз ўз миллий тарихимизни ҳам яхши ўрганмаймиз. Бу нимани билдиради? Бу биринчи навбатда шуни билдирадиги, биз аждодларимиз ҳаётини унутиб, маълум даражада турмушимизни кадрсизланти-рамиз ва мураккаблаштирамиз. Тарих — жонли материал. Қанча нарсалар унутилиб кетган!.. Лекин бу ерда, ҳисобга олинган, бошқа томони ҳам бор — ўйламай тарихдан ниманидир тортқилаймиз-да, миллий муносабатларни чигаллаштирамиз.

— **Бейхтёр ўйлайсан: оддий одам учун ҳам бугунги кун, ҳам кечаги кун билан боғланган барча миллатларро тўқнашувлар муҳиятини англаб етиш нақадар мураккаб. Бу ўз-ўзидан мурак-каб, бунинг устига бизда ниманидир яширилади, ниманидир тўлиқ айтилмайди, айрим ҳолларда сукут сақланади, фикрлар ҳар хиллиги...**

— Сиз ақллар зиддиятига ишора қилаяпсизми? Бу бор нарса. Турли даражада, аммо мавжуд. Бир марта Олмаотада лекция ўқидим, кейин тингловчилар саволлар беришди. Мана фикрлаш учун материал! Саволлардан бири тахминан шундай эди: СССР Давлат гимнида «Озод республикалар-нинг бузилмас иттифоқини абадий бирлаштирди Буюк Русь...» сўзларининг бўлиши мақсадга му-вофиқми? Маълум бўлишича, менинг тингловчиларимга, унинг учун патриархаллик, феодализм садоси бўлиб туюлган Русь образи ёқмас экан. Унинг фикрича, Гимндаги бу сатр революцион синф-нинг, ва биринчи навбатда — рус халқининг интернационал ғояларини ифодалashi керак. Гимн сатри мазмунан тўғридир, деб тушутира бошладим. Биз ўз қавмини билмайдиган Иванлар эмас-миз. Русь, Россия, Ленин партияси — бу оддий сўзлар эмас, рамзий маънога эгадир. Қўпинча биз-нинг кўпмиллатли мамлакатимизни катта оилга ўхшатишади. Оилада қандай бўлади? Ҳамши-нинг каттаси ва кичиги бўлади. Рус халқи ҳам украинлар, эвенклар, латишлар, бошқирдлар, нгансанлар, аварлар, қорачайлар ва бошқалар учун катта оғадир. Йўқ, бу қандайдир миллий устунлик эмас. Аксинча, катта оға «статуси» рус халқи эиммасига кўп вазифалар юклайди. Катта оға сифатида ёр-дам беради — керак бўлган жойда ўзининг забардаст елкасини тутайди... Ҳатто доно булиши керак, укаларининг фикрлари, ўзига хос томонлари, анъаналари ва қизиқишларини билиши керак. Рус халқининг елкасидаги юк ҳам, ташвишлари ҳам етарли.

Бизнинг чет элдаги муҳолифларимиз бир миллатни иккинчиси билан тўқнаштириши учун ҳар бир имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг энг асосий мақсади — русларга қарши кайфиятни шакллантириш, рус кишисининг салбий образини яратиш, барча халқлар ва элат-ларни русларга қарши қўйишдан иборатдир. Бизнинг муҳолифларимизнинг стратегик вазифаси шундай.

Миллатлараро муносабатлардаги ҳар бир хатомиздан улар тўла-тўқис фойдаланишади.

— Дин ҳам чеккада қараб турмайди, мудрамайди, беғам-беташвиш дунё ишларидан ўзича фойдаланиб қолиши билади... «Миллатчилик дин билан мустаҳкам боғланган. Кўпинча улар бир-бирини тўлдириб, кучайтириб туради», — Сизнинг китобингизда мана шундай сатрларни ўқидим.

— Бизда дин ҳақида анча доғматик тасаввур пайдо бўлиб қолган. Уларни қараб чиқиш керак.

Ҳаммага маълумки, дин — православ, ислом ва бошқалар — маълум ахлоқ нормаларини: одам ўлдирма, ўғирлик қилма, ота-онангни ҳурмат қил ва шу сингари бошқа эзуликларни тарғиб қилади. Лекин буларни дин амри деб ким айтади? Черковнинг таъкидлашича, бу ахлоқ нормалари — диний вазифалар худодан эмас! Уларни дунёвий ҳаёт — халқ ҳаёти юзага келтирган. Бу ерда черков ўғирлик қилиб, мазкур оддий инсоний ахлоқ нормаларини ўзиники қилиб олган.

Афтидан, диндаги нима илоҳий-ю, нима дунёвий — халқники, фақат афсонавий бўёқдалигини фарқлаб олиш пайти келди.

Қуръонда, Библияда битилган ортодоксаль дин бор, яна турмушдаги, халқнинг ҳаётий тажрибаси, инсон ақлининг донолиги билан яратилган дин бор. Ута мураккаб муаммо, жуда кўп диний одатлар халқларнинг миллий анъаналари билан қўшилиб, чапишиб кетган.

1917 йилдан сўнг мамлакатимизда янги йилни байрам қилиш таъқиқланганлигини эслайлик. Уша пайтда, бундай байрамлар аҳолининг динга эътиқодини мустаҳкамлаши мумкин, деб ўйлашганди. Кейин фикр ўзгарди — нотўғри ёндошилган эди. Янги йил нишонлана бошлади (христиан йил ҳисоби бўйича) ва тез вақт ичида диний рамзиятини йўқотди.

Дафн маросимларини олайлик. Қани айтингчи, рус черкови дафн маросими черковдан бошқача маросимлардан нимаси билан фарқ қилади?

— Черковдаги дафн маросими — бу поп, жаноза, диний расм-русмлар... шулар бўлса керак. — Тўғри. Бошқа томонлари — одатдаги, дунёвий дафн маросимларига тўла мувофиқ. Расм-русмларнинг асосий элементлари, принциплари бир хил.

Масленицани олайлик. Бу қадимий славян байрами. Нишонлаймизми? Нишонлаймиз, лекин масленица сифатида эмас, балки қиш билан хайрлашиш байрами сифатида нишонлаймиз. Бу ерда диний талқин ажратиб олиб ташланди ва у халқ байрами сифатида қабул қилинади. Кўраяписизми, қай даражада ўзаро боғлиқ?

Мусулмон халқларида ҳаммаси анча мураккаброқ, кескинроқ. Бу ерда қайси бири диний расм-русм-у, қайси бири халқ анъанаси эканлиги умуман ўрганилмаган ва ҳисобга олинмайди. Яна ўша дафнга қайтайлик. Шундай манзарани тасаввур қилинг: ҳукумат вакили келади-да кўрсатма беради: марҳум тобутга солиб кўмилсин! Мусулмонлар бундай қилишга ҳеч рози бўлишмади, бундай қилишга кўнишмади, уларни эса мажбур қилишди! Қадимдан шундайки, мусулмонларни тобутда эмас, кафанда кўмадилар. Кўраяписизми, бу ерда ҳам хилоф иш қилинган. Бошқача айтганда, сунъий равишда носоғлом вазият юзага келтирилган, миллий муносабатлар кескинлаштирилган. Одамларни қандай кўмишни халққа ўргатмаслик керак! Буни қандай қилиш кераклигини унинг ўзи биледи, елкасида минг йиллик тажрибаси бор. Ердам бериш мумкин, зарур.

Биз ахлоқий-ижобий халқ одатларини бузмаслигимиз, йўқ қилмаслигимиз керак, бунга ҳаққимиз йўқ. Ундаги ҳар бир майда нарса чуқур маънога эга. Аслида ҳаётда нима бўлаяпти? Кўпинча баъзи бир қитмир раҳбарлар халқ расм-русмлари, анъаналарига ҳужум бошлайдилар — уларни таъқиқлайдилар, таъқиқ қиладилар, чеклаб қўядилар... Рухонийлар, черков ходимлари эса ҳозир нозир. Бундан чиқадики, дин миллий муқаддас одатларни қутқарувчи, асровчи бўлиб қолаяпти. Одамлар динга интилишади. Утмишга, ўз халқи ва қардош халқларнинг тарихига мунофиқлик, шошма-шошарлик, сурбетлик билан муносабатда бўлиш мана шунга олиб келади. Баъзибир нашрларда ўтмишда халқ расм-русмлари билан диний расм-русмлар мутлақо алоҳида бўлган, улар ўртасида ўтиб бўлмас ғов — Хитой девори бўлган, деган фикрни учратиш мумкин. Бу эса, таъкидлайман, партиявий принципааллик намунаси сифатида баҳоланади. Ленин тушунчасидаги партиявий баҳо эса — инсоният тараққиётидаги бутун ўтмиш тажрибасини ҳисобга олишдан, илмий ёндошишдан, миллий ва диний расм-русмлар ўзаро алоқасининг бутун системасини билишдан иборат.

Туркманистонда бир диний одат бор, бунда одамлар арғимчоқда учишади. Ҳамон байрам бўлгач, халқ, улар орасида динга ишонмайдиганлари ҳам талайгина, табиийки, арғимчоқ қуришади, партия ходимлари, милиция эса айланиб юриб, бундай арғимчоқларни бузишади, синдиришади. Мана сизга динга қарши кураш! Мен уларга дейман: нима қилаяписизлар? Халқ учун темир-бетон арғимчоқлар қуриб бeringлар, одамлар йил бўйи учишсин. Ундай қилишмади. Буни муаммога айлантирилди. Тўғри, яқинда Ашхобод шаҳар Совети арғимчоқлар қуриш тўғрисида қарор қабул қилганмиш, деб эшитдим.

Ўз вақтида дин ўзиники қилиб олган барча халқ анъаналарини ундан тортиб олиб, халққа қайтариш, лекин, таъкидлайман, атеистик талқин билан қайтариш керак. Бунда биринчидан, ўз ҳаётимизни бойитамиз, иккинчидан, дин арбобларини қўлидаги кузирдан маҳрум қиламиз. Дин. Унинг социал ҳоқияти — бошқа нарса, ахлоқ нормалари бошқа нарса.

Бизда одамлар ўз миллатини устун қўйганлиги, бошқа халқ вакилларини йўқ қилганлиги, миллатлараро маданиятни назар-писанд қилмаганлиги бўйича истаганча мисоллар топиш мумкинлигига аминсиз! Ҳўш, бундай кишининг образи қани? Ҳаётда бундай кишилар тўлиб-тошиб ётибди, Вага адабиётдачи? Миллий такаббурлик, миллий худбинлик иллатига эга бўлган салбий қаҳрамон қани? Қани?! Ахир қанчадан қанча комедия ёзиш мумкин эди? Одамлар эса кулиб, ўзларидаги миллий кибр-ҳаводан, хатоликлардан холи бўлган бўлур эдилар. Комедиянинг, сатиранинг кучи маълум. Миллий кибр-ҳаво — санъаткор учун яхши материал. Ҳеч тушунолмаيمان, нима учун эзувчилар миллатчилик ва шовинистик сарқитларга қарши курашмайдилар? Рус гуманистик адабиётининг кўпгина яхши анъаналари унутиб юборилди.

Эзувчилар союзи ўзининг сўнгги икки пленумини миллий муносабатлар муаммоларига бағишлади. Унда кўпгина тўғри сўзлар айтилди. Умид қиламизки, шу сўзлардан сўнг амалий ишга ҳам ўтилади.

Адабиётнинг ўзида ҳам ҳамма нарса жойида эмас. Мана биз: фалонча миқдорда, тиражда босма маҳсулотлар берамиз, деймиз... Иккинчи томондан қарайлик... Агар РСФСРда республиканинг туб аҳолиси тилида 1959 йилда китоб тиражи шу миллатнинг бир киши ҳисобига 8,3 тадан тўғри келган бўлса, 1976 йилда 10,6 тани ташкил этди. Белоруссия ССР да нисбатан 1,2 ва 0,9 тани,

Ўзбекистонда — 2,6 ва 2 тани, Озарбайжонда — 2,7 ва 2,0 тани, Қирғизистонда — 2,9 ва 1,8 тани, Тожикистон ССРда — 1,9 ва 1,3 тани ташкил этди...

Миллий мактабларни беркитаяпмиз, адабиётлар нашр этишни қисқартираяпмиз, она тилини ривожлантиришни чеклаяпмиз — булар ҳаммаси одамларнинг социал онгига, руҳий мувозанатига, ҳаётга муносабатига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Ишонинг, кичик миллатга мансуб кишилар турли-туман камситишларни ғоят оғриниб қабул қиладилар.

— Саноат, халқ ҳўжалиги ривожланиши билан мамлакатимизда одамларнинг кўчиш жараёнлари кучаяди, меҳнат ресурсларининг миллий составини анча ўзгартириб юборадиган регионлар аро аралашувларга ҳам маълум тайёргарлик кўриш керак, токи миллатлар аро мулоқотда кескинлик рўй бермасин.

— Ҳа, тўғри. Одамлар бошқа миллат вакиллари билан учрашувга ҳар жиҳатдан тайёр бўлишлари керак, токи бир-бирини фақат телевизорда кўрган молдован билан ёқутистонлик учрашганда турли-туман кутилмаган воқеалар бўлмасин.

— Афтидан, муносабатларни кескинлаштирмаслик учун, инсон руҳиятини жароҳатламаслик учун, социал адолатга риоя қилиш, социал-иқтисодий ҳаётдаги оғишларга чек қўйишдан ташқари, инсоннинг умумий маданиятини ошириш тўғрисида ҳам ўйлаш керак.

— Албатта. Ҳаммаси шундан бошланади. Лекин, умуман инсонга ҳурматни кўтарганда, биз ҳар ҳолда бошқа миллат кишисига ҳурматни ажратиб олишимиз керак. Бунда зўр бериш зарур бўлади...

— Лекин бу, аслида, бизнинг бурчимиз. СССР Конституцияси бор-ку.

— Бизнинг Конституциямизда, ҳурматлаш гражданининг бурчи, деб ёзилган. Конституцияга киритилганларнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ифодасини топадимиз? Шундай деб ўйлайман. Шунинг учун Олий суд пленумларидан бирида миллий муносабатлар, миллатчилик муаммолари масаласини Олий суд пленумлари ва тегишли қонунлар қабул қилиш керак. Агар одамлар ноҳўя хатти-ҳаракатлар қилиб, бошқа миллатга мансуб кишиларни ҳақоратлашса, камситишса, уларни қаттиқ жавобгарликка тортиш керак. Агар шундай қонунлар бўлса, Сумгаитда бу қадар фожиали воқеалар юз бермаган бўлур эди.

Эндиликда миллий, ўзига хос талабларни, муаммоларни ҳисобга олиши лозим бўлган СССР Миллатлар Совети тўғрисида, жумладан, Совет комиссиялари регионал принципда, социал ва иқтисодий муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши керак. Эҳтимол, СССР Олий Совети қошида республикалар ва автоном областларни социал-иқтисодий ривожлантириш бўйича комиссиялар тузиш ўринлидир. Мен иккинчи палата тузиш тўғрисида гапирётганим йўқ, лекин ўз состида автоном областлари, округлари бўлган республикалар махсус миллий комиссияларга эга бўлишлари керак. Жойларда, кичикроқ ўз миллатлар Совети бўлиши, бу комиссияга халқлар ва элатларнинг барча эҳтиёжлари ва муаммолари яхши маълум бўлиши керак.

Нега зарурат бўлган жойларда миллий районлар ташкил этиш, тузиш мумкин эмас? Бу ерда, менимча, 20-йиллар тажрибасидан фойдаланиш керак, ўша пайтда мамлакатимизда миллий қишлоқ советлари, районлар мавжуд эди.

— Бундай алоҳидалик зарурми? Бундай автономияга на ҳожат!

— Гап автономия ҳақида бораётган йўқ. Унинг бошқа статуси бор. Барча халқлар ва элатларнинг ўзига хос манфаатларидан келиб чиқиш керак. Ҳаммасида қулай социал-сиёсий муҳит бўлиши керак. Гап шу ҳақда бораёпти. Алоҳидалик — шундай муҳит йўқлиги учун зарур. Яқинда Қозоғистоннинг Жамбул областида озарбайжонлар ва курдлар яшайдиган жойлар борлиги маълум бўлди. Лекин маҳаллий ҳукумат органлари шу пайтгача уларга эътибор беришмаган. Одамлар қозоқ ва рус халқларидан алоҳида, ўз қонунлари билан яшашган, эскича расм-русмларга амал қилишган, ёш қизларни эрга беришган... Бу кишилар Қозоғистоннинг социал-маданий ҳаётига сингмаган, эътибордан четда қолишган.

— Биз Сиз билан айтганимиздек, миллий муносабатлар билан боғлиқ барча муаммоларимиз, жамиятни демократиялаштириш жараёни тўғрисида юзага қалқиб чиқди, демократия ривожланиши билан миллатчилик, шовинистик хатти-ҳаракатлар кучаймайдими?

— Албатта, қандайдир миллатчилик хатти-ҳаракатлари кучайиши мумкин. Лекин тўла демократия шароитида миллатчилик, шовинизм, космополитизм тугаши муқаррар.

— Эҳтимол, демократик ўзгаришлар шароитида паспортда миллатини бекор қилиш мумкин-дир. Биз, мамлакатимизда барча халқлар ва элатлар тенг ҳуқуқлидир, олий ўқув юртига, ишга қираётганда миллатнинг ҳеч бир аҳамияти йўқ, деймиз-ку! У ҳолда паспортда миллатини кўрсатишнинг қандай маъноси бор? Дарвоқе, баъзи бир мамлакатларда у кўрсатилмайди, айтишларича, чор Россиясида ҳам бундай белги қўйилмаган.

— Биз тадқиқот ўтказиб кўрдик, у қуйидагиларни кўрсатди. Урта Осиё, Болтиқбўйи республикалари аҳолиси миллатини албатта кўрсатиш керак, дейди, иттифоқдош республикаларда яшайдиган руслар эса, миллатини олиб ташлаш керак, дейишади, яхудийлар ҳам шундай фикрда. Москвада яшайдиган руслар эса икки хил фикр айтишди — бири миллатини кўрсатиш керак, деса, иккинчиси бунинг аксини айтади... Кўраяпсизми, фикрлар нақадар хилма хил.

Бу фикрлар ортида маълум манфаатлар ва маълум зиддиятлар ётади.

— Масъуд Содиқович, ўйлашмики, шундай қилинса демократик тарзда бўларди: миллатини кишининг истагига қараб кўрсатиш керак.

— Албатта, вақти келиб паспортда миллати кўрсатилмайдиган бўлади. Ҳозирча одамлар бунга тайёр эмаслар, шу сабабли уни қолдириш керак.

Келинг, яқун ясайлик. Владимир Ильич Ленин таъкидлаганидек, миллий жиҳатдан ўзига хос бўлмаган одамлар... йўқ. Биз бу билан ҳисоблашимиз керак. Фақат митингга, фақат ишлаб чиқариш кенгашида эмас, балки мунтазам — ҳамма жойда ва ҳамма ҳисоблашимиз керак. СССР халқлари қардошлиги — жаҳон тараққиётининг ноёб ҳодисасидир, бизнинг давр олдидаги бурчимиз социализм тажрибаси билан тўпланган нарсаларни йўқотмасликдан иборатдир.

Ёш авлод ҳақида гапирганда, катта авлод ролини унутмаслик керак. Буюк Гёте шундай деган эди: катта авлод нима учун яшайди? Ёш авлод уларнинг хатосини такрорламаслиги учун.

«Смена» журналининг 1988 йил 9-сонидан таржима



Сотим Аваз

ҲАҚИҚАТ ЭНГ БУЮК КАШФДИР

Инқилоб

Қуёшдан эврилиб, санолар айта,
Нур — меҳвар гирдида ер собит эзур.
Етмиш йилки ҳаёт қайта ва қайта,
Инқилоб ўқида айланиб турур.

Инқилоб — ҳақиқат кўзига суртган
Ноёб тўтиёлар на бир армони!
Ахир, у яланғоч уфқни қизартган
Эътиқоднинг мангу қип-қизил қони.

Инқилоб — умрлик ёрни таниган
Боқира кўзларда маъсум фараҳдир.
Инқилоб — ёмғирни, қорни таниган
Дарахдир — ишонч ва сабр дарахти.

Мен бугун орзу ва умид пинжидан
Боқаман, Инқилоб, кўзингга сенинг.
Ҳақиқат ишқида, эл илинжида
Рост бўлсин ишқилиб йўқлаб келганинг.

Яшил гумбазлар

Яшил фавворалар — гужумлар,
Ранг сепиб туришар атрофда.
Барглар елпиғичдек ғужумда,
Энг ишончли қалқон офтобдан.

Гужумларнинг кўзгуси — ҳовуз
Кўзларингни суртгудек шаффоф.
Боболарнинг руҳидай хануз
Бунда ҳар на покиза ва соф...

Хотиралар устига бугун,
Тунд тўнкалар таъна сочади.
Хоразмда минорлар ҳар кун,
Гужумларга аза очади.

Бу не қирғин яшил гумбазлар,
Бу не тақдир пўлатдай танга?
Сукутингиз саҳродай хатар,
Сизни асролмаган Ватанга!

Жўрабек Муродов концерти

Мурод ҳофиз ўғли — соҳир Жўрабек,
Урганчда тун бўйи кўп хониш этди.
Сўнг жиндак аламнинг қасди, дегандек,
Кулимсиб сўзларни ёндира кетди:

«Таъзимларим сизга, Комилжон эли,
Дунёда дунёдай собит турунглар.
Лекин бир илтимос, марҳамат қилиб
Устод Комилжонга музей қурунглар!»

Чапаклар янгради, ҳамма тарафдан,
 Зукко ҳофиз гўё гулга кўмилди.
 Лекин у қочганча бундай шарафдан,
 Ҳазин бир қўшиққа — куйга чўмилди.
 Балки у англади, қичиб қолганин
 Узоқ чапак чалиб ўрганган кўллар.
 Хатосин бўйнига осиб олганин,
 Ким, ахир, чапак-ла шод изҳор айлар?
 Бугун Комилжон деб сиғинган санъат
 Бош урмоққа паноҳ — жой топмай юрса?!
 Қандайин гап, ахир, Хоразм фақат,
 Болалардай чапак чалганча турса?!
 Ким дўст, ўз дўстини ношукур, демас,
 Аммо англатар у бурчингни оз-моз.
 Комилжон! У фақат боқий қўшиқмас,
 Комилжон — Хоразм аталган эъзоз!
 Отангни ёд айла, ўзлигингни бил,
 Азал ақида шу, абад қоида.
 Юртинг шаъни учун фидойи жон бўл,
 Чапак чалмā, сукут керак жойида!

Ҳожихоннинг халқ оҳангларидан сўнги кўшиғи

Тоғнинг чўққилари бургутга макон,
 Сийнаси маъдану ёқутга макон.
 Лекин табиатдан армони бордай,
 Узи мангулик бир сукутга макон.

Дарёга боқаман — дарё тўлғанар,
 Тўлқинда муаллақ зиё тўлғанар.
 Гуноҳ билан савоб оралиғида
 Ёниб-совиб ҳар кун дунё тўлғанар.

Кимки доғ истаса — доғлар топилар,
 Юлдуз сўнадиган чоғлар топилар.

Ахир, бутун умр аҳмоқлик қилиб,
 Аҳмоқ аталмаган соғлар топилар.

Утмишни бирма-бир саралайди вақт,
 Кимнидир оқлайди, қоралайди вақт.
 Умр ўтиб, собит бир нарса топмасанг,
 Кўнгилини кўп ёмон яралайди вақт.

Ҳақиқат энг буюк кашфдир, сездим мен,
 Ҳақ сўз деб юрт ошдим, дарё кездим мен,
 Нокасларни дўст деб ўтган умр учун
 Кўнгилини кўп ёмон, ёмон эздим мен.

Елғизлик

Елғизлик —
 бир муаллақ бўшлик,
 Гўё пуфак
 ҳад-имкони кенг.
 Дарду армон
 дам берса унга,
 Бир лаҳзада
 дунё билан тенг.

Вужудингнинг
 бирор буржида,
 Тутқич бермай
 елган шу пуфак,
 Сенга бир ёр
 келтирган гулнинг
 Тиканидан
 тез ёрилажак.

Хонанда


Асқар Убайдуллаевга

Рухимизнинг таржимасини
 Ҳар на этса,
 кўшиқ этади.
 Бир дунё шовқинни ёқмоққа
 Зиғирдай оҳ
 сўзсиз этади.

Мана Бобур —
 фарёд даҳоси
 Юракдан сўзлари
 сирғалар,
 Беш юз йиллик

ишқнинг садоси —
 Кўксимдан отилган
 жилғалар.

Кўнглингизда
 соғинч тозариб,
 Кирсин дея
 севган рангига,
 Мен хонанда —
 бир ошиқ ғариб,
 Майдондурман
 ҳислар жангига.



Роберт Фернандес Ретамар

Евгений Евтушенко ва Павел Грушкога мактуб

Лев Толстой жилдидан мўралаган қонталаш
арғувон япроғида
Москва кузини келтирдинг менга, Павел!
Совға қилгим келди мен ҳам сенга нимадир.
Аҳдимдан қайтдим бироқ.
Қарзимни кейинроқ:
Жанг добилғаларин машъум наъраси
ўчганда,
дориломон кунларда узишга қарор қилдим.
Билгим келди шу боис:
Ҳали кўп бўласанми Кубада?
Қулоқларим остида жаранглар то ҳануз
жавобинг:
— Ғалаба қозонгунларингча...
Кейин эса...
Яна бир йил сизлар билан қоламан!..

Мусофирхонанинг ўн тўққизинчи қаватидамиз.
Унинг ҳар бир хонаси
муҳим бир босқичидай тарихнинг гўё.
Сен, Евгений, 1926-хонада яшайсан.
Кубани остин-устун қилган
циклон йили бўлади бу йил.
Даҳлиз бўйлаб борамиз
тарих дарслигини варақлагандай.
1920 — сен қўнган хонанинг
номери, Павел!
Россияда қаҳатчилик йили бу!
1922 — Муссолини малайлари
Рим бўйлаб одимлашар асъасавор.
1924 — Улуғ Ленин вафот этган йил.

Чақчақлашамиз биз, ачомлашамиз.
Деразадан эса кўзга ташланар
мовий денгиз.
Шамол қувлар пўртаналарни.
Олисларда чайқалаётган
кемалар зирҳига урилиб парчаланади улар.
Оролимизни қуршаган қароқчи флот
наърасини эслатади
тўфонларнинг бўғиқ овози.
Сен, Евгений, сен эса
пинак бузмайсан,
икки банка консерва чиқарасан сумкангдан.
Биттаси ўзингга,
иккинчиси — қизларингга, дейсан.
Газета, журналларни питратади елпиғич.

Дераза ёнида туриб олиб кейин
Павел менинг рус тилига ағдарган

шеърларимни ўқийсан, қалдироқ овоз билан.
Қанақадир бир мақола хусусида
гап очасан.
Жилмаясан болаларча беғубор.

Гўё ҳаёт эндигина бошланаётгандай.
Гўё бу олам ҳам хавф-хатардан холи,
бедахл.
Хаёлимга келар ўша лаҳзалар, негадир,
нуқул мовий шуълаларга чулғаниб.
Мусофирхонанинг бўлиқ ойналарини
зирқиратиб эсган шамол сабабдир
балки, бунга.
Эҳтимол, куёш ростдан ҳам нур сочгандир
ғайритабий, театрона — билмадим...
Фақат, Евгений,
кейин сенинг
ўғли Плайя-Хиронда ҳалок бўлган
Кубалик она ҳақидаги шеърингни ўқиганим ёдимда.
Ёдимда
тахминан мана бу сатрларингнинг
испанчада қанақа жаранглашини
чоғлаб кўрганим:
«... наъра тортаётган қора тўлқинлар узра
Тўзғийди сочларининг оқ тўлқинлари.»

Айрилгим келмасди сизлардан сира!
Начора...
митингга шошар эдим мен.
Билардим, лиқ тўла зал мени кутмоқда.

Худди сизларга ўхшаган,
гап ўлимнинг кўзига тик қараш эмас,
гўё шунчаки кундалик икир-чикирлар
хусусида бораётгандай
ўзларини хотиржам тутган
хушчақчақ, дангал йигитлар кутишмоқда.

Лифтда пастга тушдим ўша куни мен
ҳар қачонгидан қаттикроқ имон келтириб
ғалабамизга!
Зеро, сизу,
сизларнинг жасоратингиз
ва алвон арғувон япроғига муҳрланган
Москва кузи — биз билан эди!

Русчадан **Муҳаммад РАҲМОН** таржимаси.

Николас Гильен

Бош сўзлар

Қўнғироқ чалиб ўтсин, майли, учқур ҳаётинг,
Шовқинларга беписанд жарангласин баётинг,
Хур, нурли ғояларнинг яшил дарахти учун
Сербарака тупроқ бўл, она замин бўл, букун!
Мужмал, дув-дув гаплардан баланд тургил доимо,
Бу бани одам аро — бахтсиз оғалар аро
Кўп марта умр кўрар шоир, ёшлик чоғингдан —
Оламнинг бор ёғдусин жам эт кўнгил боғингда.
Шиддаткор қуш мисоли бесарҳад кўкларга уч,
Ногаҳон ғов, тўсиқлар келар бўлса агар дуч,
Сен уларга қанотли шиддатинг-ла тўш уриб —
Ҳаракат қил йўлларингдан ташламоққа супуриб!

Тўртинчи мотам

I. ФЕДЕРИКО

— Федерико! — Оҳанг эшигин
Тақиллатиб кўраман: тўқ-тўқ!
Эшитилар тўти овози:
— Кутма! Бунда Федерико йўқ...

Сўнг қоқаман ойна эшигин:
— Федерико, қайдасан? — Четга,
Тун қаърига имо қилар қўл:
— Уни дарё оқизиб кетган!

Келиб лўли уйига, эшик-
деразани қоқаман тунда.
— Федерико! Бирон садо йўқ,
Тунд зимистон ҳокимдир бунда.

Деворлар ҳам турар тонг қотиб,
Қудуқнинг-да йўқдир челаги.
Ҳовли узра калтакесақлар
Зир югурар пўпанак каби.

Вайрон бўлган ўчоқлар аро
Судралади шиллиққурт гангиб.
Алвон июль шамоли ҳар ён
Тўзғитади хароба чангин.

Қайда қолди? Қайларда сўнди
Лўлиларга хос ёниқ нигоҳ?
Федерико, айт, нима бўлди,
Ҳалигача келмайсан, э воҳ!

II. ОҲАНГ

Якшанба кечаси кетган эди ул,
Қайтиб келгани йўқ нечундир ҳамон.
Қўлида бир дона гулсапсар эди,
Нигоҳида эса — беҳудуд осмон!

Қонга бўялди-да, гулсапсар аввал,
Сўнг музга айланди қотиб қолган қон.

III. ГАРСИЯ ЛОРКА

Мумдай қора дарахт, алвон атиргул,
Зайтунзорлар узра порлар совуқ ой.
Мовий Гренада баҳоридир бул,

Федерико, сеҳру синоатга бой —
Манзара эрур бу, сен орзу қилган
Хира тун сукути аро, ҳойнаҳой!

Юлдузлар чарақлар, чексиз чўзилган —
Кенглик ва ошиқлар юрар йўлга тун
Қора этакларин соясин солган.

Шунда сен боғланган, безабон, юпун,
Лўлиларни кўрдинг, турсалар-да жим,
Очиқ яралардан чинқирарди хун!

Юзлари, андуҳдан кулрангдир, балким,
Пойлари, оловда куйган, эҳтимол,
— Федерико! — дерди қадамлар сим-сим!

Ҳилол узра кўкимтир соялар мисол,
Ғарқ бўлди беҳудлик ошиёнига —
Қора сукунатга чўқдилар, алҳол.

Федерико, улар оҳ-фиғонидан
Сен кўкка юксалдинг, баҳор нурига
Чулғанган кабутар каби, ёнингда
Ҳаммаси — ой, дарахт, зайтун, атиргул.

Ҳамон юрагимда

Кечган йиллар йўқлик қаърига сингди,
Дилда-чи, илк севги ҳамон барҳаёт...
Унинг ёди билан яшайман энди,
Унинг шароридан қалбимда баёт.

Ул муҳаббат сўнди, дея мен лодон,
Хотирадан қочмоқ бўламан бекор.

У ширин изтироб шаклида ҳамон
Кўнглимнинг тўрида яшар устувор.

У мени унутди. Бу олам аро
Ғарчи кўнглим зада, қисматим тахир —
Азоб-андуҳи ҳам кўзга тўтиё,
Энг биринчи севгим эди у, ахир...

Жавоблар

— Нечук хаёлларга ғарқ бўлдинг, шоир?
— Ер ҳақда ўйлайман...
— Яна не ҳақда?
— Шу бепоеён замин,
Бутун ҳаётни
Қалбимга жо этсам, дердим шу чоқда!
— Яна-чи?
— Янами? Қанақа гуллар
Тушлар кўрар экан
Шу тонг лаҳзаси.
— Ва тагин?..
— Ўйлайман баҳорий бўйга йўғрилиб,
Юзимга урилган ўлим нафасин...

Ибтидо

Юрагимга бир оз берай деб ором,
Кечани ўтказдим очиқ ҳавода.
Аста ёнбошладим она заминга.
Салом сизга, чумоли дўстлар!

Анча фурсат кутдим,
Парашютларда
Қачон тушаркан деб шудринг десанти.
Лекин ҳар бир зилол шабнам томчиси
Олов манглайимга тегар-тегмасдан
Қайта кўтарилар эди осмонга.

Шундоқ туғиларди янги юлдузлар.

Русчадан **Аҳмад ТОШХУЖАЕВ** таржималари.



Обиджон Жуманазаров

ДЕҲҚОН ТАШВИШИ

(Ён дафтардан)

Донолар эгри ўтирсанг ҳам тўғри гапир, деб бежиз айтишмаган. Дўппини ерга қўйиб фикр юритсак, республикамиз қишлоқ ҳўжалигида ҳал этилиши зарур бўлган, етилган масалалар қалашиб ётибди. Пахтани ўйлабмизу бошқа тармоқларни унутибмиз. План кўрсаткичлар кетидан қувимизу деҳқон оиласи ташвишлари эсимизга келмабди. Монокультура оқибатида халқни минг-минглаб йиллардан бери ризқ-насиба билан таъминлаб келаётган она Ернинг саховати барҳам топаёзди. Бир одам умрининг ярмигача ҳам келмайдиган муддатда поёнсиз олма-анорли боғлар, кўм-кўк яйловлар бутифос ҳиди анқиб турадиган пахтазорларга айлантирилди. Ҳўжалик юртишдаги бу волонтаризм «мамлакатимизнинг пахта мустақиллиги учун курашяпмиз, интернационал бурчимизни бажаряпмиз», деган тумтароқли гаплар билан пардаланди.

Ҳўжалик юртишдаги маъмурий-бўйруқбозлик усули, бюрократизм колхоз ва совхозлар экономикасига путур етказди. Ернинг ҳақиқий эгаси бўлган миришкор деҳқоннинг шахсий ташаббуси, ижодий меҳнати йўлида ғов бўлиб қолди. Бу аҳволни ҳозир оздир-кўпдир республикамизнинг ҳамма жойларида, шу жумладан, боғлар ва гуллар ўлкаси, маъмурчилик маскани бўлган Наманганда ҳам кузатиш мумкин.

Ишлади-ю, якунида бармоқ тишлади

Бу воқеа ҳам кулгини қистатади, ҳам ўйлантириб қўяди. Йил бошида ишчиларга бултурги иш ҳақлари юзасидан мукофот пули тақсимланаётган вақтда Абдухалил Юсупов бошлиқ бригада аъзоларидан бири совхоз бухгалтериясига кириб жанжал кўтарди. Гўё унга нисбатан ноҳақлик қилинган эмиш. Бригадада ёнма-ён ишлайдиган Боқибой Маманазаров катта суммада устама мукофот олибди-ю, унга эса бир тийин ҳам чиқмабди. Ҳолбуки йил бўйи проғул қилмаган, меҳнат минимумини бажарган, ёмон ишламаган. Бригада битта, дала ҳам бир.

— Идорадагилар таниш-билишликка йўл қўйишган, ҳисобни чалкаштиришган, — деди ишчи.

— Бригадангиз пахта тайёрлаш планини бажармади, — деб жавоб қайтаришди унга. — План тўлмагач, мукофот пули берилмайди-да. Сиз айтган Маманазаровнинг оилавий звеноси ўзига бир-китилган 10 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29,7 центнердан ёки бригаданинг ўртача кўрсаткичидан салкам 9 центнердан ошириб ҳосил олди. Йиллик топшириқни 114 процентга удалади. 2078 сўм мукофот пулига эга бўлди. Йиллик даромади 8220 сўмга етди.

Фактлар ўжар, муромага келтирмасдан қўймайди. Гинахон ишчининг кўзи очилди.

— Мен масаланинг бу жиҳатини ҳисобга олмабман, — деди хижолат тортиб. — Айб ўзимда экан. Шу йилдан бошлаб оиламиз билан пудратга ўтганимиз бўлсин.

Юқоридаги мисол пудрат қишлоқ ҳўжалиги самарадорлигини ошириш, олдинга қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этиш, энг муҳими, меҳнат кишии моддий манфаатдорлигини таъминлашда тенгсиз восита эканлигини кўрсатиб турибди. Бинобарин, Янгикўрғон районидаги Киров номи совхозда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мазкур формасини жорий қилишга, уни янада такомиллаштиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Шу кунда деҳқончиликда 755 та, пахта етиштиришда 54 та, картошкачиликда 122 та, тоқчиликда 269 та, сабзавотчиликда 121 та, ғаллачиликда 41 та пудратчи оила фаолият кўрсатмоқда.

Пудратга ўтказилган тармоқларнинг аксариятида беш йилликнинг иккинчи йилида олдинга қўйилган план топшириқлар ошириб ўринлатилди, эски усулда ишланган йиллардагига қараганда сезиларли ўсишга эришилди ва совхоз экономикаси анча мустаҳкамланди. Авваллари қолоқ ҳисобланган қатор ишлаб чиқариш участкаларида жонланиш сезилди.

Чунони, ўтган йили ҳўжаликда 1984 йилдагига қоғиштирганда ўн бараварга яқин кўп ёки 2522 тонна картошка, йигирма баравар зиёд ёки 3181 тонна сабзавот, бир ярим ҳисса ортиқ ёки 1295 тонна дон етиштирилди. Бошқа тармоқларда қўлга киритилган натижалар ҳам чакки бўлмади. Бу эса даромадга барака киритди. Қишлоқ ҳўжалиги учун об-ҳаво фоят ноқўлай келганига, кетма-кет табиий офат юз берганига қарамасдан деҳқончилик учун қулай саналган 1984 йилдагидан 1 миллион 229 минг сўмга ошириб ёки 6 миллион 342 минг сўм ялпи даромад олишга эришилди. Соф фойда 140 минг сўмдан 908 минг сўмга, рентабеллик даражаси 2,9 процентдан 17,6 процентга кўтарилди.

Унлаб пудратчи оилалар меҳнатларига яраша мўл даромадга эга бўлишди.

— 1987 йилдан эътиборан ҳўжалигимизда оқсоқ саналган чорвачилик ҳам рентабелли тармоқ-

қа айланди, — дейди мамнуният билан бош иқтисодчи Ҳайдарали Жўраев. — Пиллачиликни ҳам қўшиб айтганда 52 минг сўм фойда келтирди. Рентабеллик даражаси 5 процентга етди. Бу ҳам пудрат шарофатидан.

Одатда ҳар қандай янгиликнинг ҳаётда осонликча йўл топиб кетиши қийин. Кимдир қош қўяман, деб кўз чиқаради. Айрим хўжалиқлардаги пудратнинг ишлаб чиқаришдаги роли, иқтисодий афзалликлари ҳақида оғиз купиртириб гапиришади-ю, амалда эса унинг ривожига тўсиқ бўлишади, янгича усулдан меҳнатчилар кўнглини совутишади. Сўзимизнинг исботи учун «Наманган ҳақиқати» газетасига худди шу райондаги бошқа бир хўжалиқдан — «Победа» совхози ишчиси Турсунжон Қосимовдан келган шикоят хатини келтираемиз: «Биз дирекция билан тузилган шартномага мувофиқ не-не умидлар билан қаттиқ меҳнат қилгандик. Кези келганда икки ўғлим, икки қизим ва турмуш ўртоғим кеча-кундуз пайкал тепасида бўлганмиз. Аммо бригада бошлиғи бизни менсимасди, ўз-бошимчалик қилди. Уртада шартнома борлигини ҳам назар-писанд қилмади. Биз ўзга пудратчилардан кам ҳосил етиштирмагандик. Бироқ уни бизнинг иштирокимизсиз йиғиштириб олишди».

Хўш, воқеа қандай бўлганди? Пудратчи нега оғриняпти?

1987 хўжалик йилида 1-бўлимдаги 4-бригадага қарашли 29 гектар майдонда картошқадан деҳқончилик қилинди. Ана шу ер 9 оилавий пудратчига шартнома асосида тарқатилди. Улар орасида Турсунжон Қосимова ҳам бор эди. Турсунжон аслида қишлоқдаги 16-ўрта мактабда фаррош бўлиб ишлайди. Етти фарзанди бор. У турмуш ўртоғи Тўлқинбой Қосимов (оддий ишчи) билан ўзаро маслаҳатлашиб мазкур бригадadan 2 гектар ер олишди.

Бироқ, ҳаётда нималар бўлмайдими дейсиз. Бригадада картошка етилиб, кавлаб олиш пайтида уларнинг тўйи чиқиб қолди. Совет Армияси сафида хизматни ўтаб келган тўнғич ўғли Шарифжонни уйлантиришаётган эди. Начора, Т.Қосимов шу муносабат билан бригада бошлиғи Мамажон Қаюмовдан 2-3 кунга ижозат сўради. Бригадир «йўқ» демади. Кейин коллективни тўйга таклиф этиш мақсадида бригадага борди. Борди-ю, кўзларига ишонмади. Икки гектардан иборат деҳқончилиги ўрнида шалдираган картошка пояси-ю, қуруқ шудгордан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Бригадир каравотда ухлаб ётарди. Тўлқинбой «нима гап» дегандай табелча Х.Толиповга юзланди. У эса тайинли бир сўз айтолмади. Устига-устак шу атрофда юрганлар «ишлаб қуруқ қолдингиз, ошна» дея пичинг отишарди. Пудратчи тишини тишига босди. Тўй куни жанжал чиқаришга юзи чидамади. Ахир, ана шу инсофсиз бригадир ва аъзоларни таклиф қилишга келган-ку! Уйқудан уйғонган бригадирни зиёфатга боришларини илтимос қилди.

Аммо Мамажон Қаюмов «чап ёни билан» турган экан, муборакбод ўрнига ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ «дабдурустдан хоҳлаган жойингга бор», дея пўписа қилди. Пудратчи бригадининг кўрққан олддан мушт кўтарар қабилидаги қилиғидан вужудига титроқ уйғонгандай бўлса-да, тўйни ўйлади. Қайтиб келгач, уйдагиларга бу тўғрида оғиз очмади. Лекин тўй ўтгач, совхоз директори Карим Турдиевнинг қабулига борди. Юз берган воқеани баён этди. Ахир, баҳор-ёз итдек ишласанг-у, хирмонни бировлар кўтарса! Ҳосил қандай чиқди? Чўғи қанақалигини билмасдан оғзингни очиб қолаверсанг! Идорадагилар ишни «бир ёқли» қилишга ваъда беришди. Лекин ҳадеганда натижа қиқавермади.

Орада бошқа шикоятчилар ҳам пайдо бўлди.

Шартномага қўра ҳосил батамом кавлаб олиними, тўлиқ тарозидан ўтказилиши ва қолган ишлар ҳам шунга яраша қисил-китоб қилиниши лозим эди. Лекин маъмурий-буйруқбозлик усулида ишлаш қон-қонига сингиб кетган бригадир Қаюмов бу йўлни четлаб ўтди. Планини ошириб бажарганлиги учун пудратчиларга натура ҳолида берилмаган картошка тупида тургани ҳолда эгатлаб тахминан бўлиб берди. Уни ҳар ким ўзича кавлаб олди. Ҳеч кимнинг ҳосили тарозига тушмади. Бу шартномага зид бўлиб, Т.Қосимовдан ташқари И.Халилов, О.Болтабоев каби пудратчиларда ҳам ҳақли эътироз туғдирди.

Масала совхозда ҳал бўлавермагач, пудратчилар район агросаноат бирлашмасига мурожаат қилишди. РАПО раисининг ўринбосари У. Хонбоев «нима гап» деб суриштириб келганда совхоз раҳбарлари «ўзимиз тинчитамиз», деб ишонтиришди. Оқибат шу бўлдики, бригаданинг умумий кўрсаткичига асосланиб пудратчи Т.Қосимовни «38,8 тонна картошка етиштирган» деб расмийлаштирилди. Пировард натижага қўра 840 сўм ҳақ ёзилди. Бу пудрат усули шартлари оёқтаси қилингандан кейинги ноилж чора эди. Ахир унинг ҳосили ҳамманикидан юқорироқ эканлигини бригадирнинг ўзи ҳам билар, қолаверса, оила аъзолари бир ёқадан бош чиқариб яхшироқ меҳнат қилсак, дурустроқ ҳақ олармиз, деган ниятда уйқуларидан воз кечишган, дам олиш кунларини унуттишган эди-ку! Ишлаб-ишлаб, наҳотки, яна умумий қозондан келадиган бир нормага эга бўлиб қола беришса!

Совхоз маъмуриятининг адолатсизлигидан норози бўлган Қосимовлар бу жумбоқни ҳал қилишни сўраб иккинчи марта РАПО эшигини тақиллатиб боришди, айни вақтда область газетаси редакциясига ҳам хат йўллашди. Ниҳоят, райондагилар ҳаракатга келишди. Комиссия тузилди. Бригадага қарашли картошка майдонлари қайта ўлчанди. Шу жараёнда 1700 килограмм картошка бригадага даромад этилмаганлиги аниқланди. Бошқа соҳалар ҳам ўрганилди. Талай камчиликлар топилди. Бригада бошлиғи М.Қаюмовга ўз мансабини сунистеъмол қилганлиги учун қаттиқ ҳайфсан берилди ва ҳисобга киритилмаган картошка эвазига 272 сўм ундириб олинди.

Расман қараганда, ҳақиқат тикланди, гўё ҳамма нарса ўз жойига тушди. Афсуски, аслида ундай эмас! Ахир Қосимовлар қанча азият чекишди, районга, областгача мурожаат қилишга мажбур бўлишди, асаблар бузилди. Бунинг устига қишлоқда «шикоятчи» номини олишди. Баъзи «оғзи билан юрадиганлар», раҳбарлардан куйган ёлғиз сизларми, биз жим юрибмиз-ку, дея таъна-дашномлар беришди. Шу боисдан ҳам ўзи тузук қуруқ тушуниб-тушунмасдан планини пеш қилиб қўл остидагиларга отдек пишиқрадиган, эскича раҳбарлик усулига канадек ёпишиб олганларга айтадиган гапимиз бор: моддий зарарнинг-ку, кечикиб бўлса-да, ўрнини қоплаш мумкин, лекин маънавий зиённи-чи? Пудрат хусусида сўз борганда «Победа» совхозидagi сингари қилдан-қийиқ ахтариб кишиларни ранжитадиган раҳбарлар афсуски кўпайиб бораётганлигини, эскилик янгиликка осонликча йўл бўшатиб бермаслигини, газеталар, радио ва телевидение редакцияларига, юқори партия, совет ташкилотларига келаятган шикоят хатлар оқими ортганлигидан ҳам билиш мумкин.

Яқинда Балиқчи районидаги «Ўзбекистон» колхозига йўлим тушди. Журналистлик хизмати юзасидан одатдагидек бу ерда ҳам дўстлар орттирганман. Шулардан бири оилавий муҳтожлик туфайли еттинчи синфни битирар-битирмас қўлига кетмон ушлаган Абдулжалил Абдуллаевдир. Абду-

жалилнинг оиласи билан пудратга ер олиб ишлаётганини эшитгандим. Натижаси билан қизиқдим.

— Умидимиз оқланмади, — қўл силтади Абдужалил. — Қаранг, 13 гектар майдонда хотин, бола-чақа, келинларгача етти-саккиз жон офтоб йилт этган баҳордан қор ёққунча ишладик. Мўлжалдаги 28 ўрнига 36 центнердан ҳосил етиштириб, планнингина эмас, мажбуриятни ҳам ортиғи билан адо этдик. Ҳисоб-китобга келганда хўжалик раҳбарлари фирромлик қилишди. Шартномадаги суммани беришмади. Табиий офат бўлган, план бажарилмади, мукофот пулини ололмадик, сизларга ҳам тўлашга қодир эмасмиз, деб оёқ тирашди. Ахир, биз сўзимизнинг устидан чиқдик-ку, десак, қўл силташди. — Пудратчи анча мўддат жим турди-да, бошини қашиди. — Районгами, областгами бориб арз қилмоқчи бўлдим. Шартномага кўра 16—17 минг сўмга ҳақдормиз, аммо қўшнилари «бола-чақали одамсан, бундан буюғига пахта майдонининг ҳаммаси пудратга берилар экан, раҳбарлар назаридан қолмагин, кейин ер бермасдан кўйишади», деб қўрқитишди. Дарҳақиқат, бошқа касбим бўлмаса, ора кўчада қолиб, фарзандларим ризқи қийилмасин тагин, дедим. Шу тариқа йил бошида ваъдалашилган ярим пулга ҳам эга бўлолмадик.

Ажабо, табиий офат юз берган бўлса Абдужалил пахтасини бошқа республикада пиширибдими? Колхоз мутасаддилари А.Абдуллаев иш усулини оммалаштириш, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш ўрнига ранжитиб ўтиришса инсофданми? Бу тўғрида пудратчининг ён қўшниси, таниқли пахтакор, орденли механизатор Набижон Парпиев шундай дейди:

— Абдужалил жуда пишиқ деҳқон. Пахтани қишлоқда унингчалик биладиган одам кам. Пайкални бир ораладим, қаердаги ғўза тупининг қандай ҳолатдалигини китоб ўқигандек айтиб беради. Ўтган мавсум айниқса оиласи билан қаттиқ ишлади. Ўзи кеч кузгача шийпонда ётди. Дўл ғўза кўчатларини ерга қапиштириб кетиб, қайта чигит экилганида ҳам Абдужалил пайкални буздирмади. Ярадор ниҳолдан ғўза яратди. Ўзиям ҳар тупи дарахтдек бўлиб шохлаб кетди. Ҳосилиям колхозда энг олдин пишди. Пахтасини кўриб райондан келган бошлиқлар ҳам ҳайрон қолишди.

Набижоннинг фикрини тинглайману савол туғилади: хўш, оқибат нима бўлди? Абдужалил ишлади-ю, яқунга келганда бармоқ тишлади.

— Аслида планни бажармаслик керак экан, жон куйдирганингни барибир раҳбарлар ҳисобга олишмайди, — алам билан дейди Абдужалил. — Жонини койитмаганлар ютишди, биз қатори ҳақ олишди.

Бу ноҳақликдан ким азият чекади? Бизнингча, биринчи навбатда колхоз манфаати. Негаки, одамлар кузатувчан бўлишади, ўтган йиллар сабоғини эсдан чиқаришмайди.

А.Абдуллаевнинг яна бир мулоҳазаси ўйлантриб кўйди. Пахта ва бошқа барча экин майдонларининг пудратга берилиши, бу — ҳаёт тақозоси. Янгича усул самарадорлигини ҳамма ерда тушуниб етишди. Лекин экин майдони ҳар қанча кенг бўлмасин, хоҳловчиларнинг барчасига тақсимланганда етмайди. Бинобарин, бу борада Киров номли совхоз директори Собиржон Тўйчибоевнинг фикри диққатга сазовордир.

— Ҳар қандай янгилик қай даражада фойдали ва илғор бўлмасин, кўпчилик манфаатига зиён етказмаслиги, одамларни ранжитмаслиги керак, — дейди Собиржон ака. — Зероки, партиямиз инсон омилига эътиборни кучайтириш зарурлигини беҳуда таъкидламаяпти. Шунинг учун ҳам биз бекор қолганларни иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқяпмиз. Райондаги тегишли ташкилотлар билан келишиб тикувчилик кооперацияси ташкил этдик. Пиллачилик пудратга тортилмаганлар зиммасига ўтказиляпти. Хўжалигимиз йилига ўртача 48—50 тоннадан ҳосил етказишини кўзда тутганда бу манба катта даромад беришини тушуниш қийин эмас. Бундан ташқари, деҳқончилик иши тифиз маҳалларда бекор қолганлар пудратчилар томонидан мавсумий меҳнатга жалб этилади. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси ривожлантирилади.

Тахта тилиш цехи такомиллаштирилиб, эшик, дераза, ром ясаш йўлга қўйилади. Хуллас, ҳеч ким бекор қолмайди.

Собиржон Тўйчибоев ҳақ гапларни айтди. Қишлоқ хўжалигида пудратнинг афзалликларини ҳаёт исботламоқда. Лекин унинг соясида туриб кишиларни ранжитиш қайта қуриш талабларига зиддир. Меҳнаткашларнинг пудрат туфайли қўлга киритган мўмай иш ҳақини холис баҳолаш билан бирга бўшаб қолган ишчи кучларидан халқ хўжалигида самарали фойдаланиш чорасини кўриш давр талабидир.

Томорқа ёрдамчи хўжаликми?

Купе эшиги очилиб, уч отахон бирин-кетин кириб келишди. Учаласининг ҳам ёши олтмиш-олтмиш бешлар оралиғида, қўллари қадоқ, эгниларида оддий тўн.

Ўрнимдан туриб салом бердим. Шерикларим мен билан ҳол-аҳвол сўрашгач, қўлларидagi юкларини жойлаштиришди. Тўнларини ечишганда барчасининг кўксига уруш қатнашчиси нишонлари ярқиради. Проводник зийраккина экан, «чипта»ни текширгач, чаққонлик билан қайноқ чой келтириб қўйди.

Отахонлардан бири халтачасидан бўрсилдоқ оби нон чиқариб бурдалади, майиз, оққанд олиб қўйди. Кейин мўйсафидлар чойни майдалаганча гапга тушишди.

Ер, экин, об-ҳаво — деҳқоннинг ҳамिशалик мавзусидир. Вагон ойнасидан зулмат пардасига буркалган дала-даштга тикилганимча беихтиёр суҳбатга қулоқ тутаман.

— Биродар, дастурхонга қаранг! — чўққи соқолли отахон менга чой узатди, — эрталабгача йўлдошмиз, ҳангомалашиб кетамиз.

Суҳбат бора-бора томорқа масаласига бориб тақалди.

— Биз қишлоқ одами, тирикчилигимизнинг учи хоҳласак-хоҳламасак, мана шу бир парча ерга бориб тақалади. — Чой қуяётган отахон мулоийм жилмайиб туриб деди.

Чўққи соқол ҳамроҳимизнинг ёши улўғроқ кўринади. Енимдаги бир бармоғи чўлтоқ йўлдошимизга ўхшашиб кетади, акиси бўлса ажабмас. Қаршимдаги чўзинчоқ юзли отахон нон бўлагини пиёлада ивитиб оғзига соларкан, хаёлимдан ўтганини пайқагандек изоҳ берди:

— Бу киши акамиз бўладилар. Абдурахим ака эса қудамиз. — Бўшаган пиёлани узатаркан, қўшиб қўйди. — Биз асли етти оға-ини эдик. Бир оёғи калтароқ бўлгани учун тўнғичимизни армияга олишмади. Қолган баримиз фронтга борганмиз. Энг олдин мен кетдим, кейин Матқобил акам. Олти йигитдан иккитамиз — мен билан Матқобил акам қайтдик. Қолган тўрттасидан «қора хат» келибди. Қишлоққа қайтсак, отамиз ҳам, онамиз ҳам оламдан ўтишибди. Ногирон акамиз тирикчиликдан қийналиб қишлоқдан чиқиб кетибди. Тошкентнинг Қоратошида узоқ қариндошимиз бўлгучи эди, ўшаларниқидан паноҳ топибди. Уша ерда муқим ўрнашиб қолди, бола-чақа орттирди. Бултур вафот қилганди. Йиллигини хотирлашга кетяпмиз.

Чой қуяётган амаки «акамиз» деб таништирган оқсоқол тепадан ёстиқ олиб ястанди. Хаёлидан нималарнидир ўтказди чоғи, менга саволумуз қаради.

— Хийла тушунган кўринасиз, ҳали томорқадан бекорга гап очмагандик, — деди у менга. — Кеча колхозда йиллик умумий йиғилиш ўтказилди. Шу ҳақда анча тортишув бўлди-ю, яқунланмади.

— Ҳай...

— Шароитимизни биласиз. Қишлоқда яшаётган одамга оилавий аҳволига, колхоз ишига қўшаётган ҳиссасига қараб томорқа участкаси ажратилади. Шу тўғрида уч-тўрт йилдан бери тортишув бўляпти-ю, аммо бир ёғлик бўлмаяпти.

Журналистик хизмати юзасидан Наманган области районлари ва хўжаликларига аҳволдан яхши хабардорман. Бу областда мен бормаган биронта дала шийпони, мен юрмаган сўқмоқ қолмаган десам янглишмайман. Шу сабабдан отахонларни безовта қилаётган жумбоқни чуқурроқ англаш учун сўрадим:

— Кечирасиз, қаердансизлар?

— Наманган районининг Дзержинский колхозидан. Ҳар биримизнинг оиламизга 8 сутихдан 10 сутихгача ер бириктирилган. Баҳордан кузгача ихтиёримизда бўлади.

— Ихтиёримизда-ю, аммо битта «лекин» бор. — Шу пайтгача сукут сақлаётган қуда тоға лўқма ташлади.

— Шунақа. Қаранг, уч ойдан бери қўлимиз бўш, март ойи яримлаяптики, экин экишимиз лозим бўлган ана шу томорқа еримиз қаердалиги ҳали бизга қоронғи.

— Нега энди?

— Томорқани колхоз чигит экишга киришиш олдидан тарқатишади.

— Айтинг-чи, шу ишлари тўғрими? — Қуда тоға ранжиб гап қўшиб қўйди. — Ахир шаҳардагилар март ойигача бир марта бошлаб ҳосил кўтаришди. Барра пиёзни бозорга чиқаришди. Ҳосилни саранжомлаб биз ерни тайёрлагунча бодрингми, май караминими, хуллас, қайсидир сабзавот экини ҳаракатини қилишади. Биз қишлоқдагилар бу вақтда томорқа бўлиш раҳбарларимизнинг қачон эсига келар экан, деб оғзимизни очиб ўтирган бўламиз. Ахир кузда бериб қўйишса, тирикчилигимиз ўнгланишига озми-кўпми мадад бўларди-ку!

— Бу масалани колхознинг умумий йиғилишида кўтарсанглар бўлмайми?

— Бу айтдик-ку, умумий йиғилишда тилга олинди, қишлоқдан бир оқсоқол чиқиб шу ҳақда гапирди.

— Ҳўш-хўш?..

— Раисимиз Маҳмуджон Рафиқов сўзга чиққанни қайириб ташлади. Умумий йиғилиш қарорига кўра томорқа учун ажратилган ер алмашлаб экиш картограммасига кирган, уни бузиш мумкин эмас, деди.

Нима дейишимни, ким ҳақ, ким ноҳақлигини айтишни билмасдан узоқ жим қолдим. Зеро, бу қаламқашнинг вазифасига ҳам кирмайди.

— Раисларингиз қанақа ўзи, меҳнаткашга қайишадиганларданми? — гўё М. Рафиқовни танимагандай бепарвогина савол ташладим.

Сўхбатдошларим пича жим туришди. Ака-уканинг кичиги кексаларга хос салмоқлаб деди: — Эгри ўтирсанг ҳам тўғри сўзла, деганлар. Рафиқов яхши одам. Оғир, вазмин, ақлли. Узоқни кўзлаб иш юритади. Келганига икки йил бўлди-ю, колхозимиз анча ўнгланди. Авваллари бўлар-бўлмасга ҳаракат қилина берарди. Ҳозир улар йўли тўсилган. Планни тўлдирардик, газеталарда мақташарди-ю, пул кўрмасдик. Икки йилдан бери отчётга пул оляпмиз. Ўтган йилги меҳнатимиз ҳисобига 157 минг сўм тарқатишди.

— Барибир колхозчининг турмуши яхшимас. — Қуда тоға хўрсиниб қўйди. — Фронтда ўтган уч-тўрт йилни ҳисобламаганда умримиз бўйи далада ишлаб соч-соқолимиз оқарди. Отпускаи нима-лигини билмаймиз. Тўғри, қиш маҳал икки-уч ой бекорчимиз, аммо пул бермайдиган отпусканинг кимга кераги бор! Бола-чақали одам меҳнатига пул олиб турмаса, тирикчиликни қандай ўтказадим? Турғунбой акангиз айтганларидай, томорқага ўхшаш қишлоқ одами кунига аскотадиган ёрдамчи хўжаликларнинг жилови ҳам раҳбарлар измида. Шаҳардагилар витамин дегандай кўк пиёзу турли кўкатларни ёзин-қишин еб туришади. Биз бенасибмиз улардан. Ун-ўн беш километрга қатнаб сотиб олишга вақтимиз ҳам етишмайди. Ахир бизгаям томорқани зиммамизга бириктиб, ҳужжатлаштириб қўйишса ҳар хил нарсалар экардик, тирикчилигимиз ўнгланарди, бола-чақалар оғзи кўкка тегарди, ерининг умриям бекор ўтмасди.

— Қудамнинг сўзлари тўғри, — Турғунбой ака маъқуллади. — Шунчалик ҳаёт кечираётганимиз учун аввалига минг мартадан шукр қилишимиз керак. Оғир кунларни ҳам кўрганмиз. Бир бурда нонга зор бўлган вақтларимизни унутмаймиз. Лекин газеталарда ўқиб, телевизорда кўриб — гоҳо одамнинг хўрлиги келаркан. Ахир бошқалар бир яхши яшаапти-ку. Бироқ бизнинг турмуш... Тунов кун тўнғич ўғлим маслаҳатга кирибди. «Дада, — дейди куйиниб, — колхоз берган 80—90 сўм рўзгоримга юк бўлмаяпти, шаҳарга бориб ишлайман». Нафсламрини айтганда, ўғлим ҳақ. Тўрт фарзандли. Хотини касалманд. Олган пули етмайди. Мен пенсионерман, қандай ёрдамим тегсин? Ўйлаб кўрдим-да, барибир рухсат бермадим. Наинки, иккинчи ўғлимниям бултур уйлантирганман. Учинчиси келаси йил армиядан қайтади. Униям бошини иккита қилишим лозим. Агар каттаси бошқа ёққа ишга кетса, колхоз иморат солиш учун ер участкаси бермайди. Кейин қаерга жойлантираман уларни? Ҳозир ҳам каталакдек жойда икки оила ўтирибмиз...

Отахонлар билан вагондаги ўша сўхбат ҳеч хаёлимдан кетмади. Биз қаламқашларнинг ҳаёт чорраҳаларида аралашмаган соҳамиз йўқ. Баъзан арзимаган нарсани дастак қилиб бонг ураимиз,

жамоатчилик эътиборини тортишга интиламиз. Кўпинча эса одамларга нафи тегадиган муаммолар назаримиздан четда қолиб кетади. Эринмадим, поезддаги ҳамроҳларим яшаб, ишлаётган ҳўжаликка бордим.

Рости, ўзим билган колхоз қишлоғи сезиларли ўзгарибди. Қатор жамоат бинолари, маданий-маиший объектлар қад ростлаяпти. Колхоз партия ташкилотининг секретари Муҳаммаджон Қурбоновнинг айтишича, қишлоқни қайта қуришнинг Бош плани тасдиқланибди. Бундан буён қурилиш ва ободончилик ишлари шунга асосан олиб бориларкан.

— Партия ва ҳўкуматимизнинг 2000 йилгача ҳар бир оилани уй-жой билан таъминлаш юзасидан кўрсатмасини бажаришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз, — дейди М. Қурбонов. — Шу мақсадда колхозимиз аъзоларининг турар-жой шароитини ўрганиш билан шуғулланувчи махсус комиссия тузилган. Масалан, 1985 йилда 9 оилга, 1986 йилда 19 оилга, 1987 йилда эса 27 оилга иморат қуриш учун участка ажратилди. 1988 йилда 45 киши шундай имтиёза эга бўлади. Бундан ташқари янги турмуш қурганлар учун кўп қаватли уйлар қуришни мўлжаллаяпмиз.

— Томорқа ер ажратиш қай тарзда боряпти?

— Бу масала ҳам колхозчининг аризасига мувофиқ, оилавий шароитга қараб ҳал этилади.

Колхоздан қайтишимда йиғилишга кетган раис келганини хабар қилишди. Маҳмуджон ака билан эскидан танишман. Илгари узоқ йиллар «Партия XXII съезди» колхозига раҳбарлик қилган. Раисга томорқадан сўз очдим, уни колхозчиларга узоқроқ муддатга биркиتيب қўйиш имконияти хўсусидаги фикрини сўрадим.

— Бу тўғрида хисобот йиғилишидаям гап бўлган, — эслади Маҳмуджон ака. — Аммо биз бир мавсумдан ортиқ бериб қўйиш иложи йўқлигини маълум қилдик. Сабаби, алмашлаб экиш система-си бузилади. Ахир, бу, юқоридан тасдиқланган.

Очиғи, жавобдан қониқмадим. Негаки ҳўжалик бўйича ҳовлидан ташқарида жойлашган томорқа участкалари бор-йўғи 23 гектарни ташкил этади. Наҳотки, меҳнаткаш моддий фаровонлиги ошу-вча, турмуши тўқинлиги, оила аъзолари саломатлиги учун асқотадиган шу арзимас майдонни алмашлаб экиш схемасидан чиқариб ташлашнинг иложи топилмаса.

Қолаверса, томорқа тарқатишдаги бу муаммо ёлғиз шу ҳўжаликкагина даҳлдор эмас. Бу хўсусдаги шикоятларни Наманганнинг бошқа жойларида ҳам эшитиш мўмкин. Шундай экан, бутун область миқёсда минглаб гектар ернинг умри тўрт-беш ой бекор ўтишини тасаввур этиш қийин эмас. Ишчи кўчлари етарли, ҳар бир метр ер хисобда бўлган зонада шундай аҳвол рўй беряпти.

Аҳмаджон нега таянган?

Аҳмаджоннинг худди лотереясига ютуқ чиққандек қувончи чексиз. Ахир унга биркитилган «30—2621» маркали экскаватор капитал ремонтдан чиқарилди. Бу ишни Қўқондаги «Ўзбекистон» ремонт ишлаб чиқариш корхонасидаги азаматлар атиги 20 иш кунида қойил қилишди.

Заводдан чиққандек ранглири жилоланиб турган машинани қайта-қайта артаётган Аҳмаджон муборакбод қилаётган ҳамкасбларига сажийлик билан табассум улашарди.

Эртасига барвақт гаражга келган Аҳмаджон Улуков пойгага чиқаятган чавандоздек машина рулгига ўтирди ва дала томон йўл олди. Афсуски, қувончи узоққа чўзилмади. Ярим соат ишлар-иш-ламас тарвузи қўлтигидан тушди, мотор «йўтала» бошлади. Сал ўтмай жойидан ҳам силжий олма-ди. Механизатор экскаваторни кавлаштириб кўрди, аммо ҳаракатлари бекор кетди.

Колхозда техника борасида қилни қирқ ёрадиган мутахассислар етарли. Лекин гарантия му-ддати бўйича капитал ремонт учун пул олган ташкилот масўул-ку! Двигателга қўл теккизилса, шарт-нома бузилади. Шунинг учун Қўқонга телеграмма жўнатилди. Жавоб бош оғриғини оширди, холос. Унда: «Мотор учун биз жавобгар эмасмиз. Бекобод шаҳридаги ремонт-техника заводи билан кели-шинглар», дейилган эди.

Ана сизга муаммо! Экскаватор мотори кошки кичикроқ бўлса, уни қопга солиб, енгил маши-нада исталган жойингга олиб бора берсанг! Иложсизликдан тагин Бекободга телеграмма юборил-ди. Афсуски, бунақа машмашаларга ўрганиб кетишганми, заводдагиларнинг «хамири кўпчилади». Колхоздагилар энди эскичасига ҳаракат қилишга ўтишди. Район агросаноат бирлашмасидан мута-хассис чақирилиб, юз берган аҳвол билан таништирилди, акт ёзилди. Бу ҳам ёрдам бермагач, рес-публика агросаноат комитетига мурожаат қилинди.

Ниҳоят, Бекободдагилар уйқудан уйғонишди. Орадан роппа-роса эллик кун ўтгач, техника хавфсизлиги бўйича инженер Абдумалик Йўлдошев бир слесарь билан Чортоқ районининг «Мос-ква» колхозига ташриф буюрди. Икки-уч соат машина двигателини очиб, у ёқ-бу ёғини кавлаш-тирди.

— Энди кўнглингиз хотиржам бўлсин, — деди механизаторнинг елкасига қоқиб. — Экскава-торингиз мотори бундан буюғига соатдек ишлайди.

Бироқ инженернинг ишонтиришлари «палағда» чиқди. Давлат ҳисобидан 300 километр йўл босиб келган Йўлдошевнинг уринишлари самараси икки кунга етди, холос. Тагин аввалги ҳолат такрорланди. Колхознинг салкам икки ярим минг сўми сарфланиб капитал ремонтдан чиқарилган, икки кун ҳам тўлиқ ишламаган моторни ўз кўчлари билан қайта ремонт қилишга мажбур бўлишди.

— Экскаваторни ремонтга жўнатишу қайтиб келгандан кейинги ҳангомалар оқибатида деярли тўрт ой бошқа ишлар билан шуғулландим. Маошим камайиб, тирикчиликнинг музаси қочди, ахир оилали одамманку, — дейди А. Улуков.

— Мавжуд ҳар бир техниканинг маълум миқдорда иқтисодий самара бериши кўзда тутилган. А. Улуковга биркитилган экскаватор-трактор тўхтаган муддат мобайнида ҳўжаликка 3,5 минг сўм зарар келтирди. Бунга капитал ремонт учун сарфланган маблағни, механизаторнинг моддий ман-фаатдорлиги камайганлигини қўшсак, Бекободдаги завод ва «Ўзбекистон» ремонт ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарларининг масўулиятсизлиги қанчалик қимматга тушайтганлигини билиш мўмкин.

Афсуски, бу мисол ягона эмас. Қайси бир колхоз ёки совхозга бориб механизация соҳасидаги аҳволни суриштирманг, бундай ишқаликлар қаторлашиб ётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бошқарув

органларининг қишлоқ хўжалигини чуқур билмасликлари, кўр-кўрона турли хил кўрсатма ва фармойиш беравериши оқибатида хўжаликларнинг минглаб сўм маблағлари ҳудда-беҳудуга кўкка созурилмоқда.

Сўз юририлаётган совхоз аслида ўртачадан кўра чоғроқ хўжаликлардан. Ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган. 1987 хўжалик йилида 760 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил тайёрланди. Юнусхон Мирзаакбаров, Валихон Дадахонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳатто ҳосилдорлик кўрсаткичи 38,5—39 центнергача кўтарилди. 803 минг сўм ўрнига 1 миллион 343 минг сўмлик соф даромад кўрилди. Ҳар бир колхозчининг йиллик иш ҳақи 1500 сўм ўрнига 1657 сўмини ташкил этди.

— Техникадан фойдаланиш соҳасидаги муаммолар бўлмаганда даромадимиз янада ортган бўларди, — дейди колхоз раиси Холмуҳаммад Ғайбуллаев афсусланиб. — Талай маблағимизни носоз техникани тузатиш, эҳтиёт қисмлар, қўшимча ёнилғи сотиб олиш учун сарфладик.

Раис сўзининг исботи сифатида маълумотларга мурожаат қилди.

— Ҳозир 83 та тракторимиз, 10 та терим машинамиз бор. Уларнинг ҳар бири колхозимиз балансида 10 минг сўмдан туради. Йил давомида техникани (автомобилларни қўшиб ҳисобламаганда) ишталаш учун 87 минг сўм пул сарфладик.

— Айниқса бизга терим машиналари малол келяпти, — гап қўшди бош инженер Меҳмонали Бойхонов. — Яширишнинг ҳожати йўқ, бошқа областларда — Қашқадарё ва Сурхондарё областларидаги хўжаликларда қандайлигини билмайман-ку, аммо бизда ипак пахтани машинада териш самарасиз. Кўп бор синовдан ўтказганмиз. Заводдагилар ҳам толасига зиён етляпти, деб эътироз билдиришмоқда. Шунга қарамасдан 10 та машина сотиб олишга мажбур этишди. Ҳар йили терсатермаса ремонтдан чиқариб мавсумга шайлаш шарт.

— Техниканинг тездан ишдан чиқишига бир жиҳатдан ўзимиз ҳам айбдормиз, — раис узоқ ўйлаб тургач деди. — Машиналар тузилишини чуқур тушунадиган, техникадан яхши хабардор кадрларимиз кам. Ҳозирги қишлоқ хўжалик машиналари юзлаб приборлар ва механизмлардан ташкил топган. Нотўғри қўл теккизсангиз бирон жойи албатта ишдан чиқади.

— Бу ўринда фақат механизаторларимиздан ранжиш адолатдан эмас, — бош инженер эътироз қилди. — Олимларимиз ва конструкторларимизда ҳам айб бор. Ахир улар техникани олий маълумотли инженер эмас, ҳунар-техника мактабини ёки қисқа курсни битирганлар бошқаришини ўйлашлари керак. Тракторлар двигатели, ишчи органлари тузилиши шунчалик мураккабки, олий маълумотли мутахассислар ҳам аранг эплайдилар.

Техника чидамсизлиги яна бир муammo. Асосий қишлоқ хўжалик машиналари мамлакатимиз Европа қисми иқлими шароитлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда. Қарабсизки, кўпгина ҳайдов ва чопиқ тракторлари Урта Осиё иқлимига дош беролмасдан тез ишдан чиқмоқда.

Сўзимнинг исботи учун биттагина мисол келтираман. Ҳайдов тракторларининг мой алмаштириш муддати 100 соатга мўлжалланган бўлса-да, шу муддатнинг ярмигача етмаяпти. Натижанда кўпгина механизаторларимиз машина конструкциясидаги ёзувга ишониб моторни эритиб юборишяпти. Қишлоқ хўжалик машиналарини тайёрлашда ихтисослаштиришни, ҳар бир республиканинг иқлим ва тупроқ шароитини кўзда тутиш керак. Бунинг учун таъминотчи билан истеъмолчи ўртасидаги алоқани мустақкамлаш лозим. Бизга трактор етказиб бераётганлар келиб аҳволни ўрганишса, тилга олинган камчиликлар бартараф этиларди.

— Ихтисослаштириш мавзусида гапирадиган бўлсак, республика агросаноат комитетидагиларга ҳам айтидиган гапларимиз бор, — раис бош инженернинг фикрини маъқуллади. — Улар бу борада тескари иш қилишяпти. Ихтисослаштириш баҳонасида ремонт корхоналари турли жойларга тарқатиб юборилган. Чунотки, «Беларус» тракторни ишдан чиқса Қўқонга, у ерда тузатишнинг иложи бўлмаса Бекободга йўл оласиз. Бошқа маркадаги тракторларни тузатиш учун эса Андижонга ёки бошқа бир шаҳарга бориш керак. Наҳотки шу нарсани бир область территориясида ташкил қилишнинг иложи топилмаса! Одамлар космосга учаётган, инсон боласининг қадами Ойга бориб етган даврда битта тракторни судраб у областдан бу областга қатнаш шартмикин?

Ихтисослаштиришнинг ҳали кўпчиликка номаълум бўлган сохтагарчилик томонларини ҳам айтиб қўя қолай: трактордаги қайсидир деталь ишдан чиқди дейлик. Ҳеч қаерда топилмайди. Арзизмаган винт учун Қўқонга, Андижонга ёки Бекободга борасиз. Лекин у ерда ҳам детални осонликча қўлингизга тутқазишмайди. Планни важ қилишади. Унамасангиз қуруқ қайтасиз. Хуллас, 5 сўмлик нарса учун бажарилмаган ишни бажарилди, қабилада сохта ҳужжат расмийлаштирилади. Гўё ҳалиги детални завод ремонтчилари носоз техникага ўрнатган бўладилар. Қарабсизки, колхознинг 50 сўм пули ремонт корхонаси хазинасига тушади. Қўлини совуқ сувга урмаган текинхўрлар «топширқини ошириб удалагани учун» мукофот олишади. Шунинг ўрнига хўжалик ёки районда ремонт базаси ташкил этиб, уни мустақкамлашса бўлмасмикин? Ушанда қинғир ишларнинг йўли тўсиларди, ортиқча сарф-харажат камаярди.

Наманганнинг олмаси билан анори...

Ўзбекистон телевидениесидан она-Замин саховатига бағишлаб кўрсатув берилаётганди. Шу куни болалар билан қишлоққа келиб, катта оиламиз жамул-жам эдик. Телевизор экранидан новдаларига бир текис осилган ва роса етилган узум бошлари, меваси маржондек терилган олма дарахлари, патнисга сўйилган ёқутсимон туя тиш анорлар қаторлашиб ўтарди.

— Қишлоғимиздаям олма-анорлар пишарди, — кекса онам хиралашган кўзларини экрандан узмасдан бош чайқаб деди.

Отамнинг ёши тўқсонга борсада ҳали зийрак, газетага ёзилган ва радиода айтиладиган янгликни дарров англайди. Бу сафар ҳам суҳбатга қўшилди.

— Ҳовлимиз ўртасидаги қимизак олмани эслайсизларми? Боболарингни кўрганди. Танасига кўрт тушиб, чириб йиқилмагунча мева берди.

Онам биз учун жавоб қайтарди.

— Уша олмадан кўпайтирмаган экансиз. Қайдам, олмалар ҳам, анорлар ҳам йўқолиб кетди. Одамларнинг ҳафсаласи қолмаётгани, дейман мевага. Ҳеч кўрмайман-а!

— Ҳаво димиқиб кетди! — отам изоҳ берди. — Ёзинг қанақа иссиқ келаётганини кўряпсан-ку! Ҳаммасини ел олиб кетяпти. Олма меваси ёнғоқдай бўлмасданоқ тўкилиб тушяпти. Пишмагач, бир парча ерни банд қилиб ким экарди уни.

Чол-камбирнинг баҳсига қулоқ тутаману хаёлга толаман. Йигирма-ўттиз йиллар нарёғида Наманган билан Андижон оралиғидаги киндик қоним тўкилган қишлоғим Шерқўрғонга узоқдан қарасангиз, бамисоли йирик боғга қиёс қилгулик эди. Кимнинг ҳовлисига қадам қўйманг, қантак ўриқдан тортиб қимизак олмалару шотутларгача бўй чўзганди. Томорқамиз охиридаги тўрт туп жилон жийда остидан қор ёққунча болалар аримасди. Пахта далалари оралиқларида ҳам ўриклар, беҳи, жийда сингари дарахтлар ўсарди. Ғўзага ишлов бераётган, пахта тераётганлар меваларини истъомол қилиб, чанқовларини босишарди. Пахта пайкалларини болалигимда «ўрикзор», «жийдазор», «олмал дала» деб аташганлари эсимдан чиқмайди. Қарангки, дарахтлар кесилиб кетгач, номлари ҳам унутулибди. Ҳозир ўша далада ишлаётган жияним Матлубадан сўрасам, биронтасини билмайди.

Бехтёр шундай савол кўндаланг бўлади: инсонга юз йиллар, минг йиллар оша йўлдош бўлиб келаётган ўша дарахтлар қаёққа йўқолди? Қайси номард улар касрига етди? Бир хиллари пахтага зиёни тегяпти, ғўзага соя тушяпти, томири тупроқдаги озиқ моддани тортиб оляпти, деган сабаблар билан кесиб ташланди. Баъзилари ердан ва ҳаводан бетиним ёғилган заҳарли химикатлар таъсирига дош бера олмади.

Отам кексалик орқасида яхши англаб етмаган, ўтмиш авлодларидан мерос бўлиб келаётган қимизак олмаларимизни йўқолиб кетганлигини ёз ойларида ҳароратнинг ошуви оқибатидан, деб бияляпти. Аслида, пахта етиштириладиган зоналаримизда қатор мевали дарахтларимизга фарот нақелланлигига «бутифос» номи билан аталувчи, Ўзбекистонимиз табиати ва аҳолиси қисматига кўп зиён келтирган заҳри қотиб айбдор.

— Қимизак олма қанақа бўлади? — қизим Ҳилоланинг бу саволига жавоб қайтаришга ожизлик қилдим. Ахир, ярим палласи лоларанг, иккинчи ярми пахтадек оппоқ, тишлаганингизда шираси чирсиллаб сочиладиган олма мевасининг кўриниши-ю, чиройини таърифлаш осон дейсизми!

Қишлоғимиз жойлашган «Москва» колхоз раиси Жамолиддин Қаҳҳоровни хомуш ҳолда учратдим. Ишларидан хабардорман. Колхоз авжи чакки эмас, план-топшириқлар бажарилмаган йил йўқ.

— 33 гектар олмазор боғимиз бор, — хафагарчилиги боисини айтди Жамолиддин. — Илгари ташкил этилган. Ишлаб чиқариш планига кирган, ҳозир йўқотиш қийин. Табиатга завоқ келтиряпсан, деб нақд балонинг ўкига тўғрилашади. Қани энди ана шу боғ кўрғур беш кило олма берса. Ғўралигидан курт тушиб тўкилади. Кўрмаган чорамиз қолмади, сира фойдаси бўлмаяпти. Ҳосилни кўпайтирамиз, деб ерниям, ҳавониям расво қилибмиз. Далаларимизда пахтадан бошқа ҳеч нарса битмапти. На мewa ейсиз, на қовун-тарвуз. Узум-ку шира боғламасданоқ оқиб кетяпти...

Ким куради, ким бузади, деган нақл бекорга айтилмаган. Қолаверса, йўқолиб бораётган меваларимиз кошки, ёлғиз «қимизак», «пахта» каби саратонгача пишадиган олмалардангина иборат бўлса!

Раис оғзидан чиққан нолиш кўп жойда қулоғимга чалинган. Наманганнинг устоз боғбонларидан Тожибой ота Сатторов анорчилик хусусида куйиниб гапирганди.

— Наманганнинг олмаси билан анори Одамларни мудом этар хумори, —

дея қўшиқларда куйланган меваларимиз аҳволи бундан 30—40 йил олдинги даражада эмас, — деганди боғбон ота. — Эҳтимол, биларсиз-билмасиз, шаҳарнинг темир йўл вокзалидан ўтганингиздан кейин қайси ҳовлига кирманг, беш-ўн туп анор ўсгувчи эди.

Хабардорман. Урушдан кейинги йилларда, ҳали мактабга қатнамасимдан илгари холам келин бўлиб туршан ҳозирги Тўққув кўчасида педагогика институтининг бир-бир ярим гектарлик анорзор боғи бўларди. Уша боғ аллақачон кесилиб ўрнига турар жойлар қурилган.

Анорни Шарқнинг буюк ҳакими, ҳамюртимиз Ибн Сино мевалар султони, деб таърифлайди. Палла-палла сўйилган уятиш, этилган қорақай анорлар олдидан минг хил қанду наввотлар ўта берсин. Абу Али ибн Синонинг таъкидлашича, паловдан кейин тановул этилган бир палла анор ҳар қандай ҳазми таомдан аъло тураркан. Анор шарбатининг фойдаси ҳақида-ку, гапириш ортиқча...

Қўйи Фирвон, Ирвадон, Раустон қишлоқларидаги анорзорлар ҳосилдорлиги, мевасининг хуштаъмлиги, сершираллиги жиҳатидан бошқаларидан устун. Наманганнинг анорчилик базаси ҳисобланган Фирвон зонасидаги Свердлов номли колхозда ниҳоят кейинги йилларда бу соҳага эътибор қаратилмоқда. Ҳозир 26 гектар майдонда боғ парвариш қилиниб, яхшигина ҳосил олинапти.

Мазкур хўжаликка қўшни Ленин номли колхозда, Янгиқўрғон районининг Ульянов номли совхозда, Чортоқ районидаги «Фарғона» совхозда ҳам бу тармоқ оёққа турмоқда.

Қилинган ишлар таҳсинга сазовор, албатта. Аммо халқимиз дастурхонини шундай тансиқ мewa билан таъминлаш учун зарур тадбирлар етарли даражада амалга ошириляпти, деб айтиш қийин.

1986 йилда областдаги мевали дарахтларни рўйхатга олиш вақтида хўжаликлардан атиги ярим миллион тупдан сал зиёд анорзор борлиги аниқланди. Масалан, колхозлардаги анор туплари 38,2 минг туп чиқди. Бу 1974 йилдагига нисбатан 14,2 минг туп кам. Демак, кўпайиш ўрнига камайиб кетган.

Анорчиликдаги муаммолардан бири унинг меҳнати мураккаблигида. Дарахтни кўмиш ва очиш кўп қўл кучини талаб қилади. Мевасини йиғиштириб олиш ҳам машаққатли. Бирма-бир авайлаб узилмаса, захланиб, узоқ вақтга чидамайди. Қолбуки, меванинг пишиш даври айна сентябрь охириларига, пахта йиғим-терими авжига чиққан паллага тўғри келадики, бу пайтда борлиқ куч далага сафарбар этилган бўлади. Шунинг учун терим қизигунча анор узшига киришилиши оқибатида мewa тўла пишиб этилмасдан донаси майдалигича қоляпти, шираси етарли тўпланмаяпти.

Қолаверса, Наманган шаҳрида Қувадаги сингари анор шарбатини оладиган махсус консерва заводи йўқ. Юз километрлаб йўл босиб, бошқа шаҳарга элтиш сарф-харажатни кўпайтиряпти. Намангандаги консерва заводи қошида шу соҳага ихтисослашган цех очиш фурсати етди.

Ушбу сатрлар ёзилаётганди «Москва» колхоз раиси Жамолиддин Қаҳҳоровнинг истаги ёдимга тушди.

— «Қимизак», «Пахта» сингари эртапишар, куз охирларига келиб ҳам «дуварак» мева берадиган олма-ларни-ку маҳаллий шароитимизда бой берибмиз, лекин Ўзбекистонимиздан, умуман йўқолиб битмагандир, — деганди у. — Республикаимизнинг бирон бурчагида ўсаётган чиқар. Хурматли биолог олимларимиз бизникидек монокультура асоратидан азият чекаётган зоналардаги аҳволни чуқурроқ ўрганиб, олдинги барқарорликни тиклаш чорасини кўришга ёрдамлашсалар бўлмасмикин?! Табиатимизнинг бутун борлиги, ҳосилдор тупроғи-ю, шадди-роқ ариқлари, турфа хил мевалари-ю, сайроқи булбуллари билан келажак авлодларимизга мерос қилиб қолдириш бурчимиздир!

Оқшом пода қайтмади

Мардонқул ака қассоблик дўконига қараб юрди. Дўкон олдида харидор сийрак. Икки бети ҳўроз тожисидек қипқизил, тақамўйлов йигит елпиниб турган дастрўмолини доғ теккан халати елкасига ташлади-ю, Мардонқул акага юзланди.

— Неча кило тортай, оқсоқол?

— Бир килоси етади. — Шундай дея беш сўмлик пулни узатди.

Қассоб узун пичоғини эпчиллик билан ишлатиб, тарози палласига гўшт илашган суякни қарсиллатиб ташлади.

— Сал инсоф қилинг, ука! Ҳоз бўлса-да, оғиз тегсин гўштга!

Қассобнинг кўзлари олайди. Қўлидаги ойболтани ён томондаги қон юқи кундага зарб билан урди.

— Нима, беш сўм пулингизга думба тортайми! Хайвон боқиш осонмиди сизга! Чумчуқдек бузоқ баҳоси осмонда юрса!

Кимдир Мардонқул аканинг қулоғига пичирлади:

— Икки сўм қўшинг, гўшт бошқача бўлади.

— Нарх беш сўм ёзилган, нега қўшар эканман?

Қассобнинг юзи қийшайди, пештахта сари энгашди.

— Қоғозда ёзилганларнинг ҳаммаси тўғри чиқаберса аллақачон коммунизм қуриларди, оқсоқол.

Мардонқул ака ўзини босолмади.

— Тарозидоги суякни ўзинг фажи. Гўшт емасам ҳам куним ўтади. — Шундай деди-ю, шартта ортига бурилди.

— Пулингизни олинг, ҳой ока! — Ортидан қичқирди қассоб.

Тўхтамади. Бозор майдонидаги одамлар тўпини оралаб бораркан, биров қўлига букланган беш сўмликини қистирди. Қайрилиб қаради. Қассоб бўлганида башарасига ирғитарди. Йўқ, қулоғига шивирлаган харидор.

— Хафа бўлманг, биродар. Бу текинхўрлар сиз билан бизнинг пулимиз ҳисобига кучайди. Айб ўзимизда.

Мардонқул ака жаҳл устида бошқа қассобхонага бурилмади. Хотинининг сўровига:

— Бугун ҳеч қаерда гўшт сотишмади. Бошлиқлари ўлган экан, ҳаммаси таъзияга кетибди, деб қўя қолди. — Аммо болаларини ўйлади-ю, буюрди:

— Катакдаги товуклардан биттасини сўйинглар.

Товуқ гўштининг баракаси йўқ. Иккитасини сўйсангиз ҳам бир кило чиқмайди. Қуруқ макка билан эт битармиди! Очиқда боқиш шароит қани? Катакдан чиқишдими, аранг кўкариб келаётган помидорга ёпишади. Ҳайдасангиз бошқа экин остини кавлайди. Қўшни ҳовлисига ўтса-ку, уч ой салом-алик тинади.

Елкасига кетмонни ташлаб далага қараб йўл оларкан ҳам бозордаги харидор айтган писанда миясида айланади: «Ўзимиз айбодормиз». Қишлоқда яшаб, ойлаб сут-қатиққа оғзинг тегмаса! Бир йилда лоақал мушукдек қўйни сўйиб оиланг билан емасанг, бундан ҳам ортиқроқ бедодлик бўлиши мумкинми?!

Мардонқул ака оиласи истиқомат қиладиган Норин районидаги Кемабоши қишлоғини яхши биламан. 25—30 йиллар илгари Қорадарёнинг шундоқ ўнғ қирғоғида жойлашган бу сўлим маскан табиатнинг чинакам ардоқли гўшаси эди. Баҳор кезлари Чинобод посёлкасида туриб назар ташласангиз, кўллар ва булоқлар, ям-яшил барглари шамолда ўйнаётган қамишзорлардан юқорида асрий чинорлар, икки тарафга чўзилган қанотдек қишлоқ уйлари кўринарди. У пайтларда Қорадарё сувга тўлиб-тошиб оқарди. Балиқлар серблигидан узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқлардан овчилар ташриф буюришар, мезбонлар уларни очиқ кўнгилик билан кутиб олишарди. Кемабошилиқларнинг асосий машғулоти қамишдан бўйра тўқиш, рўзғор учун зарур ашёлар тайёрлаш, чорвачилик ва шоли етиштиришдан иборат эди.

Йиллар ўтди. Инсоннинг табиатга шафқатсизлик билан аралашуви бошланди. Қорадарёнинг асосий ирмоқларидан бири бўлган Қолғандарёнинг йўли ўзгартирилди. Замонавий ер қазииш машиналари ёрдамида қамишзорлар ва кўллар оралаб янги ўзан қазилди. Ойнадек ялтираган кўллар, тўрт фасл сувиде кўкатлар қалқиган булоқлар қуриди. Бульдозер ва скрейперлар наъра тортиди. Чор-атроф пахтазорга айлантирилди. Оқибатда ер ишдан чиқди. Ҳатто номи маҳаллий газеталарда кўп бор кўринган Мадаминжон Камолов бригадаси ҳам сўнги йилларда қаддини тиклай олмасдан қолди.

— Саратондаям дарёлар захи ўсимлик томирига зиён етказяпти, — дейди Мадаминжон куйиниб. — Қанча меҳнат қилмайлик, зах яқинлиги панд беряпти. Устига-устак баҳор охири, ёз бошларида ҳар йили такоррланадиган тошқин талай майдонни ювиб кетиб, қайта экишдан кўлимиз бўшамайди.

— 1465 гектар майдонда деҳқончилик қиламиз. Шундан 1084 гектарида пахта етиштирилади. Қолган ерни озуқа, дон, полиз каби экинлар эгаллайди, — деган эди «СССР 50 йиллиги» колхозии бош агрономи Султонмахмуд Султонов.

— Ҳўжалик чорваси ҳақида ҳам маълумот берсангиз, — илтимос қилдим бош агрономдан.

— Бугунги кунда фермамиз ихтиёрида 775 бош қорамол, 1021 бош майда шохли ҳайвон бор.

— Улар учун аллақанча озуқа ҳам керакдир?

Бош агроном ёш дафтарчасини варақлади.

— 1988 йилнинг ўзида 64 гектар ерда дон учун, 30 гектар ерда силос учун маккажўхори етиштирялмиз. Талай майдонда бедамиз ўсяпти. Умуман, камида 2538,5 тонна озуқа олишни мўлжал-лялпмиз.

— Чорва учун яйлов ҳам ажратилгандир?

С. Сиддиқов бир муддат уйга толди.

— Қаёқда дейсиз! Пахта майдонларимиз дарё қирғоқларигача осилиб тушган. Бир қарич ер ҳам қатъий ўлчовда. Лекин тўрт-беш ой тоғ яйловларига боқиш учун олиб чиқилади. Шу ҳисобига ем-хашак анча тежаллади.

Ўзимни қизиқтираётган мавзуга сездирмайгина ўтдим.

— Аҳолида ҳам мол бордир?

— Бўлмасам-чи!

Бош агроном шу колхозда туғилиб ўсган. Узоқ вақтлардан бери ишлаб чиқаришда. Саволдан шошиб қолмади. Узига керакли маълумотларни осонгина топди.

— Колхозчиларимизда 970 бош йирик шохли, минг бошга яқин майда шохли ҳайвон мавжуд. Шахсий хўжаликлардаги моллар таъминоти билан қизиқдим. Бу гал бош агрономнинг жавоб қайтариши энгил кўчмади.

— Ҳоли-қудрат боқишади, — деди узоқ сукутдан кейин. — Кимдир ўзи ёки бола-чақаси дала-тўпдан бир кўтарим-ярим кўтарим ўт юлади, томорқасида маккажўхорими, бошқа бирон экин етиштиришади. Бу ёғига колхоз ҳам қараб турмайди. Масалан, бултур Улуғ Ватан уруши қатнашчи-ларига, боқувчисиз оилаларга 150 тонна силос, беда, сомон тарқатдик.

Ана сизга аҳоли кўлидаги ферма ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш учун қилинаётган ғам-хўрлик, деҳқоннинг бир кило гўшт учун юлғич қассобга сарғайиб бориши, ноўрин дағдагадан асаби қақшаб қайтиши-ю, қишлоқ болаларининг сут-қаттиқ ичмасдан нимжон ўсаётганлиги сабаблари. Янглишмасам, машҳур адиб Сергей Михалковнинг «Ола бошидан» китобида ўқигандим: «Сут ич-масдан кечган болалик болалик бўптими!»

Яна икки таққослашни мисолга келтираман. Кемабоши колхозидаги уч қишлоқдан биттаси. Биринчидан, хўжалик миқёсида 1380 хонадон бўлгани ҳолда 970 бош қорамол боқилапти ҳолос. Айрим оилада бир ёки икки бош бузоқли сигир борлигини эътиборга олганда тенг ярим хонадонда қорамол йўк. Иккинчидан, колхоз фермасида 775 қорамол (шахсий хўжаликлардагига нисбатан 125 бош кам) бўлатуриб 2538,5 тонна озуқа ажратилапти. Бунинг устига 4—5 ой тоғ яйловида боқи-лади. Аҳоли чорвасига эса ўтган йили атиги 150 тонна ем берилган ёки туяни чўмичда суғориш, де-ган гапнинг ўзгинаси.

Чортоқ районининг «Москва» колхозидagi аҳвол ҳам бундан баттар. Қишлоқда 2200 хонадон истиқомат қилса-да, улар ихтиёридаги қорамол минг бошга етмайди. Тўрт хонадоннинг биттасида ўртача бир бошдан тўғри келади.

— 350 гектар майдондан чиққан озуқамизни ферма ҳайвонларига аранг етказамиз, — дейди колхоздагилар зорланишиб. Ахир майда шохли ҳайвонлар макка дони билан кун ўтказишади. Дав-лат томонидан берилган планга мувофиқ, етиштирилган доннинг 60 проценти тайёрлов идоралари-га топширилиши керак. Тагин ҳам бизга имтиёз бор. Чорвамиз зотли ғунажинларга ихтисослашти-рилган. Шунга қарамадан район кўрсаткичини қувватлаш учун дон сотишга мажбур қилишади. Қўшни хўжаликлардаги аҳвол биздан кўра оғирроқ.

Аҳоли шахсий ёрдамчи хўжалигидаги ночорлик фақат юқоридаги икки мисол билан кифоялан-са кошки эди. Қаерга борманг, қайси оиладаги аҳволни ўрганман, ана шундай ҳолга дуч келасиз.

Шу ёз алам қиладиган яна бир ҳолатни бошдан кечирдим.

Намангандан саксон қақиримлар олисда Унгор тоғидан ўтганингиздан кейин, қўшни Қирғи-зистон ССР территориясидаги Буспу тоғлари биқинида Нанай қишлоғи жойлашган. Табиат борлиқ саховатини аямаган бу қишлоқда бўлмабсиз дунёга келмабсиз! Ҳар йили меҳнат отпускам даврида Нанай дам олиш уйларидан бирида беш-ун кун ҳордиқ чиқармасам чарчоғим ёзилмайди. Унинг адирликларга ўрмалаган олмасор боғлари, қишлоқ ўртасидаги кумуш камардек тўлғаниб ўтган Пошша-ота сойнинг биллурдек тиниқ суви ёки салқин об-ҳавосигина эмас, болалигимни эсга солиб оқшом олдидан кўча чангитиб қайтадиган подасини кўриб юрагим ёзилади.

Бир дақиқа менинг ҳолатимга тушиб кўз олдингизга келтиринг: кун бўйи ёғду сочган қуёш то-лиққан деҳқондек Кўксарой қоялари ортига пастлайди. Қишлоқ узра оқшом чўка бошлайди. Худди шу кезде адирлик ён бағрида чанг кўтарилади. Молларнинг мўъраши, қўй-эчкилар маъраши эшити-лади, қишлоқ кўчасини тўлдириб пода қайтади.

Бу гал борлигимни аллаловчи, вужудимга сўз билан ифода этиш мушкул ором бағишловчи ана шу манзарани кўрмадим. Соё бўйидаги харсангга ўтирганимча узоқ пойладим. Қуёш ботиб, оқ-шом пода қайтмади. Кўчани чангитиб ўтаётган моллар мўъраши, қўй-эчкиларнинг маъраган то-вушлари қулоққа чалинмади. Шу ерлик дўстим Абдумуталдан сабабини сўрадим.

— Пода барҳам топган, — Абдумутал қўл силтади. — Худди шаҳардаги сингари биз ҳам ўт, ем-хашак сотиб олиб боқишга ўтдик. Тўрт ҳайвондан уч бошини бозорга олиб бордим. Қарасам, ўтига кетган пул хунининг баҳосидан ошиб кетаркан. Уйга кирганда сезгандирсиз?


Сезгандайман. Синглимиз Барчинойнинг дастурхон ёзилгани ҳамон киши бошига тортиладиган қатиқ ва қаймоқли қосалари сиёраклашгандек эди...

Эртасига эринмасдан қишлоқ Советига кирдим. Қишлоқ Совети секретари, асли касби иқтисод-чи Эргашали Иброҳимов хомуш деди:

— Тўғри гап, ҳозир пода йўқолган. Яйлов қолмаёпти, қаерда боқамиз?

Адир ён бағирларига ҳам битадими-битмайдими, ёмғир ёғмаса қуриб кетадими, ғалла сепил-япти, картошка экиляпти, боғ бунёд этиляпти. Олдинлари қўшни Қирғизистон адирликларида боқиб келардик. Энди улар ҳам ҳушёр тортиб қолишди. Подани ўтказишмаёпти. «Чўпларимизни янчй-ди, ўзимизнинг ҳайвонларимиз бор», деб унамай қўйишди. Нимаям деймиз!

Мардонқул аканинг кўйиниб айтган гаплари тагин ёдимга тушди. Шу кетишда аллақачон йўқот-ган, қишлоқларда унут бўлиб кетган пода ва унинг ҳақидаги хотираларинигина эмас, уйда ҳайвон боқишни ҳам эсдан чиқариб қўямиз, шекилли.



Шокирали Нуралиев

ҚАРОРДА—ЯНГИЧА, АМАЛДА—ЭСКИЧА

Ҳозир пиллачиликка жиддий эътибор бериш талаб этилмоқда; у боши берк кўчага кириб қолди. Бу «кўча» куйидаги зиддиятли ҳолда ўз ифодасини топган: бир пайтлар ипак қурти тарқатиш муаммо эмас эди. Кишилар, «Пилла — чилги ҳосил. Бир ойгина ишлайсан, катта кўшимча даромад оласан. Ҳатто қоладиган шох-шаббасининг ўзи ҳам катта бойлик — ўтин», — дейишарди, олишардари. Энди эса рўйхатга ўз хоҳиши билан ёзилувчилар йил сайин камайяпти. Хўжалик раҳбарлари безиллашади: «Қуртни бу йил қандай тарқатиб оламиз экан-а!» Хуллас, қурт боқувчи камайяпти, аммо ипак маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёж ортса-ортяптики, камайяётгани йўқ. Бу зиддиятли ҳолни тезроқ бартараф этиш лозим. Лекин қандай қилиб?

— Бунинг йўли жуда осон, — дейишади. — Пилла ҳақини ошириш керак, вассалом! Ўзи нари борса бир ойлик ишу, аммо йилга татийди-да. Бола-чақа — уйингда неча жон бўлса ҳамманг эртаюк-кеч тиним билмайсан. Ҳақи эса оз. Ишига қараганда оз-да!

Биз ўйланиб қоламиз: шундай қилса олам гулистон бўлиб кетармикин? 60-йилларда пиллакорга 1 килограмм пилла учун 1,5 сўм атрофида ҳақ тўланарди. Ҳозир эса 6 сўм атрофида тўланмоқда. Неча баробар ортиқ? Яна қанча ошириш керак? Дарвоқе, биз «бўлди-е, энди тилло берса ҳам қурт тутмайман-е. Тўймаган қорним қурсин», — деган пиллакорларни ҳам кўп учратганмиз. Айтингчи, «тилло берса ҳам қурт тутишни истамаётган» кишини ҳақни ошириш билан қизиқтириб бўлармикин? Йўқ, албатта.

Энди масаланинг иккинчи томонига назар ташлайлик. Биз пиллакор ва саноатчи муносабатларини кўзда тутяпмиз. Бу муносабатлар ўзи ҳозир ҳам жуда оунақа силлиқ эмас. 1 килограмм ипакнинг нархи ҳозир 130—135 сўм. Чет эллик саноатчи-харидор ипакни бунча нархга сотиб олишни истамаётгани сир эмас. Дуруст, ўзимизнинг саноатчи оляпти. Бироқ давлат унинг зарарини ўз гарданига олаётгани учун оляпти. Энди янги қонунга кўра ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши йўлга қўйилгач, олармикин? Йўқ, албатта. Мабодо олганда ҳам, қиммат олдимки, қиммат сотамиз, деган шарт билан олади, қиммат сотади. Бундай олди-бердидан нима наф?! Қолаверса, муаммони нуқул «киш кўп, ҳақ оз»лиги билан изоҳлайвериш ҳам унақа тўғри эмас. Қурт боқишни истамаётганлар орасида шу иш, шу ҳаққа розилар ҳам бор. Розию, лекин қурт боқишни истамайди — жой масаласи чатоқ. Бир томондан аҳоли, иккинчи томондан ипак қурти кўпаяпти. Иккаласига ҳам жой керак. Жой эса йўқ. Қурт тарқатишда ёрдамлашиш учун райондан келган вакилга айтилган мана бу гапни эшитинг:

— Умрингиздан барака топинг, ука, унақа деманг. Эл-юрт ишидан қочган одам эмасмиз. Иккониимиз бор эди, бош қайтармай тутиб келдик. Тутсак, фойдасини биров эмас, ўзимиз кўрамиз. Иложи бўлса қани эди, иложий йўқ-да. Жой йўқ. Уч келин бир ҳовлида тиқилиб ўтирибмиз. Шу оғил бўш, холос. Шунга яраша беринг, майли, тутайлик. Шароитни ҳам ҳисобга олиш керак-да.

Дуруст, мана бу онаҳонда жой бор экан. Бор бўлса нега ипак қурти олишга боши қотиб ўтирибди? Қани, арзини тинглайликчи.

— Меҳнат билан одам бир нарса бўлмайди, — деди у. — Аммо ҳозирги ёшлар буни тушунишмайди. Қурт олманг, дейишади. Нуқул шу гап. Ўзимизни эмас, сизларни ўйлапмиз дейишади. Нафсиларини айтганда, уларнинг гапида ҳам жон бор. Барг олиб келиб беришади-ю, ҳаммаси шоша-пиша иш-ишига тарқаб кетади. Уйдаги ҳамма иш — печка ёқ, қуртга барг сол, гана кўчири, даста боғла — ҳаммаси чол-кампир иккаламизга қолади. Ўзи шу йилдан мазамиз йўқроқ. Бўлим бошлиғи эса, оласиз, дейишни қўймайди. Шунча ўғил, келин, набира — дастёр, сиз олмасангиз ким олади, дейди. У ҳам ҳақ. Икки ўтнинг орасида бошимиз қотиб ўтирибмиз.

Бироқ «боши қоти-иб ўтирган» фақат пиллакор онаҳонимиз эмас. Хўжалик раҳбарлари ипак қурти тарқатишга безиллашади, дедик. Лекин уларнинг ташвиши қуртни тарқатиб бўлишгандан кейин ҳам тугамайди. Ҳар кун иккун идорада жанжал. Масалан, «Барг топиб бер!» — деб жанжал қилишади. Тўғри, бир пайтлар барг танқис эди. Лекин ҳозир танқис эмас. Район, хўжалик бўйича олганда ҳатто ортиб қолиши ҳам мумкин. Аммо жанжал қарийб камайгани йўқ. Нега? Гап шундаки, ипак қурти боқиш коллектив асосида эмас, балки ҳозирги ифода билан айтганда, оилавий пудрат асосида олиб борилади. Киши то ўз қуртига даста қўйиб, тиниб-тинчиб олмагунча, баргини бировга бермайди. Эланиш-ёлвориш керак. Аввало кимда барг ортади-ю, кимда ортмайди — буни аниқлаш керак. Аниқлаш эса осон эмас. Бинобарин, жанжал учун асос сақланиб қолаверади. Жанжал барг масаласида бўлмаса, ташиш масаласида бўлади. Пудратчи мингта. Ҳаммаси ҳам, машина энг аввал менга келсин, деб талаб қилади. Раҳбар хўжаликдаги ҳамма машинаю тракторни барг ташишга жалб этган тақдирда ҳам, барибир, кам. Жанжалдан боши чиқмайди. Пудратчи

эса машаққатдан халос бўлмайди. Ким ёмон — бошлиқ ёмон. Аслида эса ипак қурти боқишнинг қарор топган тартиби ёмон!

Ҳозир бошлиқларнинг ташвишига яна бир ташвиш қўшилган. Бир совхоз директори йғилиш аҳлига қараб мана бундай нутқ сўзлаётганининг гувоҳи бўлдик.

— Яхшилаб эшитиб олинг, кейин эшитганим йўқ эди, деб биздан хафа бўлиб юрманг. Бўлди энди. Энди ким барғни далада бутаса, бутаб, шох-шаббани далада қолдириб кетса, сийламаймиз. Аямай жарима солаемиз. Судга беришгача борамиз. Шох-шабба далаларни шундоқ ифлослантириб юборяпти, ахир. Ариқларни кўмиб юборяпти. Узимизнинг дала, ўзимизнинг ариқ. Бировники эмас-ку. Наҳотки шуни тушунмайсизлар?! Бугундан бошлаб гап шу!

Орқа қаторларда пичир-пичирлар эшитилди:

— Гапираверади-да. Шохни олиб кетиб қаёққа кўямиз, нима қиламиз. Узи ғанани жойлолмай ётибмизу... Газ турганда шох ёқиб қозон қайнатиш кимга зарур.

Пахтачилик бригадалари бошлиқларининг ташвиши ҳам ўзларига етулик:

— Қурт боқиш айна яганалаш пайтига тўғри келиши жуда ёмонда. Ишчилар, қўлларига қурт тегдими, тамом, далага чиқишни таққа тўхтатишди. Яганалаш ўқувчиларга қолади. Уларнинг иши қанақа бўлишни ўзингиз биласиз. Ҳосилни аслида ана шу пайтда йўқотиб қўяямиз.

Район ташкилотлари, идоралари, корхоналари бошлиқларининг ташвиши-чи:

— Ходимларимизнинг кўпида қурт бор. Узида бўлмаса отасида, акиси ё уксисида бор. Ишга 1—1,5 соат кеч келади. Келиб ҳам мудрагани-мудраган бўлади. «Ҳа?» «Баркка борган эдик». Бу ёқда ягана-чопиқ топшириғи ҳам турибди. Қўйинги, шу бир ой бир бало бўлиб ўтади-да. Нима ҳам деймиз, райончилик экан... чидаймиз-да.

Эътибор беринг: «мудрагани мудраган бўлади». Катталарнинг ҳоли шундай экан, ўқувчи болаларнинг синфда ўтиришни ўзингиз тасаввур қилиб олаверинг.

Кўрдингизми, вазият дастлаб ўйлаганимиздан кўра мураккаброқ. Қурт боқиш ташвиши фақат пиллакорнинг эмас, аллақачон ҳамманинг ташвиши бўлиб қолган, социал масалага айланган.

Тўғри, ташвиш даражаси ҳамма жойда бирдек бўлмаслиги мумкин. Масалан, бир сўхбатдошимизнинг айтишича, аҳвол уларда жуда бунчалик эмас экан. Хўш, қандай экан? Жумладан, уларда ҳеч ким шох-шаббани далага ташлаб кетмас экан. Сабаби, ҳали уларга газ этиб бормаган, шох-шабба ҳамон катта бойлик — ўтин экан. Бундан қандай хулоса келиб чиқади? «Ҳали жуда унақа шошмасак ҳам бўлаверар экан»,— деган хулосами? Йўқ, албатта. Газ бугун бормаган бўлса, эртага боради. Зеро, шох-шаббадан бошқа ташвишларнинг ўзи ҳам бош қотириш учун етарли. Нима қилиш керак? Дарвоқе, бундай ҳол қандай юз берди ўзи?

Сўхбатдошимизнинг таклифини эсланг: «Бунинг йўли жуда осон. Пилла ҳақини ошириш керак, вассалом!» Бизнингча, бундай ҳол нуқул ана шу таклифга амал қилиб келганимиз туфайли юз берди. Нуқул ана шу осон йўлдан юрдиқ — нуқул пиллакорни моддий жиҳатдан қизиқтириш билан шуғулландик. Ишни энгиллатиш — тармоқни коллективлаш, механизациялаш, хуллас, sanoat асосига кўчириш эса эътиборимиздан четда қолди. Тўғрироғи, қоғозларда қолди, қолаверди, қолаверди. Ва... охир-оқибатда орттирганимиз шу бўлди — боши берк кўча.

Майли, ўтган ишга саловат. Ҳеч бўлмагандан кўра кеч бўлса ҳам бўлгани яхши. Аввал бундай қилмаган бўлсак, энди қилайлик. Бизнинг таклифимиз шу.

Шу билан гўё мақолага нуқта қўйсақ ҳам бўладигандек туюлади. Бироқ, агар шу билан нуқта қўйсақ, вазирамизни ниҳоятда юзаки, ҳатто айтиш мумкинки, ниҳоятда ноҳолис бажарган бўлар эдик. Эътибор беринг, «пиллачиликни sanoat асосига кўчириш эътиборимиздан четда қолди», дедик. Кейин унга, «тўғрироғи, қоғозларда қолди, қолаверди, қолаверди», — деб изоҳ бердик. Синчиклаброқ қарасангиз, бу икки мулоҳаза бир-бирига зид эканини сезасиз. Эътиборимиздан четда қолган бўлса, нега қоғозларга ёзилди, ахир? Оддий қоғозлар эмас, бажарилиши мажбурий бўлган бутун бошли қарорлар эди улар. Ва... уларни бажариш учун ҳаракатлар ҳам оз бўлмаган эди. Демак, ҳақиқат юзасидан айтганда, бу масала ҳар доим диққат-эътиборимизда бўлган, диққат-эътиборимизда бўлатуриб қоғозларда қолган. Ҳа шундай бўлган? Гап аслида ана шу саволга жавоб топишда. Бундан кейинги ҳаракатларимиз зое кетмаслигини астойдил бўлган эмиз; жавоб топишимиз даркор.

* * *

Маълумки, қишлоқ хўжалигини коллективлашдан кўзда тутилган асосий мақсадларимиздан бири уни sanoat асосига кўчириш — механизациялаш бўлган эди. Деҳқончиликнинг асосий воситаси — ерлар, иш қуроллари — омов, хўкиз, от, арава умумлаштирилди. Эгалари эса коллектив бўлиб бирлашишди, пахтачиликка ихтисослашишди. Бироқ пиллачиликнинг тақдири бошқачароқ кечди. Унинг асосий воситаси — тулар, табиийи, ерлар билан бирга умумлашди. Аммо асосий иш қуроли — қуртхоналар эга-эгаларида қолди. Чунки қуртхоналар қуртхона эмас, аслида бошпана эди. Бошпанани колхозга бериб бўлмас, дарҳол қуртхоналар қуриб олишга эса ўша пайтларда колхознинг қурби етмас эди. От-хўкизларни жойлаштириб олишнинг ўзи ҳам мушкул бўлган эди у пайтларда. Шундай қилиб, тўғри ҳамма биргаликда парваршилайдиган, қуртни эса ҳар ким ўз уйида боқадиган бўлди.

Шу ўринда яна бир нарсани назардан қочирмаслик керак. Тармоқ чала коллективлашишига фақат қуртхона масаласи ҳалақит берган эмас. Ишчи кучи масаласи ҳам бор. Колхозни тезроқ оёққа турғазишда ҳам, бинобарин, қуртхона масаласини тезроқ ҳал этишда ҳам асосий омил пахтачилик. Уни жадал ривожлантириш эди. Лекин механизация, химиянинг ёрдами ҳали етарли даражада бўлмаган дастлабки пайтларда жадал ривожлантиришнинг ўзи бўлмас эди, албатта. Қўл кучига зўр беришга тўғри келган, бутун куч шу тармоққа жалб этилган эди. Модомики, бутун куч пахтачиликка жалб этилган экан, пиллачилик учун қўшимча куч топиш керак бўларди. Қаерда эди ўша куч? Аввало колхозчиларнинг ватанпарварлик ташаббуслари, ғайрат-шижоатларида, қолаверса, уларнинг хонадонларида эди: болалар, кексалар, бошқа касб эгалари...

Шундай қилиб, пиллачилик чала коллективлашган, қолаверса, пахтачиликка тиркалган тармоқ бўлиб қолди. Уни тўла коллективлаш, тўла мустақил тармоққа айлантириш масаласини кейинроққа

суришга мажбур бўлган эдик. Бу «кейинроқ» қачон экани колхозларнинг моддий-техникавий имкониятлари билан боғлиқ эди: «Колхозлар махсус қуртхоналар қуриб ололадиган бўлганда... Пахтачиликда ишчи кучи тежалганда...» — деб эдик.

...Орадан йиллар ўтди. Улуғ Ватан уруши бўлди. Бу уруш биз айтган «кейинроқ»ни яна ҳам нарироққа сурди. Ниҳоят... қисман 60-йилларнинг бошларида, тўла равишда эса КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин (бу Пленумда қишлоқ хўжалигига материал-маблағ сарфлашни кескин кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган) моддий-техникавий шарт-шароит етилди. Ўз навбатида «махсус қуртхоналар қуриш, пиллачиликка ихтисослашган бригадалар ташкил этиш» масаласи ҳам кўзга олинди. Бу ҳақда бир эмас, бирин-кетин бир неча қарор қабул қилинди. Бироқ... асосий масалага энди етиб келдик, нега қурилмади? Нега ташкил этилмади? Гап шундаки, қарор ўз йўлида мана бундай мулоҳаза-тўсиққа дуч келди:

— Хўп, қурамыз. Лекин, маълумки, ипак қурти боқиш мавсумий иш, бор-йўғи 25—30 кун давом этади, холос. Қанча-қанча материал-маблағ сарфлаб махсус қуртхоналар курсагу, улар бир ой ишлаб, ўн бир ой бекор турса, бу бориб турган хўжасизлик бўлмайди! «Юқори» ўйланиб қолди. Кейин кўрсатмасини таҳрир билан баён этди:

— Қурт боқишда жамоат биноларидан, аввало, жамоат чорвачилиги биноларидан кенгроқ фойдаланилсин. Бундай биноларни бир йўла пиллачиликни ҳам назарда тутиб қуриш йўлга қўйилсин!

Мулоҳаза-тўсиқ бунга жавобан мана бундай деди:

— Хўп, жой масаласини шу йўл билан ҳал қилиш мумкин. Лекин бош масала — мавсумийлик масаласини-чи? Бу масала, барибир, ҳал бўлмай қолаверади-ку. Ихтисослашган бригада мавсумдан олдин нима иш қиладию, кейин нима иш қилади, нима билан тирикчилик қилади, ахир?! Кейин ҳалиги — бизга маълум таклифни ўртага ташлади:

— Тўғри, қурт боқиш оғир, одамлар қурт боқмаймиз, деб аста-а тутун қайтаришяпти. Ёрдам бермоқчи бўлсангиз, ҳақини ошириб қўйинг, агар ипак қурти яна талаш бўлиб кетмаса, мана, биз кафил.

«Юқори» яна ўйга толди. Ниҳоят... йўқ, қарорини ўзгартирмади, бироқ уни бажаришни энди астойдил сўрамай қўйди. Хуллас, қарорда бошқа, амалда бошқа бўлиб қолди. Қарорда — янгича, амалда — эскича. Боши берк кўчага шундай кирдик. Бу пиллачиликдан ҳам аввал пахтачиликда боши берк кўчага кириш эди.

Уйлаб кўринг: бир тармоқда тежала бошланган ишчи кучлари аста-секин бошқа тармоққа ўтказила борилмас экан, нима бўлади? Табиийки, иш билан уни бажарувчи ўртасида номувофиқлик юзага келади: иш оз, бажарувчи эса кўп. Фарғона водийсида пахтачиликда шундай ҳол юз берди.

Пахтачилик моддий жиҳатдан самарали тармоқ бўлиши учун амалдаги иқтисодий-агротехникавий планлаштиришга кўра бир пахтакор ишчига 2,5—3 гектар ер тўғри келиши керак. Шунда ўртача ойлик иш ҳақи, резервдаги 25 процент ҳақни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 120—130 сўмга тўғри келади. Планни ошириб бажарса, унда ҳисоб-китоб алоҳида бўлади. Хуллас, бундай шароитда ишлаш мумкин: пахтакор ишлашга рози. Бироқ амалда қандай бўлиб қолди? Масала, энг катта пиллакор областлардан — Фарғона областининг Фрунзе районидан бир пахтакор ишчига ҳозир бор-йўғи 1,7 гектар ер тўғри келади — ер оз, ишчи кўп. Қарабсизки, пахтачиликда ишлаб рўзгор тебратиш мушкул бўлиб қолди. Одамлар аста-секин ўзларини четга торта бошладилар. Бу — тармоқ боши берк кўчага кириб қолганидан дастлабки далолат эди.

Нима қилиш керак? Бу ҳақда Фарғона водийсида ўйлашди, албатта, ўйлашмади эмас. Ўйлашдию, бироқ фалати йўл топишди: аста-секин техникани четга суриб қўя бошлашди. «Ҳа?» «Э... бегона ўтни гербицид билан йўқотсак, ғўзани машина билан чеканкаласак, пахтачи машина билан терсак, одамларга ишни қаердан топиб берамиз?!» «Қарабсизки, жамият 50—60 йил тер тўкиб яратган илмий-техникавий потенциал йўқ қилинди. Лекин, табиийки, мурод ҳосил бўлмади. Аксинча, аҳвол баттар мураккаблашди. Энди — техниканинг ёрдамисиз — ўша оз, 1,7 гектар майдондаги ишни ҳам вақтида, сифатли бажариш мумкин бўлмай қолди. Ҳашарчи керак! Ҳашар-ҳашар шундай авж олдики, райондаги Жўки шоирлардан бири «Шаҳарликлар далада, далачилар бозорда» деган «асар»ини ўша пайтларда яратган эди. Шаҳарликлар далада экан, райондаги ўқувчилару ишчи ва хизматчилар қаерда бўлганини айтиб ўтириш шартмикин? Далачилар нега бозорда экани тушунарли. Маош ўзи шундоқ ҳам кам эди. Энди ўша «кам» дан ҳашарчиларга ҳам улуш бериш керак. Умид қаердан? Томорқадан-да! Бозордан-да! Шундай қилиб, район хўжалигининг бош тармоғи, бош тирикчилик манбаи — пахтачилик пахтакорнинг иши эмас, балки амалда ўқувчининг, ҳашарчининг иши бўлиб қолди. Тармоқ боши берк кўчанинг бошига бориб қолди.

Вазиятдан чиқиш учун ўша пайтларда қурилган чора-тадбирлардан яна бири тўғрисида ҳам тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Бу — ер очиш эди. Фрунзе районининг кун ботар тарафи тўқайзор. Ўрқач-ўрқач қум барханлари ястаниб ётарди. Ана шу тўқайзор «жасорат майдони»га айланган эди ўша пайтларда. «Ҳа?» «Э... аҳоли кўпайяпти — боқиш керак. Ишчи кўпайяпти — ер керак. Деҳқоннинг зўри ер очар. Бободехқонларимизнинг васияти шундай!» Шундай очишдики, шифо бўлади, деб қумга тушувчилар ҳаял ўтмай қумтепа ахтарадиган бўлиб қолишди. Янги ерлар бечора Оролнинг ризқини қанчасини ҳамими экан? Фақат унинг ризқиними? Қанча-қанча пешона тер, қанча-қанча материал-маблағ шимими экан. Аммо бу ерларда тузук-қуруқ ҳосил битганини ҳали биров кўрган эмас.

Дарвоқе, ер очишнинг бошқа усули ҳам бор эди. Бу — чорванинг ризқини қийиш эди. Сигирнинг тили йўқ, албатта. Зеро, бедадан яшириб қол, пахта эк. Маккадан яшириб қол, пахта эк ва ҳоказо. Шундай қилиб, чорвачиликни ҳам боши берк кўчага тикишди. Яна «аҳоли кўпайяпти, боқиш керак» эмиш. Ғўё аҳоли сут ичмайдигандек, гўшт емайдигандек. Аслида эса буларнинг ҳаммаси хўжалик юритиш соҳасидаги нўноқлигимизни, хатоларимизни яшириш, ёпиш учун уриниш эди. Хатони яширганимиз сари у илдиз отиб, кенгайиб бораверди. Охир-оқибатда нафақат пахтачилик, нафақат пиллачилик, нафақат чорвачилик, умуман қишлоқ хўжалиги боши берк кўчага кириб қолди. Хатони яшириб бўлмайди. Шоир айтадики, «Ешлик софлигига ким қайтмас қани,

адашган йўлидан ким қайтса, шу мард!» Партиямизнинг мардлиги ана шунда — хатоларни тан олиб, покляниб, қайта қуриш сари бошлаганида бўлди.

Қайта қуриш бу, бизнинг мавзумиз доирасида, аввало, ишчи кучларини тармоқлараро тўғри тақсимлаш, шу асосда пиллачиликни тўла коллективлаш, тўла мустақил тармоққа айлантириш, sanoat асосига кўчиришдан иборатдир. Ишчи кучи етарли! Бунга кўриб ўтдик. Хўш, қуртхоналарчи? Қуртхоналар ҳам етарли. Чорва бинолари йилнинг қарийб 6 ойида — айна қурт парваришланадиган пайтда бўш туради. Мутахассислар билан бирга қилган ҳисоб-китобларимизга қараганда, масалан, юқорида тилга олинган район Охунбобоев номли совхозининг 2-бўлимидаги молхоналар бўлимида боқиладиган жами қуртнинг 50 фоизини, 4-бўлимидаги молхоналар эса бўлимида боқиладиган жами қуртнинг ҳаммасини сиғдирар экан. Ваҳоланки, бу бўлимлар совхоздагина эмас, балки районда ҳам энг кўп қурт боқиладиган бўлимлардан ҳисобланади. Энг кўп қурт боқиладиганларида шунчалик. Агар ўртача ҳисоб-китоб қилинса-чи? Унда жой етарли, деб айтиш мумкин.

Хўш, техника воситалари-чи? Борми ўзи пиллачиликка доир техника? Бор! Олим-конструкторларимиз аллақачон — 15—20 йил аввал яратиб қўйишган. Пиллачилик тарқоқ бўлгани учун фойдаланилмай келиняпти, холос. Фойдаланилмагани учун унутиб юборилган, холос. Масалан, барг кескиш, буташ машинаси яратилган. Сунъий даста яратилган. Пиллани лосдан тозалаш машинаси яратилган. Энди қуртхоналарни иситиш масаласига — пиллакорларни энг кўп қийнаётган масалалардан бирига келсак, қуртхона ҳарорати ва ҳаво намлигини автоматик равишда тартибга солиб турадиган, электр қуввати билан ишлайдиган кондиционер ҳам яратилди. У ёғини сўрасангиз, қуртхоналарни оддий усул — буғ илган иситишнинг ўзи ҳам ҳозир пиллачиликка катта тараққиёт бўлади. Бироқ бунга ҳам қурт боқиш марказлашгач эришиш мумкин. Ҳамма ўзича ўт ёқиб, тутунга ботиб ўтирмайди. Битта қозонга ўт ёқилса, ҳамма қуртхона бирдан исийди. Шундай қилиб, пиллачиликка бор-йўғи битта муаммо қолади. У ҳам бўлса мавсумийлик муаммоси. Мулоҳаза-тўсиқ ёдингизда: «Ихтисослашган бригада мавсумдан олдин нима иш қилади, кейин нима иш қилади, нима билан тирикчилик қилади, ахир?!»

Жавоб берамиз.

* * *

Энди гап тут ҳақида боради.

Маълумки, пахтачиликка ихтисослашган бригада бир йилда бир марта — икки ой хирмон кўтаради. Бошқа пайтда давлатга ҳеч нарса бермайди. Уша хирмонни яратади, яъни ерни боқади, ғўза парваришлайди, вассалом. Бунинг учун давлатдан бўлғуси хирмон юзасидан аванс ҳақ олади. Тирикчилиги ўтапими? Ўтапти. Пиллакор ҳам тирикчилигини худди шундай ўтказди. То давлатга ҳосил топширгунча ана шу ҳосилга замин яратади — тут парваришлайди. Тут — ҳам шифобахш, ҳам мазали, ҳам тўйимли неъмат. Тут — мол-ҳўлимиз учун озуқа. Тут — ипак, яъни кийим-бош. Тут — ўтин. Хуллас, тут — барака-қут, деб бежиз айтилмаган. Халқимиз шундай дер, тутга муносабати ҳам шунга яраша эди. Бироқ ҳозир «тут парваришlash» деган гап баъзи бировларга ҳатто эриш туолиши мумкин:

— Экиб қўйсанг бўлди, ўзи ўсаверади деган нарса. Уни нимасини парваришлайсан?!

Йўқ, баъзи бировларнинггина эмас, балки аксарият кишиларнинг тутга бўлган муносабати ҳозир шундай. Статистика ҳам, ўз кўзимиз билан кўрганларимиз ҳам бунга тасдиқлайди. Кейинги 15—20 йил мобайнида далаларимизга шу қадар кўп тут экилдики, агар нормадагиси — 100 тадан 80 таси кўкарганда ҳам ҳозир, лоф эмас, бутун республикамиз тут ичида қолган бўларди. Ваҳоланки, ҳали ҳам барг танқислигидан шикоят қиладилар. Сабаби — қаровсизлик. Қаровсизлик орқасида, айтиш мумкинки, 100 тадан 10 таси ҳам кўкараётгани йўқ. Бешта-олтитаси, ўшалар ҳам ариқлар ёқасига, яъни табиий қулай жойларга экилган бўлса, кўкаряпти. Умуман тутлар ҳозир на микдор, на сифат (ипаклилик) жиҳатдан кўзда тутилган даражада барг бераётгани йўқ. Иккинчи (кузги) барг ҳосили эса, болалар унда-бунда сидириб ёки хазонини супириб олаётганини демаса, бутунлай йўқ бўлиб кетяпти. Энди мевасига келсак, у аллақачон отлиққа ҳам топилмайдиган неъматга айланиб қолгани маълум.

Бундай муносабат ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Юқорида айтганимиздек, жамиятимиз тараққиётининг дастлабки босқичида шарт-шароит тақозосига кўра тут парваришlash ва ипак қурти боқишни — табиатан битта, ўзаро боғлиқ бўлган нарсани бир-биридан ажратган, «бу — вақтинча» деган эдик. Аммо кейинчалик унинг вақтинча эканини унутдик, пайдо бўлган ҳолатга кўникдик, «ўзи азалдан шундай» деб мулоҳаза юрига бошладик. Бу мулоҳазага кўра, қаровсизки, пиллачилик бу — «фақат ипак қурти боқиш, мавсумий, яъни бор-йўғи 25—30 кун давом этадиган иш» бўлиб қолди. Тутчилик эса йўққа чиқди. «Экиб қўйсанг бўлди. Пахтага қўйилган сувдан ичаверади. Пахтага солинган ўғитдан озиқланаверади. Тагини юмшатишми? Таги — пахтанинг увати-да. Пахтанинг уватини чопиш — тутнинг тагини чопиш-да.» Хуллас, тут ҳамманики (рус халқ мақолида айтилишича, ҳамманики бўлган нарса ҳеч кимники эмас), яъни эгасиз бўлиб қолди. Қаровсизлиги аввало шундан эди. Бундай ҳолга энди чек қўйиш керак.

Тўғри, чек қўйишга уриниш аввал ҳам бўлган, «ихтисослашган доимий тутчилик бригадалари ёки звенolari ташкил қилиш» кераклиги тўғрисида кўрсатмалар берилган. Бироқ бу кўрсатмалар, бир томони, тутчиликнинг сунъий айримлигига асосланган бўлгани учун ҳам амалга ошмаган. Аҳволни яхшилашнинг бирдан бир йўли, бизнингча, тармоқдаги табиийликини қайта тиклаш, бунинг учун ихтисослашган доимий тутчилик-пиллачилик бригадалари ташкил этишдан иборатдир.

Алоҳида парваришланадиган бўлгач ва селекция ёки пайвандлаш йўли билан энг мақсадга мувофиқ навлари кўпайтирилгач, тут яна барака-қут бўлиб қолиши шубҳасиз. Чунончи, бригада энди нафақат пилла, балки мева ҳам етиштирадиган бўлади.

Энди тутнинг иккинчи барг ҳосилидан қандай фойдаланиш масаласи ҳам кун тартибига қўйилди. Тўла ҳўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шариотида бу масала, табиийки, талаб-эҳтиёжга қараб ҳал этилади. Пиллага яна талабгор (харидор) бор, дейлик, унда тутнинг иккинчи барг ҳосилидан яна ипак қурти озуқаси сифатида фойдаланган маъқул. Диққат қилинг, биз бир йилда икки марта ипак қурти парваришlashни таклиф этмокдамиз.

Шундай қилиш амалда мумкинмикин? Бизнингча, мумкин. Аммо таклифимизни асослашга алоҳида тўхталмасак бўлмайди. Чунки бир пайтлар бундай иш бефойдагина эмас, балки зарарли ҳам экани тўғрисида кўп гап-сўз бўлган, махсус адабиётларда бу масалага ҳатто алоҳида боблар ажратилган.

* * *

Бир йилда икки марта ипак қурти парваришlash... Бутун куч пахтачиликка жалб этилган, ипак қуртини бир марта боқишнинг ўзи кони машаққат билан бўлган пайтларда уни икки марта боқиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди, албатта, гап бўлмаган ҳам. Аксинча, бир марта боқишга ўтиш рағбатлангирилган. Ташвиқот-тарғибот асосан Фарғона водийси пиллакорларига қаратилган. Чунки ипак қуртини асосан улар бир йилда икки, ҳатто уч марта боқишарди-да. Нега? Сабаби оддий эди: водий қадим-қадимдан энг кўп қурт боқиладиган ўлка бўлиб келган, колхозлаштиришдан кейин ҳам шундай бўлиб қолди, зеро юки бошқаларникига қараганда анча оғир эди. Қурт боқишга қанча кўп қўшимча куч топилмасин, барибир, ўлка бу юкни кўтаришга қийналар, кўпинча планини бажаролмай қолар, кейин на илож, қарзни узиш учун икки, ҳатто уч марта қурт боқишга мажбур бўлар эди. Бундай ҳолда, табиийки, пахта ишига икки ҳисса кўп халал етар, сифат ва самарадорлик эса ниҳоятда пасайиб кетар эди. Ипак қуртини икки марта боқиш бефойдагина эмас, балки зарарли ҳам, деган фикр ана шу йилларда тўғилган эди. Фикр тўғилдими, энди уни асослаш керак. Асослашарди: биринчидан — ёзги, кузги боқишда ҳосилдорлик ва ипакчилик (сифат) паст бўлади. Иккинчидан — озуқа базасига (тутга) пугур етади. Баҳорда қурт боқишга барг етарли бўлмай қолади, дейишарди. Ва тегишли статистик маълумотлар келтиришарди. Шундай қилиб, бир йилда икки марта қурт боқиш тарихий тараққиётимизнинг айна босқичидагина эмас, балки умуман бизнинг иқлим шароитимизда бефойда, ҳатто зарарли экани илмий жиҳатдан асосланган бўлиб чиқарди. Аслида эса улар илмийликдан кўра кўпроқ ташвиқий гаплар эди. Буни англаш учун ўша статистик маълумотларга синчиклаброқ қараш кифоя. Тўғри, 1961 йили республика бўйича ёзги, кузги пилладан олинган хом ипак баҳорги пилладан олинганига қараганда 2,1—2,3 процент кам бўлган. Аммо 1958 йилнинг баҳорги пилласидан олинганига қараганда-чи? 0,8—0,6 процент ортиқ бўлган.

Яна: 1963 йили ёзда Фарғона водийсида ҳар қути ипак қурти ҳисобига 48,8 килограмм хирмон кўтарилган. Тўғри, бу шу йилнинг баҳорида етиштирилганидан кам. Аммо бошқа йилларнинг баҳорида етиштирилганидан-чи? Масалан, 1958 йилнинг баҳорида етиштирилганидан 2,8, 1959 йилдагидан 4,6, 1960 йилдагидан 0,3, 1961 йилдагидан 5,3 килограмм кўп-ку! Бу маълумотлар нимани кўрсатади? Такрорий қурт боқиш бефойда, ҳатто зарарли экани ҳақидаги «илмий асос» асоссиз эканини, ҳамма гап диққат-эътиборда, моддий-техникавий шарт-шароитда эканини кўрсатади. Эътибор бўлса, етарли шарт-шароит яратилса, ёзда ҳам баҳордагидек ҳосил олавериш мумкинлигини кўрсатади. Биз, ҳозир шундай шарт-шароит яратиш имконияти мавжуд, деяпмиз. Мавжудлигини юқорида кўриб ўтдик.

Озуқа масаласида ҳам гап шу: тут ҳосили кам бўлиши ипак қурти икки марта боқилганидан эмас, балки асосан қаровсизлигидан эди. Хуллас, ёзишларига қараганда, Япония, Хитой пиллакорлари ипак қуртини бир йилда 7 мартагача боқишар экан, бизда 2 марта боқиш имконияти бор экан, бу имкониятдан фойдаланиш керак. Агар иложи бўлса, демоқчимизки, табиий барғни узоқ сақлаш, сунъий барг яратиш, ипак қуртини бошқа дарахлар барғига ўргатиш, бир йилда бир неча бор ўриладиган ўтсимон ўсимлик (скорционер) билан боқиш юзасидан олимларимиз олиб бораётган тажрибалар муваффақиятли чиқиб қолгудек бўлса, йил-ўн икки ой боқсак ҳам зарар қилмайди.

Баҳсдошларимизнинг яна бир тоифаси бор. Дуруст, улар ипак қуртини икки марта боқиш фойдали эканига шубҳа билдиришмайди. Фақат бу ишни ҳозирги шароитда амалга ошириш мумкинлигига шубҳаланишади. «Ҳозир пахтачиликда зарарли ҳашоратларга қарши курашда заҳарли химикатлар ишлатилмоқда. Шунинг учун ипак қуртини икки марта боқиш имкони йўқ. Биологик кураш методини тўла ўзлаштириб олайки, ана ундан кейин икки марта боқсак бўлаверади», — дейишади. Ҳўш, биз нима деймиз? 1961 йили республикаимиз бўйича такрорий равишда 54 минг қути, 1962 йил 54,3 минг қути ипак қурти парваришланган. Уша йилларда ҳам пахтачиликда зарарли ҳашоратларга қарши курашда заҳарли химикат ишлатилган, халақит бермаган эди-ку, деймиз. Ҳамма гап интизомда, технология, агротехника қоидаларига қатъий риоя қилишда, деҳқончилик маданиятида, деймиз.

Ҳозир яна анча қулай вазият юзага келган. Зарарли ҳашоратларга қарши курашда асосан ерда юрувчи воситалардан фойдаланилмоқда. Биологик метод самарали экани амалда исботланди. Бу методни ўзлаштириб олганлар энди бармоқ билан санарли эмас, кўп. Зеро, адресларини келтириб ўтирмаймиз. Улар ҳақида матбуотда етарлича ёзиляпти. Хуллас, биологик метод тўла ўзлаштирилишини кутиб ўтирмаслик керак. Аксинча, сусткашларни шоширмоқ лозим. Ипак қуртини икки марта боқишни йўлга қўйиш бунда, айниқса, таъсирли чора бўлади.

Икки марта боқишни йўлга қўйиш нафақат тутдан, балки пилла етиштириш ва қайта ишлаш воситаларидан ҳам бир йилда икки марта фойдаланиш имконини берадики, буни иқтисодчилар асосий фонд самарадорлигини ошириш дейдилар. Самарадорлик икки ҳисса ортади. Тасаввур қилиясизми, працент эмас, ҳисса!

Лекин... эҳтимол пиллани бунча кўпайтиришга эҳтиёж йўқдир: харидор топилмас. Ёки пилладан кўра гўшт-сутни кўпайтириш заруракдир. Унда тутнинг иккинчи барг ҳосилидан чорва озуқаси сифатида фойдаланайлик. (Маълумки, чорва учун тўйимлиликда барғнинг олдида тушадиган ўт кам). Бу — бир қадар жўнроқ иш. Аммо шу «жўн» деганимиз ҳам ўйлашга мажбур этади. Барғни қандай йиғиштириб оламиз? Одатдагидек қўлда сидириш анча машаққатли. Қолаверса, кўп вақт олади. Ҳатто ихтисослашган бригада ҳам вақтида тўла сидириб олишга улгуролмаслиги мумкин. Айтганча, гап тармоқни саноат асосига кўчирish устида кетаётган бир пайтда «қўлда сидириш» ҳақида ўйлашнинг ўзи яхши эмас. Ундан кўра барг сидирадиган машина яратиш ҳақида ўйлаш керак. Эҳтимол химия ёрдамга келар? Балки барғни новдаса билан кесиб олармикида, кейин

сидирармиз: машинани шунга мослаб яратармиз. Балки баргли новдани мавжуд машиналарда масалан, «ДКУ», «ИГК»ларда) майдалаб, молларга солаверармиз: новда нишхўрд сифатида қолаверар? Хуллас, ўйлаш керак. Барака-қутнинг катта қисми бекордан-бекор йўқ бўлиб кетишига ортиқ йўл қўйиб бўлмайди-ку, ахир. Бу ҳақда ўйлашни конструктор-олимларимиздан илтимос қилайлик-да, ўзимиз сўнгги масала — бир пайтлар катта бойлик — ўтин ҳисобланган, энди эса замоннинг зайли билан чиқитга айлана бошлаган, «далаларимизни шундоқ ифлослантириб юборётган шох-шабба» масаласига ўтайлик.

* * *

Ипак қуртини бир йилда икки марта боқиш йўлга қўйилгач, чиқит кўпайиши, бинобарин, масала ҳам жиддийлашиши шубҳасиз. Ваҳоланки, ҳозир ишлаб чиқаришнинг барча соҳасида чиқитсиз технологияга ўтиш талаб қилинмоқда. Бу — ҳам иқтисодий, ҳам экологик зарурат. Ўйлаш керак: тутчилик-пиллачилик саноат асосига кўчаётган янги тармоқ экан, бир йўла замонавий, яъни чиқитсиз технология асосида ишлайдиган бўлсин-да. Биз ўйладик. Таклифимиз қуйидагича:

Ҳозир фақат тут шох-шаббаси эмас, миллионлаб тонна ғўзапоя ҳам далаларимизда қолиб, ишга ҳалақит бера-бера чириб, йўқ бўлиб кетяпти. Ваҳоланки, улар ҳам лабораториявий, ҳам амалий йўл билан аллақачон исботланганидек, тахта-фанер тайёрлаш учун қипиқдан қолишмай-диган хом ашё бўлиши мумкин. Агар тахта-фанер тайёрлаш цехлари қуриб берилса, пиллакорларнинг бир қисми қурт боқиш мавсумлари оралиғида тут парваришlash билан бир пайтда ўзлари тайёрлаган хом ашёни ўзлари қайта ишлашади. Кишилар ипак мато кўпайганидан қанча қувонишса, тахта-фанер кўпайганидан ҳам шунча қувонишлари шубҳасиз.

Яна: ғўзапоя, шох-шаббага махсус ишлов бериб, маҳаллий ўғит тайёрлаш-чи? Тупроқ структурасини яхшилашда маҳаллий ўғитнинг аҳамияти беқиёс экани, бироқ бундай ўғит эҳтиёжга нисбатан беқиёс даражада кам экани ҳозир инкор этиб бўлмайдиган факт эмасми? Агар пиллакор тахта-фанер билан бирга ўғит ҳам тайёрласа, бу, ишончимиз комилки, деҳқон учун нур устига аъло нур бўлади. Шундай қилиб, тутчилик-пиллачилик йил бўйи чиқитсиз технология асосида ишлайдиган агросаноатга айланади.

Мақоламызга ана энди нуқта қўйсак бўлади. Сўнгги сўз ўрнида қиладиган қўшимчамиз шуки, бу таклиф-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашганимизда бир хўжалик раҳбари аввалига маъқуллади. Кейин эса чуқур хўрсинди:

— Тўғрилиқка тўғрику-я... Лекин жуда қийин-да, қийин! Ҳамма нарса айтишга осон. Амалда-чи? Бу айтганларингиз бўлиши учун камида 15—20 йил керак.

Биз ҳам осон демоқчи эмасмиз, албатта, қийин қийинликка. Лекин «қийин» деб ўтираверсак, 15—20 йилдан кейин ҳам бўлмайди. Ишга қанча тез киришсак, шунча яхши. Кўриб ўтдикки, моддий-техникавий база бор. Фақат диққат-эътибор керак. Қачон амалга ошиши фақат шунга — ўзимизга боғлиқ.



ХАЛҚ ДАРДИНИ ЖОЙЛАДИМ ДИЛГА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ШУКРУЛЛО БИЛАН
АДАБИЁТШУНОС НУЪМОН РАҲИМЖОНОВ СУҲБАТИ

— Шукрулло ака, суҳбатимизни шеърят тўғрисида, бугунги инқилобий қайта қуриш даврида шеър ва шоирнинг ўрни, роли, аҳамияти хусусида бошласак.

— Очиғи, ана шу суҳбатимиз бир неча ойдан бери чўзилиб келаяпти. Лекин тўғриси айтганда, бу гаплар кўнглимга сиғмай турибди. Ҳозирги кунда гап маҳорат ҳақида эмас, шеърят ҳақида эмас. Ҳозир шундай бир замон бўлаяптики, қайта қуриш даври, одамларга ҳақиқатни сингдириш даври, поклик билан напокликнинг курашаётган бир даври. Унутилаёзган демократия, ошкораликни кишилар онгига сингдириш учун кураш кетаётган, халқимиз бошига қанча-қанча кулфат солган Сталин шахсига сиғиниш даврининг иллатлари фош қилинаётган, Оролдек азим денгиз қуриб республика ҳаётига таҳдид қилаётган, пахтазорларда одамлар заҳарланиб, айрим хотин-қизлар устларидан керосин қўйиб, ўзларини ёқаётган бир даврда, менимча, ҳозир шеърый шаклга солиб, нимадан бошлайман, деб қофия ва вазн излашнинг фурсати эмас.

Ҳозирги кунда эртадан кечгача бутун хаёл публицистик мақолалар ёзиб, жамиятнинг ўзини бир тартибга солиб олсаммиким, деган дард билан яшаяпман.

— Бу қадар катта ижтимоий ва маънавий-ахлоқий масалаларни ёлғиз публицистик мақолалар билан ҳал этиб бўлармикан! Тўғри, публицистикани адабиётнинг разведкачиси, дейишади. Публицистиканинг ҳам, шеърятнинг ҳам ўзига хос ифода йўллари, воситалари, шакллари бор. Бу жиҳатдан у шеърятчалик инсон маънавиятини чуқур кўриш, кўрсатиш ва таъсир ўтказиш иқтидорига эгамикан! Бу борада бирдан иккинчисини устун қўйиш бироз эриш туюлаяпти. Тўғри, кейинги йиллар шеърятимизда публицистик руҳ жудаям кучайиб кетди. Шавкат Раҳмон, Мухаммад Солиҳ, хоҳ Усмон Азим ёки Мирза Кенжабоев изланишларини оламизми, деярли барча авлодга мансуб шоирларимиз шеърларда публицистиканинг кўпгина ижтимоий вазифаси аслида шеърят ўз зиммасига олгандек туюлмайди!

— Тўғри, шеърятнинг даври билан бевосита алоқаси бўлади. Лекин шу кунларга қиёс қиладиган бўлсак, шеърнинг вазифаси бироз заифлашиб қолди. Жамиятда ёниб турган жараён кетаётган бир пайтда шеърят ўз вазифасини публицистикадек адо этишда ожизлик қилаяпти.

Сизга айтсам, ҳар бир даврнинг ўз чавандозлари бўлади. Адабиётда ҳам шунга ўхшаш чавандозлар бўлган. Чавандоз, деганда фақат от минганни тушунмаслигимиз керак. Йўқ, туянинг ҳам, эшакнинг ҳам чавандози бўлади; 20-йиллар адабиётининг чавандози Ҳамза, Абдулла Қодирий, Чўлпон десак, 30-йилларга келиб Фафур Фулом, Ойбек, Яшин, Ҳамид Олимжон, Ғайратийларда ўз даврининг савияси, руҳи бор. 30-йиллар адабиёти шулар номи билан боғлиқ. Ундан кейинги давр — Миртемир, Зулфия, Мамарасул Бобоев. Ҳар бир даврнинг ўз туркум ёзувчилари бўларкан. Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом, Шуҳрат, Туроб Тўла, Саид Аҳмадлар авлоди ҳам ўзи бир давр. Шу даврда ҳам ўзига хос бир нарсалар яратилди. Ундан кейин Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Абдулла Ориповлар авлоди ҳам бир боқчи. Кейинча, Рауф Парфи, Мухаммад Солиҳ, Миразиз Аъзам, Усмон Азимов, Хуршид Даврон — булар ҳам ниҳоятда ўзига хос. Ҳаммаси ўз даврининг чавандозлари дейиш мумкин. Қайси бири илғору қайси бири заиф?! Масалан, бугунги кунда Рауф Парфи, Усмон Азим, Мухаммад Солиҳ расм бўлиб қолди. Шеърлари халққа ёқпти, олқиш олаяпти. Баъзан, ижод давр китобхонининг савияси талабига, даврнинг вазифасини бажаришга қараб ҳам баҳоланар экан. Ахир, шахсга сиғиниш даврини оладиган бўлсак, кимки Сталинни, пахтани ўринлатиб мақтай олса, ҳамма чапак ўшаники эди.

Энди, бугунги кунда шоир ижодининг аҳамиятини одамларнинг чапагига қараб баҳолаш мумкинми? Шу ўринда чапак ҳақида бир нарсани айтиб қўяй. Баъзан чапакка қарши бўлсам, баъзи шоирлар мендан хафа ҳам бўлаяпти. Адабиётнинг ижтимоий кучини, аҳамиятини, салмоғини залда ўтирганларнинг чапаги билан ўлчаш касали деса ҳам бўлади, пайдо бўлди. Ошкоралик даври экан, бир нарсани айтиб ўтишим керак. 40-йилларнинг охири, 50-йиллар бўлиши керак. Ўзбекистонда энг кўп чапак оладиган шоир Чустий эди. Фафур Фулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзодалар Чустийнинг кетидан юрарди. Чустий шундай оммалашиб кетдики, биринчи планга чиқиб қолди. Номи айтилса бас, чапак чалинавверарди. Энди, у даврлар ўтди; ҳозир бошқа давр. Энди, ўша пайтларда чапакларга кўмилиб кетган Чустийнинг номи қаёқда-ю, чапак олмаган Ойбекнинг номи қаёқда. Бу — енгил шухратга мойиллик белгиси. Бир рус шоири айтган эди: «Оммалашини, ном чиқаришни ташкил қилиш мумкин; лекин боқий шухратни фақат истеъдод, меҳнат эвазига, яхши асар билан таъминлаш мумкин». Чиндан ҳам телевизор орқали, учрашувлар орқали, танқидчилар, ошна-оғайнигарчилик орқали оммавийликка эришиш мумкин. Баъзан биз чапакка учиб, истеъдоднинг баҳосини залнинг тўлалигига, олқишларга қараб баҳолаймиз.

— Бу ерда шеър савияси, шеърхонлар диди, даврнинг умумий савияси масаласи ҳам бор-ку, уни ҳисобга олмаслик мумкин эмас-да.

— Биз шеърхоннинг, китобхоннинг дидини юксалтириш, савиясини кўтариш учун доимо қайғуришимиз керак. Яқинда ёзувчи Одил Ёқубов билан суҳбатлашдим. Б. Пастернакнинг «Доктор Живаго» асари тўғрисида гаплашиб қолдик. Одил: «Новий мир» журнаlining биринчи сонида чиққан қисмининг дастлабки бўлимини ўқиш жуда қийин бўлаяпти», деди. Шундан кейин мен ҳам ўқимай қўя қолдим. Келиноингиздан сўрасам, у ҳам «ўқилиши жуда қийин экан, тортиб кетмаяпти» деди. Куни кеча Одил Ёқубов билан гаплашсам, «Шукрулло ака, биз энгил нарсага ўрганиб қолган эканмиз, — деди. — Асарнинг бошланishi ўқиймиш, ўртасини варақлаб кўрамиз; муҳаббатли, оилавий, маиший масалаларми, сюжетлими, сал тортиб кетмаса, йиғиштириб қўямиз; фалсафий нарсаларни, бунда нима демоқчи, ўйлашга сабримиз етмайдиган бўлиб қолибди. Ёзувчи бўлганлигим учун, қани охиригача ўқийчи, деб чидам билан биринчи қисмини ўқиб бўлувдим, журналнинг кейинги сони қачон келаркинга тушиб қолдим. Бу Михаил Шолохов даражасидаги ёзувчи экан. У ҳаётни шу қадар теран биларканки, воқеаларга фалсафий қарарканки, атроф-теварагидаги воқеалардан шунақанги фалсафий хулосалар чиқарар эканки, ёқамни ушлаб қолдим», — дейди.

Ҳаётдаги камчиликлар ҳақида, жамиятдаги нуқсонлар тўғрисида, уларни келтириб чиқарган омиллар ҳақида шу қадар ўзича ёндашишлар, таҳлиллар борки, бунга унча-мунча одамнинг ақли етмайди. Ва унча-мунча ўқувчи ҳам бу асарни ўқиймайди. Унга бекорга Нобель мукофоти берилмаган. Ҳозирги даврнинг қадрига шунинг учун етиш керакки, у истеъдодларни, истеъдодли асарларни, ёзувчи меҳнатини, инсон меҳнатини қадрлайдиган вақт келди.

Ҳали чапак деганим, биз ўқувчини, китобхонни, шундай жиддий асарларни ўқишга, малака ҳосил қилишга, сабр-чидамгаёам ўргатишимиз керак.

— Шу боисдан ўқувчиларнинг савияси шоир-ижодкорлар савиясига боғлиқ, деган ҳақиқат ҳам бор. Негаки, нафис санъатни англаш, шеърнинг маъносини ўқиш, мағзини «чақа» билиш ҳам ижтимоий ҳодиса. Юксак дид тарбияси бир ойда ёки бир йилда самараси кўрина қоладиган нарса эмас. У ҳар бир даврда ҳам ижодкорлар зиммасидаги ижтимоий вазифанинг таркибий бир бўлаги ҳисобланади.

— «Жавоҳирлар сандиғи» асаримда ҳам ёзган эдим. Бозорга борган одам ўз эҳтиёжини қоплаши истайди. Кимдир олтин тақинчоқ олганидан хурсанд, биров эса, ёмғирда қолмасам бўлди-ку, деб эски калиш олганидан хурсанд. Шеърятнинг савиясини, ўқувчиларнинг дидини ўша эски калиш олиб ўз эҳтиёжини қоплайдиган, бозордан мамнун қайтган харидорнинг савиясига тушириб қўямаслиги лозим. Шеърятни ўшаларнинг савияси билан баҳолашмаслигимиз керак. Шунинг учун, ҳеч бир шоир «мен бугун чўққи бўлиб қолдим» деб мағрурланмаслиги керак. Уларни давр ҳал қилади. Кейин биз, адабиётимизни, шеърятимизни фақат ўзимизнинг республикамиз миқёсида, доирасида ўлчамамлигимиз ҳам керак. Мағрурланмаслик учун юксак чўққиларга ҳам назар солиб туришимиз лозим. Уларнинг сирларини излашимиз керак! Расул, Чингиз, Евтушенколар қандай қилиб дунёга машҳур бўлди? Уларнинг ижодий сирлари нимада? Бизда энг яхши асар деб мақталган, чапак олаётган ёзувчиларнинг асарлари ҳатто бирор марказий журналларда босилмаслиги, улар Чингиз ёки Абуладзе асарлари каби баҳсларга сабаб бўлмаслигининг сирини нимада? Шуларни ўргансак бўлмайми? Нима учун бизнинг адабиётда ҳатто энг яхши шоирман, деганлар ҳам Бутунитифоққа чиқолмаяпти? Бу ўта миллийликдими? Ахир, шундай бўлса, Расул миллий эмасми? Шоир, ўзи аввало ахлоқан тоза, ибратли одам бўлиши керак. Шоир ўз талантига ниҳоятда ишонган бўлиши керак. У хушомаддан, риёдан, амалдорларга таъзим-тавозе қилишдан ниҳоятда йироқ бўлиши керак.

— Шукрулло ака, кейинги пайтда ошкоралик деган ифода сўзлашувда ҳам, газеталарда ҳам, радио-телевидение эшиттиришларида ҳам энг кўп ишлатиладиган сўз бўлиб қолди. Бугунги сўзлашув нутқимиздаги ва ёзувдаги энг машҳур ифодага айланди, десак янглишмаган бўламиз. Ошкораликни сиз қандай тушунасиз ва тушунтирасиз? Дилдаги билан тилдаги ҳақиқатнинг бирлиги, дейиш мумкинми? У шеърятнинг олдига қандай вазифалар қўяётир! Ана шу жараёнда шоирнинг, ижодкорнинг бурчи нималардан иборат, деб биласиз!

— Ҳамма нарса ошкораликда билинади. Ошкоралик — бу аслида, яширин нарса йўқ, дегани. Мана, ўша Евтушенкони олайлик. Йигирма беш ўттиз ёшлигида КПССнинг Бош секретари Хрушчев билан баҳсга киришган. Бу ниманинг маҳсули; сабаби нимада? Евтушенко, Андрей Вознесенскийлар ўз фикрига, ўз талантига, ижодининг боқийлигига, ўзининг ҳақлигига ишонган. Афсуски, шоир ўзига ишонмаса у шоир эмас. Ваҳоланки, биз баъзиларни талантли, яхши шоир деб айтаман, лекин «феъли кўрсин» деймиз. Нега? Чунки инсон сифатида ўз талантига ишончи йўқ. Баъзан риё қилиб қўяди. Амал, мартаба учун риёга боради. Ваҳоланки, ўзига ишонган шоир, ўша Евтушенколардек, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақиқатни айта олиши керак. Ахир, Насимийни, Машрабни эслайлик. Улар дор остига тикка боришган-ку. Уша пайтда ҳам ёлғон гапирмаган, риё қилмаган-ку.

Ана шулар бизга ҳам, ёшларга ҳам ибрат бўлиши керак. Ҳозир ошкоралик вақтида ҳақиқатни айтишга ўрганишимиз керак.

— Чинакам ижод ҳеч қачон мукофотлар билан белгиланмайди, шекилли.

— Мутлақо.

— Классик шеърятнинг асл намуналарини оламизми, Ойбек ёки Мақсуд Шайхзода ва Миртемирнинг классик шеърларини оламизми, ўша пайтда мукофотни ўйлаб ижод қилишмаган-да.

— Ҳозирги пайтда мукофот олиш, мукофот бериш бир одат ҳам бўлди. Ҳаммамизда «чиллаки чиллакини кўриб чумак уради», дегандек мукофотга, унвонга интилиш ҳам бўлди. Шу ўринда анча бурун ўзим билан бўлиб ўтган бир воқеани эслай. Бир суҳбатимда ҳам айтган эдим, шекилли. Бир адабиёт ихлосманди билан суҳбатлашиб қолгандим. «Ойбек ўлибди», деганимда, у «Ия, анови ёзувчимиз», деди. Мен атайлаб, «Олий Советнинг депутати эди», дедим. У «мен унинг депутатлигини билмайман», деди. Атайдан «СССР Давлат мукофотининг лауреати-да», десам, у «лауреатлигини билмадим», «Навоий» романини ёзган ёзувчи-да. «Ўзбекистон ёзувчилар союзининг раиси ҳам бўлган эди» десам, «Буни билмадим» «Қутлўғ қон» романини ёзганлигини билман», деб жавоб қилди. Мана, кўрпачисми, шу нарса ҳам бизга ибрат бўлмоғи керак. Унвонларинг бўлса-ю, асарларингни ҳеч ким билмас, асарларингни ҳеч ким ўқимаса. Бирор асарингдан, шеърларингдан, драмангдан ёки насрингданми, бирор оғиз мисол келтириб айтолмаса. Бу фожиа.

— Баъзан ўзбек ижодкорларининг асарлари марказий журналларда чоп этилмаслиги, Иттифоқ миқёсига кўтарилмаслигига кўпинча яхши таржимонларнинг йўқлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Бунга қандай қарайсиз!

— Бу баҳона, холос. Ўз заифлигимизни тан олмаслик. Аслида бунга сабаб, асарларимизда умуминсоний масалаларга алоқадор теранликнинг йўқлиги! Расул Ҳамзатов ёки Одил Ёқубов асарлари таржимаси ҳаммага маъқул ва машҳур бўлди-ку! Ошна-оғайнигарчилик билан иттифоққа танилиш қийин.

— Шукрулло ака, агар янглишмасам, биринчи шеърингиз эълон қилинганига ҳам ярим аср бўлди, чамаси.

— Тўғри, роппа-роса эллик йил бўлди.

— Эллик йиллик адабиётимиз, шеърятимиз тарихини яратишда фаол иштирок этиб келган ижодкорлардан бирисиз. Ҳозирги кунда туриб босиб ўтилган йўлга, ортингизга бир қараганда адабиётимиздаги қайси ютуқлар иттифоқ миқёсидан эътироф этилганлигидан мамнуният ҳиссини туюсиз! Қандай хатолар бўлдики, уларни ачиниш билан эслайсиз! Ана шу эллик йиллик жараёнда ижодкорларнинг ва шу жумладан, ўз хатоларингизни нимада деб биласиз!

— Бу саволларга жавоб бериш учун биз даврни айблай олмаймиз. Умуман, ҳақиқатни айтиш ҳеч қайси даврда ҳоким синфга ёққан эмас. Ҳеч бир жамият нуқсонлардан холи бўлмайди. Шунинг учун ҳақиқий шоир жамиятга ўз муносабатини билдирад экан, у мансабдор табақаларга хуш келмаслиги табиий. Шундай бўлгандан кейин, замонасозлик қилдими, демак, ҳамма айб шоирда, замона эмас.

— Шу хусусда конкрет мисол келтиришингиз мумкинми?

— Конкрет мисол шуки, диктовка билан шеър ёзмаслик керак. Масалан, пахта ҳақида шеър ёзиб беринг, дейишса, дарров «пахта яшасин» деб мақтаб шеър ёзиб ташлаш — бу замонасозликнинг ўзи-ку. Масалан, шунинг оқибатида шеърятимиз 50-йилларда риторикага ўтиб кетди. Аксарият шоирларимиз замонасозлик қилди. Пахтадаги кўзбўямачилик 80-йилларга келиб фош қилинди. Аслида, бу жараён — кўзбўямачилик 46-йиллардан кейин, 50-йилларда бошланган эди. Масалан, Ждановнинг 46-йилги докладыдан кейин айниқса адабиётимизда риторикага мойиллик кучайиб кетди. Даврга ёқаман деб, молсламан деб, Ҳаётни бўяб кўрсатиш авж олди.

Лекин ҳаётни тўппа-тўғри, бежамасдан, Шолоховга ўхшаб, Таардовскийга, Анна Ахматовага ўхшаб, Зошченкога ўхшаб, салбий ва ижобий томонларини ёзганлар ҳам ўз позициясида қатъий тура олди.

— Тўғри, Шукрулло ака, ижодий авлодлар силсиласи ҳам ўн-ўн беш йилда алмашиб, бир-бирини тўлдириб боради, деймиз; ҳар бир наслининг адабиётга кириб келиши, ижодий авлод сифатида шаклланиши ва ўзлигини намоён этиши бу борада бош омил ҳисобланади. Негаки, давр ва ҳаёт ҳар бир ижодкорлар авлоди зиммасига доимо янги-янги вазифалар юклаб келган. Зеро, ҳар бир даврнинг ўз муаммолари, ўз ҳақиқатлари бўлар экан-да! Шу маънода, эллик йил бадалида Сиз мансуб ижодкорлар авлоди олдида қандай вазифалар турган эди, деб биласиз! Халқнинг юмушини енгиллатишда, халқнинг дардини айтишда, юрагидаги ва тилининг учидан турган ҳақиқатларни шеърга солишда улар нималарни айта олди-ю, яна нималарни айта олмаганлиги кўнглида армон бўлиб келмоқда!

— Энди, буни фақат мен мансуб авлоднинг вазифалари, деб бўлмайди. Чунки ҳамма даврда ҳам рие қилганлар бўлади. Навоий даврида ҳам подшоҳларни мадҳ этганлар билан бирга ноҳақликни Ҳусайн Бойқарога очик айтганлар ҳам бўлган. Мен адабиёт ҳақиқатнинг, одам руҳиятининг ифодаси, деб тушунаман. Анна Ахматова, Твардовский, Расул Ҳамзатовлар ҳамма адабиёт — инсоннинг ички дунёси, ана шу дунёга фаол муносабати, деб билишган. Мана шу нуқта назардан қаралса, масала ойдинлашади. Масалан, мен:

Вужудимни тилиб тилка-тилка
Айла, виждонимни сотмайман,
Халқ дардини жойладим дилга
Улай, ўлимдан ҳам қайтмайман, —

деган сатрларни 1938 йилда ёзганман. Ижодни халқнинг дарди, юраги деб тушунганман. Халққа бўлган бу муҳаббат, бу дард, ҳаётдаги ноҳақликлар, салбий ҳодисаларни ҳис этиш, унга муросасизлик, унга бўлган ички бир тўғандан туғилади.

Тахминан, 1930 йиллар, 9—10 ёшларим чамаси, ўша йилларда бойларни, домларни қулоқ, бадарға қилиш бошланган пайтлар, маҳалламизнинг комиссияси Маманбек ҳар ҳафта-ўн кунда қоровул пули, ҳовли солиғини текшириш баҳонаси билан эшигимиздан «ҳо, қори домла», деб гапириб келарди. Домла сўзига алоҳида урғу берарди. Яъни бу билан отамни домла, деб чўчитмоқчи. Чўчитиб бир нарса ундирмоқчи бўларди. Солиқларни тўплаш муддати ўтган бўлса, тинтув қилиш, уй бисотларини олиб чиқиб кетиш билан кўрқув соларди. Район молия бўлимининг вакили Шамсихўжа уйимиздаги нарсаларни ёзиб, палон кунгача налог тўланмаса, олиб кетишини айтгани ҳали-ҳали эсимда.

Ахир булар адолатданми!

1930 йилларда холамнинг ўғли, поччам халқ душмани, деб қамалиб кетди. Болалари билан опам бизни кўчиб келди. Уйлашимиздаги норозиликлар, ноҳақликдан нолишлар албатта, менга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. Уша йиллари энг машҳур, шеърлари ёд бўлиб кетган Усмон Носирнинг қамалиши... албатта, талабалар орасида ҳайратга, турлича гап-сўзларга сабаб бўлган эди. Шуларнинг натижаси ўлароқ дастлабки шеърларимдаёқ халқ дардини ҳис этиш, ноҳақликка нафрат ўз аксини топа бошлади.

Хоҳ тўхтаган бўлсин, хоҳ чиқарсин сас,
Гар мили бўлмаса, у соат эмас.
Кимдаки сўнибди халқига меҳр,
Хоҳ тирик, хоҳ ўлган — инсон саналмас.

Яъни, қайси замонда бўлмасин, халққа муҳаббатдан, фидойилиқдан бўлак шеърятда ҳеч нарсани ўйламаслик керак. Ана шу ўринда, даврнинг эмас, шоирнинг ожизлиги ва афзаллиги ҳам билинади. Ким замоннинг қули бўлиб қолади, ким замонга ёрдам қилиб, нуқсонлардан фориг этмоқчи бўлади. Қайси даврда бўлмасин, шеърнинг вазифасини тўғри тушунган шоир чинакам шоир бўлиб қолаверади.

Фалаклар ёнди оҳимдан
Муродим шаъми ёнмасми?

Шу шеърни ҳар гал ўқиганимда, қонимга сингиб кетганлигини сезаман. Шеърят ҳақида гапиргудек бўлсам, биринчи галда шу сатрлар ёдимга келади. Мана, ёш шоирлар орасидан Муҳаммад Солиҳ, Усмон Азимов, кейин Мирза Кенжабоевлар шеър техникасини, услубини ниҳоятда мукаммал ўзлаштирган шоирлар. Уларнинг сўзларида ҳам, вазнда ҳам сакталик йўқ. Фикри теран. Ёзувчилар союзимизда олти юзта аъзо бор. Буларнинг ҳар бирини адабий жараёнда у ёки бу даражада маълум ҳиссаси бор-ку...

— Лекин ҳамма аъзолар ҳақида бундай деб бўлмайди. Негаки, китоб чиқариш, матбуотда шеър эълон қилиш — бу ҳали адабий жараёнда фаол иштирок этиш эмас-да, Шўкрулло ака. Конкрет фикр юритиш керак, дейдиган бўлсак, ўнлаб шоирлар номини келтириш мумкин. Адабиёт савиясини, китобхонлар савиясини шу хилдаги шоирларнинг шеърӣ тўпламлари туширади. Танқидчилик, адабий жамоатчилик тагин ҳам савиясиз шеърларга тоқат қилиб келаяпти. Узил-кесил фикрини билдирмаяпти. Шеърӣ жараёнда кенг палак ёзган ўртамиёначиликнинг илдизларидан бири ана шу бадийӣ бўш шеърга бепарволик эмасмикан! Маза-матрасиз, тутуруқсиз шеърларнинг кўплигини нима билан изоҳлаш мумкин!

— Айрим танқидчиларимиз фаолиятида ғалати бир одат бор. Рус танқидчиларида эса бу нарса йўқ. Масалан, ҳозирги проза ҳақида фикр юритадиган бўлса, улар гапни Горькийдан ёки Фединдан бошламайди. Ҳозирги шеърят ҳақида гапирадиган бўлса, Маяковский, Есенин демайди. Лекин, афсуски, бизда, албатта гапни оқсоқоллардан бошлаб келиш одат. Бу ҳали ошкораликнинг етишмаслиги, адабиётимизга шу кунларда етарли ҳисса қўшаётган ижодкорнинг ютуқларига тўғри ёндоша олмаслик оқибатидир.

Бир танқидчи бор. Қайси мақоласини олманг, нуқул оқсоқол адиблардан тушиб келади. Ҳатто, ўша шахсга сиғиниш даври деймизми, турғунлик даври деймизми, шундаям «ижобий роль ўйнаганлар ким» дейишса, фақат оқсоқолларни тилга олади. Ёки айниқса «жабр» чекканлар қаторида кейинги пайтда Абдулла Қаҳҳор номи кўп айтиляпти. Ваҳоланки, Тоҳир Малик «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги «Ёзувчининг бахти ва бахтсизлиги» номли мақоласида тўғри ёзибди: гарчанд, Рашидов билан Абдулла Қаҳҳор муносабати яхши бўлмаса ҳам, у киши Давлат мукофотини олди, олти томлиги чиқди, юбилейида Марказий Комитетнинг барча аъзолари бориб ўтирди; Алишер Навоӣ театри биносига ўтказилди. Абдулла Қаҳҳор танқид қилинган бўлса танқидчи жабр деб тушунмаслик керак. Ундай бўлса, жабр чекмаган қолмайди-ю. Жабр чекканлар деганда Мақсуд Шайхзодани, Мирзақалон Исмоилийни, Шўхратни биринчи навбатда айтиш керак. Ахир Шўхрат Рашидов билан муносабати ёмонлиги сабабми ёки қамалганлиги сабабми, на юбилейлари ўтказилди, на унвон ололди. Ҳатто, танқидчиларнинг умумий рўйхатида тилга олинмай келди. Мана, буни жабр торган дейиш мумкин.

— Шеърят ва шеърӣ жараён масалаларидан бироз чалғиб кетдик, шекилли.

— Танқидчилик билан боғлиқ адабий жараёндаги тенденциозлик ҳақида гапирмоқчиман-да. Бу ҳам адабиётимизни камбағаллаштиришга олиб келади. Қаердаки тарафкашлик бор экан, ўша ерда адабиётнинг шўри қурийди. Бой адабиётни ғариблаштиради; парчаларга ажратиб ташланади; яхлитлик йўқолади. Турғунлик даврида Турғун Пўлатнинг «Ичкучёв» асари яратилган эди. Унда обком секретари, райком секретарининг хатолари, тергов органларидаги порахўрликлар очиб ташланади. Бундан ўн беш йил олдин, «ура-ура»чилик даврида шундай асарларни ёзиш осонмиди? Турғун Пўлатнинг бевақт ўлимига шу асари орқали чеккан жабрлари сабаб бўлмадимикан, деб ўйлайман.

Уйғун ёки Абдулла Қаҳҳор шундай жабр кўрганми? Уйғун шу жабрни бошидан кечирганими? Кечирмаган. Борис Пастернакнинг «Доктор Живаго» асари тақиқ қилинган эди, ҳозир чиқаяпти. Уқувчилар А. Твардовскийнинг тақиқланган «Хотира ҳуқуқи» асарини ўқияпти. Уйғун билан Абдулла Қаҳҳорнинг қайси асарлари тақиқланган эдию, ҳозир бадийӣ юксак саналиб, эътибор билан ўқияпти? Нима учун айрим танқидчилар турғунлик даври.ёки жабр кўрганлар ҳақида ёзадиган бўлса, фақат Уйғун билан Абдулла Қаҳҳорни топиб олган?

Булар ниманинг оқибати? Бу — ўша тенденциозлик, тарафкашлик белгиси. Оқибатда, ўзимиз билиб олган уч-тўртта муаллифдан бошқасини ўқимаймиз. Ваҳоланки, танқидчиликнинг вазифаси у ёки бу ёзувчини мақташ, танқид қилишига эмас, талантларни топиш, халққа танита олиш ҳам-да! Сатира ҳақида гапирадиган бўлсак, унда социал масалалар бўлиши керак. Абдулла Қаҳҳор комедияларининг зўрлиги шундаки, унда одамларнинг оғзига тушадиган ҳикматли гаплари бор. Орқа этагини кўтариб бошига ёпса — буни сатира ёки комедия, дейилмайди. Буни циркдаги масхарабозликлардан сира фарқи йўқ.

— Дарҳақиқат, турли савиядаги хилма-хил асарлар кўплаб эълон қилинган; ҳозирги кунда ҳам чикиб ётибди. Ҳаётнинг ўзи шафқатсиз ҳакам, дейишади. Шу маънода, ёзувчиларнинг ўрнини, асарларининг аҳамиятини давр элакдан ўтказаркан; ҳаётнинг ўзи саралаб қўяркан. Танқидчиликнинг рўйхатига тушмаслик, муаллифлар номи биридан олдин ёки биридан кейин саналиши, барчаси нисбий ва шартли, ижодкорнинг адабиётдаги ўрнини белгилай олмайди. Шўкрулло ака, эллик йиллик шеърятимиз тарихининг фаол иштирокчиси, гувоҳи сифатида айтинг-чи, ижодда сараланиб қолиш, пучкака айланиб кетмаслик учун шоирга талантнинг ўзи kiffo қилармикан? Ёки давр дардини, ҳаёт ҳақиқатини айтиш муҳимми! Бу борада бирон мезон бўлиши мумкинми!

— Талант дегани — ҳаёт ҳақиқатини айтишнинг ўзи эмас. Ҳақиқатнинг нима эканлигини танилай билиш — талант. Ҳаёт ҳақиқати нима? У ҳам умумий бир тасаввур. Кейин, ўша ҳақиқатни ҳақиқат сифатида, ҳаққоний қилиб ифодалай билиш зарур. Бунда — ҳамма гап бадийятда.

Фафур Ғулом буюк шоир. Лекин ўн томлигини бир текис ўқиб бўлмайди. Сабаби, бирдек савиядаги асарлар эмас. Ўн томни ўқиб бўлгунча Фафур Ғуломдан одамнинг шахди қайтиб қолиши мумкин. У қандай яшаган ва ишлаган, қанақа хаёллар, орзулар билан банд бўлганлигини билиш учун ўн томлигини чиқардик.

Мана, масалан, менинг ўзим бирон жойга бориб шеър ўқиб керак бўлса, «Қайси шеъримни ўқий», деб эртадан кечгача шеър танлайман. Шоир ўзига баҳо бера олмайди. Энг яхши шеърини топиш ва айтишга қийналади. Шунинг учун «Ҳамма шеърим яхши, қотириб ташлаганман», деб мақтанмаслигимиз керак. Ана шу бир дақиқалик ҳолат шоирнинг ҳамиша кўз ўнгига туриши керак. Шунинг ўзи ҳар бир шоир учун бир мактаб, сабоқ.

— **Шукрулло ака, комил шахсни тарбиялаш ҳар бир даврда адабиётнинг демакки, шеърятнинг ҳам бош мавзуси бўлиб келган. Бугунги шеърятимизнинг энг асосий мақсади ҳам тўқис шахсни, инсондаги инсонийликни тарбиялашга, намоеън этишга муносиб ҳисса қўйиш. Сизнинг шеърятингизда инсонни мукамаллаштирувчи омиллар кўпроқ куйланади. Ва ана шу — дўстлик, яхшилик, олижаноблик, феъли кенглик, саховат, меҳр улашиш, бенуқсон бўлиш ва ҳ. з. омиллар инсоний комилликни таъминловчи, маънавий-ахлоқий гўзалликни, шунингдек, ҳаётнинг боқийлигини белгиловчи етакчи хусусиятлар шеърятингизнинг бош пафосини ташкил этади. «Инсон ва яхшилик», «Инсон инсон учун», «Мезон», «Кун ва тун» сингари қатор туркумларингиз мундарижасида ушбу масалаларни фалсафий идрок ва ифода этиш устивор. Шу маънода, кенг ўқувчилар ҳам, танқидчилик ҳам Сизни файласуф шоир, деб билади. Боя Фафур Ғулом шеърятининг фалсафий мазмуни ҳақида қисман тўхталиб ўтган эдингиз. Чиндан ҳам, Фафур Ғулом, Мақсуд Шайхзодани шарҳ классиклари Навоий, Бедил, Бобур сингари файласуф шоир, деб биламиз. Шу ўринда фалсафий шеърятимиздаги аънава ва новаторлик хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдим. Классик шеърятимиздаги фалсафий йўналишнинг қайси томонлари бугунги кунда давом эттириляпти? Фалсафий поэзиямизнинг келажагини қандай белгиларда кўрасиз!**

— Шеър — бу катта фикрларни, умуминсоний, дунё тақдирига алоқадор фикрларни қамраб олиши керак. Тинчлик ҳақида шеър ёзиш керакми? Еки Афғонистондаги, Хиндистондаги воқеаларни шеърга олиб кириш керакми? Булар «Ахборот»да ҳам айтилиб турибди-ку. Ҳаётга фалсафий қараш; ҳаётнинг яхши-ёмон томонларидан чиқарилган бадий ва умуминсоний хулосалар ижод маъзини ташкил этади.

Шеър аслида панд-насиҳат, яшасинбозлик, ақл ўргатишдан холи бўлиши керак. Ҳозир ошкоралик даври, ҳақиқатни айт, деган билан шеър туғилавермайди.

Ҳозирги шеърятимизда ҳам, китобхонда ҳам эски аънаваний шеърятнинг таъсири кучли. Халқимиз дидактикага жудаям мойил. Сўфи Оллоёр ҳам, Маҳтумқули ҳам, умуман, классикларимизда социал масалалар кўпроқ ахлоқ билан боғлаб талқин қилинган. Маърифатпарварлик даврида илм-маърифат кенг тарғиб қилина бошланди. Кейинги совет даври шеърятимизни олинг, унда меҳнат, тинчлик, жамяят ҳодисаларига муносабат масалалари асосий ўринга кўчди. Эндиликда дидактика мавқеини йўқотди. Одамлар ҳам «бизга насиҳатингни қўй, бўладиган гапни гапир, масаланинг моҳиятини айт, келиб чиқаётган сабабини айт» дейди. Рауф Парфи, Муҳаммад Солих, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Миразиз Аъзам каби шоирлар — масаланинг моҳиятини айтяпти. Улар гапни бевосита қурашдан, ўзини безовта қилган дардлардан бошляпти.

— **Бугунги шеърятимизда интим кечинмалардан тортиб Маяковскийона минбар шеърларгача, кундалик мавсумий шеърлардан то табиатга, севги-муҳаббат ва сиёсатга доир асарларгача бор. Баъзан шеърларни ватанпарварлик, граждандлик, манзара шеърлари деб мавзулар билан белгилаймиз. Шунга сизнинг муносабатингиз!**

— Шу пайтгача ватанпарварликни, граждандликни бир ёқлама тушуниб келдик. Шеърятда ватанин сев, партияга садоқатли бўл, халққа жонингни қурбон қил, дейиш ғоявийликка кирмайди. Ваҳоланки, табиатни куйлаш ҳам ватанпарварлик. Масалан, мен чучмўна ҳақида, лолақизғалдоқ ҳақида, ариқларда жилдираб оқаётган сув ҳақида шеър ёздим. Қишдан қолган, тегирмоннинг тағидеги яхлари, энди эриётган кўлмақдан балиқларни ушлаганимни шеър қилдим. Хўш, улар ўқувчининг ҳиссида сингадими? Қаерга бормасин, «оҳ, ўша болалигим ўтган маҳаллам», «ёшлигим», дейдими? Ўзи униб-ўсган жойларни ёдга оладими? Ахир, шунинг ўзи табиат орқали ватанпарварлик ҳиссини сингдириш эмасми?

— **Ҳозирги кунда ҳақиқат учун, адолат учун курашиб ноҳақ жабр чекканларнинг тақдири ҳақида, тарихимизда рўй берган сохталаштиришлар ҳақида ошкора гап кетмоқда. Бугунги ошкоралик, демократия, қайта қуриш даврида лола, гунафша ҳақидаги шеърлар одамларнинг кўнглига унча сиғмайди. Табиат ҳақидаги шеърларни ҳам инкор этиб бўлмайди, албатта. Уларнинг ҳам ўз вазифаси бор. Лекин Шукрулло ака, сиз яхши биласиз, шу гўзалликлардан баҳра ололмаган, улардан маҳрум қилинган вақтлар ҳам бўлди. Мана сизнинг ўзингиз...**

— Тўғри, мен ҳам туҳматга учраганман. Лекин Нўъмонжон, биласизми, у кунлар ҳақида сўзлаш эмас, шу вақтга эслашга ҳам тоқатим бўлмаган!

— **Лекин ҳозир шундай бир давр келдики, хоҳлайсизми-хоҳламайсизми ҳаётнинг ўзи эслашга, сўзлашга мажбур қилади. Ўша адолатсизликларнинг сабабларини очиш, гарчанд сиз учун оғир бўлса ҳам, ҳамма ўша хатолар такрорланмаслиги, ҳозирги ёшлар учун, ҳозирги кишилар учун жуда катта аҳамиятга эга. Тўғри, ўша вақтда сизларга туҳмат ёғдирилган. Лекин ўша туҳматчилар ким, туҳмат нимадан иборат, тасаввур учун. Гарчанд эслаш оғир бўлса ҳам...**

— Мана бир мисол: «ахир, оқерредан қачон қутуламиз», деган бир гап учун, «Бу — совет тузумидан норозилик», деб қамашган. Еки «Усмон Носир талантли шоир» деганин учун «Сен халқ душманини тарғиб қиляпсан», деб айблашган. Мендан «Усмон Носирни ўқиганмисан?» деб сўрашди. «Ҳа, ўқиганман» дедим. «Қандай шоир эди, қайси асарларини ўқигансан», дейишди; «Талантли шоир эди», дедим. «Унинг душманлигини, қамалганлигини билмайсанми?» «Биламан», дедим. «Совет ҳукуматига душман одамни талантли деб мақтабсанми, душман одамнинг ёнини олганин учун, демак, сен ҳам халқ душмансан; бу совет ҳукуматига, совет қонунига ишонмаслик» дейишди. Ўша вақтда нуқсонларимизни айтолмаганмиз. Шунинг учун ўша «очеред» ҳалигача чўзилиб келаяпти. Агар нуқсонларимизни ўша пайтдаёқ очиқ-ойдин айтишга ўрганганимизда, бугун балки «беочеред» нарса олишга одатланган бўлармидик?

Бугунги қайта қуриш, демократия даври шунинг учун ҳам инқилобийки, у одамларга оқни оқ, қорани қора ҳолида кўришга ва айтишга, ҳақиқатни қарор топдиришга асос соляпти. Бу — одамларнинг онги учун, қалбининг покланиши учун кечаётган кураш, аслида. Ана шу ошкоралик жараёнида ёзувчининг ўрни-чи? Роли-чи?

Ҳозирги кунда фикр кўп айтиляпти. Лекин унинг ҳаками ким? Ким уларни амалга оширади? «Сен ҳақ» ёки «ноҳақсан», деб хулоса чиқарадиган ким? Балки ҳозирги давр фикрлар жамланаётган бир даврмикан? Назаримда, бизнинг вазифамиз шундаки, ана шу айтилаётган фикрлар юзасидан хулоса чиқаришни тезлатиш; тўғри хулоса чиқаришга ёрдамлашиш. Шахсий ҳукмронликлардан, бўйруқбозликлардан тезроқ қутулишимиз, демократияни тезроқ оёққа қўйишга эришишимиз лозим. Ошана-оғайнигарчиликдан, гуруҳбозликдан тезроқ қутулишимиз керак. Демократиянинг асосида ҳам халқ манфаатлари ётади, шахсий истаклар, манфаатлар эмас.

— Кейинги пайтда экология, табиатни муҳофаза қилиш, тилга, тарихга муносабат масалаларида газета-журналларимизда адибларимизнинг куйинчаклик билан, дард билан ёзилган мақолалари кўплаб эълон қилинди. Биргина Бўстонлик районининг муҳофазаси масалаларини олайлик. Ёзувчилар союзида ўтган бир қатор йиғилишларда капралактам, химия заводлари хусусида озмунча гаплар бўлдим; капралактам заводининг атроф-муҳитни булғаётгани, ҳавони ифлослантириб, одамларга, экинларга, дов-дарактларга қанчалик зарар етказётганлиги конкрет таъкидлаб ўтилди. Лекин ижодкорларнинг дарди қанчалик оғир, фикри қанчалик салмоқли бўлмасин, қуруқ оғзида қолиб кетаяпти; уларни бартараф этувчи саъй-ҳаракатлар, амалий фаолиятлар кўринмапти, сезилмаяпти.

— Сизга бир гапни айтай: ҳозир, Бўстонликни ҳимоя қилиб чиққан, гапирган ёшларимизни кунни кеча баъзи кекса ватанпарварларимиз райкомга чақириб, ҳатоларини тушунтириб қўяйлик, деган мақсадда суҳбатлашибди. Мана шунинг ўзи тазйиқ кўрсатиш эмасми? Демократияни тушунмаслик эмасми? Бу нега керак бўлиб қолди? Сталин даврининг таъсири ҳали бизнинг қониимиздан кетгани йўқ. Шахсга сиғиниш даврининг, яқна ҳоқимлик, юқоридан тазйиқ ўтказиш ҳалиям йўқолгани йўқ. Буни ёшлар қилаётгани йўқ. Кексалар қиляпти. Чақирган ҳам кексалар. Тўғри, уларнинг меҳнати, хизмати бор. Бунга қарши эмасман. Ҳозир демократияни тушуниш керак. Мен бўлсам, уларга шундай савол берган бўлардим: «Ёшларни чақириб Бўстонликни, Оролни ҳимоя қилиб гапирганлари, табиатни муҳофаза қилгани учун танбеҳ бермоқчи бўлибсизлар; қани, нимада айбалоқчи бўлаёсизлар? Ёшларнинг гапида Ватаннинг зиёни учун айтилган бирор сўз борми? Ёки ёшларнинг дарди Ватан, халқ манфаатларидан келиб чиқмаяптими? Уларнинг хатти-ҳаракати Ватанга қаршими? Йўқ! Шундай экан, нега уларнинг овозини бўғиш керак?» Мана шуларни биз баъзан тушунолмай қоламиз, тагига етолмаймиз. Бунда халқнинг фикридан келиб чиқмаслик, халққа суянмаслик бор. Бу хусусда конкрет мисол келтиришим мумкин.

Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида Қорақалпоғистон Автоном Республикаси Олий Совети Президиумининг раиси Ешимбетова Оролни ҳимоя қилиб чиққан айрим ёзувчиларимизни танқид қилиб, айблади. Қизик, биров қорақалпоқ халқи қирилиб кетмасин, касалга дучор бўлмасин, Оролни сақлаб қолайлик, деб халқнинг манфаатини ёқласа, жон куйдирса-ю, «Сенинг нима ишинг бор, бизнинг халқимизга тўхмат қиляпсан», деб дашном эшитса! Буни қандай тушуниш мумкин? Бу ҳам — тазйиқ, ҳам амалпарастликнинг энг юксак кўрилиши. Бу — амални сақлаб қолиш учун жон ҳалаклик.

Кунни кеча республика Ёзувчилар союзидаги Оролни сақлаб қолиш Комитетига кириб қолдим. Пирмат Шермухамедов, Юрий Ковалев ўтиришган экан. Кетма-кет Қўнғирот районидан икки аёл ҳам кириб келди. «Қўнғирот шаҳрига Оролдан учиб келаётган тузларни иккита халтага солиб сизларга олиб келдик», дейишди. «Уйимизда ҳам, боғимизда ҳам, ҳатто сувимизда, дастурхонимизда ҳам туз. Кўринглар, ер юзидан олган тупроғимиз», дейишди.

Қаранг, Қорақалпоғистон Автоном республикаси Олий Совети Президиуми раисининг кечаги гапи бир бошқа, халқнинг ноласи — бутунлай бошқа. Мана шунинг учун ҳам бизга демократия жудаям керак. Уни ниҳоятда қадрлашимиз зарур. Ана шунинг учун ҳам ошкоралик керак. Халқдан узоқлашган раҳбарни халқ билан бирга яшашга, ишлашга жалб қилишимиз шарт. Шунинг учун ҳам ошкоралик биз учун ҳаводек, сувдек зарур.

— Орол тақдири тўғрисида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи», «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Ёшлик» ва республикамизнинг деярли барча газета-журналлари изтироб билан, дард билан, қаттиқ қайғуриб материаллар эълон қилишди. Радио-телевидение орқали чиқишлар бўлди; бу гаплар «Литературная газета», «Огонёк» саҳифаларида ҳам — Бутуниттифоқ минбаридан туриб ҳам айтилди, айтиляпти. Лекин мана шу гаплар кўтарилганига ҳам уч-тўрт йилдан ошди. Ҳозир республикамиздаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир кишининг тилида Оролнинг тақдири, республикамизнинг келажақдаги масалалари. Бу ижодкорларимиз сўзининг таъсири, матбуотдаги чиқишларнинг салмоғи, самараси, албатта. Лекин шу орада Оролнинг аҳоли яхшилиб қолгани йўқ. Сув қирғоқдан тобора узоқлашиб кетаяпти. Орол ҳалокати тезлашаяпти. Сув ҳужалиги мутахассислари, олимлар, маъмурий раҳбарлар эса «Оролни сақлаш керакми, йўқми; бунинг учун нималар қилишимиз керак» деган баҳонадан унча нарига ўтишмаяпти. Адибларимиз, олимларимизнинг дардли қайғуришлари Оролнинг дардини аритолмаяпти. Илгарига силжиш йўқ; амалий фаолият кўринмаяпти. Шундай экан, ижодкор сўзининг қадри, матбуот сўзининг ўрни ва роли қаерда қолди, деган ташвиш туғилади. Эски ақидага кўра: гап бошқа-ю, иш бошқа...

— Марказий матбуот билан бизнинг матбуот ўртасидаги тафовут катта. Илгарилари шимол томондан эсан шамол Оролга келиб, денгизда буғланарди, ассимиляция бўларди-да, фойдали ёмғирга айланарди. Энди, Орол денгизи қуриб кетаяпти, Москвадан эсаётган ёқимли шабадалар — хабарлар Орол денгизи тепасига келиб, фойдали гапларга айланмай ўрнига қумга сингиб қолиб кетаяпти, бизга етиб келиши қийин бўлаяпти. Ошкоралик бизда ҳали Москвадаги даражага етгани йўқ. Мисол сифатида бир масъул ходим билан бўлиб ўтган суҳбатни айтиб ўтмоқчиман. Бунга ҳам бирикки йил бўлиб қолди. Ўзбекистон тўғрисида марказий матбуотда мақола босилиб чиққан экан. «Шуни республикамиз газеталари кўчириб ёздаими, йўқми?» дедим. «Ҳамма нарсани босаверализми; агар керак бўлса, одамлар ўзлари кутубхоналардан топиб ўқий беради-да», дейди. Кейин менинг ҳам жаҳлим чиқди. «Унда, бундан буён газета-журналларга ёзилишни тарғиб қилмай, керакли сонларини кутубхоналардан топиб ўқий беринглар, дейишимиз керак экан-да», дедим.

Мана, кўряписми, Москва билан биздаги ошкораликка бўлган муносабатдаги тафовутни. Матбуотда жиддий фикрлар кўп айтиляпти. Менимча, газета-журналларда босилган хатлар, билдирилган фикрларни ўқиб, ўрганиб, натижасини айтадиган махсус группалар бўлиши керак, шекилли. Биргина Орол эмас, болалар улимнинг кўплиги, хотин-қизларнинг ўзини-ўзи ёқаётганлиги, эски боғ-роғларнинг йўқ бўлиб кетганлиги, монокультурани йўқотиш, мевазорларни кўпайтириш, бозордаги нарх-наволарга боғлиқ масалалар (Сибирдаги бозорлардан фарқи йўқ), мактаб, умумтаълим системасидаги билим савиясининг пастлиги барча-барчаси тўғрисида газета-журналларимизда муттасил материаллар босилиб турибди. Хўш, мана шунчалик негатив ҳодисаларни юзага келтирган сабаблар нимада? Уларнинг илдизлари қаерда? Ахир, сир эмас, республикаимизда экин майдонлари ўн ҳисса ортди. Лекин халқнинг турмуш даражаси шунчалик кўтарилдими? Йўқ. Бунинг сабабларини ўйлайлик.

— **Ошкоралик, социалистик демократия — бу жамиятимиз тараққиётининг бир босқичи сифатида намоён бўлди: улар ўз-ўзидан вужудга келгани йўқ, албатта. Ҳаётий зарурият, жамият ривожининг тақозоси у. Ошкоралик ва социалистик демократиянинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий эҳтиёж сифатида пайдо бўлишида адабиётнинг қанчалик роли, хизмати бор, деб биласиз! Кейин, шу билан баробар, адабиёт ва санъат зиммасига янада масъул вазифалар юкланаётир. Бу — янги типдаги демократик шахсни тарбиялаш, шакллантириш масаласи. Негаки, демократия ҳам, адабиёт ҳам инсон учун, инсон шахсидаги инсоний фазилатларни камол топдириш учун хизмат қилишга қаратилган. Демак, ҳар иккисининг келажаги ва тақдири инсон шахси билан боғлиқ. Шу маънода, адабиёт, жумладан, шеърят ҳам инсон шахсини мукаммалаштириш жараёнида, демократияни сақлаб қолиш ишида нималарга кўпроқ эътибор бериши зарур, деб ўйлайсиз!**

Биз адабиётнинг замонавийлиги тўғрисида кўп гапирамиз. Рус ёзувчиларининг чиқишларини олиб қаранг. Шахсга сиғиниш даврини фош этиш, иллатларини, сабабларини очиб ташлаш бўйича озмунча асарлар эълон қилинганми? А. Рибаконинг «Арбат фарзандлари», А. Твардовскийнинг «Хотира ҳуқуқи» асарларини, яна ўнлаб асарларни кўрсатиш мумкин. Бизда нима бўляпти? Ҳали адабиётимиз бу масалани кўтараётгани йўқ. Амалий ишларимиз кўринмайди. Биз халққа ёрдам беролмаяпмиз. На Рибакон, на Бек, на Дудинцев асарлари руҳидаги асарлар яратолмаяпмиз. Шу ўринда ўзимнинг гинами ҳам айтиб ўтай. Камтарлик бўлмаса ҳам айтай: шахсга сиғиниш даврининг иллатини ўзбек адабиётида балки биринчилардан бўлиб саҳнага олиб чиққандирман «Хатарли йўл» драмамда. Шуни ҳозир телевизорда кўйиш мумкин-ку. Бу драма ҳақида етакчи танқидчиларимиздан бири Матбўш Қўшжононинг ижобий мақоласи чиққан эди. Бошқа мунаққидлар ҳам ижобий фикрлар билдиришган эди. Ҳозирги кунда шу асар қайта қуришга ҳисса қўшиши мумкин; «замоннинг талабларига жавоб беради», деб бирон бир театрда кўйишга қизиқаётган одам йўқ. Ҳозир ижодкорларнинг бош вазифаси, қайта қуришга ёрдам берадиган асарларни яратиш, борларини юзага чиқариш.

Ҳозирги кунда халқимизнинг босиб ўтган йўлига, тарихига алоқадор кўп гаплар бўляпти. Сталин шахсига сиғиниш даври ҳаммани қизиқтиряпти. Айниқса, рус олимлари, ёзувчилари тарихий ҳақиқатларни юзага чиқаришяпти, баҳс маданиятини юксалтиришяпти, қайта қуриш ишига катта ҳисса қўшишяпти. Лекин бизнинг кўпгина олимларимиз, Эркин Юсуповга ўхшаганларни мустасно қилганда, ҳозирги ҳаётий долзарб масалалардан узоқда, четда. Махмудхўжа Бехбудийнинг «Падарқуш» пьесасини техникумда ўқиб юрган вақтимда ўқиган эдим. Асар қаҳрамонларидан бири рус ва Европа маданиятини ўрганишга, маърифатга қақриб жон куйдиради. Мактаблар очиш учун бойларни йиғади, шулардан бирон нарса ундирармиканман, деб ўртаниб гапиради. Улар бўлса, «хурхур» хуррак ота бошлайдилар. Бехбудий қаҳрамони: «Мана шулар билан ҳали миллатни раванқ топтираманми, ватанин обод қиламанми», деб аччиқ изтироб чекади.

Ҳозирги қайта қуриш даврида айрим олимларимиз, ижодкорларнинг ишларига қараб, Махмудхўжа Бехбудийнинг ўша асари ёдимга тушади. Масалан, қайси адабиётшунос ёки танқидчимиз шахсга сиғиниш даврини ёритишга етарли ҳисса қўшяпти? Уша давр иллатларини, фожиаларини очувчи асарлар яратилдими? А. Твардовский «Хотира ҳуқуқи» поэмасини бундан йигирма йил олдин ёзган экан. Бизда ҳам шундай интилишлар бўлганми? Ахир, Шухратнинг «Олтин зангламас» романи шу ҳақда-ку! Шу ҳам етарли таъриб қилинаётгани йўқ-ку!

— **«Хатарли йўл» драмангизнинг ёзилишига нималар сабаб бўлган эди! Агар мавзудан чиқиб кетмасак, яратилиш тарихи тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Драмада бундан йигирма беш-ўттиз йил илгари шахсга сиғиниш давридаги мунофиқлар образини саҳнага олиб чиққан эдим.

Илмий тилда айтганда, бизда кўпинча прототип, деган гап бўлади. Прототипнинг борми, деб сўрашади. Прототип — бу ҳаёт; прототип — бу ёзувчининг энг яқин дўстлари, оиласи, қариндош-уруғлари; ўзининг бошидан кечирганлари. «Хатарли йўл» драмамга шу жиҳатдан назар солсак, кўпроқ мен таниқли адабиётшунос олим, профессор Ҳамид Сулаймонни кўзда тутган эдим. Бу — биринчи пьесам. Энг осон ва тез ёзилган пьесам ҳам шу. Чунки асар мавзуси асосан бошимдан кечган воқеалар бўлган. Ёзилгунча ҳам кўнглимда анча пишиб, қолган эди. Воқеалари, айтиладиган гаплар қўйилиб, ўйланиб, тайёр бўлгани учун ҳам жуда осон, икки ойда ёзилди. Шеърли драма машинкада тўқсон — юз бетга яқин эди. Уни кейин театрда қисқартиришиб, етмиш бетга туширишди; асл вариантлари ҳам ўзимда қолмаган, йўқ бўлиб кетди, шекилли. Пьеса ёзишдаги бу биринчи тажрибам эди; уни нимадан ва қандай бошлашда қийналдим; бир устоз, суянчиқ керак бўлди. Шунда Шекспир менга мадад берди. «Отелло», «Ҳамлет», «Макбет»ларнинг бир-икки саҳифасини ўқиганимдаёқ ундаги воқеаларнинг тортиш қудрати, ҳар бир гапида бир тугун, яширин фикр бўлиши ўзига сеҳрладди-қўйди. Шундан кейин хаёлимдаги воқеалар ҳам магнитга тортилган занжирдек қизилиб қолди. Воқеаларни қаердан бошлаб, қаерда тугатиш кераклики ҳам «ярқ» этиб кўринди. Воқеалар ривожини, тугунини яққол тасаввур қилдим.

Ёзиб бўлган, режиссёр Шариф Қаюмов, Одил Ёқубов ва Хибзиддин Муҳаммадхонювга биринчи марта ўқиб бергандим. Маъқул топишди. Кейин театр, томошабинлар ҳам яхши қабул қилди. Ҳозир шу асарим Москвада русчага таржима қилиняпти. Таржимоним: «Асарда профессор Абдусодиққа туҳмат қилган одамнинг нима деб туҳмат қилгани, қамалишига нима сабаб бўлгани пьесада йўқ-ку», деди. «Қаҳрамон гуноҳ қилган эди, дейилади-ю, лекин конкрет нима билан айланганлиги очилмаган; шуни асослаш учун биронта мисол айтиб беролмайсизми?» деди. «Пьеса ёзилган пайтда

айтиш мумкин эмас эди. Ҳозир мумкин», дедим-да, ўз бошимдан кечган воқеаларни айтиб бердим...

— Шукрулло ака, билишимча, сизни миллатчиликда айблашган, шахсга сиғиниш даврида йигирма беш йилга қамашган. Бир қанча муддат олис Сибирда қамоқ жабрини ҳам торгансиз. Россиянинг қаҳратон совуқларида озор чеккан одамнинг «Россия», «Икки қоя» сингари халқлар дўстлигига бағишланган муҳташам дostonлар яратишига ақл бовар қилмайди. Агар кўнглингизга оғир ботмаса, ушбу асарларнинг ёзилишига нималар туртки берган эди? Мабодо, Россиянинг овлоқ ўрмонзорларида бесабаб бориб қолмаганингизда ҳар икки дoston ёзилмай қолган бўлиши мумкинмиди? Аслида, «Россия», «Икки қоя», «26 апрель. Тонготар» асарларингизни халқлар дўстлигига қасида сифатида битилган дoston-трилогия дейиш мумкин.

— «Россия» дostonининг ёзилишини, унинг мазмунидан қатъий назар, Сталин сиёсатининг хатолигини битта далили, ҳужжати, дейиш мумкин. Агар, чинданам миллатчи бўлсам, совет давлатига, тузумига душман ҳисси билан тарбияланган бўлсам, қандай қилиб бошимга уриб турган жамият тўғрисида «сен яхшисан», деган ишонарли гап айтоламан? Тил учида «яхши» деб қўйишим мумкин, аммо ишонарсиз бўлади; тил учида айтилгани сезилади. Одамларни ишонтира олишим жуда қийин бўларди. 1959 йилги декада вақтида Сергей Смирнов айтган эди: «Россия» асарини ўқидим. Шукруллонинг ўзбекиликка ишонмай қолдим. Чунки, рус табиати, рус юрти ҳақида фақат рус шоиригина шунчалик ёза олиши мумкин эди. Албатта, Шукрулло ўзбек», деган эди.

«Россия» дostonим қамоқ лагерида ёзилган. Ҳеч кимга кўрсатмасдан, ўғринча ёзгандим. Ҳатто эътиқод шунчалики, «Ленин—Сталин тундрада» деган дoston ҳам ёзган эдим. Айрим парчалари ҳали ҳам сақланган.

— Шу пайтгача эълон қилинмаган-ку.

— Гап шундаки, дoston икки нусхада эди. Иккинчи нусхани йиртдим, десам, аксинча биринчи ва иккинчи нусхаларнинг бошланиш қисмини йиртиб ташлаган эканман. Нима ҳаёлда қилганман, эсимда йўқ.

Ана, кўрдингизми, ҳатто Сталин бизни қамаган, деб ўйламаганмиз; шаънига лагерда дoston ёзиб юрганмиз.

— Бир яхшиликни-ю, бир ёмонликни унутиб бўлмайди, дейишади. Уша ноҳақ азоб чеккан йилларингиз — эсдан чиқмайдиган ачиқ бир хотира. Хотирани эса кўнгилдан аритиб, ҳаёлдан ўчириб бўлмайди. Шу тўғрида поэмами, публицистик мақолаларми ёки саҳна асарими — ёзиш ниятингиз йўқми!

— Буни ёзмаслигимнинг сабаби бор. Яқинда Мустай Карим билан Москвада кўришиб, шу ҳақида, ҳозирги сиёсат, ўтмишим ҳақида суҳбатлашиб қолдим. Мустай: «Бир айтган эдинг, эсимдан чиқибди, сен қаерда ўтирган эдинг», деб сўраб қолди. «Норилскда бўлганман», дедим. Бош кийимимга ҳам, елкага ҳам, шимга ҳам номер тақиб юрганман. Уша даврларни эслагим келмайди. Уша ёқдан иккитами-учта мен ёзган, хотинимнинг менга ёзган хатлари бор эди. Бир йилда бир марта хат ёзишга руҳсат бериларди. Келганимдан кейин, шу хатларни кўрсам, ўша лагердаги ноҳақ жабр чеккан даврлар эсга тушмасин, кўзимга кўринмасин, деб йиртиб ташлаганман. Ҳаттоки, лагернинг номерини ҳам, кийимлардаги номеримни ҳам яна бир кунмас бир кун ёдимга тушиб таъбимни хира қилмасин, деб ёдда сақламаганман.


Шуларни айтсам, Мустай Карим «Жуда яхши бир шеър қилсанг бўларкан» деди. «Бир қизни бир вақт уйига кузатган эдим. Эшигидаги номер ҳали-ҳали эсимда... Лекин бир неча йил ётган ўша лагер номерини ҳануз эслолмайман. Сабаби, одам севган нарсасини эслашни истайди». Шу мазмунда шеър ёзсанг бўларкан, деди.

Қайта қуриш, демократия, ошкоралик — бизни кўп нарсаларга бошқатдан назар ташлашга, қайтадан баҳолашга ўргатапти. Мана, энди давр келди. Энди, ўйлаб кўрса бўлади. Агар, келажак авдлодга, ҳозирги қайта қуриш ишларига хизмат қиладиган томонлари бўлса, бадийлаштириб, автобиографик характерда бир асар ёзиш мумкин бўлар. Қуни кеча «Кўмилган хотиралар» деган, бир нарса бошлагандим ҳам.

— Бу, публицистик мақолалар бўладими ёки поэмами!

— Йўқ, наср, бадий асар. Бошидан кечирган бошқа, дейишади-ю. Уша давр фожиалари, йўқотишлари, одамлар қалбини, фикрини заҳарлаган мусибатлар тўғрисида.

— Кўп минглаб мухлисларингиз номидан мароқли суҳбатингиз учун миннатдорчилик билдираман. Доимо соғ-саломат бўлинг. Ижодий дард, яратувчилик фикрлари асло тарк этмаслигини тилаймиз.



Муҳаммади Жуманов

БЕОРОМ ЮРАКЛАР ЙЎЛДОШИ

Қиссачилигимизда кейинги икки йил ичида сезиларли сифат ўзгаришлари рўй берди. Бу ишда элга танилиб қолган ёзувчилар билан бирга эндигина биринчи асарларини тақдим этган ёшларнинг ҳам улуши борлиги қувонарли.

Бу қиссаларнинг мавзу доираси кенг, кўтарилган масалалари хилма-хил. Уларнинг катта қисмида давр руҳиятини ҳаққоний акс эттиришга уриниш кучли; инсон дардлари билан йўғрилган, дил жараёнлари таҳлилига эътибор катта. Бу асарларда проблемалилик устун ва мақсад аниқ. Қуруқ ишлаб чиқариш тасвиридан қочиш ва аксинча, инсон қалбига кўпроқ кириб бориш, ижтимоий ҳодисаларга раҳбарлик нигоҳи билан эмас, халқ нуқтаи назарини мезон қилиб олиш, кўп ҳолларда эса халқнинг ўзини ёки оддий вакиллари қажрамон сифатида танлаш майли мавжуд. Худди мана шу мезонлар бадий ижоднинг моҳиятига жиддий аниқлик киритди: биринчидан, унинг ўз вазифаси — инсоншуносликка йўл очди, иккинчидан, ҳаёт ҳодисаларининг реалистик талқинига имкон яратди.

Бир туркум қиссаларда маънавият кўлами, ижтимоий ришталари, инсон хатти-ҳаракатларининг омиллари биринчи ўринда туради. Х. Шайхонининг «Кўз», Х. Дўстмуҳамедовнинг «Нигоҳ», А. Аъзамнинг «Бу куннинг давоми», «Асқартоғ томонларда» асарларида дил гўё экрандагидек аниқ ва ойдин кўринади. Бу усул қажрамонларнинг ўзлигини янада тийрак англаш учун зарур. (Дарвоқе, бундай асарларнинг ё текстида, ё сарлавҳаси олдида буюк Алишер Навоийнинг «Эл нетиб топгай мени ким, мен ўзимни топмасам» байти йўлбошловчи ўрнида олинади.)

Ҳожиакбар Шайхонининг «Кўз», Хуршид Дўстмуҳамедовнинг «Нигоҳ» қиссалари сарлавҳаларидаги ўхшашлик уларнинг ички проблематикасида ҳам давом этади. Ҳар иккала қисса дил жараёнлари ҳақида. Биринчиси ғазаб, нафратнинг кўзда тўлланиши, моддий энергияга айланиши, иккинчиси эса, диллардаги туйғуларнинг ўзаро ўтиши тўғрисида.

Х. Шайхонининг детектив жанрини танласа, Х. Дўстмуҳамедов психологик таҳлил йўлидан боради. «Кўз» қиссасининг персонажлари Жамшид Темурович ва Зокир Қудратовичлар машҳур физик олимлар. Биринчиси — назариётчи, иккинчиси — унинг назарияларини ҳаётга тадбиқ этувчи — амалиётчи. Иккаласи биргаликда — улкан куч. Бирдан иккинчиси ажратилса, ҳар икковининг ҳам қиммати қолмайди. Бахтга қарши, инсоний ожизликлар устун келиб, бир кун шухратпарастлик шоҳ-супаси устида таллашиб қоладилар. Кўп ўтмай амалиётчи касалхонага тушади. Докторлар Жамшид Темуровичнинг организмда нормадан ортик электромагнит тўлқинлари мавжудлигини аниқлашиб ҳайратланишади ва ҳатто суиқасд бор деган гумонга келишади. Текширилганда, касаллик тарихида Зокир Қудратовичнинг иштироки аниқланади. Бироқ бу юқори частотали электромагнит тўлқинлари эмас, аксинча одатдаги кўзикиш экан.

Зокир Қудратович ўз руҳий қувватларининг моддийлиги устида машқ ўтказади. Кўз қуввати орқали гугурт қутичасини жойидан силжити. Ҳамкасабаси Жамшид Темурович билан айтишиб қолганда, унинг кўзлари ғоят қўрқинчли ўқрайган эди. Психолог Анвар Саидовичнинг сўзларидан асарнинг ахлоқий концепцияси кўринади. Инсон тақдиридаги драмаларнинг илдизлари одамларнинг ўз табиатидан келиб чиқади.

Масаланинг шу тарзда қўйилиши, талқини ва ечимидан маънавий қониқиш ҳис этиш баробарида қисса воқеалари ўқувчи туйғуларини чайқалтириб юборадиган бадий ҳодиса даражасида кўрсатилмаганлигини, аксинча, унда ҳолатларни бир чеккадан тасвирлашга мойиллигини, бу эса асарда айтилмоқчи бўлган фикр салмоғини маълум маънода тушириб юборганини ҳам айтиб ўтиш керак.

«Нигоҳ» қиссасида воқеабандлик, характерлараро тўқнашувлар деярли йўқ. Ёзувчи инсон юрагида кечаётган руҳий ҳолатларни улкан микроскоп ойнасида кўринаётган каби манзаралар яратди. Бу микроскоп — нигоҳ. Унда дил жараёнлари ғоят қабарик кўринади. Асар қажрамони Бек трамвайи билан йўлга тушиб қолган «Волга» машинасини уриб юборди. Бундай ҳолатларда одатда бўладиган милиционер, протокол, айбдор ва жабрланувчи муносабатлари тасвири қиссада йўқ. Унинг ўрнида Бек нигоҳини ўз дилидаги жараёнларга қаратади, унинг қаъридаги ҳолатларни кўришга ундайди. Воқеаларнинг илдизлари жуда чуқур. Улар, ҳатто асар матнидаги сюжетдан ҳам ташқарида — ўқувчи онгида давом этиши мумкин. Қуйидагиларга эътибор берайлик: Трамвай паркиннинг қоровули, кекса амаки Бекнинг ҳолатини кузатиб юриб, унга жабрланган аёл ҳолидан хабар олишни маслаҳат беради. Сўнгра ичидаги гапларини дарёга бориб айтишни тавсия қилади. Бек бу маслаҳатга ҳам юради. Шунда унинг тасаввурини, туйғуларини ағдар-тўнтар қилиб юборган сирли ҳодисалар содир бўлади — виждони билан тўқнаш келади: «Лаънати тасодиф!» «Тасодиф эмас! Тасодиф деб ўзингни алдама. Сендай уста ҳайдовчи рўпарангда машина пайдо бўлганида вагонни

тўхтатишга улгурмаслиги мумкин эмас». «Воқеадан хабарингиз борми?» «Хабардорман. Уша дақиқада сен ўзингдан, бошқалардан, масалан, «Волга» шофёридан, ҳатто касб-корингдан нафратланганинг касофати ҳам вагонни тўхтатишга улгурмагансан. Негаки, феълнинг айниб турганда ҳеч қандай оқибатни ўйламайдиган одатинг бор». Худди мана шу мулоқотда Бекнинг ўз ёшлигида кампирнинг рўмоли орасидан тушиб қолган беш сўмлик пулни оливолгани юзга чиқади. Ундан олдинроқ эса ота-она хотирасига беҳурмат қараган паллаларида кечирган ҳаловатсизлик безовта этган эди. Мана шулар биргаликда Бекнинг руҳиятида маълум бир мувозанатсизликни тўғдирган ва аварияни келтириб чиқарган эди. Авария рамзий мазмунга эга, ҳақиқат эса дилнинг ўзидадир. Дилдаги бесаранжомликдан, характердаги беқарорликдан, нафсдаги сохталикдан фожиялар келиб чиқади.

Қиссани ўқиш жараёнида ўқувчи ҳамisha уч нарсанинг таъсирида туради: биринчиси, асар юзасида жойлашган воқеалар; иккинчиси, шу воқеаларнинг рамзий мазмуни; учинчиси шу воқеаларнинг эмоционал-руҳий талқини.

Асарни ўқиш давомида баъзан бадий фактларнинг мазмунини илғаш қийинроқ кечади. Гап шундаки, сюжетдаги ҳамма деталлар ҳам бадий — эмоционал қиёмега етган эмас. Ёзувчи кўпроқ мажозий рационализмга суянмоқчи бўлади. Оқибатда, қисса руҳий жараёнларнинг илмий-фалсафий тадқиқотига ўхшаб қолади. Амалда эса, асар асосидаги илмий ғоя — қарашларнинг, муносабатларнинг ўзаро ўтмиши ҳақидаги фикр — қаҳрамонларнинг тақдиридаги чигалликлар ечимида, персонажлар фаолиятидаги бурилишлар силсиласида, асар интонациясининг ўзгаришида куриниши лозим эди.

Аҳмад Аъзамнинг «Асқартоғ томонларда» қиссаси маънавиятнинг шаклланиш йўллари, унинг омиллари тўғрисида. Маҳди, Ҳақберди, Тангир, Исроил бир институтда ўқишган, турмуш тарзлари деярли бир хил, ҳаётга ва илмга чанқоқликлари, суҳбат мавзулари, ҳатто ейиш-ичишлари умумий. Бу йигитлардан кейинчалик ҳар хил одамлар ўсиб чиқади. Маҳди Ашрапов Офиат билан биргаликда ишда ва оилада ҳалоллик ва ҳақиқатга амал қилишиб яшаётган бўлсалар, Тангир беҳисоб бойликлар тўплайди, уч марта хотин алмаштиради. Ҳақберди эса ҳалоллик учун курашаётгандек иш тутса-да, танг келганда чап берадиган одамлиги очилади. Бошқача айтганда, Ҳақберди чала ҳақиқатпараст экан. Оқибатда яхши бошлаган муҳим масала ниҳоясига етмайди.

Нега шундай бўлди? Қиссадаги Шоди шахси, саргузаштлари бу саволга бирмунча ойдинлик киритиши мумкин. Бу йигитнинг шоирона суҳбатларидан, романтик ҳикояларидан фидойи табиати, дунё мувозанатининг моҳиятини англаган донишмандлиги буй қўсатиб туради. Унинг ўлими Маҳди шуурида «асрлардан буён оқиб келаётган насл дарёсининг оқимини тозалаш учун қурбонликка келтирилган эди, назаримда» тахлит туйғулар тўғдириш табиий. Шоди — дардчил. Дарди кўксига сиғмаганидан ўғитларга тўлиқ, ибратлардан иборат ҳикоялар айтади. Ҳар кимни ўз қалбига қарашга даъват, ўз шахсини мукаммаллаштиришга ундов у айтган афсоналар мағзини ташкил этади. Афсуски, ёш йигитлар, олам илмини ютоқиб ютаман деб турган Шодининг тингловчилари — талабалар бу нақлларнинг сиртини тинглашади, ифодасига лол қолишади-ю, мазмунига кира олишмайди. Эътиқод ва ҳиёнат, фидойилик ёки худбинлик, муҳаббат ёхуд разолатнинг ибтидоси одамнинг ўз атрофидан нималарни ола билиши, ўз дилидаги у ёки бу нишонларни ривожлантиришига боғлиқ эмасми?! Ҳаётда эса мукаммал билимлар, арзирли ўрнаклар доимо мавжуд.

Асарда ифодалар аниқ. Воқеаларни аслда қандай бўлса, шундай кўрсатиш майли устун. Хусусан, Аҳмад Аъзамнинг «Асқартоғ томонларда» қиссасида, воқеаларнинг жараёнидан кўра, ҳосиласини кўраемиз. Шунда ҳам улар яхлит эмас, чизгиларда берилсади, бадий тасвир ўрнинга қаҳрамоннинг фикр ва кечинмаларидан қалқиб чиқади. Яна шуниси ҳам борки, қаҳрамон Маҳди Ашраповнинг ўзи ҳам ёрқин — ажралиб турмайди; воқеаларнинг бирортаси тугалланмайди. Демак, улар гарчи ғоят эзгу ва олижаноб эсалар-да, асарнинг фақат фикрлар ифодасидан иборатлиги фазилат эмас, деган хулосага келамиз. Автор жилла курса институт муҳитидаги носоғлом вазиятни чуқурроқ бадий — психологик таҳлил орбитасига олиб кирмоғи зарур эди. Ҳозирча у олдинги имтиҳонлардан «аъло»га ўтиб, охиргисига киргиси келмай қайтган истеъдодли абитуриентга ўхшайди. Олий ўқув юртларига доир муаммолар озмунчами? Айни пайтда улар публицистикадан кескин фарқланмоғи, руҳий жараёнлар, инсоний мотивлар контекстида бадий талқинини топтомоғи шарт. Акс ҳолда, жиддий фикрлар атиги биргина публицистик мақолада айтилиб турганда, шу гапларни шунчаки такрорлаётган қисса ёки романга эҳтиёж қолмаслиги аён.

Иккинчи бир туркум қиссаларда давр ва қаҳрамон муносабатлари бош мавзу қилиб олинди. Яқин ўтмиш йиллари ҳаёт материали, ундаги ноҳуш ҳодисаларга муносабат инсон камолотининг мезони сифатида танланди.

Тоҳир Маликнинг «Чархпалак» қиссаси бошдан оёқ зўр қизиқиш билан ўқилади. Бунинг сабаби, фақатгина сюжетда детектив — жиноят ва тергов услубининг устунлигида эмас. Аксинча, кўтарилган масаланинг ҳаётий муҳимлиги, таҳлилнинг самимийлиги ва холислиги, воқеаларнинг табиий ўсуви, тугуннинг асар охиригача сақланиб келиши, қолаверса, образ ва персонажларнинг ўзламлиқ тасвири асар муваффақиятини таъминлаган.

Қисса мазмунидан чиқадиган хулоса шуки, турғунлик йиллари ўзига хос «кадр»ларни етиштирди. Омонтурдиев, Латофат, Шоғиёсов, Зарипов, Муродлар бу йилларда социал-иқтисодий ва бошқарув қондаларининг заифлигидан фойдаланишиб, ўзларининг амалдаги муттаҳамлик «қонун-қоидаларини жорий этгандилар. Омонтурдиевлар кимлар ўзи? Қаёқдан келиши? Ҳеч қаердан келишганлари йўқ, ўз ораимизда эди улар. Фақатгина жамиятда соф кучлар устун пайтларда улар сезилмасди ҳам. Ёлгон сўзлардан зафарлар тарихи тўқилаётган, рангли қоғозлардан гулчамбарлар тайёрлаётган йилларда эса уларнинг даври келди: юзга чиқишди, ўзларининг — бўрию тулкилигини рўй-рост кўрсатишди. Уларнинг олдида виждон қарахт бўлиб қолди.

Соф одамларнинг кўпчилиги тўғри позицияда тура олмадилар. Ҳатто, Комил, Маълуда, муаллим Маҳкам акадек имони бақувват кишилар ҳам бу хавfli иллатнинг моҳиятини дафъатан англаб етмадилар. Бу ишларга қўшилмасликнинг ўзиёқ етарли, деб ўйладилар. Уларни бутунлай айбалаб ҳам қийин. Чунки ахборот, статистика, илмий ташкилотлар, хуллас, бошқарувнинг ҳамма воситалари одамларни чалғитиб келдилар-да! Мана шундай мураккаб вазиятда софликнинг топталиши, ҳақиқатнинг эгилиши тайин эди. Комил ва Яҳёлар қобилиятли эканликларига қарамай, етти-саккиз йил-

лаб илмий ишларини яқунлай олмайдилар. Комил эса Тўхтамишдек ифлоснинг кўмагига зор, ўзига маънавий бегона муҳитда ишлашга мажбур. Шу шароит уни ўлдиради. Рақиб зийрак ва баттол: Комилдаги курашга тайёргарликни дарҳол сезадилар, курашда усул танламайдилар — пул берадилар, номуслини букадилар, ўлдирадилар... Кураш янги поғонага кўтарилади.

Бироқ, қисса қанчалар илиқ таассурот қолдирмасин, ёзувчи истеъдоднинг бир қирраси тўла намоеён бўлган-у, ундан ҳам бойроқ, масъулроқ жиҳати очилмагандек туюлади. Гап нимада? У ҳаёт ҳақиқатининг тўла кўрсатмагинида.

Асар воқеалари чуқиб ўлган Комил Садировнинг «иши»ни қайта текширишга беришдан бошланади. Ёш мутахассис Нозима бунда жиноят мавжудлигини аниқлайди. Эътибор қилсак, Нозиманинги фаолияти жўн кечганлигини, айтарили мураккабликларга дуч келмаганини кўраемиз. У қаерга бормасин, иш юзасидан ким билан сўзлашмасин бир хил, аниқ жавоблар олаверади. Уз идорасидаги каттаю кичик унвонли ходимлар, полковник Султонов, майор Бўтаев ва ҳоказолар бу «иш»да жонбозлик кўрсатадилар. Ҳаётда кўпинча тескариси бўлиб келган. Аввало, гувоҳларни топшиш қийин, улардан тўғри жавоб олиш янада мушкул, атайлаб терговни чалғитувчилар кўп учрайди ва ҳоказо. Энг ёмони, орган ходимларининг баъзилари турғунлик йилларидаги муттаҳамларнинг кўмакчиси, ҳомийси, шериги эканлиги энди сир эмас! Шундай мураккаб жиноятнинг қайта текширилиши нахотки уни беркийтиб юборган одамларни талвасага солмас ва қарши ҳаракат уйғотмас? Ҳали улар бутун тўдаси билан от устида эдилар-ку?! Тергов бошидаги капитан Одилов қаёққа кетди? У нега ўзининг олдинги позициясини ҳимоя қилмайди ёки кейинги ишларга аралашмайди, ёхуд ишни чалкаштиргани учун бирор бир тарзда ўнғайсиз аҳволга тушмайди? Жиноят ва жазо мураккаб жараён ва унинг таҳлили кучли эмоционал — психологик коллизиялардан ташкил топади. Бинобарин, бадий асарда буларнинг тасвири сиз ҳақиқат талқини ҳақида гапириш мушкул. Бу хусусда А. Улуғовнинг «Зиддиятлар талқини» мақоласида айтган фикрлари ўринли.

Саломат Вафоевнинг «Омонгул» қиссаси қайта қуриш жараёнидаги мураккабликлар, унинг биринчи қурбони ҳақидаги асардир. Омонгул баъзи асарларнинг қаҳрамонлари сингари мураккабликлар оқимида сиқилиб юравермайди. У бутун вужуди билан атрофда бўлаётган воқеаларнинг тубига етишга уринади. Адолатсизликларнинг сабабчиларини топади. Булар кимлар денг — «юртнинг оталари» бўлмиш раис, бригадир, бухгалтер, кассир ва улардан ҳам юқорироқ вазифада турган кишилар. Омонгул шулар билан олишиши керак. Бу курашда у халққа суянади. Аммо оддий одамлар ҳал қилувчи дамба Омонгулга хиёнат қилишади, ҳатто эзилиб кетган, юз етмиш сўмга қўл қўйиб, ўттиз-қирқингана олиб, қақшаб юрган бева хотин ҳам.

Шу билан бирга қиссада ҳаётий ҳақиқат бирмунча жўн, унинг юзасидаги фактлар тасвирлангандек туюлади, оқибатда сюжет ишонарли, инсоний муносабатлар табиий, шарт-шароитлар қалбимизга яқинлигига қарамадан, жамият ва инсон диалектикасига оид кенг миқёсли ўйлар ўқувчи руҳини чулғаб олмайди. Бунинг боиси, асарда автор идеаллари, ҳаётий концепциялари, ижтимоий орзулари юксак даражада сингишиб кетмаганлигида бўлса керак.

Маънавият масалалари Муроджон Мансуровнинг «Ёмби» қиссасида ҳам бош проблемага айланади. Унда археологлар Искандар ва Тўрабеклар фавқулодда катта қазилмалар тарихида кам учрайдиган дафина топиб оладилар ва уни ёмон кўзлардан асраб, Тошкентга олиб келиб топширадилар. Воқеалар бир кун ичида кечади. Топилган хазинага муносабатда икки хил маънавий даражалар очилади, яъни Искандар бу хазинани бус-бутун давлатга топшириш устида барча эҳтиёт чораларини кўради ва бунга эришади, ўзининг пок инсонлигини исбот қилади, Тўрабек эса олтинлардан тузуккина бир донасини яширинча чўнтагига солиб олади ва бу билан йўлдан озади.

Олтин, умуман, катта бойлик айрим одамларни йўлдан оздиради, деган фикр сюжет давомида ривожлантириб борилади. Фанишернинг девоналиги — олтин васвасадан, Зиёдулла, Уткирларнинг жоҳилиги — бойлик ҳавосидан. Келтирилган ривоятлар ҳам олтиннинг шайтоний хусусиятлари тўғрисида.

Кўринадики, асарда жиддий ахлоқий муаммоларни кўтаргудек фикр, ғоя бор. Бироқ уларни жозибали нуқт, юлдузи иссиқ образлар, бири иккинчисини мантиқан изоҳлайдиган, тўлдирадиган ва ривожлантирадиган далиллар, ҳаётий эпизодлар, мураккаб инсоний муносабатлар тасвири ҳамда бошқа образли мушоҳада усуллари васалатисида яхлит бадий воқеага айланган дейиш қийин.

Ёзувчи бойлик ва инсон руҳини мусаласини инсоний кечинмалар диалектикаси сифатида тасвирлаш ўрнига, улар ҳақида енгил-елпи, ўзаро қовушмайдиган хабарлар бериб кетаверадими, натижада на қалб манзараларини кўраемиз, на бирор воқеадан қаттиқ таъсирланамиз. Олтинлар ҳеч қандай ЧПСиз Тошкентда етказилади. Миркомил деган ўта ҳалол йигит қамоққа эди, шу қамалганича қолаверади, соҳибжамол Офтоб, Уткир, Зиёдулла билан бирров танишамиз-у, қайтиб кўрмаймиз. Искандарнинг ишонган «дўсти» Тўрабек ўзидан ўзи йўқолиб қолади. Бунда машум бир дона олтин сабабдир, балки.

Ёзувчи кўпинча тасвирлашга эриниб воқеалар ҳақида қавс ичида хабар бериб кетаверади ва афтидан, ўқувчига шунинг ўзи кифоя деса керак. Тасвирлашга бел боғлаганда ҳам фикр инертлиги йўл бермайди. Эътибор беринг: «Искандар мийигида кулиб қўйди: айни мудада. Лекин ўзининг ичи қуриб, ёш боладай қувонгиси... келади». Худди шу бетда: «Ичинг қуримаса, кейин ҳам қураверасан, ҳозир эса...» Яна: «...ичинг қуримаса: кўрарсан кейин...» Қаҳрамон қайта-қайта «зеҳн» эмас, «зингил» солади. Автор «қиз ўртоқ» атамасини бир неча бор қўллайди, бироқ бу билан китобхоннинг ғашига тегаётганини сезмайди. Калон тоғанинг исми бошқа жойда Ҳакимбек деб аталади. Фанишер эса Думбулгани, Шерали деб аталиб кетаверади.

Темурпўлат Тиллаевнинг «Ворис» қиссасида ҳам қишлоқ ҳаёти тасвирланган. Бир томони дарё, бошқа томонлари дала-дашт, адирлар ва кичик бир қишлоқ. Шу ерда ота ва боладан иборат оила истиқомат қилади. Оиланинг каттаси Чала — замонавий Қори Ишқамба, мол бозорда даллоллик қилади, мол олиб сотади; киймайди, емайди, ичмайди, мол қилади. Шу хунарини ўғли Улмасга ҳам сингдирмоқчи. Драма ана шундан бошланади.

Чала — характер. Унинг ўзига яраша фалсафа, эътиқоди ва фаоллиги бор. Ҳамма нарсанинг ибтидоси бойлиқдир, пулинг бўлса одамлар сени ҳурмат қилади деб ҳисоблайди у. Эшикдан «Бойбува, о, бойбува» деб чақириб келишганда, бу овоз юрагидаги манманлик туйғуларини жунбушга келтиради. Сиртидан исқирт кўринган бу одам ичида бошқалар устидан кулиб яшайди. Айниқса,

мол савдоси борасида нўноқроқ одамларни кўрса, кўнгли яйраб кетади, савдосини мўлжалга келтиргунча минг тусланади. Шу тариқа Чала молпараст тоифа сифатида кўз олдимизда аниқ гавдаланади. Бу тоифанинг пайдо бўлиш илдиэлари қаерда? У кейинги пулпарастлик, кўзбўямачилик йилларининг маҳсули. Ижтимоий тарбиянинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги Чаладек ҳаракатчан ва уқувли одамларнинг тез ривожланиб кетишига имконият берган. Уйлаб кўринг, мактаб ўқитувчилари «дипломни сотиб олганлар», бошқа ижтимоий раҳбарлик органларидаги одамлар ўз чўнтакларини тўлдиришдан бўшамасалар, Чалаларга «бойликка мук кетма», «ўғлингнинг ўқишига ҳалақит берма, у олим бўлади», — деган маслаҳатда қиммат қоладими?!

Қиссанинг эстетик моҳияти, Улмаснинг — Чала суянган тоғ, кўзининг оқу қораси қаҳратон қишда уйдан изғиринлар сари чиқиб кетишида, яъни болаларча исёнида очилади. Отанинг маънавий қашшоқлиги, мактабдагиларнинг жоҳиллиги бола қалбида портлаш содир қилди, бироқ орзуларини синдира олмади. Энди ҳамма умид боладан! Оппоқ далалардан манзили томон йўл топа олармикан у?! Топади деган хулосада асос бор: Улмас маънавиятда Чалага зид бўлса-да, ҳаракатчанлик, топқирлик ва мустақилликка интилиш жиҳатидан отанинг боласи-ку, ахир!

Чала ва Улмас муносабатлари таҳлили китобхонни ўзига тортиб турадиган жиҳатлардандир. Танқидий мотивларнинг устунлиги автор позициясининг жанговарлигини тасдиқлайдиган ижобий ҳолатлиги ҳам маъқул. Бироқ мана шу тенденция муҳит талқинида кенг миқёсда кўрсатилмайди, психологик драмалардан фалсафий ва ижтимоий хулосалар чиқарилмайди. Пировадда, асар айниқса, шу кунларимиз учун энг зарур хусусият — социал танқидий пафосдан маҳрум бўлиб қолган.

Яна бир кур қиссаларда инсонлараро муносабатларнинг мураккаблиги бадий таҳлил этилади. Ражаббой Рауповнинг «Она сўз» асари номус ҳақида. Бу ахлоқий тушунча Зубайда ва Равшан муносабатларидаги зиддиятлар тасвири орқали очилади. Зубайда Равшан билан танишгунга қадар номусини йўқотган. Бу ҳол улар ўртасидаги улкан тўсиққа айланади. Ваҳоланки, улар бир-бирига жуда мос эдилар. Қиссадаги бошқа бадий деталлар ҳам номус туйғусини янада кенгроқ изоҳлайди. Хусусан, бир персонаж хотинига тегажўқлик қилган раҳбарни чопиб ташлайди. Редакцияга келаётган хатлар ҳам номус ҳақида. Шу тариқа номус интим шаклидан кўра кенгроқ — ижтимоий мазмунни ҳам ифодалайди.

Қиссада афсоналар, рамзий тасвирлардан бош масалани очиш учун уриниш бор. Бироқ улар асарнинг умумий тўқмасига сингдириб юборилмаганлиги учун ҳам ўқувчи онгида аниқ эмоционал — эстетик акс садо бермайди. Бинобарин, ғояни очиш таъсирли ҳолда вазифасини тўла бажармайди. Демак, бадий асарда афсоналардан фойдаланилганда, шакл ва мазмун жиҳатдан энг баркамолларигина ёзувчи ниятини ёрқин очиши мумкин. Автор ғояси афсона мотивларига сингиб кетгандагина катта таъсир кучига эга бўлади.

Шойим Бўтаевнинг «Кунботардаги боғ» қиссасида халқ маънавиятининг уфқлари кўрсатилади. Тасвирланишича, тоғ этагидаги кичкина бир қишлоқда Улғай момо исмли кампир истиқомат қилади. Чоли урушдан қайтмаган, ёлғиз Тўхтасин рассомликка қизиқиб шаҳардан келмайди. Момонинг тузуккина боғи бор, ўзи эса кексайиб қувватдан қоляпти. Асар кампир, боғ ва бошқа одамлар ҳақида, шу қишлоқ кишиларининг маънавияти тўғрисида.

«Эл ботирсиз бўлмас» дейди халқимиз. Руқия келинбиби, унинг болалари Элёр ва Илёслар момони бир зум бўлса ҳам ўз ҳолига ташлаб қўймайдилар. Ҳар дам иссиғи ва совуғидан хабар олиб турадилар, зарур бўлса бошидан кетмайдилар. Акромжон, Гулмуродлар боғда ишлаб берадилар, керак бўлганда кексаларнинг боғида ҳашар уюштирадилар. Хуллас, одамларнинг меҳр булоғи Улғай момо ва ҳаёт абадийлигининг, авлодлар ворислигининг рамзи бўлган боғчининг яшнаб туриши учун етиб ортади.

Нуъмон қиртиш раиснинг хизматини қилиб, ялтоқланиб, эвазига момонинг боғчасини сўраб олганида, Аҳмад бригадир ва бошқалар шундай таҳдидли қараш қиладиларки, унинг «нафаси ичига тушиб» кетади. Сирасини айтганда, кампир боғни кимгадир, ҳатто Нуъмон қиртишга бўлса ҳам бермоқчи. Бироқ боғнинг тақдирини нима бўлади? Бунинг учун ана шу саволга маънили жавоб керак. Нуъмон қиртишлар таъмагир ва баднафс кишилар. Шу сабабли боғни уларга топшириб бўлмайди:

— «Э, Нуъмон-а, — Улғай эна афсус билан бош чайқади... — Нимаики бўлса, нафсимга бўлсин, дейсан-да! Боғ ҳам яхши одамга ўхшайди, билсан. Юз йил, минг йилда дунёга бир келади. Дарахтлар одамларнинг қолган умрини яшайди... Кўра-била туриб боғни сенга қандай топширай».

Эзгу одатларни сақлаш халқ руҳиятининг муқаддас удумидир. Ёмонларга, ёмонликларга бақамти қарши туриш одамлар имонидаги соғломликнинг белгисидир. Шунинг учун яхши эллар оқар сувдек, ўзини табиатга зид нарсалардан тозаалаб, покланиб-боради. Шойим Бўтаевнинг «Кунботардаги боғ»и ҳам шундай тақдирга эга. Уни Улғай момо ҳар кимга ташлаб кетмайди.

Асарга ана шу ғоявий мазмун сингдирилган. Танқидчи Абдулла Улугов «Сўзамолликми, маҳорат?...» мақоласида эса қиссадаги ана шу хусусиятни яхши илғамгани учун асар персонажлари, «муносабатларига ҳаётнинг азалий ва абадий чигалликлари ҳақида фалсафий — маърифий маъно» сингдирилмаган деган даъвоини илгари сурадими, унга қўшилиб бўлмайди.

Яна бир туркум қиссаларга ҳаёт ҳодисаларини юмористик позициядан тасвирлаш хос.

Анвар Обиджоннинг «Ялтироқ тугма» қиссаси воқеалари шу даражада мураккабки, уни ҳатто, ребусга ҳам ўхшатиб бўлмайди. Ребусни-ку, ақли, фаросати бутун одамлар чақишар, бироқ ушбу қиссадаги «ижодкорлик масъулиятини тўлиқ ҳис қилмай туриб, енгил ҳаёт ва дабдаба умидида йўлга отланган ёш қаламкаш ҳақида «қисса — ҳангома» деган иккинчи — йўналтирувчи сарлавҳаси ҳам ҳеч нарса англамайди. Чунки асар ичида ижод ва ижодкорлик йўли ҳақида деярли сўз кетмайди. Агар ёзувчи Аламазон ижодга қизиқарди, бироқ ҳавойилиги сабаб, бунга эриша олмади, демоқчи бўлса, бу фикрни асослайдиган унча-мунча тасвир ҳам лозим эди.

Қиссанинг ҳозирги аҳволида Аламазон, шунчаки бир саёқ. У нималар қилмайди дейсиз: журфак студенти, савдогарнинг шериги, Бийроннинг ошиғи, шоирнинг улфати, боксчиларнинг тренери ва ҳоказо... ва шуларнинг ҳаммасини ҳеч бир маънавий далилсиз, англалмаган тарзда қилверади. Шу ҳолига Дон Кихотнинг Санчо Пансаси каби ўзи Эшмати, уни жонидан ортқ севгувчи Азизаси бор. Улар ҳам персонажлик мавқеаларига кўра Аламазонга жуда муносиб: воқеаларга на руҳ киритади — на тус беради. Эшмат қишлоқда туриб шаҳарга талант қидириб кетган «валинеъмати»га

ҳамду санолар ўқиб юради, Азиза эса ёзувчи қаҳрамони яна нимага гирифторм эгсам экан, деб турганида водийдан етиб келиб, уни олиб кетади.

Шу тарихи Аламазон бечора бирор бир адабга ўрганмасдан ёки бошқаларга зиғирча одоб бергулик ҳаёт кечирмасдан жўнаб қолади. Оқибатда, асарнинг эстетик қиммати, таъсир кучига путур етади.

Бунинг сабаби нимада? Дастлабки шундаки, ёзувчи ўз асарига «қисса — хангома» номини бериб, ижодкорлик масъулиятини хангомага юклаб қўя қолган. Нафсиламрни айтганда, хангома-ми, саргузаштми, фантастиками, шаклидан қатъи назар, ёзувчининг қўлида ҳар бир жанр маълум гоёни мукамал ёритиш вазифасини бажариши лозим. Анвар Обиджон воқеаларни сатирик йўналишда таҳлил қилиш мақсадини кўзлар экан, у ҳолда ҳар қадамда ёзувчининг ўткир нигоҳи, истеҳзоли қарашлари, фош қилиш маҳорати сезилиб туриши зарур эди. Масалан, Сервантес Дон Кихот саргузаштларини эринмай тасвирлаш орқали бадий ҳақиқатга тўла эришади — ўша замонларда ҳаддан ортиқ кўпайиб кетган, бадийликдан йироқ рицарлик романларининг ёзилишига чек қўяди. «Ялтироқ тугма» автори мақсадни аниқ олганда ва ниятига яраша ифода усули танлаганда, эҳтимол, мукамалроқ асар яратиши мумкин эди.

Нурали Қобулнинг «Буғдой пишигига етмаганлар» қиссасида Улуғ Ватан уруши йиллари воқеаларига Ойқор қишлоғи одамларининг оғир йиллардаги ҳаёти тасвирланади. Одамларимиздаги улкан фидойилик ҳамда фашизмга нисбатан кучли нафрат ҳислари авторми ёзиши ундаганлиги сезилиб турибди. Афсуски, А. Расуловнинг «Янгича муносабатлар» мақоласида айтилганидек, асарда — бу яхши ният бадий рўёбга чиқмаган. Қиссада тасаввуримизни бойитадиган бирорта ҳам янги факт, характер ёки янги нигоҳни кўрмаймиз. Аксинча, бошқа асарлар орқали аллақачонлар онгимизда яшаб келаётган персонажларга ўхшаш ойқорлик одамларни яна бир марта учратамиз. Масалан, Эрали бобо Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур Асрор бобосига ўхшаганроқ одам, Эрали бобо ва Энақиз момонинг ёлғиз фарзандлари Ҳожибек урушда. Чол-кампир ўтган самолётга умид билан қарайдилар, «сўнгра хўрсинишиб, бир-бирининг кўзидан панада обидийда ҳам қилиб олишади». Белоруссиядан эвакуация қилинган оналардан бирининг беш яшар ўғли ўлади ва мусулмон мазоҳига кўмиш ёки кўммаслик устида жиндай гап бўлади. Шунда Усмонали « — Қаерга бўларди?.. Энди бу халқ билан турсак бир тепа, ўлсак бир гўрмиз...» — дейди. Бу эпизод машҳур «Роксананинг кўз ёшлари» балладасидаги воқеаларни эсимизга солади.

Қиссадаги «Амирқул муаллим фақат ухлаганда чекмайди. Дам олиш учун чўзилиб ётганда ҳам лабида папироси бўлади. У қишлоқда яққаю ягона папирос чекувчи одам бўлганлиги учун кишилар унга ҳатто ҳўрмат билан қарашади» таърифини ўқир эканмиз, дарҳол «Болалик»даги Расул ўрус эсга келади.

Асардаги бошқа фактлар ҳам таниш. Ҳўкизларни ўғри ҳайдаб кетиши, боланинг сигирни эмиши, нарх-навонинг ошиши, колхоз ғалласининг ўғирланиши, солиқ йиғувчиларнинг меҳрсузлиги, арзиманган тўхмат билан одамларнинг қаматилиши, баъзи бир муттаҳамларнинг аёлларга кўз олайтириши, аёлларнинг қоп ортиши, очдан ўлиш ва шу кабилар Ч. Айтматов, О. Ёқубов, С. Аҳмад, У. Ҳошимов ва бошқа кўплаб ёзувчиларнинг асарларидан маълум эди.

Қиссада чалкаш эпизодлар анчагина. У шундай тасвир билан бошланади: «Борлиқ сукунат оғушида... Серташвиш кунлар ҳам юракка ваҳм солгувчи чексиз туюладиган бул сукунатни бузолмас эди». Худди шу фикр қўйидагича яқунланади: «Изғирин музликка айланган қояларни ялаб-юлқаб чийиллар, жарликлар тепасида қор қуюни ўйнади». Энди буёғини ўзингиз топаверинг — «сукунатми», «чийиллашми»? Асар руҳига қайси бири кўпроқ керак эди. Сўнгра Ҳўкизлар ўғирланади. Аёллар ўзларини молага қўшишади. Шу пайтдаги уларнинг аҳолига қаранг: «Зухра хола овозини баралла қўйиб, ашула айтарди, икки-уч аёл унга жўр бўладилар... Абдурахмон деган одам ғалла ўғирлайди ва қўлга тушади. У гоёт мунгли, ғамгин ва ўта лоқайд, дунёдан тўйган одам сифатида тавсиф этилади. Раис бир шапалоқ урган ҳам эдики, шу ҳаётдан умидсиз одам раисни фош қилади, сўнгра тепади. Одамлар уни уриб ўлдиришади. Келтирилган икки ҳолатда ҳам инсоний психологик номутаносиблик мужжасам. Биринчисида бўйнига бўйинтурук осган аёлларнинг баралла қўшиқ айтишлари, иккинчисида гангив турган одамларнинг гапни чертиб-чертиб гапириши, муштлашишини тасаввурга сиғдириш қийин.

Нафсиламбрини айтганда, уруш йиллари материали асосида шу кунларда ҳам таъсирчан қиссалар ёзиляпти. Назар Эшонқуловнинг «Уруш одамлари» қиссасини эслайлик. Бу асарда уруш драматизми тақдирлар фожиасига сабабчи эканлиги асосли ва изчил тасвирлар воситасида, характерлар мантиқига мос даражада ҳаққоний ифодаланадими, у ўқувчида қониқиш туғдиради. Мазкур кузатишлардан қикадиган ҳақиқатни, ўзбек қиссачилиги «Ўз ўзиндан тўлиб оқмоқда» (А. Улугов). Шу билан бирга унга жиддий тилаклар айтиш зарурати бор.

А. Расулов «Янгича муносабатлар» мақоласида Ш. Бўтаевнинг «Кунботардаги боғ» ҳамда Н. Қобулнинг «Буғдой пишигига етмаганлар», асарларини қийсий таҳлил этиб, улардаги кўпгина эпизодлар ва қаҳрамонларнинг оригиналликка шубҳа билдиради. У фикрларни етарлича исботлаб беради. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек қиссачилигида баъзи тақлид даражасида ёзилаётган асарларни кўряпмиз. Масалан, Ч. Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» асаридан сўнг ўлим маросимлари тасвири кўпайгани сезиляпти. Бундай асарларда маҳаллий қолорит, миллий характер, деталлар мавжудлигига қарамасдан концептуаллик ва фалсафий фикр салмоғига путур етказилмоқда. Адабий-танқидий мақолаларда қайта-қайта таъкидланаётганидек, тасвирда субъективизм улушининг ортиб кетаётганини, қаҳрамоннинг жўнлашиб бораётгани, адабиётнинг ўқувчини ҳайратлантириш хусусияти сустлашиб қолаётгани каби фактларни назардан қочириш мумкин эмас.

Кейинги икки йил ичида турғунлик йиллари материали асосида қатор қиссалар ёзилди ва шу қисқа вақт ичида бу ҳақда маълум қолиплар, схемалар шаклланди: «Бурни қонаганлар» ва «оғиз қонларнинг эгизакдек ўзаро ўхшаш образлари кўп чизилди. Бироқ ҳаётимиздаги кейинги ўн йиллар маънавиятини чуқур бадий тадқиқ этадиган, XVI Пленум ва суд материалларидан чуқурроқ ва фарқлироқ инсоний жараёнларни кўрсатадиган асар ҳозирча ёзилади. Ваҳоланки, бу йиллар факторларининг ижтимоий — психологик заминлари қарама-қарши мустақил позициялардан туриб чуқур бадий таҳлил этилмоғи зарур вазифадир. Адабиёт — беоромлик ҳосиласи экан, ўша давр одамлари ҳақида жонкуярлик билан ёзишни бугундан бошлаш кераклиги ўз-ўзидан маълум.



ҲАМЗА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Бахтиёр Назаров

ЖАСОРАТДА ТОБЛАНГАН ИЖОД

XX аср тонгида Туркистон ҳаётида юз берган шиддатли ҳодисалар даврининг илғор фарзандлари дунёқарашидаги такомилни ҳам тезлаштирди. Улар 1916 йил арафаларига келиб, истибдоддан, зулмдан қутулишнинг аниқ ва бирдан-бир тўғри йўли нимадан иборат эканлигини ҳали тўлиқ тушуниб етмасалар-да, ҳар қалай, бундан буён эскича яшаш мумкин бўлмай қолганини англаб ета бошладилар. Келажакни олдиндан кўра олиш салоҳияти кучли ижодкорлар қалбида ҳадемай халқ озодликка чиқади, деган умид яллиғлана борди.

Ҳамзанинг замондоши, шеърятга ундан бирмунча илгарироқ кирган Завқий:

**Ҳаҳон аҳлини золим ҳаддидан озод кўргайсиз,
Гирифтори алам эрмас, ҳаммани шод кўргайсиз, —**

деб башорат этишига боис шундан. Шавкатнинг «Русия инқилоби» ва «Рабочийлар келиши» номли дostonларида давр билан изоҳланувчи муайян чекланишлар бўлишига қарамай, Октябрь революцияси арафасида Россия ва Туркистондаги синфий курашлар реалистик позициядан туриб акс эттирилди, уларда халқ инқилобий онгининг тадрижи ўз ифодасини топди. Бу фактлар Инқилоб арафасида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби илғор позицияда турган ижодкорларимиз оз бўлмаганини ва улар ҳам бу йилларда баракали ижод этганларини кўрсатади.

Ҳамзанинг аксар кучли, бақувват шеърлари ижтимоий-сиёсий ва граждaнлик лирикаси намуналаридан ташкил топгани тўғри. Унинг бу йўналишдаги ижоди таниқли адабиётшунослар — Юсуф Султонов, Лазиз Қаюмов ва бошқа қатор тадқиқотчиларнинг асарларида атрофлича ўрганилган. Лекин биз чуқур илмий, фундаментал тадқиқотларни ҳисобга олмаганда, оммабоп рисолаларда ва суҳбатларда шоир ижодининг, асосан мана шу қирраси ҳақида кўпроқ гапиришга кўниқиб қолганмиз. Ҳолбуки, Ҳамза поэзиясида инсон туйғуларининг ранг-баранг талқини, хусусан, ишқ-муҳаббат, соғинч ва алам, висол ва айрилиқ, умид ва ўқинч, садоқат ва ҳижрон ҳисларига бағишланган асарлари ҳам оз эмас. Кўпроқ шоир ижодининг дастлабки босқичлари учун характерли бўлган бундай хусусиятлар Ҳамза бадий оламининг нечоғлик ранг-баранг бўлганлиги ҳақида тасаввур бера олади. Масалан унинг:

**Боғларда гул очилмас то ёз кўрмагунча,
Парвона жисми куймас то ўзни урмагунча.
Расволиғ этди Мажнун, Лайлига етди охир,
Етмас эди бўлиб ул девона юрмагунча —**

сингари шеърлари муҳаббатда фидойилик, унинг йўлида жамики азоб-уқубатга чидаш зарурлигини илгари суришдан ташқари, ошиқлик инсон табиятини тобловчи, ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган ботиний ва зоҳирий қийинчиликларда чиниқтирувчи ёғду сифатида талқин этилади.

Ҳамзанинг халқ ичида машҳур бўлиб кетган:

**Бўйнимга солиб-ки қўл бўлакча,
Солдинг рақибимга йўл бўлакча,
Ноз ўзгача-ю, кўнгил бўлакча...**

каби мисралари унинг ижодида интим лирика ҳам анчагина салмоқли ўрин эгаллаганига далил бўла олади.

Ҳамза ишқий лирикасида устозлар тажрибасига суяниб, машҳур ва традицион радифлар асосида яратилган шеърлар ҳам талайгина:

**Кўрсам сўзимни йўқотиб, оғзимга келмас бир суҳан,
Гар кўрсамсам бир лаҳзаи тоқат қилолмай доғмен.**

Давр талаблари, шоир дунёқарашидаги такомил унинг ижодида ижтимоий-сиёсий мотивларнинг чуқурлашувига сабаб бўлди. Инқилоб арафаларига келиб анчагина кучайган бу йўналиш Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг янги босқичга кўтарилди.

Ҳамза ижоди ҳақида, унинг айниқса, инқилобгача яратган асарлари ҳақида гап борар экан,

барча буюк санъаткорлар учун хос бўлган тадрижий тараққиёт, дунёқарашдаги муайян мураккабликлар ва айрим зиддиятлар унга ҳам хос бўлганлигини назардан қочирмаслик керак. Дунёқарашдаги бу паст баландликлар унинг, айниқса, 1914 йилда ёзилган «Улуғ подшоҳимизга дуомиз» шеърисида аниқ кўринади. Шоир бу асариди «улуғ подшоҳ»га ҳамду санолар ўқийди, уни Россиянинг чекка ўлкаларидаги халқларнинг ҳам соябони, ғамхўри сифатида таъриф этади. Бу, албатта, инқилобдан аввалги Ҳамза қарашларидаги чекланишларнинг белгиси, жамиятга сиёсий муносабатларидаги етишмовчиликларнинг нишониси эди. Лекин, бундай шеърлар Ҳамза ижоди учун характерли бўлмай, тамомила ўткинчи бир ҳодиса эди. Халқ ҳаётига янада чуқурроқ кириб бориш, турмушда содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни янада теранроқ идрок этиш Ҳамза дунёқарашининг жадаллик билан тўғри йўналиш олишига асос бўлди.

Шоирнинг юқориди номи тилга олинган шеърдан сўнг яратилган ўнлаб асарларида халқнинг аянчли аҳволига қайғуриш, юрт устунларига нисбатан кескин танқидий муносабатларни кўради. Унинг шу даврдаги аксар асарларида халқ бошига тушган азоб-уқубатларнинг асосий сабабчилари қилиб, юртни бошқарувчилар кўрсатилади. Юртни бошқарувчиларнинг «энг каттаси» эса ким бўлгани маълум. Шу тариқа Ҳамза танқидининг тиғи бевосита бўлмаса-да, билвосита ўзининг тегишли нишонини топади.

Буюк инқилоб арафаларига келиб Ҳамзанинг дунёқарашини ва бадиий асарлари даврининг энг илғор ғоялари билан йўғрилди.

Ҳамза Улуғ Октябрь Социалистик революцияси ғалаба қозонган дастлабки кунлардан бошлабқ бутун ижодини шу буюк тарихий ҳодиса ғояларини куйлашга бағишлади. Унинг «Ҳой, ишчилар», «Биз ишчимиз», «Ишчилар уйғон!», «Яша шўро», «Ҳой-ҳой, отамиз», «Уйғон», «Ишчи бобо» сингари шеър ва қўшиқлари наинки ўзбек шеърияти, балки умумсовет поэзиясининг гултож намуналари қаторидан ўрин олди.

Шарқ адабиёти тарихида меҳнаткаш халқ оммаси орзу-умидларини тараннум этган, манфаатини ҳимоя қилган асарлар оз эмас. Лекин меҳнаткаш, ишчи халқ шаъни ва шавкати бамисоли гимн даражасида бу қадар теран ва конкрет, бу қадар умумлаштирилган ҳолда куйланиши ўзбек адабиётида тамомила янги ҳодиса эди. У янги тарихий даврнинг маҳсули ҳисобланадиган дунёқарашнинг ҳосиласи, янги типдаги ижодкор бадиий тафаккурининг порлоқ намунаси эди.

Бироқ нима учун айнан Ҳамза асарлари миллионлаб меҳнаткаш халқ вакиллари оммасига бамисоли нурдек сингиб кетди, нима учун унинг шеър ва қўшиқлари ўз даврининг энг оммабоп асарларига айланди, нима сабабдан тарихнинг талабчан чиғириқларидан ўтиб, мангуликка дахлдор бўлиб қолди? Тўғри, бунинг сабаби энг аввало унинг асарларидаги теран ғоявийликка бориб боғланиши шубҳасиз. Лекин Ҳамза асарларининг халқ орасида машҳур бўлиб кетиши, адабиётимиз тарихидан мангуликка ўрин олиши сабабларини фақат ғоявийлик билангина изоҳлаш бир ёқлама бўлур эди. Гап шундаки, Ҳамза халқ билан унинг ўзига энг яқин бўлган фикрлаш йўсинида сўзлашди, халқ дилидаги орзуларни, армонларни ифода этишнинг сўз санъатидаги энг мухтасар, халқчил усуллари ни кашф этди, бу асарларнинг ўқигувчи халқнинг ўзига ҳам ўзи ҳақида, ўз тақдири, ўтмиши, бугуни, келажаги ҳақида чуқурроқ ўйлашга имкониятлар яратди. Баъзилар Ҳамза инқилобий шеъриятини нуқул хитоб, нуқул патетика, даъват ва чорловлардангина иборат деб ўйлайдилар. Аслида Ҳамзанин инқилобий поэзияси моҳият эътибори ва руҳига кўра шундай. Бу шеърият ҳам чуқур психологик тасвир ва инсон руҳиятидаги кечинмалар, драматизм билан лиммо-лим сўғорилганини унутмаслик лозим. Бусиз ҳеч қандай ҳатто юксак ғоя билан йўғрилган асар ҳам халқ кўнглига йўл топиши қийин бўлур эди. Унинг «Биз ишчибиз» қўшиғига назар ташлайлик:

**Биз ишчибиз, меҳнатчибиз,
Биз ҳам инсон ўғлибиз.
Ўйлашайлик, бизлар на деб
Золим бойлар қулибиз!**

Бу парчадаги кўйиб сатрни ва ҳатто бирор сўзнинг ўрнини алмаштириб кўринг-чи, ёки ўрнига бошқа бир сўзни қўйиб кўринг-чи? Бу, биринчидан, шу тўрт сатрағёк нечоғлик катта маъно, маъно бўлганда ҳам доимо халқнинг ич-этини тирнаб келган муаммо сиғдирилишига эътибор беринг. Ахир мен ҳам одамман-ку, мен ҳам инсон боласиман-ку, нега бунчалик пешонам шўр экан, деб тақдири нигун қайси бир меҳнаткаш ўйламаган, ўйга толмаган, саволига жавоб тополмай, андуҳлари вужудини зир титратмаган дейсиз? Сезяпсизми, Ҳамза масалани инсон руҳиятидаги нечоғлик нозик нуқтадан олади. Ва шу ернинг ўзидаёқ меҳнаткаш халқни ўз тақдири ҳақида, унинг сабаб ва натижалари ҳақида чуқурроқ ўйлашга, тўғрироғи, шу натижаларнинг сабабини аниқлаш учун ўйлашишга мажбур этади: «Ўйлашайлик, бизлар на деб Золим бойлар қулибиз?» Фақат биргина «Ўйлашайлик» деган сўзнинг поэтик ва ғоявий юки, унинг руҳи ва мазмунинидаги мақсад нақадар чуқур эканига эътибор беринг. Зеро, юқориди айтганимиздек, шеърда бу сўзнинг ўрнини бирорта бошқа сўз босолмайди. Чунки, унга Ҳамза эллик мисрадан ортиқроқ бу асарнинг бутун психологик жавҳарини ҳам, ғоявий йўналишини ҳам сингдира олган. Шунинг учун ҳам қўшиқдаги деярли ҳар икки тўртликнинг бирида «ўйлашайлик, бизлар на деб Золим бойлар қулибиз» рефренининг қайтарилиб, такрорланиб келиши бежиз эмас.

Кўринадики, инқилоб ғояларини, революцион ғояларни шунчаки риторик, баландпарвоз, даъватнамо хитоблар орқали эмас, конкрет инсоннинг, халқнинг дилидаги дардлари, орзулари билан ажралмас бирликда бера олиш санъатига Ҳамзага миллионлаб халқ оммаси ичида адолат ва ҳақиқат уруғини селиш ва унинг ушини таъминлай олишига сабаб бўлган омиллардан бири бўлди.

Шуниси эътиборлики, Ҳамзанин 1917—1918 йилларда ёзилган «Ҳой ишчилар», «Биз ишчибиз», «Ишчилар уйғон!», «Яша шўро» сингари шеър ва қўшиқлари бамисоли бири иккинчисининг узвий давомидек, бири иккинчисидан ўсиб чиқади, аввалги асардаги ғоя, лирик қаҳрамон характери кейингисиди янада ривожлантирилади, уларнинг янги-янги қирралари очилади. Чунончи, «Биз ишчибиз» шеърисида халқни, ишчилар ва меҳнаткашларни ўз ҳақ-ҳуқуқини чуқурроқ идрок этишга даъват этган Ҳамза «Ишчилар уйғон!»да ана шу ғояни янада ривожлантиради. Янги қуёш чиққани, янги замон келгани — бу, энди ҳамма нарса ҳал бўлди-ю олам гулистонга айланди, энди оёқни узатиб

яшайвериш мумкин дегани эмас. Энди шу замонга муносиб фарзанд бўлмоқ керак, шу замонга муносиб меҳнат қилмоқ, қайтадан ўзликини шакллантирмоқ керак.

**Ишчилар уйғон, уйғон, уйғон!
Сенга ишлашга етишди замон.
Ишчилар уйғон, уйғон, уйғон!
Сенга ўқишга етишди замон.**

Бу сатрларнинг инқилоб тонгида халқни қайта шакллантиришдаги сафарбар кучи, унинг дунёқарашини, характерини тоблантиришдаги аҳамияти беқиёс эди. Улар социалистик жамиятни бунёд этажак инсонлар янглиғ жуда катта қудратли кучга эга бўлган бунёдкор сатрлар эди.

Социалистик жамият барпо этилганига етмиш йилдан ошган ҳозирги босқичда партия ҳужжатларида, адабиётшунослик ва танқидчиликка оид методологик тадқиқотларда буюк инқилобнинг амалга ошириш жараёни акс эттирилган асарларда жамики зиддиятлар, қийинчиликлар, тўкилган қонлар, берилган қурбонлар — барчасини бутун борлиғи билан кўрсатиш зарурлиги алоҳида таъкидланмоқда. Бу шунчаки талаб эмас, ҳаёт ҳақиқатини кўрсатиш заруратидир. Ҳамза инқилобий руҳдаги деярли барча асарларида ана шу ҳаёт ҳақиқатини кўрсатишга қатъий амал қилган санъаткордир. Ҳамзанинг бирор бир асари йўқки, унда тасвирланаётган воқелик, акс эттирилаётган қаҳрамонлар характери у ёки бу даражада хаспўшланиб, енгил-елпи ёки бир ёқлама тасвирланган бўлсин. «Биз ишчибиз», «Ишчилар уйғон!» кўшиқларидан сўнг ёзилган навбатдаги машҳур кўшиқлардан бири — «Яша Шўро»да муаллиф халқни рўшноликка олиб келувчи буюк Инқилобнинг енгилмас қудратини тараннум этади. Бироқ бу инқилоб ўз-ўзидан бўлган эмас. Унинг ғалабалари минглаб кишилар тўккан қон эвазига қўлга киритилган:

**Бузма кўнглинг, боқ бу Шўро,
Берди мангу интибоҳ.
Томчи ҳар қонингга олдинг
Илму урфон, эрқу жоҳ.**

Улкан бадий асарлар кўпинча конкрет айрим бир халқ ҳаёти ва конкрет бир давр инъикоси сифатида майдонга келса-да, замонлар ўтиб ўзининг ғоявий ва бадий қудрати жиҳатидан бошқа даврлар ва кўплаб бошқа халқларнинг ҳам мулкига айлана олади. Ҳамзанинг бошқа бир кўп асарлари қатори «Яша Шўро» кўшиғи ҳам ана шундай хусусиятга эгадир. Асардаги:

**Яша Шўро, яша Шўро!
Сен яшайдирган замон.
Ишчи ўғли шухратингдан
Балқисин рўйи жаҳон! —**

сингари сатрлар бугун ҳам ўз озодлиги учун кураш олиб бораётган жаҳондаги кўпдан-кўп тараққийпарвар халқларнинг кўшиғи бўла олади. Чунки бу шеърда ўз ифодасини топган ғоя озодлик, эрк ва адолатни, инқилобий ҳақиқатни ўзига байроқ деб билувчи халқ учун ҳам муштарак ва интернационал аҳамиятга эгадир. Ленинча ғояларни кенг тарғиб қилиш, жамики мақсадларни социализм ғалабаларини мустаҳкамлашга қаратиш, бу йўлда ҳар қандай иккиланишларга чек қўйиш зарур бўлган 20-йилларнинг мураккаб ва оғир шароитларида буларнинг барчасини бадий асарлар орқали халқ онгига етказиш ижодкордан ўктамлик, фаоллик ва ҳозиржавобликни талаб қилар эди.

Ҳамза ижодидаги Октябрьдан аввалги маърифатпарварлик билан инқилобдан сўнгги маърифатпарварлик ғоялари ўртасида фарқ бор, албатта. Кейингиси энди янги жамиятни мустаҳкамлашга бўйсундирилган социалистик ғояларнинг муҳим қирраларидан бири сифатида намоён бўлади. «Уйғон!» кўшиғида айтилганидек:

**Шўро ҳокимияти кўп яшасун!
Қўлу оёқ асоратдан бўшасун!
Чин маорифнинг эшиги очилди,
Ишчи ўғли ҳам маданий яшасун!**

Бу социалистик маориф ҳақидаги, маданий инқилоб ҳақидаги ленинча ғояларнинг, коммунистик партия ғояларининг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий поэзияси мисолидаги конкрет ифодаси эди.

Ленин ғояларини тарғиб этиш, бу ғояларни синфий ва мафкуравий душманлардан асраш, эҳтиёт қилиш инқилобдан сўнгги давр, аниқроғи, 20-йиллар Ҳамза ижодидаги энг характерли фазилатлардан биридир. Ҳамзанинг шундай шеърлари ҳам борки, уларда шоир бевосита доҳий сиймосининг ўзига мурожаат этади. 1921 йилда ёзилган «Эрклик марши» шеъри ана шундай асарлардан биридир. Ленин бизнинг раҳбаримиз экан, биз энди ҳар қандай кўриниш ва йўналишдаги душмандан ҳам қўрқмаймиз, Ленин қўлимизга тутқазган қурол билан унга қарши аёвсиз курашамиз деган ғоя шеърнинг асосини ташкил этади.

Ҳамзанинг ижтимоий фаолияти, ватанпарварлиги, халқчил сиймоси ҳақида гап борар экан, унинг айниқса, янги авлод келажаги, болалар тарбиясига жуда катта эътибор билан қараганини айтиш керак. Маълумки, Совет ҳукуматининг Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки энг муҳим тадбирларидан бири, саводсизликни тугатишга қаратилган В. И. Ленин имзо чеккан декрет бўлди.

Авлоний Тошкентда, Ҳамза Қўқонда бир қатор саводсизликни тугатиш мактабларини ташкил этдилар. Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони» сингари қўланмалари, Ҳамзанинг «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат мактаби» сингари дарсликлари Туркистонда саводхонликни ошириш ишида катта роль ўйнади.

Фақат бугина эмас. 80-йилларнинг охиридаги ҳозирги шароитларда КПСС Марказий Комитетининг болалар уйларига ғамхўрликни кучайтириш ҳақидаги махсус қарорлари чиқарилганини, Бо-

лалар фонди ташкил этилганини назарда тутсак ва Ўзбекистонда инқилобдан илгариги ниҳоятда оғир шароитларда Ҳамза ва Авлоний каби илғор кишилар «етимларга ёрдам бериш» жамиятларини ташкил этганлари, уларни бепул ўқитишда ўзлари ташаббус кўрсатганларини инобатга олсак, бу улкан сиймоларнинг халқпарвар ва ватанпарвар қиёфалари янада ойдинлашади.

Бироқ инқилобдан аввал бу йўналишдаги ишларни кўнгилдагидек амалга ошириш душвор эди. Бу борадаги Ҳамза ва Авлонийлар фаолияти ҳам ташаккур ўрнига таъна-дашномларга учради. Бундай адолатсизликлар туфайли баъзан Ҳамза фиғонидан оловлар чатнади. Шунинг учун ҳам Октябрь инқилобидан беш-олти йил аввал ёзилган шеърларидан биридаги:

Фикр қилсам, ватан ичра менга турмоқ ҳаром ўлди — деган нолишини фақатгина тушкунлик, ёхуд Ватандан кечиш туйғулари сифатида эмас, аксинча, адолатсизликка қарши исён ва чексиз ватанпарварлик туйғулари ҳамда ўз дардларига шеъриятдан излаган имдоди деб тушунишимиз тўғрироқ бўлади.

Кўп ўтмай бу шеърий нола — Ватанда қолишнинг ноиложлиги ҳақиқатга айланди. Тақдир шоирни Ватанни тарк этиб, салкам бир ярим йил хорижда дарбадар юришга мажбур этди. Бу давр кайфияти унинг қатор асарларида аниқ ифодаланди — шеърларида беватан, ғариб мусофирман сўзларининг такрор-такрор учраши шундан. Лекин улар оддий сўзлар эмас, сўз шаклидаги ватан соғинчининг ифодалари эди. Албатта, Ҳамзанинг чет эл сафарини фақат нолалар сифатидагина тасаввур этиш нотўғри бўлур эди. Хориждаги ҳаёт шоир ижтимоий қарашларининг шаклланишига муҳим замин яратди. Мана шу ҳаётси тажриба Ватанда этилиб келаётган революцион шарт-шароит, татар, озарбайжон ва айниқса, рус адабиётининг таъсири Ҳамзанинг инқилоб куйчисига айланишига ва пиروвардида, ўзбек адабиётида социалистик реализм методига асос солишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Биринчи жаҳон уруши бошланган 1914 йиллар арафасига келиб Ҳамза дунёқарашидagi синфийлик тушунчаси янги босқичга кирганини кўраемиз. У эзувчи ва эзилувчи синфлар аро ҳукм сураётган тенгсизлик ҳақида энди асарларида янада конкретроқ фикрлашга ўтади. Масалан, у шу даврда ёзган шеърларидан бирида элга зулм кўрсатувчиларни «бегоналар» деб атади. Чиндан-да ўзи бу даврга келиб юқори табақанинг — маҳаллий амалдорларнинг ҳам, чор чиновникларининг ҳам зулми бирдай ҳаддан ошган эди. Шу сабабдан Ҳамза «Ана ўзгалар, мана биз» шеърисида:

**Биз оёқ остида қолдик хор бўлиб,
Бошни босиб ўтгувчи бегоналар —**

дер экан, умумхалқ вужудида туғён уриб турган дардни, ҳасратни ифодалаган эди.

Мазкур шеърда Ҳамза бошқа халқлар (мутахассислар бу ўринда рус халқи назарда тутилганини эътироф этадилар. — Б. Н.) ўз Ватани, халқи тараққиётига катта эътибор беришини ҳавас билан таъкидлагани ҳолда, ўз халқида бу нарсага аҳамият йўқлигидан афсус-надоматлар чекади, ана шу илғор халқлардан ибрат олишга чақиради. Биз туну кун уйқудамиз деб, халқни уйғонишга чақиради. Эътибор беринг-а, Октябрь инқилобидан кейиноқ яратилган «Ишчилар уйғон» шеърисидаги уйғонишга даъват, чақириқларнинг дастлабки илдизи 1914 йилдаги шу шеърга бориб боғланади. Бироқ ҳозирча мазкур шеърдаги бу ғоя кўпроқ маърифий-маданий чақириқ характерига эгадир. Хуллас, юқоридаги «Ана ўзгалар, мана биз» шеърининг финалдан аввалги тўртлигини шоир қуйидаги мисралар билан яқунлайди:

**Ўзга миллатлар йўлин акмал этар,
Бизни миллат қолғуси урёналар.**

Агар курашмаса, уйғонмаса халқи мазлум бўлиб қолиши мумкинлигини Ҳамза ўша вақтдаёқ тушуниб етган эди. Шунинг учун шоир халқини бидъат ва эскиликлардан воз кечиш, янгиликка, камолотга, прогрессга чорлашни ўзининг асосий бурчи деб билди.

Умуман, она Ватани — Туркистон равнақи ҳақида қайғуриш, бошқа халқлар қатори ўзбек халқининг ҳам камолотини орзу қилиш, бу йўлда тўғаноқ бўлган барча иллатларни аёвсиз қош этиш, элнинг ночор ва забун аҳволидан озор чекиши ва юртни жамики қолақликлардан холи кўриш истаги инқилоб арафаларида Ҳамза ижодида ниҳоятда ўткир тус олган йўналишлардан биридир. Ҳамзанинг қатор шеърларида, хусусан, 1915 йилда чоп этилган «Миллий ашулалар» тўпламидаги аксар асарларида бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

Ажаб бизнинг Туркистон, доим ер билан яксон — деб ёзади шоир ана шу тўпламдаги шеърларидан бирида.

Янгича илму урфон билан, янгича ғоялар асосида турмушимизни ўзгартириш ҳақида қайғурмас эканмиз:

**Миллат деганларнинг оқар кўз ёши,
Миллат ғам ўлур доим йўлдоши,
Миллат деганларга ёзилса тоши,
Миллат йўлида кетар бўлса боши,
Миллат тараққийси ўлгай талоши —**

деган шоир ўз шеърларида даврининг илғор фикрларини илгари суради. «Миллат» деганда Ҳамза эзувчини ҳам, эзилувчини ҳам фарқига бормасди, синфийликни англаб етмасди, дейишга ҳеч қандай асос йўқ, албатта. Зеро, Ҳамза бу даврда синфийликни анча теран ва чуқур тушунганини, эзувчи билан эзилувчини аниқ фарқлай олганини далилловчи ўнлаб далилларга эгамиз. У «миллат» деганда, асосан, халқни назарда тутди. Зотан, унинг халқ учун қайғуриши, халққа нисбатан кўрсатилаётган адолатсизликларни идрок эта бориши, умуман, тузумга нисбатан исёнли кайфиятларининг чўланишига асос бўлди, улар эса ўз навбатида шоир бадий тафаккуридаги инқилобий ғояларнинг этилувини янада тезлаштирди.

Натижада, «Миллий ашулалар» тўпламида илгари сурилган юқоридаги ғоялар 1916 йилда чиққан «Оқ гул» тўпламига келиб янада конкретроқ — даъваткор руҳ билан йўғрилди:

**Тезроқ мақсадга етайлик, алданмай,
Шакар деб бир кун қалампир сўрмай.**


Бу «мақсад» ҳаётни, турмушни ҳозиргидан бошқачароқ тарзда кўриш истагидан бошқа нарса эмас эди, албатта. «Алданмасликка чақириш» замирида ҳам катта маънолар бор эди. Халқ кўйини — халқ кўнглини пуч ёнғоққа тўлдириш насиҳатлари билан йўғрилган, халқни катта мақсадлар йўлидан чалғитишга ҳаракат руҳи билан сўғорилган интилишлар бу даврда оз бўлмаганини тарихдан яхши биламиз. Ҳамза алданмасликка чақириш, янги мақсадларга етишга даъват этиш билангина кифояланиб қолмайди, унинг фикрича, бунинг учун мавжуд жароҳатларни авж олдирмаслик керак, унинг давосини топиш зарур:

**Зўраймасдан жароҳат,
Даво қилинг даволат.
То етмасдан фалокат
Бўлсак миллат қурбони.**

Бу — «Яшил гул» тўпламидан. Лекин эл бошига фалокат солаётган бундай кимсалар ким? Шоир «Оқ гул» тўпламида бунинг ҳам аниқ жавобини беради. Улар халқни кеча-кундуз тиндирмай ишла-тиб, сарқит ош, нон билан боқаётганлардир, юракларни ёқаётганлардир. Уларнинг қўллари бизнинг ёқаларда, улар оёғимизга темирдан кишан тақмоқдалар, деб образли хулоса чиқаради шоир.

Халқни бу машаққатли ҳаётдан озодликка, эркинликка олиб чиқадиган бирдан-бир тўғри йўл Инқилоб эди. Ҳамза Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафаларига келиб бу заруратни узил-кесил тушуниб етди. Инқилобгача бўлган давр дунёқарашдаги ғоявий-бадий такомил, тадрижи туфайли у янги ҳаётнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ Революция манфаатларини куйлашга ўтди.

Ҳамзанинг совет давридаги ижоди ҳам тараққиётнинг бир босқичи доирасидагина қолиб кетгани йўқ. Бу босқич ҳам санъаткор дунёқараш ва маҳоратида жиддий эволюция йўлини босиб ўтганлиги билан диққатга сазовор. Миллий замин учун, мамлакат учун хос инқилобий ғоялардан умумбашарий революцион ғояларни куйлашга ўтиш ана шу тадрижий йўлдаги муҳим фазилатлардан биридир.



МАҚСУД ШАЙХЗОДАНИНГ 80 ЙИЛИГИ ОЛДИДАН

БИР ОБРАЗНИНГ ИККИ ТАЛҚИНИ

Кўпчилик санъат мухлислари ва мутахассисларига маълумки, Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин» драмаси Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрининг энг гўзал, таъсирчан сахна асаридан эди. У гарчи жуда қисқа муддатда сахнага чиққан бўлса-да, халқ қалбига тез йўл топиб, доврўғи бутун Ўзбекистонга тарқалди. Гўё у санъатимиз осмонида чақмоқдек пайдо бўлиб, чақмоқдек йўқолди...

Адолат билан айтиш керакки, «Жалолиддин» каби драмаларимиз унчалик кўп эмас. Шундай бўлишига қарамай, асар ўз вақтида ноҳақ танқидга учради. Натижада драма қирқ йилдан бери на сахна юзини кўрди, на тўлалигича матбуотда босилди. Бунда биз, санъатшунос ва адабиётшуносларнинг ҳам айби бор. Тўғриси, уни «ҳимоя» қилишга журъатимиз етишмади.

Қайта қуриш, ошкоралик даврининг шарофати туфайли «Жалолиддин» билан «Ёшлик» журнали саҳифаларида қайтадан учрашдик.

Утган йилнинг охирларида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ҳ. Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институти архиви «Жалолиддин»нинг музикали варианты ҳисобига бойиди. Натижада асарнинг икки нусхасига эга бўлдик.

Музикали вариант «Ёшлик»дагидан 611 мисра ортиқ. Гап унинг ҳажм жиҳатидан кўплигида эмас, асосий фарқ воқеаларнинг изчил ривожланиши — драматик ҳаракатида. Иккала вариантда тафовутлар анчагина. Ҳозирча, тасаввур ҳосил қилиш учун асардаги энг кичик, эпизодик образлардан бири Яроқбекни солиштириш билан кифояланамиз.

«Ёшлик» журнали эълон қилган вариантда Яроқбек иккинчи парданинг биринчи кўринишида амир Бадриддин ёнида сандиқча кўтариб сахнага чиқади ва сандиқчани қўйиб қасрга кириб кетади. Бу танишув айтарли эсда қолмайди. Негаки, муаллиф, келтирилган совғанинг кўплигини назарда тутаяптими ёки Яроқбекнинг Бадриддинга ниҳоятда яқинлигиними? Шунинг учун бўлса керак, Мақсуд Шайхзода музикали вариантда Яроқбекни Бадриддиннинг сандиқчасини кўтартиришдан воз кечиб, ниҳоятда тўғри йўл тутган.

«Ёшлик» журналидаги вариантда Бадриддин сандиқчадаги тақинчоқларни Султонбегимга бериб, саройга кириб кетиши билан Яроқбек қасрдан чиқади.

Отамни ташлаган Сирдарёсига —
Йўлиққай фалакнинг ҳар балосига.
Темур Малик экан отам қотили,
А мен-чи! Дунёнинг тентак софдили.
(Бадриддин чиқади)

БАДРИДДИН
Яроқбек, нега сен шунча ҳам маъюс!

ЯРОҚБЕК
Дардни минг айтсам ҳам камаймас, афсус!
Гумроҳ бир дарвишдай сизни пир дедим.
Бешни бир десангиз, мен ҳам бир дедим.
Амир, юрагимни парчалар қасос!

БАДРИДДИН
(кулиб)

Узингни тий тентак, жаҳлингни сал бос.
Ваъдасини унитмас амир Бадриддин.
Манзилга оз қолди, маррага етдинг!

ЯРОҚБЕК
Топмоғим вожибдур Темур Маликни!

Бадриддин уни койиб, Темур Маликни эмас унинг бошлиғи Жалолиддинни «тинчитиш» кераклигини уқтиради.

БАДРИДДИН
Қасосни ахтар —
Хароба чўлларда ўлимдан баттар!
ЯРОҚБЕК

Отамнинг хуни... Отамнинг хуни! — дея чопиб чиқиб кетади.

Яроқбекнинг чиқа солиб отасининг қотили Темур Малик эканлиги ҳақида ҳикоя қилиши томошабинда ачиниш ҳиссини уйғотмайди. Қайтага мард, жасур Темур Маликка нисбатан шубҳа, гумон соя ташлайди.

Воқеа томошабин кўз ўнгида кечмай, ҳикоя қилинса, албатта асарнинг драмавий қудратига пу-тур етади.

Султонбегим билан қасрга кириб кетган Бадриддиннинг ҳаракатларида ҳам табиийлик етиш-майди. Бундан ташқари Яроқбекнинг «отасининг хуни» учун отланиши воқеалар маромини бузган. Драматург Яроқбек билан бирга томошабини ҳам «тайёрлаб» бориши керак эди. Афсуски, бу саҳ-нада ана шундай муҳит, руҳий ҳолат яратилмаган. Бу қадар тасур-тусур ҳаракатнинг оқибатида сунъийлик кучайиб кетган эди. Балки бунга драматургдан кўра кўпроқ вақт айбдордир. Чунки ўша пайтда ватанимиз нотинч эди. Асарни тезроқ саҳналаштиришни давр тақозо этарди. Балки драма-тург асосий эътиборни ватанпарварлик туйғуларига қаратиб, бу саҳналарни қиёмига етказа олма-ган бўлса керак.

Шунинг учун муаллиф музикали вариантда мазкур саҳналарни деярли қайтадан ёзди, ўша камчиликларга барҳам берди, ҳар бир майда деталларга катта эътибор билан қаради. У «саҳнада айтилган битта ортиқча сўз театрдан чиқиб кетган томошабин» деб ҳисобларди.

Яроқбекни Жалолиддинга қарши қайраш саҳнаси музикали вариантда не чоғли ўзгартирганли-ги, пишитилганлигини кўриб чиқайлик.

Иккинчи парданинг иккинчи кўриниши. Воқеалар ниҳоят даражада ривожланган. Хоразмшоҳ юртини ташлаб кетаяпти. Халқ «кетманг» деб шоҳнинг йўлига ётиб турган бир пайтда Чингиз юбор-ган бухоролик карвонбоши қоп кўтариб кириб келади. Хоразмшоҳ ўзи юборган элчилар тақдирини сўрайди. Карвонбоши «мана шу қоп унинг жавоби», дейди. Қопдан элчиларнинг каллалари чиқади. Халқ қалқиб кетади. Бу ҳолатдан нафақат саҳнадаги Хоразм халқи, балки томошабинларнинг ҳам қалби ларзага тушади. Сўнги, охириги калла чиққанда Яроқбек:

**Менинг отам, азизим, пушти паноҳим,
Ераб, ераб не бўлди менинг гуноҳим, —**

деб халқдан ажралиб, отасининг калласи ёнига тиз чўқади.

Бу вариантда томошабин Яроқбекни отасидан айрилган аламзада йигит сифатида танийди. Бадриддин эса буларнинг калласини кесилишига шоҳ эмас, Чингизга қарши жанг қилаётган Жало-лиддин айбдор дея халқни чалғитишга уринади.

Бу саҳнада ҳар бир персонажнинг руҳий ҳолати аниқ кўрсатилади. Аламзада Бадриддин фо-жиадан фойдаланиб, Жалолиддинга тўхмат ёғдиради. Отасининг ногоҳ ўлиmidан гангиб турган Яроқбекни ўз қуролига айлантиради.

Шунда саҳнага Жалолиддин кириб келади. Халқ уни шоду хуррам кутиб олиб, хайрихоҳ сўзлар айтиб турганда, Яроқбек (каллаларни кўрсатиб):

— **Бунга сен айбдорсан!**— дейди.

Жалолиддин улар беғуноҳ қурбон бўлганлигини тушунтиради, аммо Яроқбекнинг гапларига эътибор бермайди. Бу Бадриддинга қўл келади. Жалолиддин ҳақиқатан ҳам Яроқбек отасининг қотили эканлиги исботлангандай бўлади.

Ҳар иккала вариантда «отасининг хуни»ни олиш учун Яроқбекка ханжарни негадир Қадоғон Нўён беради.

ҚАДОҒОН НҲЁН

(Яроқбекка)

**Хоразм кийимида икки киши эдилар,
Изма-из келиб кўп йўл босдим баробар
Шунда ниҳон бўлдилар...**

(ерга ётиб изларни искаб ва туриб сой томонни имлайди)

Сой томон кетган улар...

(Яроқбекка)

**Бу томонда бор экан яширин сўқмоқ йўллар,
Сен мулозим, соқчилар сендан шубҳа қилмаслар.
(бир бўғча беради)**

Бунини Султонбегимни тўхфаси деб берасан!

(Музикали вариантда эса «Султонбегимнинг эмас», «аҳли Хоразм тўхфаси» деб беради. Шу бир сўзнинг ўзгартирилиши Жалолиддинга халқ муҳаббатини умумлаштирган.)

(бир ханжар беради)

Бунини улугъ хоқоннинг жазоси деб урасан!

ЯРОҚБЕК

Мен отамнинг табарруқ хуни учун қасоскор!

Қадоғон Нўён Яроқбекни Жалолиддиндан қасос олишга ундайди. Яроқбек «ё омад» деб чиқиб кетади.

Яроқбек Жалолиддин қароргоҳига етиб келади. (Журнал варианты)

ЯРОҚБЕК

Ассалом! Валиаҳд, сардори, замон!

ЖАЛОЛИДДИН

Нечук хабарлар бор узоқ элларда!

ЯРОҚБЕК

Ишингиз бўлмишдир дoston тилларда.

Сизни кутмоқдадир эзилган ўлка.

Боқадиминтизор доимо йўлга.

Сизга хасадкорлар томом пушаймон.

Онанингиз, синглингиз қалъада омон.

Сизга юбордилар сипоҳий хилъат
Сафарда ярар деб сардорга, албат.
Кўп дуо айтишди малика, хоним!

(Бўғчадан тўнни олади)

Ўзим кийинтирай — шудир армоним!

ЖАЛОЛИДДИН

(хурсанд)

Ҳа, мени кўп ўйлар азизларим,
Афсуски, айирди бу жанг, шу ғаним.

ЯРОҚБЕК

Отам қонин унутмасман ҳеч!

Ханжар ўқталади. Шу чоқда девона чол отилиб кириб, Яроқбекнинг орқасидан пичоқ санчади.

Султонбегим орқасидан из қувиб келаётган Яроқбекнинг ундан олдин келиши, кириши билан Насавийнинг чиқиб кетиши ва инқиллаб турган чол уни осонгина пичоқ билан ўлдиришлари кишини ишонтирмайди. Бундан ташқари Яроқбек образи, драмада нима учун хизмат қилди ва қандай ғояни акс эттирди деган ҳақли саволга жавоб тополмаймиз.

Шу билан Яроқбек образи яқун топади. Кўриб ўтганимиздек, Яроқбекнинг отаси — Табиб Те-мур Малик буйруғи билан ўлдирилади. Шундан сўнг улар ўртасида қатъий қарама-қаршилик бўлиши, Жалололдиндан Яроқбекнинг ўч олиши ҳам табиий. Натижа қандай бўлганини юқорида кўриб ўтдик.

Музыкали вариантда Яроқбекнинг қароргоҳга келиши бошқачароқ, яъни Султонбегим, Элбор-лар келиб кетишганидан кейингина кечади. Табиийлик бузилмаган.

Сизга кўп ихлослар, қимматли бек!

Хоразм элидан салом алек!

Сизни кутмоқдадир эзилган ўлка,

Боқар интизорла доимо йўлга.

(Бўғчани очиб хоразимий тўн чиқаради)

Арзимас совғадир, Хоразмий хилъат.

Сафарда ярайди сардорга албат!

ЖАЛОЛИДДИН

Сўйла, қайтдингми жаҳолатдан!

ЯРОҚБЕК

Балки, ўлай дейман хижолатимдан!

Тўнни «кийинтирай» дея Жалололдинга яқинлашди. Жалололдин орқасини ўғирганида Яроқбек ўз чопони остидан ханжарни чиқариб:

Унитилғайми хунпадар, ҳеч!

Ханжарни ўқталмоқчи бўлади, кутилмаган тазлик билан Девона чол чодирга кириб, орқадан Яроқбекнинг қўлини ушлади. Ва Яроқбекни ерга йиқитди.

ЧОЛ

Шаккоқ, мадақдор қолган эмас кеч!

Воқеалар табиий ўз оқимида ривожлана боради. Мақсуд Шайхзода бу саҳналарни бир мунча ўзгартиради. Чол бу гал ишонарлироқ ҳаракат қилади, фалокатни олдини олиб, Жалололдинни огоҳлантиради, холос. Бу ҳол табиийлигидан ташқари воқеани ривожланишини қатъийлаштиради.

Маҳрамлар ва Насавий кириб қилич билан Яроқбекни чопмоқчи бўладилар. Жалололдин рухсат бермайди. Яроқбекдан ханжарни олиб қараб:

Энди Хоразмлик Яроқбек тўра

Қўлингга кўринган ханжарга кўра

Сен мўғил бўлдингми? Қачондан буён!!

ДЕВОНА ЧОЛ

Тутинган отаси бир мўғил нўён

ЯРОҚБЕК

Отамнинг қатлига сен бўлдинг бос.

Воқеалар беихтиёр бизни олдинги ҳолатга, яъни Жалололдин билан чала қолган баҳсга олиб боради. Ушандаги очиқ қолган жавобни энди Жалололдин беради.

Билки, бадбахт бўлса бир ўлка агар.

Унинг ўғиллари кўр бўлур, ё кар.

Э, тентак отаннинг жаллоди Чингиз,

Бегуноҳ қонларга ботган у хунрез.

Отаннинг хунини оладиган ман!

Сенда қоним дея қасос деган ман!

Тарк этиб қасримни тахт билан тожни

Хуш дедим гулханны, қора кўмочни.

Эгарлар устида, чодирларда мен,

Тахтиравон эмас, адирларда мен —

Қилични суғурдим душманга ўзим.

(Ханжарни Яроқбекка бериб)

Менман, Жалололдин, мана шу кўксим,

Орқадан эмас-у ургин мардона.

Ҳа, нега қўрқасан мана нишона!

Драматизм кучаяди. Яроқбек образи бу ерда Жалолиддиннинг мард сардор эканлигини очишга ҳам хизмат этади. Жалолиддин кўкрагини тутати. Жалолиддиндан бундай мардликни кутмаган Яроқбек, ҳатто унга тик қаролмай, виждон азобида қоларкан, ханжарни қинига солади:

ЖАЛОЛИДДИН

**Билки, менга ботмас найза-ю, ханжар,
Мени ўлдирилмас, қилич ё заҳар.
Сувларга чўкмайман, жардан йиқилмам,
Номарднинг қўлида ханжардан не ғам!
Чунки қўшимдир ҳақиқат, виждон,
Ҳатто шу кекса ҳам менга посбон,—**

деб, Жалолиддин чолга миннатдорчилик билдиради. Унга инъомлар ҳадя қилади.

ЧОЛ

**Не лозим шахзодам, улуғ қаҳрамон,
Керакмас ҳеч менга тўхфа, инъомлар,
Унвонлар, мансаблар, олиймақомлар.
Садонгни эшитдим, ўзга керакмас.
Уғлимни хунини жангда олсанг бас! —**

дея саҳнадан чиқиб кетади. Насавий ва Жалолиддин унга ҳайрат ва ҳавас билан қараб қолишади. Табиий равишда чолнинг олижаноблиги Яроқбекка таъсир қилади. У Жалолиддин олдида тиз чўкиб йиғлаб:

**Ҳа, сардор номардлик, олчоқ, носазо
Мендай ярамасга ўлимдир жазо, —**

деб ханжарини суғуриб ўзига урмоқчи бўлганида, маҳрамлар уни тутиб қолади.

Биринчи вариантда бу қаҳрамон тадбирсиз, хунхўр киши қилиб кўрсатилган эди. Ҳозир кўриб ўтилган ҳолатда эса унинг инсоний хислатлари яққол кўринади. Жалолиддин уни койийди. Узини тентак ўлдиради, дейди. Уни курашга, отасининг қасосини олишга чорлайди.

ЯРОҚБЕК

**Халлох коинот, ичаман қасам
Бўлай ҳаромзода ёвни сўймасам! —**

дея қатъий қарорга келади.

Бу саҳнада қайта тарбияланган инсон қиёфасини кўрамаиз.

Жалолиддин ҳузуридан чиқиб кетган Яроқбек тўғри Чингизхон қароргоҳига, Бадриддиннинг олдида боради. Бадриддин Яроқбек келганини баковулдан эшитиб, уни интизор кутади. Кириши биланоқ сўроққа тутати:

**Хунпадар олдингми, ғамхувор!
Ханжарингда кимнинг қони бор!**

Яроқбек ханжарни суғуриб, унга яқинлашар экан:

**Сизнинг дўстлар берган шу ханжар,
Ўзганимас, эгасин санчар! —**

деб Бадриддин томонга юради. Бадриддин унга тўхташни буюради. Яроқбек унга ҳужум қилиб, қўлидан яралайди. Бадриддин қилич суғуриб, соқчиларни чақиради. Яроқбек қочмоқчи бўлади. Аммо йўллар тўсилган эди. Иложсиз қолган Яроқбек:


**Яқинлашманг, қираман тамом,
Мен ўзимни қилай саранжом!
Кўппакларнинг қўлига ҳаёт
Тушмоқликдан афзалдир мамот, —**

деб ўзига ханжар уради. Мақсуд Шайхзода мустақил фикрга, ўз қарашларига эга бўлмаган, дўст билан душманни фарқламай ишонаверадиган шахснинг ҳаётига ана шундай нуқта қўяди.

Драмада ўзини-ўзи ўлдириш жараёни ўта ҳаётий, маҳорат билан кўрсатилган. Музикали вариантдаги Яроқбек образи табиийлиги, бошқа образларни тўлдириши билан асар композициясидан мустаҳкам ўрин олган. Шу билан бирга асарнинг фожиавийлигини оширган.

Мақсуд Шайхзода ҳар бир образ, деталь устида ана шундай эътибор, қунт билан меҳнат қилгани учун драматургияда ҳам юксак муваффақиятларни қўлга кирита олди.

**Темур ТУРАБОВ,
Қўлёзмалар институтининг илмий ходими**



Рухий олам манзаралари

Хайриддин Султонов. Онамнинг юрти. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1987.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин, яъни республикада юз берган талай салбий иллатлар илдизига болта урилгач, бу мавзуга бағишланган бадий асарлар ҳам хийла кўпайиб қолди. Табиийки, уларнинг савияси турлича. Бири ўқишли, бошқаси зерикарли, китобий.

Хайриддин Султоновнинг «Онамнинг юрти» тўпламидан ўрин олган «Ажойиб кунларнинг бирида» шу мавзудаги қиссалардан фарқли ўлароқ республикада рўй берган адолатсизликларга доир эпизодларга эмас, бу нохуш ҳолатларнинг одамларга, умуман, жамият таракқиётига келтирган зарарига диққатни кўпроқ жалб этади.

...Султон касаллик азобидан уч йил қийналди. У оғриқдан эмас, дарднинг ваҳимасидан азоб торти. Нега? Чунки унга нотўғри диагноз қўйилган эди.

Ҳа, сир эмас, кейинги йилларда республикада тайёрланган кадрлар, жумладан, шифокорлар савияси ҳам кўнгилдагидек бўлмаган. Оқибатда бу ҳам одамларга ҳар тарафлама, ҳатто маънавий зиён етказди. Султон сингарилар жабрини кўриб юрди. Унга врачлар рақ деб диагноз қўйишган эди. Шу боисдан ич-этини еб, ўз-ўзини хароб қилган, ниҳоят даражада тушкунликка тушган эди.

Профессор Насимов текшириб кўргач, Султон рақ билан оғриманглиги, касали хавфли эмаслиги маълум бўлади. Шу боисдан қисса биз кўникиб қолган андозалардан фарқ қилароқ қаҳрамоннинг ўлими билан тугамайди, балки оптимистик рух, ҳаётга, истиқболга ишонч туйғуси билан яқун топади. Бу эпизод рамзий қимматга эга. Кишини ҳаёт воқеалари, сўнгги йиллардаги ижобий ўзгаришлар хусусида ўйлашга даъват этади. Китобхон асарни то ниҳоясига етказгунча ҳадиксираб, юрак ҳовучлаб ўқийди. Ҳақиқат ошкор бўлгач, «хайрият-э» дея енгил нафас олади. Бундан шундай сабоқ чиқариш мумкин: жамиятимизда салбий иллатлар ҳаддан ташқари кўпайган эди, аммо одил инсонлар кўмагида социал адолат ўрнатилди, газак олган «яра»ларга малҳам топилиди, янгиланиш, қайта қуриш шабадалари эса бошлади. Демак, ҳаётимизда ҳақиқат ёғдуси тобора ёрқинроқ нур таратмоқда. Бу эса инсоннинг бахтли келажагидан нишона, бундан кейинги бахтиёр ҳаётдан дарак беради.

Муаллиф ҳаётимизда юз берган нохушликлар ҳақида ёзилган асарлар билан баҳсга киришгандек ўқувчини салбий ҳодисалар «ичига экскурсия»га таклиф этади, воқеаларнинг ич-ичига

олиб киради. Қиссани ўқиш давомида ҳақиқатан ҳам нега бизда бунчалик иллатлар томир отиб кетди, деган фикр кўнгиладан ўтади.

Султон Муродов қурилиш ташкилотининг бошлиғи. У ноҳақ ишдан четлатилади. Аммо шундан кейин Султонни ёқлаб йиғилишда гапиргани учун яна етти киши ишдан қувилади. Бу эпизод ўйлашга чорлайди: агар қурилиш ташкилотидagi кишилар ноҳақликка қарши биргалашиб курашганларида шундай нохуш вазият юзага келармиди? Автор бу эпизод орқали шундай фикр-ни айтмоқчи: фақат бир қисм кишиларгина ҳақиқат учун жонини аямай курашдилар, бошқалар эса сукут сақлаб тураверди. Шу сабабли ҳам жамиятимиздаги қора доғлар тобора кўпайиб кетаверди. Демак, қаердаки, нопок кимсаларнинг уруғи болалаб кетса ўша жойда адолат ва ҳақиқат кўзгуси чил-чил синида, ўша ерда эзгулик илдизига зиён-заҳмат етказилади.

Хайриддин Султонов бадий фикрини ўқувчи қалбига осон етказиш учун параллел образлар яратган. Пихини ёрган айёр, ўғриларнинг ҳам-товоғи — қурилиш бошқармасининг бошлиғи Қамар Шарипович билан, ҳатто биттагина қази совға қилгани учун оддий ишчи билан фиғони фалакка чиқиб жанжаллашган бригадир Абубакир образларини олайлик. Уларнинг характери, хатти-ҳаракатлари бир-бирининг тескариси. Китобхон қиссани муталаа қилиш жараёнида беихтиёр шу икки хил образни муқояса қилади, уларнинг яхши ишларидан сабоқ олади, эгри қилиқларидан ҳазар қилади. Шунингдек, оғир дардга чалинган яна икки киши — Нозик Қодиров билан рақ деб гумон қилинган Султон Муродов образлари ҳам ёндош ҳолда тасвир этилади. Бу ҳол иккала қаҳрамоннинг характери яхшироқ англашимизга имкон берган.

Султонни мажбуран ишдан кетказишади, яъни «эплай олмаёпман» дея ариза беришга мажбур бўлади. Бу тўғри йўлми?

Шундай савол туғилади: жамиятимиз ҳаётида юз берган талай салбий воқеаларнинг кучайишида Султон каби бўйни бўш, осонликча таслим бўлиб кетаверадиган, олғирлар билан курашмайдиган одамлар ҳам айбдор эмасмикан? Ҳа, улар ҳам порохур, жиноятчи, ўғри, фақат эгри йўллар билан кун кўрган раҳбарларнинг тегирмонига сув қўйдилар. Хулоса шуки, қаерда кўр-кўрона мўмин-мискинлик, ноҳақликка нисбатан сукунат ҳукм сурса, ўша ерда адолатнинг юзига лой чапланади.

Қиссада ғоявий мақсадга дахли йўқ эпизодлар ҳам кўзга ташланади. «Эски шаҳар! Бундан ўн беш йил аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандай ғаройиб бир файзу шукуҳ билан қайнаб ётади у! Ҳар томонлама тириклик танаси — ҳаёт уфуроди: осмонни тўлдирган байналминал ғала-ғовур, расталарда кўлф урган жаннат, хаёлкаш чоллар, пашмакдек мулоийм кампирлар, бир зум тинмагандек, бир зум тинмайдигандек туюлгувчи шикаста ҳинд қуйлари».

Саксонинчи йиллар прозасида бир талай

чоллар образи пайдо бўлди. Нормурод Шомуродов («Диёнат»), Мустафо («Чоллардан бири»), Қобил лашкар («Бисот») ва ҳоказо. Улар баъзи асарлардаги каби нуқул панд-насихат қиладиган, «доно» қариялар эмас, балки ҳатто нуқсонлари, заиф томонлари ҳам ҳаётий чизилган мураккаб қаҳрамонлар. Кейинги йиллар насрида бу ҳодиса тобора чуқурлашаётганлиги бетиним изланишлар самарасидир. «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссида ҳам асосий сюжет чизиғи йўналишини кекса Адаш Карвонсиз тасаввур этолмайсиз. Гуё бошқа персонажлар қандайдир жиҳатлари орқали шу образга кўринмас ип билан боғлангандек. Кўп китобларда асар воқеалари асосан бир бошдан тасвирланганига дуч келасиз. Х. Султонов эса ўзгача тасвир йўсини танлаган: у муайян ҳодиса илдизини бирданига очиш, оидинлаштиришга шошилмайди. Китобхон қачонлардир юз берган воқеа моҳиятини аста-секин англай бошлайди. Улар Адаш Карвоннинг ўйлари тарзида жонланади. Уқувчи Адаш Карвоннинг хотини, ўғли ўлганлигидан, унинг фарзанди йўқлигидан қисса бошидаёқ огоҳ бўлади. «Ёзнинг ёлғиз ёдгори»нинг кейинги саҳифалари эса ана шундай кўргилликларни бошдан кечирган, драматик вазиятда қолган чолнинг изтироблари, ички кечинмаси, юқоридаги воқеалар қандай кечганлигига доир тасвирдан иборат.

Адаш Карвоннинг ёлғиз ўзи қолди. Нега? Мусибатлар боиси нималарда? Уқувчи хаёлидан ўтган ана шу жумбоқ — ўйларнинг тагига тезда етмайди. Қиссанинг сўнги саҳифаларидан кўз узгандагина ҳамма нарса аниқ бўлади. Бундай тасвир усули китобхон диққатини бир меъёрда сақлаб, асар сўнгигача сусайтирмасликка, қизиқшини кунайтиришга олиб келган. Албатта, адиб ниятининг талқини ёзувчи фақат қандай тасвир усулини қўллаганлигига эмас, қандай бадийи воситалардан усталик билан фойдаланганлигига боғлиқ. Масалан, қиссадаги пейзаж тасвири адиб ниятини оидинлаштиришга, воқеалар ривожини тезлаштиришга йўналтирилади. «Қабристон сукунати ютаман дейди. Яланғоч қайрағочлар маъюс оҳ тортади, ақалли бирорта бўлсин яшил япроқ излаб изиган шамол қонталаш барглари саргардон тентиратади, кузакнинг бу нурсиз куннда янада бефайз кўринган ғариб сағаналар узра телба саховат билан хазон сочади». Бу тасвир бизни қаҳрамон хатти-ҳаракати, ҳолатидаги зиддиятли, аянчли жиҳатлар тасвирини ўқишга ҳозирлайди. Адаш Карвон ҳаётидаги қандайдир нохуш ҳолдан огоҳ қилади.

Кейинги йилларда яратилган кўпчилик ҳикоя ва қиссаларда ижтимоий фикр салмоғи хийла енгил эканлигини танқидчиликда қайд этилди. Ҳатто бадийи пишиқ «Ойдинда юрган одамлар» (Тоғай Мурод қиссаси) ҳам шу жиҳатдан оксайди. Асарда адиб самимияти, тасвир услуби ўқувчини нечоғлик асир этмасин, пировард-натижанда китобхонга: урф-одатларни икир-чикирларигача кўрсатиш, тасвир этишдан мурод нима, деган ўй тинчлик бермайди. Ешлар насридаги бундай кемтиклар истеъдодли адибларнинг янги ҳикоялари, қиссалари ҳисобига тўлдирилаётганлиги кўнглини хушвақт этади. Айниқса, Хайриддин Султоновнинг «Уч туп хурмо», «Граждан мудофааси» ҳикояларини ўқиганда шундай фикрлар хаёлдан ўтади.

Инсон ҳаётда нимагадир интилиб яшайди. Эътиқод қўйган нарсаларга содиқ қолгиси келади. Гоҳида эса «мувозанати»ни йўқотиб қўяди: орзуларига эрк беради ёки бошқаларнинг таъсирига берилиб, эътиқодига хиёнат қилади. Мана, Раҳматулла («Тўқчилик ва йўқчилик» ҳикояси)ни олинг. У бахтдан сармаст эди. Хотини Нозима-

хон билан шундай оддий, шундай бахтли ҳаёт кечиришардики... Ҳатто Нозимахон «Менга ҳеч нарса керак эмас. Сизу болаларим омон бўлса бас» деяб эди. Ёзувчи уларнинг бахтиёр турмушдан сармаст, хурсанд оларини китобнинг дастлабки тўрт саҳифасида қайта-қайта таъкидлаган. Бу тасвир қаҳрамонлар ҳаракат қиляётган муҳитни ва уларда рўй берадиган ўзгаришларни яхши англаб олиш учун асқотган. Раҳматулла институтда бор-йўғи илмий ходим. Нозимахон эса ҳеч қаерда ишламайди. Аммо улар оддий яшасаларда ниҳоятда бахтиёр. Бу бахтиёрлик ўқувчига ҳам «юқади», қалбимизни мамнунлик ҳисси чулғайди.

Бироқ, бир оғиз гап бу сокин ҳаёт оқимини бутунлай ўзгартириб юборди. Раҳматулла хотини Нозимахонга:

— Ишхонадагиларни бир чақирсак бўларди. Мен ҳам кўп борганман. «Уй тўйлари»га... деди». Лекин, уларнинг уйи безатилмаган, меҳмонларни яхшироқ кутиб олишга қурб ишга ҳеч етмас эди. Нима қилиш керак?

Қаҳрамон характеридаги динамик ўзгаришлар худди шу эпизоддан бошланади. Аввал ижарада яшайдиган Нозимахон ва Раҳматулла энди квартирага эга бўлгач, яна бошқа нарсаларни ҳам кўнгли тусай бошлайди. Бироқ нияту орзунинг чегараси, меъёри бўлиши керак. Акс ҳолда у кишини фожиага олиб келади. Ҳикоя худди шу фикрни китобхон қалбига кўчиради.

Инсон ҳаётда турмуш синовидан ўтган мезонларга таяниб яшамоғи керак. Аксинча унинг уринишлари беҳуда кетади. Раҳматулла ва унинг турмуш ўртоғи Нозимахоннинг хатти-ҳаракатлари шу мезонни бузади. Гап шундаки, қаҳрамон ҳавойи орзулар деб илмий ходимликни ташлади. Шофёрлик қила бошлади. Мақсад кўпроқ пул топиб, турмушни яхшилаб олиш. Сўнгра бир ҳафатадан сўнг ўт ўчириш командасига ҳам ишга кириди. Демак, энди иккита вазифани бажариши керак. Биттаси билан кифояланса бўлмасмиди?

Бўлар эди... Аммо, шундай кишилар борки, чўнтагига мўмай пул туша бошлагач, нафси ўпқондек очилиб кетади. Янада «юксаклик»ларни кўзлайди, янада яхшироқ яшасам дейди. Раҳматулла ҳам худди шундай ҳолатга тушади. У энди ўт ўчириш командасида бирга ишлайдиган Витя амаки билан одамларнинг шахсий ишларини қилиб, пул топишга киришади. Бу билан ҳам қаноатланмай, мактаб қурилишига қоровул бўлиб ўтади.

Мана энди унда пул кўпая бошлади. Турмуши ҳам яхшиланди. Ҳатто кўримсиз уйининг ичинини мебелларга тўлдириб юборди. Машиналик бўлди. Лекин, фожияси шундаки, моддий томондан қанчалик кўп имкониятларга эга бўлмасин маънавий қашшоқлашиб қолганди.

Раҳматулла бир вақтлар уйда тинч, осуда, осойишта, кўвнок ҳаёт наъшасини сурар эди. Энди-чи? Ҳатто бир лаҳзагина умр йўлдоши меҳрига ҳам тўя олмайди. Негаки, иши кўплигидан бунга вақти йўқ. (Болаларини ҳафталик боғчага топширишди). Хотини билан ҳам бир пас суҳбат қуришга фурсати етмайди.

Нозимахон характеридаги эволюция Раҳматулла характерида параллел ҳолда кечади. (Бу ҳикоя ҳам қиссалардагидек сюжет чизиғи параллел ҳолда ривожланади). Чунки Нозимахон ҳам худди эри сингари «дастлабки муваффақият»лардан кўзи қамаша бошлайди. Уларга «зафарлар» қандай насиб этди? Раҳматулла ўлиб-тирилиб пул топа бошлагач, Нозимахон ҳам ҳомуза тўртиб ўтиргани йўқ. Лойиҳа идорасида ишлай бошлади. Бу билан қаноатланмай, уйда ўнлаб ми-

жозларнинг кийимини тикиб, оила бюджетининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишида жон куйдирди. Уйига икки қизни ижарага қўйганда ҳам кўзига жарақ-жарақ пулдан бошқа нарса кўрингани йўқ. Машинак сотиб олди, турли кўлэзмалар, диплом ишларини кўчириб бериб пул тўплади.

Ёзувчи бу воқеаларни сокин, ҳаяжонга тушмай, ҳиссиётларга берилмай тасвирлайди. (Биринки деталданга бунга амал қилмаган: «Раҳматулла... ит қўвган мушукдек ишхонадан ишхонага чопади». Ёзувчи бу сўзлар орқали қаҳрамон хатти-ҳаракатиға муносабатини ўқувчиға ошқор қилганлиги маъқул эмас). Қаҳрамонлар тақдири нима билан тугашига қизиқиб борасиз. Бироқ ҳикоя охирида (Раҳматулла машинасини авария қилиб ҳалок бўлиши воқеасида) сокин кечаётган воқеалар бирданига «портлайди». Китобхонни ўйлантирадиган, уни фикрлашга даъват этадиган бу ечимға бутун ҳикоя давомида ҳозирлик кўрилган эди. Ечим қанчалик анъанавий («Баҳор қайтмайди» ва бошқа ўнлаб асарлардагиға ўхшаш) эканлиги китобхонға эриш туюлмайти. Чунки воқеалар мантиқи бундан бошқача ҳолатни тақозо этмас эди.

Асар бошида иккала қаҳрамон характери китобхонға хуш ёқади: чунки улар қанчалик оддий кишилар, қанчалик содда, осуда, бахтиёр ҳаёт кечиришади! Адиб маҳорати шунда кўринадики, ҳикоядаги воқеалар жараёнида, уларнинг хатти-ҳаракатларида салбий ҳолатлар намоён бўла боради ва ёзувчи асар сўнггида персонажларнинг ижобий қаҳрамонлик «либоси»ни бутунлай ечиб ташлайди.

Жамиятимизнинг барча жиҳатлари соф ҳаводан нафас олаётган, янгилавиш, тозариш жараёни кечаётган даврда кишиға аччиқ сабоқ берадиган бундай ҳикояларнинг пайдо бўлиши эътиборға лойиқдир.

Ёшларнинг кейинги йилларда пайдо бўлган асарлари, жумладан, Хайридин Султонов насли ҳали кўпгина илмий тадқиқотларға муносиб манба бўлишға арзийди.

**Жовли ХУШБОҚОВ,
Сурхондарё**

«ПОРЛОҚДИР КЕЛАЖАГИ БУ ЙЎЛНИНГ»

Улуғ Октябр ва хорижий Шарқ адабиёти.
«Фан» нашриёти, 1987

Совет шарқшунослик фани Улуғ Октябрнинг Шарқ халқлари тақдирида ўйнаган роли, уларнинг ижтимоий ҳаёти, адабиёти, тафаккур тарзига кўрсатган таъсирини тобора чуқурроқ ўрганиб келмоқда. Шу мавзуга бағишланган бир қатор мақолалар тўпламлари, монографиялар чоп этилгани бунинг далилидир. Бу хайрли ишдан ўзбекистонлик олимлар ҳам четда қолмаганлар. Мисол сифатида А. Устивор ва Ш. Шомухамедовларнинг «Прогрессив Эрон адабиётида Ленин образи» («Шарқ юлдузи», 1955, № 4), М. Евкочеванин «Хорижий шарқ адабиётида В. И. Ленин образи» («Звезда Востока», 1970, № 10), Т. Нёматовнинг «В. И. Ленин — Октябр ва Эрон адабиёти» (Тошкент, «Фан», 1974) рисоласи ҳамда «Октябр ва Эрон адабиёти» (Тошкент, «Фан»,

1977) монографияси, яқиндагина босилиб чиққан «Ўзбекистон хорижий Шарқ адаблари ижодида» (Тошкент, «Фан», 1986) номли мақолалар тўплами ва бошқа бир қатор асарларни кўрсатиб ўтиш мумкин. 1987 йилда «Фан» нашриётида босилиб чиққан «Улуғ Октябр ва хорижий Шарқ адабиёти» мақолалар тўплами бу хайрли ва муҳим ишнинг давомидир.

Тўплам ҳақида фикр муҳдиришдан олдин масаланинги яна бир муҳим томониға эътиборни жалб қилмоқчимиз. Гап шундаки, Улуғ Октябрнинг хорижий Шарқ халқлари адабиётиға таъсирини ўрганиш шу мамлакатларда ижтимоий онг ва сиёсий мафқуранинг ўсиши, социалистик ғояларнинг ёйилиши жараёнида тадқиқ этишға бевоқифа боғлиқдир. Ҳозирги даврға келиб аксар хорижий Шарқ халқлари адабиётида СССР ФА академиги Е. П. Челишев таъбири билан айтганда, социалистик ориентация бўйлаб ривожланаётган оқимларнинг шаклланиб, тобора кучайиб бораётгани бу масаланинги яна ҳам каттароқ аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

Тақриз объекти бўлиш тўплам Ҳиндистон, айрим араб мамлакатлари, Эрон ва Вьетнам халқлари адабиёти материали асосида ёзилган, ана шу адабиётларда Улуғ Октябр ғоялари таъсирида вужудға келган ўзгаришлар борасида фикр юритувчи 11 мақолани ўз ичига олган. Гарчи тўпламға кирган мақолалар умумий бир мавзу билан боғлиқ бўлса-да, уларнинг тематикаси анча кенгдир. Масалан, У. Орипов ва Ермаковалар Улуғ Октябрнинг Ҳиндистонда ижтимоий фикр ва адабий жараёнға кўрсатган таъсирини ўрганиш каби кенг қамровли мақсадни ўз олдидарига қўйган бўлсалар, Д. Бекаева Улуғ Октябр ғоялари ва ҳиндий адабиётида ишчилар мавзусининг ёритилиши орасидаги узвий боғлиқликни тадқиқ этади. К. Ян, Т. Нёматова ва Л. Солуяновларнинг мақолалари эса, Вьетнам ва Эрон адабиётларида Совет Иттифоқи мавзусининг акс этиши масаласиға бағишланган. Т. Хўжаева, М. Акмалова ва Р. Хўжаева, М. Акбаров, Н. Ашиқмина, Г. Тикаев, М. Евкочева қаламиға мансуб мақолаларда Улуғ Октябр ғоялари, совет адабиёти асарлари таъсири натижасида Ҳиндистон, Эрон ва араб халқлари адабиётларининг янгича ғоявий-тематик хусусиятлар билан бойигани очиб берилган Л. Еремян эса, ўзининг «Банарасида Чатурведи — Совет Иттифоқининг дўсти» мақоласида ватанимиз воқелиги, социалистик тузум тажрибаси шарқлик ёзувчилар онгиға қанчалик чуқур таъсир этгани, улар ижодида нечоғлик чуқур из қолдирганини ишонарли тарзда кўрсатиб берган.

Тўпламда ўзбек ўқувчиси ўзи учун янги кашф этаётган Вьетнам ва Фаластин халқлари адабиётиға оид мақолалар жой олгани диққатға сазовордир. Шу ўринда тўплам қамровининг кўнгилдагидек кенг эмаслигини афсус билан кўрсатиб ўтмоқ жойиз. Кўп сонли араб мамлакатларидан атиги икки-учтасигина қаламға олинган. Шунингдек, ўзбек ўқувчиси учун ниҳоятда қизиқарли бўлган Хитой, Афғонистон, Туркия ва бошқа айрим Шарқ халқлари адабиётларининг Улуғ Октябрдан эмган зиёсини ёритиб берувчи изланишлар тўпламға киритилмаган. Кези келганда бу масала фақатгина ана шу тўпламғагина эмас, балки республикамизда шарқшунослик илмининг ривожланишиға ҳам боғлиқ муаммолардан эканини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Кадрлар мавжудлигиға қарамай, шарқ халқларининг ҳозирги замон тарихи, маданияти, адабиётини тадқиқ этувчи марказлар планли йўсинда ривожланмаётгани, ёш кадрлар билан мустаҳкамланмаётгани, улар орасида боғланишлар сустлиги, айрим ҳолларда эса, бундай марказлар қисқариб бораётгани ташвиш-

ли ҳолдир. Буларнинг натижаси ўлароқ, ана шундай тўпламлар мундарижаси кўпинча тасодифий тарзда вужудга келади.

Тўплагма кирган материалларнинг бой ва хилма-хиллиги, янгилиги билан, хулосаларнинг ишонarli ва илмий далилланганлиги билан ажралиб туради. Айрим мақолаларда қисман бўлса ҳам хорижий Шарқ ёзувчиларининг Совет Ўзбекистони билан бўлган алоқаларига ўрин ажратилганини ижобий факт сифатида кўрсатиб ўтмоқчимиз. Назаримизда, масаланинг умумий кўлами билан бирга, Шарқ халқлари учун намуна бўлган Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон республикасининг хорижий Шарқ эллари билан, уларнинг адабиёти билан бўлган алоқаси Ўзбекистонлик шарқшунослар учун муҳим ўрин тутмоғи лозим. Бу нуқтаи назардан юқорида эслатилган «Ўзбекистон хорижий Шарқ адаблари ижодида» каби илмий изланишларнинг давоми бўлиши фойдадан холи эмас.

Тўплагма камчиликлари ҳақида гапириладиган бўлса, биринчи навбатда айрим мақолаларда (масалан, ёш тадқиқотчи Г. Тикаев мақоласида) баёнчилик кучли эканини, бошқа баъзи бирларида эса, тадқиқ этилаётган адабий ҳодиса билан асосий мавзу орасидаги боғланиш изчил очиб берилмаганини кўрсатиб ўтиш лозим. Жумладан, М. Акмалова ва Р. Хўжаева, Н. Ашихминанинг аслида мазмунли мақолаларида ҳам улуг Октябрнинг

мазкур адабиётларга кўрсатган ғоявий таъсири ҳақидаги асосий мавзу мақола охирига қадар тобора фактлар ичига кўмилиб боради. М. Акмалова ва Р. Хўжаеванинг «Ҳозирги замон араб шеърлятида меҳнат аҳли образи» мақоласида суриялик ишчи-шоир Латиф Баракатнинг шеърлари «Гудок» номли совет газетасида босилгани (117-б) шоир сўзларига ҳавола тарзида зикр этилади, лекин муаллифлар бу фактни текшириб кўрмаганлар, газета шоирнинг қайси шеърларини, нима муносабат билан чоп этгани, уларга қандай баҳо бергани ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирмайдилар. Шу мақолада биз «Ливан» деб ўрганган мамлакатни «Лубнон» деб кетаверадилар. «Ливан» сўзи арабча «Лубнон»нинг ўзгарган шакли эканини айтиб ўтмаганлар. Тўплагмада оз бўлса-да, «Ҳозирги замон араб адабиётининг бугунги қиёфасини реалист ёзувчилар ифода этади» (120-б,) каби ноаниқ жумлалар, «Тарихга мансуб кунлар» (139-б), «Хусусий мажлис» (163-б) каби ғализ таржималар ҳам учраб туради. Бундай камчиликларга қарамай, мазкур тўплагма Ўзбекистонлик шарқшунос олимлар Улуғ Октябрь ғояларининг Шарқ халқларига кўрсатган баракали таъсирини ўрганиш мавзусига тобора чуқурроқ кириб бораётганини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Раҳмон ИНОМХУЖАЕВ,
филология фанлари кандидати

ЭНДИ НАВБАТ АСЛ НУСХАГА

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чиқарган Шекспир асарларининг беш томиги халқ орасида тез тарқалди. Даҳо санъаткор асарлари мажмуасининг чоп этилиши оламшумул аҳамиятга эга, ўзбек китобхонини жаҳон адабиётининг дурри яtimi, драматург даҳосидан баҳраманд этиш катта маданий ҳодиса.

«Оламшумул Шекспир...»нинг (Гёте) оламдан ўтганига салкам тўрт юз йил бўлса-да, у яратган асарлар ҳамон замонавийлигини йўқотмаган. Ҳар бир давр, ҳар бир миллат унинг асарларидан маънавий озуқ оладилар. Шекспир яратган образлар ҳаёт жараёни, қонунияти ва чин инсоний муносабатлар моҳиятини англаб етишга ёрдам беради.

Шекспир ижодининг барҳаётлиги, салкам тўрт аср аввал яратилган «Ҳамлет», «Отелло», «Қи-рол Лир», «Ричард III», «Макбет» каби асарларининг бизни — XXI аср бўсағасида турган инсонни ҳаяжонга солишининг сири ўз ижодида Уйғониш даври маънавий бойликларини мужассамлантириб, унга яқун ясаганлигида эди.

Шекспирда реалистик ифодалаш қобилияти ниҳоятда кучли, ҳаёт драмасини теран тасвирлашда ҳали ҳеч ким унинг олдига тушолмаган. Шунинг учун буюк танқидчи В. Белинский «Драматург сифатида у ҳалигача ҳам беназирдир, унинг номи ёнига қўйиш мумкин бўлган ном йўқдир» дейди.

Шекспир асарлари Россия, Украина, Эстония, Грузия ва бошқа халқлар тилларида XVIII—XIX асрларда таржима этилиб, саҳнага қўйилган бўлса, ўзбек халқи драматург ижоди билан фақат Октябрь инқилобидан кейингина танишишга муяссар бўлди. Тўғри, Шекспир номи «Туркистон вилояти» газетасида ҳам тилга олинган, ўзбек зиёлилари орасида тарқалган татар тилидаги «Шўро» газетасида эса унинг асарларидан парчалар (Абдулла Тўқай таржимасида) ёритилган эди. Эндиликда Шекспир асарлари маданиятимизнинг ажралмас қисмига айланди. Драматург асарлари 1935 йилдан бошлаб ўзбек театрларида мунтазам қўйилмоқда.

Сайланманинг биринчи томи «Ромео ва Жульетта», «Отелло», «Ун иккинчи кеча», иккинчи томи «Қи-рол Лир», «Юлий Цезарь», «Қийиқ қизнинг қуюлиши», учинчи том «Ҳамлет», «Антоний ва Клеопатра», «Венециялик савдогар», тўртинчи том «Вероналик икки йигит», «Макбет», «Кориолан» ва ниҳоят бешинчи том «Қиш эртаги», «Қи-рол Генрих IV», «Ричард III» асарларидан ташкил топган. Уларни ўзбек совет адабиётининг етакчи намоёндалари Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Яшин, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла ва Жамол Камоллар ағдарганлар.

«Ромео ва Жульетта» чин муҳаббат мадҳидир, уни адибнинг ўзи «жаҳондаги энг фожиали ҳикоя» деб атайди. В. Белинский трагедияни «бу ишқ шавқи» деб баҳолайди. Ундаги севги абстракт, жамиятнинг курашувчи кучларидан ажралиб қолган мавҳум тушунча эмас, балки маълум тарихий даврнинг социал зиддиятлари маҳсулидир. Бир-бирига зид бўлган ижтимоий кучларнинг кураши маълум давргача адабиётда бевосита тасвирланмай, адолатсиз равишда янчиб ташланган муҳаббат шаклида акс эттирилган. Тоҳир ва Зухра, Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Тристан ва Изольда, Ромео ва Жульетталарнинг фожиали ҳалокатларини тасвирловчи қиссаларнинг асли маъноси ана шунда.

Мақсуд Шайхзода трагедия таржимасини 1949 йили амалга оширди. У оригинал сифатида Б. Пастернак таржимасини танлаб, озарбайжон вариантидан ҳам фойдаланган. Шарқ, жумладан ўзбек классик поэзиясини яхши билган, Навоий поэтикаси устида жиддий илмий тадқиқот олиб борган олим, шоир Шайхзода «Ромео ва Жульетта» трагедияси таржимасида ўтмиш адабиёти анъаналаридан баракали фойдаланди. Тўғри, асар характери ҳам шундай ёндашишга йўл қўярди. Ишқий поэзияга хос услуб, луғат бойлиги, иборалар, сўз бирикмаларидан таржимон кенг фойдаланди. Ромеонинг асар бошидаги ҳолатини тасвирловчи қуйидаги мисраларга эътибор берайлик:

**Муҳаббат, бу фарёдлардан ёйилган тутун
Назаримда, аммо ўтдай кўринар бутун;
Ё кўз ёшдан жамғарилган мотам денгизи...**

Севишганларнинг диалоглари таржимасида Шайхзода ана шу услубдан ўринли фойдаланди. Натижада Шекспир трагедияси ўзбек китобхони ва томошабинига жуда яқин, тушунарли бўлиб чиқди.

«Отелло» трагедиясининг тўлиқ номи «Венециялик мавр Отелло» бўлиб, мажмуага Ғафур Ғулом таржимасида киритилган.

«Отелло» Шекспир даври учун энг замонавий асар ҳисобланарди. Унда Венеция республикаси янги турдаги, ҳокимият устига келаётган янги синф буржуазия мафкурачилари орзу қилган, ҳар кимга юқори поғонага кўтарилишга имкон берувчи, бошқа ижтимоий муносабатлар асосида қурилган давлат тузуми сифатида тасвирланади. Шекспирнинг даҳоси ҳар қандай янги тузумнинг ҳам ўзига хос янгича зиддиятлари бўлишини кўрсатганлигида. Уйғониш даврига мансуб чин инсонлар шу давр намояндаси маккор Ягонинг ҳийла-найранглари туфайли ҳалок бўладилар. Яго — Отелло

конфликтида Уйғониш даврининг буюк инсоний идеаллари ва буржуа жамиятига хос бўлган худбинлик, амалиётчилик, бойлик жамғариш, ҳамма нарсани пул билан ўлчаш, эзгулик билан ёвузлик тушунчалари ўртасидаги қарама-қаршиликдан келиб чиқади.

«Отелло» — Совет Иттифоқи саҳналарида энг кўп ўйналган, деярли ҳамма халқларимиз тилларида ағдарилиб, саҳналаштирилган асардир.

«Отелло»да таржимон шакл ва мазмун жиҳатидан оригиналга яқин туришга интилади. Шекспир трагедиясига хос бўлган жўшқин услуб, сўз бойлиги, персонажлар характери оловчи иборалар, ўхшатиш, мажозлар таржимон томонидан катта маҳорат билан берилган. Оригиналга хос бўлган драматик ритм ҳам сақланган. Шу ўринда айтиш керакки, оригиналдаги «Отелло» тили мисраларнинг тузилиши, гапда сўзларнинг тартиби, услуб, ўлчов ва ритм жиҳатидан рус тилига нисбатан ўзбек тилига яқин туради. Инглиз тилида шундай иборалар борки, унинг эквиваленти рус тилида бўлмаган ҳолда, ўзбек тилида мавжуд. Тилларни ана шу хусусиятини назарда тутганда таржима агар Шекспир тилидан бажарилса, яна ҳам тўлақонли чиқар эди. Бу таклифни фақат Шекспирнинг асарлари учун эмас балки барча чет эл авторларининг асарлари таржимасига бемалол тadbик этиш мумкин.

Шекспирнинг энг қувноқ комедияларининг бири бўлган «Ун иккинчи кеча» биринчи томга Ҳамид Ғулом таржимасида киритилган.

Мажмуанинг иккинчи томи «Қирол Лир» трагедияси билан очилади. Бу асар «Ҳамлет» билан биргаликда Шекспир ижодининг олий чўққисини ташкил этади. Лир бошига тушган кулфат бошқа қаҳрамонлар фожиасидан зўр. Буюк драматургнинг ушбу трагедияси икки лагерга бўлинган жамият, ижтимоий муносабатлар, инсоннинг асл моҳияти, унинг ҳаётда тутган ўрни ва жамиятдаги қадри ҳақидаги чуқур социал-фалсафий мазмун ва умуминсоний аҳамиятга эга бўлган асардир. Трагедияда сиёсат, давлат, ахлоқ ҳақидаги баҳслар, мулоҳазаларнинг ҳаммаси асосий йўналиш, инсон қадри масаласига бўйсундирилган. Эски феодал жамияти, дунёқараши вакилларининг буржуа дунёқараши вакиллари билан тўқнашувидан фожа келиб чиқади.

Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом 1956 йилда «Қирол Лир»ни ўзбек тилига ағдарди. Таржима аввал «Шарқ юлдузи»да, 1960 йили эса Шекспир асарлари бир томлигида чоп этилди. Трагедия таржимаси учун оригинал сифатида Т. Л. Шчепкина-Куперник нусхаси танланди. Бу асар рус тилига ўттиз мартадан ортиқ ағдарилган бўлиб, Шчепкина-Куперник варианты энг муваффақиятлиларидан саналарди. Ўзбек тилидаги варианты ҳам рус тили орқали ағдарилган Шекспир асарлари орасида энг сарасидир. 50-йилларда ижодий камолот чўққисига чиққан Ғафур Ғулом «Лир» таржимасида бой тажрибаси, бутун шоирлик маҳоратини ишга солган. Натижада Шекспирга хос тил бойлиги, халқ иборалари, масал, маталлардан фойдаланиш каби санъатлар таржимада ўз ифодасини топган. Айниқса, бўронда қолган «Бечора Том», ақлдан озган Лир, иккала кўздан айрилган Глостер, масхарабоз, Кентларнинг дашти биёбонда кезиш саҳнаси, «Бечора Том» ва Лирнинг чуқур маънога эга бўлган девонаваш сўзларини, масхарабознинг заҳархандали эътирофларини беришда таржимон катта маҳорат кўрсатган.

Иккинчи томдан Уйғун таржимасидаги «Юлий Цезарь» ҳам жой олган. Бу асарда Шекспирнинг сиёсий қарашлари тўлиқроқ инъикосини топган. Пьеса мамлакатда мустабид монархия ҳукмронлик қилиши керакми ёки бошқа тузум афзалми деган муаммо атрофида баҳс авжига чиққан даврда яратилган эди. Реалист драматург давр руҳидан келиб чиққан ҳолда трагедияда умумжамиyat манфаати принципи эмас, балки шахсий манфаатпарастлик принципи устун чиққанини кўрсатади. «Юлий Цезарь»да асосий қаҳрамон халқ, Цезарь-Брут кураши, Цезарнинг ғалабаси натижасида халқ тақдирини янада фожиалироқ тус олади.

Тарих зиддиятларини тўғри англаб етиш ва образлар, воқеалар орқали реалистик, ниҳоятда ҳаётий тасвирлаш, фикр чуқурлиги билан «Юлий Цезарь» жаҳон адабиёти хазинасидаги тарихий ва сиёсий драматик олий намунаси сифатида танилган.

1958 йили Уйғун трагедиясини ўзбек тилига ағдарар экан, Б. Д. Левин таржимасига мурожаат қилади. Таржима аввал «Шарқ юлдузи»да, кейин бир томликда босилди. Шекспир пьесалари орасида «Юлий Цезарь» кам таржима қилинган ва театрлар диққатини ҳам ўзига кам тортган. Уйғун трагедияни равоқ замонавий адабий тилда таржима қилган. Аммо асар мазмунига хилоф бўлмасин деб, таржимон ўн беш ҳижоли бармоқ вазинини танлаб, шеърни анча вазминлаштирган. Шунга қарамай, «Юлий Цезарь»нинг ўзбек тилига ағдарилиши ва Ҳамза театрида саҳналаштирилиши катта маданий воқеа эди.

«Қийиқ қизнинг қуюлиши» комедияси Туроб Тўла таржимасида иккинчи томга киритилган.

Бу комедиянинг номи инглизчада қайсар, шаддод, ўжар аёлни юмшатиш, ром этиш, бўйсундириш маъносини беради. Таржимада эса қийиқ қиз ўз-ўзидан қуйилган, деган тушунча пайдо бўлади. Агар асар оригинал тилидан ағдарилганида ана шундай ноаниқликларга йўл қўйилмаган бўларди. Комедияни «Қайсарнинг бўйсундирилиши» деб аташ мақсадга мувофиқ эди.

Беш томликнинг учинчи томи жаҳон драматургиясининг шоҳ асари «Ҳамлет»дан бошланади. Жамият ҳаётидаги мураккаб ижтимоий-сиёсий зиддиятларни фалсафий-этик масалалар сифатида ифодаловчи бу асарда тасвирланган ўрта аср Данияси шартли, рамзий маънога эга. Дания орқали бутун Англия, қирол саройи, инглиз аристократиясига ишора қилинади. Драматург ўз даври руҳини чуқур англаб етган ва уни санъат воситалари орқали чуқур ифодалай олган.

30-йилларда Шекспир асарларини ўзбек тилига ағдарилиши ва саҳналаштирилиши давр тақозосидан келиб чиққан эди. Биринчидан, ёш ўзбек саҳнаси етуқ асарлар билан таъминланди. Буюк драматург асарлари Гоголь, Островский, Мольер, Шиллер, Горький асарлари қаторида маҳорат мактабига айланди. Ҳамлет, Лир, Брут, Отеллоларда бўлган худбинликка, ёмонликка бўлган нафрат замонамиз руҳига ҳамоҳанг эди. Ундан ташқари Шекспир пьесаларидаги Уйғониш даврига хос бўлган тadbиркор, ишчан, кучли характерлар янги жамият қурувчилар руҳига яқин эди.

Шекспир трагедиялари, айниқса, «Ҳамлет»ни ўйнамоқ, анъанга кўра театрлар учун етуқлик имтихонидан ўтиш, яшарин ижодий кучларни ошиқ қилиш, моҳир актёрлар коллективини намойиш этиш эди. Ёш ўзбек театри олдида ўз мавқеини белгилаб олиш вазифаси турарди. Ҳамза театрининг ўша даврдаги бош режиссёри Маннон Уйғур «Ҳамлет»ни саҳнага қўйишга бел боғлайди.

1934 йили Чўлпон «Ҳамлет»ни инглиз ва немис вариантларидан фойдаланган ҳолда, рус тили-

дан таржима қилди. Асар Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан латин алифбосида чоп этилди. Чўлпон таржима ишини бошлаб юборганида Б. Пастернак ва М. Лозинскийлар амалга оширган «Ҳамлет» таржималари мавжуд бўлса-да, 1893 йили чоп этилган П. А. Каншин варианты М. Уйғур маслаҳати билан оригинал сифатида танланди. Бунинг сабаби мазкур нусха Б. Пастернак ва М. Лозинский таржималарига нисбатан содда тилда ва насрда эканлиги, ўзбек томошабини савиясига мосроқлигида бўлса керак.

Чўлпон таржимаси қофия, вазн қондаларидан холи бўлгани туфайли мазмун жиҳатидан оригиналга анча яқин бўлса-да, лекин унда Шекспир шеърлятига хос бўлган муסיқийлик йўқолган. Албатта, бадий асарда мазмунан яқин, аммо бадийлик, шакл жиҳатидан оригиналдан узоқ асарни тўлақонли таржима деб бўлмайди. Лекин Чўлпон «Ҳамлет»ни ўша давр учун тарихий воқеа эди.

1948 йилда Мақсуд Шайхзода Шекспир трагедиясининг тубдан янги таржимасини яратди ва уни кейинчалик қайта ишлаб чиқди. Бу таржима учун оригинал сифатида М. Лозинский варианты танланди ва ёрдамчи нусха сифатида Ж. Жабборлининг озарбайжон тилига ағдарган тексти олинди. Натижада оригиналга ҳам мазмунан, ҳам шаклан яқин, насрий қисмлар насрда, шеърлар шеър билан ағдарилган ўзбекча «Ҳамлет» дунёга келди. Шайхзода услуб ва тил воситаларидан ўринли фойдаланиб, «Ҳамлет»да персонажлар характерининг мураккаблиги, воқеалар, ҳодисалар моҳиятини тўғри ечиб берган. Аммо Шайхзода таржимаси ҳам айрим хатолардан холи эмас.

Қадимги Рим тарихидан олинган «Антоний ва Клеопатра» трагедияси Комил Яшин таржимаси ва шоир Жамол Камол ағдарган «Венециялик савдогар» учинчи томдан жой олди.

Мажмуанинг туртинчи томи «Вероналик икки йигит» комедияси ва «Макбет», «Кориолан» трагедияларидан ташкил топган.

Шекспир илк ижодининг маҳсули «Вероналик икки йигит» комедиясида баъзи географик хатоликларга йўл қўйилганига қарамай, етук Шекспир ижодига хос хусусиятлар бор. Муҳаббат ва дўстлик проблемаларига бағишланган ушбу комедияда драматург илк бор қаҳрамонлар ички дунёсини ёритишга интилади, ёрқин характерлар яратади. Уйғун пьесани ўзбек тилига ағдарар экан, оригинал сифатида В. Левик ва М. Морозовлар таржимасини танлаб, тўғри қилган. Чунки моҳир таржимон-шоир В. Левик пьеса шеърларини русчага ағдарган бўлса, Шекспир ижодининг ажойиб билимдони профессор М. Морозов насрий қисмларини таржима қилган.

«Макбет» Шекспир ижодидаги энг «қонли трагедия». Ҳеч қайси пьесада («Ричард III» хроникаси бундан мустасно) «Макбет»дагидек кўп қотиллик, қон тўкишлар, бегуноҳ ўлдиришлар юз бермайди. Беҳисоб жиноятларни амалга оширган Макбет ўз куч-қудратига ишонган шухратпараст, уни қуршаган одамлар, ҳатто Дункан ҳам Макбетга нисбатан паст турадилар. Шуни англаган Макбет жамиятда ўз қудратига арзигулик мансабга эришиш мақсадида беҳисоб жиноятлар қилади ва охирида маънан ва жисман ҳалок бўлади.

Жамол Камол «Макбет»ни Ю. Корнеевнинг русча таржимасидан ўзбек тилига ағдарди. «Венециялик савдогар» шоир учун дастлабки тажриба эди. Унда услуб анча оғир, айниқса саҳнадан айтилганида залда илғаб олиш анча қийин кечиши мумкин. «Макбет»нинг тили анча равон, айниқса, таржимон Шекспир асари руҳини бераолган. Асар бир тилдан иккинчисига ағдарилар экан, бадийлигини анча-мунча йўқотиши маълум, аммо ундан яна бошқа тилга ағдарилса, унда мазмундан бошқа нима қолиши мумкин? Масалан, биринчи парда, биринчи саҳна, аслида: «Чакалакзор дашт. Момоқалдироқ гумбирлаб, чақмоқ чақади. Уч ялмоғиз киради». К. Корнеев таржимасида: «Пустошь. Гроза. Входят три ведьмы». Ж. Камол таржимасида: «Ййдоқ ер. Момоқалдироқ. Уч алвасти киради». Қанчалик фарқи бор!

Туртинчи томдан жой олган «Кориолан» ҳам Жамол Камол таржимасида берилган. Шекспир бу асар мазмунини Рим тарихидан олган. «Кориолан» ҳам сиёсий характердаги асардир. Ҳоким табақа билан халқ ўртасидаги зиддият бу асарда жуда очик-ойдин кўрсатилган. Оригинал сифатида Ю. Корнеев таржимаси танланган.

Бешинчи, охириги том трагикомедия «Қиш эртаги» ҳамда «Генрих IV» ва «Ричард III» хроникаларидан ташкил топган.

«Қиш эртаги» Шекспир ижодининг сўнги, учинчи даврида яратилган бўлиб, реал ҳаётдан анча узоқ асар. Аммо бу эртак ҳам чуқур ижтимоий-фалсафий мазмунга эга. Унда эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги абадий кураш рамзий тарзда ифодаланади. Асарда садоқат, ҳалоллик ёвузликдан устун чиқади, ёмонлик қораланади. Жамол Камол бу романтик пьесани В. Левик таржимаси асосида ағдарди. Ўзбекча таржиманинг тили равон, «Венециялик савдогар»да бўлган баъзи сунъийлик, услуб оғирлиги, архаик сўзлар бунда йўқ, осон ўқилади. Лекин баъзи жузъий хатоларга йўл қўйилган, персонажлар адаштирилади (учинчи аслзода — учинчи шаҳзода, деҳқон — чўпон ва ҳоказо). Бундай майда-чуйда хатолар асарни тўғри тушунишга путур еткази.

Бешинчи томга кирган навбатдаги асар «Ричард III» хроникасидир. «Ричард III» 1470—1485 йилларда ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеалар, Қизил гул ва Оқ гул урушларининг охириги эпизодлари ва мамлакатда икки душман сулоласи Ланкастер (Ричмонд) ва Йорклар (Елизавета) бирлашиши ҳамда Тюдорлар номи остида мутлақ монархия тузуми ўрнатилиши тарихини тасвирлайди. «Ричард III» ҳам «Макбет» каби қонли даҳшатларга тўла асардир. Йорклар авлодидан бўлган Ричард Глостер тахту тож учун ҳамма яқинларини, акаси қирол Эдуард IV дан тортиб то тахт меросхўри бўлиши мумкин бўлган гўдакларгача бирин-кетин ўлдиради ва ниҳоят қора ниятига етади, Ричард III номи билан қирол бўлади. У ҳам руҳан, ҳам жисман бадбашара, букир, чўлоқ, ўта худбин, манфаатпараст, иккиюзламачи... Лекин Ричардни қуршаганлар ҳам ундан яхши одамлар эмас. Ричард ақл-идрок, билимдонлик, тadbиркорлик, айёрликда ҳаммадан устун туради, атрофдагилар бундан тан оладилар ва ундан қўчийдилар. Аммо мақсадга эришиш учун унинг тутган йўли мудҳиш, разил. Пьесада бирор персонаж ақл-идрокда унга тенг келолмайди. Фақат асар охирида идеал қаҳрамон Ричмонд образи чиқарилади, лекин у эпизодик фигуралигича қолиб кетади. «Ричард III» Шекспир хроникалари орасида энг кенг тарқалгани ва ҳозиргача саҳнадан тушмай келаётганидир.

«Ричард III»ни таниқли ўзбек адаби Асқад Мухтор ўзбек тилига таржима қилди. У 1976—1977 йиллари Островский номидаги театр ва расомчилик институтининг дипломи иши сифатида катта маҳорат билан саҳналаштирилди. Нашрда «Қисқартирилган саҳна варианты» деб изоҳ берилган. Ҳақиқатдан ҳам монолог ва диалогларнинг баъзи жойлари тушириб қолдирилган. Биринчи парда,

биринчи сахнадаги Ричард монологи охиридаги башорат: «Ибо предсказано, что буква Г убьёт наследников Эдварда. Мысли, на дно души нырните! — Вот и Кларенс!» тушириб қолдирилган. Кларенс «ука» дейилади, ваҳоланки у «ака», Ричард йўлини тўсиши мумкин, шунинг учун у ўлдирилади. «Ака»ни «ука»га алмаштириш натижасида Ричарднинг Кларенсга бўлган сохта ҳурмат руҳи ҳам йўқолади. Пьеса охирида Ричмонд сўзларида айтилган хрониканинг асосий ғояси — Йорк ва Ланкастерлар авлодининг бирлашиши натижасида Қизил гул ва Оқ гуллар урушининг тугалланиши ҳам таржимада тушиб қолган. Хроника тушуниш осон бўлган ва сахнада жаранглаш учун мўлжалланган раво шеър билан таржима этилган.

К. Чуковский «Сўзма-сўз таржима ҳеч қачон бадий таржима бўлаолмайди» деган эди. Ҳақиқатан, мазкур пьесаларни рус оригиналига солиштирсак, асл нусхага мазмунан энг яқин, аксига олиб, ўзбек тилида анча жонсиз бўлиб чиққанини кўрамиз. Насрий асарга нисбатан драматик асарларни таржима этиш анча мушкулроқ, чунки таржимон фақат асар мазмўни, ғоясини иккинчи тил воситасида беришдан ташқари, ҳар бир сўз, ибора, диалог, монологларнинг жарангдорлиги, сахнадан эшитилиши ва томошабинлар томонидан ўзлаштирилиши масаласини ҳам назарда тутиши керак.

Баъзи жузъий мулоҳазалар: Жамол Камол таржималарида «добро» ва «зло», «савоб» ва «увол» шаклида берилган. Одатдагидек «эзулик», «яхшилиқ» ва «ёвузлик» ёки «ёмонлик» деб берилса яхши бўларди. Таржима рус тили орқали амалга оширилгани учун инглиз тилидаги «ҳ» товуши рус тилидагидек «Г» орқали (Ҳенрих — Генрих, Антихона — Антигона, Ҳорацио — Горацио ва б.) берилган. Ахир ўзбек тилида «ҳ» товуши борку, нима учун ундан фойдаланилмади? Асарлар давомида баъзи ўринларда (қизиғи шундаки ҳамма асарларда эмас) саҳифа пастида изоҳлар берилади. Ахир кенг ўзбек китобхон оммаси учун Англия тарихи, Шекспир асарлари жуда узоқ-ку, нима учун ҳар бир том охирида кенгроқ изоҳ берилмаган?

Шекспир инсон руҳий дунёсини яхши билган файласуф — психолог адиб. Унинг ўлмас асарлари яратилганига девярли тўрт аср ўтди. Бу орада инсоният тарихида бир қанча инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимиздаги ҳозирги қайта қуриш, демократиялаштириш ва ошкоралик сиёсати натижасида очилаётган жиноятлар, ўз мавқеини суиистеъмол қилиш, манфаатпарастлик каби иллатлар Шекспир қаҳрамонлари давримиз учун ҳам жуда зарурлигини кўрсатди. Шекспирнинг беш томлиги айни долзарб вақтда чоп этилди, буюк драматург асарлари социалистик жамият қонунчилигини бузувчиларга қарши курашда замонавий қудрат касб этади.

Шекспир асарларини таржима қилиш учун катта журъат керак. Француз ёзувчиси Андрэ Моруа «Шекспирга арзийдиган таржима қилиш учун иккинчи Шекспир керак» деган эди. Бу — идеал талаб. Бундан ташқари, жаҳон адабиётида, драматургия жанрида Шекспирга тенг келадиган даҳо етишиб чиққани йўқ, янги «Ҳамлет», «Қирол Лир»лар яратилгани йўқ. Шекспирнинг ўн бешта асари беш томликда ўзбек тилида чоп этилиши, Шекспир ғояларининг ўзбек китобхонига бориб етиши маданият тарихимизда катта воқеага айланди.

Фозила СУЛАЙМОНОВА,
филология фанлари кандидати

«СИНЧАЛАК» НЕМИС ТИЛИДА

Севики ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор Европада, хусусан, немис китобхонлари диққат-эътиборига сазовор бўлган улкан санъаткорлардан ҳисобланади. Ёзувчини немис китобхонларига илк бор таништирган журнал немис тилида чиқадиган «Совет адабиёти»дир. Бу журнал 1951 йилда ўз саҳифаларида адабимизнинг анча-мунча доврўқларга сабаб бўлган «Шоҳи сўзана» комедиясини тўлиғича чиқарган эди.

1966 йилда ГДР да «Жаҳон халқлари адабиёти лексикони» нашр қилинди. Бу лексиконга планетамизнинг машҳур санъаткорларидан 1600 адиб киритилган. Жумладан, ўзбек классик ҳамда ҳозирги замон совет адабиёти намояндалари — Алишер Навоий, Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғуллом, Абдулла Қаҳҳорлар учун ҳам муносиб ўрин ажратилган, баъзи асарлари қисқача таҳлил этилиб, юқори баҳоланган. 1972 йилда нашр қилинган «Чет тилларда ижод қилувчи адиблар лексикони» эса инсониятнинг уч минг йиллик тарихини ўз ичига олган бўлиб, тўпلامга жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатларидан 1800 га яқин адиб саралаб киритилган. Бу лексикондан ҳам юқоридаги ўзбек ёзувчилари қатори Абдулла Қаҳҳор учун алоҳида ўрин ажратилган. Унда адабимизнинг қисқача таржимаи ҳоли, асосий асарлари, уларда тасвирланган мавзу атрофида баён қилинган.

Ёзувчининг «Синчалак» повести 1961—1962 йиллар мобайнида «Секретарь Саида» номи билан Берлиндаги «Маданият ва прогресс», «Халқ ва жаҳон» нашриётларида икки марта нашр этилди.¹ Таниқли таржимон Эдельтрауд Брюмер томонидан немисчага ўгирилиб, расомлар Аксел Бертрам ва Георг Краузе чиройли безатган бу китоб қисқа вақт ичида Германия Демократик Республикаси китобхонлари оммасининг муҳаббатини қозонди. «Синчалак» жанр эътибори билан повесть эмас, балки роман сифатида талқин этилади. Китоб сўз бошида Абдулла Қаҳҳор ижодига юксак баҳо берилади. «Ҳозирги ўзбек совет адабиётининг ноёб устаси, Шарқнинг бугунги кунини ифодалашда катта ижодий ютуқларга эришган зўр санъаткор» деб тавсифланади. Ёзувчи асарларига хос бўлган характерли жиҳатлар: миллийлик, тилининг ширалиги, ихчам ва мазмунга бой жумлалар, нозик ўхшатишлар қисқа ва ёрқин баён этилади. Китоб охирида эса Абдулла Қаҳҳорнинг сураги ва қисқача автобиографияси берилган.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести ўзбек совет ёзувчисининг ГДР да нашр қилинган биринчи йirik асаридир. Тўғри, бунга чоп этилган китоблар ҳам учрайди. Бироқ улар ўзбек халқ эртаклари ёки фольклорга доир тўпламлардир. Шундай қилиб, «Синчалак» немис-ўзбек адабий алоқаларини мустаҳкамлашда қарвонбоши асар саналади. Хўш, ГДРда «Синчалак» повестига нисбатан зўр қизиқишнинг боиси нима?

Аввало, Абдулла Қаҳҳор қаламга олган мавзу том маънода ГДРнинг 60-йиллардаги ҳаётига — қишлоқ кооперациялари ишини йўлга қўйиш ва ривожлантириш даврига тўғри келади. Абдулла Қаҳҳор нишонига тушган ҳаётимиздаги иллатларнинг барчаси ГДРда ҳам қишлоқ кооперацияларини ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнида учраб турадиган қонуний ҳодисалар эди.

Энди «Синчалак»нинг немисча таржимаси қай тартибда амалга оширилганлигини назардан кечирайлик. Бунинг учун биз таржимоннинг ўзбекча миллий урф-одат, аъналарни немис китобхонларига қай даражада еткази олганлиги, қайси усуллардан фойдаланганлиги, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўрганиш мақсадида ўзбекча оригинални немисча ва русча таржима вариантлари билан солиштириб чиқдик. Кузатишлар шуни кўрсатдики, «Синчалак»нинг немисча таржимасида 184 та хатога йўл қўйилган. Шундан 40 фоизи рус таржимонининг, 60 фоизи немис таржимонининг айби билан юз берган. Шуни айтиш керакки, немис таржимони рус таржимони йўл қўйган хатоларнинг барчасини «тўғри» деб тушуниб, механик равишда такрорлаган.

Маълумки, «Синчалак» рус тилига таниқли ёзувчи К. Симонов томонидан ўзгирилган. Таржима тағламадан қилинганидан бўлса керак, анча яхши чиққан. Бироқ К. Симонов ўзбек тилини, ўзбекларнинг урф-одати, Ўзбекистоннинг иқлими ва шу қабиларни унча яхши билмаганидан, таржимада анчагина чалкашликлар ҳам учрайди. Масалан, Абдулла Қаҳҳор ёзади: «Қаландаров бироз сабр қилса ёнида ўтирган шофёр милиционерга машина янги эканлигини, оғир юк ортиб бўлмаслигини айтиб, ортиқча сўзга ўрин ҳам қолмас эди. Қаландаров бирдан туюқди, шофёрни оғир юк оғани кўймай (курсив бизники, С. С) шовқин солди. Кўриниб турибди-ки, Қаландаров шофёрни оғиз очишга, гапиришга қўймайди. К. Симонов эса персонажлар фикрини алмаштириб юбориб, «Қаландаров шофёрни эмас, балки милиционерни оғиз очишга «қўймади» деб юборган. Қиёс қилинг: «Он набросился на милиционера, не дав ему и рта раскрыть» (русча таржима, 8-бет).

Немис таржимони Э. Брюмер ўзбек тилини билмаганидан ва оригинал билан умуман иши бўлмаганидан немис тилига худди рус тилидагидек ағдарган қўйган.

Иккинчи бир мисол: «Дим кабинетга боғчадан муздай ҳаво, хандалакними, босволди қовунни-ми эсга соладиган ялпиз ҳиди кирди», деб ёзади Абдулла Қаҳҳор («Синчалак», 4-бет). К. Симонов эса Ўзбекистон табиатини, аниқроғи, ўсимлик дунёсини яхши билмаганидан ялпизни «базилика» деб ағдарган.

Айтиш керакки, бу сўз юнон тилидан олинган бўлиб, «базилик» ва «базилика» шаклида қўлланилади. Бироқ бу сўзлар маъно жиҳатидан бири-биридан фарқ қилади. К. Симонов танлаган «базилика» сўзи бу ўринда «шоҳ уйи» деган маънони аглаптиб, архитектуранинг ўзига хос бир услуби — чўзиқ тўғри тўртбурчак шаклидаги бинони билдиради. Бундай бинолардан Қадимги Римда суд ва савдо идораси, кейинчалик христиан ибодатхоналари сифатида фойдаланилган.

«Базилик» сўзи эса лабуллилар оиласига мансуб бутали ўсимликини ифодалайди.

Кўриниб турибдики, К. Симонов аввало шу сўзлардан қайси бирини таржимода қўллаш ўринли эканлигига етарли эътибор бермаган. Шу туфайли, «базилик» сўзи ўрнига «базилика»ни қўллаган. Оқибатда маъно қўпол равишда бузилган. Иккинчидан, бизнингча, ҳатто рус китобхонларига ҳам мазмун жиҳатдан мавҳум ва нотаниш бўлган юнонча сўзни қўллашга ҳожат йўқ эди. Негаки, «ялпиз»нинг ҳаммага манзур ва таниш бўлган ўз эквиваленти — «мята» мавжуд бўлиб, уни шу сўзда

¹ Абдулла Қаҳҳор. Секретарь Саида. Ферлаг Култур унт Берлин.

бериш лозим эди. Чунки таржимон кўзда тутмоқчи бўлган «базилик» «мята» дан ўзининг ҳам тури, ҳам ҳиди, ҳам ватани, ҳам иқлими жиҳатидан фарқ қилади. Бошқача айтганда, «мята»нинг ватани Ўзбекистон саналса, «базилик»нинг ватани иқлими юмшоқ, тропик (асосан Африка) ва айрим суб-тропик мамлакатлардир.

Немис таржимони ҳам, шубҳасиз, текст русча вариантда қандай бўлса, немис тилига шундай-лигича берган.

Немис таржимони Э. Брюмер К. Симонов йўл қўйган хатоларни тўлиғича такрорлаган. Бироқ бундан ташқари, ўзи рус тилини яхши билмаганидан, қолаверса, ўзбек тилидан мутлақо хабарсиз бўлганидан, анча қўпол хатоларга йўл қўйган. Натижада хатоларнинг иккинчи қатлами вужудга келган. Масалан, А. Қаҳҳор «Синчалак»нинг 119-бетига шундай деб ёзади: Кифоятхоннинг бобоси М а т к а р и м б ў қ о қ (курсив бизники — С. С.) дардчил бир одам бўлиб, поякчилик қилиб рўз-қор тебратар экан». К. Симонов ушбу жумлани рус тилига Қаҳҳорча услубда тўғри бера олган. Қиёс қилинг: «Дед Кифоятхон по имени Маткарим, а по призванию Букок, что означает забатый, был человек бедный деньгами и хилый здоровьем» (русча таржима, 126-бет). Немисча таржимада эса томоқ касалликларидан ҳисобланган бўқоқ бошга қўшилиб кетган ва «катта бошли киши эди» деб ўгирилган.

А. Қаҳҳор Қаландаров билан милиционер ўртасида бўлиб ўтган диалогни жуда усталлик билан тасвирлайди. Бу эпизод воқеалар ривожининг кульминацион нуқталаридан бири саналади. Қаландаров машинани тўхтатган милиционерни икки пулга олмайди, унинг гапига қулоқ ҳам солмай, машинани ҳайдаб кетмоқчи бўлади. Бундан милиционернинг аччиғи келиб, «права» сўрайди. («Синчалак», 5-бет). Бу ўринда «права» сўзи ҳужжат, яъни машина ҳайдаш гувоҳномаси маъносига ишлатилган. К. Симонов А. Қаҳҳор фикрини тўғри тушуниб: «милиционер обиделся и потребовал предъявить права» деб ағдарган (русча таржима, 10-бет). Немис таржимони Э. Брюмер эса «права» сўзини ҳужжат маъносига эмас, балки «право — ҳуқуқ» деб тушунган. Шунинг учун ҳам немисча таржимада юқоридаги гап «Милиционер Қаландаровдан шофёрлик гувоҳномасини эмас, ўз ҳаққи-ҳуқуқини талаб этди» тарзида бўлиб чиққан.

Повестдан бошқа бир мисолни олиб кўрайлик, А. Қаҳҳор ёзади: «Саида бу аёлни (Меҳрихонни — С. С.) дарров ёмон кўриб қолди ва буни яширолмади. — Зулфиқоров эрингиз бўлмаса, кимингиз деб биламиз, ўйнашингизми? Жувон бир чўчиб тушди. — Вой, қиз нарса, шунақа гални оғзингизга олгани уялмайсизми?» («Синчалак», 108-бет) К. Симонов бу парчадаги кесатикни рус китобхонларига тўғри етказган: «Раз Зулфиқаров Вам не муж, — сказала она (Саида), то кем же вы предлагаете нам его считать: любовником? Женщина (Меҳрихон) взвизнула: — Такие слова мне говорите? А еще девушка!» (русча таржима, 66-бет)

Оригиналдан, русча таржимадан кўриниб турибди-ки, Меҳрихон Саидага нисбатан киноя билан гапириб, «яна қиз бола эмиш» деб турибди. Э. Брюмер кинояни тушунмай, «Мен ҳали қизман» деб ўгирган. Ҳолбуки, Меҳрихон бир неча бор турмушга чиққан, ўйнаши мавжуд бўлган бузуқ бир аёл.

А. Қаҳҳорнинг бошқа асарларида бўлганидек, «Синчалак»да ҳам миллийлик кучли. Бунинг бир кўриниши бўлмиш миллий реалиялар ҳам асарда кўп учрайди. Миллий реалияларни таржима қилиш масаласи эса А. Қаҳҳор асарларини бошқа тилларга ағдариларининг энг қийин проблемаларидан бири ҳисобланади. Агар мендан: «Шу масала «Синчалак» таржимасида қандай ечилган? — деб сўралса, ҳеч иккиланмай, унча ҳам муваффақиятли (хусусан немис тилида) чиқмаган», деб айтам бўлардим. Негаки, аввало, К. Симонов таржимада берилиши қийин бўлган реалияларни «иккинчи даражали» ҳисоблаган-да, анча жойларида ташлаб кетган. Ҳолбуки, улар персонажлар портретини чиқишда, уларнинг ички ва ташқи оламини характерлашда муҳим восита саналади. Иккинчидан, ўзбекча реалиялар бошқа миллат китобхонларига тезроқ етиб бориши учун маълум даражада руҳият касб этади. Ўзбекча реалиялардан хабарсиз бўлган немис таржимони, табиийки, ўзи билганча иш тутган.

А. Қаҳҳор ёзади: «Саида уйга кеч соат ўн бирларда қайтди. Холаси уни кутиб ўтириб, сўрида ёнбошлаганча пинакка кетибди» (10-бет). Рус китобхонига тушунарли бўлсин учун К. Симонов «сўри» сўзини изоҳ билан тушунтирган: «Тётка Саиды сидела во дворе на глиняном возвышении, которое называют супой» (русча таржима, 15-бет). Айтиш керакки, аввало, русча таржиманинг ўзида реалий унча ўринли чиқмаган («сўри билан «глиняное возвышение» — қум тепаликни тасаввур қилиб кўринг-а!»). Иккинчидан, «сўри» рус тилида «қум тепалик» деб ишлатилган бўлса, немисчада «супол тепалик» деб берилган. Шуниси қизиқки, «сўри» сўзи повестда бир неча бор учрайди ва у ҳар гал бошқача талқин этилади. К. Симоновда кўпинча «деревянный помост» — тахта супа, кат (24, 25, 76, 164-бетлар) бўлса, Э. Брюмерда эса уларнинг маъноси темир йўлларда юк ортиш ва тушириш учун қўлланадиган кўтармага тўғри келади. Ёки ўзбекча «гўжа»нинг рус тилида «варенная картошкага, немисчада «қовурилган картошкага айланганини айтмайсизми? Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қисқаси, «Синчалак»ни ҳар иккала таржима варианты билан солиштирганда, А. Қаҳҳорнинг рус тилини ўрганишга этган даъват ва ўғитлари доим ҳаёлимдан ўтиб турди. Бу маслаҳатларнинг ҳақиқийлигига яна бир бор қаноат ҳосил қилдим. Зероки, давр талабига мос келадиган «Синчалак»дек асарни иккала тилни ҳам яхши билладиган таржимон рус тилига таржима қилганда, муайян камчиликларнинг олди олинган, таржима сифати анча яхшилланган бўларди.

«Синчалак» таржимасида гарчи маълум камчиликларга йўл қўйилган бўлса-да, у бугунги маданиятимиз, турмуш тарзимизни, эришган муваффақиятларимиз ва бундан кейин амалга оширилиши лозим бўлган режаларимизни Европага кўз-кўз қилган асар саналади. У баланд дидли Европа, шу жумладан, немис китобхонларининг дилгига йўл топиб, давр синовларидан муваффақиятли ўта олди. Шу йўл билан «Синчалак» ўзбек совет адабиёти учун Европада кичик дарича очди. Ана шу даричадан муваффақиятли ўтган А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романлари, Темур Пўлатовнинг ҳикоя ва повестлари бугунги кунда бутун Европа бўйлаб, ўзбек адабиёти шўхратини тараннум этиб, доврўф солиб юрибди.

Сано САИДОВ,
филология фанлари кандидати



ҲАММАСИ ҲУҚУВЧИГА БОҒЛИҚ

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда адабиёт етакчи фанлардан бири эканлиги маълум. У ўзининг гўзаллиги, нафислиги, жўшқин ва қизиқарлилиги, ҳаёт ҳақиқатини ёрқин ва тушунарли очиб бериши, жасоратларга ундаши, тарбиявий қудрати билан катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ислоҳда бошқа фанлар қатори мактабда адабиёт ўқитишга ҳам жиддий эътибор берилганлиги табиийдир. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида шахсни юксак ахлоқий идеаллар ва эстетик талаблар асосида шакллантиришда адабиёт дарсларининг ролини оширишга алоҳида эътибор берилган. Бу эса, мактабларда адабиёт ўқитишнинг аҳолини тубдан яхшилаш коммунистик тарбиянинг муҳим масалаларини тўғри ҳал этиш имконини беради. Шунинг учун ҳам матбуотимизда мазкур масала юзасидан қатор фикр-мулоҳазалар ўртага ташланмоқда, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ана шундай давра баҳсларидан бири «Шарқ юлдузи» журнали томонидан ташкил қилиниб, унда кейинги йилларда адабиёт ўқитишда қатор муаммолар юзга келгани, унинг сабаблари, мактабда тарбия жараёни, дарсларнинг савияси, ўқитувчиларнинг билим даражаси, маҳорати каби долзарб масалалар кўтариб чиқилди.

Дарҳақиқат, мактабларда, олий ўқув даргоҳларида адабиётга қизиқиш сусайиб бораётганлиги ачинарли ва ташвишли ҳолдир. Бунинг сабабини аввало, адабиёт ўқитувчилари ва уларнинг билим даражаси, маҳоратидан ахтариш керак. Жуда кўп ҳолларда мутахассислар ўз устиларида ишламайдилар, ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга боғлиқ бўлган муаммолар билан қизиқмайдилар, фан-техника ютуқлари билан танишмайдилар. Адабиётимизнинг йилдан-йилга бойиб бораётган янги-янги ижодкорлари, янги талантларнинг ажойиб асарларини мунтазам ўқимайдилар. Кўпчилик адабиёт ўқитувчилари ўзларининг ўқитиш методларини ўзгартирмасдан, эскириб қолган, замон талабига, ёшлар савиясига мос бўлмаган методларда дарс ўтадилар. Техника воситаларидан; магнитофон, пластинка, диафильмлардан, кино аппаратлардан унумли фойдаланмайдилар. Ахир руҳий оламимиздаги гўзаллик туйғусини шакллантиришга катта ҳисса қўшадиган Ҳамза Ҳакимзодиннинг «Бой ила хизматчи», Ғафур Ғулломнинг машҳур «Сен етим эмассан», «Ёдгор», «Шум бола», Ойбекнинг «Қўтлуғ қон», «Навоий», Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон», Комил Яшиннинг «Йўлчи Юлдуз», Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён» каби бадий асарларини ўқиш, тўлиқ идрок этишимизда техника воситаларидан фойдалансак, нимаси ёмон?

Ўзбек классиклари ва совет даври ижодкорларига бағишланган дарслар адабиёт музейи, архив ҳамда ёзувчиларимиз-шоирларимизнинг уй музейидаги дурдона материаллар асосида ўтилса, янги-янги фактлар мисол қилиб келтирилса фойдадан холи эмас-ку. Гўзалликни илғаб олиш, ўқувчилар қалбига, онгига сингдириш учун адабиёт ўқитувчисидан тинмай изланиш талаб қилинади. Жуда кўп мактабларда техника воситалари мавжуд, лекин ишлатилмайди, айримларида ҳақиқатан йўқ. Кўп ҳолларда, адабиёт ўқитувчиларининг айримлари барча сиймоларни — ижодкорларни, ҳамма темаларни бир хил усулда, бир хил қолипда ўтадилар. Бу нарса ўқувчиларни зериктириб қўйишга олиб келади. Бизнингча, ўқитувчи синфда моҳир актёр бўлиши керак. Ҳаёт ҳақиқатини ўқувчиларнинг онгига, қалбига, бутун вужудига сингдириш КПСС Марказий Комитетининг қарориде айтилгандек: «Ҳаммадан кўпроқ ўқитувчига, унинг ғоявий эътиқодига, касб маҳоратига, истеъдодига ва маданиятига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Бунинг учун ўқитувчига эркинлик зарур. Баъзи ҳолларда биз бу эркинликни сезмаймиз, баъзи ҳолларда эса айрим сабаблар йўл қўймайди. Масалан, программани, соатни, методни пеш қилиб олувчилар топилиб қолади. Янги усулда, янги изланишда дарс ўтган ўқитувчига тазйиқ ўтказадилар.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганганда шоир яшаб ижод этган давр, муҳит, адабий ҳаракатчилик, замонасининг мўътабар зотлари ҳақида ҳам маълумот берилса, асарлари қиёсланса, фактлар билан исботланса буни нимаси ёмон? Навоий лирикасини ўқувчиларга етказишда грам-пластинкаларга ёзиб олинган ажойиб лирик кўшиқлардан намуналар қўйиб берилса, карточкалар тарқатилса, ғазаллари ифодали ўқилса, шоир шеърларига ишланган санъат асарлари кўрсатилса программа бузилган бўладими? Бутун дарс давомида дарслик китобида ёзилган гапларни ҳеч ўзгаришсиз, консепт орқали ўқувчиларга етказиш жуда катта фойда келтирмайди. Бир сўз билан айтилганда, ўқитувчи илм-фан, техника янгилликлари, ижодий тафаккур ва ташаббускорликдан узоқлашса, ёш авлод қалбига адабиётга муҳаббат уйғотиши қийин бўлади. Бундан қўтилиш учун адабиёт ўқитувчиси янги, қўшимча материаллардан қизиқарли фактларни танласа, ҳужжатли манбаларга таянса, улардан парчалар келтириб, ҳаётга тadbик этган ҳолда исботласа, мавжуд диафильмлар орқали мақсадни тушунтирса, фанга муҳаббат ўз-ўзидан туғилади. Айни замонда ўқувчиларда ёзма ва оғзаки нутқ ҳам ривожланиб боради. Афсуски, кейинги йилларда ёзма ишларда 30—40 ва ундан ҳам кўпроқ хато билан ёзиш ҳоллари учраб туради. Бунинг сабаби мактабларда саводга эътибор бермасликда, тил ва адабиёт соатларининг камлигида ҳамда ўзбек тили дарслари VIII синфдан кейин ўтилмасликда дейиш мумкин.

Ёшларни эстетик, коммунистик руҳда тарбиялаш, уларда бадий асарларни тушуниш кўни-

масини ҳосил қилиш, Балки маънавий дунёсини бойитиш, маданиятини юксалтириш, қолаверса, турмушимизни гўзаллаштириш ҳам адабиёт ўқитувчисига боғлиқдир. Бу борада биринчи намуна ҳам ўқитувчи бўлиб, тоза, содда, кийимлари дазмолланган, сочлари таралган ҳолда очиқ чехра билан дарсга кечикмасдан кирса ўқувчиларга ўрناق бўлиши мумкин. Чунки ўқувчи доим ўз ўқитувчисига тақдир қилади.

Адабиётимиз йилдан-йилга янги ижодкорлар ва уларнинг асарлари ҳисобига бойиб борар жанр, уларни ўқувчиларга етказишда ҳамма айбни адабиёт ўқитувчисига юклаш ҳам инсофдан эмас. Замонамиз фан-техника ютуқлари билан бойиб, илгарилаб савия ва талаб ошиб бораётган бир пайтда ҳозирги кунгача фойдаланиб келинаётган дарсликлар эскирганлиги, бугунги кун талабига жавоб бермай қолганлиги табиийдир. Бунинг сабаби, қарийиб 10—15 йилдан бери адабиёт дарсликлари ҳаётдаги ва бадий ижоддаги, тараққиётдаги янгилликлар, ютуқлар, тажрибаларсиз қайта-қайта нашр қилинаётганида. Юқори синфлар учун чиқарилган дарсликларда бадий асарни таҳлили қониқарли эмаслиги кўп айтилди. «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигидаги Махмур, Машраб, Завқий, Аваз Утар ҳақидаги маълумотлар, таҳлиллар етарли эмас. Қолаверса, улар ижодидаги ўзига хослик, эстетик, ахлоқий қарашлар ва бадий маҳорат, санъаткорлик, уйғунлик масалалари пухта ёритилмаган. XVII—XIX аср адабиёти ҳақидаги образда адабий жараёнга кам эътибор берилган, янги тадқиқ этилган фигуралар, асарлар киритилмаган. XIX асрнинг иккинчи ярми адабиётида ҳам ижтимоий ҳаёт, адабий жараён, назарий фикрлар, ижодий қарашлар, оқимлар, методлар талаб даражасида ўз аксини топган эмас. IX—X синф «Ўзбек совет адабиёти» дарслиги эса баён типига ўхшаб қолган. Уларда ижодкорларнинг бадий маҳорати, методи, дунёқарши уйғун олиб борилмаган, асарлардаги конфликт қаҳрамонлар психологияси, образларнинг характери кам очилган. Масалан, «Ўтган кунлар»даги Зайнаб, «Зайнаб ва Омон»даги Сора, Собир, «Синчалак»даги Қаландаров, «Шоҳи сўзана»даги Мавлон каби образларни ўқувчилар яхши таҳлил қила олмайдилар. Чунки бу образлар таҳлили етарлича эмас. Павел Власов, Она, Ғофир, Жамила, Йўлчи, Гулнор, Зайнаб образларига юзаки характеристика берилган. Натижада, шу темада ёзилган иншолар бири иккинчисидан кам фарқ қилади. Халқ оғзаки ижоди ҳам чалқаш ёритилган. Бу нарса хрестоматияда яққол сезилади. Масалан, IX синф адабиёт хрестоматиясининг 134-бетида берилган халқ оғзаки ижоди қисмида:

**Поэзингни жилдирган
Ўтхонаси билан дўнғалаги,
Двинскага кетишди
Мард йигитнинг бир бўлаги...**

мисралари билан бошланган шеърни халқ оғзаки ижоди деб берилади. Ваҳоланки, бу шеър андижонлик ажойиб шоир, революционер Худойберди Қорабоев қаламга мансублиги аниқланган.

Бизнингча, дарсликни тузатиш, тўлдириш эмас, қайта ишлаш ва мукаммаллаштириш зарур. Янги материаллар, янги тадқиқотлар, архивдаги босилмай ётган фактларни киритиш лозим. Айниқса, XIX—XX аср бадий адабиёти қисмига адабиётшунослар томонидан излаб топилган ижодкорлар, уларнинг асарлари киритилса, (Ибрат, Анбар Отин, Рожий, Мунтазир, 1905—17 йиллардаги адабий, инқилобий ҳаракат, уларнинг фидойилари — Авлоний, Мирмуҳсин, Ҳайратий, Худойберди Қорабоев ва бошқалар) ижоди ўрганилса ёмон бўлмас эди.

Кези келганда айтиш керакки, мактаб, техникум, институт, университет, улардаги тайёрлов бўлимлари учун дарсликлар бир-биридан фарқ қилиши керак. Ҳеч бўлмаганда, Олий ўқув юртида адабиёт дарслари ўзгача ўтилиши, дарсликлар, қўлланмалар, кўрғазмали қурооллар бўлиши, кабинетлар техника воситаси билан таъминланиши керак. Масалан, биргина тайёрлов бўлимини оладиган бўлсак, тингловчилар учун махсус адабиёт дарслиги, қўлланма, хрестоматия, амалий машғулотлар учун турли кўрғазмали қурооллар, китоблар ҳанузгача йўқ. Биргина Х. Абдураҳмонов, Қ. Ашмедов томонидан нашр этилган «Ўзбек тили ва адабиёти» қўлланмаси (1978 йили қайта нашр қилинган) мавжуд бўлиб, бу китоб анча эскириб қолган, адабиёт қисми бугунги талабларга жавоб бермайди. Унда айрим курсатмалар мавжуд, холос. Масалан, қўлланманинг 177-бетида Гулҳаний ижоди берилган. Унда масалчилик Гулҳаний ижоди учун ҳам характерли хусусиятлардан эканини аниқ кўрасиз.

Масалчилик Гулҳаний ижодининг етакчи томонидир. «Зарбулмасал» асари халқ эртаклари тақлидида ёзилган мукамал сюжетли сатирик асардир. «Зарбулмасал»ни ўқинг ва унинг композицион қурилишининг ўзига хослигини кузатинг...» дейилган бўлса, 230-бетда «Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида» дарсликда берилган материални ўқиб, унинг ижодининг асосий босқичларини, дастлабки шеър ва поэмаларининг номларини, уларнинг темаси, ғоявий йўналиши, бош қаҳрамонларини хотирангизда сақланг, Ойбек лирикасида «Ўзбекистон», «Беш йиллик план», «Фанга юриш», «Раиса» каби шеърларининг мазмунини эсда тутинг», дейилади. Мана, қўлланмадан намуна келтирдик. Дарсликнинг ўзи бўлмагандан кейин талаба нимадан ўқийди? Қолаверса, тайёрлов бўлимларида адабиёт ўқитиш мактаблардан, курслардан маълум даражада фарқ қилиши керак. Шунга мос дарслик, қўлланма, хрестоматия, хуллас, дарсликлар комплекси зарур. Улар тингловчиларнинг характерига, билим савиясига, саводига мос бўлиши шарт. Чунки, тайёрлов бўлимларида Совет Армиясида хизмат мuddатини ўтаб, турли корхоналарда кўп йиллар давомида ишлаб келган ёшлар кирадилар. Уларга мос дарслик яратишга тажрибали ўқитувчилар, олимлар, методистлар жалб этилса ёмон иш бўлмас эди. Шунингдек, тайёрлов бўлимларидаги адабиёт дарсларининг соатлари камайиб боряпти, айрим жойларда олиб ҳам ташланган, кабинет системасига ўтилмаган. Мактаб ва олий ўқув юртиларида олиб бориладиган амалий машғулотларда ўқувчилар сони 10—15 тадан ошмаса, дарс ўқишда эркинлик таъминланган мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳар ҳолда бу бўлимлардаги адабиёт дарсларининг мактабдагидан қандайдир даражада фарқланишига, тингловчилар учун қизиқарли бўлишига эришишимиз зарур. Демак, Олий ўқув юртиларидаги тайёрлов бўлимларида адабиёт дарслари ўқитишни ислоҳ қилиш ҳам умумтаълим реформасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Феруза АҲМАДЖОНОВА,
филология фанлари кандидати, доцент

Ўқинчли аҳвол

Мактабларимизда она тили, адабиёт ва тарихни ўқитишнинг аҳволи давр талабига мувофиқ эмаслиги кўпчиликка аён. Битирувчиларимизнинг аксарияти ўз фикрларини адабий тилда оғзаки ва айниқса, ёзма равишда, ҳатто қониқарли даражада ифодалаш малакасига эга бўлмаган ҳолда муस्ताқил ҳаётга қадам қўймоқдалар. Абитуриентларнинг кўплари иншодан ёмон баҳо олаётганликлари бу фикрнинг яққол исботидир. Болаларга ибратли адабиётимиз, кўп асрлик тарихимиз ҳақида шунчалик оз маълум берилмоқдаки, натижада улар ўзларининг буюк мерос соҳиблари эканликларини тушуниб етмаётирлар: миллий ифтихор туйғусидан маҳрум, маънавий жиҳатдан қашшоқ кишилар бўлиб қолмоқдалар.

Бу ўқинчли аҳволнинг маориф ходимларига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган бир қанча сабаблари бор, албатта. Амалдаги программаларнинг практик аҳамиятга моликлик жиҳатидан бир-мунча «қуруқ»лиги муҳим сабаблардан биридир. 4—8-синфларнинг программа материаллари, ажратилган ўқув соатларига нисбатан, ниҳоятда тифиз. Бунинг оқибатида ўқитувчи деярли ҳар бир дарсда янги тема ўтишга мажбур бўлади. Тасаввур қилиб кўринг: дарс вақтининг янги тема учун қоладиган кўпи билан 30 минути ичида 1—2 қондани 30 боланинг онгига етказиб, уларда мазкур қондаларни амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш ва мустақамлаш мумкинмикин? Энг жонкуяр ва моҳир ўқитувчи ҳам бунга ҳар доим муваффақ бўлавермайди. Тақлифим шуки, она тили учун ажратилган ўқув соатларини кўпайтириш керак. Токи ҳар бир янги тема ўтилгач, 1—2 соат амалий иш билан шуғулланиш мумкин бўлсин.

Биз ҳозиргача она тилини 1—8-синфларда ўқитиб келаётирмиз. Ёш болаларда ихтиёрий диққатдан кўра ихтиёрсиз диққат устун бўлиши ҳаммага маълум. Демак, улар фақат қизиқ мавзуларни қийналмай ўзлаштирадилар. Афсуски, кўп ўқувчилар тил қондаларини қизиқ деб ҳисобламайдилар... Хулоса шуки, она тили ўқитишни юқори синфларда ҳам давом эттириш керак. 9—10-синфларда «Ҳуснихат асослари», «Бош ҳарфларнинг ишлатилиши», «Қўшма сўзларнинг имлоси», «Жуфт сўзларнинг имлоси», «Вергулнинг қўлланилиши» каби катта темаларда сабоқлар берилиши, дарсларда амалий иш кўпроқ бажарилиши зарур.

Битирувчи синф программасига, ҳеч бўлмаса, 20—30 соатлик «Стилистика» курси киритилишини бугунги кун тақозо этмоқда. Бусиз, битирувчиларнинг нутқидаги, хусусан, иншосидаги услубий хато ва камчиликларга, китобийликка барҳам бериш амри маҳолдир.

Ўз халқининг қадрига етган кишигина ўзга халқларнинг иззатини ўрнига қўя олади. Ёшларимизни ҳар томонлама камолга етган кишилар даражасида кўришни истар эканмиз, мактабда алоҳида предмет сифатида Ўзбекистон тарихини ўқитишимиз шарт.

Шу ўринда араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувини ўқувчиларга ўргатиш масаласига тўхталмаслик мумкин эмас. Баъзи кишилар болаларга эски ёзув ўргатилса, диндорлар кўпайиб кетади, ислом динининг халққа таъсири кучаяди, деган асоссиз фикрга бориб, бу хайрли ишни маъқулламаётирлар. Воқеликка эътибор беринг: айни пайтда қандайдир йўллар билан эски ёзувни ўрганиб олган, халқимиз муқаддас ҳисоблайдиган қадимий китобларни ўқий оладиган (ҳа, кўпинча фақат ўқий оладиган!), «Қуръон»дан 5—10 сурани ёдлаб олган чаласавод қироатхонлар одамларни лақиллатмоқдалар: атеистлар сўзи эса писанд қилинмаётир, чунки улар маълумотли, дипломли кишилар бўла туриб, омма назарида «оми», «илмсиз» ҳисобланадилар, ахир улар «муқаддас» китобларни ҳатто ўқий олмайдилар-да!

Бу ҳол давом этаверса, товламачи қироатхонлар тобора кўпаяверадилар, халқдан мўмай-мўмай хайр-эҳсонлар тушиб турар экан, улар фаолиятларини тобора кучайтираверадилар.

Эски ёзувни мактабларимизда ўқитсак, шу билан бирга атеистик тарбияни лозим даражада йўлга қўйсак, бир неча муаммони бир йўла ҳал эта оламиз. 1. Маданий меросимизни оммавий равишда бевосита ўқиш-ўрганиш, ўзлаштириш илкони юзага келади. 2. Динсотар қироатхонлар ягона устунликларидан маҳрум бўладилар, атеистлар хурофий сафсаталарни илмий равишдагина эмас, диний китоблардаги хатолар ва чалкашликларни далил келтириб фош қила оладилар, уларнинг халқ ўртасида обрў-эътиборлари кўтарилади. 3. Токчаларда, қоронғи қазноқларда чанг босиб ётган кўпплаб бебаҳо эски китобларнинг топиллиши, маданий меросимиз хазинасига қўшилишига кенг йўл очилади.

Классик адабиётни ўқитишни яхшилаш ҳақида йўлар эканмиз, арузни эсламай бўлмайди. Аруздан беҳабар одам, айтайлик, ажойиб санъат асари бўлишига қарамасдан, ғазалдан етарли эстетик завқ ололмайди, чунки вазини билмаганлигидан уни ўқишда қийналади. Бинобарин, аруз илмини болаларга ўргатишни маданий тараққиётимиз тақозо этмоқда десак, муболаға бўлмайди.

Бизнингча, юқори синф ўқувчилари учун «Адабиёт назарияси» факультатив курси очилиши, шу курс программаси доирасида аруз илми ҳам ўқитилиши зарур.

Эргашали ОРТИҚОВ,
ўқитувчи, Тўрақўрғон райони

Ҳақиқий санъат заволи билмайди

Қайта қуриш мамлакатимиз бўйлаб фаол қадам ташлаётганига, мана, уч йилдан ҳам ошиб бораётир. Бу йиллар мобайнида талай муваффақиятлар қўлга киритилди, янги режалар белгиланмоқда. Республикаимиз микёсида ҳам иқтисодий ва маънавий соҳаларда, гарчи бошқа иттифоқдош республикалардагидек катта суръат билан бўлмаса-да, янгиланиш рўй берапти. Биз бу ўринда суръат масаласига бежиз ургу бераётганимиз йўқ. Ўзбекистонда қайта қуриш иқтисодий ва маънавий соҳаларда заиф кетаётганини сезиб турибмиз. Мисол тариқасида маънавий ҳаётимиздаги шундай бир фактга эътибор берайлик. Адабиётимизнинг мураккаб даври 20—30-йилларга баҳо беришда, Чўлпон ва Фитрат ижодиётини тўғри илмий таҳлил этишда ҳамон бир-бирига зид фикрларнинг билдирилиши бу масалаларда янгича қарашнинг ғалаба қозонишига ҳалқат берапти. Бу ўринда олимларимизда жасорат етишмаётганини, адабиётга ҳамон «идоравий ёндашув» (М. С. Горбачев) кучли тазйиқ ўтказётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Шундай мураккаб шароитда «Шарқ юлдузи» журнали соҳибаларида Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи кўп сонли китобхонлар ҳукмига ҳавола этилганини катта жасорат деб ба-

холош керак. Мазкур романнинг эълон қилиниши оғир ижодий йўлни босиб ўтган, ноҳақ репрессия қилинган, сталинизмнинг қурбони бўлган улкан санъаткор ижоди ҳақида тўғри тасаввур туғилишига хизмат этади деб ўйлаймиз.

«Кеча ва кундуз» романи ўзбек китобхонларида романчилигимиз тарихига бўлган қарашларни кескин ўзгаришига асос беради. Шу жиҳатдан мазкур роман ҳозирги қайта қуриш шароитида муҳим роль ўйнаяжagini алоҳида таъкидламоқ лозим. Биз бу ўринда нималарни назарда тутаямиз? Асарнинг қайси жиҳатлари ўзбек романчилиги ҳақидаги тасаввурларимизни ўзгартирди?

Биринчидан, мазкур романсиз ўзбек адабиётида реалистик тасвирнинг, ҳаётни барча зиддиятлари билан ҳаққоний бадиий тадқиқ этиш йўлининг юксак поғонага кўтарилишини тўғри баҳолаб бўлмайди.

Иккинчидан, романнинг тили, ёзувчи услуби, ижтимоий-сиёсий муҳитнинг талқини, адиб яратган типларнинг ички ва ташқи қиёфалари тасвирининг оригиналлиги ўзбек адабиётида фавқулодда ҳодисадир. Фикримизни далиллаш мақсадида романнинг айрим қирраларига эътибор берайлик.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий муҳит, икки томонлама зулм исканжасида оғир ҳаёт кечирган халқ ҳаёти ўз аксини топган. Бу давр ҳақида ўзбек адабиётида Ҳамзанин «Бой ила хизматчи», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», С. Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» каби асарлари бизга анча кенг маълумот беради. Абдулла Қодирийнинг машҳур «Утган кунлар» романи бир оз илгариги — Чор Россиясининг Туркистонга босқинчилик сиёсатини юритишигача бўлган давр ҳақида ҳикоя қилса, «Кеча ва кундуз» романидаги воқеалар, маълум маънода унинг давоми бўлиб кўринади. Бу асосан, руҳнинг яқинлиги, романга хос тафаккур тарзининг муштараклиги, қандайдир ички алоқадорликнинг борлигида сезилади. Шубҳасиз, Чўлпон «Утган кунлар» романини ўқиган ва Абдулла Қодирий мактабидан хабардор бўлган. Бироқ, яна бир нарса аёнки, «Кеча ва кундуз» романи тамомила янгича, новаторона яратилган асар бўлиб, ўзбек адабиётида яна бир ўзига хос йўналишининг асосини ташкил этади. Бу шу нарсадан дарак берадики, 20—30-йиллар ўзбек адабиётида Абдулла Қодирийнинг романчилик мактаби билан бир қаторда Чўлпон мактаби ҳам қад кўтара бошлаган. Афсуски, мамлакатимиз ҳаётида катта фожиаларнинг рўй беришига сабаб бўлган сталинизм бу икки ажойиб мактабнинг кенг қанот ёйишига имкон бермаган.

«Кеча ва кундуз» романи ўзининг ғоят гўзал, айна замонда содда, халқчил тили билан ҳам бугунги ўзбек насрига катта таъсир кўрсатиши аниқ. Бундан ярим аср олдин ёзилган бу асарнинг тили ҳозирги ўзбек жонли тилига ниҳоятда яқинлиги, табиийлиги билан ўқувчини ҳайратга солади. Боз устига, ўзбек адабиётида йирик шоирнинг, сўзга «хасис» истеъдоднинг насрда ҳам муваффақиятли қалам тебратиши кўп учрайдиган ҳол эмас. Мана, асардан бир парча: «Ой ҳали чиқмаган: фақат, кечанин қоронғисига ўчакишган саноқсиз юлдузлар, тепада туриб машъалларни ёндирганлар: худди пешона олдида кўринган энг ёруғ юлдуз, пийёз тўғраётган келинчакнинг кўзларидай, пил-пиллаб ёнарди». Тилдаги бундай равонлик, поэтик гўзаллик ёш прозаикларимизга яши намуна бўлиши табиий.

Романдаги ҳар бир воқеа ўзаро боғлиқ кичик-кичик ҳалқачалар тарзида «терибли» келинадики, бу нарса кейинги воқеа-ҳодисалар ривожига, характерларнинг очилишига, бадиий ғоянинг образли ифодаланишига, ҳаёт ҳақиқатининг изчил, тўлақонли бадиий тадқиқ этилишига хизмат қиладди. Бу эса, сўзсиз, Чўлпоннинг катта истеъдод эгаси эканлигидан далолат. Бир қараганда, Раззоқ сўфи хонадонидagi воқеалар, Зеби фожияси, Акбарали мингбоши ҳаёти, Мирёқубнинг фаолияти, Ноиб тўра атрофидаги воқеа-ҳодисалар ҳар бири ўзича алоҳида, мустақил тугалликка эгадек кўринади. Лекин улар ўзаро шундай мустақил мантиқий изчиллик билан боғланганки, бу занжирларни, характерларни бир-бирдан ажратиш мумкин эмас. Ёзувчи шу тариқа тасвир этилаётган давр мураккаблигини, зиддиятларини, янгилик билан эскилик ўртасидаги курашнинг моҳиятини очиб беришга эришади.

«Кеча ва кундуз» романи ўзбек адабиётида бетакрор, ниҳоятда оригинал типларга бойлиги билан ажралиб туради. Масалан, Акбарали мингбоши типидagi образ бошқа ўзбек романларида учрамайди.

Акбарали мингбоши истилочи Чор Россияси сиёсатининг туб моҳиятини фош этувчи образдир. Саводсиз, фаҳмсиз мингбоши Чор амалдорларининг босқинчилик фаолиятини ниқобловчи, уларнинг сиёсатини ўтказувчи маҳаллий халқ вакили. Акбарали бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини англамайди, у ўз маишати, ҳаёт ҳақиқати йўлида ҳар қандай жоҳилликдан қайтмайдиган худбин. Ёзувчи мана шу тоифа одамлар орқали иш кўрган Чор амалдорларининг устамонлигини, бундай одамлар эса ҳамиша халқ бошига фақат кулфат ёғдирганлигини маҳорат билан очиб беради. Қизиғи шундаки, ёзувчи бундай образларнинг тасвирида фақат бир хил ранглардан фойдаланмайди. Унинг инсоний қиёфасини, маънавий дунёсини ёритишда, характеридagi зиддиятларни очишда ёзувчи табиийликдан заррача чекинмайди. Уз мансабини сақлаб қолишда ҳар қандай жирканчликдан қайтмаган худбин бир кимса айна пайтда раҳмдил ҳамдир. Зебининг никоҳдан кейинги кунларини эсланг.

Романдаги энг мураккаб образлардан бири ва балки марказийси Мирёқубдир. Ёзувчи Мирёқубни асарга тайёр характер сифатида киритади ва турли шароитларда бу характернинг турфа қирраларини намоён этишга эришади ҳам. Характер сифатида тайёр деяётганимизнинг боиси шундаки, Мирёқуб ҳар қандай ҳолатда ҳам нима қилишини яхши билади. Агар у Акбарали мингбошига «садоқат» кўрсатаётган бўлса, унинг мансабидан фойдаланиш, Пошшахон билан дон олишаётган бўлса, Акбаралининг мол-мулкига эғалик қилиш, Ноиб тўра ва унинг хотинига хушомад қилаётган бўлса, бирор мансабни кўзлаган бўлади. Юқорида санаб ўтилган жиҳатлар Мирёқуб образининг бир қиррасини ифодалайди, холос. Унинг маърифатга, халқ ҳаётига, замонага бўлган қарашлари шу қадар зиддиятли ва айна замонда, бир мақсадга қаратилганки, бир одамда бунча имкониятларнинг берилиши ёзувчининг катта маҳоратини намоён этади.

Хулоса қилиб айтганда, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи бугунги ўзбек прозасининг ривожига сезиларли таъсир қилиши аниқ. Шу маънода, романнинг эълон қилинишини 1988 йил ўзбек маданий ҳаётидаги улкан ҳодиса деб баҳолаш ўринлидир.

Анвар ЖАББОРОВ,
филология фанлари кандидати



1998
№ 02

Фазилат Ҳожиқулова

КУБОРО ВА ЯРИМ ОДАМ

Қисса

Хатти-ҳаракатлари билан кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортган номаълум киши серташвиш баҳор кунларидан бирида тўсатдан пайдо бўлди. Унинг узун оёқлари қотмадан келган қоматини янада новчароқ қилиб кўрсатар, чўзинчоқ юзидаги катта-катта кўзларига боққанда, дилида алланечук дарди борлигини сезиб олиш қийин эмас эди. У келганида баҳорнинг фараҳли оқшоми эди. Узоқ-узоқлардан сигирларнинг маъраши-ю, қўйларнинг барашлари эшитиларди. Енгилгина эсаётган шабада эса қирлардан майсаларнинг хуш бўйларини олиб келар, дарахтлар сон-саноксиз япроқларга бурканиб баҳорни олқишламоқда эди.

Қўлида қора чамадон кўтарган бояги киши қишлоқнинг ўртасидаги ярми асфальт, ярми тупроқ кўчада анча вақт юрди. Сўнг бориб катта ёнғоқ дарахти ёнидаги гужум дарвозани секингина тақиллатди. Ҳадеганда жавоб бўлмагач, қаттиқроқ қоқди. Итнинг жон-жаҳд билан акиллагани, бировнинг уни эркалаб-койингани эшитилди:

— Ҳа, овозинг ўчгур, бўлди, бас қил... Ҳозир, ҳозир боряпман, кираверинг!
Дарвоза ғийқиллаб очилди.

— Ассалому алайкум, — деди қиз номаълум кишига ийманиб қараркан.

— Менга тунаш учун жой керак эди, — деди ҳалиги киши ҳовлига кўз югуртириб. Сўнг негадир бармоқларини «панжара» қилиб, қизга ғалати тикилди. Қиз анграйиб, ито-аткорона кўйда орқасига ўгирилганча ҳовли ичкарасидаги узумзорга қараб юрди. Энди номаълум киши бирдай акиллаётган итга ҳам бармоқлари орасидан қаради. Итнинг овози тинди, фақат бузоқнинг аҳён-аҳёнда маъраши эшитиларди, холос.

Оқ ятакли, буғдойранг юзини ажин қоплаган қария дарвоза олдида келди.

— Марҳамат, меҳмон, — деди саломлашгач. Номаълум киши унинг саломига алик ҳам олмади. Улар янги кўкара бошлаган ток остидаги сўрига келиб ўтиришди.

— Куборо, ҳо Куборо, чойга қара, — деди ота қизига юзланиб.

Куборо чаққонлик билан дастурхон тузади, чой дамлаб келтирди. Чойнакни отасининг олдида суриб қўйди-да, ошхонага қараб кетди.

— Сўраганинг айби йўқ, қаерлардан сўраймиз, меҳмон? — деди ота нон ушатаркан.

— Мен Кадеронэнтауэр, — деди меҳмон отанинг кўзларига тик қадалиб.

Ота ҳайрон бўлди, чойни ҳўпларкан, яна сўз қотди:

— Жуда ғалати-ку. Тавба, ҳозиргилар ҳар хил ажи-бужи исмларни ҳуш кўришадди... Ҳўш, у нима дегани экан?

— Менинг кўлимдан ҳамма иш келгани учун шундай ном қўйишган.

— Ҳар ишга қодирман денг.

— Кадерон! Лекин сизнингча балки Қодирдирман, о-о-о-та, — меҳмон «ота» сўзини ғалати аллозда чўзиброқ ифода этди. Кейин негадир қўшиб қўйди. — Мен чой ичмайман. Овқат ҳам ейилмайди...

Кадероннинг кимлиги, қаерданлиги билан ишлари йўқ бу ҳовлидагилар уни очиқ чеҳра, очиқ кўнгил билан қаршилади. Улар азбаройи самимий кишилар бўлишганидан, меҳмонни ҳадеб саволга тутиб хижолат қилишни ҳам ишташмади...

* * *

Тонг билан ўрнидан туриб ҳовлига чиққанида, атрофга сув сепилган, ҳамма ёқ топтоза қилиб супурилган эди. Ғира-шира ёришаётган осмонда биргина юлдуз хира нур таратар, дилга баҳорий сурур бахш этарди. Куборо сўрига нонушта учун аллақачон жой тайёрлаб қўйган, ота эса бузоқлар ёнида эди.

Кадерон безовталаниб отадан чўпонларнинг отари қаердалигини сўради.

— Вақтим зиқ, ота, программалаштирилганман, — деди у дона-дона қилиб.

Ота меҳмоннинг гапига тушунмади, шундай бўлса ҳам Куборони чақириб буюрди:

— Қизим, меҳмонни чўпонлар ҳузурига бошлаб бор, кечикишим мумкин деяпти!

Куборо қизи Дилдорани ҳам етаклаб, меҳмон билан бирга чўпонлар ҳузурига кетди.

— Қўйларнинг олдига борамизми? — йўл-йўлакай Дилдора бижилларди.

— Ҳа.

— У ерда Бўривой амакини ҳам кўрамизми?

— Ҳа, албатта.

— Нега қўйлар баърайди?

— Қўй бўлгандан кейин баърайди-да!

— Нега бўлмаса бузоқ маърайди?

— Чунки у бузоқ-да, маҳмадона! — дерди Куборо қизининг кетма-кет саволларига жавобан.

— Ўз қизингизми? — сўради Кадерон секингина Куборога назар ташларкан.

— Ҳа.

— Улар... Улар ҳиссизлик тажрибасини ўтказишмаганида менинг ҳам шундай қизим бўлармиди?

— Ким улар? Қанақа тажриба? Нималар деяпсиз ўзи?

— А, шунчаки. Мен ярим одамман. Шакл бор, мазмун йўқ, — ғудранди Кадерон.

У жиддий, тунд кўзларини Дилдорага тикди:

— Ёшинг нечада?

— Уч-тўрт, — бидирлади Дилдора. У сакраб-сакраб, онасининг қўлларида тортиқилганча олдинга интиларди.

Куборо меҳмоннинг гапларидан хаёлга толди. Аммо шу сонияда Кадерон яна бармоқлари орасидан Куборога кўз ташлади ва у шуурсиз ҳолатда меҳмон қолиб, ўз ҳаёти тўғрисида ўйлай бошлади...

Шаҳарнинг серқатнов кўчаларида ҳамма қаёққадир ошиқмоқда. Шу куни ўн саккизга кирган Куборони ҳеч ким пайқамаётгандай. Юраги ўз-ўзидан алланечук ширин туйғуларга тўлаётганига у ҳайрон эди. Ҳали қуёш ёрқин нур таратмаган эрта саҳарда Куборо тенгдошлари қатори биринчи сменага ишга йўл олган. Мана, зумда цехга кириб келди. Унинг чаққон қўллари ип йигирув машиналарини зудлик билан тозалашга киришди.

Оқшом кўниб, ниҳоят бугунги смена тугади. У ҳар куни ишдан чиқиб, ўқишга чопади, ундан ётоқхонага. Дугоналарининг ўз суюқлилари ҳақидаги ҳикояларини ҳаяжонланиб эшитади. Ширин антикади. Бугун уни ҳам смнадан сўнг учрашувга таклиф этишган. У анча иккиланди: борсинми, бормасинми? Қалбига қулоқ солмаса бўлмас экан. Карим, цех мастери, унга кўз қирини ташлаб юрганини Куборо аллақачон сезган. Унинг кўзларига ҳали бирон марта тик боқмаган-у, уни эсласа барибир қалби ҳаяжондан қалқади. Йўқ, у боради! Ахир, энди у мустақил-ку! Унинг ота-онаси тушунган; зўрлаб турмушга берадиганлардан эмас. Улар Куборонинг хоҳишига қарашади...

Куборо қадамларини дадилроқ босди. Йўқ, кечикмабди, ана у турибди. Куборонинг бор вужуди титрар, қадамлари эса дам сайин секинлашиб, чалкаш тушар эди.

Карим Куборога пешвоз югурди.

— Мен келмассиз деб ўйловдим.

— Салом, — деёлди Куборо қизариб.

— Бирон жойга бориб гаплашсак яхши бўларди, Куборо, — деди Карим.

Шу куни ҳали Куборо севги тафтида ёниб, ширин висол онларини бошидан кечирши, қайноқ бўсалар муҳаббатга муҳр бўлишини, бу унинг умрига татиғулик кун бўлиб қолиши-ю, ҳаёт унга Дилдорадек жонининг, юрагининг бир бўлагини беришини хаёлига келтирмаган эди...

— Мен тушунмайман. Нега одамлар бунақа? — Куборонинг хаёлини дабдурустан бўлиб, деди Кадерон. — Одамлар нима учун бир-бирларига бундай интилишади? Бу қанақа куч?!

— Сиз кимни айтяпсиз? — сўради Куборо ҳайрон қолиб.

— Масалан, сиз... Гарчи ўшанда иккиланган бўлсангиз ҳам...

— Сиз бунга қайқандан биласиз? — баттар ажабланди Куборо.

— Мен тасаввур қиялман, — деди Кадерон мийиғида кулиб.

— Ўзингиз муҳаббат ҳақида гапиряпсизу... Муҳаббатнинг нимасига тушунмайсиз?

— У менинг программамда йўқ, — деди меҳмон осойишта оҳангда. Сўнг дона дона қилиб давом этди. — Биласизми, устоз Кангэфнн бу тўғрида кўп гапирарди. Мен уни доим эшитиб турганман. Лекин барибир...

— Устозингиз... исми ғалати экан! У ким ўзи?

— У одам эди. Уни ҳаммамиз «устоз» ёки «Кангэфнн» дердик... Менга, Зиёдани яхши кўраман, бир умр интиламан, деб айтган... Тушунмайман...

— Зиёдаси ким экан? Қаерда?

— Шу... Ерда! Мен уни қидиришим керак! — деди Кадерон.

— Шунга чўпонлар олдига бораяпмизми?

— Йўқ, бу кейин... — деди меҳмон.

* * *

Ям-яшил баланд қирда қўй-қўзилар ёйилиб ўтлашар эди. Бўрибойга Собир ака деган бошқа чўпон яқинлашди:

— Қара, хув Маҳкам отанинг қизи боласи билан келяпти... Ёнидаги ким бўлди?

Бўрибой манглайига қўлини қўйиб қаради:

— Танимадим... Бу ерликка ўхшамайди...

Кўп ўтмай, Куборо билан ҳамроҳлари қирга кўтариллишди.

— Салом. Ҳорманглар! — деди узоқдан Куборо.

— Салом... Салом...

Кадерон бир Куборога, бир чўпонларга тикилиб, бу гал у ҳам ғудранди:

— Са-са-лом...

— Меҳмонни бошлаб келган экансан, қизим, — деди Бўрибой, ҳол-аҳвол сўрашгач, Куборога. — Қани, ўтовга марҳамат. Бешбармоқ бўляпти.

— Йўқ, вақт зиқ, шошяпман, циклон! Мен программалаштирилганман, — деди Кадерон.

Чўпонлар меҳмоннинг гапини англашолмади. Аммо «программа» деган сўз қулоқларига анча таниш эканлигидан, бу қандайдир расмий идорадан келган бўлса керак, деб ўйлаб, қистанишди:

— Олдин бир пиёла чой...

— Йўқ, мумкин эмас... сел келяпти, — деди туйқусдан Кадерон.

— Сел? Қанақа сел? Радиодан хабар беришмади-ку... Ҳаво очик!

— Барибир... Мана бу жониворларни асраш...

— Ростдан сел келаётган бўлса, олдин қишлоқда одамларни асраш керакмасми-кан, ахир?! — бўғилди Бўрибой. — Ёлғон-э!

— Сел буёқдан келяпти! — деди Кадерон қўлини уфқ томонга чўзиб. — Қишлоққа ҳам айтилади.

— Сиз ким бўласиз ўзи, меҳмон? Ҳали танишмадик ҳам... — деди босиқлик билан Собир ака.

— Мен Кадерон...

— Дадам Қодир деяптилар, — тушунтирди Куборо.

— Бу хабарни сиз кимдан эшитдингиз ўзи, Қодиржон, аниқроқ қилиб гапирсангиз! — қизиқсинди Собир ака.

— Мен... осмондан... — ғудранди Кадерон.

Сел ҳақидаги бу бемаъни гапни чўпонлар албатта бир пулга олишмаслиги мумкин эди, лекин шу сонияда кучли шамол қўзғалиб, қирни чанг-тўзон тута бошлади. Чўпонлар, бу одам бирон ташкилотдан келгани устига осмон илмларидан хабардор киши экан, деб ўйлаб, жилла иккиланиб, саросималана бошлашди.

Шу пайт шамол, тўзон етмаганидек, яна бир кўнгилсизлик юз берди: ҳаво айнагани заҳоти бўйнидаги кўнғироқни жиринглашиб пода олдига ўз-ўзидан тушган серка қоқиндими, гурс этиб қулади. Қўйлар эса безовталаниб баърашар, ўзларини ҳар томонга уришарди. Бўрибой подани аранг нари-бери суриб, оёқлари осмонга кўтарилганча тилини тишлаб ётган серканинг олдига келди. Унга ачиниш билан тикилди.

— Улибди, — деди кейинроқ келган Мамбетга. — Ҳаром ўлди жонивор. Қўйлар саросимада. Тезроқ бошқа серка олиб келиш керак...

— Бу шамол кучайгандан кучайяпти. Қўйларни ҳайдаб кетиш энди осон бўлмайди, — деди чўпон Мамбет.

— Мана... мана буни унинг ўрнида ишлатиб туринглар, — деди Кадерон тўсатдан. Қўйнидан қўғирчоққа ўхшаш улоқчани чиқарди.

— Нима бу, қўғирчоқми? — илжайди Бўривой.

— Ёрдам бермоқчилигингни кўриб турибмиз, лекин бу иш ўйин эмас-да, бироқ дар! — Мамбет ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади.

Аммо Кадерон миқ этмай қўлидаги улоқчани ерга қўйди-да, ён чўнтагидан тўртбурчакли қутичани олди. Чўпонларга бирма-бир қараб қўйиб, унинг чеккасидаги тугмачани босди. Чўпонларнинг шундоқ кўз ўнгида ҳалиги улоқча борган сари каттариб, шохдор серкага айлана бошлади. Чўпон отлари ҳуркиб, қаттиқ кишнаб юборди. Қўйлар тек қотдилар, уларнинг баърашлари эшитилмай қолди.

— Бу — робот-серка, — деди Кадерон. — У подани сиз истаган жойга бошлаб кетаверади.

— Бўлмаган гап, — деди Бўривой гоҳ Кадеронга, гоҳ сирли серкага қараб. — Бунақа сафсаталар билан бошимизни қотирма. Нима, бу сенга тажриба участкасимиди? Институтларда тажрибаларини тугатолмайдилар-да, бу ерга келиб, бизни лақиллатишга уринадилар.

Кадерон Бўривой билан баҳслашиб ўтирмади. У қўлидаги тўртбурчак қутичани ўзатди:

— Ма, ол! Бу билан робот-серкани бошқарасан!

— Қандай қилиб? — деди Бўривой энди меҳмоннинг иродасига бўйсуниб, аммо овози титраганича.

— Мана бу қизил, яшил, қора тугмачаларни кўряпсанми? Қизири бехавотир жойга чиқиб олиши учун, яшири яйловга қўйларни бошлаш учун, оқи эса қўрага қақириниш учун. Мана, ҳозир қизилини босамиз...

Уларни кузатиб турган Куборо ҳайратга тушганди. Бундай бўлишини у асло кутмаган эди. Қизини бағрига маҳкамроқ тортди. Кейин, яна Кадерон ҳақида ўйга толди. Ким бу ўзи? Наҳотки, серканинг нобуд бўлишини олдиндан сезиб, ўрнига робот-серка олиб келган бўлса?! Нима, у, ҳар қандай фалокатни олдиндан идрок этадими? Майли, у омадсиз ихтирочи бўлсин! Лекин безовталаниб, сел келишидан ҳам ташвишланыапти-ку! Балки у — телепатдир?!

Куборо қанчалик ўйланмасин, муайян бир фикрга келолмади.

Бўривой энди ўлган серканинг қўнғироқларини ечиб, серка-роботнинг бўйнига боғлади. Ғалати қутичани тутган қўллари титради...

Серка эса қўйлар ичида тезда ўз жойини топиб олди. У олдинда борар, қўнғироғини дам сайин қаттиқ жиринглатарди.

Шу пайт Куборонинг кўз ўнгида яна бир мўъжиза рўй берди.

Унинг ёнида турган Кадерон бирдан тутунга айлангандек ғойиб бўлди-қолди. Бу ҳам етмагандек, Собир аканинг қўлидаги кўчма телевизорда концерт таққа тўхтатилиб, худди шу одам — Кадерон жонланганча, одамларга мурожаат қила бошлади:

— Тезда бехавотир жойга чиқинглар, сел келяпти, жуда кучли циклон! — Дам ўтмай Мамбет кўтариб юрган радиоприёмникдан ҳам ўша ғўлдираган овоз эшитилди: — Тезда бехавотир жойга чиқинглар, сел келяпти...

Шундан кейин, Кадерон яна Куборонинг ёнида дабдуруст қомат тиклади:

— Кетдик. Қишлоққа қайтиш керак...

Куборо меҳмондан кўп нарсаларни сўраб, аниқлагиси келарди. Бироқ нималар бўлаётганига тушунмаганидан, нафаси ичига тушиб кетганди. У қизчасини қўлидан тутиб, индамай Кадеронга эргашди...

* * *

Улар ҳаш-паш дегунча қишлоққа қайтиб келишди. Бу орада осмонни қоп-қора булутлар қоплаган, теварак-атроф алланечук зулмат-зимистонга айланиб қолган эди. Шамол энди олдингидек хуруж қилмас, аммо аллақандай намлик кўз очиртирмай кишининг эгнига, баданига ёпишмоқда эди.

Ҳовлида Маҳкам ота сўрида ёнбошлаб, парвойифалак бир кўйда, нималарнидир ўйлаб ўтирарди.

— Сел келаётган экан, радиони эшитмапсиз-да, дада, — деди ташвишланиб Куборо.

— Сел... сел... — яйраб қийқирди, бундай нарсаларнинг фаҳмига етмайдиган Дилдора.

— Эшитдим... Сен гапиргандек бўлдинг, шекилли, — деди Маҳкам ота Кадеронга юзланиб. Кексалар ҳам боладек беғам бўлишади-да, у шошмасдан қўшиб қўйди: — Қўрқиннинг ҳожати йўқ. Ота-боболаримиз бунақа селларнинг кўпини кўрган. Утади-кетади. Ҳозир техника замони, тўғон қурилган...

— Бу галги сел бутун қишлоқни олиб кетиши мумкин, о-о-о-та, — ғудранди Кадерон.

— Шунақа хавфлими келаётган сел? — сўради Кадерондан Куборо.

— Кучли циклон!..

— Қанақа циклон? Илтимос, аниқроқ қилиб гапирсангиз, — деди Куборо.

— Мендаги программанинг ҳисобига кўра, Неметида циклони айнан қишлоғингиз тепасида пасаяди. Шунда кучли метеорит ёмғири бўлиш эҳтимоли бор. Мен унинг олдини олганман, метеорит ёмғири ҳарҳолда энди ёғмайди, аммо кучли жала қуйиши аниқ. Тоғдаги анови қорлар эриб, унга кўшилиб, тошқинга айланади, мен шунинг учун бу ердан, — деди Кадерон, жиддий. Сўнг, яна секин деди. — Қишлоқдагиларни тезроқ бежавотир жойга кўчириш керак. Мен бу программани, қандай бўлмасин, бажаришим шарт...

— Нега? Нега, ахир? Бу циклон ўзи қаердан келди, нима учун бундай бўляпти? — сўради ҳаяжонланиб Куборо.

— Осмонга учирмаган нарсаси қолмади буларнинг, — деди Маҳкам ота тўнғиллаб.

— Роботларни айтяпсизми?

— Э, рўбутга бало борми, ҳаммаси... — бўғилиб ўрнидан турди Маҳкам ота. — Қарасанг, афти-ангорлари туппа-тузук... одам! Аммо дунёга ҳоким бўламан дейди, ўз авлод-аждодини қирадиган махлуқ...

— Отам уруш даҳшатларини кўрганлар, шунга асаблари қақшаяпти, — Кадеронга тушунтирди Куборо. — Дадам ер юзи қурол-яроғдан фориг бўлишини орзу қиладилар. Лекин бу киши орзу қилганлари сари аксига кундан-кунга қурол-яроғ ҳам кўпайиб кетяпти...

— Ерда барибир ҳаётни асраш керак. Ҳозир сел келяпти. Тошқинга айланади... худди магнитофонга ёзиб қўйгандек бир оҳангда деди Кадерон. — Тезроқ қимирланглар.

Кутилмаган фалокат рўй берганида одам ўзи билан бирга нимани олиши мумкин?! Маҳкам ота паришонланганича сўридан тушиб, рўпарадаги болохонали уйга қараб кетди. Куборо отасига эргашди. Кадероннинг ёнида биргина Дилдора қолди. Қизалоқ ҳовли юзида беғам-бепарво сакраб ўиноқларди:

— Сел... Сел...

Ота-бола ичкаридан икита тугун кўтариб чиқишди. Телевизордан, радиодан сел тўғрисидаги хабар бир неча марта қайтарилганига, осмон дам сайин қорайиб, ҳаво нам, тортиб бораётганига қарамай, қишлоқ нечундир сув қўйгандек жимжит эди. Афтидан, одамлар фалокат бостириб келаётганига ишонишмагани ёки ўз уй-жойларини шунчаки тарк этишни исташмаганидан, пинак бузмай туришар эди. Қолаверса, улар кимдир бу ишни бошлаб беришини кутишаётганга ўхшашарди.

Маҳкам ота қайтиб келиб сўри четига ўтирди.

— Лекин сен қип-қизил ваҳима экансан, болам, — тўнғиллади бу гал у Кадеронга. Унинг ҳам ҳозир ҳовли-боғини ташлаб кетишга кўзи қиймаётгани кўриниб турарди. — Нима, Нух замонига қайтасанлар деб бизни кўрқитяпсанми, болам?!

— Нух? Тушунмадим... Бу менинг программамда йўқ. Зиёда бор, Нух йўқ. Мен уни билмайман, — ғудранди Кадерон.

— Нухни билмайдиган одам ҳам бор экан-да! Осмондан тушганмисан, болам? Мен Нух пайғамбарни айтяпман...

— Ҳа, бояги... Нух замонида дунёда энг катта тошқин бўлган-а, дада? — ҳовлиқиб отасининг юз-кўзига қаради Куборо. Бироқ бунга жавобан отаси нима деганини ҳам эшитмай, у беихтиёр хаёлга чўмиб, одамлар орасида асрлар бўйи яшаган машҳур афсонани ғира-шира эслаётгандек бўлди.

Шу аснонинг ўзида унга негадир Кадерон яна бармоқларини «панжара» қилиб қаради. Сўнг эса қандайдир муғамбирона илжайиб, дона-дона қилиб гапиришга тушди:

— Нух.. Нух... Тушунарли... Дунёни ўшанда сув босган. Ер юзи кўринмай, ҳаммаёқ, ҳатто тоғлар ҳам сув остида қолиб кетган. Барча жониворлар, одамлар қирилган. Фақат Нух қайиқ ясаб, унга ўз одамлари-ю, бор жониворлардан бир-бир жуфтини жойлаштирган. У шундай қилиб, ерда ҳаётни асраб қолган...

Ниҳоят, Куборо тугунларни қўлига олди. Маҳкам ота итни занжирдан, бузоқни арқондан бўшатди, неварасини етаклади. Кадерон кечадан бери сўри этагидан турган қора чамадонини кўтариб, йўлга тушди...

* * *

Улар қишлоқдан чиқиб ингичка сўқмоқдан юришганича, шу яқиндаги баланд тепаликка кўтарила бошладилар. Энди осмон қоп-қора булутларга бурканиб, ваҳимали тус олмоқда эди.

Ҳамроҳлар баланд тепаликка кўтарилишиб, чодир тикишди. Бу орада қишлоқдаги бошқа одамлар ҳам уйда қолган мол-ҳоллари, ит-мушукларини судрашиб, сўқмоқда чумоли мисол ўрмалашганча, бирин-сирин кела бошлашди. Ҳадемай тепаликда қатор чодирлар тикишга киришилди.

Кадерон гоҳ у, гоҳ бу одамлар тўдаси ёнига бориб, уларга кўмаклашарди. Ажабланарли жойи, у тўрт-беш киши аранг кўтарган нарсаларни бемалол бир ердан иккинчи ерга кўчираб, оёқларини кериб туриши, қўлларининг мой кесган пичоқдек бир текисда кўтарилиб туриши, умуман бутун хатти-ҳаракати билан одамдан кўра кўпроқ аллақандай кўчма кранни эслатар эди.

Куборо қизчаси бошлиқ бола-бақрани теграсига олган, куппа-кундузи борлиқ худди тун қаърига киргандек қорайган фалокатли бу дамда уларни кўрқувдан, юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай бало-қазодан асрашни кўнглига тугганди. Бир маҳал Кадерон унинг ёнига келди. Шу сонияда Куборонинг ўзи даҳшатли кўрқувга чулғаниб, титраб-қалтираганча, бехос йигитнинг қўлини маҳкам тутди. Қоп-қора ўнгирдек осмонда қандайдир каттакон, яккаю ёлғиз кўз юмилиб-очиличиб турарди.

Куборонинг тафтидан Кадерон сесканиб кетди: хижолат чекдими, таъсирландими, ҳарҳолда Куборога қўшилиб, у ҳам осмонга қаради.

— Бу... бу ни-нима экан?! — пичирлади Куборо.

Кадероннинг ҳам ранги ўчгандек эди.

— Улар... Орқага қайт, дейишяпти... Йўқ, бормайман... Ҳалок бўласан, эмиш... Барибир бормайман. Фойдаси йўқ. Мен программалаштирилганман...

— Ҳеч нарсага тушунмаяпман. У нима ўзи? Қандайдир булут-ку! Кимларни гапиряпсиз? Сизни ким қақиряпти?! — эзилиб сўради Куборо.

— Устоз Кенгэфннинг душманлари... Менга сигнал юборишяпти, — ўз-ўзига гапиргандек оҳангда ғудранди Кадерон. — Менинг тезда орқага қайтишимни сўрашяпти...

— Қайтмасангиз, ростдан ҳалок бўлишингиз мумкинми? — баттар ваҳим босиб, йигитнинг қўлларини қаттиқроқ қисганича сўради Куборо.

— Мени шунчаки кўрқитишяпти... Ортиқча куч сарфлаб қўймасам бас. Менга ҳеч нарса қилмайди. Программани бажаришим шарт!..

— Тушунмадим, — ваҳмдан, қайратдан нафаси бўғзига тиқилиб деди Куборо. — Сиз... фазогирмисиз?.. Қаердан келдингиз?.. Қанақа одамсиз?..

— Айтаман. Кейин... — қисқа жавоб қилди Кадерон. — Чодирга бориш керак...

Одамлар ҳам осмонда бир ўзгариш рўй берганини пайқашдими, шу аснода ҳар ким ўз боласи ёнига югуриб қолди. Куборо қизчасини етаклаб Кадеронга эргашганча ўзларига тегишли чодир томон югурди.

Чодирда Маҳкам ота кўринмас эди.

Кадерон бир четда турган қора чамадонни очиб, аллақандай картон қути олди-да, уни Куборога узатди:

— Мана, буни телевизор экранига улаб кўришингиз мумкин... сал ўтгандан кейин, албатта...

— Бу нима, видеомагнитофон лентасими? — сўради Куборо ҳамон ҳеч нарсага тушунолмай.

— Бу менинг хотира дафтарим, — ғудранди Кадерон. — Ҳаммаси ёзилган...

* * *

Кутилмаганда чодирнинг орқа томонида Маҳкам отанинг кимгадир бўғилиб-бақираётгани эшитилди:

— Кет бу ердан, ифлос, ҳаромтомоқ, кет!..

Улар югуриб ташқарига чиқишди. Маҳкам ота билан яланбош, чопони остидан тугмалари қадалмаган кир кўйлаги кўриниб турган Пўлат-кооператчи юзма-юз туришарди. Пўлатнинг магазини қишлоқнинг ўртасидаги баландроқ жойга қурилган бўлиб, бу ерда озиқ-овқат маҳсулотларидан саноат молларигача сотилар эди. Бир ҳафтадан буён унинг магазинида тафтиш ўтказишаётганлигини ҳамма эшитган, қишлоқда турли миш-мишлар тарқалганди.

Маҳкам ота аламдан титраб, ўртада ўтган гап-сўзни айтиб берди. Магазинчи унинг ёнига келибди.

«Мени сизга икки оғиз илтимосим бор эди, — дебди Пўлат шошиб. — Магазинни ревизия қилишаётганини эшитгандирсиз-а?»

«Қишлоқ жойда гап ётмайди» — дебди Маҳкам ота.

«Шу денг, озгина камомад борга ўхшайди...»

«Текширишади, ҳаммасини аниқлашади.»

«Шундайликка шундай-куя, лекин бола-чақа дегандек. Қанча бўлса ҳам кетавераркан. Билиб айтишаркан-да, «рўзғор — ғор» деб, тирикчиликка ишлатворганман-да бир қисмини, — у Маҳкам отага яқинроқ суришиб шивирлабди: — Шу накладнойларни олиб қолганман, мабодо ҳақиқатан ҳам сел келиб қишлоқни олиб кетгудай бўлса, магазини ҳам оқизади-ку, шунга мана бу актларга қўл қўйиб берсангиз дегандим. Бошқалардан ҳам имзо йиғяпман. Лекин кўрқманг, бобой, сизни рози қилиш мендан...»

Жанжал шундан бошланибди.

Пўлат-кооператчи қариянинг ёнига яқинлари келганини кўриб эсанкираб қолди. У қўлини силтаб, алланималарни гўлдираганча, нари кетди.

Осмон кескин қалдираб, бирдан шиддат билан ёмғир ёға бошлади.

Тепалиқда чодирлар саф чекканига қарамай, одамлар кўпчилиги уларга кириб олишга ошиқмас, ҳеч ким ивиётганини ўйламас эди. Аксинча, одамлар қирнинг баланд бир нуқтасида ғуж бўлиб олишган, сел келганини кўриб, ғамгин қиёфага киришганди. Бошига фалокат тушган қишлоқликлар шу алфозда ўзларининг ҳув пастликда, узоқда қорайиб, худди ўйинчоққа ўхшаб турган уйларига, одатда шовқин солиб югуришиб юришган кўчаларига суқланишиб ва ўксинишиб тикилишарди.

— Бу телевизорга чиққан, меҳмонингиз нима деяпти, ота, сел жуда қаттиқ бўлар эканми?! — Кадеронга имо қилиб, Маҳкам отага савол ташлади қишлоқ мактаби директори Дўстматов. — Уй-жой, мактаб, клуб дегандек ҳаммаси ўпирилмайдими, ишқилиби?

— Кўрқишнинг ҳожати йўқ, ўтади-кетади! — Кадеронни аралаштирмай, жавоб қилди Маҳкам ота. — Тўғонларимиз ҳар қандай селни ушлаб қолади!..

— Бўлмаса нега қишлоқни ташлаб чиқдик! — сўради директорнинг ёнида қаердан-дир пайдо бўлиб қолган мактаб пионервожатайси.

— Ҳар эҳтимолга қарши-да, болам, — тушунтирди Маҳкам ота. — Узоқ йили ҳам сел келган эди, тўғон мустақкам туриб берди, эсларингда бўлса... Бу сафар ҳам шундай бўлади! Тўғрими, ўғлим? — Маҳкам ота Розикқа қаради. Розик — инженер. Тўғондаги ремонт ишлари унинг зиммасида. Ҳамқишлоқлар инженер ўзимиздан чиқди, деб хурсанд.

— Қайдам! — Розик юзини четга бурди.

— Гапинг нега бунақа ланж?! — жаҳли чиқди Маҳкам отанинг.

— Ремонт ишлари унчалик... тугалланмаган-да... шуниси... — тўнғиллади Розик. Унинг патила сочлари ҳўл бўлган, ёмғир томчилари юзига чизиқ тортиб, оқиб тушмоқда эди. У ҳозир бўйнидан сизиб кираётган ёмғирдан сескангандек, елкаларини қисиб, бошини ичига тортиди.

— Йўқ, дунёни сув босса тўпиғинга чиқадими ўзи? — бўғилди Маҳкам ота.

— Тўғон мустақкам. Олдинги галлар ремонтсиз ҳам чидаб берган! — тўнғиллади

Розик

Кадерон — ҳалигина ҳаммани бирдек кўриб, ҳаммага кўмаклашгиси келган, куч-ғайрат билан ишлаган Кадерон, энди бир четда туриб гоҳ Пўлат кооператчига, гоҳ Розик инженерга ғазаб билан тикилаётганини Куборо пайқаб қолди. Кўнглида бу ғалати, адолатпарвар йигитга аллақандай яқинлик сездди. Қани, иложи бўлса ҳозироқ бу йигитнинг хотира дафтари билан танишар эди. Аммо иложи йўқ, қишлоқ, уйлар энди узоқда, ёмғир кўчаларда дарё бўлиб оқяпти, сув дам сайин кўтарилмоқда, даҳшатли тошқин қандай ҳунарлар кўрсатиб, нима билан тугашини билиш қийин...

Куборо, мен бу йигитни дабдуруст ёқтириб қолдимми, нима бало, деган хаёлдан ўзи ҳам чўчиб кетди. Йўқ, шу фурсатдаёқ кўнглида ҳамон Карим яшаётгани, уни кўмсаб ўтаётганини ҳис этди.

Карим бояги Пўлат-кооператчи, Розик бригадирларга ўхшармиди? Йўқ, Карим ҳам олижаноб йигит. У Кадерондан бирон жиҳатдан қолишмайди. Фақат... фақат ҳаёт жуда мураккаб экан. Дунёда кўпинча ёвуз кишилар тез тил топишиб, бирлашиб кетаверишади-ю, эзгу ниятли одамлар қийналишади, ўз-ўзларини ортиқча чегаралаб юришади-ми-е... Бўлмаса, эзгулик неча минг йиллар давомида ёвузликни таг-томири билан қури-тиб юбормасмиди, ахир?!

Куборо Кадеронга яна зимдан қараб қўйиб, ўзининг Карим билан кейинги бутун муносабатини эслади...

Улар учрашиб юришганда ҳам, турмуш қуришганда ҳам бахтли эдилар. Дилдора тўнғилгач, бир-бирларига янада меҳрлари ошиб-тошгандек бўлди. Аммо...

Аввалдан улар орасидаги муносабатда илиқлик билан ёнма-ён бир ғашлик ҳам тўнғилганди. Карим ўзини, мен оиланинг бошиман, менинг оғзимга қарашинг, итоат қилишинг шарт, дегандек намоийшда тутди. Куборо, бўпти, азизим, ҳўкмингиз ҳўкм, сизнинг оғзингизга қарамай, қаёққа ҳам қарардим, деса олам гулистон эди. Лекин, Куборо мағрур, болалиқдан хийла эрка ўсган, сиркаси сув кўтаравермайди. У, менинг сиздан камлик жойим йўқ, сиз мени камситмаслигингиз керак, деб қайсарланди.

Дунёдаги энг катта низолар ҳам икки киши ўртасидаги энг майда зиддиятлардан бошланишини улар яхши билишар... бу ҳақда баъзан бир-бирларига сўзлашар... ҳамма чигаллиққа тушуна туриб, қизиқ жойи, бунга уларнинг ўзлари риоя қилишмас эди.

Дилдора оёққа тургани сайин улар иноқлашиш ўрнига арқонни икки томонга қараб торта бошлашди. Қишлоқда Куборонинг онаси вафот этиши ипнинг чўрт узилишига охири баҳона бўлди.

Куборо ойисига тегишли маросимларни ўтказгач, қизчаси билан Маҳкам отанинг ёнида қолаверди, шаҳарга — уйига қайтгиси келмади. Карим уни бир-икки йўлга солишга уринди. Кейин... Карим ҳам Куборони, қизчасини сўроқлаб қишлоққа қатнамай қўйди... Шу йўсинда, улар бир-бирларини йўқотишди..

Кадерон бу гал Куборо хаёлга чўмганида, унга бармоқлари орасидан қарамади. Лекин кутилмаганда дона-дона қилиб, Куборога сўз қотди:

— Қайғурманг... у келади... у... келяпти...

Куборо, кимни айтяпсиз, буни сиз қаёқдан олдингиз, деб сўрамоқчи эди, шусиз ҳам ҳамма нарса маълум эканлигини ҳис этиб, нафасини ичга юта қолди. Бу одам ростдан ҳам телепатми, нима бало, унинг олдида бундай эркин хаёл ҳам суролмайсан, кўнглингдан кечганини очиқ китобдай ўқиб ташлайверади.

Куборо яна Кадероннинг кимлиги, қаердан келгани тўғрисида ўйлади ва яна бу саволлар унинг хаёлида жавобсиз қолди...

* * *

Ёмғир кучайган, қишлоқ кўчасида сув энди дарё бўлиб оқарди.

Тепаликда тўпланган одамлар узоқдан даҳшатли наъра тортиб кўтарилаётган сувга карахт бир ҳолда тикилишганди.

Кўп ўтмай, тўлқинлар тўғонларни зарб билан бузиб, қаршисидаги қишлоғу даладаштни қаърига олганича, ҳайқириб йўлга тушди.

Қишлоқ кўчаси кимсасиз, бўм-бўш эди.

Фақат дарвозаларгина кучли шамолда ғийқилаб-шарақлаб очилиб-ёпилгани, ҳовлиларга бостириб сув кираётгани кўриниб турарди.

— Қишлоқда ким қолганди? Биров... қара, анави ким? Анув... — қичқиради бехосдан тепаликдаги одамлардан кимдир.

— Эсингни едингми?

— Йўқ, қаранглар... ана... ҳув...

Ҳамма энди кўзларини йириб, қишлоқ томонга тикилганди.

Дарҳақиқат, қишлоқ томонда, сув юзида бировнинг қораси кўзга ташлана бошладди...

У негадир Маҳкам отанинг дарвозаси олдидаги ёнғоққа чирмашарди. Ёнғоққа чиқолмади. Қишлоқ кўчаси бўйлаб у ёқ-бу ёққа телбаланиб югуришга тушди...

Ниҳоят, кўлида кўғирчоққа ўхшаш алланимани маҳкам тутиб, сув юзида қалқиб-қалқиб оққанича, тепаликка олиб чиқадиган сўқмоқ йўлни қидираётгандек бўлди. Сув унинг ўзини кўғирчоққа айлантирган, бу жаҳаннам қаъридан қутулишига умид йўқ эди...

Куборо эс-ҳушини йўқотиб қўйганди. Ким бу? Наҳотки, Карим бўлса? Йўқ! Унақа бўлиши мумкин эмас!..

Тепаликдагилардан бир неча киши, уни қутқариш керак, деб олдинга интилишди. Аммо сув яқинига келар-келмас, кучли тошқин шамолининг ўзи уларни беш-ўн қадам орқага итқитиб ташлади.

Гумбурлаётган осмон, челақлаб қуяётган ёмғир остида, қутурган шердек ўзини ҳар томонга ураётган сув ўрқачида номаълум киши ҳамон типирчилар, тепаликка йўл топишга уринарди.

Кадерон Куборога разм солаётгандек, унинг қиёфасини ўрганиб, кўнглини билмоқчидек, бир муддат тикилиб қолди. Сўнг бу гал у даст олдинга суриниб, сув бўйига борди.

— Қодир ака!.. Нима қиялпсиз, Қодир ака?! — ҳайқирди Куборо, унга беихтиёр талпиниб.

Кадерон орқага қайрилиб, Куборога майин жилмайди. Танишганларидан буён биринчи марта унинг кўзлари чарақлаб порлаётгандек бўлди.

У шиддат билан ўзини сувга урди.

Йўқ, Кадерон сувда сузмас, балки моторли қайиққа ўхшаб бир маромда юзаётгандек эди. Шу йўсинда илдам суриниб, гоҳ сувга ботиб, гоҳ бошини сувдан аранг кўтараётган номаълум кишига яқинлашди. Ҳолдан тойган кишини энгил бир ҳаракат билан кифтига юклаб, изига қайтди.

Маҳкам ота, мактаб директори Дўстматов, қишлоқлик бошқа йигитлар ёрдамга ошиқишди. Улар биринчи навбатда сувга чўккан кишининг оёқ-қўлларини ҳаракатлантириб, ичига ютган сувни чиқариб ташлаш пайдан бўлишди. Кейин бир ўлимдан қайтган йигитни Маҳкам отанинг қодирга киритиб ётқизиб қўйишди. Куборо, отасига, унинг ёнидагиларга югуриб-елиб кўмаклашди. У номаълум кишини, сувдан олиб чиқилгандаёқ — гарчи ранг-рўйи ўзгариб кетган бўлса ҳамки, дарҳол таниди. Бу Дилдоранинг яхши кўрган кўғирчоғи — кўзлари мунчоқ айиқчани ҳолдан тойганда ҳам қўлидан қўймаган Каримнинг ўзгинаси эди.

Ниҳоят, Куборо ҳамма қатори Карим билан ўралашиб, Кадеронни эсдан чиқаришганини пайқади. Ахир, Кадероннинг ҳолидан ҳам хабар олиш, унга ҳеч бўлмаганда миннатдорчилик билдириш керак эди-ку!

* * *

Куборо ҳаяжонланиб, алланечук даҳшатга тушиб, ўзини чодирдан ташқарига урди... Кадерон нақ пастликни тўлдириб бораётган сув бўйида, лойга қоришган бир ҳолда

чўзилиб, тушуниксиз тилда нималарнидир гўлдираб ётарди. Гавдаси оғирлашиб кетганидан, одамлар уни сувдан жилла берироққа ҳам суришолмабди! Бунинг устига, дам-бадам зулматни ёриб чарақлаган чақмоқда нечундир Кадероннинг ранги гоҳ яшил, гоҳ эса заъфарон тусга кириб турар, унинг юмуқ кўзлари ўз-ўзидан ичга чуқур тортиб, кичрайиб борар эди.

— Қодир ака!.. Сизга нима бўлди, Қодир ака?

Кадероннинг кўзлари бирдан ярқ этиб очилди.

— Куборо... Сизга икки оғиз... — гудранди Кадерон. — Бошқалар кетсин...

Одамлар уларни ёлғиз қолдириб, нари кетишди. Куборо йигитнинг ёнига тиз чўкди.

— Мен жуда кўп энергия сарфладим. Бу менинг программамда йўқ эди! — гудранди яна Кадерон. — Энди яшаш қийин. Ҳалок бўладиганга ўхшайман...

— Ундай деманг, Қодир ака. Илтимос... Сиз яшайсиз. Яшайсиз... — пичирлади Куборо. Шунинг баробарида, у шошиб энгашганича, йигитнинг кўксига қўлини босди. Кадероннинг юраги нотекис чиқиллаган соат сингари жуда секин урар эди.

Куборо беихтиёр ҳиқиллашга, сўнг ўксиб-ўксиб йиғлашга тушди. У ўзини унутиб, далда, мадор бўлгиси келганидан йигитни қучиш, эркалашни ўйлади. Аммо шу аснода унинг Кадеронга теккан қўлларига қандайдир кукун ёпиша бошлади. Бу кукун зулмат-зимистонни чекинтириб Куборонинг кафтларидан шуъла таратганча бир оз ярақлаб турарди-да, кейин шариллаб қуяётган ёмғир сувида ювилиб-ювилиб кетарди.

Куборо йиғлар, эс-хушини йўқотган эди.

Кутилмаганда Кадерон, кўзлари катта очилиб, яна тилга кирди. У дона-дона қилиб, бу гал аниқ-тиниқ гапирди:

— Мен сўз берганман... Чамадонда расм бор. Зиёда... Уни сиз топинг, Куборо. Ўтинанаман. Гап шу... топиш керак! «Сизни барибир устоз яхши кўрарди! — дейиш керак». «Осмонда узоқ қолиб кетганига қарамай, яхши кўрарди. Ердан, сиздан узилиб қолганига қарамай...» У балки энди ҳалок бўлгандир. «Устоз ўлганда ҳам сизни унутгани йўқ!» — дейиш керак!.. Яхши кў-рар-ди... Мен ҳам... Сизни-и яхши-и кў-ра-ма-а-анн...

Куборо қисқа муддат ичида, эзгу нияти, олижаноб хатти-ҳаракатлари биланми, сирлилиги, аллақандай саргардонлиги биланми ўзига қадрли, азиз бўлиб қолган Кадеронга тикилиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Кейин...

Кейин, ҳамма нарса бир зумда содир бўлди...

Чақмоқ чақнади. Кадерон бир ҳовуч қуруқ ўтиндек бехос гув этиб ёнди-ю, унинг ўрнида, ерда бир кафтгина яшилтоб — заъфарон кукун қолди...

* * *

Сел тинди...

У катта талафот келтирди. Лекин одамлар қўлга қўл бериб, елкага елка тираб, қишлоқда улуғвор қурилиш ишларини бошлашди. Кўп ўтмай, осмонга ўрлаган тепалик этагида янги қишлоқ қад кўтарди...

Куборо Карим билан энди бахтли, иноқ яшашар эди. Бироқ Куборо Кадеронни ҳеч қачон эсдан чиқара олмасди. Бу йигитни у ўз бахтининг ҳам сабабкори деб биларди. Ҳовли-жой тартибга тушгач, Куборо бир куни Кадерон тўғрисида яна ўйга чўмди. Йигит қўлига топширган қоғоз кутини, ундан ёдгор қолган чамадонни эслади.

Шошиб, ҳаяжонланиб кутини топганича, телевизорга улади. Шу пайт... Кадероннинг хотира дафтарида... қандайдир шарсимон планета, афти-ангори ғалати одамлар кўрина бошлади.

Улар текис зиналардан кўтарилишмоқда.

Сўнг, қандайдир шарсимон камерага чиқишди. Энди улар қоронғуликда гўё чексизликка сингиб кетаётгандек, вазмин суриниб боришарди. Гувуллаган даҳшатли товуш эшитилиб, шарсимон камера эшиги очилди.

— Бирон нарсага тегиб кетманглар. Тизилиб, битта-биттадан юринглар! — буйруқ берди йўлбошловчи.

У ниҳоят тўхтаб, қандайдир кнопкаларни босди. Рўпарадаги ингичка ёруғлик таратиб турган эшик шарақлаб очилди.

Улар кенг, аммо шифти паст хонага кирдилар.

— Қани, жойлашиб олинглар, — деди хонада уларни кутиб ўтирган митти киши. Ҳамма ўтиргач, олдидаги қатор тугмаларни босди. Каттакан ойнада туманлар орасидаги қандайдир думалоқ жисм жонланди.

— Бу «X» планетаси, — деди миқти киши. — Манави қорайиб кўринаётган объектлар қуруқлик, мана булари сув... — У бирдан тутилиб, гангиб қолгандек бўлди. — Буниси нима экан? Янгилик! Бу олдин йўқ эди-ку!..

— У балки бирон бир қуролдир, жаноби Рор робот?! — деди ўтирганлардан бири.

— Улар балки бирон янги ракета учиришгандир? — деди бошқаси.

— Йўқ, йўқ, — бош чайқади Рор робот. — Бу қурол ҳам, ракета ҳам эмас...

— Бу бизни ўрганиш учун ишлатилаётган объект бўлиши мумкин! — деди ўтирганлардан учинчиси.

— Кенгэфни келтиринглар, буни у билмаса... — тўнғиллади Рор робот.

Ўтирганлардан четдаги иккитаси чиқиб кетди. Зум ўтмай, улар сочи тўкилиб, мункиллаб қолган чолни судраб киришди.

— Бу? — Билмадим... Бунга илмий жавоб беришим учун ўз камерамга бориб, ўша ердан туриб кузатишим керак, — деди чол.

— Бўпти. Сени мана бу робот кузатиб боради. Кейин келиб бизга натижасини айтади, — инжиб тўнғиллади Рор робот.

— Мен ҳам борсам майлими? — деди ўтирганлардан бири ўрнидан сапчиб туриб.

— Ким бу? — Рор роботнинг овози дағдағали эшитилди.

— Кадеронэнонтауэр, — деди йўлбошловчи. — Қобилиятли талабалардан...

— Майли, бор, — сал ижирғангандек оҳангда деди Рор робот.

Бошқа хонага кириб келишгач Кенгэфнн телескопни номаяълум нуқтага тўғрилади.

— Улим кометаси... — деди чол ўйчан. — Бу комета мабодо океанга тушса борми, бутун планета сув остида қолиб кетади. Қуруқликка тушса баттар бўлади.

— Унинг олдини олиб бўлмайдами, устоз? — қизиқсинди Кадерон.

— Аслида-ку, кометани портлатиб юборсак бўлади. У майда-майда метеоритларга бўлиниб кетади. Лекин...

— Нима, лекин?

— Планеталарнинг тортиш кучи таъсирида ўша томонга йўналаётган кометанинг бирорта метеорити ўз йўналишини сақлаб қолиб барибир планетага бориб тушади.

— Унинг ҳам йўналишини ўзгартирса-чи? — тоқатсизланди Кадерон.

— Рор робот бунга рухсат бермайди! — деди Кангэфнн. — У Ер планетасини офатдан сақлаб қолайлик, деганим учун мени қамаб қўйган-ку, ахир! — Устоз ҳорғин жилмайди. — Барибир, ҳаракат қилишимиз керак...

— Сенлар Рорга қарши экансанлар-да! — бақирди кузатувчи робот уларга, кўзларида кўкимтир олов ёниб. Сўнг ҳамла қилмоқчи бўлиб, кўлидаги чўқморни юқори кўтарди. Бироқ шу пайт Кенгэфнн чўнтагидан тузга ўхшаш алланимани чиқариб роботнинг юз-кўзига сепди. Чаққонлик билан қилинган бу ҳаракатдан робот чайқалиб кетиб, гўрсиллаб кулади.

Устоз Кадеронга мулойим тикилди.

— Сен ўзимнинг шоғирдимсан, Кадерон, — деди мамнун. — Яхшиямки, бир қорҳолимга ярайди, деб сени яратган эканман... Мен зах қалъада ётавериб, суякларим чириди, мадорим йўқ. Лекин сен бу вазифани бажаришинг шарт. Кометани парчалайсан, метеорит йўналишини ўзгартирасан. Аммо Ернинг қайсидир нуқтасида комета йўналиши туфайли мислсиз кучли ёғин рўй беради. Сен одамларга кўмаклашасан. Мана, бу программа асосида...

— Тушундим, устоз. Ген камерасига кириб, сиз ихтиро этган...

— Худди шундай... Яна бир гап. Мен сенга ҳис-туйғу ҳам бахш этиб, сени буткул инсонлаштирмоқчи эдим. Иложим бўлмади. Рор сени ҳиссизлик руҳига мослаштирди. Мен — асли Ер планетасиданман. Ер юзида муҳаббат деган нарса бор. Ҳаёт нима, муҳаббат нима, сен билмайсан. Лекин мендан Зиёдага салом етказ... Мен унинг олдида айбдорман. Айт... Узинг муҳаббат тўғрисида барибир ўйлама, хўпми? Чунки, энди сен муҳаббатни ҳис этсанг, ортиқча зўриқиб, программани бажаролмай, ҳалок бўлишинг мумкин... Оқ йўл сенга ўғлим...

Устоз одам миясига ўхшаш қандайдир нарсани олиб, Кадероннинг бошига ўрнатди. Кейин, мурватларини бураб, уни ген камерасига киритди. Камерага қора бир чамадонни ҳам жойлаштирди.

Ана, ниҳоят Кадерон ўрнашган камера шарсимон планетадан узоқлаша бошлади.

...Куборо, демак, Кадерон устоз иродаси билан координаталарни солиштириб, комета оқими қайси жойга тўғри келса, ўша ерга биринчи бўлиб ошиққан, шу баҳонаи сабабдан бизнинг қишлоғимизга келган экан-да, деб ўйлади. Бу йигит одам эмас, осмондаги одам иродаси билан яратилган робот экан-да, деган хаёлга ҳам борди. Аммо бунга унинг ишонгиси келмади. Йўқ, роботга бало борми, ахир у дуппа-дуруст одам эди-ку!..

Куборо телевизорни ўчириб ғаладондан чамадонни кўтариб чиқди. Очди.

Чамадонда чиндан ҳам расм — гўзал бир аёлнинг расми бор эди. Ажабланарли жойи, аёл қайсидир жиҳатлари билан Куборога ўхшаб кетарди. Қош-кўзлари, бодом қовоғи, кулча юзи... Қизиқ, ким бўлди бу? Зиёда... Зиёда... Балки унинг катта бувисидир! Балки катта бувисининг бувисидир! Балки минг йил аввал яшаган аждодидир? Ахир, осмонда вақт Ердагидан фарқ қилади-ку? Куборо олим, Кадероннинг васиятини қандоқ адо этсин...



Акбар Юнусов

Тундаги воқеа

Ҳикоя

Ярим кеча. Қоронғи дарахтзордан ўтиб бораётган ёш ёзувчининг йўлини қора шарпа тўсиб, таҳдид билан:

— Тўхта! — деди.

— Хўп бўлади, — деди ёш ёзувчи мулойимлик билан. — Ассалому алайкум, яхшимисиз, аҳволларингиз яхшими? Соғлигингиз?

— Дўхтирмисан, соғлиғимни сўрайсан! Пулни чўз, ҳаммасини! Намунча имиллайсан?

— Пул оз эди-да, ака. Атиги беш сўм. Ушани ҳам хотин картошка олиб келасиз деб берган эди.

— Қурумсоқ! Майли, бориға барака. Мўмин-қобил бола экансан, муштлашишдан кўрқасанми?

— Жинни бўлибманми сиз билан муштлашиб...

— Мабодо сўксам-чи? Бутун авлодингни авра-астарини ағдариб, етти пуштингни мозорини очиб? А?

— Бемалол, биз адабиёт оламида яшаймиз. Сўкишни таҳрир қилиб ташласак эшитмагандек бўлиб кетамиз.

— Кучинг етмаса бақир! Милиция чақир!

— Қўйинг-е, ака, эсимни ебманми!

— Лаққа гўшт экансан-ку! Қани, соатни еч. Ия, бу ўзимизники-ку, қирқ сўмлик. Тузукроқ соат тақиб юрсанг ўласанми!

— Илтимос, олаверинг! Уч йилдан кейин китобим чиқади. Ушанда албатта чет элникидан оламан-да, кечаси яна шу ердан ўтаман, хўпми, ака?

— Келишдик. Ия, шошма! Қаёққа? Костюмни еч. Оббо, бу қанақаси, костюм эмас, латта-ку бу!

— Ўн икки марта химчисткага берганман-да, ака!

— Майли, старийвешчиларга пулларман.

— Туфлимниям ечайми? Чап пойидан сув сизади-да. Майли, қалинроқ пайпоқ кийсангиз...

— Мени ким деб ўйлаяпсан, аҳмоқ! Йиртиқ туфлингни бошимга ураманми! Қани, бир жўнаб қол-чи! Тезроқ!

Ёш ёзувчи йўлтўсарга мўлтираб қаради.

— Қаёққа қочай?

Талончи хахолаб кулиб юборди.

— Анави лойли чуқурдан ўтгин-да, қуённинг расмини солавер!

Ёш ёзувчи уйига ҳансираб кирганда хотини тахта бўлиб қолди. Совуқдан кўкариб кетган, лойга ботган ёш ёзувчи воқеани айтгач, хотини бақириб берди.

— Нега додламадингиз? Нега қочмадингиз?

— Ақлинг борми ўзи! Қоронғида яхши кўрмадим-ку, аммо туриш-турмуши нақ машҳур танқидчимизга ўхшайди. Овози ҳам худди ўзи. Эсимни ебманми, дод солиб. Эртага асаримни авра-астарини ағдариб ташласа нима қиламан, хотини!

БАРҲАЕТ СИЙМОЛАР

Мутап Холмуҳамедов. Шижоатли ва ҳалол адиб 3

ШЕЪРИЯТ

Усмон Азимов. Ватандан бошқа бир сўз қалбима мос тушмади 6
 Исмоил Тўхтамишев. Изтироб 11
 Исмоил Тўлаков. Қуёшли уфққа тикаман нигоҳ 86
 Собит Мадалиев. Рухимни, қалбимни поклар бу мақом 88
 Низомжон Парда. Юрак тўфон, тўлқин бўлиб уради 118
 Олимжон Бўриев. Сенга талпинарди қалбим беором 120
 Амирқул Каримов. Усаётган вақт 125
 Ҳамроқул Асқар. Мен сени ҳамиша севиб яшадим 127
 Сотим Аваз. Ҳақиқат энг буюк кашфдир 138

НАСР

Пиримқул Қодиров. Авлодлар довони. Роман 14
 Ашурали Жўраев. Юрак бўронлари. Ҳужжатли қисса 91
 Ўринбой Усмонов. Тераклида тўй бўлди. Ҳикоя 122

ДИЛЛАРДАН ДИЛЛАРГА

Маъсуд Юнусов, Сергей Каленикин. Бир том остида яшаганда 130

ҚИТЪАЛАР ҚЎШИҒИ

Р. Ф. Ретамар, Н. Гильен, Э. Флорит шеърлари 140

ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР

Обиджон Жуманазаров. Деҳқон ташвиши 144
 Шокирали Нуралиев. Қарорда — янгича, амалда — эскича 153

ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ

Шукрулло, Нўмон Раҳимжонов. Халқ дардини жойладим дилга 159

АДАБИЙ ТАНҚИД

Муҳаммади Жуманов. Беором юраклар йўлдоши 167

ҲАМЗАХОНЛИК

Бахтиёр Назаров. Жасоратда тобланган ижод 172

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Темур Тўрабоев. Бир образнинг икки талқини 177

ТАҚРИЗЛАР

Жовли Хушбоқов. Рухий олам манзаралари 181
 Раҳмон Иномхўжаев. «Порлоқдир келажаги бу йўлнинг» 183
 Фозила Сулаймонова. Энди навбат асл нусхага 185
 Сано Саидов. «Синчалак» немис тилида 189

АКС-САДО

. 191

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Фазилат Ҳожикүлова. Куборо ва ярим одам. Қисса 195

ГУЛҚАЙЧИ

Акбар Юнусов. Тундаги воқеа 205

СП-1

Министерство связи СССР
„Союзпечать“

АБОНЕМЕНТ на газету **75458**
«ШАРК ЮЛДУЗИ» журнал (индекс издания)

(наименование издания)										Количество комплектов	
на 1989 год по месяцам:											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда _____
(почтовый индекс) _____ (адрес)

Кому _____
(фамилия, инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

на газету **75458**
«ШАРК ЮЛДУЗИ» журнал (индекс издания)

п. в.	место
-------	-------

(наименование издания)

Стоимость	подписки	руб. _____ коп.	Количество комплектов
	пере-адресовки	— руб. _____ коп.	

на 1989 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Куда _____
(почтовый индекс) _____ (адрес)

Кому _____
(фамилия, инициалы)

ПРОВЕРЬТЕ ПРАВИЛЬНОСТЬ ОФОРМЛЕНИЯ АБОНЕМЕНТА!

На абонементе должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонементе проставляется оттиск календарного штемпеля отделения связи. В этом случае абонемент выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресования издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах Союзпечати.

Заполнение месячных клеток при переадресовании издания, а также клетки «ПВ—МЕСТО» производится работниками предприятий связи и Союзпечати.

Зак. 254—15.000.000—81 г.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 9

Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1988

Техник редактор **А. Ҳайдаров.**

Рассом **Ғ. Алимов.**

Корректор **М. Имомов.**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 05.07.88 й. Босишга рухсат этилди 22.08.88 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆.
Р-17624. Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт
ҳисоб листи 20,2. Тиражи 170882. Буюртма 3889.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли
босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41.